

Н. ТРУБЛАНИ

„КОЛУМБ“  
ШҲУНАСИ

*Повесть*

*А. Лурье расмлари*

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ - 1958

*Детгизнинг 1958 йилги нашридан*  
**С. М У Ҳ А М М А Д Ж О Н О В**  
таржимаси

Украин совет ёзувчиси Николай Петрович Трублаини 1907 йилда туғилди. Унинг отаси ўрмон саноатида ишлар, онаси эса қишлоқ ўқитувчиси эди. Николай гимназияни тамомлагандан кейин ўқий олмади, мамлакатда бошланган граждандар уруши бунга ҳалақит берди, лекин у ўз устида қунт билан ишлади, кўп мутолаа қилди.

Николай Трублаини журналист бўлишни орзу қиларди. У 1925 йилда Харьковга келиб, журналистика курсига кирди. Уни битириб чиққач, республиканинг «Вести» газетасида махсус мухбир бўлиб ишлади.

У кўп саёҳатлар қилди. «Литке», «Сибиряков», «Русанов» муз ёрларарида 1929, 1930 — 1933 йилларда қутб экспедицияларида иштирок этди. Арктикага биринчи саёҳатидан сўнг, у «Тропиклар орқали Арктикага», «Одам Шимолга ошиқади» деган китобларини ёзди. Шу темда у ўндан ортиқ китоб ёзган.

Николай Трублаини болалар билан жуда аҳил эди. Бу эса улар ҳаётидан яхши китоблар ёзишига ёрдам берди. «Саёҳатчилар», ««Колумб» шхунаси» повестларида ёзувчи асл ватанпарварлар, мард совет болалари тўғрисида ҳикоя қилади.

Н. П. Трублаини 1941 йилда фашист босқинчиларига қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.







## БИРИНЧИ ҚИСМ

1 боб

### ЗОНТ КУТАРГАН НОТАНИШ ҚИЗ

Марко маякда ушланиб қолганига афсусланарди. Энди йигитча елиб-югуриб борарди. Қора булутлар осмонни қоплаб олди; денгизнинг катта-катта тўлқинлари қирғоққа бир текисда келиб урилиб турарди: ҳавода ғир этган шабада йўқ, одамлар момақалдироқ бўлишини шундан биладилар. Ҳадемай шамол туриб, бу тинчликни бузади-да, ерга биринчи йирик — оғир томчилар тушиб, ёз жаласидан дарақ беради.

Соколинийгача яна бир ярим километр қолганди. Утўланлар орасида кўзга зўрға чалиниб турган сўқмоқ денгиз бўйидан бошланиб, ўтлоқлар орасидан тўппа-тўғри балиқчилар қишлоқчасига олиб борарди.

«Колумб» шхунасининг юнгаси Марко бугун уйига, отаси кузатувчи бўлиб ишлайдиган маякка борганди. Эрталаб шхуна Лебединий оролидаги кўрфазга балиқ ортиб кетгани келди; у энг яқин портга, консерва заводига балиқ таширди. Маълум бўлдики, Соколиний қиш-

лоқчасидаги балиқчиларнинг ови ўша куни ўнгидан келмаган экан: балиқ жуда кам эди. Шкипер кўрфазда бир кун қолиб, моторни тозалamoқчи, кейин икки кунлик балиқни ортиб, портга жўнамоқчи бўлди. Ўз оролида қўққисдан тўхтаб қолганларидан фойдаланиб, юнга уйга, маякка бориб келиш учун шкипердан бир неча соатга рухсат сўради. Аммо уйда кўп бўлолмади. Осмонда ёмғир қуядиган қора булутлар йигилаётганини кўриб, кемага тезроқ қайтмоқчи бўлди-ю, лекин уйдагилар қўйишмади: унга атаб мазали овқат ва гўштли пирожки пиширдилар. У ҳозир онаси «Колумб» командаси учун пишириб берган пирожкилар билан тўла корзинкани кўтариб келарди.

Юнга елиб-югуриб борар экан, олдинда қорайиб кўринган одамга: «Бу ким бўлди экан» деб қарарди. У ўзининг митти оролчасида ўн етти йил умр кўрган, оролдаги санoқли одамларнинг ҳар бирини бир километр жойдан ҳам яхши таний олар эди. Мана, у олдинда бораётган одамга етай деб қолди; юнга биринчи марта кўраётган бу одам бир қиз эди. Қиз нима учундир тез-тез тўхтаб, ерга энгашарди: афтидан, гул тераётган бўлса керак. Қўлида таёқчаси ҳам бор.

Шамол гур этиб уриб берди-ю, ўт-ўланларни, кичикроқ ботқoқ устида девордек қалин ўсган кўк қамишларни тебратиб ўтди, қуруқ бир шoхни учириб кетди — бўрон бошланиб келарди. Денгиз кумушдек товланиб мавж урарди.

Шамол Марконинг орқасидан уриб, юришини осонлаштирарди. Юнга таёқ кўтарган нотаниш қизга етай деб қолди. Қизнинг кимлиги, буларнинг оролида нима қилиб юргани юнгани жуда қизиқтириб қолди. Унга элик қадамча қолганда, бирдан яшин осмонни тилиб ўтгандай бўлди, бир ондан кейин тўсатдан момақалдироқ гулдуради-да, ерга биринчи оғир томчилар тушди. Нотаниш қиз тўхтаб, таёқчани юқори кўтарган эди, тепасида парашютга ўхшаб зонт очилди. Марко қизга етиб олди, қараса — қиз ўзига қарийб тенгдош экан. Нотаниш қиз зонтик сопини маҳкам ушлаб олибди, шамол эса зарб билан урилиб, уни қизнинг қўлидан учириб кетмоқчи бўларди. Қиз кўринишидан шаҳарлик эди: эгнида енги калта кўк кўйлак, оёқларида сандал, бошида oқ берет. Тўғриси, нотаниш қизни обдан кўриб олишга Марконинг вақти ҳам йўқ эди, борди-ю, ярим соатдан кейин

ундан қизнинг сочи сариқмиди, ёки қорамиди деб сўраб қолсалар, эҳтимолки, у бунга жавоб бера олмаган бўларди. Юнга қаршисидаги қизнинг бу ороллик эмаслигига ишонч ҳосил қилгач:

— Тезроқ! Тезроқ! Қишлоқ олдидаги зовурни сув босмасдан ўтиб олайлик, бўлмаса ундан ўтолмайсиз!— деб қичқирди.

Шундан кейин улар ёнма-ён кетишди.

Соколинийга кираверишдаги кичкинагина зовур жала қуйган вақтларда шўх сойга айланиб кетарди, шунда ундан ўтишнинг сира иложи бўлмасди.

Бундай вақтларда одамлар ё маякка қайтишиб, ёмғирнинг тиниши ҳамда сувнинг камайишини кутишарди, ёки таваккал қилиб қайиққа тушарди-да, катта хавф остида денгиз орқали қишлоқчага ўтишарди.

Ёмғир шаррос қуйиб юборди, манзилга етиб олишга ўн минутлик йўл қолганда балиқчилар қишлоғни устини кўкиш парда қоплади. Қиз Марконинг ёнига келиб зонтикни унинг ҳам боши тепасига тутди.

— Бирга кетамиз!— деб қичқирди қиз.

Қаттиқ шамол зонтикни қўлдан юлиб, тез юришга ҳалақит берарди, лекин ёмғирдан ҳимоя қиларди. Нотаниш қиз билан ёнма-ён борар экан, хоҳ зонтик бўлсин, хоҳ бўлмасин, барибир ивиб кетаман,— деб ўйлар эди Марко,— шунинг учун биронта балиқчининг уйига кириб, кийим-бошимни қуритиб чиқсаммикан — ахир «Колумб»-да фақат битта кичкинагина рубка бор, холос.

Оёқлари баъзан тиззагача келадиган ҳўл ўт орасида чалишиб-чалишиб кетарди, юриш қийин эди. Ниҳоят зовур бўйига етиб бордилар. Зовур тагида аллақачон ариқча бўлиб оқа бошлаган сув одамнинг кўзи олдида кўпайиб борарди. Зовурнинг чуқурлиги ярим метрдан ортмасди. Зовурдан ўтадиган одамларга кўприк вазифасини бажарадиган бир неча катта-катта тошларни сув деярли кўмиб юборганди. Улар яна ўн-ўн беш минут кечикиб келсалар — бу ердан ўтишнинг иложи қолмаслигини Марко биларди. Йигитча сувга тушиб қўлини ҳамроҳига узатди. Қиз унга ҳайрон бўлиб, ҳатто жаҳли чиқиб қаради:

— Нега сувга тушиб олдингиз? Мен ўзим ҳам...

Лекин у қизнинг гапини бўлиб қичқирди:

— Утинг тезроқ!

Улар зовурдан ўтиб олишлари биланоқ тошлар сув тагида қолиб кетди.

Ёмғир тинмасди. Энди Соколий қишлоқчасининг энг четидаги уйларга етиб олишга юз қадамча қолганди. Бир-икки минутдан кейин Марко билан нотаниш қиз ҳалқоб сувлар кесиб ўтган кўчага кирдилар.

— Сиз қаёққа борасиз?— деб сўради қиз.

— Пристанга.

— Бўпти, мен сизни кузатиб қўяман. Йўлимиз бир ҳисобида экан.

Кўчадан ўтишди, бир тарафга бурилиб денгиз бўйига келишди. Кўрфаз денгизга нисбатан анча тинч эди, фақат майда-майда тўлқинлар кўпикланиб турарди. «Колумб» соҳилдан нарироқда лангар ташлаб, чайқалиб турарди. Тўлқинлар кичкинагина ёғоч пристанга келиб урилар, балиқчилар соҳилга чиқариб қўйган шаланда<sup>1</sup> ва каюкларга етай-етай деб, шўхлик билан қум устига ўрмалаб чиқарди.

Балиқчи Тимофей Бойчукнинг уйи олдига келганларида, Марко ҳамроҳига ташаккур айтиб хайрлашди.

— Арзимаиди. Ҳозирча хайр!— деб жавоб берди қиз.

Марко кўча эшикни очди, ёмғир уриб турганига парво қилмай, ўша ерда тўхтаб, нотаниш қизнинг орқасидан қараб турди. Қўшни уй олдидан ўтгач, қиз орқасига ўгирилиб қаради. Марко уялиб кетиб ўзини ичкарига урди.

У нотаниш қизнинг қаёққа кетганини жуда ҳам кўргиси келса-да, энди тўхтамади, орқасига қайрилиб ҳам қарамай, тўғри эшик олдига келди, оёқларининг лойини тош зинага сидирди-да, даҳлизга кирди. Ичкаридан таниш одамларнинг овозлари эшитилиб турарди. Бойчукнинг уйига қўшни балиқчилар тез-тез келиб туришарди. Унинг уйи денгизга жуда яқин эди; икки деразаси соҳилга қарарди; шунинг учун ёмғир ёғишда шаланда ва қайиқларни шу ердан кузатиб туриш жуда қулай эди.

Марко ичкари кирди, саломлашгандан кейин, кийим-бошларини қуритиб олишга рухсат сўради. Хўжайин уни дарҳол шинамгина ошхонага бошлаб кирди. Печда олов гуриллаб ёнарди. Исиниб ўтирар экан, юнга балиқчилардан бирининг сўзини эшитди:

— Уша қумда ҳикмат кўп. У ўша қумни деб қизи билан бу ерга бутун ёзни ўтказгани келди...

---

<sup>1</sup> Ш а л а н д а, к а ю к — балиқчиларнинг қайиқлари.

## «КОЛУМБ»ДА

«Колумб» шхунаси Рибтрестники эди. Бу кема кўри-нишидан у қадар катта бўлмаса ҳам, унга дунёнинг юки сиғарди. «Колумб» моторларини ишга солиб, соатига беш олти миль йўл босар, елканларининг кучи билан эса, йўловчи шамол эсган вақтларда, бундан бир ярим марта тезроқ сузарди. Баъзан «Колумб»ни денгизга балиқ ови-га юборишарди, лекин кўпроқ у балиқ тўр ва ҳар хил асбоб-ускуналар таширди. Кейинги вақтларда «Колумб» балиқчилик артелларига бормай қўйди, уларнинг тутган балиғини ортиб, Рибтрестнинг Лебединий оролидан йи-гирма беш милча узоқдаги курорт шаҳари яқинига туш-ган консерва заводига таширди.

Шхунанинг қачон ва қаерда қурилганини ҳеч ким билмасди. Денгиз уни граждандар уруши вақтида, ярим чўккан, мачтаси синган ва борти пачоқланган, рулсиз (у вақтда кеманинг мотори йўқ эди) бир ҳолда соҳилга чиқариб ташлади. Бортида «Колумбъ» деган ёзув сақла-ниб қолганди.

Бир неча ҳафтагача шхунага ҳеч ким тегмади. Кейин балиқчи Стах Очерет кемани соҳилдаги қум устига тор-тиб чиқариш ва килини тошлар билан ўраб қўйишга ўр-тоқларини кўндирди. Икки йилча шхуна балиқчиларнинг болаларига эрмак бўлди, болалар унинг олдида жон деб ўйнашар, ёзнинг иссиқ кунларида унинг соясига яширни-шарди. Ниҳоят учинчи йили яна ўша Стах Очеретнинг ўзи сельсоветга келиб, шхунани тузатишни сўради. Ке-мани ремонт қилдилар, янги мачта ўрнатдилар, рулини тузатдилар, кичкинагина рубкасини яхшиладилар ва «Колумб» деган ёзувнинг охиридаги «ъ»ни ўчириб таш-ладилар.

Стах Очеретни «Колумб»нинг шкипери қилиб тайин-ладилар, ўша вақтлардан бери у шхунадан ажралмади. Кейинроқ «Колумб»ни Рибтрестга топширдилар. Кемага мотор ўрнатдилар. Шуниси ҳам борки, Очерет доим елканларни ишга соларди, мотордан эса шамол бўлмай қолиб, елканлар осилиб қолганда ёки шамол рўпарадан уриб тургандагина фойдаланар эди.

«Колумб»даги команда жуда ҳам катта эмасди. Шкипердан ташқари, команда составида моторист, руле-

вой матрос ва юнга бор эди. Уларнинг ҳаммаси Лебединий оролидаги Соколиний қишлоқчасида турадиган йигитлар эди. Яқинда курсни тугатган ёш балиқчи Левко Ступак шхунада моторист бўлиб ишларди. Стах Очерет ҳазиллашиб уни — «механик» деб, юнга Маркони — «бош кок», рулевой Андрий Камбалани — «боцман», шхунанинг ўзини эса — «жанговар кема» деб атарди.

Марко очиқ далада жалада қолган куни шхунада Левко билан Андрийдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Левко моторни тузатар, Андрий эса елкан ямарди. Ёмғир ёғиши биланоқ иккаласи рубкага кириб яшириндилар. Рубка шундай тор эдики, унда икки кишидан ортиқ одам ётиб ўхлаёлмасди. Ҳаво бузуқ вақтларда, шхуна арқон билан соҳилга боғланган ёки лапгар ташлаб турган вақтларида команда ёмғир ва шамолдан яшириниб рубкага зўрга сиғарди.


Жала деярли бир соат қуйди. У тиниши билан шхунага бирин-кетин иккита каюк келди. Биринчисида — Марко билан Тимофий Бойчук, иккинчисида — шкипер Стах Очерет ўтирар эдилар.

Ёмғирдан кейин кўрфаздаги сув лойқалашиб кетди. Ёмғир сувлари оролдан денгизга соҳил лойқаларини оқизиб чиқди. Лойқа сув тўлқинида шхуна тўхтовсиз чайқаларди, лекин тўлқинга кўникиб қолган балиқчилар буни сезмасдилар. Шхунанинг ичидаги ҳамма нарса ивиб кетди, кема тагида анчагина ёмғир суви йиғилиб қолди, шунинг учун юнгани дарҳол уни сепиб ташлашга қўйдилар. У ғайрат билан тез ишларди, йиғилган сувни пақир билан олиб, бортдан ошириб денгизга қуярди. Бундан ташқари кечки овқат ҳам тайёрлаши лозим бўлганидан, шошиларди. Бугун у дастурхонга макарон, пишлоқ ва чойдан ташқари онаси бериб юборган пирожкиларни ҳам қўймоқчи эди. Бу ҳар куни, ҳам эрталаб, ҳам кундузи, ҳам кечқурун еявериш меъдага теккан балиқча оро кярарди.

Марко билан Бойчукдан кейин Очерет ҳам шхунага чиқди. У қайиқни кеманинг қуйруқ тарафига боғлаб қўйди-да, ўзининг одат бўлиб қолган сўзларини айтиб команда билан саломлашди:

— Об-ҳаво тинч бўлсин, балиқ ови мўл бўлсин!

Кейин у моторни суриштирди. Левко ҳали унинг ремонтни тамомламаган экан, — яна икки-уч соатли иш бор экан, лекин у эртагача баҳазур улгуради.



— Бугун, йигитлар, бугун жўнаб кетамиз!— деб эълон қилди шкипер.

Планнинг тўсатдан ўзгариб қолиши шхуна командасини ҳайрон қолдирди.

— Ахир биз бугун уйда тунамоқчи эдик-ку!— деди Андрей.

— Дарров қаердан балиқ тутиб кела қолдинг?— деб истеҳзо билан сўради Бойчук.

— Янги юк бор,— деб жавоб берди шкипер.— Балиқни эса, кам бўлса ҳам, олиб кетамиз. Эртага кечга яқин бу ерга қайтиб келамиз, балиқни тутиб қўйсалар бўлгани.

— Қандай юк экан, Стах амаки?— деб қизиқиб сўради моторист.

— Икки бочка қум.

— Ҳазилингни қўй...

— Ҳазиллашаётганим йўқ, йигит, ҳозир пристанга бориб, икки бочка қум ортамиз. Уни дарҳол портга етказиш керак.

Бойчукдан бошқа ҳамма ўз шкиперига ҳайрон бўлиб қараб турарди. Бойчук эса, гап нима устида кетаётганини тушуниб қолган одамдек, бир кайфиятда маъқуллаб бош ирғади.

— Қандай қум экан у, нимага керак бўлиб қолибди?— деб сўради Андрей.— Наҳотки портда қум етишмай қолган бўлса?

### III боб

## Ю Н Г А

Бизнинг жанубий денгизда ороллар жуда кам. Жануб-ғарбий соҳил бўйларида кўп деганда йигирмата оролча бор. Буларнинг ҳаммаси қумлоқ ерлар, баъзилари ўт, қамиш, ёки буталар ўсиб ётган ботқоқлик жойлар бўлиб, катта ердан энсизгина сув қўлтиғи билан ажратиб қўйилган парча-пурча ерлар эди. Лебединий ороли ҳам шулар қаторига киради. У соҳилга параллель равишда ўттиз километрча масофага чўзилиб ётади, лекин энг энлик жойининг кенлиги тўрт километрдан ошмайди. Оролнинг шарқ тарафи қуюқ ўсган қамишлар ва



пастак-пастак дарахтлар билан қопланган. У ерларда чайкалар, мартинлар ва бакланларнинг жуда кўп уялари бор. Ниҳоятда оч кўз бўлган бу қушларни Соколий қишлоғи балиқчилари ёмон кўрардилар. Уша қуш уялари яқинида ер тагида жуда чуқур қилиб қазилган тулки инлари тез-тез учраб туради. Бу ерда тулкилар жуда кўп, улар хавф-хатарсиз яшайди: улар балиқчилар қишлоқчасига ҳар замонда бир, қишда боради, кўпинча эса оролнинг шарқ томонидаги қушларни овлаб кун кечиради. Балиқчилар камдан-кам ов қиладилар, шунинг учун жониворлар ҳам, қушлар ҳам оролда жуда эркин яшайди.

Орол шунинг учун Лебединий<sup>1</sup> деб аталар эдики, кузда ва баҳорда унга минглаб, баъзи йиллари эса ўн минглаб оққушлар қўниб ўтарди, улар бу ерда жанубдан шимолга кетаётганларида ва шимолдан жанубга қайтаётганларида тўхтайдди. Одамларнинг айтишича, бир вақтлар оролда оққушларнинг жуда катта галалари яшаган, лекин кейинчалик уларнинг бир қисмини қириб, бир қисмини қўрқитиб юборишган. Шуниси ҳам борки, у вақтларни ҳозир ҳеч ким эслаёлмайди.

Оролнинг ўртасида, кенг чуқур кўрфаз бўйида, қирқтача балиқчилар уйи бор эди. Кўрфаз сингари, қишлоқча ҳам Соколий деб аталарди.

Қишлоқдан ташқари оролда яна иккита бошпана бор: қишлоқчадан икки километрча шарқ тарафга тушган, балиқ назорати хизматининг инспектори Яков Ковальчукнинг уйи билан оролнинг ғарб тарафидаги маяк. Маяк олдидан қум тил тасмадек чўзилиб сув ости тошлари билан тамом бўларди. Мана шу тошлар борлигидан, бу ерга кичкинагина бир маяк ўрнатилган.

Қоронғи тунларда маяк чироғи ўн-ўн икки миль наридан ҳам кўриниб туради; атрофни туман босган вақтларда маякда сирена увулларди, унинг овози Соколий қишлоқчасигача бориб етади.

Қуёшли кунларда денгизда жуда узоқдан оқ минорани ва шу минорага ёнма-ён тушган тозагина бир уйни ҳам кўриш мумкин. Бу уйда ўзининг оиласи билан маяк назоратчиси Дмитро Пилипович Завирюха яшар эди. Унинг ўртанча боласи Марко ҳам ўша ерда туғилди. Унинг тўнғич қизи Мария бир балиқчи йигитга турмушга

<sup>1</sup> Лебединий — Оққуш ороли.

чиққан, уч йилдан бери Соколий қишлоғида яшайди. Маякда Марконинг ота-онаси, онасининг отаси кекса Махтей бобо ва саккиз яшар укаси Грицко турар эдилар.

Марко Соколийдаги мактабда ўқиди.

Ун беш ёшга кирганида у, биринчи марта оролдан четга чиқди. Зелёний Камень қишлоғига борди, бу қишлоқ Соколийдан ўн икки километрча узоқда, қитъада жойлашган эди, ўша ерда еттинчи синфга имтиҳон берди. Мактабни битиргандан кейин отаси билан маслаҳатлашиб, йигитча бирон-бир шхунага юнга бўлиб ёлланнишга қарор қилди: у бир-икки йил денгизда сузиб, бир оз тажриба ортдириб олгандан кейин, денгизчилар мактабига ёки балиқ саноат техникумига кириш ниятида эди.

Бу орада «Колумб»даги юнга океан парохидига ишга ўтиб кетди, шундан кейин Стах Очерет Маркони ўз кемасига олишга жон деб розилик берди. Команда ва балиқчиларга овқат тайёрлаш, кемани тоза тутиш, зарур бўлиб қолса, рулевой билан мотористга ёрдам бериш ва шкипернинг ҳар хил майда-чуйда буйруқларини бажариш унинг зиммасида эди. Юнга шхунада энг саводли одам эди, шунинг учун ҳар хил ёзув-чизув ишлари ҳам унга юкланганди. Очерет ҳисоб-китоб ишларини кўпроқ ёддан қилиб, қўлига тамдан-кам қалам оларди.

Марконинг «Колумб»да ишлай бошлаганига бир йилдан ошди. Энди у оролда камдан-кам бўларди: шхунада қўшни балиқ артелларига, яқин атрофдаги пристанларга борар ва шинамгина курорт шаҳри Лузанида тез-тез меҳмон бўлиб қоларди. Бу вақт ичида юнга команданинг бошқа аъзолари билан жуда дўстлашиб кетди ва денгизчиларнинг бу кичкина оиласида севимли аъзо бўлиб қолди. Зарур бўлиб қолганда у рулевой ёки мотористнинг ўрнини боса олар, сафар вақтида компас, юлдузлар ва соҳилга қараб йўл топиб юра олар, мустақил равишда елкан кўтарар ва шхунани ҳар қандай шамолда ҳам керакли тарафга қараб бошқариб бора оларди, қаерда ва қандай балиққа, қандай тўр ташлаш кераклигини биларди. У эҳтиёткор эди, лекин на шамолдан, на тўлқиндан қўрқарди.

Бир неча марта шхуна командаси денгизда кучли пўртанага дуч келди. Кунлардан бир кун шамол елканларни йиртиб ташлади, ёнилғи тамом бўлиб, мотор иш-

ламай қўйди, шундан кейин шхунани баланд тўлқинлар боса бошлади. Шхунани тўлқинга қарши қилиб қўйдилар, шу тахлитда у икки кун бардош берди. Пўртана пасайиб, шамол ўзгаргандан кейин, кливер елканини кўтардилар-да, секин-аста ўз оролларига етиб олдилар.

Пўртана вақтида Очерет юнгани кузатиб турди, лекин унинг юзида қўрққанини билдирадиган биронта аломатни кўрмади. У Марконинг мардлигига қойил қолди, лекин унга ҳеч нарса демади.

Яқин орада Марко катта шаҳарга кетиши ва денгиз техникумига имтиҳон топшириши керак эди. Унинг «Колумб»да яна икки-уч ой сузадиган вақти қолганди. Шхунада бу тўғрида индашмасди, унинг кетишини эсланган одамлар эса, бу фикрни миясидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилардилар. Янги юнга қидиришга тўғри келиш ҳақида ўйлашни истамасдилар.

#### IV боб

### ТОРИАНИТЛИ ҚУМ

«Колумб» пристанга яқинлашиб келди, бу ерда шкипер айтган ўша қумли бочкалар, бочкалар олдида баланд бўйли кекса бир киши турарди. Бу одам Стах Очеретнинг узоқ қариндоши эканини, энди бутун команда аъзолари билар эди. Бундан кўп йиллар илгари у Лебединий оролини ташлаб кетган ва ўшандан бери бу ерга қайтмаган эди.

Энди, шкипернинг ўз ўртоқларига айтишига қараганда, унинг қариндоши профессор экан. Шу кунларда, «Колумб» соҳил бўйлаб сафар қилиб юрганда, профессор Андрей Гордеевич Ананьев ўзининг ёзги отпускасини ўтказиш учун Соколинийга келган эди. Оролда сайр қилиб юриб, у қишлоқча яқинидаги қум тепага қизиқиб қолди. Профессор ўша қумни диққат билан текшириб кўрди, кейин ундан икки бочкасини олиб келди, энди уни яна ҳам яхшилаб текшириб кўриш учун шаҳарга шошилмоқда. Шкипер шу тўғрида қисқа қилиб ўртоқларига сўзлаб берди ва профессор биз билан бирга кетади деб қўшиб қўйди.

Шхуна соҳилга келиб тўхтади, шундан кейин унга қум солинган бочкаларни думалатиб чиқаришди.

Шу вақт профессор олдига бир қиз келди. Кеч кириб, қош қорая бошлаганига қарамай, Марко ўзининг ҳамроҳини таниди. Қизнинг устида плашч, оёқларида резина боти, қўлида эса, чемодан билан сумкача бор эди.

«Қизи экан», деб ўйлади юнга. Профессор қизи билан бирга Лузанига кетаётгани маълум бўлди. Қиз шхунага чиққанда, Марко саросима бўлиб қолди, рубка орқасига яшириниб олди-да, овқат тайёрлай бошлади. Кечки овқатни пиширишга шошилиш керак эди.

Шхунада пассажирлар борлигини ҳисобга олиб, юнга кефаль балиғидан шўрва пиширишни мўлжаллади. Бу балиқчиларнинг энг яхши кўрган таоми эди. Марко ўзининг ошпазлик санъатини жуда бошлаб намоён қилишни хоҳларди. У қозонга сув қуйиб, балиқ тозалашга киришди. Тўсатдан олдида бояги қиз пайдо бўлди.

— О, ростам ошхонангиз бор экан!— деди таажуб билан қиз.

Марко бошини кўтармай, зўр бериб балиқ тозалар экан:

— Камбуз!— деб жавоб берди, пичогидан ҳар тарафга балиқ тангалари сочиларди.

— Сизлар ҳам кема терминларини ишлатар экансиз-да? Мен эса балиқчи қайиқларда буни билишмас деб ўйлабман.

Марко бошини кўтарди ва хафа бўлиб қизга қаради.

— «Колумб»ни айтмасизми? Биз уни қайиқ эмас, шхуна деб атаймиз!— деди у, ғурур билан.

Қиз бундан бир неча соат илгари ёмғирда бирга келган йигитчани таниб қолди.

— Йе, бу сизмисиз?— деб хурсандлик билан сўради у.— Бугун сиз билан учрашган эдик.

Марко қизарди, лекин қош қорая бошлагани учун бетига югурган қизиллик кўринмади.

— Бўлмаса келинг, танишиб олайлик!— деб давом этди қиз.— Менинг исмим Люда.

— Мен Марко Завирюхаман.

— Мен фамилиямни айтмадим, лекин билсангиз керак: фамилиям Ананьева.

Люда Маркога ёрдам берай деб таклиф қилди. Марко олдин бундан бош тортди, лекин кейин рози бўлиб қизга узун пичоқ ва фартук ўрнига эски қоп берди. Қиз балиқни Маркодан кўра яхшироқ ва тезроқ тозаларди. Улар кам сўзлашдилар, лекин қиз ўзининг балиқни ёққа қо-

вурнишни, қайла билан пиширишни, балиқни сувда қайнатиб, картошка билан дастурхонга қўйиш учун зиравор солиб сиркалашни, буғлаб пиширишни, котлет қилишни ва яна беш-олти хил балиқ овқат тайёрлай олишини айтди. Булардан ташқари, у балиқдан кавоб ва чубереки қилишни ҳам биларди. Қизга бу санъатни, бу хил овқатларни жуда севадиган отаси ўргатган экан.

Макарон пишириш билан шўрва қайнатиш бутунлай Люданинг қўлига ўтди. Марко фақат унинг буйруқларини бажариб турди.

Улар камбузда гизирлашиб юрганда, шхуна соҳилдан жўнаб кетди. Стахнинг ўзи рулга турди. Усталик билан маневр қилиб, у «Колумб»ни битта кливер елкани ёрдами билан кўрфаздан денгизга олиб чиқди. Сўнг матрос елкан кўтарди, шундан кейин шхуна тўлқинлар орасида чайқалиб, шарқ тарафга қараб енгиллик билан сузиб кетди. Шабада эсарди; у ҳозир бутунлай тиниб қоладигандек туюларди. Ремонтни кўпи билан бир ярим соатда тугатишга ваъда қилган Левко мотор билан овра эди.

Осмонда юлдузлар кўрина бошлади, Стах «Колумб»ни юлдузларга ва бир ўчиб, бир ёниб турган маякка қараб бошқариб борди.

Профессор эҳтиёт билан рубкани айланиб ўтди-да, қизи билан юнга олдига келди. У Маркодан «Колумб»да кўпдан бери сузасизми, яна қайси кемаларда сузгансиз, ўзингиз кимсиз, қаердан бўласиз деб суриштирди. Юнганинг Лебединий оролидаги маяк назоратчисининг ўғли эканини билиб, Ананьев жуда хурсанд бўлди. У Марконинг отасини танирди, бир вақтлар у билан дўст ҳам эди. Тўғри, бунга жуда кўп йиллар бўлди — охири марга улар бундан йигирма йилча олдин кўришган эдилар, — лекин ўша учрашувни профессор мароқ билан эслади.

Марко профессорнинг қандай бочкалар олиб кетаётганини ва нима учун қумни шаҳарга бунчалик шошилини олиб бораётганини сўради. Ананьев бажонидил сўзлаб берди:

— Лебединий оролида кезиб юрар эканман, ўша ердаги қум тепага жуда қизиқиб қолдим, кўп ўтмай, ўша тепанинг қумида жуда қиммат баҳо модда — торанит борлигини билдим. Бу мени ҳаяжонга солди. Гап шундаки, қумда торанитнинг миқдори ҳар хил бўлиши мум-

кин. Бу торанитли қумнинг сифатини махсус лабораторияда текшириб кўриш зарур. Нима учун мен бу қумни олиб кетишга бу қадар шошилдим? Мен яшайдиган шаҳарга ҳозир йўл-йўлакай машҳур олим — профессор Китаев келиб тушган. Мен унга қумни кўрсатмоқчиман, у билан бирга анализ қилиб кўрмоқчиман.

Эртага Китаев жўнаб кетмоқчи, мен эса уни албатта учратишим керак. Лузанига етишимиз биланоқ, унга дарҳол телеграмма юбораман, ўзим эса биринчи пароход биланоқ йўлга чиқаман.

Бу орада Левко ремонтни тугатди, шундан кейин ярим соат ўтар-ўтмас шхунанинг тезлигини ортдириб мотор тарақлай бошлади.

## V боб

### ЛУЗАНИ САФАРИ

Эрталаб анча салқин бўлди, шунинг учун Люда бошигача одеялга ўралиб олиб ғужанак бўлиб ётарди. У палубага, моторист рубкаси девори тагига ёзиб берилган бир бўлак эски парусинага ўралиб олиб, ухлаб ётарди. Қизнинг тушига ёмон нарсалар кирди; у уйғониб кетди ва одамларнинг овозини эшитди. Кўринишдан, ҳамма аллақачон туриб олганга ўхшайди деб ўйланди Люда ва одеяли тагидан бошини чиқарди, тепасида равшан топтоза феруза осмон кўринди. Қиз ўрнидан турди. Шарқ тарафда, денгиз ичидан қуёш ярим гардишини кўрсатиб, тўлқинларни олтин ранг қизғиш нурлар билан ёритарди.

Қуёш нурлари атрофдаги ҳамма нарсаларга қувонч бағишлар, кўзларни қамаштирар эди.

«Колумб» командаси билан профессор Ананьев кеманинг чап борти олдида туришар, қуёшга мутлақо эътибор беришмасди. Уларнинг назарини шхунадан ярим милча нарида сузиб кетаётган кўкиш-зангор бир кема ўзига тортган эди. Унча катта бўлмаган, пас бортли, қисқагина ярим бакли, иккита трубали ва кичкина-кичкина ҳужрачалари бўлган кема осмон билан денгиз фонида зўрға кўринарди. Кема бир-бир ярим миль нарига кетиб қолгудай бўлса, унинг қораси денгиз ичида кўринмай кетадигандек туюларди. Люда унинг қандай кема эканини билиб, «ҳарбий кема» деб қўйди.

— Қалай, яхши ухладингми!— деб уни қарши олди юнга. — Кўришни хоҳлайсанми?— деди у, қизга дурбинни узатар экан.

— Салом, раҳмат. У ҳарбий кемами?

— «Неутомимий буревестник» эсминеци. Бизнинг та-нишимиз ва дўстимиз.

— Дўстимиз дедингизми?

— Бултур «Колумб» пўртанада елканларидан аж-раб, ёқилғисиз қолган вақтида бизга ёрдам берган эди.

Эсминец жуда яқин жойдан ўтиб борарди. Люда унинг палубасида бир неча денгизчилар турганини кўрди. Капитан кўприкчасидан иккита командир қўлида дурбин билан шхунани кузатиб турарди. Марко «Колумб»нинг қўйруқ тарафида қизил байроқ кўтариб, «Буревест-ник»ка салют берди. Иккала командир қўлларини фу-ражкалари олдига келтириб салом бердилар, кейин эса улардан бири самимият билан қўл силтаб қўйди. Балиқ-чилар «ура» деб қичқирдилар. Эсминец бунга жавобан салют ўрнида мачтанинг ярмигача байроқ кўтарди.

Кичкинагина кема, орқасида кўпикли из қолдириб, улар ёнидан тез ўтиб кетди.

Люда унда нечта тўп борлигини санамоқчи бўлди, лекин саногининг охирига етолмай бош силкиди-да, шкиперга ўгирилиб деди:

— У «Колумб»дан сал тез юрар экан.

— Ол-а,— деб кулиб қўйди Стах,— энг ками олти баравар тез кетаётгандир. Жуда тез кетяпти-да! Ҳозир маневр бўляпти. Бирон-бир вазифа билан шошилиб кета-ётган бўлса керак.

Шкипер Людага «Буревестник»нинг жанговар тарихи-дан бир қанча эпизод сўзлаб берди. Уни биринчи жаҳон урушининг иккинчи йили сувга туширдилар ва дарҳол бир вазифани бажаришга жўнатдилар. Эсминец разведка-га борар, миналар қўяр, душман кемалари билан тўқнаш келарди. Бир марта у душман крейсерини муваффақият билан торпедага тугди, бир ўзи уч миноносецга қарши жанг қилди ва ҳеч қандай талофатсиз қайтиб келди. Сув ости кемалари «Неутомимий»га икки марта торпеда юборди, лекин ҳар сафар ҳам у усталик билан маневр қилиб, торпедага чап бериб кетди. «Неутомимий» бир ярим йил бешикаст сузиб юрди. Кунлардан бир кун, июнь ойининг қоронғи тунларидан бирида, душман со-ҳили яқинидан ўтиб бораётиб, у милага дуч келди. Куч-

ли портлаш эсминецнинг қуйруқ тарафини узиб ташлади. Команданинг бир қисми ҳалок бўлди, асосий машиналар тўхтаб қолди, электр ўчди. Кемага сув кира бошлади. Фақат помпаларгина ишларди, шундан кейин тирик қолганларнинг ҳаммаси ишга киришдилар. Сув билан қаттиқ кураш бошланди. Мабодо помпалар лоақал йигирма минутга бўлса ҳам ишдан чиққанда эди, «Неутомимий» чўкиб кетган бўларди. Радио орқали ёрдам сўрадилар. Эрталаб икки миноносец келиб, абжағи чиққан кемани шатакка олди.

Кечқурунга бориб уларни душман самолёти кўриб қолди. Атрофга бомбалар туша бошлади. Иккала миноносец ҳам шатак арқонларини узиб ташлаб, чўкиб кетаётган кемани ўз ҳолига ташладилар ва икки тарафга қараб кетиб қолдилар.

Битта бомба «Неутомимий» палубасига, капитан кўприкчаси ёнига тушди. Командир, унинг ёрдамчиси ва бир неча матрос бомба парчаларидан ҳалок бўлди. Миноносецга ёш машинист йигит командирлик қилди.

Иккинчи кеча ҳам команда сув билан курашни бир минут ҳам тўхтатмади. Шундай бўлса ҳам, сув кўпайиб борарди. Эрталаб кема деярли палубасигача сувга чўкиб қолганди. Соҳил жуда яқиндан, кўриниб турарди. Кундузи ёрдамга кучли буксир келди ва «Неутомимий» ни порта олиб келди. Миноносецни капитал ремонтга қўйдилар, командани бошқа кемаларга бўлиб юбордилар. Ремонтдан «Неутомимий» фақат гражданлар урушидан кейин чиқди. Унинг қуйруғига бошқа бир эсминец — «Буревестник»нинг («Буревестник» ҳам минага урилиб ҳалок бўлган эди, шунда унинг фақат қуйруғи омон қолганди) қуйруғи уланган эди. Ремонтдан чиққан эсминецни «Неутомимий буревестник» деб атадилар. Энди унинг командири ўша вақт уни сақлаб қолган машинистнинг ўзи эди. Қизил флотда «Буревестник» тўпни мўлжалга тегизишда ва тез юришда шу типдаги кемалар ичида энг биринчиси ҳисобланар эди.

Стах Очерет ҳикоясини тугатганда, «Буревестник» уфқда кўздан ғойиб бўлганди, қарама-қарши тарафда эса, соҳилда оппоқ уйлар қурилган кўрфаз кўринди. «Колумб» Лузани портига яқинлашиб келмоқда эди.

Пристанда кичкинагина пассажир пароход «Пенай» турарди. Бу кема қирқ ёки эллик йилдан бери Лузани билан шу атрофдаги катта портлар орасида қатнарди.



Мана ҳозир ҳам у дам олувчиларни ўзининг ажойиб пляжлари билан донг чиқарган бу хушманзара соҳилларга жойлашган санатория ва дам олиш уйларига олиб келганди. «Колумб» бўм-бўш пляжлар, пассажирлар пристани ва «Пеней» олдидан айланиб ўтди, юришини секинлатди-да, балиқ гаванида турган шхуна ва шаландалар олдидан ўтиб бориб, соҳилга яқинлашди. Андрей билан Марко сакраб соҳилга тушдилар-да, арқонни олиб, кнехт қозикларига ўрадилар.

Профессор шошиларди. Эрталаб соат тўққизда «Пеней» Лузанидан жўнаб кетиши керак. Бунга жуда оз вақт қолганди: фақат қум солинган бочкаларни «Пеней»га ортишу, билет сотиб олишга зўрға етарди.

Андрей Гордеевич Ананьев блокнотидан йиртиб олган бир парча қоғозга профессор Китаев учун телеграмма ёзиб берди-да, Людани почтага юборди, ўзи эса билет кассаси томон кетди. Кассада у: ««Пеней» га барча билетлар сотилиб бўлди» деган эълонни кўриб қолди.

Профессор капитандан яна иккита билет — ўзи ва қизи учун билет сотишларига рухсат беришни илтимос қилди. Лекин капитан сира кўнмади.

— Сизни мен ўз каютамда олиб кетаман, лекин қизингизни олиб кетишга сира жой йўқ. Бусиз ҳам ортиқча юз киши олдим, мабодо «Пеней» қозони ёрилиб кетгудай бўлса, мен уларни қандай қилиб қутқариб қоламан.

— Нега энди қозони ёрилар экан?

— Албатта ёрилиши керак. Ахир «Пеней», гарчи унинг филдираги ўрнига винт қўйилган бўлса ҳам, фультонга<sup>1</sup> замондош-да!

Ананьев балиқчилар билан хайрлашди. Люданинг «Колумб»да Лебединий оролига қайтишдан бошқа ҳеч иложи қолмади.

«Пеней»дан кейин «Колумб» ҳам денгизга чиқди.

Қуёш қиздирар, лекин денгиз унинг иссиғини бир оз юмшатиб турарди. Люда билан Марко бир-бирларига ўзлари тўғрисида сўзлаб бериб ва бир-бирларидан бошқа нарсаларни: Марко — Люда яшаган катта шаҳар тўғрисида, қиз эса — Лебединий оролидаги ҳаёт ва «Колумб»да балиқчиларнинг муваффақиятлари тўғрисида суриштириб, палубада ўтирар эдилар.

---

<sup>1</sup> Фультон қурган пароход, сувга XIX асрнинг бошида туширилган.

Кечкурун, электр нурлари шаҳар кўчаларини ёритганда заргарлик моллари витринаси олдида озгиндан келган, ўттиз бешларга кирган новча бир йигит айланиб юрарди. Унинг эгнида гавдасига ёпишиб тушган чиройли қилиб тикилган кул ранг костюм, бошида костюмига жуда мос тушган худди ўша рангдаги фетр шляпа, галстугида эса ясама бриллиант ярқирайди — унинг жуда катталигидан ясамалиги аниқ кўриниб турибди. Локланган туфли кийган оёқларини енгил кўтариб босади. Қўлида ҳасса.

Ўткинчи йигит қимматбаҳо буюмларни яхши танийдиган кишидек витрина олдида тўхтаб, унга қўйилган ҳар хил қимматли нарсаларни кўздан кечира бошлади. Сабрсиэлик билан тез-тез соатига қараб қўярди. Соат стрелкалари йигирма минути кам ўрни кўрсатганда, йигит шу ердаги муюлишга бурилиб, худди шу кўчадек электр нурларига чўмган, лекин витриналарсиз, мағазинларсиз ва анча бўш қўшни кўчага чиқди. Бу кўчада полициячилар кўп эди.

Ҳасса тутган йигит етти қаватли уй олдига келди, зинадан кўча эшик олдига чиқиб, қўнғироқ кнопкасини босди. Эшик очилди, йигит йўл-йўлакай жилети чўнтагидан бир қоғозни чиқариб уни кутиб олган жандармга кўрсатди-да, ичкари кирди. Жандарм йигитнинг ҳужжати яхшилаб текширгач, эгасига қайтариб берди ва уни ичкари киритиб юборди. Бир неча соқчилар олдидан ўтиб, йигит катта бир хонага кирди.

Хонада икки киши ўтирарди. Улардан бири секретарь, иккинчиси эса, афтидан, бу хонага ҳар замонда бир, лекин мунтазам келиб турадиганлардан эди.

Бу қабулхона разведка хизмати бошлигининг кабинети билан ёнма-ён жойлашганди.

— Менга соат ўн тайин қилинган, — деди янги келган йигит.

— Бирпас шошманг. Бошлиқ сизни сўраган эди.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Ундан беш минут ўтганда секретарь кабинетидан чиқиб:

— «Номер йигирма икки», бошлиқ олдига кириг, — деди.

«Номер 22» иш кабинетига кирди. Бу хона билан

ёнма-ён, жуда яхши жиҳозланган, бошқа қабулхонали ва бошқа секретарь ўтирадиган яна иккинчи хона бор эди. У ерда махфий бўлмаган ходимлар қабул қилинарди. Лекин бошлиқнинг асосий фаолияти ишхонасида ўтарди.

«Номер 22» кабинетга шляпасиз кирди-да, қўлларини ёнига қилиб, эшик олдида қотди.

Уйдаги кўз илғамас айрим нарсалар кишини қўрқувга солар, бу ерга келганларни кабинет эгаси олдида ожиз ва унга тамомила тобе қилиб қўярди.

— Яқинроқ келинг, ўтиринг!— деган мулоким буйруқ эшитилди.

Бу сўзларни кўк абажур соясида сочсиз боши билан кўзойнаги ялтираб турган бошлиқ айтди. Хона шундай ёритилган эдики, қабулхонага келган киши ёруғда барала кўринар, қабул қилган кишининг юзи ва кўз қарашлари эса қоронғида кўринмасди.

Агент бошлиқнинг қаршисидаги креслога ўтириб, столга назар ташлади.

Столда ёзув прибори, ҳар хил папкалар, дафтарчалар, ва японча орқа қашлағич ётарди; бу сал эгилган, кичкинагина қора бамбук ёғочдан қўлга ўхшатиб ишланган қашлағични бошлиққа, у япон оролларига командировкага борганида совға қилишган эди. Бошлиқ бошқа одамлар олдида ундан сира фойдаланмас, лекин ҳеч ким йўғида орқасини мазза қилиб қашиб ўтирарди.

— Отпускангиз бугун тугади,— деди бошлиқ.— Йигитча, сизнинг омадингиз келган... Ҳозир сиз масъулиятли, қизиқ вазифа оласиз. Бу вазифа сиз бултур бирга ишлашган, икки юз ўн тўртинчи номерли агентга топширилган эди, лекин у... чегарадан ўтаётганда ўлдирилди.

Бошлиқ бу хабар қаршида ўтирган йигитга қандай таъсир кўрсатганини кузатди. Лекин унинг башарасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Киприкларни сезиларсезилмас пирпираб қўйди, холос.

— Россияга борадиган бўлдингиз. Менимча, ўша мамлакатда ўн йил туриб, рус тилини яхши ўзлаштириб олган бўлсангиз керак? Тўғри, рус гимназиясини бу ерга келганингиздан кейин тамомладингиз, Россияда эса кейин фақат икки марта турист сифатида бўлдингиз, лекин, ўйлашимча, кейинги тўрт ойлик саёҳат рус тилини ўрганишингизга кўп ёрдам кўрсатган бўлса керак?

— Ҳа.

— Мен сизни дастлаб бизни қизиқтираётган масала билан таништирайин. Совет газеталарининг биридан бизга геохимия профессори Ананьев чоғроқ бир оролдан анчагина торанитли қум запаси топганлиги маълум бўлди. Жўнашингиздан олдин бир неча кун геологияга оид адабиётларни ўқишингиз ва махсус консультация олишингиз зарур. Мен сизга торанитли қумнинг аҳамиятини қисқа қилиб тушунтириб беришим мумкин. Ундан кўп гелий, монацитли қумдан олинган миқдордан анчагина кўп гелий олиш мумкин, сиз эса бу монацитли қумнинг тарихини билсангиз керак, албатта. Биринчи жаҳон уруши олдидан Бразилияга юк олиб борган немис пароходлари Германияга бўш қайтишга мажбур бўлган эдилар. Балласт сифатида улар ўз трюмларига монацитли қум тўлдириб олдилар. Уруш бошланганда эса, даҳшатли гигант дирижабллар кичкинагина ёндирувчи ўқдан тез-тез ҳалок бўлиб кетавердилар. Дирижабль қобилигига тўлдирилган водороднинг портлаб кетиши учун жиндаккина учқун ҳам кифоя эди. Шунда бирдан немис дирижабллари душманни ҳайрон қолдирди: унга снарядлар келиб тегар, лекин ҳаво корабллари портламас, балки хотиржамлик билан йўлида давом этарди. Нима учун? Шунинг учунки, уларнинг қобилигига энди водород эмас, балки монацитли қумдан олинган гелий тўлдирилган эди. Гелий эса ёнмайди. Ҳўш, энди бизнинг химикларимиз гелий ҳарбий соҳада фақат дирижаблларни тўлдириш учунгина ишлатилмаслигини аниқладилар. Афсуски, чет элларда бизнинг охириги сув ости кемаларимизда шалди-роқ газ билан ишлайдиган двигателлар ўрнатилганини биладилар, шалди-роқ газ эса сувни электролизм ёрдамида водород ва кислородга ажратиш усули билан олинади. Бу двигателлар сув ости кемаларининг оғирлигини анча камайтиришга ва тезлигини ошириш ҳамда сув остида юриш вақтини узайтиришга имконият беради. Бундай двигателли сув ости кемалари сув остида электроаккумуляторлар ёрдами билан, сув устида эса оддий дизеллар билан юрадиган кемалардан уч ҳисса кучли бўлади. Шундай қилиб, чет элларда бу тўғрида баъзи-нарсаларни билишади, лекин двигателлар конструкция-сини ва шалди-роқ газни ёндириш учун гелий зарур эканини билмайдилар. Гелийнинг аҳамияти тўғрисида бошқа ҳеч нарса демайман. Бу ишнинг техникаси — сир тутилади. Агар совет Россияси кўп миқдорда гелий ола

билса... Гелийга эса фақат Қўшма Штатлар эга эканини ва уни чет элларга деярли сотмасликларини биласиз... Агар большевиклар кўп гелийга эга бўлсалар, улар, биринчидан, гелий билан ўз дирижаблларини тўлдирадилар, иккинчидан, улар ҳам гелийни худди биз ишлатган соҳада ишлатишни ўйлаб тополмайдилар деб айтолмаймиз. Ниҳоят, шуни ҳам айтишим керакки, гелий торанитли қумда анчагина миқдорда бўлса ҳам, лекин инженерлар уни торанитдан заводларда ишлаб чиқариш технологиясини ҳозирча ҳал қилолганлари йўқ. Агар бу проблемани ўзимизда ҳал қилишса эди, эҳтимол, биз гелийни торанитли қумдан олган бўлар эдик; бундай қум Ҳинд океани оролларида бир оз топилади. Совет газетасида, ўша мақолада, гўё профессор Ананьев бу проблемани деярли ҳал қилган дейилган. Тўхтаг-чи, мана ўша мақола.

Бошлиқ агентга газетанинг йиртиб олинган бир парчасини узатди. Йигит мақолани ўқир экан, бошлиқ бармоқларининг узун тирноқларига ўйчан қараб ўтирди.

— Энди бу ёғини эшитинг. Биз учун довюрак бир одамнинг Россияга бориши зарур. У ерда ғоят эҳтиёт бўлиб, элчихонамиздаги доимий вакилимиз билан алоқа ўрнатиш, профессор Ананьев билан танишиш, Лебединий оролига бориш ва торанитли қумни ишга солишни албатта барбод қилиш керак. Энг муҳими эса — Ананьевдан гелийни ишлаб чиқариш проектини олиш ва проект авторини махв этиш керак. Тушунарликми?

— Ҳа. Чегарадан мен қандай қилиб ўтишим керак?

— Америка паспорти оласиз. Россияда бизнинг вакилимиз сизга сохта совет паспорти беради. Сафарнинг муфассал планини менга эртага берасиз, индинга жўнайсиз. Муваффақият тилайман. Хайр.

Бошлиқ креслодан турди. Агент ҳам ўрнидан турди, қўлларини ёнига олиб таъзим қилди.

## VII боб

### МУСОБАҚА

«Колумб» навбатдаги рейс билан Соколинийга келди. Марко дарҳол Людани ахтариб кетди — унга отасидан хат олиб келганди. Хатни яқинда Лузанига келган «Пенай» пароходининг капитани бергуб юборганди. Йигитча

қизни пляжда болалар ва ўсмирлар орасидан топди. Улардан баъзилари шундай ҳам қорайиб кетган баданларини офтобга солиб ётар, баъзилари сувдан чиқмай ҳар хил усулда сузишар ва атрофга сув сачратар эди. Қумда ўйнаб юрган болалар орасида Марко ўзининг укасини ҳам кўриб қолди. Грицко бир неча кундан бери опаси Марияникида эди. Маякда бундан бошқа бола йўқ, шунинг учун Грицко зерикарди. Опаси болани тез-тез Соколиний қишлоқчасига олиб кетарди. Бу ерда Грицконинг ўғил ва қиз болалардан кўпгина ўртоқлари бор эди.

Бола акасини шодлик билан қийқириб қарши олди-да, тош ва чиғаноқлардан қилинган мозаикани кўрсатаман деб, акасини судради. Марко бирпасдан кейин бориб кўраман деб ваъда қилиб, тўнтариб қўйилган эски қайиқ тарафга юрди, унда орқасини офтобга тутиб, чўмиладиган кийимда Люда ўтирарди. Марко уни чақирди. Қиз ўгирилиб қаради, унинг кўзлари меҳрибонлик билан чақнаб кетди, кейин қиз қўлини ўртоғига чўзди. Хатни олиб Люда хурсанд бўлиб кетди, сакраб ўрнидан туриб конвертни йиртди. Қиз конверт ичидан кичкина хат билан газетанинг йиртиб олинган бир парчасини олди-да, тез кўз югуртириб чиқди.

— Отам профессор Китаевни учратипти. Қумни анализ қилишипти... Отамнинг умидлари бекор кетмапти... Бугина эмас: профессор Китаев қумдан гелийни ажратиб олишда, отам таклиф этган усулини маъқуллапти. Кейинги рейсда отам торанитли қум конларини яхшилаб текшириш учун бу ерга қайтиб келар экан, профессор Китаев эса Лебединий оролида қум ишлаб чиқариш масаласини қўйиш учун дарҳол Москвага жўнаб кетаркан.

Иккаласини ҳам хурсанд қилган бу янгилıklar уларнинг кўнглини анча кўтарди. Улар Лебединий оролининг келажаги тўғрисида гаплашиб кетдилар. Люда вақти келиб Соколиний қишлоқчаси ўрнига катта шаҳар барпо этилиши, кўрфазда каттакон порт қурилиши, оролда темир йўл излари ётқизилиши ва улардан қум ортилган вагончаларнинг юра бошлаши тўғрисида хаёл суриб кетди. Марко иккаласи чангаллари, тулкилари ва қушлари билан кичкинагина заповедник қолдириб, каттакон боғ ўстирадилар. Кейин Люда денгизда бир оз сузишни таклиф қилди.

— Биз ҳозир мусобақалашамиз,— деди у, уларни ўраб олган бир тўда ўсмирларни кўрсатиб.

Юнга мусобақада мен ҳам қатнашаман деди. Марко билан Людадан бошқа яна ўн иккидан ўн беш ёшгача бўлган бешта ўғил бола билан учта қиз бола суздилар. Уларнинг ҳаммаси денгиз бўйида катта бўлган, эрта баҳордан, то кеч кузгача сувдан чиқмасди, сузишда гарчи ҳеч қандай услубга риоя қилмасалар ҳам, лекин қурбақа сузиш, ит сузиш, қулоч отиб сузиш, тик туриб, чалқанча ётиб сузишни ўрнига қўярди. Марко ҳам ана шу услубларда сузарди, лекин у анча уста эди. У ўзини ҳақли равишда оролдаги энг уста сузувчи деб ҳисобларди, шунинг учун дастлаб секин сузиб, бошқаларнинг олдинга ўтиб кетишига йўл бериб, кейин эса боплаб ҳаммасини орқада қолдириб кетмоқчи бўлди.

Худди шу вақт кўрфазга шаландалар кириб келмоқда эди. Балиқчилар балиқ тутиб қайтиб келишарди. Сузувчилар балиқчиларнинг қайиқлари олдигача сузиб боришни шарт қилдилар. Шаландалар олдига энг олдин ким етиб борса, ўша ютиб чиққан бўлади.

Люданинг командаси билан сузувчилар сувга тушдилар ва соҳилдан нарироққа бориб, бир қатор бўлиб турдилар. Уларнинг бўйи ҳар хил эди, шунинг учун сув баъзиларнинг белидан, баъзиларнинг эса елкасидан келди. Соҳилда кичкинтойлар туришарди. Грицкони судья қилиб тайинлашди, шунинг учун у ҳуштак чалиб, мусобақани бошлашга сигнал берди. Сузувчилар ким ўзарга сузиб кетишди. Марко шошилмади. У қурбақа сузиш қилиб, сувни қўллари билан ёриб борди, у ким қандай сузаётганини кузатарди. Баъзи болалар кучининг борича қўл ва оёқларини ишга солиб сузиб кетдилар ва олдинга ўтдилар. Баъзилари эса секинроқ сузиб бордилар, лекин Марко булардан ҳам орқада қолди — у жўрттага шундай қилди ва Людадан ўзини узмади. Қиз ҳам худди у сингари секин сузарди, у гарчи шошилмаса ҳам, орқада қолиб кетмади. Кўп ўтмай Марко ҳаммадан кейинда қолиб, соҳилдагиларнинг уни масхара қилиб қичқираётганларини ва кулаётганларини эшитди.

Шунда у орқасига ўгирилиб, бошини кўтарди, кичкинтойларга қўл силтаб қўйди-да, шўнғиб кетди, сув остидан бир неча метр сузиб борди ва сув юзига чиқиб, қулоч отиб сузиб кетди.

Орқасининг ярми сувдан чиқиб турар, қўллари тез осмонга кўтарилар, ҳавони кесар ва куч билан сувга тушиб, йигитчани ҳам олға сурарди. У икки болани, бир

қизни орқада қолдириб, Люда билан бараварлашди. Бир неча секунтдан кейин қиз ҳам орқада қолди, энди Марко энг олдинда бораётган болалар билан мусобақа қила бошлади. Соҳилдан эшитилаётган далда берувчи товушлар қулоғига кирмаган ҳолда Марко ҳаммадан олдинга ўтиб кетди. Шаландалар унга тез яқинлашиб кела бошлади. Бу орада соҳилдагилар жим бўлиб қолдилар. Марко орқасига ўгирилиб қарамас ва орқасида нималар бўлаётганини кўрмасди. Ҳамминг кўзи Людада эди. У бошини сувга сал тикди-ю, орқасида торпеда сингари чуқур из қолдириб, шовқин билан «кроль» услубида сузиб кетди. Қиз Маркодан анча тез сузиб, ҳамма ни орқада қолдирди ва энг олдиндаги сузувчини ҳам қувиб етай деб қолди. Юнга Людани фақат қиз унга етиб келгандан кейингина сезиб қолди. Ҳайрон қолганидан у сузишни бир оз секинлатиб ҳам қўйди, худди шу онда қиз ундан бир қарич чамаси ўзиб кетди. Марко Ҳайрон эди: балиқчи, денгизчи, Лебединий оролининг энг уста сузувчиси бўлган Маркони шаҳарлик қиз орқада қолдириб кетди-я! Унинг жаҳли чиқмади, йўқ, лекин гурури камситилган эди. Юнга дельфин сингари сувдан сакраб чиқди, бирдан бутун кучини тўплади ва Людани орқада қолдириб кетди. Қиз буни кўрмади, ахир у «кроль» услубида сузиб бораётган эди-да, у нафас олиш учун ҳар замонда бир бошини сувдан чиқарарди. Лекин бир неча секунтдан кейин у яна Маркони қувиб етди. Шаландаларгача юз метрча масофа қолганди. Ундаги балиқчилар ҳам мусобақага қизиқиб қолдилар. Ҳамминг диққати энг олдинда сузиб келаётган икки сузувчида бўлиб қолди. Улар энди ёнма-ён сузиб келишарди. Шу тарзда улар масофанинг ярмисини ўтдилар, лекин кейин Люда Маркони яна икки метр орқада қолдириб кетди, Марко эса унга етиб олишга қанчалик уринмасин, бутун уринишлари зое кетди. Аксинча қиз ундан тобора узоқлашиб борарди. Мана қизнинг боши энг олдинда келаётган шаланда билан бараварлашди — шу билан мусобақа тамом бўлди. Соҳилдан чалинган ҳуштак товуши зўрға эшитилди. Буни, Люданинг галаба қозонганидан дарак бериб Грицко чалди. Қиз ҳуштак товушини эшитмади, лекин шаландани кўрди ва «брась» услубида секин суза бошлади.

Балиқчилар уни табрикларди ва соҳилга олиб кетайлик деб Маркога тегажоқлик қила бошлашди. Марко



ҳайрон қолган эди. У шаҳарлик қизни бундай усталик билан сузади деб мутлақо кутмаган эди. У балиқчиларнинг ҳазилларига жавобан очиқ кўнгиллик билан жилмайиб, сувга орқаси билан ётиб, шу ҳолда дам ола бошлади. Люда унинг олдига сузиб келди, шунда бола қизни биринчи бўлиб ғалаба билан табриклади.

Шаландалар соҳилга яқинлашиб қолдилар. Кўрфазда гир этган шамол йўқ, шунинг учун балиқчилар тезроқ пристанга етиб олиш мақсадида эшкак торта бошладилар. Люда билан Марко олдига мусобақанинг бошқа иштирокчилари ҳам етиб келдилар, шундан кейин ҳаммалари соҳилга қараб сузиб кетдилар. Катта болалар энди ҳар эҳтимолга қарши орқада сузиб бордилар. Бирдан ён тарафдан:

— Вой-вой, қутқаринглар!— деган қичқирӣқ эшитилиб қолди.

Бу, ўртоқларидан четга чиқиб кетган бир боланинг товуши эди. Ҳамма сузувчилар товуш келган тарафга бурилди. Баъзи болаларнинг миясидан: «Майнавозчилик қиялптимикин?» деган фикр ўтди. Лекин бола сув тагида ғойиб бўлди, кейин сув юзига қалқиб чиқиб, яна чўкиб кетди. Ҳаммалари унга ёрдамга отилдилар. Энг олдин унинг олдига Людага таниш бўлмаган бир қиз пайдо бўлди. Қиз сув остига шўнғиди-да, чўкиб кетаётган боланинг сочларидан ушлаб сув юзига тортиб чиқарди. Бола ҳали бўғилиб қолганича йўқ эди, озгина сув ютганди, лекин ҳуши жойида эди. Кўрқиб кетганидан у иккала қўли билан қизчанинг бўйнига ёпишди. Қизча бунинг хавфли эканини биларди, шунинг учун болага: орқанг билан сувда тинчгина ёт, деб қичқириб унинг қўлидан қутилиб чиқишга уринарди. Болалар етиб келишгунча қизча болани шу тарзда сув юзиде ушлаб турди. Кейин Марко билан Люда боланинг қўлтиғидан олиб, соҳилга сузиб кетишди. Болалар уларнинг ёнвериде чарчаб қолган одамни дарҳол алмаштиришга тайёр ҳолда сузиб бордилар. Шаландаларда боланинг қичқирганини эшитдилар, сузувчиларнинг чўкиб кетаётган болани қандай қутқарганини кўрдилар, шунинг учун шаландалардан бири тезда улар олдига етиб келди. Қутқариб қолинган болани қайиққа олишди. Унинг кетидан Люда билан Марко ҳам шаландага чиқдилар.

Кўрқиб кетган бола бирдан бадани томир тортишиб қолганини сўзлаб берди. Люда хижолатда қолди: ахир

мусобақани уюштирган у эди-да, лекин қутқарувчи қайиқ тайёрлаб қўйишни ўйламаганди! Агар анави қизча бўлмаса, бола чўкиб кетиши мумкин эди.

— Бундан кейин узоққа кетиб қолма,— деди кекса бир балиқчи қутқариб қолинган болага қараб.— Мана буларга раҳмат айт! — деб у Марко билан Людани кўрсатди.

— Бизга эмас,— деди Люда,— уни аллақандай бир қизча қутқариб қолди. У боланинг сочларидан энг олдин ушлаб олиб, то биз етиб келгунимизча сув юзида тутиб турди.

— Инспекторнинг Находкаси,— деб тушунтирди Марко.— Бу ерга қаердан келиб қолди — билмадим, соҳилда кўрмаган эдим. Биз билан ҳам сузишмаган эди.

— Ҳа-а, Находка дегин! У бу ерга уйидан сузиб келган бўлса керак. У қиз эмас, балиқ-ку. Бир куни биз уни соҳилдан беш километр узоқда учратган эдик. Уни шаландага олмоқчи бўлдик — қаёқда дейсан! Ёввойи қизу! Сузганича қочиб кетди.

Люда қиз тўғрисида суриштирмоқчи бўлди. Ахир у оролдагиларнинг ҳаммасини билсам керак деб юрарди, бу қизчани бир марта ҳам кўрмаган эди. Лекин шаланда «Колумб» олдига келиб қолди ва балиғини унга ортиш учун шхуна билан ёнма-ён тўхтади. «Колумб» палубасидан сўкишган овозлар эшитиларди. Бир неча балиқчи клеёнка метр кўтарган бир кишини қуршаб олишганди. Бу — балиқчилар инспектори Ковальчук эди. У баъзи бир балиқларни ажратиб олар ва уларнинг бошидан то думигача ўлчаб кўрарди.

Балиқчилик инспекцияси балиқ овининг рационаллаштирилишини, балиқ запаслари камайиб кетмаслигини кузатиб туради. Балиқчилик инспектори балиқчиларнинг ёш балиқларни овламасликларини текшириб туради. Инспекторлар балиқ тутадиган асбоблар бекамикўстлигини текшириб туради, овқиладиган жойни участка-участка қилиб артеллар ўртасида тақсимлаб беради.

«Колумб»да жанжал бошланди, чунки инспектор тутиб келинган осетрлар орасидан саксон тўққиз ярим сантиметрли бир неча балиқни топган эди, ваҳоланки бундай балиқларнинг тўқсон сантиметрдан кичигини тутишга рухсат этилмайди. Бундан кичкина бўлган балиқларни денгизга ташлаб юборишлари лозим. Бундай узун балиқнинг ярим сантиметр фарқини дарров ажратиб

олиш қийин, албатта, лекин Ковальчук шаландалардан биттасида ўнтача шундай балиқ топди ва овлаб келинган барча балиқларни мусодара қилиб, бригадирга штраф солмоқчи бўлди.

Жаҳли чиқиб кетган Стах Очерет инспектор тузган актга қўл қўйишдан бош тортди. У шхунага балиқ ортишга ҳалақит бермасликни таклиф қилди. Ковальчук дўқ билан «Колумб»дан соҳилга тушди-да, сув ёқалаб уйига жўнади.

Марко Люда билан хайрлашди:

— Индингача хайр. Мен командамизга хат тўғрисида сўзлаб бераман. Ҳозир биз фақат гелий билан торий тўғрисида сўзлашганимиз сўзлашган. Ҳаммамиз ҳам химик бўлиб кетдик. Шкипер менга Лузанида ана шу нарсалар тўғрисида ёзилган китоб топиб келишни буюрди...

— Мен эса сендан анави қизча тўғрисида сўраб олмақчи эдим, исми Находками?.. Ҳа нима эди... Нега мен уни илгари кўрмаганман? У анави инспекторнинг қизими?

— Йўқ, қизи эмас... у бу ерга келганда мен Грицкодек эдим. Лекин унинг аслини ҳеч ким билмайди. Мариянинг олдига кир, у сенга бор гапларнинг ҳаммасини айтиб беради.

— Хўп. Ҳозирча хайр! Ишинг кўпга ўхшайди.

— Ҳа. Кўришгунча хайр.

Марко ишга тушди, Люда эса қутқариб қолинган бола билан соҳилга тушиб кетди. Бола тинчиди, шундай бўлса ҳам, онам воқиядан хабардор бўлса, уришиб беради деб қўрқар эди. Люда уйингга ўзим олиб бориб қўяман деб ваъда қилди. Пристанга, Люданинг олдига Грицко югуриб келди.

Улар учовлашиб икки тарафида қари қиз ва олабўталар ўсиб ётган қишлоқ четидаги сўқмоқдан секин-аста юриб кетдилар. Улар «Колумб»нинг кўрфаздан чиқиб кетганини кўрдилар. Грицко шхунага ҳавас билан қараб турди, кейин, катта бўлганимда менинг «Альбатрос» деган бундан ҳам яхши шхунам бўлади деди. Уларнинг маякдаги қайиқчаларининг номи шундай эди. Кейин куйлаб юборди:

Денгизда сузиб юрар кичик бир матрос,  
Елканли кемада.

Альбатрос, альбатрос, альбатрос.  
Дунёда яшарди кичик бир матрос —  
Кўзи ўткир, чекка сочи оқ.  
Альбатрос, альбатрос, альбатрос.

— Сенга бу қўшиқни ким ўргатди?— деб сўради Люда.

— Ҳзим тўқидим,— деб жавоб берди Грицко, керилиб.

— «Кўзи ўткир, чекка сочи оқ» деганинг — ўзингми?

— Аҳа...

### VIII боб

### НАХОДКА

Бу воқиа ёзда, Грицко тугилган йили юз берди. Денгиз устини қоронғи тун қоплади. Тўлқинлар соҳилга келиб гувиллаб уриларди. Бирин-кетин чақнаб турган яшинлар зулмат қаърини ёрар, шундан кейин гумбурлаган момақалдироқ денгиз ҳайқирғини босиб кетарди.

Уша куни кечаси Лебединий оролидаги балиқчилар яхши ухлашолмади. Баъзилар ёмғирга ҳам парво қилмай, қайиқларни тўлқинлар суриб кетмадимикан деб, хабар олгани кетди. Ярим кечада кўрфазни ўраб турган тил тарафдан милтиллаб чироқлар кўриниб қолди. Бўрон билан курашиб, соҳил тарафга бир пароход яқинлашиб келарди. Плашчларига ўралиб олган балиқчилар чироқларни жимгина кузатиб турдилар. Денгиз устида тўсатдан каттакон аланга кўтарилди, чироқлар ўчиб, денгизни зимистон босди. Соҳилдагилар қулоғига портлаш товуши эшитилди.

Балиқчилардан бири:

— Минага дуч келди!— деб юборган эди, иккинчиси:

— Ё қозони портлаб кетди,— деди.

Осмонга ракета учиб чиқди. Кетидан ракеталар кетмакет учиб чиқаверди... Пароход ёрдам сўрамоқда эди. Кўп ўтмай денгиз устида яна ўт милтиллади-да, борган сари кучая борди. Энди пароход ёнмоқда эди. Соҳилдаги балиқчилар қайиқларга йўл кўрсатиш учун апил-тапил гулхан ёқдилар. Гулханнынг липиллаб турган ёруғида плашчга ўралган кишиларнинг қимир этмай турган қо-

раси кўзга ташланарди. Бу турганлар Стах Очерет, Тимофий Бойчук, Андрей Камбала, Левко Ступак, балиқчилик инспектори Яков Ковальчуклар эди. Ҳамма жим, ҳаммани бир фикр ҳаяжонга соларди. Энг олдин ўспирин Левко сўз бошлади:

— Қайиқлари етишмай қолса-чи?

Балиқчилар иккиланиб бир-бирларига қараб олишди, лекин индашмади. Шамол увиллар, тўлқинланиб ётган сув шовилларди. Шундай кечада денгизга ким чиқа олади!

— Стах амаки! У ерда одамлар ҳалок бўляпти ахир!— деди Левко, ҳаяжонланиб.

Қош-қовоғини солиб турган Стах қаддини ростлади. У денгизда сузиб юрган гулхандан кўз узмасди. Балиқчилик инспектори жон куйдириб сўзлаб кетди. У ёрдам бериш керак, орамизда қўрқоқлар йўқ деди. У куйиб-пишиб одамларга гап уқдирса ҳам, ҳеч ким жойидан қимирламади. Ниҳоят Левко ёлворгандек бўлиб қичқирди:

— Стах амаки, юр, кетдик!

Стах атрофига кўз югуртирди қўлини силтади-ю, бўғиқ товуш билан:

— Юринглар, борайлик, одамлар ҳалок бўляпти... Қим мард бўлса — юраверсин!— деди.

Шундай деб катта-катта одимлар билан шаланда тарафга юрди. У билан ёнма-ён Левко борарди, улар орқасидан эса — Тимофей билан Андрей Камбала борардилар.

Бошқалар бирпас жим туришди, кейин ҳеч нарса демай, улар ҳам шаландалар томон юришди.

Тўлқинларни енгиб, шаландалар соҳилдан сузиб кетди ва қоронғилик ичига кириб йўқолди.

Левко соҳилда қолди. Болани олиб кетмадилар, у эса аламига чидай олмай йиғлар эди.

Лекин Стах унга гулхан ёқиб туришни буюрди, шунинг учун Левко гулхан олдига қайтиб келди. У ерда бир киши — Яков Ковальчук турарди. Балиқчилик инспектори ҳалокатга учраганларни қутқариш учун бормади.

Уша куни кечаси Соколиний қишлоқчаси балиқчилари, қозони ёрилиб ҳалок бўлган «Дельфин» пароходининг деярли барча пассажирларини ва командасининг кўпчилигини қутқариб қолдилар. Бир неча кундан кейин қутқариб олинган одамлар Лебединий оролидан жўнаб кетдилар. Фақат фалокат вақтида ота-онаси ҳалок бўлган

бир кичкина қизчагина қолди. Қизчанинг боши ёрилганди, шунинг учун у ҳушсиз ётарди. Қизчани Яков Ковальчукнинг хотини уйига олиб кетди.

Бир қанча вақтдан кейин қизча ўзига келди, лекин бошининг лат еганиданми, ёки қўрқиб кетганиданми — ҳар ҳолда, ўз ўтмиши тўғрисида билган нарсаларнинг ҳаммасини, ҳатто ўзининг отини ҳам эсидан чиқариб қўйган эди. У кишилар гапирса зўрға тушунар, юришни эса эсдан чиқариб қўйганди. Бир йилдан кейин Ковальчукнинг хотини қизчани юришга ва гапиришга ўргатди. Инспектор хотинининг бу ишини жуда ҳам ёқтирмади, лекин срадан яна икки йил ўтгандан кейин, ўзи тул қолганда, Находка<sup>1</sup> (қишлоқда қизчани шундай деб аташар эди) уникида қолиб, уй-рўзғор ишларини ўз қўлига олди. Қизчани қишлоққа юбормасди, уни ҳамма эси кирди-чиқди деб ҳисоблаганидан у мактабга қатнамасди.

Бу воқияни Людага Марконинг опаси Мария сўзлаб берди, ўшандан бери қиз Находка тўғрисида тез-тез ўйларди. У инспекторнинг уйи олдидан бир неча марта ўтган бўлса ҳам, қизчани ортиқ кўрмади. Инспекторнинг ҳовлиси доим бўм-бўш бўларди. Люба отасининг келиб қолишини кун сайин кутарди. У кўрфаз бўйида кезиб юрар ва шхуна, пароход ёки бирор шаланда кўриниб қолмасмикан, отам келмаётганмикан деб денгизга қарагани-қараган эди. Бир неча кундан кейин «Колумб»да Марко келиши лозим эди.

Лекин «Колумб» ўрнига бошқа шхуна келди. Шхуна шкипери «Колумб»нинг очиқ денгизга юборилганини, ундан Қарталин кўрфазига бориши ва бу рейсга ўн-ўн икки кун кетишини айтди.

Саккиз кунча вақт ўтди. Кунлардан бир кун Люда соҳилда айланиб юриб Ковальчукнинг ҳовлиси олдидан чиқиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Находкани кўрмоқчи бўлди. Инспектор уйда йўқ эди: у балиқчилар шаландасида денгизга жўнаб кетганди. Люда буни биларди; эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, қиз ҳовлига киришга аҳд қилди.

Уй шинамгина эди. У зовур ва чий билан ўралган чоғроқ бир боғ ўртасига қурилганди. Ҳовли соҳилдан уч юз метр чамаси наридаги тепага жойлашганди. Люда энди одам юра бошлаган сўқмоқдан тепа устига чиқди.

<sup>1</sup> Находка — топиб олинган қиз деган маънода.

Чий устидан мўралаб, уй олдидаги жўякларда ишлаётган, эгнига дағал матодан қўполдан-қўпол кўйлак, бошига похол шляпа кийган, оёқяланг бир қизчани кўрди. Қизча жўякларни чопиб секингина қўшиқ айтарди. Люда унинг Находка эканини дарров пайқади, сўнг унинг қўшиғига қулоқ сола бошлади.

Шамол, тўхта сал!  
Денгиз, қутурма!  
Офтоб, кўрсат юз,  
Жоним тезроқ суз!

Шу вақт экин ичида қора паҳмоқ ит пайдо бўлди — у жуда даҳшатли эди. Ит тилларини осилтириб ва иссиқдан ҳаллослаб, Находка олдига келди. Қизча бошини кўтариб, итга қараб илжайди. Энди Люда қизнинг бетини яхшилаб кўриб олди. Қизчанинг юзи чиройли эмас, лекин истараси иссиқ, қорачадан келган, бурни ялпоқ, кўзлари мовий, сўл чаккасида чуқур яра изи бор эди. Ит бошини эгди, лекин дарҳол яна кўтариб, ҳушёр тортди ва Люда турган тарафга қаради. Находка яна ишга тушди. Люда ит унинг шу ерда эканини сезиб қолишини кутиб турмай қичқирди:

— Ҳой қиз!

Худди шу пайт ит жон-жаҳди билан ҳуриб берди, жўяк устидан сакраб ўтиб, чийга тармашди. Находка қаддини ростлади, ноганиш қизни кўрди-да:

— Разбой! Қайт! Қайт! Тўхта! Тўхта!— деб қичқирди.

Ит истамайгина буйруққа бўйсунди. У тўхтади-ю, лекин ҳуришдан тинмади.

Находка ноганиш қиз олдига келишни истамай жойида турарди.

Энг олдин Люда сўз бошлади:

— Бери кел, ҳай қиз.

Находка чий олдига келди. Унинг кетидан ҳуришдан тўхтаб, секин-аста Разбой ҳам келди. Находка индамасди.

— Мен кўрфазда анови болани қутқариб қолганинг учун раҳмат айтгани келдим.

Қизча индамай, ноганиш қизни бошдан-оёқ кузатиб, қулоқ солиб турарди. Люда бирпас жим турди-да, яна гапира бошлади:

— Биласанми, унинг шундай узоққа кетиб қолишига, яқин орада эса биронта ҳам қайиқ йўқлигига мен жавоб-

гар эдим. Агар сен бўлмасанг, эҳтимол, биз уни қутқариб қололмаган ҳам бўлардик. Мен сендан жуда, жуда миннатдорман.

Находка ҳамон индамасди. Люда унинг юзини кузатиб турарди, лекин қизчанинг юзи бефарқ ва хотиржам эди. Кўринишдан, қизча сўзларини эшитар эди-ю, лекин дарҳол яна унутиб қўярди. Люда Находканинг башарасидан эси паст одамларнинг белгиларини ахтарарди, лекин мана шу ғалати сукутидан бўлак шубҳа уйғотадиган ҳеч нарса кўрмади. Қизнинг кўз қарашлари унинг аллақандай фикр қилаётганидан дарак бериб турарди. Афтидан, у Люданинг кийим-бошига жуда қизиқиб қолган эди.

— Жуда яхши сузар экансан! Денгизда узоқ-узоқларга сузиб кетиб қолишинг тўғрими? Мен бултур сузиш мактабини тамомладим, мактабда ўтказилган мусобақада биринчилиكنи олдим. Сен билан бир сузишиб кўроқчи эдим.

Разбой бир-икки марта вовуллаб қўйди-да, қизчанинг оёқлари остига ётди.

Находка алланарсани эслаб, Люданинг кўзларига диққат билан тикилиб деди.

— Кетинг бу ердан! Яков Степанович ўзи йўғида бегона одамлар келишини ёқтирмайди. Бу ерга келганингизни билиб қолса, жаҳли чиқади.

Экин орасида қип-қизил гул очилиб турарди. Люда қизчадан гул сўрамоқчи ва шу билан ўзининг муваффақиятсиз чиққан бу суҳбатини тамом қилмоқчи бўлди:

— Агар мумкин бўлса, гулингдан узиб берсанг.

Находка жон деб бир неча гул узди, уларни зарпечак билан боғлади-да, чий устидан отди. Люда букетни чаққонлик билан илиб олди.

— Раҳмат. Агар хоҳласанг, бизникига бор. Менинг исмим Люда Ананьева. Биз Стах амакиникида турамыз. Қисқаси, мени Очеретларникидан ахтар. Боргин! Хўп, энди хайр!

У ўгирилиб нари кетди.

— Ҳай қиз!— деб Находканинг чақираётганини эшитиб қолди Люда ва орқасига қаради.— Айтчи, туфли-ийинги ўзинг тикдингми?

— Йўқ, сотиб олдим.

— Ухў!— деб Находка ўгирилиб олди, кейин Разбойни чақириб, жўякка қайтди.



IX боб  
ФОТОГРАФ АНЧ

Ўша куни Грицко эрталаб чўмилгандан кейин ўз тенгдошларидан иккитаси билан саргузашт ахтариб оролдаги ўтлоқларга кетди. Болалар узун хивичларга миниб олдилар ва ўзларини кам деганда бутун бир отлиқ полкка командир ҳис қилиб, орол бўйлаб чопқиллаб кетдилар. Буталар орасига тарқалиб кетган сигирлар подаси ёнидан чопиб ўтдилар, кичкинагина ариқ бўйидан югуриб бордилар-да, кимнинг беркиниши-ю, кимнинг ахтаришини келишиб олиб, ажралишдилар. Грицко ҳаммадан узоққа кетиб қолди. Кўп ўтмай у оролни қитъадан ажратиб турган бўғоз олдидан чиқди. Бўғозда, Зелёный Камень тарафдан бўлса керак, оролга бир қайиқ сузиб келмоқда эди. Грицко ўртоқларини кутиб, қайиқни кузатиб турди. Кейин болалар бошқа томонга кетиб қолишди ва буталар орасидан мени тополмай улар уйга, қишлоққа кетиб қолишди деб ўйлади. Грицко беркинишдан зерикди.

Бола каттакон, ярқироқ бир капалакни қувиб кетди, то уни шапкаси билан босиб, тутиб олмагунча кетидан қолмади. Ниҳоят капалак қўлга тушди. Лекин капалакнинг мазаси қочиб қолган эди: чанглари тушиб, қанотлари эзилиб кетганди.

Ҳафсаласи пир бўлган Грицко капалакни ташлаб, яна бўғозга кўз югуртирди. Қайиқ оролга етиб келди. Ундаги йўловчи соҳилга тушди, қайиқ эса орқага қайтиб кетди. Қелган меҳмон тўппа-тўғри оролни кесиб ўта бошлади. Бу Грицкони қизиқтирмади. Зелёный Камендан кимлар келмайди дейсиз! Бола қишлоққа қайтишга аҳд қилди. У сўқмоқдан эмас, балки елка баравар ўсиб турган ўтлар орасидан борарди. Бу ерда ажойиб кўк ва ҳаво ранг чучмўмалар, ўртаси сариқ, ўзи оппоқ ромашкалар кўп эди. Бир марта Люда гул олиб келиб беринглар деб илтимос қилганди, шунинг учун Грицко ҳозир унинг илтимосини қондирмоқчи бўлди. Соҳилдан келаётган киши етиб келганда, бола каттакон букет йиғиб олган эди.

— Ҳей, бола!— деб қичқирди у.

Келган киши оқ фуражка, кўк костюм ва қора крага кийган, қўлига плашч ташлаб олган эди. Елкасига осиб олган чарм тасма учуда аллақандай қутича осиглик ту-

рарди. Қўлида каттакон чемадони бор. Грицко бу одамни биринчи кўриши эди.

— Соколиний қишлоғиданмисан?

— Йўқ, Маякданман,— деб жавоб берди бола.

— Балиқчилик инспектори Ковальчукнинг уйи қаерда, айтиб беролмайсанми?

— Сўқмоқдан тўғри бораверинг, зовурдан ўтганингиздан кейин чапга юринг. Унда йўл йўқ, лекин юрса бўлади. Кўрфазга чиқишингиз биланоқ Ковальчукнинг уйини кўрасиз. Қишлоқ ўнг тарафда, унинг уйи чапда... Қишлоқдан узоқда... У ерда то соҳилгача бошқа биронта ҳам уй йўқ.

— Раҳмат. Баракалла, азамат!— деди-да, нотаниш киши қўлидан аллақандай ялтироқ бир нарсани тушириб юборди ва ўгирилиб қарамай йўлига кетди.

Ялтироқ нарсаси қалин ўт орасига тушди. Грицко ҳайрон бўлиб новча одамнинг орқасидан қараб қолди, кейин эса қалин ўт орасидан у тушириб қолдирган нарсани ахтара бошлади. Роса қидиргандан кейин у битта бир тангалик пул топди. Ялтираб турган танга унга ёқиб қолди. Бола пулга тушунмас, лекин пулга дўкончадан конфет, горох ва вижиллаб турган қизил сув сотиб олиш мумкинлигини биларди. Соколинийда дўкон эрталаб бир соат, кечқурун бир соат очик бўларди. Лекин бола одамнинг пулини нима учун ташлаб кетганига ҳеч ақли етмади.

Аллаким келиб қўлидан тортганда, нотаниш киши Ковальчукнинг уйига етай деб қолган эди. Бир лаҳза у қотиб қолди-ю, бутун гавдаси билан шахд ўгирилиб қаради. Қўллари мушт бўлди, башараси тошдай қотиб қолди. Олдида турган болани кўргандан кейин у енгил нафас олди, лекин дарров қовоғини солди.

— Нима гап ўзи?— деб сўради у.

— Амаки, пулингиз тушиб қолди,— деб жавоб берди Грицко ва унга йигирма тийинлик тангани узатди.

Нотаниш киши ҳайрон бўлди ва кулиб юборди:

— Бунн мен сенга берган эдим!

— Йўқ, раҳмат.

Бола орқасига ўгирилди-да, чопқиллаганича қайтиб кетди. Нотаниш киши тангани чўнтагига солиб, йўлида давом этди. Бир неча минутдан кейин у инспектор ҳовлисининг эшиги олдида турарди. Разбойнинг қаттиқ-қаттиқ ҳуриши ҳовлига кириш хавfli эканидан дарак берди.

Нотаниш киши товуш бериб, битга-яримтанинг чиқишини кута бошлади.

Кўп ўтмай, ичкаридан Находка чиқиб келди. Қиз ҳовли ўртасида тўхтаб, нотаниш кишига индамай қараб турди. Разбой бадтар вовуллай бошлади, у калитка устига сакрар, лекин чий устидан сакраб ўтолмасди.

— Яков Степанович уйдами?

— Йўқ.

— Итни ҳайдаб юбор, ичкари киришим керак.

Қизча бош чайқади:

— Ҳайдай олмайман. Яков Степанович уйда эмас: У йўғида қўймайман.

— Нега энди? Мен ҳеч кимни еб қўймайман.

Қизча жавоб бермади. Унинг ўрнига бўғилиб қолгудек бўлиб ҳуриб Разбой жавоб берди. Итнинг ҳуришини босиб тушиш учун нотаниш киши овозининг борича бақришга мажбур бўлди:

— Менга қара, унда ишим бор! Қачон келади ўзи?

— Кечқурун келиб қолар.

— Яқинроқ келсанг-чи ахир.

Находка калитка олдигача келди.

— Қулоқ сол, мен фотографман. Хоҳлайсанми, расмигни оламан?— деди-да, нотаниш киши филофдан апаратини ола бошлади.

Лекин на унинг сўзи, на аппарати қизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.

У яна Находкани итни ушлаб туришга, уни ичкари киритишга кўндириш учун сўз уқдира бошлади. Қизча анча вақтгача жавоб бермади ва ниҳоят:

— Мен билан гаплашиб ўтирмасангиз ҳам бўлади, менинг эсим паст,— деди-да, ўгирилиб нари кетди.

Фотографнинг жаҳли чиқди ва ҳатто ўзи калиткани очмоқчи бўлиб кўрди, лекин Разбой ҳурпайиб, тишларини иржайтириб, чий баравар ирғишлай бошлади. Тиришқоқ меҳмон мақсадини амалга оширишдан чўчиди.

У чўнтагидан соатини олди, кечгача қанча кутиш кераклигини билиш учун унга қараб, нари кетди ва баҳорги сувлар ювиб кетган жар ёқасига бориб ўтирди. Кейин у чемоданидан иккита бутерброд олди ва уни кавшар экан, атроф-теваракни кўздан кечира бошлади.

У сабр-тоқат билан кутди, бахтига узоқ кутмади. «Колумб» шхунаси келиб қолди. Унда Ковальчук ҳам келди, уни денгизда балиқчилар шаландасидан кемага

олган эдилар. Инспектор қишлоқда тўхтамай, ўз қайиғига ўтди ва соҳил бўйлаб қайиқда уйга келди.

Фотограф қайиқнинг пристань хизматини ўтайдиган якка чўп олдига келиб тўхтаганини кўрди. Ундаги одам соҳилга чиқди, қайиқни қозикқа боғлади-да, инспекторнинг уйига қараб юрди.

Фотограф инспектор олдига келди ва унинг башарасига қараб туриб:

— Салом, Яков Степанович. Сизни роса кутдим-да! Қизчангиз уй у ёқда турсин, ҳатто ҳовлига ҳам киргизмади,— деди.

— Салом,— деб жавоб берди инспектор, ўзи билан эски қадрдонлардек гаплашаётган нотаниш кишига ҳайрон бўлиб қараб.— Нима иш билан келдингиз?

— Мен фотокорреспондентман. Фамилиям Анч.— «Жануб балиқчиси» журнали редакциясидан келдим. Эшитмаганмисиз? Бу янги журнал. Яқинда биринчи сони чиқади. Мен редакцияга Лебединий ороли балиқчилари тўғрисида фотоочерк тайёрлашим керак. Мана гувоҳнома билан сизга балиқчилик инспекциясидан берилган тавсиянома. У Ковальчукка ўзининг қоғозларини узатди.

Инспектор унинг қоғозларини кўздан кечирди-да, муҳбирга қайтиб берди.

— Бу ерга қандай қилиб келдингиз?

— Қитъадан, Зелёний Камень орқали келдим. Ундан бу ерга қайиқда ўтказиб қўйишди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

— Биринчидан— мени бу ердаги балиқчилар билан таништириб қўясиз. Расмга олиш учун энг яхши объектларни танлашга ёрдам берасиз. Менга сизни жуда тажрибали одам деб айтишди. Бундан ташқари, бир неча кунга бошпана бериб туришни сиздан илтимос қилишимни маслаҳат беришди. Редакция мени пулдан қисиб қўйган эмас, менга кўрсатган хизматларингизга қанча ҳақ сўрасангиз, ўшанча тўлашга розиман.

Ковальчук фотографни ҳовлига таклиф қилди.

— Қизчангиз бало экан. Ўз қизингиз бўладими?

— Йўқ, шундай... асранди. Ҳайрон бўлманг, унинг ақли бир оз кирди-чиқдироқ.

АНДРЕИ ГОРДЕЕВИЧ АНАНЬЕВНИНГ  
ФОРМУЛАСИ

Стах Очеретнинг уйи олдида митингга тўпланишди. Митингни ҳеч ким ташкил қилгани йўқ. Одамларнинг ўзи келди. Мана, икки ҳафтадан бери қишлоқдагилар профессор Ананьев топган қум тўғрисида гаплашар эдилар. Кўпчилик у қумда олтин бор деб ишонарди; соколийнийликлардан баъзилари ҳатто қум тепаларга борди ва роса қум титкилаб кўрди, лекин олтин тополмади. «Колумб» командаси профессор билан бўлган суҳбатдан кейин оролда торианит тўғрисида сўзлаб берди, лекин уларга ҳам ишонишар, ҳам ишонишмас эди. Ахир соколинийликлар бу қора қумни неча-неча йиллардан бери кўриб юришар, лекин унда ҳеч қандай ғалати нарса борлигини сезишмасди.

Марконинг бобоси кекса Махтей бир вақтлар катта пароходларда матрос бўлиб сузган ва ҳар хил ажойиб-ғаройиб нарсаларни биларди. У ер шарининг ҳар бир бурчида бўлган, Америкага, Африкага ва Австралияга, Тинч океан ороллариغا борган. Антрактида денгизларида сузганди, лекин ҳеч қандай торианит тўғрисида ҳеч нарса эшитмаганди. Тўғри, у фанга қаттиқ ишонар ва фан ҳар нарсанинг ҳам тагига ета олади, ҳатто денгиз сувидан олтин ҳам ажратиб ола биледи дерди, лекин «Колумб» командаси профессорнинг сўзига тушунмапти деб ҳисобларди.

— Хойнаҳой, у ерда нефть бўлса керак,— дер эди у.— Нефть ҳозир ҳарбий денгиз флоти учун ҳам, биз учун ҳам энг зарур нарса.

Нима бўлганда ҳам профессор Соколинийга қайтиб келиши биланоқ, шкипер Стахнинг уйи хотин-халаж, бола-чақа ва денгиздан қайтган ёки бугун балиқ овига чиқмаган балиқчилар билан лиқ тўлди. Ҳамма ҳам бу ғалати қум тўғрисидаги бирор янгиликни эшитишни истарди.

Йиғилганлар уйга сиғмай қолди, кейин ҳовлига чиқиб кўкатлар устига, бултур бузиб олинган саройдан чиққан ходалар устига, девор тагидаги супага жойлашиб олдилар.

— Хўш, ўртоқлар, қумингиз жуда қимматбаҳо экан,— деди професор.— Ҳаммангиз ҳам дирижабллар тўғрисида

эшитгансиз. Эҳтимол, уларнинг расмини ҳам кўргандир-сиз. Шунақа каттакон аэростатлар бўлади. Улар осмонда ҳаводан енгилроқ газ ёрдами билан туради, учишларига келсак, гандоласига ўрнатилган мотор ёрдами билан учди. Дирижаблар самолётлардан анча олдин пайдо бўлган, лекин авиация дирижабчиликни орқада қолдириб кетди. Маълум бўлдики, самолётларни қуриш осон ва дирижаблардан арзон тушар экан. Биринчи империалистик уруш вақтида турли мамлакатларда бир неча юз дирижабль қурилди. Улар ўз армияларига жуда асқотди. Лекин у аппаратлардан кўпчилиги барбод бўлиб кетди. Қимматли ҳаво кораблини маҳв этиш жуда осон эканлиги маълум бўлди. Дирижабль дунёдаги энг енгил газ — водород билан тўлдирилади; кислород билан химик усулда бирлаштирилганда сув ҳосил қиладиган бу газ, айни вақтда дунёдаги энг тез ёнадиган нарсалардан ҳисобланади. Кислород ёки ҳаво билан механик равишда аралашиб кетганда, у жуда кучли портловчи аралашма — шалди-роқ газ ҳосил қилади. Ана шунинг учун дирижабль қобигидан зиғирдаккина учқуннинг ичкарига ўтиши водороднинг ёниб кетиши учун кифоя қилади, дарҳол ҳаво билан аралашиб кетади-ю, портлаб, учиб юрадиган аппаратни маҳв этади.

Зенит тўпларининг ёндирувчи снарядлари дирижабларни тез яқсон қилиб ташлайди. Империалистик уруш вақтида Германия бир юз йигирма учта каттакон дирижабль қурди, улар дирижабль қурувчилардан бирининг номи билан цеппелинлар деб аталади. Снарядлар билан ёндириб юборилган қирқта цеппелин йўқ қилинди, улар бир лаҳзадаёқ бир тўда парча-парча темир-терсақларга айланиб қоларди.

Лекин кунлардан бир кун цеппелинни ўққа тутган инглиз зенитчилари снаряд тегиб шикастланган дирижабль портламасдан, орқасига қайтиб, учиб кетганини сезиб қолдилар.

Бу ғалати ҳолнинг сабабига дарров тушуниб етмадилар. Немислар ўз дирижабларининг қобигини водород билан эмас, балки гелий газини билан тўлдира бошлаганликларини анча кейин билиб қолдилар. Бу газнинг кўтарилиш кучи водороднинг кўтарилиш кучидан фақат саккиз процентгина кам. Лекин гелий билан тўлдирилган дирижабль ёнғиндан қўрқмайди. Гелий ёнмайди. У баъзи химиклар — олижаноб газлар деб, бошқа химиклар —

танбал газлар деб атаган газлар гуруҳига мансуб, чунки улар биронта ҳам бошқа элемент билан химик бирикмага киришмайди.

Лекин немис дирижаблларининг гелий билан тўлдирилганлиги уларни ўтга чидамлилигига қараганда ҳам ортиқроқ ҳайратда қолдирди. Чунки у вақтда гелий жуда кам ишлаб чиқарилар эди. Биринчи империалистик уруш бошида бир кубметр гелий тилла пул ҳисобида икки юз минг сўм баҳоланар эди. У вақтда Американинг барча лабораторияларида бу газ бир кубметрнинг ўндан бири миқдориди ҳам топилмас эди.

«Гелий» бизнинг тилга таржима қилганда «қуёшли» деган манъони билдиради. Уни шунинг учун бу ном билан атайдиларки, бу газни астрономлар дастлаб Ердан эмас, балки Қуёшдан топганлар. Астрономлар қуёшнинг қандай моддалардан ташкил топганини ўргана туриб, (бунинг учун улар қуёш нуруни спектраль услубда анализ қилдилар) 1873 йилда, ерда ўша вақтгача ҳали маълум бўлмаган бир моддани кашф қилдилар. Фақат орадан йигирма етти йил ўтгандан кейингина ер шарида Клевеит минералидан гелий топдилар. Кейинчалик гелий ҳаводан ҳам топилди. Лекин ҳавода ва клевеитда гелий шу қадар камки, қуёш газини ажратиб олиш жуда қимматга тушади.

Кейинчалик гелийни Бразилияда, монацитил деб аталган қумдан топишди. Биринчи жаҳон уруши олдидан Германия Бразилиядан бир неча минг тонна ўша қумдан олиб кетди. Уруш вақтида немис химиклари ундан гелий ажратиб олдилар. Бундан ташқари улар ўз курортларидан биридаги минерал сув булоғидан ҳам гелий топдилар. Лекин унда гелий кўп эмасди, Германия кўп ўтмай ўз запасларини тамом қилди.

Бу орада Қўшма Штатлар урушга кириб, гелийни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Улар ўз ерларида гелийнинг табиий бойликларини топдилар. Энди гелийнинг баҳоси водород баҳосидан фақат ўн-ўн беш марта қимматроқ бўлиб қолди. Америка гелийни чет элларга камданкам ва жуда оз миқдорда сотилади. Гелийни чет элларга сотиш учун Америка ҳукуматидан ҳар гал махсус рухсат олиниши керак.

Арзон гелийни барча мамлакатларда қидиришмоқда. Гелийни ҳаводан ҳам олиш мумкин. Лекин у жуда қимматга тушади. Бу денгиз сувидан олтин ажратиб олишдек

бефойда нарса, денгиз сувида олтин борлигини билсак ҳам ундан олтин олмаймиз. Арзон гелий дирижаблларни, стратостатларни, аэростатларни ёнғин хавфидан сақлаш имкониятини беради ва гигант ҳаво корабллари қуриш ишини илгари силжитади.

Ҳинд океанининг бир четида Цейлон ороли бор. Унда ториянитли минерал топилди... Текширувчилар ҳар бир килограмм ториянитдан ўн литр гелий олиш мумкинлигини аниқлаганлар. Бунинг учун фақат ториянитни ўтда қиздириш керак.

Орол денгизидаги қумлоқ тепадан мен ториянитли қум топдим. Назаримда, у қумда ториянит кўпдек туюлди, агар шундай бўлса, демак, гелий ҳам кўп бўлади. Умидларим пучга чиқмади. У ростдан ҳам юқори сифатли ториянитли қум экан. Бу ҳам Ҳинд океанидаги оролларда топилган қумларга қараганда ҳам ториянитга бой. Ундан гелий ажратиб олиш мумкинлигига шубҳа йўқ, ундан гелийдан бошқа яна радийнинг ўрнини босадиган мезаторий деган модда ҳам олиш мумкин.

Бу қумлардан фойдали моддалар ишлаб чиқариш учун икки нарсани яхши билиш керак: биринчидан, бу ерда қум кўпми, иккинчидан эса, ундан гелийни кўп миқдорда тез ва арзон баҳода қандай қилиб ажратиб олса бўлади. Ҳозирча техника бундай усулда гелий ажратиб олишни билмайди, лекин мен бундай усулни тез орада топишимизга ишонаман. Ҳозир энг муҳими оролда ториянитли қумнинг запасини аниқлаб олиш зарур. Геологик разведка, айниқса Лебединий оролидаги шароитда олиб бориладиган геологик разведка, маблағ ва вақт талаб қилади. Оролингизда ториянитли қум топилганини Бош геологик бошқармага хабар қилдик. Уйлайманки, у ерда барча имкониятларни ҳисобга олиб, зарур маблағ ажратадилар. Бу орада мен университет топшириғи билан оролда ториянитли қум манбаларини ўрганишни давом эттираман. Ториянитдан гелийни кўп миқдорда ажратиб олишнинг назарий асосларини ишлаб чиқаман. Мен бу масалани принципиал равишда ҳал қиладиган формула топдим. Энди гап фақат мана шу формула асосида гелийни ажратиб олиш схемасини ишлаб чиқишда қолди, шундан кейин кон ташкил қилиш ишларига киришаверсак ҳам бўлади...

Кейин профессор, агар бу ерда гелий ва мезаторий ишлаб чиқариш корхоналари қурилгудек бўлса, Лебеди-



ний оролининг келажакда қандай юксалиб кетиши тўғрисида сўзлаб берди.

Унинг сўзига қулоқ солаётганлар олимни яна ҳам жипсроқ ўраб олдилар. Эшитганларидан ҳаяжонга тушган ва унга қизиқиб қолган бу одамлар фақат ярим кечадан кейингина, тўлин ой анча баланд кўтарилиб қолганда тарқаб кетдилар.

Ҳаммадан олдин Марко билан Люда кетди. Профессор ҳозир сўзлаб бераётган нарсаларни улар аллақачон эшитган эдилар.

Денгиз бўйига бориб, юнга билан қиз чоғроқ бир балиқ бочкаси устига ўтирдилар. Иккаласи ҳам бирпас сўзлашиб олиш иштиёқида эди, чунки шхуна бугун кечаси яна Лузанига жўнаб кетади: шкипер тузланмаган балиқни узоқ тўхтатиб қолишни истамасди.

Илиқ ойдин кеча ва азим денгиз кишини кўнгил очиб суҳбат қилишига мойил қилади. Марко «Колумб»нинг Карталин кўрфазига қилган охириги рейси тўғрисида сўзлаб берди.

Люда бугунги букетни эслади ва ўзининг бугун бошидан кечирганларини сўзлаб берди.

Марко Находка тўғрисидаги ҳикояни қизиқиб тинглади.

— Бунга қараки,— деди қиз, сўзининг охирида,— у бир оз галатироқ, сира гапирмайди, жуда ёмон кийинган. Тўғриси, қандай кийиниши унга боғлиқ эмас... Аммо у сира-сира эси пастга ўхшамайди.

— Мен уни бир неча марта кўрганман холос, ўшанда ҳам узоқдан, инспектор уни уйдан чиқармайди, уникага балиқчилар ҳам жуда кам боришади. У анчадан бери шу ерда яшаса ҳам, уни унча ёқтиришмайди. Айниқса ўзининг инструкциялари ва амри-фармойишлари билан ҳамманинг жонига тегади. Инструкцияларини донм ёнида олиб юради ва ҳамма жойда ҳар хил арзир-арзимас чатоқликлар топиб, ўшанга ёпишиб олади. У ўзининг Разбойидан ҳам бадтар. Қизча тўғрисида эса нуқул: «Эси паст. Битта-яримтага бирон зиён етказмаса деб кўрқаман» дейди.

— Биласанми, у менинг сандалларимга қизиқиб қолди. Ана шундан кейин миямга: Лузанидан сандал сотиб олсагу, унга совға қилсак деган фикр келди.

Суҳбат тамом бўлди, балиқчилар тарқала бошладилар. Соҳилга энг олдин Левко келди. Марко билан Люда-

ни кўриб, нима учун кўришишга шундай очиқ жойни тан-  
ладинлар деб ҳазиллашди.

— Биз бу ерда тутинган қизинг тўғрисида гаплашиб  
ўтирибмиз,— деб жавоб берди Марко.

«Дельфин»даги одамларни қутқариш тўғрисида энг  
олдин таклиф киритгани учун Соколинийда баъзан ҳазил-  
лашиб, Находкани Левконинг тутинган қизи деб ағашар  
эди. Левко бир қанча вақтгача қизчага жуда қизиқиб  
юрди, лекин қизча бир йилгача сўзламади, тили аччиқ  
инспектор эса ҳар қандай одамни ҳам уйига келмайдиган  
қилиб, бездириб юбора оларди.

Люда Находка билан учрашиб, сўзлашганини иккин-  
чи марта ҳикоя қилиб беришга мажбур бўлди. Энди у  
қиз тўғрисида ва унинг олдига Ковальчук ҳеч кимни ки-  
ритмай қўйгани тўғрисида яна ҳам қизишиб гапирди.

— Анави милиционерни қара-ю!— деди истеҳзо билан  
Левко.— Уйимни кўтариб кетадилар деб қўрқади. Ден-  
гизнинг нарёғидан атайдан шунинг учун қароқчилар ке-  
лармикин... Увадаларни кийиб юрипти дейсанми?

— Усти-боши бутун, лекин бу қўйлак эмас, бир рў-  
дапо!

— Оббо, аблаҳ-ей!— деб Ковальчукни сўкиб қўйди  
Левко.

Люда Находкага сандал совға қилиш тўғрисидаги  
таклифни яна такрорлади. Марко уни қўллади.

— Сандал дейсанми?— деб сўради матрос.— Албатта  
олиб бериш керак! Фақат сандал эмас — мен унга ҳам-  
масини олиб бераман. Эртага Лузанида барча магазин-  
ларни айланиб чиқаман. Тутинган қизимга олиб келган  
совғаларимни Яков Степанович олдирмай кўрсин-чи!  
Ундан кейин яна текшириб кўрамиз: Находка ростдан,  
инспектор айтгандек, эси пастмикин... Еки қизчани унинг  
ўзи эси паст қилиб қўйдимикин...

Шкипернинг оғир-оғир қадам ташлаб келаётгани эши-  
тилди. Унинг олдида сояси сурилиб келарди.

— Ҳей, команда!— деб қичқирди Стах.— Қани, ко-  
раблга чиқинлар! Қимирланлар, жўнаб кетамиз!

Юнга ва моторист Люда билан хайрлашдилар, кейин-  
ги сафар келганларида Находкани бориб кўриш тўғриси-  
да ваъдалашдилар.

Қиз уйга қайтиб келди. Отаси каттакоп уйда кенг блок-  
нот устига энгашиб ўтирар эди. Чироқ столда турган нон,  
бўлак-бўлак қилиб кесиб қўйилган кефаль балиғи ва

қатиқ солинган баланд хурмачани ёритиб турарди. Кўри-нишидан, професор ҳали овқатланмаган эди. У диққат билан аллақандай нарсаларни ҳисоб қиларди. Чап қў-лининг бармоқлари орасида папирос тутаб турарди. Қизи шахдам қадамлар ташлаб отасининг олдига борди, қўли-дан папиросни тортиб олди-да, очиқ ойнадан улоқтириб юборди. Андрей Гордеевич чўчиб кетди. Хўмрайиб қизи-га қаради ва хотиржам деди:

— Кечир, лекин эҳтиёт бўл: бу ерларда папиросдан ўт чиқиши мумкин.

Люда ойна олдига келди, папирос тушган жойга қа-раб жавоб берди:

— Ўт кетмайди, дада, ахир сен врачга бир ойгача оғзимга папирос олмайман деб ваъда берган эдинг. Бу-нинг устига, нима учун шу маҳалгача овқатингни ема-динг? Ахир Лебединийда соат ўн иккидан кеч қолмай уй-қуга ётаман деб ваъда қилгансиз-ку.

— Ҳозир беш минути кам ўн икки,— деди профес-сор,— энг муҳими эса, мен ҳозиргина формуламни бата-мом соддалаштириб бўлдим, энди у тиниқ сувдек равшан бўлади.

У қизига торианитли қумдан гелий ажратиб олиш процессини тушунтира бошлади. Қиз отасининг сўзла-рига қизиқиб қулоқ солди, отасининг овқат емагани эси-га тушганда, соат бирдан чорак ўтган эди.

## XI боб

### ШАМ КУТАРГАН ҚИЗ

Уша куни кечаси, ярим кечага яқин, инспектор уйида чой ичиб ўтиришарди. Катта керосин лампа ёритиб тур-ган стол атрофида Ковальчук билан унинг меҳмони ўтирибди. Находка бир бурчакда мудрарди. У фотограф-га жой солиб берган, энди эса чой қуяр ёки буюрсалар, дастурхонга овқат келтириб турарди. Ковальчук балиқ-чилик ишлари тўғрисида гапирар, оролдаги ҳаётнинг зе-риктирарли ва бир хиллигидан нолирди. Анч папирос тутатиб, хотиржам, лекин жуда диққат билан қулоқ со-ларди. Аҳён-аҳёнда қизчанинг қачон кетишини кутган-дек унга қараб-қараб қўярди. Ниҳоят у:

— Нима учун қизча ётмаяпти? Кўзи юмилиб кетяпти-ю?— деди.

Ковальчук асранди қизига қаради:

— Находка, бор, ётиб ухла!

Қиз хона ёнидаги кичкинагина каталакка чиқиб кетди. У ерда қизчанинг кичиккина ёғоч кровати турарди. Бу каталакнинг деразаси йўқ эди, шунинг учун қизча шам ёқди. У увадаси чиқиб кетган чиптани ёзди, денгиз ўтлари билан тўлдирилган ёстирини қўйди-да, ечина бошлади. Устига йиртиқ қопни ёпиб ўтириш учун шамни қўлига олган эдики, тахта девор орқасидан эшитилаётган суҳбат қизнинг диққатини тортди. Қизчанинг шам нури ёритиб турган бетида ҳушёрлик аломатлари кўринди. Қиз бошини буриб, қулоғини деворга тутди. Шамнинг милтиллаб турган алангасида деворга тушиб турган соя липиллар ва Находканинг кўзларида акс этарди.

— Мен бундай нарсаларни мутлақо... билмайман,— хириллаб жавоб берди Ковальчук.

— Эҳтимол,— деган истеҳзоли жавоб эшитилди,— бунинг хато бўлиши ҳам эҳтимол, лекин,— гапираётган меҳмоннинг товуши жуда совуқ эшитила бошлади,— мана бу расмдаги одамни танирсиз дейман?

Орага бирпас жимлик чўкди.

— Бу сурат,— деб давом этди Анч,— 1918 йилда олинган.

Находка аллакимнинг стулни ағдариб, ўрнидан сакраб туриб кетганини эшитди.

— Беринг бу ёққа,— деб чийиллаб юборди Ковальчук,— беринг деяпман!

— Биринчидан, мен сиздан жисмоний жиҳатдан кучлиман, иккинчидан эса, бу ягона нусха эмас. Ўзингизни босинг! Эсингизда бўлсин, ҳаётда ҳар қандай ҳолларда ҳам оғир бўлиш керак, ўшанда юз берган ҳолдан қутулиш имкониятини топиш осон бўлади.

Инспекторнинг стулга ўтиргани эшитилди. Яна жимлик чўкди. Сукунат бир ярим минутча давом этди.

Находка юрагининг қандай дукиллаб ураётганини ва шамнинг чирсиллашини эшитиб турарди.

— Талаб қиламан! Беринг менга!— деб қичқирди Ковальчук.

— Секин, қизчангиз уйғониб қолиши мумкин. Сизни сўяпти деб ўйлаб юрмасин яна.

— Ростдан ҳам сўяяпсиз. Пичоқсиз сўяяпсиз!— деди йиғлагандан бадтар бўлиб инспектор.

Шам ёниб турарди, пилиги чиқиб қолди, муми эса катта-катта томчига айланиб оқиб тушар ва бармоқларида қотиб борарди. Лекин Находка буни сезмасди. Унинг қулоғи ичкарида эди.

— Кейинги йилларда биз сизни диққат билан кузатиб бордик. Сиз ростдан ҳам қўрқоқ экансиз: мана бу оролга граждандар урушининг охиридаёқ келиб яшириниб олдингиз ва ўшандан бери ҳеч қаерда қорангизни ҳам кўрсатмай қўйдингиз. Сизни бундан ўн йил илгариеёқ унутиб юборган бўлсалар керак. Бу ерда сизнинг ўтмишингизни билишмайди. Бу яна яхши. Сизни фақат биз назардан қочирмай юрибмиз. Бир кун эмас, бир кун, ахир эски замонлар қайтиб келади-ку, кадрларни эҳтиёт қилишимиз керак-да. Тўла ҳарбий формада мана бу расми олдирганингиздаги, яъни 1918 йилда орзу қилган нарсаларингиз рўёбга чиқса, сиз ўз ўтмишингиздан воз кечармидингиз? Бунинг устига бугунги суҳбатдан ҳам бу кавакнинг қанчалик жонингизга теккани кўриниб турибди. Хўш, бордию ўша мақсадга эришадиган вақт ҳали жуда узоқ деб фараз қилайлик, унда сиз чет элларга кетишга ва тўлиқ таъминланган киши бўлиб қолишга таклиф қилсак рози бўлмасмидингиз?

Афтидан, Ковальчук узоқ ўйлаб қолди — сукут яна чўзилиб кетди.

Ниҳоят яна Анч тилга кирди. У секин сўзларди, лекин қиз унинг сўзларини эшитди:

— Менга қаранг, эси паст қизингиз ухлагани аниқми?

Стул гижирлади-да, оёқ товуши эшитилди. Находка девордан бошини четга олди ва пуфлаб шамни ўчирди. Шам ўчди-ю, ҳамма ёққа қоронғилик чўмди.

Ковальчук каталак эшигини сал очди, гугурт ёқиб, ёғоч кроватда гужанак бўлиб ётган қизга қаради-да, бутунлай хотиржам бўлди шекилли, Анч олдига қайтди.

Энди Находка қоронғиликда ётарди. У деворга бош қўйиб, яна қулоқ сола бошлади.

— Ҳозирча,— дер эди фотограф,— мен сизга уч минг сўм бера оламан.

— Бундан ташқари, чет элда моддий жиҳатдан қийналмаслигимга ҳам ваъда берасизми?

— Шубҳасиз! Лекин буни ҳам, мен берган авансни ҳам қўлга киритиш учун бир иш қилишингиз...

— Яъни?

— О, арзимаган иш! Соколий қишлоғида ҳозир профессор Ананьев яшаб турибди. Буни икки соат олдин ўзингиздан эшитдим.

«Профессор Ананьев» деган сўзлар алланарсани Находканинг эсига туширди. Ҳа-я! Бу — бугун кундузи келган қизнинг отаси.

— Сизни профессор қизиқтирадимиз?— деб сўради Ковальчук.

— Ҳа. Биз унинг ҳар бир босган қадамидан хабардор бўлишимиз керак. У бу ерда торианитли қум топди. Шунинг учун мен оролда бир қанча вақт ушланиб қолмаман, сиз эса менинг ёрдамчим вазифасини бажарасиз.

— Хўш, ундан кейинчи?

— Бу вазифани бажаргандан кейин,— Анчнинг сўзлари маънодор жаранглади,— биз оролни ташлаб кетамиз. Чегарадан ўтиб олиш сиз ўйлаганча қийин иш эмас.

— Хўп... хўп... Лекин шундай бўлса ҳам... вазифа... менга жуда ҳам равшан эмас...

— Оббо, жуда ҳам гапга тушуна қолмайдиган хилдан экансиз-да!.. Оролда торианитли қум чиқариш иши амалга ошмаслиги керак, мана шу холос!— деб маънодор қилиб сўзни тугатди Анч.

— Профессор Ананьев-чи?

— Унинг юраги касал. Докторлар у узоқ яшамаса керак деб қўрқишяпти. Тушундингизми?

— Ҳа-а, хў-ўп... Борди-ю, мен рози бўлмасам-чи?

— Мен тўғримда хабар беришингиз мумкин, лекин 1918 йилни кечиришади деб умид қилманг. Қўлимизда керагидан ҳам ортиқ материаллар бор... Иккинчидан эса, бизнинг қўлимиз жуда узун, бунга ишонаверинг. Учинчидан, ўзингиз тушиб қолган вазият тўғрисида яна бир марта ўйлаб кўрсангиз, мушкул аҳволдан қутулишнинг энг осон йўли шу эканини англайсиз. Юракда сақлаб келган нафрат ҳиссингизни қондирасиз, катта мукофот оласиз... Энди эса ухлаймиз. Яхши тушлар кўринг!

Находка аллакимнинг ҳовлига чиққанини эшитди, шундан кейин ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. У кўзларини очиб ётар ва сира ухлай олмасди. Қиз яна би-

рор нарса эшитиш умидида эди. Лекин хона ичи жимжит.

Анч ётишдан олдин папирос чекди ва дераза олдида ой нурига чўмиб ётган ҳовлини томоша қилди, ҳовлида Яков Ковальчук ўйчанлик билан полиз олдидан калиткагача ва калиткадан полиз олдигача бориб-келиб кезиниб юрарди. Анч уни у ёқдан-бу ёққа юриш ва тоза ўйлаши учун ўз ҳолига ташлаб қўйди, ўзи эса тамомила хотиржамлик билан инспектор ўрнига чўзилди.

Находканинг уйқуси ўчиб кетганди. Авваллари дарров ухлаб қоларди. Қиз эшитганларидан жуда кам нарса тушунди. Шундай бўлса ҳам уларникига келган киши Яков Степановични аллақандай ёмон мақсадларга кўндиришга уринаётгани унга аниқ эди. Инспекторни яхши билганидан, қизча унинг бу ёмон ишга рози бўлишига шубҳа қилмади. Улар анави қизнинг отасига қарши аллақандай ёмон ниятда эдилар.

Находка Соколинийда жуда кам бўларди. Қишлоқни севмасди. Уни кўрганда болалар тўпланишади. Хотинлар унинг орқасидан ачиниб бош чайқаб қолишади, балиқчилар эса унга мутлақо эътибор беришмайди. Қишлоқда на болалар, на аёллар қизни хафа қилишарди — болалар уни чертмасди ҳам, аёллар эса уни масхара қилиб кулишмасди, лекин барибир, уларнинг муносабатларида қизнинг иззат-нафсига тегадиган аллақандай бир нарса бор эди.

Шуниси ҳам борки, у қишлоқ аҳолисининг деярли ҳаммасини биларди: аҳён-аҳёнда бўлса ҳам, балиқчилар Ковальчукнинг уйига иш билан келиб туришарди. Профессор Ананьев билан унинг қизи тўғрисида Находка яқинда эшитди. Сандал кийиб келган қиз унга жуда ёқди ва раҳмат айтгани келиб, унинг ишончини қозонди. Находка қачон бўлмасин бирон-бир кишининг унга ташаккур айтганини билмасди. Эҳтимол, бирор балиқчи бир кружка сувини ичиб, ўзи ҳам сезмаган ҳолда «раҳмат» деб қўйган бўлса бордир.

Энди у яна ўша Ананьев тўғрисида сўзлашишганини эшитди. Унинг исми жуда ғалати эди: «профессор!» Қаранг-а, шундай исмлар ҳам бўлар экан! Қизча ўзи тасодифан эшитиб қолган суҳбат тўғрисида яна ва яна ўйлаб кетарди. У Яков Степановични яхши кўрмасди. Яхши кўрмасди дейиш оз: қизча, гарчи унга сўзсиз бўйсунушига ўрганиб қолган бўлса ҳам, инспекторни кўр-

гани кўзи йўқ эди, Находканинг миннатдорчилиги билан ва кўзларига ёш олиб эслайдиган бирдан-бир кишиси Ковальчукнинг марҳума хотини эди. У ўлгандан кейин инспектор назорати остида қолган қизча бир оғиз ширин сўз эшитмади. Ковальчук унга дурустроқ муомала қилган вақтлари ҳам, ҳатто майда-чуйда совға келтирган вақтлари ҳам бўларди, лекин кўпинча арзимаган бир айби учун уни камар билан савалар ва куни бўйи оч қўярди. Бундан ташқари, қиз ҳар кунги ишлардан, кўпинча ўзи учун жуда оғир бўлган хўжалик ишларидан жуда чарчаб қоларди.

Находка ҳурмат қиладиган яна бир киши бор эди, лекин қиз уни жуда кам кўрар ва учрашганда ҳам ҳеч вақт у билан сўзлашмасди. Бу Левко Ступак эди. Бир куни балиқчилардан аллаким унинг олдида Находкани Левконинг тутинган қизи эканини айтди-да, қизчани Левконинг қаттиқ туриб қилган талабидан кейин қутқариб қолганларини тушунтирди. Қиз бу тўғрида Ковальчукдан сўради. Унинг жони чиқиб, қизчани сўкиб берди, Левко у вақтда ҳали ёш бола эди, сени мен қутқариб олганман деди. Находка инспекторнинг сўзларига ишонмади, буни қишлоқдаги бир хотиндан сўради. У хотин балиқчининг сўзларини тасдиқлади.

Энди ўзининг рўшнолик кўрмаган ҳаёти тўғрисида ўйлар экан, Находка ўзи яхши кўрадиган одамлар қаторига Люда Ананьевани ҳам қўшиб қўйди. Янги таниши тўғрисидаги фикрлар билан ухлаб қолди.

## XII боб

### ҚУМ ТЕПАДА

Оролнинг марказий қисмида, кўрфазга яқинроқ жойда қум тепанинг иккита конуссимон чўққиси кўтарилган. Тепа қишлоқдан тахминан олти километр жойда. У бошини паст эгиб, чўкиб ётган каттакон туяга ўхшайди. Баландлиги ўттиз метрдан ошмайди, кичкинагина кўл олдидан бошланиб шимол-ғарбдан жануб-шарққа қараб бир юз эллик метр жойга чўзилиб кетган. Орасида наъматак буталари ўсиб ётган қаттиқ ўтлар тепани гиламдек қоплаб олган. Қора тупроқ тагидан кул ранг қум олиш учун ерни қирқ сантиметрча қазиш кифоя эди.



Бир кун эрталаб профессор Люда билан уйдан чиқиб қум тепага қараб йўл олди. Белкураклар, болгалар, компас ва рулетка билан қуролланиб олган ота-бола баланд ўтлар орасидан шахдам одим отиб борардилар. Шабнам қуриганда, тепа этагига етиб келдилар. Профессор тепани ўлчамоқчи, бир неча метр жойдан тупроқ қазиб, торианитли қум конларининг юқори қатламини тахминан белгиламоқчи эди.

— Агар ишга жиддий киришадиган бўлсак, бу ерга палатка ўрнатишимиз керак,— деди у.— Палаткада қуёшдан беркинишимиз, дам олишимиз ва асбоб-ускуналаримизни ҳам қўйиб қўйишимиз мумкин.

— Ундан кўра бир неча кунга шу ерга кўчиб кела қолайликда?— деб таклиф қилди Люда.

— Кўчиб келишнинг кераги йўқ. Анави ботқоқда безгак чивинлари бўлса ҳам ажаб эмас, шунинг учун бу ерда кечаси қолишимизнинг кераги йўқ.

— Лекин оролда безгак билан оғрипти деганларини эшитмадик-ку.

— Бу, оролда безгак чивини йўқлигини кўрсатмайди.

— Лекин чивин касал тарқатмаса, ундан қўрқмаса ҳам бўлади-ку ахир.

— Гапинг тўғри-ю, лекин ҳар ҳолда эҳтиёт бўлиш керак. Биринчидан, бу ердаги чивинлар зарарсизми-йўқми эканини билмаймиз, иккинчидан эса, битта зарарли чивин пайдо бўлдими, касалнинг тарқалиб кетиши ҳеч гап эмас.

— Ҳозирча, дада, тортишмасак ҳам бўлади.

— Тўғри! Бу ерда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан кейин барча ботқоқларни йўқотиб юборамиз, ёки нефть қуямиз, гамбузилар қўйиб юборамиз, шундан кейин безгак қолмайди.

Дастлаб профессор рулетка билан тепани ва унинг атрофидаги жойларни тенг квадратларга ажрата бошлади. Ана шу майдонда шурф қазиш учун жой белгилаш керак эди.

Бу орада қуёш қиздира бошлади. Профессор кителени ечди, оёқ кийимини ҳам ечиб ташлаб, қўйлакчанг, оёқяланг бўлиб олди. Сени шу аҳволингда университетдаги ўртоқларингга бир кўрсатсак бўлар эди деб куларди қизи. У ўзи билан фотоаппарат олиб келмаганига афсусланди.

— Анави келаётган ким?— деб қолди бирдан профессор.— Афтидан, ўша одам худди сен орзу қилаётган фотоаппаратни олиб келяпканга ўхшайди.

Люда отаси кўрсатган тарафга қараб, фотоаппаратлардай аппаратини ғилофга солиб, узун қайиш билан елкасига осиб олган новча бир кишини кўрди.

Бу Анч эди. У эрталаб инспектор билан бирга Соколийга келди, балиқчилар билан танишди, профессор Ананьевнинг қаёққа кетганидан дарак топди-да, унинг кетидан жўнади. Яқинроқ келгач, ўзини кўриб қолганларини сизди-ю, профессор билан Люда тарафга ошиқди. Саломлашди, Лебединий оролининг балиқчилари ва орол тўғрисида фотоочерк тайёрлаш учун редакциядан кечагина келганини айтиб, ўзини танитди.

— Бу ердаги ишларингиздан хабардор бўлдим, турган гапки, бундай ҳодисани расмга олмай иложим йўқ. Йўқ демассиз деб ўйлайман? Профессор, бу ахир жуда катта кашфиёт!

Ананьев жилмайди, лекин, кўзларида муғомбирлик учкунлари кўринса ҳам, юзи дарҳол жиддий тусга кирди. У жуда мулойимлик билан жон деб расмга тушаман, аммо расмнинг газетада босилишига қаршиман, деди. Кашфиёт қизиқ, лекин унинг практик аҳамияти ҳали номаълум, шу сабабдан ҳозир бу ҳақда ортиқча шов-шув кўтариш ярамайди. Шундай бўлса ҳам фотокорреспондент билан кўришганимдан хурсандман, баъзи объектларни, шу жойнинг рельефини расмга олишга ёрдамлашиб юборасиз деб умид қиламан. Буни ўзим ҳам қилишим ёки қизимга топширишим мумкин-у, албатта, лекин ҳаваскор олган расмлар мутахассислар олган расмлардай яхши бўлиб чиқмайди.

Анч ёрдам беришга жон деб рози бўлди, профессорнинг розилигисиз биронта ҳам суратни газетага бостирмасликка ваъда қилди-да, дарҳол аппаратини шақирлата бошлади. У ҳадеб ёруғ тарафга ўгирилиб турунг, қўлингизни туширинг, елкангизни кўтаринг, бошингизни пастроқ туширинг ва ҳоказолар деб жонга тегарди.

— Бу бир азоб-ку,— деди оқ кўнгиллик билан кулиб профессор.— Майли, бу тепанинг расмлари бизга жуда асқотади.

Анч ёнидан портсигарини олиб, профессорга папиростутди. Ананьев қўлини чўзди-ю, лекин қизининг норозилик билан қараб турганини кўриб қолиб, жилмайиб, па-

пирос олмади, кейин ўзи жуда ўткир кашанда бўлса ҳам, бутун отпуска вақтида чекмасликка ваъда қилганини айтди... бунинг устига ёнида назоратчи ҳам турибди...

Фотокорреспондент геодезия группаси кетидан борар, Ананьев ўзи билан Людани шундай деб атарди, ва профессорга ториянитли қум конлари, ториянитни қўлланиш тўғрисида устма-уст савол берарди. Уни бу ерда саноат йўли билан ториянит ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ келармикан деган масала қизиқтирарди: ахир тепа шундай кичкина эдики, унинг ҳаммаси нуқул ториянитдан иборат бўлганда ҳам, шу вақтгача Анч кўриб келган руда конларига қараганда жуда кичик эди.

— Қум қатлами шу тепанинг ўзи билан тугалландими — йўқми, буни билмайман,— деб жавоб берди профессор.— Эҳтимол, маълум чуқурликда бутун Лебединий оролида ториянитли қум жинслари бордир. Эҳтимол, бу тепалар чуқур жойлашган ториянит конларининг сиқилиб юқорига чиқиб қолган қисмигинадир. Текшириб кўриш керак. Ниҳоят, бу тепанинг ҳам ўзига яраша қиммати бор: унинг қуми деярли концентрат, бундай концентрат одатда тозалаш фабрикасидан чиқади. Тепанинг тарихини ўрганиб чиқиш, унинг нима учун текис оролдан кўтарилиб қолганини аниқлаш қизиқ. Ториянитли қумни аллақандай оғир жинслар босиб, худди ўша жинслар юқорига сиқиб чиқарган бўлса керак деб ўйлаш лозим. Лекин булар махсус геологик проблема бўлганидан, менимча, сизни қизиқтирмаса керак. Журналистлар одатда бунақа нарсаларни лўнда-лўнда қилиб сўзлаб беришни талаб қиладилар. Шунини айтишим керакки, бу тепадаги ториянитли қумнинг сифати юқори. Ишонаманки, агар уни ишлаб чиқаришга юз миллион ҳарж қилинса, у икки миллиардлик маҳсулот беради. Агар бу жуда катта нураган тоғ жинси парчаларининг фақат ер юзига чиқиб турган қисми бўлса, маҳсулот миқдори ўша тоғ жинси парчалари бу тепада қанча кўп бўлса, ўшанча кўпайиб кетади.

— Айтингчи, бу қумдан гелий ажратиш олиш техникаси осонми?

— Шу маҳалгача жуда қийин иш эди. Лекин менинг портфелимда ётган қоғозлар баъзи кишиларнинг бу тўғрида ўйлаганликларини кўрсатади, проблема ҳам ҳал этилди деса бўлади.

— Хўш, шунча гелийнинг нима кераги бор? Агар дистрижаблларга дейдиган бўлсак, бу шубҳасиз қимматли

иш, лекин авиациянинг оламшумул ютуқларга эришганини ҳисобга олганда, осмон карабллари бунчалик катта аҳамиятга эга бўлармикан.

— Унинг аҳамияти шубҳасиз катта, лекин, менимча, яқин орада техниканинг бошқа соҳаларига ҳам жуда кўп гелий зарур бўлиб қолади. Яқинда мен шу мавзуда фазилатли газлар мутаҳассиси профессор Китаев билан суҳбатлашдим. У жуда муҳим ва қизиқ бир кашфиётни очиш арафасида турибди.

— Қандай кашфиёт экан?

— Буниси энди унинг иши. Охиригача текширилмаган ишларни айтиб бўлмайди.

— Айтинг-чи, сизнингча, бу ерда торинит кўпми?

— Кўплигига шубҳам йўқ.

— Гелийни қандай моддалардан олса бўлади?

— Уран ёки торий аралаш ҳар бир моддада гелий ҳам бўлади. Бу фазилатли газ узлуксиз равишда уран билан торийдан ҳосил бўлиб туради. Қисман у газга айланиб, учиб кетади — шунинг учун ҳавонинг ҳар бир кубметрида беш кубмиллиметр гелий бўлади, — қисман, у, уни ўз составида сақлаб турадиган минералларда бўлади. Минерал қанчалик ғалвирак бўлса, унда гелий шунча кўп бўлади. Торинит — ўзида гелийни энг яхши сақлайдиган минераллардан бири. Ундан ташқари гелий монацит, фергосунит, клеветит, гематитда ҳам бўлади-ю, лекин, анча кам. Бу ерда биз ўша минералларни ҳам топсак ажаб эмас, лекин биз учун асосий фойдали ҳомашё торинит бўлиб қолади.

— Рухсат этинг, ўлчаш ишларида сизга ёрдамлашиб юборай! Бу тепаликда биринчи бўлиб ишлаш мен учун катта бахт.

— О, марҳамат! Сизлар Люда икковингиз ўлчанглар, мен эса квадратларга ажратиб бўлинган жойларда дастлабки шурфларни қазийман.

Профессор белкурагини олиб, ишни бошлаш учун тепалик устига чиқиб кетди, фотокорреспондент билан Люда эса рулетка кўтариб нари кетдилар. Рулетка йигирма беш метрча узунликда эди, шунинг учун улар тахминан шунча масофадан бир-бирлари билан сўзлашиб юрдилар. Анч жуда меҳрибонлик кўрсатди. У Людага ширин сўзлар гапирар, гуллар териб берар, ўзининг мухбирлик саргузаштларидан қисқа-қисқа ҳодисаларни сўзлаб берарди. У қизнинг қандай спорт билан шуғул-

ланишини, танца тушиш-тушмаслигини сўради. Икки со-  
атдан кейин қишлоққа қайтиб кела туриб, улар жуда  
дўстлашиб кетмаган бўлсалар ҳам, анча яхши таниш  
бўлиб олган эдилар. Хайрлаша туриб, яқин кунлар ичи-  
да волейбол ўйнаш ва қироатхонада патефон ёки радио  
қўйиб танца қилиш тўғрисида келишиб олдилар.

### АIII боб

## С О В Ё А

Уша куни кечқуруноқ Анч фотопенкаларни чиқарди,  
қуритди, Ковальчукнинг уйидаги каталакда ихчам уве-  
личитель ўрнатди. Эртасига эрталаб уйқудан туриши би-  
ланоқ Лебединий оролида олган дастлабки расмларни  
боса бошлади. Ковальчукни у Зелёний Каменга энгил  
пойга байдаркаси сотиб олишга юборди. Зелёний Камень  
байдаркалари ўзларининг энгиллиги ва тез сузиши билан  
машҳур эди. Анч Ковальчукка пулни аямай, байдарка-  
нинг энг яхшисини олишни ва тезда етказишни тайин-  
лади.

Находка меҳмонга нонушта тайёрлади, кейин уйни  
йиғиштириб, сувга кетди. Анч ҳужрага бир челак сув,  
тос, бир неча тарелка ва қизил фонарь учун шам олиб  
келишни буюрди.

Хонада ёлғиз қолиб фотограф чемоданини роса титки-  
лади. Чемоданидан фотохимик реактивли бир нечта  
патрон, папирос гильзалари солинган қутича, бир пачка  
тамаки ва папирос ясаш асбобларини олди. У бир нечта  
гильзага тамаки тикди. Бу ишни у жуда боплаб қиларди:  
папирослар фабриканики сингари текис бўлиб чиқарди.  
Кейин «металлогидрохинон» деб ёзилган битта патронни  
очиб ундан жуда эҳтиётлик билан қоғозга озгина қизил  
порошок тўкди. Бундан олдин бурнига пахта тикиб олди,  
нафас олмасликка ҳаракат қилиб, оғзини сира очмади.  
Пергамент қоғозда озгина тамакини қизил порошок би-  
лан аралаштирди, ундан папирос ясаб мундштукига сези-  
лар-сезилмас қилиб белги қўйди, кейин металлогидрохи-  
нонини пергамент қоғозига ўради, қоғозни ғижимлади,  
ҳозир тайёрлаган учта папиросни — булардан бирининг  
тамакисига порошок аралаштирган эди — портсигари-

нинг бир бўлимига жойлади, бошқа бўлимини эса «Экстра» папирослари билан тўлдирди. Бу ишларни саранжом қилгач, ғижимлаб ташлаган пергамент қоғозини олди-да, жилмайиб туриб секингина деди:

— Трифенилометрин, трифенилометрин... Қизиқ... Йигирма, йигирма беш минутгача ҳеч нарса сезилмайди... Кейин бирдан бош оғриғи бошланади... лаблари кўкариб кетади, оёқ-қўлларини эплаёлмай қолади. Ун минутдан кейин палаж бўлади, яна уч-тўрт минутдан кейин — тамом бўлади... Ҳм!.. Ҳм!.. Бу эси паст қизимиз қаерда қолди-я? Қўлимни ювиб олишим керак.

Анч хона орқали ўтди, оёғи билан даҳлиз эшигини туртиб очди-да, уйдан чиқди. Унинг қаршисидан Находка бир пақир тўла сув кўтариб келарди.

— Ҳа-а, шошма-чи... Қўлимга сув қуйиб юбор.

Фотограф ғижимланган қоғозни ташлаб юбориб, қўлини тутди. Қиз унга сув қуя бошлади. Анч қўлини узоқ ва ҳафсала билан ювди. Находка унга ҳайрон бўлиб қаради-да:

— Топ-тоза қўлингизни бунча ҳадеб ювабермасангиз? — деб сўради.

— Тоза? Нимаси тоза?

— Ахир яқиндагина ювган эдингиз-ку.

— Мен ҳозир расмларни босмоқчиман. Бунинг учун қўл жуда тоза бўлиши керак. Айтгандай, менга қара, расмингни олиб қўяйми?

— Нима дедингиз?

— Портретингни қоғозга тушираман. Фоторасмингни, тушундингми?

— Қарточкага оласизми?

— Мана ҳозир оламан, хоҳлайсанми?

Находканинг кўзлари чақнаб кетди, юзида ҳайронлик белгилари кўринди. Афтидан, қалбида икки хил қарама-қарши истак курашмоқда эди.

— Йўқ, керак эмас,— деб қовоғини солиб жавоб қилди-да, яна қупол ва илтифотсиз бўлиб олди.

«Оббо эси паст-ей!» Анч кулиб қўйди, лекин қизчага ёқиш учун деди:

— Майли, сенинча бўлсин, баракалла. Яков Степанович зиммасига сени тарбия қилишдек бахт тушганини тушунмай юрибди... Бордию, сенга карточкани қандай қилишимни кўрсатсам, расмга тушишга рози бўласанми?

— Керак эмас!— деб пўнғиллади Находка.

Анч елкаларини қисиб қўйди, сув солинган пақирни олди-да, бугун лабаротория қилиб олган каталакка кириб кетди. Қизча ҳовлида қолди. У гарданига тушган рўзгор ишларига киришиб кетди. У фақат Ковальчук билан меҳмонни тўйдиришни ўйламай, балки экинларга ҳам, Разбой қўриқлайдиган иккита чўчқа боласи, товуклар ва ўрдакларга ҳам қараб туриши керак эди.

Находка чўчқа болаларини ўтласин деб калиткадан ташқарига чиқариб юборди, кейин уларга қараб туриш учун Разбойни чақирди. Бир неча минут чўчқачаларни томоша қилиб турди. Улардан бири қора, иккинчиси ола эди. Қораси ўт устидан бориб, фотограф ташлаган қоғозга яқинлашди, тумшуғини ишқаб ҳур-ҳурлаб узоқ ҳидлади, ниҳоят уни қолдириб ўт чимдий бошлади.

Находка ҳовлига қайтиб кириб, қўлига кетмончасини олди-да, лавлаги жўяклари оралаб кетди. У ишга шундай берилиб кетдики, фақат ярим соатдан кейингина бўйини тикди, бошидаги эски похол шляпасини тўғрилаб пешона терини артди. Шу вақт денгиздан қўшиқ эшитилди:

Шхуна тўлқинлар устидан ошар  
Бепоеъ кенг денгиз кўпирар, тошар.  
Қаҳрини сочади чуқур бу денгиз,  
Ошиқар балиқчи шўх шхунамиз.

Елканларни ёйиб, соҳил бўйлаб «Колумб» сузиб келарди. Кеманинг тумшуқ тарафида Люда, Левко ва Марко туришарди. Улар қўшиқ айтишарди. Қўйруқ тарафда эса руль устига энгашган Андрий Камбала қўшиққа жўр бўларди. Шхуна Ковальчукнинг қайиғи боғлаб қўйилган тахтага ёндашганда, Марко лангар ташлади. Левко тахта устига сакраб ўтди, «Колумб»нинг арқонини тортди. Мотористдан кейин соҳилга Люда билан Марко ҳам тушдилар. Андрий уларга аллақандай бир тугунча узатиб, ўзи шхунада қолди.

Находка кетмончасига суяниб, шхунани кузатиб турди. Ҳеч қандай шубҳа йўқ: қиз сал-пал танийдиган бу уч киши инспекторнинг олдига келишган. Эҳтимол, зарур иш билан келишгандирлар. У уйда эмас, шунинг учун қизча келганлар билан гаплашишга мажбур. Находка ҳаяжонга тушди. Учаласи уй тарафга қараб юришди. Олдинда — тугунча кўтарган Левко, унинг кетида — Люда, ҳаммадан кейин эса, елкасида кичкинагина пакет

кўтариб, Марко келарди. Қизчанинг назарида уни кўриб қолишгандек туюлди. Ҳақиқатан ҳам улар кўришган эди. Шу вақт Разбойнинг ҳургани эшитилди. Итнинг нотаниш одамни қолиб олишидан кўрқиб, қизча унинг олдига югурди.

— Машмаша бошланди!— деди Марко, ўз ҳамроҳларига.— Бу ярамас ит бизни кўриб қолди. Эшкак олиб олиш эсимизга ҳам келмабди!

Лекин Разбой кўринмасди, шунинг учун учаласи тўппа-тўғри ҳовли олдига келишди. Очиқ калиткадан улар алланарса устига энгашиб турган Находкани, унинг ёпида индамай турган итни кўришди. Разбой уларни кўриб қолиб, вовуллаганича қаршиларига югурди. Марко пакетини ташлаб, қўлига уй олдида ётган узун таёқни олди-да, ҳимояга ҳозирланди. Люда Марконинг орқасига яширинди-да, жилмайиб, кўзлари билан бирор қуролахтара бошлади. Левко итга нафрат билан қараб, турган жойида қотиб қолди. Разбой энг олдин кимга ташланган бўларди — бу номаълум, лекин бирдан қизчанинг ҳаяжонли кескин товуши эшитилди:

— Қайт, Разбой! Қайт! Тўхта! Тўхта!

Находка ит кетидан югурди.

Разбой ириллаганча тўхтади. Находка итни чақириб, кичкинагина оғилга қамаб қўйди. Меҳмонлар қизнинг алланарсадан ҳаяжонда эканини сездилар. У ҳадеб очиқ калиткадан ичкарига қарарди.

— Салом, Зоренька,— деди Левко, қўлини қизчанинг елкасига қўйиб.

Находка бир чўчиб тушди. «Зоренька» деб уни Ковальчукнинг марҳума хотини чақирарди, шунинг учун қиз буни ўзининг асл исми деб ўйларди, лекин инспектор ва оролликларнинг ҳаммаси уни Находка деб аташарди.

— Яков Степанович уйда йўқ,— деб шивирлади қизча, уялиб.

— Биз уни эмас, сени деб келдик. Ахир бугун сенинг туғилган кунинг... Билмайсанми? Бугун оролга келганингда роса саккиз йил тўлди. Ҳа, ҳа, худди шу бугун.

— Ана шунинг учун биз сени кўргани келдик,— деди Люда, Находканинг қўлини маҳкам қисиб.

— Барча орзуларингга етгин, катта қиз бўлгин, танжонинг соғ бўлсин, мингга кир!— деб истак билдирди Левко.



Қизча яна калиткадан ичкари қаради.

— Нима гап ўзи?— деб сўради Левко, ўша тарафга қизиқиб қараб.

— Чўчқага бир нарса бўлганга ўхшайди,— деди секингина Находка.

Марко бунга қизиқиб қолиб, ҳовлига кирди. Қиз унга эргашиди. Левко билан Люданинг ҳам ичкарига киришдан бошқа иложлари қолмади.

Ола чўчқа хотиржам ўтлаб юарди, қораси эса ерда чўзилиб ётиб, зўрға-зўрға ҳурилларди. Ярим юмуқ кўзлари хиралашиб қолган, оғзидан кўпик чиқарди. Чўчқача тез-тез ва оғир нафас оларди. Находка кўзларини катта очиб унга қараб турарди. Левко унинг қўрққанини сезиб, Людага: «Инспектордан қўрқяпти» деб шивирлади-да, чўчқа боласи устига энгашиб, уни кўздан кечира бошлади.

— Вабо!— деб узил-кесил хулоса чиқарди у. Левконинг қулогига чўчқалар шу касал билан оғрийди деган гап бир чалиниб қолган эди.

Қизча индамай, ишонқирамай унга қаради.

— Оласини нарироққа ҳайда, бунга яқин келмасин, бўлмаса юқиб қолади,— деб маслаҳат берди Люда.

Находка ола чўчқани нари ҳайдади. Шу пайт уйдан Анч чиқиб келди. Разбойнинг ҳуришини ва одам товушларини эшитиб, у фотоқоғозларини ўради, қўлини артди-да, ҳовлида нима гап бўлаётганини билиш учун ташқарига ошиқди. Келганлардан фотокорреспондент фақат Людани танирди. Қизни у хурсандлик билан қаршилади. Қиз унга ўзининг ҳамроҳларини танитди ва ҳалок бўлган чўчқача тўғрисида сўзлаб берди. Анч диққат билан чўчқа боласини кўздан кечирди, атрофидаги ўтларга кўз югуртирди, яқинда ўзи ташлаган қоғозни кўриб қолди-да, бу ҳақиқатан ҳам вабо бўлса керак деб, Левконинг сўзига қўшилди.

— Биласизми,— деди Людага у,— мен ҳозиргина кечаги расмларни босдим. Кўришингиз мумкин.

— Ҳозироқ кўрсатинг,— деб талаб қилди қиз.

Находка уларга ўгирилиб қаради. Левко унинг қўлини ушлади-да:

— Қани, бизни уйга бошламайсанми,— деди-да, қизчани эшик тарафга етаклади.

Ичкарида Левко тугунчасини столга қўйиб, уни ечар экан, қизчага мурожаат қилди:

— Мана менинг совғаларим, Зоренька.

У тугунидан кўйлак, ич киймлар ва плашч олиб, Находканинг олдига қўйди.

— Мана бу менинг совғам,— деб Люда ҳам столга бир пакет қўйди-да, ундан худди ўзиникига ўхшаган сандал олди.

— Мендан ҳам совға,— деди тантанали равишда Марко.

Унинг пакетдаги нарса зангори лентали оддийгина похол шляпа экан.

Шошиб қолган Находка совғаларга қараб турарди.

— Ҳаммаси менгами? —деб сўради қизча.

— Ҳаммаси сенга, Зоренька,— деди Левко.

— Қани, бу ердан бирпас чиқиб туринглар-чи,— деди Люда, йигитларга.

Марко билан Левко Анчга, бугун Находка учун қандай байрам эканини тушунтира-тушунтира ташқари чиқдилар.

Анч каталак хонадан тезроқ қуриштишга спирт йўқ деб нолиб-нолиб, ҳали қуримаган бир неча фоторасмларни олиб чиқди. Кейин ўзининг «лейка»сини суҳбатдошларига тўғрилади ва бир неча марта чиқиллатиб расм олди.

Ўзининг Лебединий оролига нима учун келганини гапириб берди, балиқчилик инспекциясидан Ковальчукка хат олиб келганини, лекин бу ер унга ёқмаганини айтди. Ўзининг Соколинийда балиқчилар уйида тургиси борлигини, бундан ташқари — улэр билан жон деб шхунада денгиз сафарига боришини бълдирди.

Кўп ўтмай Люда билан Находка ҳовлига чиқишди. Наҳотки шу Находка бўлса? Енги калта кўйлак кийиб олган, оёғида сандал, бошида янги шляпа. Кўйлаги сал кенгроқ, лекин умуман олганда, кийим-боши жуда ярашганди. Унинг рўдаполигидан асар ҳам қолмаганди.

— Оббо Зоренька-ей! — деди Левко меҳрибонлик билан у тарафга бир қадам қўйиб.

Анч ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳайрон қолди. Башарасида ташвиш аломатлари кўринди. Қизга қараб турар экан, у ростдан ҳам қурқмаса бўладиган даражада эси пастмикан деган хавотирли фикр кўнглидан ўтди. Лекин Находка Анчга шундай кўрқиб қарадики, мухбир хотиржам бўлди, ҳатто жилмайиб қўйди-да, дарҳол уни расмга

олди. Қизча кам гапирарди. Унинг алланнарсдан ҳаяжонда экани очиқ кўриниб турарди.

Анч Людага расмларни кўрсатди. Қиз расмлардан менга ҳам беринг деб сўради, шунда фотограф яқин кунларда унга ва профессорга барча расмлардан маҳсус альбом қилиб беришини ваъда қилди.

Меҳмонлар кетмоқчи бўлишди. Анч ўзини Соколийга олиб кетишларини илтимос қилди.

— Жон деб олиб кетамиз,— деб жавоб берди Левко.

Фотограф тез отланди-да, бошқалар билан бирга соҳилга, Андрий Камбала ёшларни кутиб, мудраб ўтирган шхуна тарафга қараб юрди.

Находка билан хайрлашар экан, Люда қизчадан албатта Соколийга бор деб илтимос қилди, Левко эса тезда яна унинг олдига келишга ваъда берди ва чўчқачага кўп куйма деб тайинлади. Чўчқа боласининг вабога учраганига сен жавобгар эмассан ахир! Бундан биронта ҳам чўчқа қочиб қутулолмайди. Яков Степановичга ҳам худди шундай деб айт.

Шхуна соҳилдан жўнаб кетди. Люда Находкага қўл силкиди. Қиз ҳам худди шундай қўл силкиб хайрлашди-да, уйга қараб кетди. Денгиздан яна қўшиқ эшитила бошлади.

Шамол, куйла шўх қўшиқ,  
Тўлқинлар айтсин матал.  
Бизлар тутамиз балиқ,  
Чунки иш кунн бу гал.

#### XIV боб

### ДЕНГИЗДА ЧУМИЛИШ

— Биласизми,— деди Люда, фотографга,— бугун мен «Колумб» да денгизга чиқаман, Стах амаки мени рейсга олиб кетишга розилик берди «Қани кўраман, сендан қандай денгизчи-ю, қандай балиқчи чиқар экан» дейди. У ҳатто мени Марконинг ёрдамчиси, иккинчи юнга қилиб тайинлади.

— Бу жуда соз, сизга ҳавасим келяпти! Мен ҳам «Колумб» да сафарга жон деб чиқардим-у, лекин планимга биноан, бугун Соколий қишлоғи ва балиқчиларни суратга олмоқчиман. Янаги сафар сиз билан албатта.

сафарга чиқаман. Унгача сиз денгиз бўриси<sup>1</sup> бўлиб қоласиз.

— Хўп!— деди Люда.— Лекин буни менинг бевосита бошлиғимдан сўраш керак. Марко, сен қарши эмасмисан?

Қиз хохолаб кулди. У шхуна палубасида маза қилиб ўтирар, қуёшнинг ҳароратини сезиб туриш, кўрфазнинг кенглигини, орол манзараларини томоша қилиш, жуда кўп қизиқ нарсаларни биладиган Анчнинг сўзларига кулоқ солиш унга ёқарди.

Лекин Юнга, фотографга қарамасдан — у нима учундир Анчни ёқтирмай қолганди,— жавоб берди:

— Агар менга ёрдамчилик вазифасига бўлса — розиман, лекин аввал балиқ шўрва ва сўк бўтқа пишириша оладими-йўқми, текшириб кўраман.

— О, розиман!— деб кулди Анч.— Ҳатто денгиз сувидан боршч ҳам пишириб бера оламан.

— Унда боршчингизни шкипер ўзингизга ичирмаса деб кўрқаман.

Бу орада «Қолумб» Соколинийга етиб келди, экипаж эса соҳилда турган шкиперни кўриб қолди.

— Нима, кеч қолдикми?— деб сўради Левко.

Лекин Стах йўқ дегандек бош чайқади.

Анч шкипер билан танишди, кейин эндиги сафар ўзини денгизга олиб кетишни илтимос қилди. Стах рози бўлди, ҳатто ҳозир олиб кетайлик деб таклиф қилди. Лекин фотограф ўз планлари борлигини баҳона қилиб, афсус ҳозир боролмайман деб хайрлашиб, қишлоққа жўнади. Очерет командага моторни ишга солиб кўрфаздан чиқишни буюрди.

«Қолумб» жанубга йўл олди. Уша тарафда ўттиз километр масофага чўзилган чоғроқ бир саёз жой бор эди. Уша жойдан Лебединий ороли балиқчилари кейинги кунларда скумбрия балиғини мўл-кўл тутиб келарди. Бу кичкинагина йиртқич балиқнинг гўшти жуда мазали бўлганидан юқори баҳоланади, шунинг учун балиқчилар уни қаердан бўлса ҳам тутиб келадилар. Скумбрия балиғи жуда узоқ жанубда қишлаб, баҳорда гала-гала бўлиб бизнинг жанубий денгизларга келади-да, катта-катта тўдаларга бўлиниб, ўлжа-майда балиқ, қисқичбақа, моллюскалар ахтариб, тарқалиб кетади. Скумбрия йўлини

---

<sup>1</sup> Денгизларда кўп сузган кишиларни денгиз бўриси деб аташ одати бор.

тез-тез ўзгартириб туради, шу сабабдан у бу сувларда сира кўринмай қоладиган йиллар бўлади. Лебединийлик балиқчиларнинг икки йилгача кетма-кет омади келмади — улар бу балиқни деярли учратмадилар. Мана, икки ҳафта бўлдики, Тимофий Бойчукнинг бригадаси бирдан ўша саёз ерда скумбриянинг жуда кўп эканини пайқаб қолди. Энди лебединийликлар ўтган йилларнинг ҳиссасини чиқармоқда эдилар.

Шхуна моторини ишга солиб сузиб борарди. Тўғри, сал-пал шабада ҳам эсиб турарди, лекин у тўппа-тўғри қаршидан келарди. Марко бунинг «зюдтен-вест» эканини ёки, бошқача айтганда «ўн саккизинчи румба шамоли» эканини тушунтирди. Марко ўзининг шхунада қиладиган ишларининг ҳаммасини Людага кўрсатди. Ниҳоят сандиқдан радиоприёмник олиб, ўтган йил у радист бўлмоқчи бўлиб қолганини сўзлаб берди. У китоб топиб, Лузанида радиостанцияга бориб консултация олди, радиоприёмник топди, Морзе алифбесини ўрганди ва «Колумб»да передатчик ўрнатишни орзу қила бошлади.

— Бу штурман бўлганимда керак бўлади,— деб тушунтирди у, қизга.

Қуёш қиздира бошлади. Шхуна палубасига қоқилган тахталар орасидаги мум эриди. Мум пошналарга ёпишиб қоларди. Люда термометрга қаради. У 32 градус иссиқни кўрсатарди.

— Чўмилиб олсак бўларди,— деди у, Маркога,— шхунани беш минутгина тўхтатсак!

— Йўқ, шкипер тўхтамайди,— деб жавоб берди юнга,— шаландалар олдига етиб борганимиздан кейин чўмилсак бўлади.

— Мен бундай чуқур жойларда ҳали сира чўмилган эмасман. Сувнинг чуқурлигини ўйласам — кўзларим тиниб кетади.

— Бу ерда сузиш қайтага осон, шўнғиш эса қизиқ эмас. Тагига етиб борса бўладиган жойларда сузишни яхши кўраман: бир шўнғийсану — сув юзига бир сиқим қум ёки тош олиб чиқасан.

— Шўнғишга жуда устамисан?

— Йўғ-е, сал-пал биламан.

Стах денгизни биноколь билан кузатиб турарди, узоқда шаландаларни кўриб қолди-да, Андрийга бир оз сўлга буришни буюрди.

— Люда руль олдида турсин,— деди Андрий, буйруқни бажариб бўлгач.— «Колумб»ни ким олиб келганини кўриб, балиқчилар роса ҳайрон қолишади-да!

— Истаса, тура қолсин,— деб розилик билдирди шкипер

Шаландалар олдига етиб боргунча улар яна ярим соат юришди, бу вақт ичида Люда рулни қўлидан чиқармади. Шхуна балиқчилар олдига етиб борганда, балиқчилар янги рулевойни маъқулловчи қичқириқлар билан қарши олдилар. Қиз мақтовлардан қип-қизариб кетди ва рулни бу вақт ичида ўзи ўраган бир неча папиросни маза қилиб чекиб юборган Андрийга топширди, шкипердан мукофоти учун чўмилиб олишга рухсат сўради. Қизнинг илтимосини моторист билан Марко ҳам қувватладилар. Стах розилик берди ва шхунага балиқ ортиб бўлишлари биланоқ чўмилиб олиш учун ўн минут вақт беришни ваъда қилди.

Команда балиқчиларга балиқни ортиш ва уларни шхунага жойлаштириш ишига ёрдамлашиб, дарҳол ишга киришиб кетди.

Балиқ ортиб бўлишгандан кейин, балиқчиларга ҳалақит бермаслик учун «Колумб» нари кетди, кейин шкипер командага чўмилишга рухсат берди.

Улар ярим минутда ечинишди. Левко билан Люда ҳаммадан олдин ўзларини сувга ташлади. Марко шхунада бирпас ушланиб қолди. У мачтага маҳкамланган сим арқонни сувга ташлади-да, арқон тирап ўрнини босади деб тушунтирди. Кейин Люданинг диққатини ўзига тортиш учун уни чақирди, сувга битта танга ташлади-да, кетидан ўзини сувга отди. Бир минут ўтди. Сув тагидан мушт кўринди, кейин йигитчанинг калласи ҳам чиқиб келди. У пишқирди, ўртоқларини кўриб, сув тагидан топиб олган тангани уларга кўрсатди.

— Қойил!— деди Люда, Левко тарафга калласини ўгириб.

— Нимаси «қойил»!— деди у, айёрлик билан жилмайиб.— Мен ундан ҳам қотириб юбораман.

— Қани, қотирганингизни кўрай-чи.

Левко шхуна олдига сузиб келди.

Моторист палубага чиқди, кителининг чўнтагидан танга олиб, уни кеманинг бир бортидан денгизга ташлади, ўзи эса қўлларини олдинга чўзиб, бошқа бортидан денгизга калла ташлади. У узоқ вақт сувдан чиқмади, ниҳоят

кеманинг қуйруқ тарафидан чиқди. Ўзи оғир нафас оларди: Яқин сузиб келиб, тангани кўрсатди.

Люда жуда ҳайрон қолиб ишонқирамай Маркога қаради. Марко кулиб турарди.

— Бу фокус!— деди қиз.— Сиз тангани алмаштириб қўйдингиз.

— Қандай қилиб алмаштирдим?

— Оғзингизда бошқа танга бор эди.

— Баракалла, топдингиз..! Хўп, энди чиқайлик.

Олдин Марко чиқиб, мен яна бир марта шўнғийман деди. У қуйруқ томондан ўзини денгизга ташлади-да, йўқ бўлиб кетди. Юнганинг сув юзига қайтиб чиқишини кутиб ўтирмай Люда билан Левко шхунага кўтарилдилар. Марко ҳадеганда кўринавермади. Люда кийинар экан кўзини денгиздан узмасди. Юнгадан эса ҳамон дарак йўқ. Левко билан Андрийнинг юзида қўрқув аломатлари кўринди, лекин Стах Очерет тамомила хотиржам эди.

Орадан уч-тўрт минут ўтди — Марко ҳали ҳам йўқ. Люда лабларини қисди, ёқимсиз бир ҳис юрагини тирнай бошлади. Стах унга қараб қўйди, гап нимада эканини тушунди шекилли, жаҳл билан:

— Етар шунча майнабозчилик!— деб қичқирди.

Левко билан Андрий жилмайиб қўйишди. Люда уларга ҳайрон бўлиб қаради.

Бир минутдан кейин шхуна олдида сув бетига тўнтарилган ҳолда бир пақир қалқиб чиқди. Мана, у ағдарилди-да, тагидан юнганинг боши кўринди. Левко Людага бу фокусни ҳам тушунтириб берди. Марко шўнғиб, сув тагидан кеманинг тумшуқ тарафига сузиб борган, у ерга олдинроқ пақир ташлаб қўйган. Кейин бир нафас олиб пақирни бошига кийиб, яна шўнғиган. Бунинг учун жуда эпчил бўлиш керак, чунки ҳаво тўла пақир юқорига тортади. Оёқлари билан биронта оғир нарсани ушлаб туриш керак, ушлаганда ҳам шундай нарсани ушлаб туриш керакки, у пастга ҳам тортиб кетмасин, юқорига ҳам олиб чиқмасин. Бошига пақир тўнтариб олган одам сув тагида ҳеч нарсасиз шўнғиган кишидан кўра анча кўпроқ тура олади. Бунда пақир ҳаво қўнғироғи ролини бажаради, бундай ҳаво қўнғироқлари билан бир вақтлар денгизга ғоввосларни туширар эдилар.

Люда бу фокусларга қизиқиб қолди, Марко шхунага чиққандан кейин унга ҳам ўргатиб қўйишини илтимос қилди.

«Колумб» Лузанига йўл олди.

## ТРИФЕНИЛОМЕТРИНИЛИ ПАПИРОС

Анч профессор Ананьевни уйдан топди. Олим ўз хонасида китоб варақлаб ўтирарди. У меҳмонни хурсандлик билан қаршилади ва расмлар тўғрисида сўради.

— Бир нечтасини олиб келдим,— деб жавоб берди Анч,— қолганларини ҳам шу кунларда олиб келаман. Сизларга Лебединий оролига бағишланган махсус фотоальбом тайёрлаб бермоқчи эканимни Людмила Андреевнага ҳам айтиб эдим.

— Қани, расмларингизни олинг, ўтиринг,— деб таклиф қилди профессор.— Бугун мен дам оляпман. Эрта-лаб бу ерда гелий ишлаб чиқариш проблемасига ўзимнинг қарашларимни изоҳлаган мақолани тугатдим. Торио гелийнинг назарий проблемаси ҳал қилинди.

Анч профессор олдига бир неча расм қўйди. Профессор уларни диққат билан кўрар экан, меҳмон хўжайиннинг хонаси билан столини кўздан кечирди. У деразаларнинг оп-осон очилишини, эшикнинг ичкаридан тамбаланмаслигини сизди. Битта тортмали оддий стол, ёзув столи вазифасини бажарарди. Стол устида тахлаб қўйилган китоб ва қоғозлар ётарди. Очиқ турган папкада Анч қўл ёзма турганини кўрди — профессор, афтидан, уни ҳозиргина кўздан кечирган эди. Унг тарафда тахлаб қўйилган газеталар устидан қайишлари ечиб қўйилган ва оғзида турган калити билан янги портфель ётарди.

Профессор Ананьев расмларни диққат билан кўздан кечирди, кейин уларни бир четга суриб қўйиб папкани ёпди.

— Тўғриси айтсам, расмлар бунчалик яхши чиқади деб ўйламаган эдим,— деди у, Анчга.— Жуда усталик билан олибсиз. Расмлар дидингиз яхшилигидан дарак бериб турибди.

— Сиз мени ортиқча мақтаб юбордингиз,— деб ташаккур билдирди Анч, бошини сал эгиб.

— Йўқ, ҳечам!— деб эътироз билдирди Ананьев портфельга папкани солар экан. У ўзининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган меҳмоннинг йиртқичларча назарини сезмади.— Қани, гапиринг: бу ерда қандай ўрнашиб олдингиз, ишларингиз қалай? Чой ичасизми?



— Йўқ, раҳмат, ичким келмаяпти. Агар рухсат этсангиз папирос чекар эдим...

— Бемалол чекаверинг!

Анч ёнидан портсигарини олди, учта папирос жойлашган бўлагидан четдагисини олиб, мундштугида белги йўқмикан деб диққат билан кўздан кечирди-да, портсигарини ёпди. Лекин, гўё эсига тўсатдан бир нарса тушиб қолгандек, дарҳол уни яна очиб, профессорга тутди.

— Беодоблик қилганим учун кечирасиз... Эҳтимол, чекарсиз?

Профессор иккиланиб қолди. Чеккиси келарди, лекин чекмаслик ҳақида врачга ваъда ҳам берган эди.

— Оббо сиз-ей, қўймадингиз-да!— деди профессор ва портсигардан папирос олди.

Анч портсигарини чўнтагига солди, гугурт чақиб профессорга тутди.

Лекин профессор ўрнидан туриб кетди, хонани айланди, қайтиб келгунча гугурт ёниб бўлди.

Анч бошқа гугурт чақди. Бу сафар ҳам Ананьев папиросни тутатмади. У хонада у ёқдан-бу ёққа юриб меҳмонга университетда бўлган аллақандай бир воқиани сўзлаб берарди. Фотограф ўзи папиросини ёндириб олди, кейин ёниб тугаётган гугуртни ташлаб юбориб, учинчи марта гугурт чақди-да, қўлини чўзиб тутиб турди. Бу сафар профессор ундан гугурт чўпини олиб, папирос тамакисини эди-да, дарров чуқур-чуқур тортиб чека бошлади.

Агар хонада бирор киши уларни кузатиб турганда эди, у фотографнинг юзида сал-пал сезилиб турган ҳаяжоннинг дарров йўқолганини сезган бўларди. Фақат кўзларида зўр қизиқиш акс этарди. У соатига қаради. Профессор Ананьев ҳамон хонада кезиб юрар ва сўзларди. Ҳар замонда тўхтаб, оғзига тўлдириб тутун тортарди-да, усталик билан кўкиш кул ранг тутунни ҳалқа-ҳалқа қилиб чиқарарди. Ниҳоят, у папиросни чекиб тугатди. Қолдиғини очиқ деразадан ташлаб юборди-да, яна кенг креслога ўтирди. Бу хонада бирдан-бир кресло бўлиб, уни Стах Очерет ўз қўли билан ясаганди. У профессорга жуда ёқиб қолганди, ҳозир эса у меҳмонини шу креслога ўтирсам, илҳомим жуда қайнаб тошади деб ишонтирмоқда эди.

Анч соатига қаради. Папирос қолдиғи деразадан ташқарига улоқтирилганига ўн минут бўлди. Мухбир

кўзларини профессорнинг юзидан узмасди. У ўз-ўзича ёд бўлиб кетган сўзларни такрорларди: «Тўсатдан бош оғриғи бошланади, лаб ва тирноқлари кўкариб кетади, оёқ ва қўллари ишламай қолади.» Ҳозирчалик ҳеч қандай ўзгариш кўринмасди. Лекин мана, профессор қўли билан пешонасини уқалади-да, деди:

— Уйда узоқ ўтириб қолганга ўхшайман. Ёки папирос таъсир қилдим, димми, нима учундир бошим оғриб қолди.

— Дераза олдига бориб тура қолинг-да,— деди Анч.

— Тўғри. Бугун денгизнинг кўркемлигини ва қуёшнинг иссиқлигини қаранг-а! Узимизнинг жанубий денгизимизни яхши кўраман. Айниқса ёзда.

Профессор у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришни истарди. У Анчга ўзининг биографиясини сўзлаб берди, мана шу оролда ўтган ёшлик йилларини эслади, у вақтларда оролда ҳаммаси бўлиб етти ёки саккизта уй, битта ёки иккита дурустроқ шаланда бўларди. Балиқчилар денгизга кўпинча каюкларда боришар ёки қўлларига паншаха олиб, саёз жойлардан юриб, зилол сувдан камбала ахтаришарди. Кўрфазда балиқ, оролда эса қушлар кўп бўлса ҳам, уйларда ниҳоятда қашшоқлик ҳукм сурарди. Балиқни шаҳарга етказиш амри маҳол эди, олиб сотарларга ярим баҳосига беришга мажбур эдилар. Боланинг омади келди: ўн иккига кирганда болани узоқ қариндош бўлган бир денгизчи олиб кетди-да, мактабга берди. У жуда яхши ўқиди. Олий маълумот олишга муяссар бўлди. Лекин унга ўхшаганлар битта-яримта эди. Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача.

Анч индамай қулоқ солар ва тез-тез соатига қараб кўярди. Аллақачон йигирма беш минут ўтди, лекин трифенилометрнинг ҳеч қандай таъсирини кўрмади. Наҳотки бу одамнинг аъзолари шундай бақувват бўлса? Фотографнинг пешонасини совуқ тер босди. Диққат бўлганидан боши оғриб қолди.

Профессор ўзининг университетда эканида революция бўлганини, граждандар урушида иштирок қилганини, гарчи кичик бўлса ҳам, ҳар ҳолда санитар отрядига командирлик қилганини сўзлаб берарди. Университетда биология билан химияга қизиқиб қолди, урушдан кейин эса геологияга берилиб кетди, шундан кейин геохимик бўлиб қолди. У ўзининг дастлабки илмий ишлари тўғрисида сўзлаб кетди.



Анч ич-ичидан қалтироқ турганини сизди. Сал бўлма-са: «Бундай бўлиши мумкин эмас!» деб овозининг бори-ча қичқириб юборай деди-ю, лекин кўп йиллар мобайнида ўзини мутлақо хотиржам бўлишга ўргатгани ёрдам берди. «Наҳотки белги қўйилган папирос портсигарда қолган бўлса?» У чўнтагидан портсигарини чиқарди, ундан охирги папиросни олди-да, профессорнинг гапига қулоқ солаётган киши бўлиб, унинг мундштугини диққат билан кўздан кечирди. Охирги папироснинг мундштугида қалам билан қилинган ҳеч қандай белги йўқ эди. Бу трифенилометричсиз папирос эди. Демак, трифенилометричли папиросни ўзи чекиб қўйибди-да?

Профессор тўсатдан сўзини тўхтатишга мажбур бўлди. Унинг меҳмони кутилмаганда сапчиб туриб, эшикка отилди-да, уни очиқ қолдириб, Ковальчукнинг уйи томонга физиллаганча чопиб кетди.

Андрей Гордеевич ҳайрон бўлиб унинг орқасидан қараб қолди. Кейин стол олдига келиб, кўзойнагини тақди, креслога ўтирди.

— Бунчалик енгилтак деб ўйламаган эдим,— деб қўйди у.

## XVI боб

### КОВАЛЬЧУКНИНГ ҚАЙТИШИ

Қишлоқдан чопиб чиққач Анч тўхтаб, соатига қаради-да, секин юриб кетди. Эс-ҳуши жойига келган эди. Бир соатча вақт ўтди, агар папирос ростдан ҳам заҳарланган бўлса, трифенилометрич бу вақт ичида аллақачон ўз кучини кўрсатган бўларди. У яна портсигарини текшириб кўрди. Ундаги папиросода ҳеч қандай белги йўқ эди. Демак заҳарланган папиросни ё ўзи ё профессор чеккан. Йўқ, бунда қандайдир хато ўтган! Нима бўлганини тушунолмаб боши қотди. Наҳотки у ўша папиросни бошқа бирор жойга тиқиб юборган бўлса? Унинг кимга чиқишини худо билсин! Тезроқ инспекторнинг уйига бориб, уни қаерга қўйганини аниқлаш зарур!

Одимини тезлатиб, Анч Соколинийдан тобора узоқлашиб бораверди.

Ковальчукни уйдан топди. Инспектор Зелёний Камандан жуда тез қайтиб келгач, энди уйи олдида туриб,

ҳаром қотган чўчқа боласини кўздан кечирар ва Находкани яхши қарамабсан деб сўкар эди.

Анч унинг бунчалик тез қайтганидан ҳайрон бўлди. Ковальчук Лебединийга балиқ олиб кетгани келган Зелёный Камень колхозининг моторли қайиғида кетганини, қайтишда эса йўловчи шамол ёрдам берганини айтди.

— Ажойиб қайиқ топиб келдим. Уни бир кишиёқ бир соат баҳазур кўтариб юра олади. Агар кичкинагина елкан ўрнатилса учиб кетади. Лекин катта тўлқинларга ярамайди: тўлқинга бардош бермайди.

— Қани ўзи?

— Кўрфазда, қамишлар орасига яшириб қўйдим.

— Уни денгиз бўйига олиб бориб, бирор сертол жойга яшириб қўйиш керак.

— Кечаси олиб борамиз.

— Хўп. Яна қандай янгиликлар бор?

— Бугун машинада Лузанидан келган одамларни кўрдим. Бугун кечаси ажнабийлар пороходи келганини сўзлаб беришди. Пароходга денгизда бир нарса бўлган шекилли — машинаси синиб қолган бўлса керак, — ана шунинг учун энг яқинидаги портга кирибди.

Анч инспекторга шубҳа билан қараб турарди. Нима учундир унинг иши жуда ҳам ўнгидан келибди: моторли қайиқ дарров етказиб қўйибди, у ерда қайиқни ҳам тез сотиб олибди, Лузанидан машинада келган одамларни учратиб, фотограф кутиб турган янгиликни ҳам топиб келибди. Пароход ҳақиқатан ҳам Лузанига келган экан, унда ишни тезлатиш керак.

— Нега энди ўша чўчқа боласи билан бунча ўралашиб қолдингиз?— деди Анч.

— Падарига лаънат!— деди инспектор.— Лекин ма-на бу қизинг шаҳарча кўйлак кийиб олгани жонимни чиқаряпти!

— Бир оз чиданг, энди кўпи кетиб ози қолди,— деди Анч, инспекторни зимдан кузатиб турар экан.

Ковальчук унга савол назари билан қаради-да, кейин у томонга энгашиб, шивирлаб хириллади:

— Балким шу пароход билан?

Анч инспекторнинг кўзларидан уқиган ифода-лар, шубҳаларининг ярмисини камайтириб юборди.

Ковальчукнинг кўзларида Анчга тушунарли бўлган истак ва умид акс этарди.

— Менга қаранг, Ковальчук... Находкангизнинг эси пастлигига имонингиз комилми? Фақат тўғриси айтинг.

Инспектор қовоғини солди. У бу саволга жавоб бермоқчи эмасди-ю, лекин Анч унга қани айтинг дегандек тикилиб турарди.

— Нима бўлса ҳамки, мен уни шу ҳолида тарбия қилдим. Ҳаётининг дастлабки йилларида, менимча, у ростдан ҳам эси пастроқ эди. Кейинги йилларда ҳам мен ҳеч қандай ўзгариш сезганим йўқ...— деб қўшиб қўйди у, ишончсизлик билан.

Анч индамади, шундан кейин улар уйга кирдилар. Ичкарида Находка йўқ эди. Фотограф профессор Ананьев ва унинг қоғозлари тўғрисида ўйларди. Миясида маълум бир план пишиб етилмоқда эди.

— Янаги дам олиш кунини Соколинийда балиқчилар байрами бўлади,— деди инспектор. — Шаҳардан меҳмонлар келса ҳам ажаб эмас.

— Қандай байрам экан?— деб қизиқиб сўради Анч.

— Шу кунни ҳар йили байрам қилишади: анъана! Одатда ўша вақтда мавсумнинг биринчи ярмидаги балиқ овига яқун ясашади, бригадалараро мусобақа натижаларини текширишади, коллектив зиёфат, танца уюштиришади, музика чалиб туради. Кўрфазда сузиш ва эшкак тортишдан мусобақалар бўлади.

— Шовқин-сурон-у, югур-югур ҳам кўп бўладими ўшанда?

— Шубҳасиз, агар бирор нарса қилиш керак бўлса, энг қулай вақт ўша. Лекин жуда эҳтиёт бўлиш керак: байрам кунини одатда меҳмонлар келишади.

— Бултур ким келган эди?

— Эскадра миноносеси «Буревестник» келганди.

— Яхши. Бу унчалик қўрқинчли эмас. Ҳужжатларим жойида. Эртага шаҳарга тушиб, худди профессор Ананьевникига ўхшаган портфель сотиб олиб келишингиз зарур. Унинг олдига кириб, кўриб олинг. Портфель стол устида турибди. Бундан ташқари, менинг хатларимни элтиб берасиз.

— Хатларни? Кимга?— деб қўрқиб сўради Ковальчук.

— Портга энг яқин бўлган, доим музика чалиниб турадиган «Кавказ» ошхонасида ҳар кунини эрталаб соат тўққиздан ўнгача, кундузи иккидан учгача ва кечқурун

еттидан саккизгача кўзини боғлаб олган бир ажнабий денгизчи эрталаб, тушда ва кечқурун овқатланади. Сиз қўшни столга бориб ўтирасиз. Қўлингизда най қилиб ўралган маҳаллий газета кўтариб кирасиз. Денгизчи сизга диққат қила бошлаганини сезганингиздан кейин газетани очинг, бирпас кўздан кечиринг-да, кейин тўрт буклаб, стол устига қошиқ билан бостириб қўйинг. Денгизчи овқатни еб туриб кетганидан кейин, сиз унинг столига ўтиб ўтиринг, газетани эса ёнингиздаги стулга қўйинг. Бир неча минутдан кейин денгизчи қайтиб келади, узр сўрайди, газетасини эсидан чиқариб қолдирганини айтади-да, стулдан сизнинг газетангизни олиб кетади. Қорнингизни тўғизганингиздан кейин ошхонадан чиқиб кета туриб, денгизчи ростдан ҳам бошқа стулда эсидан чиқариб қолдирган газетани олиб кетасиз. У ҳам маҳаллий газета бўлади. Уни энг қимматбаҳо ҳужжатдек сақлаб, менга олиб келинг. Тушундингизми?

— Борди-ю...

— Нима «борди-ю!» Ҳеч қандай «борди-ю»ни билмайман! Ҳаммасини худди мен айтгандай қилишингиз керак. Ҳеч қандай англашилмовчилик бўлмасин. Ўзингизни хотиржам, бепарво тутинг, ажнабий матросга сал қизиққан бўлинг-у, лекин буни сездирманг.

Ковальчук билан гапини тугатиб, Анч эрталаб ўзи тайёрлаган папиросни қидира бошлади.

У ҳамма нарсаларни бирма-бир қараб чиқди, хонани ва каталак ҳужрани қидириб чиқди — заҳарланган папирос йўқ эди. У папиросга белги қўйишни унутиб портсигарнинг бошқа умумий бўлимига тиқиб юборибман деб ўзини ишонтиришга ҳам тайёр эди.

Лекин унинг портсигарини ким кўрган бўлиши мумкин? Тўғри, Находка кийиниб олсин деб колумбчилар билан ҳовлига чиққанда, уни ҳужрада қолдирганди. Люда билан Находка ҳужрага кириб, атайдан портсигардан заҳарланган папиросни олиб қўйишган деб тахмин қилиш ўринли бўлмасди. У папиросини бир ўзи, ҳеч ким йўғида тайёрлаганди.

Анч хавотирга тушиб қолди. «Ишларни тезроқ битириш керак» деб аҳд қилди у. Уйга қамалиб олиб, стол устига маҳаллий газетани ёзди, чемоданидан қорнига «фиксаж-растворитель» деб ёзилган бир шишача олиб растворитель билан газетага ёза бошлади. Бу махсус

химик реактив эди. Жосус махфий шифр билан зарур хабарни ёзишда шундан фойдаланарди. Анч деярли кеч-гача ёзиш билан банд бўлди.

Кечаси алламаҳалда Ковальчук билан Анч енгил байдарақни оролдан кўтариб ўтиб, уни уйдан беш километрча жойдаги мажнун тол новдалари билан қамишлар орасига яшириб қўйдилар.

## XVII боб

### «КАВКАЗ» ОШХОНАСИ

Лузанига Ковальчук «Колумб»да кетди. Ҳар вақтдагидек шхуна кечқурун балиқ ортиди, шунинг учун балиқчилар деярли туни билан денгизда бўлдилар.

Инспектор Находкага совға салом олиб келганлари учун колумбчиларга ташаккур билдиришга ва ўзига айтилган кесатиқ гапларни эшитишга мажбур бўлди. У сўзларни бу қулоғидан киргизиб, у қулоғидан чиқариб юборди, ўзини уларга яқин тутди.

Кечаси яхшигина ухлаб олиб, инспектор эрталаб балиқчилар билан нонушта қилди, кейин Лузанида портга энг яқин, доим музика чалиб турадиган ошхона қаерда эканини билиб олиш мақсадида ресторанлар ва ошхоналар тўғрисида гап очди.

— Кўнгли тусаганини қаранг, музика чалиб турадиган ошхона эмиш-а!— деди Очерет.— Патефон сотиб ол — ана ўшанда истаган ошхонангда музика эшитаверасан.

— Э, йўқ, бир маданий қилиб овқатлангим келяпти, ўшанда ҳам портдан узоқ бўлмаса дейман — шаҳарда ҳеч қандай ишим йўқ. Кўп юришни эса, ёқитирмайман.

— Уша ерда, скверь ёнида, «Кавказ» ошхонаси бор,— деб маслаҳат берди Левко.

Лузанига соат тўққиз яримда етиб келдилар. Ковальчук соҳилга тушиб «Кавказ» ошхонасини топгунча, соат ўндан беш минут ўтди, ошхона эшигидан кўзини боғлаб олган ажнабий денгизчи чиқиб қолди. У Ковальчукнинг ёнидан ўтаётганда, инспектор қотиб қолди, лекин ажнабий денгизчи, унга мутлақо эътибор бермади. Хат олмоштириш обедгача қолди. Лекин ҳали топши-



риқнинг иккинчисини — портфель сотиб олишни ҳам бажариш керак эди. Магазинларда портфель жуда кўп эди-ю, лекин Ананьевникига ўхшагани сира учрамади. Портфель қидира-қидира, Ковальчук шаҳарнинг нариги четидан чиқиб қолди, тўсатдан ўша ерда кичкинагина бир дўкончада қидириб юрган нарсасини топди. Лекин портфелни қоғозга ўраб, каноп билан боғлашлари биланоқ, Марконинг овози эшитилди:

— Яна узоққа бормаيمان деб юрибсиз-а!

— Тасодифан келиб қолдим. Ўзинг нима қилиб юрибсан бу ерда?

— Магазинларни айланиб юрибман... Нима олдин-гиз?

— Шундай, майда-чуйда.

— Ясси ва энлик нарса экан, портфелми дейман?

— Портфель.

— Топдим-а!

Ковальчук, шкиперга аллақандай махсус пичоқ сотиб олаётган Маркони дўкончада қолдириб, тезроқ жўнаб қолишга шошилди.

Соат икки яримда инспектор «Кавказ» ошхонасига кирди. Катта хонада дағал полотнодан дастурхон ёпилган ўн бештача столча турарди. Столчалар билан бурчак ўртасига бир нечта пальма ва фикуслар қўйилган. Столларнинг кўпчилиги бўш.

Ковальчук дераза олдидаги столда кўзини боғлаган, денгизчилар кители кийган бир киши ўтирганини кўрди. Бу — эрталаб ошхона эшиги олдида дуч келган ажнабий, худди ўша қидириб юрган кишининг ўзи эди. Унинг атрофидаги учта стол бўш турарди. Инспектор унга яқин бориб ойнага яқинроқ жойни танлаб ўтирди. Стол устига най қилиб ўралган газетани қўйиб қўйди, меню устига энгашиб, уч минутча овқат танлади. Олдига официант келди.

— Шўрва борми?

— Ун минут кутишга тўғри келади.

— Хўп. Иккинчисига — бифштекс.

Официант кетмоқчи бўлди, лекин уни ажнабий матрос чақириб қолди. Рус тилида пойма-пой қилиб, кабобни тезроқ келтиришни илтимос қилди. Официант буфет ёнига югурди.

Ковальчук газетани ёзиб, сарлавҳаларга кўз югуртириб чиқди-да, кейин тўрт буклаб, яна стол устига

ташлаб қўйди, устига эса, гўё очилиб кетмасин дегандек, қошиқ бостириб қўйди.

Ажнабий денгизчи Ковальчукка бир неча марта тикилиб-тикилиб қаради, лекин кўп ўтмай унга мутлақо эътибор бермай қўйди, бепарволик билан дераза тарафга ўгирилиб олди-да, қўлига гоҳ пичоқ, гоҳ вилкани олиб айлантириб ўйнаб ўтирди. Кўп ўтмай унга «қийма» кабоб келди, шундан кейин у оқ вино ичиб овқат ея бошлади.

Ковальчук ажнабийнинг чиқиб кетишини тоқатсизлик билан кутарди. У, афтидан, буни сезди шекилли, овқатни ейишни тезлатди.

Соат бирин-кетин уч марта занг урди. Эстрадада оркестр аллақандай бир попури чалиб юборди. Официант инспекторга шўрва олиб келди. Ажнабий денгизчи қийма кабобни еб бўлиши биланоқ, орқадан:

— Ўзим ҳам билиб эдим — музыка эшитяпти,— деган товуш эшитилди.

Бу Левко Ступакнинг овози эди.

Унинг товушини эшитиб, Ковальчук тарракдек қотиб қолди. Назарида оёғи остидаги пол синиб кетаётгандек эди. У ажнабий денгизчига мўлтираб қараб қўйди. Столлар орасидан ўтиб Ковальчук олдига бризент роба ва оғир этик кийиб олган Левко, Марко ва Андрей келишарди. Ҳар бирининг қўлтиғида бир буханкадан нон, Андрейда эса нондан ташқари колбаса ҳам бор эди. Афтидан, улар биргалашиб дўконга киришган-у, шхунага қайта туриб, бу ошхонага бурилишганди.

— Қўрқма, инспектор,— деди Андрей,— сени чув туширмаймиз: бугун Левко меҳмон қиляпти! Буни қараки, чолимиз бутун командани ярим соатга бўшатиб юборди.

— Нима гап ўзи?

— Левко облигациядан йигирма беш сўм ютди, уни кабобга атади,— деб тушунтирди Андрей, у ҳамон инспектор тепасида тик турарди, моторист билан юнга эса аллақачон стол атрофига ўтириб олишган эди.— Ҳисоблаб кўрсак, пивоси билан уч ярим порция яхши кабобга етар экан. Чолимиз: «Ҳеч кимнинг кўнгли қолмасин, боринглар, йигитлар, мен эса кемани кўришга тураман» деди. Лекин фақат ярим соат вақт берди.

Левко икки порциядан кабоб ва пиво буюрди. Бу вақт Андрей стол устида ётган газетани кўриб, унга

колбасани ўраб олсак, ёмон бўлмасди деб қолди. Ковальчук хафа бўлиб, мен ҳали уни ўқиганим йўқ деб жавоб қилди. Марко газетага қараб ўқимасанг-ўқимабсан-да, ўтган ҳафтадаги эски газет-ку деди. Шунга қарамай Ковальчук газетанинг худди мана шу сонини ўқимаганини, шунинг учун беролмаслигини айтиб, уни ёнига тортиб қўйди.

Столга кружкада пиво олиб келиб қўйишди. Бу вақт қўшни столда ўтирган ажнабий денгизчи ўрнидан туриб, улар олдига келди-да:

— Газетами?... Рухсат этинг... Бир минут. Қизиқ...— деди.

Ҳамма унга қаради.

— Марҳамат, марҳамат!— деб жавоб берди Ковальчук ва шошиб газетани унга узатди.

Ажнабий таъзим қилиб ўз столига бориб ўтирди.

Энди у шошмасди, аксинча, яна кофе билан пирожное буюрди. У шошмасдан газетани кўздан кечирав, ҳар замонда бир уни четга суриб қўярди. Кўринишидан, ўқишга қийналарди. Балиқчилар унга қараб-қараб қўйишар, бу ким бўлди экан дейишиб ҳар хил тахминларни қилишарди.

— Портда турган чет эл пароходидан тушган,— деди Марко.— Механик ёки штурман бўлса керак.

— Бизнинг тилда гапиряпти-ку. Қизиқ...— деб бош чайқаб қўйди Андрей.

Бу орада ошхона одамга тўла бошлади. Аллақандай бир йигит ажнабий денгизчи столи олдига келиб сира тортинмай уни кўздан кечирав бошлади. Оркестр танца, марш ва ашулалар чаларди. Музикачилардан бири вақт бевақт оғзига карнай тутиб, ашула айтиб турди.

Колумбчиларга кабоб келди, улар қўшниларига, шу жумладан ажнабийга ҳам диққат-эътибор қилмай қўйдилар. Лекин унинг ўзи газетани келтириб берди-да, мулойимлик билан ташаккур билдирди.

Марко кабобнинг охириги луқмасини еб, яна газетага кўз ташлаганда, ажнабий денгизчи газетанинг ўзи олган сони ўрнига бошқасини бериб кетибди деб хабар қилганда, ажнабий ошхонадан чиқиб кетган эди. У қайтариб берган газета аввалгисидан икки кун кейин чиққан эди. Ковальчук ҳайрон бўлиб юнгага қаради-да, адашиб газетанинг бошқа сонини бериб кетибди-да, деди.

Агар Яков Степановичга газетанинг худди ўша со-ни зарур бўлса, ажнабийнинг кетидан бориб, ҳозир олиб келаман деб қолди Марко. Юнга ўрнидан ҳам турди-ю, лекин Ковальчук уни тўхтатиб, газетанинг бу сонини ҳам ўқимаган эдим, шунинг учун қўявер — сатқаний сар деди.

— Нега у бировларнинг эски газеталарига бунча қизиқиб қолипти?— деб қўйди Андрей, ажнабий тўғрисида.— Ҳамма нарсани билгиси келганини қаранг-а.

Ошхонадан ҳаммалари бирга чиқишди. Инспектор газетани чўнтагига солиб қўйди. У «Колумб»га истамайгина қайтди, лекин Лебединий оролига дарҳол жўнаб кетадиган бирдан-бир кема шу эди. Зелёний Каменга машина фақат эртасига жўнарди.

Шхуна пристандан чиқиб кетди. У рейдда турган чет эл кемаси олдидан ўтди. Унинг оқ тумшугига: «Кайман» деб ёзиб қўйилган эди. Капитаннинг пастки кўприкчасида бир киши турарди. У, Марконинг назарида бугун ошхонада газетани алмаштириб кетган кишидек туюлди. Лекин кўзи боғлиқ эмасди. Юнга бунга Левко билан Ковальчукнинг диққатини жалб қилди, лекин кўприкчада турган киши уларга орқасини ўгириб олди-ю, шхуна пароход олдидан ўтиб кетгунча қайрилиб қарамади.

— Орқасидан унча ўхшамайди,— деб қўйди инспектор.

Ковальчук хавотирга тушиб қолган эди. Ич-ичидан у ажнабийни ҳам, унинг пароходини ҳам роса сўкди, лекин ҳаммадан кўра кўпроқ ҳар нарсага қизиқаверадиган, нима бўлса шунга тумшугини суқаверадиган Марко билан Левкони сўкди. Хавотирга тушиб қолган инспектор қуйруқ тарафга ўтди, ўша ерда чўзилиб ётиб олди-да, ухламоқчи бўлиб кўрди. Лекин ухлай олмади. Ҳар кўзини очганда Маркони кўрарди. Юнга чўққайиб ўтирганча ўйчанлик билан бир парча арқонни титиб, палубани ювишга чипта супурги тайёрларди. «Бу бола нималар ўйлаётганини ким билади дейсан, миясида бирон шубҳа туғилмадимикан?— деб ўйлар эди, инспектор.— Денгизга ташлаб юборай десанг — кучли, яшин урғур! Бунинг устига медузадек сира чўкмайди».

Қайтишда Ковальчукни бошқа ҳеч нарса хавотирга солмади, шунинг учун у оролга анча тинчиб қайтди. Уйда бўлган ишларнинг ҳаммасини Анчга бирма-бир

гапириб берди. У хўмрайр ва жони чиқиб сўкинарди. Кейин газетани сўради, уйга қамалиб олдида, маҳфий ёзилган хатни чиқаришга киришди. Икки соатча шунга урнади. Ниҳоят уни ўқиб чиқди-да, газетани йўқ қилиб ташлади. Шундан кейин у ёрдамчисини чақириб:

— Пароходга яна битта хат етказишингиз зарур. Эсингиздан чиқмасин. Бу ердан бизни ўша пароход олиб кетади.— Анч инспекторга совуқ бир назар билан қараб қўйди.— Бу тез орада бўлади, лекин бизнинг ишимиз ҳали кўп. Биз профессор Анањьевни йўқ қилишимиз керак. Мен унинг қоғозлари пайидадан бўламан, сиз эса уни йўқ қилишимизга ёрдам қиласиз. Уни колумбчилар билан бирга денгизга чиқара олсак яхши бўларди. Шу тўғрида ўйлаб кўринг. Миянгизни бундай ишлатинг, азизим.

Ковальчук жосуснинг қўлида эди. У эътироз билдириб, унинг буйруқларини бажаришдан бўйин товламақчи эди деб айтиб бўлмади, лекин қўрқувдан юраги зирилларди.

Ўша куни кечаси «фотограф» ўзининг планини узил-кесил тузиб чиқди. Баъзи нарсаларни Ковальчукка сўзлаб ҳам берди, лекин асл мақсадларининг ҳаммасини очиқ айтмади: Анч ҳеч кимга ишонмасди.

## XVIII боб

### ОРОЛДА БАЙРАМ

Ҳарбий кема кўрфазга яқинлашиб келаверди. Балиқчилар «Неутомимий буревестник»ни узоқдан танидилар. Кеманинг унча баланд бўлмаган иккита мачтаси ўнлаб ранг-баранг байроқлар билан безатилган эди. Кема Лебединий ороли аҳолисини балиқчилар байрами билан табрикларди.

— «Буревестник» 1911 йилдан 1916 йилгача дунёдаги энг кучли эсминец ҳисобланган «Новик» типигаги кема эди. «Новик»нинг сув сиғими бир минг уч юз тоннага барабар экани маълум. Унинг қуроллари юз миллиметрли тўрт тўпдан иборат. «Новик» соатига ўттиз олти миль тезликда, яъни минутига бир километрдан ортиқроқ йўл босарди. Гражданлар урушидан кейин қайта ускуналанган «Буревестник» яна ҳам кучлироқ қуролланиб, тезроқ сузадиган бўлган.

Кўрфазга кириб, кема тўпларидан ўқ узиб саяют берди. Бунга жавобан тўда-тўда балиқчилар турган соҳилдан қаттиқ «ура» садолари, осоавиахимчи ёш балиқчилар дастасини айлантириб чалаётган қўл сиренасининг овози, ракета тўппончаларидан отилган бир неча ўқ товуши эшитилди. Қирғоқ бўйида турган «Колумб»да сигнал қондаларига мутлақо риоя қилмай кемада топилган барча рангдаги байроқ нари-бери осилди, шунинг учун эсминецдаги сигналчилар қанча уринсалар ҳам ҳеч нарса ўқий олмадилар. «Колумб» командаси: ишқилиб чиройли бўлса бас — сигналчилардан бошқа барибир ҳеч ким ҳеч нарса тушунолмайди деб ўйлаган эдилар.

«Буревестник»дан сувга қайиқ туширдилар. Соҳилга энг олдин командир, ундан кейин соколинийликларни хурсанд қилиб дарров марш чалиб юборган оркестр тушди.

Қўмондонлик Лебединий оролидаги байрамга «Буревестник»ни юборарди, чунки Соколиний қишлоғи «Буревестник»ни оталиққа олган. (Амалда эса «Буревестник» қишлоққа оталиқ қиларди.)

Бундан ташқари Лебединий оролининг ёш балиқчилари ҳарбий хизматни флотда ўтардилар. Соколинийликлар боцманлар, торпедачилар ва рулевоилар сифатида донг чиқаришган, мусобақаларда кўпинча биринчиликни олардидлар.

Ҳаво очиқ эди. Қор босган ғарамларга ўхшаш оқ булутлар балиқчиларга узоқ вақт ҳавонинг яхши бўлишидан дарак бериб, фазода сузиб юрарди. Оролда ўт ҳидлари анқир, қушлар сайрашар, соҳилга келиб урилаётган тўлқин товуши сал-пал эшитилиб турарди. Балиқчиларнинг уйлари безатилган, деворлари чиройли қилиб оқланган, ҳовлилари топ-тоза. Йўлларга сепиб қўйилган қум оёқ остида ғирчиллайди. Шундай денгиз бўйига устига оппоқ дастурхонлар ёзилган, катта-катта буханка нонлар, туздонлар, қошиқлар, вилкалар ва пичоқлар тизилган столлар қўйилганди.

Қаршида, одатда танца бўладиган катта майдонда, музикантларга скамейка қўйилиб, устига брезентдан соявон қилинган.

Байрам митинг билан бошланди. Балиқчилик колхозининг раиси, Зелёний Камень сельсоветининг раиси, «Буревестник» командири, Стах Очерет, профессор

Ананьев ва бир вақтлар «Буревестник»да матрос бўлган Тимофий Бойчук сўзладилар. Ҳар бир нотикнинг сўзи тантанали музыка-ю, қаттиқ «ура» садолари остида тугарди. Кейин ҳамма байрам иштирокчилари учун дастурхон ёзилган столлар олдига келиб ўтирди. Дастурхонга қўйилган хилма-хил ноз-неъматлар ичида энг мазалиси камбала бўлиб, уни фақат Лебединий оролидаги хўжайкаларгина шунчалик ширин қилиб пишира оларди. Ошхонада Лебединий оролидаги энг кекса денгизчи, бир вақтлар кок ва матрос бўлиб бутун дунёни айланиб чиққан, энди эса қолган умрини маякда, қизиникида ўтказаётган саксон яшар Махтей бобо бош эди.

Ҳар бир киши дастурхон олдида унга илгаридан белгилаб қўйилган жойга ўтирди. Люда байрамда Марконинг йўқлигига ҳайрон бўлди. Қиз юнгани эрталабдан бери кўрмаганди. Жуда ҳам кўп бўлмаган одамлар орасида йўқолиб кетиш қийин эди, лекин гарчи шундай бўлганда ҳам ҳозир дастурхон устида уни кўриши керак эди-ку. Кекса Махтей набирасини ёрдамга чақирган бўлса керак: юнга бобосини «Колумб»да бир марта зиёфат қилгандан бери, чол набирасини энг яхши парохларда коклик қила оладиган оролдаги бирдан-бир одам деб ҳисоблар эди.

Ҳаммадан кўпроқ Анч кўзга чалинарди. У ҳамманинг атрофида гирди капалак бўлар, аппаратини чиқиллатар, бир оз энгашинг, кулинг, ўгирилинг, жилмайинг деб, ҳамманинг жонига тегар эди.

Расмга тушишни хоҳлаганлар жуда кўп топилди. Анч ҳаммага расм тайёрлаб беришни ваъда қилар, расмга тушганларнинг, айниқса қизил флотчиларнинг фамилияларини ёзиб олар, расмни кўпинча кўрфаз фониди оларди, олганда ҳам «Буревестник» билан унинг қайиқларини расмга тушириб олишга ҳаракат қиларди. Ниҳоят фотограф хотиржам бўлди-да, профессор билан эсминец командирига яқинроқ жой танлаб дастурхонга ўтирди. У ёнидагилар билан ҳазиллашар, айни вақтда одамларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ соларди.

Кўп ўтмай Марко пайдо бўлди. Саломлашиб, Люданинг қаршисидаги ўз жойига ўтирди. Унинг хатти ҳаракатлари оғир-вазмин, ўзи ҳушёр эди. Одатдаги шўхлиги йўқ. Тўғри унинг бетидан ғамгинлик кўринмасди: у ҳар замонда бир жилмайиб қўярди.

— Марко, ичинг оғримаяптими? — деб қолди Левко. Юнга бош чайқади.

— Ошхонада, Махтей бобо олдида роса маза қилганга ўхшайсан-а?

Марко ҳазилга жавоб қайтармади.

Энг яхши балиқчилар соғлиғига, кафель ва скумбрия балиғини муваффақиятли ов қилишга қадаҳлар кўтариларди, ора-орада гап бугунги кун тартиби тўғрисида борарди. Анч зиёфатдан кейин танцалар бошланишини, кейинроқ эса, кечқурун байрам иштирокчилари «Колумб»да ва қайиқларда денгиз сайрига чиқишларини биларди. Агар шамол турса, денгизга ҳамма шаландалар ҳам чиқади.

— Ҳозир кеча ойдин, мацца қилиб айланиб келамиз,— дер эди Стах Очерет, «Буревестник» командири капитан-лейтенант Трофимов билан профессор Ананьевни ўз шхунасига таклиф қилиб.

Профессор таклифни дарров қабул қилди, командир эса ташаккур билдириб, денгиз сайрига ўз қайиқларини юборишга ваъда қилди, лекин ўзи денгиз сайрига чиқшдан узил-кесил бош тортди.

Зиёфатдан кейин Марко қандай билдирмай келган бўлса, ўшандай сездирмай ғойиб бўлди. Люданинг жаҳли чиқди, лекин танца бошланиб қолди-да, Анч уни вальсга таклиф қилди, шундан кейин у айланиб-айланиб танцага тушиб кетди-ю, ўртоғини унутди. Анч айниқса румба, фокстрот сингари Соколинийда деярли маълум бўлмаган танцаларга жуда уста эди. Анч билан Люда венгерка ва лезгинкага тушганларида ҳамма уларни қизғин олқишлади. Анч фақат гопакка тушолмади. Бу танцада унинг ўрнини Левко босди. Левко чўкка тушиб йўргалаб кетганда, Люданинг атрофида чанг кўтарилди. Левко Маркони мусобақага чақирмоқчи бўлди, мотористнинг назарида, юнга гопакка ва бошқа танцаларга ундан кўра ўн марта яхшироқ тушарди, лекин Марко ҳеч қаерда кўринмади.

Анч кўпчилик қизил флотчиларнинг ғашини келтириб, Людани яна танцага таклиф қилди. Танца тушаётганларида фотограф қиздан «Колумб»да денгиз сайрига чиқасизми деб сўради.

— Бўлмасамчи,— деб жавоб берди Люда.— Кечқурун соат роса тўққизда денгизга чиқамиз. Сиз ҳам босасизми?



— Албатта! Лекин мен кассеталарни янгилаб олиш учун уйга бориб келишим керак.

— Тезроқ бориб келинг — кечаси расм яхши чиқмайди.

...Зиёфатдан кейин икки соат ўтди. Соколийликларнинг қари-қартанглари бирпас-бирпас мизғиб олишга ҳам улгурдилар, кейин танцани томоша қилгани келдилар. Профессор яна келди. Унинг олдида кекса Махтей бобо трубкасини чекиб турди. Чол алланарсаларни ҳикоя қиларди. Танца давом этарди.

Анч кассеталарини олиб келгани кетди. Уйда у аппарат кассеталари солинган филоф ва Ковальчук Лужанидан олиб келган портфелни кўтариб, қишлоқ орқали жўнади.

Люда қизил флотчилар билан ҳам танца тушди, лекин кўп ўтмай чарчаганини сизди-ю, дам олмоқчи бўлди. У тошга ўтирди-да, Маркони қидириб атрофга алаңлади. Лекин юнга ўрнида ўз тенгдош ўртоқлари билан танца тушишни ўрганаётган Грицкони кўриб қолди. Болани олдига чақириб, акангни кўрмадингми деб сўради.

— Тимофий амакимнинг уйи олдидаги самбиттол тагида ётибди, ҳов анави ерда,— деб бола улар турган жойдан уч юз метрча наридаги самбиттолни кўрсатди.

Люда юнгани ростдан ҳам ўша ердан топди.

— Нега бундай шалпайиб қолдинг?— деб сўради қиз, унинг олдига яқинлашиб келар экан.

Уни кўриб Марко хурсанд бўлиб кетди. Лекин у ҳар ҳолда нимадандир хафа эди.

— Фотограф яхши танца қиларканми?— деб сўради у.

— Жуда! Лекин ўзи аллақандай ёқимсиз. Нега танца тушмадинг, умуман бугун жуда ғалатисан! Бутун Лебединий ороли байрам қиляпти, сен бўлсанг кўринмайсан!

— Гап ҳам ана шунда, ҳамма эмас. Отам маякдан келгани йўқ. Бундан ташқари яна икки киши келмади.

— Кимлар экан?

— Находка келмади, лекин бунга унча ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, бундан ташқари балиқчилик инспектори ҳам кўринмади. Сен уни кўрдингми?

— Йўқ.

— Менга қара, Люда. Сен нима деб ўйлайсан, нима учун фотограф Ковальчукникига келиб тушди экан?

— Билмасам.

— Мен ҳам билмайман. Лекин менга Ковальчук ҳам, фотограф ҳам негадир ёқмайди. Бир неча кун бурун...

Шундан кейин Марко Ковальчукнинг Лузанидаги қилиқларини ва ажнабий денгизчи билан газета алмаштириш ҳодисасини сўзлаб берди.

— Мен бу одамларни назардан қочирмасликка аҳд қилдим.

Люда Марконинг ёнига ўтирди, шундан кейин улар Анч билан Ковальчукнинг шубҳали хатти ҳаракатларини эслаб, ярим соатча гаплашдилар.

— Уларни кузатиб юриш керак,— деб хулоса чиқарди Марко.

— Биласанми нима? — деб сўради Люда.— Уйлашим-ча, бизга Находка ёрдам беради. У Ковальчукни ёмон кўради, ўзи эса, менимча, соппа-соғ қиз.

— Бу гапинг тўғри.

— Хоҳласанг, бориб Находкани байрамга айтиб келамиз? Йўл-йўлакай инспекторнинг қаердалигини ҳам билиб оламиз.

— Бўпти.

— Лекин Анч билан учрашиб қолмайдиган йўлдан борайлик. У кассеталарни янгилаб келиш учун ўша ёққа кетди.

— Нима учундир кечикиб кетди,— деб қўйди Марко.— Кўп ўтмай қуёш ботади, ундан кейин расм олиш нимаси!

— Кетдикми бўлмаса?

— Есть, капитан!

## XIX боб

### АНЧ ПЛАНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

«Фотокорреспондент» жуда қулай вақт топди. Қишлоқда у биронта ҳам тирик жонни учратмади, Очеретнинг ҳовлисида эса, шундай деворнинг тагида алланарсани чўқиладиган товуқни кўрқитиб юборди холос. Уйнинг эшиги ичкаридан ёпиқ эди. Уни очишга Анч ҳечам қийналмади. У портфелдан сим олиб, уни «Г» ҳарфи шаклида эгди-да, калта тарафини эшикнинг тешигига суқиб, тамбани сурди. Профессорнинг хонасидаги эшикни ҳам

осонлик билан очди. Калит ўрнига юпқагина пластинка иш берди.

Анч тез, ишонч билан ишларди. Профессорнинг портфелини биринчи марта кўрганидаёқ ҳозир буни қандай қилишни ҳали билмаса ҳам, уни алмаштириб қўйиш фикри туғилган эди. Мана ҳозир вазият жуда қулай келди: у тўғридан-тўғри портфелни ёки унинг ичидаги қоғозларни олиб кетаверса ҳам бўларди, лекин яхшиси портфелни алмаштириб, ўрнига ҳар хил эски газеталар билан тўлдирилган портфелни ташлаб кетишни маъқул кўрди. Шундай қилса, иш тезроқ битарди, бунинг устига қоғозларнинг йўқолиб қолганини эртасига эрталабгача ҳеч ким сезмаслигига ишонса бўларди.

Профессорнинг олдига биринчи марта келганида хонани кўздан кечирар экан, Анч энг муҳим қоғозлар портфелда сақланишига ишонч ҳосил қилган эди. Портфелни алмаштириб қўйиш учун фақат ўн-ўн беш секунд вақт кетди. Хонани охириги марта кўздан кечиргач, олиб кетишга арзигудай бошқа ҳеч нарса тополмай, Анч эшикларни яхшилаб ёпиб, уйдан чиқди. Эшик тамбаларини жосус илгаригича ёпиб қўйди. Боғдаги йўлакдан ўтиб, у лип этиб кўчага чиқди-да, тез-тез қадам ташлаб ўз қароргоҳига қараб кетди...

Анч Ковальчук билан деярли бир вақтда уйга келди. Ковальчук Лузанидан Зелёний Камень орқали қайтганди. Инспекторнинг қўлида қулфланган тўқима сават бор эди.

— Яшанглар! — деди фотограф, саватни кўриб. — Улар — топшира олганлари учун, сиз эса, олиб кела олганингиз учун, яшанглар!

— Ичида нима борлигини биласизми? — деб сўради, Ковальчук.

— Бу нарсани олдинги хатимда сўраган эдим. Хат борми?

Инспектор Анчга гижимланган ифлос бир газета берди.

— Яхши! Хўп, хатни ўқиб бўлгунимча, сиз йигирма минут чамаси дам олинг... Бугун жуда ишимиз кўп.

Бу сафар Анч Ковальчукни хонадан чиқариб юбормади, балки хатни инспектор олдида чиқариб ўқиди. Буларни у шошиб-пишиб қилди.

Ковальчук Находкани чақирди-да, қўл ювиш учун сув бер, чойни исит деб буюрди. У жуда чарчаган эди. Муздек сувда ювиниб, ўзини бардам сизди, иссиқ чой эса

эсини жойига келтириб тинчлантирди. Чойга у арақ кўшиб ичди.

Анч махфий хатни ўқиб бўлди. Находканинг даҳлизга чиққанини кўриб, у инспекторга қаради:

— Менга қаранг, Ковальчук, ишимизнинг учдан иккиси бажарилди. Эрта билан тонгда кемада бўламиз. Тўғриси айтганда, охириги минутлар қолди. Ҳозир сиз ўз қайиғингизга ўтириб, Соколийга борасиз. Кемага осонроқ чиқиб олиш учун «Колумб» олдига қайиқда боринг. Узингиз билан мана бу корзинкани ола кетинг, кемадан соҳилга ўтаётганингизда, уни ўша ерда ташлаб кетинг. Агар «Колумб»да ҳеч ким бўлмаса — мен ҳеч ким йўқлигига ишонаман, — саватни яхшилаб беркитиб қўйинг. Кейин байрамда одамларга кўриниш беринг-да, «Колумб» билан қайиқлар денгизга чиққунча ўша ерда бўлинг. Профессор Ананьев билан қизи шхунага сайрга чиқишмоқчи. Шхунанинг бутун командаси ҳам ўша ерда бўлади, албатта. Агар профессор денгиз сайрига боришдан айниб қолгудек бўлса, уни сайрга чиқишга кўндинг, бўлмаса биз оролда яна узоқ вақт қолиб кетамиз. Шхуна жўнаб кетиши биланоқ қайиғингизда кўрфазни айланиб ўтинг. Мен сизни байдарка олдида кутаман.

— Мана бу саватдаги нима, ахир? — деб сўради титроқ товуш билан Ковальчук.

— Ҳозир кўрасиз.

Анч қулфни очди, саватнинг қопқоғини кўтариб ичидан қалин жун рўмол чиқарди. Рўмол тагида будильник соатга ўхшаган аллақандай бир қора темир қутича ётарди.

— Фақат кўрқманг, — деб огоҳлантирди Анч. — Сиз бу нарсани кунни бўйи кўтариб юрдингиз, лекин ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бу «дўзах» машинаси. Ҳозир унинг портлайдиган вақтини белгилаб қўямиз. Улар соат тўққизда жўнаб кетишади, борингки, бир оз кечикиб ҳам қолишин... айтайлик, соат ўнда бўлсин.

Анч машинани ишлатиб юборди, кейин соат стрелкаларини йигирма икки-ю, қирқ беш минутга тўғрилаб қўйди.

— Соат ўндан қирқ беш минут ўтганда, биз денгиздан портлаш овозини эшитамиз: «Колумб» ва унинг пасажирлари парча-парча бўлиб кетади.

Ковальчук чўчиб кетди. Анчга эътироз билдирмоқчи бўлди: шунча қурбон... ундан ташқари, инспектор уни

одам ўлдиришга мажбур қилишларини сира ўйламаган ҳам эди. Анч унинг бу фикрларини сездими ёки йўқми, ҳар ҳолда инспекторга жўнаш тўғрисида шундай буйруқ қилдики, унинг бирон нарса дейишга тили ҳам бормай қолди. У тобелик билан саватни олди-да, уйдан чиқиб кетди. Кетидан Анч кузатиб чиқди.

Даҳлизда жосус Находкага диққат қилди. Қиз хотиржам эски этик билан самовар ўтини олдирмоқда эди. Анч қизчага шубҳа билан қараб қўйди, лекин ҳеч нарса демади. У Ковальчукни денгиз бўйигача кузатиб қўйди, саватни қайиққа олиб борди, кулиб туриб муваффақият тилади-да, инспекторнинг битта эшкак билан қайиқ ҳайдаб бораётганига узоқ қараб турди. Кейин Анч орқасига қайтди. Ҳовлида Левко совға қилган кўйлакни кийиб олган Находка турарди. У ёлғиз қайиқ сузиб кетаётган кўрфазга қараб турар, гўё қишлоқ тарафдан, узоқдан эшитилаётган музыка товушларига қулоқ солаётгандек эди. Анч секин-аста юриб қиз олдига келди-да, байрамга бормоқчисан шекилли деб сўради. Қизча ҳадеб бош иргитди. Шундан кейин у олдин ертўладан мен яхши кўрадиган ярим тузланган бодрингдан олиб чиқиб бер деб илтимос қилди. Бир неча кун олдин унинг буйруғи билан Находка битта бочкага ана шундай бодрингдан тузлаб, ертўлага тушириб қўйган эди.

Находка бодринг олиб келгани кетди, «фотограф» эса қўлига шам олиб қизнинг йўлини ёритиб борди. Қизча шошиларди.

Анч қизга лядани<sup>1</sup> кўтаришга ёрдамлашди, йўлни ёритиб қиз кетидан лопиллаб турган нарвон пиллапояларидан пастга туша бошлади. У иккинчи пиллапояда тўхтади. Находка аллақачон ертўла тагида турар ва бочка устига энгашиб бодринг танларди. Бирдан унинг кузатувчиси юқорига чиқиб кетди-да, шамни ташлаб юборди, шам пастга туша туриб ўчиб қолди, шундан кейин Анч нарвонни юқорига тортди. Қиз эс-хушини йиғиб олгунча Анч нарвонни олиб қўйди. Находка қопқоронғи чуқур ва зах ўра ичида қолди. Қизча қичқириб юборди-ю, жим бўлди.

Анч лядани ёпди, устидан бир неча боғ қуруқ қамиш билан тош ташлаб қўйди-да, хотиржам бўлиб, уйга кириб кетди.

<sup>1</sup> Л я д а — люкнинг очилиб ёпиладиган эшиги.

— Шундай қилганим яхшироқ,— деб тўнғиллаб қўйди у.— Унинг даҳлизда нималар эшитганини, гапимиздан нима англаганини ким билади дейсиз!

У ичкари кирди, қўли билан столга тиралиб турди-да, баланд овоз билан:

— Жўнаб кетсак ҳам бўлади энди! — деди.

Ул-булларни йиғиштириб, аллақандай қоғозларни ёқиб юборди, чемодандан ич киймларини, кўйлақларини, эҳтиётдан олиб келган бир жуфт оёқ кийимини, фото қоғозларнинг қолганини, альбом учун асраган муқовани ташлаб юборди ва хонага охириги марта кўз югуртириб чиқиб, фотоаппаратини елкасига осиб олди-да, плащчини елкасига ташлади, профессорнинг портфелини қўлига олиб, Ковальчукнинг уйидан чиқиб кетди.

Қуёш уфққа яқинлашиб қолганди, денгизнинг ғарб тарафи олтин тусда товланарди. Музикачилар, афтидан, дам олишмоқда эди — қишлоқ жимжит эди.

Ертўлага қамаб қўйилган Находка қичқираётганмиди, йўқмиди — буниси номаълум. Анч қиз тўғрисида ўйламасди. Қалиткани очиб, у ҳовлига охириги марта кўз ташлади, чўчқахона олдида суяк ғажиб ётган Разбойга қўл силкиб қўйди-да, йўлдан юрмай, тўппа-тўғри оролнинг жануб-шарқий тарафига қараб кетди.

Разбойнинг ҳуриши эшитилганда, у ҳовлидан анча узоқлашган эди. «Кимга ҳуряпти экан?» деб Анч қулоқ солди. Ит яна ҳуриди. Лекин кўп ўтмай жим бўлди. Ит кимга ҳуриди экан? Находки Ковальчук битта-яримта билан қайтиб келган бўлса?

Бир минут ўтди, энди инспектор ҳовлиси тарафдан итнинг улиши эшитила бошлади. Унинг гоҳ аянчли, гоҳ даҳшатли ҳуриши қиш кунларида йўловчиларни қўрқитадиган бўрининг увлашига ўхшаб кетарди. Увиллаётган Разбой эди, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин у нима учун увиллаётган экан: ҳовлининг бўшаб қолганига, ёлғиз қолганигамикан, ёки Находкага бир нарса бўлганини сезганмикан?

Анч денгиз тарафга қараб-қараб қадамини тезлатди.

Қош қорая бошлади. Чайкалар билан мартинлар денгиздан оролга қайтиб кела бошладилар. Узоқда, Ковальчукнинг ҳовлисида ҳамон Разбой увларди.

## НАХОДКАНИ ҚИДИРИШ

Марко билан Люда кўрфаз соҳили бўйлаб бормоқчи бўлдилар. Улар фотограф қишлоққа сўқмоқдан қайтар деган умид билан, бир оз узоқроқ бўлса ҳам, жўрттага мана шу айланма йўлни танладилар. Соҳил яқинидан қирғоқ бўйлаб қайиқда аллаким инспектор уйи томондан сузиб келарди!

— Эҳтимол, Находкадир?— деди Люда.

— Йўқ ундоқ эмас. Кутиб турамыз. Қимлигини билиш керак.

Қиз рози бўлди, улар зовур бўйидаги қичитқон буталари орасига кириб яшириндилар-да, қайиқни кузата бошладилар. Қайиқ анча тез яқинлашиб келарди, ўн минутдан кейин у шаландалар билан «Колумб» турган жойга етди. Энди Марко ҳечам иккиланмай қайиқдаги киши инспектор деб айта оларди. Люда унда ўтирган одам қорасидан бошқа ҳеч нарсани ажратолмади. Қайиқ соҳилга келиб тўхтамади, балки денгиз тарафдан келиб шхуна борти тагида тўхтади-да, болаларга кўринмай қолди. Инспектор соҳилга шхунада чиқиб олмоқчи бўлди. Бу осон эди: соколинйликлар «Колумб» дан соҳилга атайдан байрам кунига атаб ясашган узун сузма кўприкни ташлаб қўйишган эди. Ковальчук шхунада ушланиб қолди. У кемада нималар қилаётгани кўринмасди — орадаги масофа анча узоқ эди, шхуна ҳужрачаси ҳам ҳалақит қиларди.

— Бунча ивирсиб қолди-я? — деди жаҳл билан Марко.— Эски тоғорасини боғлаяптими дейман?

Мана, инспектор «Колумб» палубасидан кесиб ўтди-да, узун кўприкдан соҳилга тушди, сўнг соколинйликлар ўйин-кулги қилишаётган тарафга юрди. Ковальчук, кўринишдан, жуда шошиларди. У юнга билан қизнинг ёнгинасидан ўтди-ю, лекин ўз фикрларига берилиб кетганидан уларни сезмади.

— Энди кутишнинг ҳожати йўқ,— деди Люда, ҳамроҳига.— Юр тезроқ.

Улар денгиз орқасига ботиб кетаётган қуёшдан олдинроқ юришга ҳаракат қилиб, шошиб борардилар. Улар имкони борича масофани қисқартиришга ҳаракат қилиб, эҳтиёткорлик билан гоҳ қумдан, гоҳ, ўтдан юриб боришарди (Фотографнинг кўзига кўринишни истамасдилар).

Марко йўл бўйи индамай борди. Люда Находканинг «Колумб» да ҳозир бўлиши одамларни қанчалик ҳайратда қолдиришини ўйлаб, бунга олдинданоқ хурсанд бўларди. Улар қизчани кема денгизга жўнаётган вақтга етказиб келишлари турган гап-да. Марко унинг гапларини маъқуллаб бош силкар ва ҳадеб ғарб тарафга қарарди. У йўлнинг ярмисидан кўпини босиб ўтган бўлсалар ҳам, қуёш билан бараварлаша олмасликларини кўриб турарди — қуёшнинг таги аллақачон сувга тегди, бир неча минутдан кейин эса бутунлай ботиб кетди. Шу вақт улар бирдан товуш эшитиб тўхташга мажбур бўлдилар. Бу итнинг увиллаши эди. Ит гоҳ чўзиб, гоҳ тўхтаб-тўхтаб увилларди, итнинг увиллашидан эшитилаётган бўғиқ ва аянчли товуш одамни ҳайрон қолдирарди. Итнинг овози инспектор ҳовлисидан эшитиларди, улар эса ҳовлида фақат битта ит — Разбой увиллаши мумкинлигини билардилар.

— Нега увлаяпти экан? — деб ҳайрон бўлиб сўради Марко.— Қутуриб қолдимикан?

— Увлашининг ёқимсизлигини-чи... ҳатто қўрқинчи,— деб қўйди қиз.

— Находкага хўп овунчоқ қолдиришибдими? — деди қовоғини солиб юнга.

Қуёш осмонда қип-қизил бўёқлар қолдириб ботиб кетди. Кўрфаздаги сув қорайиб қолди, шундан кейин кундузги шабада тунги шабада билан алмашинишдан олдинги штиль бошланди. Улар эса ҳамон йўл юришарди. Агар ит увиллаб турмаганда, эҳтимол, юнга билан қиз жануб денгизининг кечқурунги гўзал манзарасини томоша қилиш учун бирпас тўхтаган бўлар эдилар, кечқурун у тарафларда барча соялар ғойиб бўлиб, фақат алланарсанинг каттакон, нозик сояси ер, сув ва осмоннинг ярмисини қоплаб олади. Тантанали жимжитликни фақат итнинг улиши бузиб турарди; қишлоқда музика овози тинди. Тиқ этган товуш эшитилмайди.

Марко доим оёғи остидаги тошларга қараб борар ва мабодо ит қопмоқчи бўлса, тошлардан қайси бири билан ўзларини ҳимоя қилиш мумкинлиги тўғрисида ўйларди.

— Бу ит ҳали роса овора қилмаса,— деди Люда, гўё юнганинг миясидан ўтаётган фикрларга жавоб бераётгандай.

— Йўқ, у хўжайинларнинг рухсатисиз ҳеч вақт уйдан чиқмайди,— деб жавоб берди Марко.— Биз бор-



гандан кейин, Находкани чақирамиз, у итни ҳайдаб юборади.

Кўп ўтмай иккаласи инспектор ҳовлисининг девори олдида туришар ва оёқ учларида кўтарилишиб ичкарига мўралашарди. Ҳовлида Разбой жон-жаҳди билан увилларди. Ит уларни сезмади. Итдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Калиткани кимдир очиқ қолдирганди. Бир неча минут улар киришга юраклари бетламай иккиланиб турдилар. Қоромғи қуюқлашиб бораверди. Шарқ тарафдан тўла ой кўринди.

Марко ҳар эҳтимолга қарши қўлига таёқ олди, Людага ҳам таёқ берди, кейин калитка олдига келиб, уни шартта ёпиб олди-да:

— Находка! Находка!— деб қичқирди.

Одам товушини эшитиб, ит ҳуриб калитка томонга ташланди. У калитка тепасига сакрар, лекин ҳовлидан чиқмасди. Марко билан Люда Находканинг чиқишини кутиб турдилар. Уй эшиги очилмади, деразалар ҳам тилсиздек жим, қорайиб турарди. Уйда ростдан ҳам ҳеч ким йўқдек туюларди.

— Находки у йўқ бўлса?— деб сўради Люда, Находка тўғрисида ўйлаб.— Қаёққа кетиб қолди экан?

— Бу мени ташвишга соляпти,— деб жавоб берди юнга.— Уйга кириш керак. Лаънати ит!

Йигитча қутурган Разбойни нима қилсак экан деб ўйлаб, қовоғини солиб турарди. У итни ўлдиришдан ҳам қайтмас эди-ю, лекин уни таёқ билан ўлдиролмасди. Фақат ҳовлига кириш, таёқ билан итни ҳайдаб-ҳайдаб, уйга кириб олиш қолган эди. Агар ёнида Люда эмас, айтайлик, Левко бўлганда, улар шубҳасиз итни бир ёқлик қилган бўларди, лекин ҳозир бунинг иложи йўқ эди, чунки Марко Разбой Людани қопиб олади деб кўрқарди.

Ниҳоят юнг уйга кириб олишнинг йўлини топди.

— Менга қара, Люда,— деди у,— сен шу ерда туриб, итнинг диққатини ўзингга тортиб тур, майли истаганча ҳурсин, қанча қаттиқ ҳурса шунча яхши. Мен эса ҳовлининг нариги тарафидан киришга ҳаракат қилиб кўраман.

Марко секин-аста ҳовлини айланиб ўта бошлади. Люда эса ҳовлига калиткадан кирмоқчи бўлаётгандек, уни қамирлатиб қўйди. Қиз қўлидаги таёқ билан калиткани бир урди, Разбой эса бадтар ҳурий бошлади.

Люда тинмай Ковальчукни, Находкани, Анчни чақирарди. Фақат Разбой жавоб берарди.

Бу орада Марко ҳовлини айланиб ўтди, секингина девордан ошиб тушди-да, девор тагидан пусиб бориб, уйга яқинлашди. Деразалардан бирига — ошхона деразасига мўралаб қаради, лекин қоронғида ҳеч нарса ни кўриб бўлмади. Энди бурчакдан чиқиш, уч қадам наридаги эшик олдига бориб олиш керак эди. Ит ҳатто уни кўриб қолганда ҳам, бола ичкарига лип этиб кириб олишга ва Разбойнинг шундай тумшуғи олдида эшикни ёпиб олишга улгура оларди. Лекин эшик қулфланган ёки ичкаридан илмоқ билан беркилган бўлса, унда нима қилади? Унда ит Маркога ташланиши турган гап. Марко таёғини маҳкам ушлаб олди-да, ичкари киришга аҳд қилди. Таваккал, нима бўлса бўлар, у ўзини ҳимоя қилади.

Люда калитка тирқишидан Разбойнинг бирдан жим бўлиб, орқасига ўгирилганини кўриб қолди: уй эшиги очилди-да, Марко даҳлизга кириб яширинди. Худди шу вақт ит ўша тарафга ташланди, лекин эшик тақа-тақ ёпиқ эди. Йигитчанинг иши ўнгидан келди: эшик ичкаридан занжирланар экан. У эшикни ёпиши биланоқ, итнинг ҳуриши эшитилди. Даҳлиз жимжит. Марконинг ёнида гугурти йўқ эди. У пайпаслаб эшикни топди-да, ичкари кирди. Деразадан ғира-шира ёруғ тушиб турарди. Шунинг учун хонадаги нарсаларни сал-пал кўрса бўларди. Остонада туриб, Марко уйда ким бор деб сўради. Ҳеч ким жавоб бермади. Лабларини қисиб, у пайпаслаб гугурт қидира бошлади. Стулларга, столга, кроватга туртиниб-суртиниб бутун хонани айланиб чиқди, кейин ошхонага кирди, фақат ўша ерда бир қути гугурт топди.

Гугурт чақиб у яна ошхонани, уйни ва Находканинг ҳужрачасини кўздан кечирди. Ҳеч қаерда ҳеч ким йўқ эди. Даҳлизда туриб у чердакка чиқадиган нарвонни кўриб қолди. «Эҳтимол, ўша ерга биров яшириниб олгандир?» деб ўйлади юнга. У қўрқиб кетди, шунинг учун юқорига чиқишга бирпас юраги дов бермай турди, лекин инспекторнинг фонарини топиб, ундан кичкинагина шам бўлагини олди-да, нарвондан юқори кўтарилди. Юқоридан иккинчи зинада тўхтаб, у чердакни ёритди. Чердакнинг чанг босиб кетган лой полида аллақандай эски буюмлар, мўри тагида саватдаги

шишалар ётарди, бурчакларни ва тепани ўргимчак ина босиб кетганди. Юнга пастга тушди. У ҳамма ёқни қараб чиқди, энди уни фақат Разбой қамоқда ушлаб турарди. Люда калиткани тақиллата бошлаши билан ит ўша тарафга югурарди. Лекин дарров уйга қайтиб келарди.

Марко ҳужрачага кирди. Унинг эшиги даҳлизга очиларди. Ҳужранинг бир бурчагига у фонарни мил-тиллатиб ёқиб қўйди-да, калта ёғоч кроватга қоп ва ёстиқларни одам ётганга ўхшатиб дўмбайтириб қўйди: У Разбойни даҳлизга киргизиб юбориб ўзи эса эшик ор-қасига яшириниб олмоқчи эди. Эҳтимол, ит тўппа-тўғри ҳужрага отилар, агар шундай қилса, Марко ит-нинг кетидан эшикни шартта ёпиб олади.

Худди шундай бўлди ҳам. Люда калиткани тақилла-тиб қолди, Разбой ўша тарафга югурганда,— йигитча эшикни очиб қўйди. Ит орқага ташланиб дарҳол даҳлиз-га ўзини урди, лекин Маркони кўрмай, ҳужрачага кириб кетди. Юнга эса итнинг орқасидан шартта эшикни ёпиб олди. Ит орқага ташланиб эшикни шундай куч билан итардики, Марко уни зўрға ушлаб қолди.

Сув солиб қўйилган бочка иш берди. Марко уни эшикка тираб қўйди. Ит тумшугининг бир учинигина чиқарди-ю, лекин ҳужрадан чиқа олмади.

Марко ҳовлига чиқди, эшикни ёпди-да, Людани чақирди.

Орол тепасида ой хира нур сочиб турарди. Кўрфаз тарафдан музыка товушлари эшитиларди. «Колумб» билан қайиқлар денгиз сайрига жўнаб кетмоқда эди. Марко билан Люда бошқалар билан бирга шхунада сайрга чиқиш ўрнига инспектор ҳовлисининг ўртасида туришарди. Энди улар ҳам қишлоққа қайтсалар бўлар-ди, ахир уйда ҳеч ким йўқ эди. Марко ҳовлини диққат билан кўздан кечирди.

— Биз Разбойни кўрганимизда, у қаерда тургани эсингдами?— деб сўради у.

— Ҳов анави ерда, анови оғил ёнида,— деб Люда ертўла тепасидаги қамиш боғларини кўрсатди.

Марко қизга бунинг ертўла эканини тушунтириб, уни бирга қараб чиқишни таклиф қилди.

Улар ертўла тепасига келишди. Ўзаро сўзлашиб туриб, том тагини кўздан кечиришди. Юнга қамиш пояларини олиб ташлади-да, ўт чиқиб кетмаслиги учун

эхтиёт билан гугурт ёқди. Люда қамиш поялари тахта эшикни яшириб турганини кўрди ва худди ўша пайт инграган товуш эшитилди.

— Ким у?— деб қўрқиб сўради Люда.

Марко аллақачон қамиш пояларини олиб ташламоқда ва қоп-қоронғи ўрани очмоқда эди. Ҳадаги товуш жим бўлди.

— Эҳтиёт бўл, Люда,— деди у,— йиқилиб кетма тагин.

Кейин ўзи яна гугурт ёқди-да, ўрага қараб қичқирди:

— Ким у? Сенмисан, Находка?

— Мен, — деган жавоб эшитилди пастдан, шунда улар дарҳол қизчанинг товушини танишди.

Ёниб турган гугурт ертўлада ўтирган қизчанинг қорасини зўрға ёритарди. Марко люк ёнида ётган нарвонни олди-да, ертўлага туширди.

Бир минутдан кейин пастдан совқотиб кетган, кийимлари эзилиб, сочлари тўзиган Находка чиқиб келди.

Марко билан Людани кўриб қизча ҳайрон бўлди.

— Сиз «Колумб»да эмасмисиз ҳали?

— Ким сени бу ерга қамаб қўйди?— деб ўз навба-тида сўрадилар қизни қутқазувчилар.

— Анави машинкани топдингларми?

— Қандай машинкани?

Қизча ҳаяжонланиб, даҳлизда самовар қўяётганда эшитиб олган суҳбатни гапириб берди. У Яков Степанович «Колумб»га аллақандай машинкани яшириб қўйиш кераклигини айтганида, ҳикоясини тинглаётганлар ҳаяжонга тушиб қолдилар.

— У ўша машинканинг соат ўну қирқ беш минутда денгизда портлашини ва ҳаммангиз ҳалок бўлишингизни айтди,— деб тушунтирди Находка.

Люда соатига қаради: соат стрелкалари йигирма биру эллик минутни кўрсатиб турарди.

— Эллик беш минут қолибди,— деди секингина у.

Марко денгизга қаради. Ой ёруғида у кўрфаздан чиқиб кетаётган қора нуқталар ва милтиллаб турган чироқларни кўрди. У чироқлар ичида «Колумб»нинг чироқларини таниди. Бир соатга ҳам бормай шхунадан ҳам, ундаги одамлардан ҳам асар қолмайди. Нима қилиш керак?

Шу тарзда у бир неча секунд туриб қолди, бу вақт Люданинг назарида бениҳоят узоқ туюлган эди.

— Уйга ўт қўйиш керак,— деди Марко,— улар ёнини кўрадилар-у орқага қайтадилар. Улгурамыз. Люда, гугуртни бер!

Люда унга гугуртни узатди, лекин қутида биронта ҳам гугурт йўқ эди.

— Гугурт, гугурт!— деб қичқирди юнга, Находкага қўл чўзиб.

Қизча уйга югурди, унинг кетидан Марко билан Люда ҳам чопишди, улар ҳужрачага қамаб қўйилган Разбойнинг қаттиқ-қаттиқ ҳуриши остида даҳлизга киришди. Находка гугуртни боя Марко топган жойдан қидирарди. Уйда бошқа гугурт йўқ эди. Қизча кундузиёқ бунинг охириги қути эканини билганди. Марко унинг қидиришини зўр бериб сўрар, илтимос қилар, талаб этарди. Қизча жуда шошиб қолган, лекин биронта ҳам гугурт тополмасди. Фонардаги шам ёниб бўлди ва ўчиб қолди.

Марко югурганича ҳовлига чиқиб, яна кўрфазга қаради. «Колумб»нинг чироқлари энди денгизда милтиллаб кўринарди. Кўрфазда фақат «Буревестник» қолди. У электр чироқларини ярақлатиб рейдда турарди. Эсминец бошқа жойга кўчган ва ҳозир соҳилдан тахминан бир километр жойда, инспектор уйи қаршисида турарди.

— Юринглар менинг орқамдан!— деб қичқирди Марко.

Люда билан Находка югуриб ҳовлига чиқдилар. Марко пастга, соҳилга қараб чопиб борарди. Уйлаб ўтирмай, қизлар ҳам унинг орқасидан чопдилар.

— Миноносецга сузиб борамиз!— деб қичқирди йигитча.— Фақат ўша етиши мумкин...

Қизлар тушунишди. Улар физиллаганича сув тарафга боришарди. Денгиз бўйига энг олдин Марко, ундан кейин Находка, энг кейин Люда етиб бордилар. Уларнинг учаласи ҳам сузишга уста эди, лекин Люда тезроқ сузарди, шунинг учун кўп ўтмай у Маркога етиб олди. Бу сира кўрилмаган мусабақа бўлди. Мукофот тариқасида одамларнинг ҳаёти ва кема қутқариб олиниши керак. Сузувчилар бир-бирларидан ўтиб борардилар, шунинг учун «Буревестник»ка ким биринчи бўлиб келишини айтиш қийин эди.

Бу мусобақани ҳеч ким кўрмади, фақат кўрфазни тўғри кесиб ўтган ва ҳозир унинг жануб-шарқий бўйига етиб қолган, қайиқни ўзи ҳайдаб бораётган кишигина узоқдан қорайиб кўринаётган учта нуқтани сезиб қолди. Дастлаб у бу дельфинлар бўлса керак деб ўйлади, кейин «Буревестник»даги денгизчилар чўмилишяпти шекли деб қўя қолди-да, бундан ҳам зарурроқ ишлар билан банд бўлганидан, уларга қарамай қўйди. Бу Яков Ковальчук эди. У ҳозиргина Соколий қишлоғи билан бутунлай хайрлашган, энди эса бутун Лебедий ороли билан хайрлашмоқда эди.

Фақат ой ўзининг хира нурлари билан ёритиб, сузувчилар мусобақасини кузатиб турарди. Ой энди инспектор уйдан анча баланд кўтарилган, денгиз ва оролга хотиржамлик билан нур сочарди. У бефарқ назар билан денгиздаги кемалар, пароходлар, шхуналар, шаландалар, сузувчиларни ва қуруқликдаги пиёдаларни кузатиб турарди.

Соҳилдан сезилар-сезилмас тунги шабада эса бошлади.

## XXI боб

### ЧАНГАЛЛАР ОРАСИДАГИ МАКОН

Денгиз тўлқинлари суриб келган қумтепалар девори денгизни оролдаги сершоҳ буталар, қамишзорлар ва қиёқ ўтлардан ажратиб турарди. Балиқчилар бу ерга камдан-кам келишарди. Бунинг ўрнига бу ерларда ҳар хил қушлар бемалол ин қўйишар ва бола очишарди. Ўт босиб кетган қумлоқ тўсиқ орқасида қушлар энг кучли тўлқинларда ҳам денгиз ҳамласидан ўзларини хавфсиз ҳис қилар эдилар. Буталар панасида улар: тулкилар, калхатлар, бу ерларга камдан-кам келадиган одамлардан ҳам яшириниб жон сақлардилар. Бу чангаллар орасидан ўтиш осон эмасди. Ўткир тиканлар кийимни йиртар, қиёқ ўтлар қўлни тилар, оёқлар лойга ботар, тор лекин, кичкина-кичкина кўлчалар орасидан ўтадиган чуқур ариқчалар йўлни тўсарди.

Мана шу чангаллар орасида Ковальчук Анчни кутарди. Тўғри, у чангаллар ичкарасига кириб кетмади, жосуслар чангаллар орасига яшириб қўйишган байдар-

кани денгизга тез олиб чиқиш мумкин бўлсин деб, ўз маконларини денгиз бўйига яқин жойга ўрнатишган эди. Бу ерга инспектор денгиз ёқалаб келди.

У уйга киролмаганига, оролда кечирган умридан хотира тариқасида баъзи бир майда-чуйда нарсаларни олиб келолмаганига ачинарди. Ўзи билан бирга Находка ва Разбойни олиб кетолмаганига ачинарди. Находкани у фақат арзоч батрак деб ҳисоблар, итни эса содиқ хизматкор деб биларди. Улар келажакда шубҳасиз бир корига яраган бўларди.

Ковальчук ўз сиёсий хўжайинларимга катта хизмат кўрсатдим деб ишонар, шунинг учун қилган ишига яраша мукофот олишга умид боғларди. Анчдан олган уч минг сўм бу умидларининг, реал эканлигига гувоҳлик бериб турарди.

У илгаригидай ҳаяжонга тушмас, қўрқмас эди.

Ковальчук соатига қаради — портлаш вақтигача ўттиз беш минут қолган. У тезроқ Анч билан учрашгуси, топширилган вазифанинг бажарилганини айтиб, бошлиғи билан бирга «Колумб»нинг портлашини томоша қилгиси келар эди.

Лекин қадамини тезлатишга тўғри келмади: жосус уни шу яқиндаги бута орқасида кутиб турарди.

— Мана, етиб ҳам келдингиз! — деди Анч. — Ишларни дўндирган бўлсангиз керак деб ўйлайман?

— Ҳаммасини қилдим! Улар аллақачон денгизда бўлсалар ҳам эҳтимол. Портлаш товушини эшитамизми?

— Эшитсак керак. Қани, энди юринг маконимизга, машинани қаерга бекитганингизни, «Колумб»да кимлар кетганини гапириб беринг.

— Саватни озиқ-овқат сақланадиган рубка ёнидаги палуба тагига қўйдим. У ерга ҳеч ким кирмайди, бу аниқ. Улар кечки овқат қилишмайди.

— Уларнинг анови коки ёки юнгаси-чи?

— Афсуски, «Колумб» жўнаб кетаётганда у келмади. Уни қидиришди, лекин топишолмади-да, ўзлари жўнаб кетишди. Команданинг қолгани, профессор, сельсовет раиси, оркестр ва бир неча аёл ҳозир соҳилдан узоқда.

— Профессорнинг қизи-чи?

— У ҳам келмади.

— Эссиз! — деб Анч истеҳзо билан кулиб қўйди. —

Қизни худо бир сақлабди. У, афтидан, мени кутган: мен шхунада денгиз сайрига чиқишни ваъда қилган эдим.

Бирпас индамай бордилар. Анч бир неча марта денгизга қараб қўйди. Ниҳоят у алланарса қидираётгандек тўхтади.

— Ковальчук, уфқда ҳеч қандай чироқ кўраётганингиз йўқми?

Инспектор диққат қилиб денгиз тарафга қаради. Унга ростдан ҳам узоқ-узоқдан аллақандай чироқлар милтиллаб кўринаётгандек туюлди, шундан кейин у ўша тарафни Анчга кўрсатди.

— Ўша тарафдан келишлари керак,— деди Анч.— Ярим кечадан кейин қоп-қоронғи бўлади, биз уларни шубҳасиз кўрамиз. Бугун биз байдаркамизда ўн икки миль сузишимиз керак. Деярли йигирма уч километр. Бу совет территориал сувлари. Ундан чиқишимиз биланоқ бизни пароход палубасига чиқариб олишади. Шу билан саргузаштимиз тамом бўлади. «Кайман» ўша ерда бузилиб қолган машиналарни ремонт қилиб турган бўлади. Капитан яқинроқ келишга ҳаракат қилади... Лекин соҳил бўйлаб чўзилган шундай кенг жойни ўз территориал сувлари деб эълон қилган совет ҳокимларининг иши кишининг жонини чиқаради. Кўп давлатларда бу уч милдан ошмайди. Мана маконимизга ҳам етдик!

Улар байдарка беркитиб қўйилган жойга етиб келдилар-да, кунни бўйи чарчаганларидан дарҳол дам олиш учун чўзилдилар. Ётган жойида ҳам улар денгиздан кўз узишмас эди. Иккаласи ҳам соатига қараб-қараб қўярди. Ковальчукнинг соати йигирма иккию қирқ бир минутни, Анчники — йигирма иккию қирқ минутни кўрсатиб турарди. Инспектор ўзининг соати ажал машинаси билан бир хилда юраётганини билар эди. У буни Анчга айтди. У ҳеч нарса демай, бош силкиб қўйди.

Кутилган минут яқинлашиб келаверди. Ковальчук гугурт ёқиб секунд стрелкасидан кўзини узмасди. Йигирма секунд қолди, ўн секунд, беш секунд, уч секунд... чиқ-чиқ-чиқ-чиқ... чиқ-чиқ-чиқ-чиқ... Қирқ беш минутдан икки секунд ўтиб ҳам кетди. Денгиз жимжит. Ковальчук тошдек қотиб қолди, қўлидаги ёниб турган гугурт ерга тушиб ўчиб қолди. Инспектор бошини кўтариб зиёсиз кўзлари билан юлдузларга қарарди. Анчнинг соати йигирма иккию қирқ беш минутни кўрсатди... Чиқ-чиқ-чиқ-чиқ,— деб секунд стрелкалари тўхтовсиз чиқирларди.



Секундлар ўтиб борар, лекин атроф ҳамон жимжит эди. Ўн, ўн бир... ўн иккинчи секундда денгиз тарафдан портлаш товуши эшитилди.

Ўз соатини кузатиб турган Анч Ковальчукка қарамай туриб деди:

— Портлаш бу ердан тўрт километр жойда юз берди. Сизнинг соатингиз бир минут олдин экан.

## XXII боб

### «БУРЕВЕСТИК»ДА

Семён Иванович Трофимов каютадан чиқиб, вахта бошлиғи бурчакдан-бурчакка юриб турган кўприкчага кўтарилди. Кема командири кўриб, вахтада турган матрос тўхтади ва у навбатчилик қилаётган вақтда ҳеч қандай ҳодиса юз бермаганини билдирмоқчи бўлган эди, лекин капитан-лейтенант унга бош силкиб қўйди-да, ўгирилиб, фальшборт олдига келди. Қўллари билан планширга таяниб, «Колумб» билан «Буревестник»нинг икки қайиғи тунги денгиз сайрига чиқиб кетган тарафга кўз ташлади.

Эсминецда бу вақтда, одатдагидек, жимжит эди. Қизил флотчиларнинг кўпчилиги кунни шод-хуррамлик билан ўтказгандан кейин, ухлашга ётган эдилар. Уларнинг бир қисми денгизда, — қайиқларда ва шхунада эди. Вахтадагилар ўз жойларида туришарди. Семён Иванович тунни завқ билан томоша қилар ва эртага ўз портига қиладиган поход, индинга бўладиган торпеда аппаратларидан отиш машқини ўйлар эди. Ойдин кеча Семён Ивановични кундаги ишларини ўйлашга қўймасди, у битта-яримта билан бирпас гаплашишни истарди. Командир балиқчилар байрами ёқдимидеб сўрамоқчи бўлиб, вахтада турган матрос томонга ўгирилди, лекин унинг кўрфаз соҳилига қараб турганини кўриб ўзи ҳам ўша тарафга қарай бошлади. Кўп ўтмай у учта қора нуқтани кўриб, қолди. Нуқталар эсминецга яқинлашиб келарди. Кема тарафга аллақандай одамлар сузиб келишаётган эди.

— Кечалари бундай узоққа сузиб кетиш нимаси яна? — деб баланд овоз билан сўради командир.

Вахтада турган матрос у тарафга ўгирилиб, қишлоқчилар чўмилаётган бўлса керак деди.

— Менимча, улар ҳеч ҳам қишлоқ томондан сузиб келаётганга ўхшамайди!— деди жаҳл билан командир.

Учта сузувчи кемага тез яқинлашиб келаверди. Вахтада турган матрос билан командир улардан кўзини узмасдилар. Сузувчилар бир-бирларидан ўзиб кетишарди. Мана улардан бири олдинга отилиб янада тезроқ сузди.

— Бу қандай мусобоқа бўлди?— деб сўради командир. Сўнг, бирпас туриб:— Уставга мувофиқ огоҳлантиринг,— деб қўшиб қўйди.

Вахтада турган матрос ўпкасини тўлдириб ҳаво олди-да:

— Ҳей, сувдагилар! Яқин келма! Четлаб ўт!— деб қичқирди.

Сузувчилар унинг қичқиригига эътибор беришмади. Улардан бири алланарсалар деб бақирди, лекин нима деганини англаб бўлмасди. Вахтадаги матрос, қўлини қулогининг орқасига қилиб бирпас қулоқ солиб турди.

— Қани, қайиқ юборинг,— деди Семён Иванович.— Уша азаматларни ушлаб келишсин. Адабини бериб қўйиш керак... Кемага яқин сузиш мумкин эмаслигини билишади-ку!

Олдинда сузиб келаётган одамнинг:

— Тезроқ кемага олинглар! Тезроқ!— деб қичқиргани аниқ эшитилганда, ҳали командирнинг буйруғини амалга ошириб бўлганларича йўқ эди.

Уларнинг шунчаки чўмилаётган кишилар эмаслиги аниқ бўлди. Қандайдир бир ҳодиса юз берган эди. Кема командири қатъий буюрди:

— Яқин келмасликлари учун охириги марта огоҳлантирилсин! Дарҳол сувга қайиқ туширинглар! Тревога сигнали тайёрлансин!

Бирпасда сузиб келаётганлар қаршисига қайиқ сузиб кетди. Бир неча секунддан кейин уларнинг олдингиси қайиқ бортидан ушлаб, лип этиб чиқиб олди. Бу Марко эди. Бу сафар у Людани орқада қолдириб кетганди.

— Ўртоқ командир, дарров кемага олиб боринг! Ҳозир «Колумб»нинг кули кўкка совурилади. Одамларни қутқариш керак!

Қайиқдаги младший командир ҳеч нарса тушунолмади. У сузувчиларни тутиб келиш кераклигини биларди, шунинг учун қайиқдан тахминан юз метр наридаги сузувчиларни ҳам чиқариб олиш учун ўша тарафга сузиб кетаверди. Лекин у тарафдан қиз боланинг:

— Кемага сузинглар! Кемага! Вақтни ўтказманглар! — деб қичқиргани эшитилди.

Марко дарҳол кемага қараб сузишни шундай жон куйдириб талаб қилар, сувдаги қолган икки сузувчи ҳам уни шундай куйиб-пишиб қўллашар эдики, қайиқ командири орқага қайтишни буюрди. Қизил флотчилар, кучларининг борича эшкак торта бошладилар.

Бир минутдан кейин Марко трапдан кема палубасига югуриб чиқди. Уни командир кўприкчасига олиб кетдилар. Лекин у юриб эмас, балки уни кузатиб бораётган матрос олдида шундай чопиб борардики, матрос унга зўрға етиб улгурарди.

— Қимсан? — деб кескин қилиб сўради командир.

— «Колумб» шхунасининг юнгаси, Марко Завирюхаман!

— Нима гап?

Марко гапнинг нимада эканини шошиб-пишиб гапира кетди. Ҳаяжонланганидан ва шошилганидан ҳикояси жуда чалкаш-чулкаш бўлиб кетди, лекин капитан-лейтенант «Колумб»нинг хавф остида қолганини дарҳол тушунди.

— Қисқа қил,— деди командир: — унда нима бор?

— Дўзах машинаси! Ҳозир портлайди.

— Қачон?

— Соат ўндан қирқ беш минут ўтганда!

Командир соатига қаради. Соат йигирма иккидан йигирма етти минут ўтган эди. Ун саккиз минут қолибди.

Йигирма иккидан ўттиз минут ўтганда «Буревестник» лангарини кўтариб олиб, юришини тобора тезлаштириб кўрфаздан чиқа бошлади. Кўрфазда иккита нуқта қорайиб кўринарди. У кема кетидан соҳилга параллель равишда сузиб бораётган икки сузувчи қиз эди. Кўринишдан улар соҳилга истамайгина қайтиб кетишарди.

Кема орқасидан кўпикли из чўзилиб қоларди. Бортлардан тўлқинлар узоқ-узоқларга ёйилиб кетарди. Пўлат корпус ичидаги катта электростанция қувватига барабар келадиган машиналар бутун кучини ишга солган эди. Кема денгизни ёриб борар, ой билан электр ёруғи денгизчиларнинг ташвишли юзларини ёритиб турарди. Эсминецда фақат хронометр билан капитан-лейтенант Трофимовнинг юзигина хотиржам қолгандек туюларди.

Марко командир олдида туриб, унга Находкадан билиб олганларини, ўзи Ковальчукни қандай кузатганларини

ни гапириб бермоқда эди. Юнганинг ҳикояси тез-тез бўлиниб турди: у бир неча оғиз сўз айтарди-ю, қўллари билан планширни маҳкам қисиб, кеманинг тезлигини ўлчаб кўраётгандек диққат билан денгиз тарафга қараб, жим қоларди. Кейин сўзига қулоқ солаётган одам эсига тушиб, яна сўзида давом этарди.

«Буревестник» кўрфазнинг кенг бўйнидан ўтиб, денгизга чиқди. Узоқда шхунанинг чироқлари кўринди. Диққат қилиб қулоқ солганда музыка товушини ҳам эшитиш мумкин эди. Кема соати йигирма иккию ўттиз олти минутни кўрсатиб турарди. Портлаш вақтигача тўққиз минут қолган эди. Командир вахтада турган матросга:

— Энг жанговар тезликда юрилсин!— деб буюрди.

Буйруқ ўша ондаёқ старший механикка етказилди. Қаршидан урилаётган ҳаво оқими икки ҳисса куч билан Марконинг юзига урила бошлади. Кема душман линкори-га торпеда билан ҳужум қилишга келаётгандек ёки сув тагидан мўралаб қолган душман сувости кемасини тараф қилиб чўктириш учун учиб кетаётгандек жуда тез борарди. Шунга ҳам қарамай Марконинг назарида, вақт уларни орқада қолдириб кетаётгандек туюларди.

Саккиз минут қолди. Музыка овозлари аниқроқ эшитила бошлади, лекин музыка бирдан тинди-да, одамлар қулоғи остида фақат шамол ғувиллай бошлади. Афтидан, шхуна ва қайиқлардагилар эсминецни кўриб қайрон қолганидан жим бўлишган. Шундай жимжитликда яна икки минут ўтди. Етти минут қолди. Шхунага бир километр-дан сал ошиқ масофа қолганди.

Оркестр эсминецни табриклар тантанали марш чалиб юборди, Афтидан денгиз сайрига чиққанлар «Буревестник» командири бизга қўшилгани келяпти деб ўйлаган эдилар.

Кўприкчадан машина бўлимига аллақандай команда берилди, шундан кейин Марко палубанинг титраб тургани бирдан босилганини сизди. Машиналар ишлашдан тўхтади, эсминец ўз суръати билан илгарилаб борарди.

Прожектор ёруғи шхуна тарафга йўналди, шунда Марко «Колумб» қўйруғида турган профессор билан Грицкони таниди.

Эсминецда команда янгради:

— Штормтраплар сувга! Сўл бортдан сувга қайиқ туширилсин!

Миноносец тезлигини анча камайтирган ҳолда шхуна билан ёндашди. Шхунада оркестр янграр ва «ура» садолари эшитиларди. Соат йигирма иккию ўттиз тўққиз минутни кўрсатиб турарди. Эсминец командири қичқириб кўрди, лекин шхунадагилар ҳеч нарсани эшитмадилар... Марко шхунага қаради, бир сакраб, қўлларини олдинга чўзди-да, ўзини «Буревестник» билан «Колумб» ўртасига, денгизга ташлади.

— Сувга одам тушиб кетди!— деган қичқириқлар эшитилди иккала кемадан.

Оркестр жим бўлиб қолди.

— Ҳей, «Колумб» дагилар! Ҳаммангиз дарҳол шхунадан кетинглар! Уч минут муҳлат бераман!— деган команда бўлди, «Буревестник» кўприкчасидан.

Марко шхуна олдига сузиб келаверди. У ҳам шхунадан дарҳол кетинглар деб қичқирар эди. Ундагилар олдин ҳанг-манг бўлиб қолишди-да, индамай буйруққа қулоқ солиб туришди.

Лекин қайиқлар эсминецдан шхуна тарафга сузиб кела бошладилар. Кема «Колумб» дан узоқлашиб кета бошлади. Бутун чироқларини ёқиб юборган кема «Колумб» пассажирлари билан командасини ўз палубасига чақирар эди. Стах Очерет нима гап ўзи деб сўрамоқчи бўлди-ю, лекин карнай тутиб қичқираётган Трофимовнинг «Икки минут!» деб қичқирганини эшитиб қолди-да, Андрей билан Левкога одамларни қайиқларга ўтишга тайёрланглар деб буюрди.

— Сузишни биладиганлар — сувга!— деб қичқирди у.

Бир неча киши ўзини денгизга ташлади-да, энг яқиндаги қайиққа қараб сузиб кетди.

Марко бортга тармашди. Кимдир қўлини узатиб, унинг шхунага чиқиб олишига ёрдамлашди.

— Нима гап?— деб сўрашди Маркодан.

— Икки минутдан кейин шхунанинг кули кўкка совурилади!— деб жавоб берди юнга ва кеманинг қўйруқ тарафига отилди.

Биринчи қайиқ «Колумб» билан ёнма-ён келиб тўхтади. Одамлар қайиққа сакрай бошладилар. Энг олдин унга кўрқиб кетган Грицкони ташладилар, кейин профессорнинг қайиққа сакрашига ёрдамлашдилар. Энг кейин асбобларини қўлдан қўймаган музикантлар қайиққа сакрадилар.

Эсминецда соатга қараб турардилар. Соат йигирма иккидан қирқ минут ўтган эди. Қайиқ ҳали «Колумб» дан нари кетгани йўқ. Шхунада уч киши қолди. Қайиқ командирлари тезроқ қайиққа ўтинлар деб буюрди. Бу — Стах Очерет, Левко Ступак ва Андрий Камбала эдилар. Йўловчилар қайиққа ўтиб олганларидан кейин Стах бирдан шалпайиб қолди, энди у мачта остида турар ва дилхасталик билан:

— «Колумб», «Колумб»!.. — деб такрорларди.

Моторист билан матрос ўз шкиперини зўрлаб қайиққа тортиб туширдилар.

Ўндан қирқ уч минут ўтганда қайиқ шхунадан нари кетди. Эшкакчилар кучининг борича эшкак тортидилар. Олти эшкак ҳар бир сувга силтаб босилганда қайиқ тобора тез сузарди. Энди ҳамманинг диққати бўшаб қолган «Колумб» да эди. Ой ёруғи ёритиб турган шхуна қимир этмасди. Мачтадаги чироқ сезилар-сезилмас милтиллаб турарди. Эсминец командасидагиларнинг кўнгли жойига тушди. «Колумб»даги одамлар ўз вақтида қутқариб олинди.

Шхунага Стах Очерет, Левко ва Андрий даҳшат билан индамай қараб турардилар. Уларнинг учаласи ўзларининг энг яқин дўстидан жудо бўлмоқда эди. Улар «Колумб»нинг нима учун ҳалок бўлишини билмасдилар.

Қайиқ командирлари қаттиқ қилиб:

— Эллик беш секунд қолди. Ғайрат қилинлар, йигитлар! — деди.

Қайиқ шхунадан тобора узоқлашиб борди. Қайиқ командирлари портлаш вақтида қайиққа ҳам зиён тегмаса деб қўрқарди. Соати бор одамларнинг ҳаммаси «Колумб»нинг охириги онларини таъкидлаш учун секунд стрелкаларига қараб туришарди.

Соат қирқ тўрт минут, эллик секундни кўрсатди. Қайиқ хавфли жойдан анча узоққа кетиб қолганди; эшкакчилар эшкакларини юқори кўтарган ҳолда қимир этмай ўтиришарди. Оғир жимлик чўкди. Гулдастадек енгил булут орқасидан ой чиқди. Эллик бир секунд ўтганда одамлар шхунада бир одамни кўриб қолдилар. У қуйруқ тарафдаги рубкадан югуриб чиқди. Унинг кимлигини ҳеч ким билмасди. Ҳамма қотиб қолганди. Шхунадаги одам жуда секин қимирларди. Даҳшатли воқиа юз беришига бир неча секунд қолганди.

— Сувга ташла! Сувга! — деган бир неча кишининг овози эшитилди.

Шхунадаги одам нариги тарафдаги борт олдига келди-да, денгизга алланарса ташлаб юбораётгандек бир ҳаракат қилди. Худди шу вақт шхуна гумбурлаб портлади. «Колумб» бир тарафга учиб кетди, унинг ёнида унча баланд бўлмаган сув устунни кўтарилди-да, шхунани сув бостирди. Денгизда портлаш натижасида юз берган тўлқинлар ҳалқа-ҳалқа бўлиб тарқала бошлади.

### XXIII боб

#### НАҚД ТУЛАНГАН ХИЗМАТ ҲАҚИ

«Балиқчиларнинг эски тоғарасига «дўзах» машинасини қўйиш улар учун нимага зарур бўлиб қолди экан?— деб сўради ўзидан-ўзи капитан-лейтенант, ўз каютасига кирав экан.— Ақлим етмай қолди!»

Трофимов бармоқларини қирсиллатарди, фуражкасини ечди, эшикнинг тиқиллашини кутиб, креслосига ўтирди; у ҳозиргина ўз олдига профессор Ананьевни, шкипер Очеретни ва юнга Завирюхани таклиф қилганди. Ҳозир улар каютага кириш учун трапдан чиқиб келаётган эдилар. Иллюминатордан у «Колумб»ни кўриб турарди. Қизил флотчилар шхунани шатакка олиш учун уни миноносец олдига тортиб келишга ҳозирлик кўрмоқда эдилар.

«Колумб»га деярли ҳеч қандай зарар етказмаган портлашдан кейин шхуна олдига қайиқ борди. Кеманинг ўнг борти тагида, палубада портлашдан қолган қолган Марко ётарди. У тез ўзига келди-да, шхунага чиқиб, дўзах машинасини қидира бошлаганини айтди. Ковальчукнинг кемадан ўтиб кета туриб, унинг қўйруқ тарафида бирпас ушланиб қолганини эслаб, юнга машинани худди ўша ердан топишига ишонарди. У дўзах машинасини каютадан ва ўз камбузидан ахтарди. Ҳамма шхунани ташлаб кетди. Ҳеч нарса тополмаслигини ўйлаб, умидсизликка тушди. У шхунани ўз ҳолига ташлаб, ўз жонини қутқариши лозим эди. Энг охири у одатда ҳар хил озиқ-овқатлар сақланадиган рубка орқасидаги кичкинагина люкка қарамоқчи бўлди. Уша ерда у қулфлаб қўйилган нотаниш бир саватни кўриб қолди. Уни

очиб кўришга вақт қолмаган; бунинг худди ўша дўзах машинаси эканига ҳам ишонмасди. Шундай бўлса ҳам у саватни денгизга ташлаб юборишга, кейин эса шхуна портлаган вақтда жонини сақлаб қолиш учун ўзини ҳам денгизга ташлашга қарор қилди. Лекин сават сувга чўкиши биланоқ портлаш юз берди-ю, юнга ўзидан кетиб қолди.

Командир каютасига меҳмонлар кириб келишди. Трофимов меҳмонларга жой кўрсатди-да, ҳаммага бир стакандан вино ичишни таклиф қилди. Шкипер дарҳол ичиб олди ва бардамлик билан томоқ қириб қўйди.

Командир юнгадан ҳаммасини бошдан-оёқ яна бир марта гапириб беришни илтимос қилди. Шкипер билан профессор бу ҳикояни биринчи марта эшитишлари эди.

Юнга ҳикоя қилар экан, бу орада «Буревестник» палубага барча қайиқларни чиқариб олди ва «Колумб»ни шатакка олиб, орқага, кўрфазга қайтди. Музыка чалиб қилинган денгиз сайри тамом бўлди. Қизил флотчилар палубада туришиб балиқчилар билан бирга юз берган воқияни муҳокама қилишарди.

Марко ҳикоясини тугатганда, эсминец кўрфазга келиб лангар ташламоқда эди.

— Оролда дарҳол қидириш ишларини уюштириш керак,— деди Трофимов.— Мен сизларга бир гуруҳ йиғитларни ёрдамга юбораман, сиз эса барча балиқчиларни ишга солинглар. Аблаҳларни ушлаш ёки изини топиш, жосусларнинг қаёққа йўқолганини аниқлаш керак. Мен юз берган ҳодисадан тегишли одамларни хабардор қилиб қўяман.

Командир ўрнидан турди-да, меҳмонлари билан бирга каютадан чиқди.

— Бу кемачани портлатиб юбориш уларга нима учун керак бўлди экан? Демак уларга мен керак эканман-да?— деб ўзича тўнғиллаб қўйди Ананьев.

Ярим соатдан кейин у бошқа барча қутқариб қолинган одамлар билан бирга Лебединий ороли бўйида, қишлоқ олдида, Людани маҳкам қучоқлаган ҳолда турар эди. Находка уялганидан нима қилишни билмай индамай бир четда турарди.

— Зоренька!— деб чақирди Левко ва унинг ёнига келди.

Балиқчилар қизчани ўраб олдилар. Дўзах машинаси тўғрисида Находка хабар берганини аллақачон ҳамма



биларди. Унга ташаккур билдиришар, мақташарди. Лекин кимдир жосусларни қидириш керак деб қолди.

Находка Левкога қараб деди:

— Разбойни қўйиб юборамиз. Агар у инспекторнинг изига тушса, албатта унинг орқасидағ боради-да, топади.

— Лекин Ковальчукни қаердан қидириш керак? Соколийликлардан бири инспекторнинг қайиқда ўз уйига томон сузиб кетганини эслади. Демак, диверсантларни оролнинг шарқий тарафидан қидириш керак. Тимофий инспектор фақат кўрфаздан ўтиб олган ва чакалаклар орасига яшириниб ётган бўлиши керак деб одамларни ишонтирар эди.

Соколийликлар бир неча гуруҳга бўлиниб, диверсантларни қидиришга жўнадилар. Шошилиш лозим эди. Ой кўп ўтмай ботиб кетарди, тонг отишига эса фақат икки соат қолганди. Людани отаси ўзи билан бирга уйда қолишга кўндирди. Левко, Марко, Находка, Тимофий ва учта қизил флотчи Разбойни ечиб юбориш учун Кавольчукнинг уйига қараб кетдилар.

Улар инспектор ҳовлисидан чиққанларида, ой аллақачон бота бошлаганди. Олдинда Находка борарди. У белига арқон боғлаб олган, арқоннинг бир учига эса Разбой боғланган эди. Ит дастлаб ҳуриб ўзини тўрт тарафга урди, лекин қиз хўжайинни қидир деб буюргандан кейин дарров жим бўлиб қолди. Разбой ерни ҳидлади-да, олға интилди.

Қизил флотчилар, балиқчилар ва Находка Ковальчукнинг изига тезроқ тушармиз деган умидда бутун кўрфаз бўйини айланиб чиқдилар.

Умидлари пучга чиқмади. Оролнинг узоқ шарқ тарафда қайиқни топдилар. Беш минутдан кейин ой ботиб кетди-да, атрофни тезда қоронғилик босди. Тўғри, осмонда юлдузлар чарақлаб турарди, лекин уларнинг ёруғида бир-бирларига жуда яқин юриб бораётган одамларнинг қорасинигина кўриш мумкин эди, холос.

Қайиқни кўздан кечириш ҳеч қандай натижа бермади. Бунинг ўрнига Разбой дарров хўжайинининг изига тушиб қолди-да, вовиллаганча олға чопди.

— Бутун оролни бошига кўтаради-я!— дерди итнинг қаттиқ-қаттиқ ҳурганидан жаҳли чиқиб Левко.

Баъзи жойларда Разбой шундай куч билан олға интилар эдики, Находка йиқилиб кетай, йиқилиб кетай дерди.

Баъзан эса ит тўхтар, бир жойда гир-гир айланар, лекин бир минут ҳам ўтмай яна олға интиларди.

Одамлар ит кетидан денгиз бўйига чиқдилар. Қоронгиликда соҳилга келиб урилаётган тўлқиннинг товуши зўрға-зўрға эшитиларди, узоқда денгизнинг аллақайси бир жойида қандайдир бир пароходнинг чироқлари мил-тиллаб кўринарди. Бу, афтидан, мачтанинг энг учидаги чироқ бўлса керак, чунки бортдаги чироқлар кўринмасди.

Эҳтиёткорлик билан иш кўришга мажбур бўлдилар: диверсантлар ўзларини ҳимоя қилишлари мумкин эди, уларнинг қандай қуроллари борлигини эса ҳеч ким билмасди. Денгиз билан ўсимликлар орасидаги қумтепалик устига чиққанда Разбой яна ҳам шахд билан илгари интиди. У денгизда портлаш юз берган вақтда диверсантлар ётган жойда тўхтади, ўша ерда бирпас турди-да, пастга, буталар орасига бурилди. Қизил флотчилар олға ўтишиб, қўлларидаги қуроолларини маҳкам ушлаганича Находка билан ёнма-ён боришди. Разбой чангаллар орасига кирганда бирин-кетин тизилиб боришга тўғри келди. Баланд ўсган, шудрингдан ҳўл ўтлар одамлар оёғига муздек тегарди. Буталарнинг тиканаклари одамларнинг қўлини тирнар, баъзан эса бетига ҳам тегиб кетарди. Душманлар қаердадир шу орада, чангаллар орасида яшири-ниб ётган бўлиши керак.

Бирдан Разбой тўхтади, ўтириб олди-да, тумшугини осмонга кўтариб, увлаб юборди. Одамлар жим туриб итнинг улишига қулоқ солишарди. Ит гўё аллақандай каттакон, қайтариб бўлмас бир нарсадан ажрагандек узоқ, чўзиб-чўзиб увилларди.

— Хоҳ, овозинг ўчсин! — деб сўкиниб қўйди Левко.

Находка итни олға судради, лекин ит юришдан бош тортди. Қиз ўзининг ёнида Марконинг овозини эшитиб қолди. У қизнинг олдига секингина келиб, нима гап деб сўраётган эди.

— Ким бор? — деб сўради қизил флотчилардан бири. — Чиқ бу ёққа, бўлмаса ўт очамиз!

Ҳеч ким жавоб бермади. Ит ҳамон улирди.

— У аллакимга тўқнаш келди, — деди Находка. — Еритиб кўриш керак.

Марко Разбой олдидан ўтди-да, гугурт ёқди. Итдан икки қадам олдинда, бута тагида аллакимнинг оёқлари кўриниб турарди.

— Бу ерда биров бор экан! — деб қичқирди йигитча, қўлидаги гугуртни тушуриб юбориб.

Икки қизил флотчи револьверларини ўқталганча Марко энгашиб турган жойга чопдилар ва қулоқларини динг қилиб тўхтадилар.

— Чиқ бу ёққа! — деди улардан бири.

Унга ҳеч ким жавоб бермади.

Шундан кейин Марко яна гугурт ёқди, энгашиб бута тагига кириб кетди. Кетма-кет қизил флотчи ҳам кирди. Бута тагига юзини ерга қилиб бир ўлик ётарди. Уни тортиб чиқаришди-да, чалқанча қилиб ётқизишди. Паходка ўз хўжайинини таниди.

— Нима билан ўлдирибди? — деб сўради аллаким.

Тимофий диққат билан мурданинг боши билан бўйнини кўздан кечирди. Инспекторнинг бўйнида у аллакимнинг бармоқ излари кўм-кўк бўлиб қолганини кўрди. Тимофий ўрнидан турди-да:

— Хўжайинлари унга иш ҳақини нақд тўлашибди, — деди.

#### XXIV боб

### ДОКЛАД

Кечқурун, беш юз ваттли лампалар шаҳар кўчаларини электр нури билан ёритганда, заргарларнинг минг хил тусда товланган витриналари олдида қадди-қомати келишган. Ёзлик оч сариқ костюм кийган олифта бир йигит кўчада кезиб юрарди. Унинг бошида енгил панама, оёғида лакланган оқ туфли. Баъзан у бирор витрина олдида тўхтарди-да, диққат билан чинни вазаларни, диademаларни, олтин ва кумуш безакларни кўздан кечирар, машҳур бриллиантларнинг жуда усталик билан ясалган сохта нусхаларини томоша қиларди. Нусхаси олинган бу қимматбаҳо тошларнинг асл нусхалари жуда кўп жиноятлар, одам ўлдиришлар, алдовлар, қаллобликлар тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари мумкин. Йигит витриналарга қўйилган сапфирлар, зумрадлар, александритлар, евклазларни ҳавас билан томоша қиларди. Уларнинг ҳаммаси нур сочар, ярқилларди.

Соат ўнга яқин оч сариқ ранг костюм кийган йигит бир торгина ён кўчага бурилди-да, қадамини тезлатиб,

биронта ҳам магазини бўлмаган бошқа кўчага чиқди. Бурчакда индамай турган иккита полициячи олдидан ўтиб, ҳашаматли иккита подъезди бўлган катта уй олди-га келди. Уйни айланиб ўтиб, зинадан юқори кўтарилди, кейин кичкинагина эшик олдига келди-да, званок кноп-касини босди. Унга соқчи эшик очди, пропусказини тек-шириб, ичкарига киришга рухсат этди. Навбатчиларга эътибор бермай, йигит учинчи этажга кўтарилди ва бюро орқасида, қаршидаги эшик олдида секретарь ўтирган хонага кирди.

— Салом, номер йигирма икки! — деди секретарь.— Ҳозир бошлиққа хабар қиламан.— Шундай деди-ю, у ичкари кириб кетди.

Ундан уч минут ўтганда секретарь хонага қайтиб чиқ-ди, кабинет эшигини қўли билан имлаб кўрсатиб:

— Бошлиқ олдига кириңг! — деди.

Бир минутдан кейин агент № 22 бизга таниш каби-нетда эди. Бошлиқ юзини абажур соясига олиб ўтирарди. Стол устида алланарсалар ёзилган бир қоғоз ётарди. Агент ўзининг ёзган қоғозини таниди.

— Ёзганларингиз билан муфассал танишиб чиқдим,— деди қуруққина қилиб бошлиқ.— Сиз уни мана бундай деб тамомлабсиз...— Бошлиқ олдида ётган қоғозга қара-ди-да, ўқий бошлади: — «Денгиздан эшитилган портлаш овози «Қолумб» шхунасининг, у билан эса профессор Ананьевнинг ҳам ҳалок бўлганидан далолат беради. Унинг портфели билан қоғозлари менинг қўлимда эди. Асосий вазифа бажарилганди. Фақат «Кайман»га етиб олиш қолганди. Кўп ўтмай кўрфаз тарафдан итнинг қат-тиқ-қаттиқ ҳуригани эшитилди. Мен ёллаб олган агент ўз итнинг овозини таниди. Ит орқасидан аллақимни бизнинг изимиздан эргаштириб келаётган бўлиши эҳтимол эди. Дарҳол денгизга чиқиб олишим лозимлигини тушундим. Бизнинг кичкинагина байдаркамиз фақат бир киши учун қулай эди. Икки киши тушганда, у тезлигини анча ка-майтириб қўйган бўларди. Шошилишим керак эди. Ер-дамчим қоқилиб кетди-да, йиқилди. Унинг устига энгаш-ганимда, у қимир этмай ётарди. Унинг пульси ва юраги қандай ураётганини тез текшириб кўрдим. У ўлиб қол-ган эди. Мен дарҳол байдаркани сувга туширдиму, тез жўнаб кетдим. Икки юз-уч юз метр нари кетганимдан кейин чамаси бизни ахтариб юрган итнинг ҳуриши билан одамларнинг овозини эшитдим. Уч соатдан кейин мени

палубага чиқариб олдилар. Менинг бирдан-бир йўл қўйган хатойим — трифенилометринли папирос бўлди. Унинг қаёққа йўқолганини ҳали ҳам тушунолмайман. Ҳамма ишнинг худди шундай бўлганига ишонаман.

Бошлиқ жим бўлди, кейин тортмани очди-да, ундан портфелни чиқарди.

— Мана бу портфелнинг эгаси, — деб давом этди у, — тирик қолибди. Совет матбуотида унинг фамилияси яна тилга олинапти.

«Номер 22»нинг сал рангги ўчди.

— Бу портфелдаги қоғозларни, — деб давом этди бошлиқ, — мутахассисларга бериб юбордим. Мана уларнинг хулосалари. Ҳужжатлар жуда қизиқ, уларда бизни қизиқтираётган жуда муҳим ихтиро тўғрисида баъзи мулоҳазалар бор. Лекин ихтиронинг ўзи булар ичида йўқ экан. Афтидан, профессор уни бошқа бир жойда сақлаган.





## ИККИНЧИ ҚИСМ

*1 боб*

### КУРФАЗДАГИ МУРДА

Тонг ёруғида охирги юлдузлар сўнди. Денгиз уфқи орқасидан қуёшнинг қип-қизил гардиши кўринди, шунда, гўё кучли прожекторнинг шуъласи сув юзига тушгандек бўлди, шабнам босган ўтларда ҳар хил тусда жилоланиб ўйнай бошлади. Иссиқ август кунининг тонги отди. Орол уйғона бошлади. Қушлар ўлжа ахтариб учиб кетдилар; энг четдаги балиқчи уйининг мўрисида тугун чиқа бошлади, қудуқ олдида пақирлар тарақлади.

Соҳилга тўлқин келиб урилар, ўзининг кўпикли тилни ўзоқ-узоқларга чўзар, йўлида учраган ҳамма нарса-ни ювиб кетарди. Тўлқин оролдан қайтар, янги тўлқин билан қўшилар, юқори кўтариларди-да, бир ондан кейин пишқириб, янги ҳужумга отилиш учун яна шовқин солиб соҳилга ўзини урарди. Пишқириб ётган мана шу сувда, шундай соҳил бўйида аллақандай бир қора нарса кўзга ташланарди. Тўлқинлар уни гоҳ юқори кўтарар, сувга кўмиб юборар, гоҳ яна орқага суриб юбориш учун со-

ҳилга итарарди. Шундай бўлса ҳам тўлқиннинг олдинга интилиши шиддатли эди, шу сабабдан қора нарса тобора қирғоққа яқин сурилиб келаверди, баъзан соҳилнинг тошларига тегиб-тегиб кетарди. Тўлқинлар бир текисда, бирин-кетин соҳилга келиб уриларди ва йўлида учраган майда тошларни тўзитиб юборарди.

Денгиз бўйига бир бола чиқди. У учига қармоқ уланган ипини қўлига ўраб олган эди. Бола қорачадан келган, оёқяланг, узун қара трусик ва кўк майка кийган эди. Похўл шляпаси тагидан оқиш жингалак сочлари чиқиб турарди. Сув ёқалаб бораркан, бола шарқ тарафга қараб қўшиқ айтарди:

Денгизда сузиб юрар кичик бир матрос,  
Елканли кемада.

Альбатрос, альбатрос, альбатрос.  
Қаршисидан чиқиб қолди аюла —  
Тишлари ўткир, кўзлари ола!

Альбатрос, альбатрос, альбатрос.  
Қаршисидан чиқиб қолди камбала —  
Тикан дум-у, якка кўз.

Альбатрос, альбатрос, альбатрос.

Бу — маяк назоратчисининг ўғли, саккиз яшар Грицко Завирюха эди. Ёзда Грицко уйда эмас, балки Соколинский қишлоғида, Мария опасиникида турарди. Бугун у денгиз бўйига бориб балиқ овлаш учун жуда вақтли турди. У эрталаблари бички балиқлари қармоққа яхши илиннадиган бир жойни биларди, Грицко ўзини ростакан балиқчи деб ҳисоблар, денгизга олиб кетмаганлари учун катталардан жуда аччиғланарди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ у Маркодан қаттиқ хафа эди. «Колумб» шхунаси Лебединий ороли кўрфазига тез-тез келиб турарди, шунда Грицко акаси билан скипер билан гаплашиб, мени ҳам денгизга олиб кетгин деб жуда кўп илтимос қиларди. Марко доим: «Шошма» деб жавоб берарди. Грицконинг жаҳли чиқар, лекин акаси ҳар сафар бирор совға олиб келарди: денгиздан сира учрамаган бирор балиқ, портдан эса, — ўзи юрар автомобиль, пистолет, қайиқча келтирарди, бола совғаларни оларди-ю, яна индолмай қоларди. Маня, ҳозир ҳам у балиқ овига борар экан, акасининг бу сафар нима олиб келиши тўғрисида ўйларди. «Колумб»ни кўрфазда икки кундан кейин келишини кўтардилар.

Грицко бир тош олдига етиб келди-да, канопини чўвата бошлади. Лекин қармоқларини сувга ташламасдан

Ўзидан юз қадамча нарида ётган, тўлқинлар соҳилга чиқариб ташлаган ажойиб бир нарсани кўриб қолди. Бола унинг нималигини англамади-ю, лекин тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаган бир ўлик дельфин ўз тенгдошлари орасида қандай шов-шувга сабаб бўлганини эслади. «Эҳтимол, бу ҳам дельфиндир», деб ўйлади Грицко. Лекин бу дельфин эмас эди. Грицко яқин бориб, олдида ётган нарса одам эканига ишонди: денгиз соҳилга бир мурдани чиқариб ташлаган эди. Чўкиб ўлган одам орқасидан болага танишдек туюлди. Унинг миясидан: эҳтимол, шхуна ҳалок бўлгандир, мана бу ётган одам эса унинг команда аъзоларидан битта-яримтасидир деган фикр ўтди. Грицко икки минутча мурда тепасида турдида, унинг кимлигини билишга тиришиб, тикилиб қаради. Лекин унинг кимлигини билолмади, орқасига ўгирилиб, кучининг борича қишлоққа қараб чопди. У балиқчиларга бу даҳшатли янгиликни хабар қилишга ошиқарди.

Ярим соатдан кейин Соколиний қишлоғининг деярли бутун аҳолиси соҳилга йиғилди. Балиқчилар, уларнинг хотин ва бола-чақалари мурдани ўраб олишди. Тимофий Бойчук уни ағдарди, шунда ҳамма унинг башараси дабдала бўлиб кетганини кўрди. Қийим-бошлари тилка-пора бўлиб кетганди. Мурдага тикилиб туриб Тимофий уни таниб қолди.

— Бу бизнинг янги балиқчилик инспекторимиз,— деди у.

Энди чўкиб ўлган одамни деярли ҳамма таниди. Ҳақиқатан ҳам, бу ўлдирилган Ковальчук ўрнига тайинланган ва бундан ўн кунча бурун Соколиний қишлоғига кўчиб келган янги балиқчилик инспектори эди. Кеча кечқурун у кўрфазга кираверишдаги сузиб юрадиган бакенга чироқ ёқиб келиш учун қайиққа тушиб кетганди. Бакенгача, у, афтидан, етиб борган, чунки унда кечаси билан чироқ милтиллаб турди. Ҳозир ҳам ёниб турибди. Инспекторнинг қайтиб келган-келмаганлиги ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаганди, лекин ҳозир қайиқнинг тўнтарылиб кетгани, у эса, эҳтимол, сузишни билмаганидан чўкиб кетгани ҳаммага равшан бўлиб қолганди. Қишлоқдан сурп олиб келдилар, мурдани унга ётқизиб, устига елканнинг бир парчасини ёпдилар-да, қизил бурчакка олиб кетдилар, кўмишни эртасига эрталабга белгиладилар.



Кун ҳар хил тайёргарлик ишлари билан ўтди. Кўпгина балиқчилар шаландаларда денгизга чиқиб кетдилар, улар шу бугун кечаси қайтиб келишлари лозим эди. Қишлоқда фақат Тимофий Бойчук бригадаси қолди. Балиқчилар тахталардан инспекторга тобут ясадилар, бир неча қиз эса ҳозир Тимофийникида яшаб турган Зоря Находка билан бирга оролдан гулчамбар учун гул йиғиб келишга кетди.

Қош қорая бошлаганда ғарб тарафдан булутлар бостириб кела бошлади, юлдузлар чарақлаб ётган осмонни қоплаб олди. Кечаси денгиздан қайтиши керак бўлган шаландаларга йўл кўрсатиш учун кўрфазга кираверишдаги бакенда яна чироқ ёқиш керак эди. Тимофий Бойчук қайиққа ўтирди, соҳилда турган Зоряга меҳрибонлик билан қўл силтаб қўйди-да, ишонч билан эшкак тортиб, кўрфазнинг денгизга чиқадиган жойига жўнаб кетди. Кўп ўтмай у қоронғилик, ичига кириб кўздан ғойиб бўлди. Қизча бирпас қараб турди-да, уйга қайтди.

## II боб

### ТАШВИШ БИЛАН УТГАН КЕЧА

Худди ўша куни Соколиний қишлоғидан бир неча километр нарида профессор Ананьевнинг геологоразведка группаси қумтепада биринчи марта қудуқ қазиди. Тепа атрофида торианитли қум қатламининг чуқурлигини текширишга келган разведкачилар оқ палаткаларини тикдилар. Уларни бу ерга Ананьев билан Китаевнинг текширишларига ва проектига жуда катта эътибор қилган Бош геологик бошқарма юборган эди.

Профессор Ананьев бу ерга Соколинийдан кўчиб келиб, тепа ёнбағридаги кичкинагина палаткада турарди. Люда отасига жойлашиб олишга ёрдам қилди, унинг палаткасини ишлаши ва дам олишига қулайлаштириб берди, кейин ўзи «Колумб»да балиқ овлаш учун бир неча кунга оролдан денгизга жўнаб кетди. Рибтрестнинг руҳсати билан «Колумб» шкипери Стах Очерет геологларга балиқ етказиб бериб туришни бўйнига олди. Шхуна шаландалардан овланган балиқларни олиб портга жўнашдан олдин, Лебединий ороли кўрфазига кирар ва геологлар группасига бир неча пақир сараланган балиқ топ-

ширарди. Бу сафар «Колумб» ўзи мустақил балиқ овлаш учун очиқ денгизга чиқиб кетган эди. Балиқчилар бу атрофда анчадан бери кўринмай қолган скумбрия балиғи тўдасига дуч келиш умидида эдилар. «Колумб» Соколинийдан балиқчилар бригадасини олиб кетди: бир печа кишилик команданинг ўзи бу ов учун Рибтрестдан берилган тўрни эплай олмасди. Отаси Людани балиқ овига жуда хотиржамлик билан жўнатди: у «Колумб» командасини жуда яхши биларди, команда тўғрисида жуда яхши фикрда эди, шкипернинг тажрибасига эса юксак баҳо берарди.

Кейинги кунларда профессор геологик ишларга бутунлай шўнғиб кетди-ю, қишлоқда кўринмай қолди. У ҳозир Торианитли деб аталган қумлоқ тепани бир минут ҳам назоратсиз қолдириб кетишни хоҳламасди. Дастлабки текширишлар шундай яхши натижалар бердики, Андрей Гордеевич оролда яна бир қанча вақт қолишга қарор қилди, университетга отпускасини яна бир печа ойга чўзиб бериш тўғрисида ариза юборди. Бош геологик комитет унинг илтимосини қўллаб-қувватлади, шунинг учун бу йил қишда студентлар профессор Ананьевнинг лекцияларини эшитолмасалар керак деб тахмин қилса бўларди. Бунинг ҳисобига оролга келган ёш геологлар профессордан жуда кўп ибратли нарсаларни эшитдилар ва унинг группасига тушганларидан хурсанд бўлдилар. Андрей Гордеевич шунингдек разведка группасидаги ишчиларга ҳам кўп эътибор берарди, уларни геология билан, аynиқса гелий олинадиган минераллар билан таништарарди.

Бу сафар профессор тушки овқат вақтида монацит тўғрисида сўзлаб берди, чунки бурғулашнинг дастлабки натижалариёқ торинитли қум қатламлари тагида монацит борлигини кўрсатди.

Бу минерал асосан Ҳиндистонда, Цейлонда, Бразилияда олинади, шунингдек Байкал орқасида ва Уралда ҳам бор, лекин жуда кам, шунинг учун унда саноатда фойдаланиб бўлмайди. Одатда монацит нишаб қумлоқ соҳилларда ва дарёлар тагида бўлади. У майда-майда, лекин оғир тилласимон сарик тош шаклида бўлади. Аynиқса денгиз бўйларидаги монацитли қумларда кўп бўлади. Монацитдан торий, цериум сингари нодир металлар ва гелий газини олинади. Агар қумда бир-икки процент монацит бўлса, уни сансатда ишлатиш фойдали деб ҳисобланади.

Олтин қандай олинса, монацитни ҳам тахминан шу усулда ажратиб олинади. Монацитли қумни вашгердларда<sup>1</sup> ювилади. Сув энгил қумни ювиб кетади-ю, оғирроқ бўлган монацит тагида қолади. Руда сифати яхшилангандан кейин кислотата ишланади. Бунда монацит эрийди. Монацитда шунингдек гелий ҳам бўлади. Маълумки, одатда гелий торийдан ажраб чиқади, ваҳоланки торий, уран сингари, қўрғошинга айланади. Гелий билан металллардан ташқари монацитда радиоактив мезаторий деб аталган нарса ҳам бўлади. Радий — уран билан қўрғошин ўртасидаги элемент. Радийнинг ер юзидан ажратиб олинadиган миқдори жуда кам. Ана шунинг учун мезаторий худди радийдек аҳамиятга эга. Тўғри бутун ер шарида икки килограмм ҳам мезаторий топилмаса керак, чунки уни ажратиб олиш жуда мураккаб иш, монацитдаги миқдори эса зиғирча. Монацитнинг торанит билан ёнма-ён топилишида ҳеч бир ажабландиган ери йўқ: иккала минерал ҳам бир-бирига жуда яқин, фақат торанит мураккаброқ, унда торийдан ташқари уран ҳам бўлади.

Улар олдига елкасига чарм сумка осиб олган бир киши келганда, Андрей Гордеевич экспедиция ходимлари билан суҳбатини тугатганди. Келган киши Зелений Камень хат ташувчиси эди. У бўғоздан қайиқда сузиб ўтиб, профессорга телеграмма олиб келганди. Телеграммада икки кундан кейин Лузанига «Антопулос» деган грек пароходи келади деб хабар бериларди. Телеграммада яна профессор Ананьевдан «Антопулос» Лузани ўрнига Лебединий оролидаги кўрфазга кира оладими деб сўралар эди.

Профессор ўша пароходда Соколинийдаги торанитли қумни ишлаш учун чет эллардан сотиб олинган асбоб-ускуналар келишини биларди. Пароход Лузанига келади, ўша ерда юкларини тушуради; оролга эса юкларни балиқчи шхуналарида олиб келиш мўлжалланган эди. Лекин энди марказда, афтидан, агар пароход тўппа-тўғри Лебединий оролидаги кўрфазга кирса, иш тезроқ битади ва арзонга тушади деб қарор қилган бўлсалар керак. Фақат бу ерда юкларни тез тушириб олиш мумкинми-йўқми эканини аниқлаш керак эди, холос. Пристанда на кўтариш кранлари, на портларда бўладиган бошқа

<sup>1</sup> Вашгерд — руда ювиладиган аппарат.

асбоблар йўқ эди. Бу ерда юкчилар ҳам йўқ. Телеграм-мада ускуналар ичида энг катта қисмларининг оғирлиги бир ярим тонна келади деб хабар бериларди; агар зарур ишчи кучи топилса ва юкни тушириб олиш учун керакли асбоблар бўлса, пароходни тез бўшатиб олиш мумкин эди.

Андрей Гордеевич вазиятни ҳар томонлама ўйлаб кўриб, агар балиқчилар ёрдам беришса, ҳамма ускуналарни икки кун ичида пароходдан тушириб олиш мумкин деган хулосага келди. Шундай қилинса, улар шубҳасиз арзонга тушади ва конни тезроқ ишга тушириш мумкин бўлади.

Уртоқлари билан маслаҳатлашиб, профессор кечқурун қишлоққа бориб балиқчилар билан шу тўғрида гаплашиб кўрмоқчи бўлди. Соколинийда балиқчилар унга ёрдам беришларига ишонарди: оролда торанит ишлаб чиқаришдан бутун маҳаллий аҳоли мағрур эди.

Кечга яқин иш жуда қизиқ кетди. Қишлоқдан торанитли тепага ҳеч ким келмади, геологлардан ҳам ҳеч ким қишлоққа бормади. Фақат қош қорайгандан кейингина Андрей Гордеевич учта ходимнинг кузатувида Соколинийга жўнади. Улар бир-бир қадам ташлаб боришди. Тун қоронғи, бунинг устига кундузи чарчаган эдилар. Соколинийга жуда кеч боришди. Кўп уйларда чироқлар аллақачон ўчган, кўринишдан, одамлар ухлаб қолган эди.

Профессор Ананьев ўз уйига кирмасдан тўппа-тўғри Тимофий Бойчукниқига қараб юрди, Бойчук Зелёний Камень сельсоветининг қишлоқдаги вакили бўлиб, ҳам қишлоқлари уни жуда ҳурмат қиларди. Бойчуқлар калиткаси олдида ўрта бўйли бир одамнинг қораси кўриниб турарди. Тикилиб қараб профессор Находкани таниди. Профессорни ўтказиб юбориш учун у ўзини бир четга олди. Ҳовлида, уй олдида бир хотин қимирламай турарди. Андрей Гордеевич яқинлашганда хотин уни қаршисига югурмоқчи бўлди-ю, лекин келган одам ўзининг кутаётган кишиси эмаслигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлганча тўхтаб қолди.

— Салом! — деб кўришди профессор.

— Саломат бўлинг! — деган жавоб бўлди, шунда Ананьев унинг овозидан Тимофийнинг хотинини таниди.

— Тимофий Петрович уйдами?

— Йўқ! Кутиб турибмиз, ҳалиям дараги йўқ.

— Қаерда ўзи?

— Кўрфазнинг нариги тарафидаги бакенга чироқ ёқани кетганди.

Профессор кўрфаз тарафга қараганди, кўзи узоқда милтиллаб ёниб турган қизил ўтга тушди.

— Бакенда чироқ ёниб турипти. Демак, ҳадемай келиб қолади!

— Чироқ анчадан бери ёняпти, ундан эса дарак йўқ... Бир фалокат бўлмаган бўлса гўрга эди-я...

— Ийе, сизга нима бўлди! Ҳаво тинч, Тимофий Петрович тажрибали балиқчи.

— Кечаги бахтсизликдан кейин...

— Қандай бахтсизлик?

Хотин янги инспекторнинг ҳалокати тўғрисида сўзлаб берди. Бунинг гапини эшитар экан, Андрей Гордеевичнинг қош-қовоғи солиниб борарди. Лекин профессордаги бу ўзгариш қоронғида кўринмасди, унинг савол бериш оҳангги, қисқа-қисқа гап қистиришларидан ҳаяжонда экани сезилиб қолди.

Калитка олдидан улар олдига Находка келди.

— Хола,— деди қиз,— сув бўйига бориб, чақириб кўрсак нима дейсиз?

Хотин хўрсинди-да, розилик билдириб, қизнинг кетидан юрди. Уларга профессор ҳам эргашди. У Тимофийга бирор нарса бўлганига ишонмасди, лекин ҳамроҳларига далда беришга сўз тополмади. Балиқчи бакен олдида нега шунча вақт ушланиб қолди экан?

Улар сув бўйига тушдилар. Сув бўйига ўрнатилган столбадаги кичкинагина фонарча фақат шу атрофнигина сал ёритиб турарди, бундан эса ўзоқлардаги қоронғилик яна ҳам қуюқлашиб кетганди. Фонарча тагида қоп-қора сув тўлқини шалоп-шулуб қиларди.

Улар эшак товуши ёки одам овозини эшитиш ниятида жим қулоқ солдилар. Лекин денгизнинг бир текис пафасини ҳеч нарса бузмасди. Узоқда, сузма бакенда, илгаригидек чироқ милтиллаб ёниб турарди. Денгиз бўйидаги нам ва шўр ҳаво димоққа уриларди.

Находка қаддини ростлади, ўпкасини тўлдириб ҳаво олди-да, овозининг борича:

— Тимоша амаки! Тимо-о-оша, амаки!— деб қичқирди.

Унинг овози қоронғиликда бир секундча янгради-ю, яна жимлик чўқди. Улар жавоб кутишди, лекин ҳеч ким овоз бермади. Кейин Тимофийнинг хотини чақирди, кети-

дан профессор чақириб кўрди. Охирида учаласи бир бўлиб ҳам чақириб, қулоқ солиб кўришди, лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Кўп ўтмай қишлоқдан, буларнинг қичқириқларидан хавотирга тушган бир неча киши югурганча келиб қолишди. Гап нимада эканини билиб, улар ҳам қўшилишиб Бойчукни чақира бошладилар. Лекин бу ҳам натижа бермади. Зоря қайиққа тушиб, бакен тарафга сузиб кетмоқчи бўлди, лекин уни юбормадилар.

Қайиқ ўрнига беш-олтита балиқчи билан бир шаланда юбормоқчи бўлдилар. Ун минутдан кейин Тимофий Бойчук бригадасининг шаландаси жўнаб кетди. Унда Находка ҳам бор эди. Олтита эшкакчи ғайрат билан эшкак торта бошладилар.

Соҳилда Тимофийнинг хотини билан қўшнилари қолишди. Улар индамай балиқчиларнинг қайтишини кутиб турдилар. Бир қанча вақтдан кейин шаланда қайтиб келди, лекин унда бригадир йўқ эди. Шундан кейин икки шаланда ва бир неча қайиққа фонарь ёқиб, кўрфазни икки марта айланиб чиқдилар. Тимофийни роса чақирдилар, лекин барча меҳнатлари зое кетди. Тонг отар пайтида чарчаган балиқчилар уй-уйларига тарқалдилар. Профессор балиқчилар билан қиладиган суҳбатини эрталабга қолдириб, ўз уйига кетди. Соҳилда фақат Бойчукнинг хотини билан қизча қолди. Улар нима бўлганда ҳам ўзларига яқин бўлган кишининг қайтишига умид боғлар эдилар.

Андрей Гордеевич ўрнига ётиб, дарҳол ухлашга ҳаракат қилди. У жуда чарчаган эди, лекин, аксига олиб, уйқуси келмади. Миясидан бирин-кетин ҳар хил ташвишли фикрлар ўтаверди. Назарида, барча бахтсизликлар у оролга келганидан кейин бошлангандай эди. Бундан бир ярим ой олдин кўп одамларни ўлим хавфи остига қўйган ҳаяжонли ҳодиса бўлиб ўтди. Лекин унда фақат инспектор Ковальчук ҳалок бўлди, у қилмишига яраша жазосини тортганди. Энди эса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, янги инспектор ҳалок бўлди, бунинг устига Тимофий Бойчукнинг ғойиб бўлгани ғалати. У балиқчининг топилмаслигига ишонгиси келмасди. Профессор оролда Анчнинг кутилмаганда бирдан пайдо бўлиб қолганини эслади. Афтидан, буларнинг ҳаммаси гелий проблемаси билан боғлиқ бўлса керак. Фикрлари чалкашиб кета бошлади, ниҳоят тонг ёришиб қолганда профессор ухлаб қолди.

Қуёш чиқди, янги кун бошланди, кўрфазда эса ҳамма нарса тамом эскича қолаверди: Тимофий Бойчукнинг тақдирини тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Эрталаб пастки шамол<sup>1</sup> зўрайди, денгиз тўлқинлари кўрфаз соҳилига келиб уриларди. Балиқчилар яна ўз бригадирини қидиришга чиқдилар. Бригадирнинг ўзини тополмаганларида ҳам, жуда бўлмаса унинг қайиғини топиш умидида балиқчилар кўрфазни турли томонларидан қидириб кетдилар. Вақт ўтиб борар, лекин ҳеч ким тасалли берувчи хабар келтирмасди. Ниҳоят қайтишдан олдин, Соколинний қишлоғи яқинидан осмонга тутун кўтарилди — бу қайиқларга орқага қайтиш учун берилган сигнал эди. Орқага қайтишда қайиқлардан бири ғарбий соҳилда Тимофий Бойчукнинг мурдасини топди. Бригадир чўкиб кетган, лекин қандай шароитда чўккан, унинг қайиғи қаёққа гойиб бўлган — буниси номаълум эди. Кўкариб кетган мурда пристанда ётарди, устига сурп ёпиб қўйишганди. Эғнида ўртоқлари кеча кўрган<sup>2</sup> ўша кийимларининг ўзи, лекин кепкаси йўқ эди. Балиқчилар қайиқ қандайдир бир сабаб билан тўнтарилиб кетди дейлик, лекин нима учун Тимофий ечинмади экан деб ҳайрон бўлишарди. Уни сувда бемалол ечина оладиган ва соҳилга сузиб етиб кела оладиган яхши сузувчи деб билар эдилар.

Тимофийнинг тепасида хотини билан онаси дод солиб йиғлашар эди. Худди ўша ерда, қум устида Зоря ўтирарди. Қизнинг бахти энди кула бошлаган эди. Зорянинг болалиги азоб-уқубатда ўтиб, у энди Тимофий Бойчукнинг оиласига тушганди, бу оилада қизга ўз боласидек меҳрибонлик кўрсатдилар. Энди оила бахтсизликка учради. Находка ҳам бу бахтсизликка оиланинг бошқа аъзолари билан баравар куйишди. У Тимофийнинг хотини олдига бергиси, уни қучоқлагиси, марҳумнинг онасига тасалли бергиси, юрагидаги дард-аламини айтгиси келарди. Лекин қизча атрофдаги бегона одамлардан уяларди. Унга Люда, Марко ва Левконинг дўстона тасалли бериши етишмасди, улар эса денгизда, «Колумб»да эдилар.

Тимофийни уйга олиб бориб кўмишга тайёргарлик қў-

<sup>1</sup> Пастки шамол — денгиздан қуруқликка эсган шамол;  
юқориги шамол — қуруқликдан денгизга эсган шамол.

ра бошладилар. Чўкиб ўлганларнинг иккаласини ҳам кеч-қурун кўймоқчи бўлдилар.

Марҳумни ювдилар, кийинтирдилар. Хотинлар Тимофийнинг ўнг қўлига эътибор қилиб қолдилар. У қўлида алланарсани ушлаб ётгандек қўлини мушт қилиб олган эди. Жуда қийинлик билан муштини ёздилар. Қўлидан бир тугма тушди. Аллаким уни ердан олди-да, аччиқ кулиб:

— Балиқчининг денгиз тубида қилган охирги ови!— деб қўйди, кейин тугмани диққат билан кўздан кечира бошлади.

Эҳтимол, Тимофий чўкиб кета туриб, кийимларини ечмоқчи бўлган-у, тугмасини силтаб тортиб, уни узиб юборган, лекин ечишга улгурмаган. Бу тугмани қайси кийимдан узиб олганини ҳеч ким текшириб кўрмади — кийимларини олиб чиқиб кетишган эди. Кўринишдан, бу тугмани куртқасидан узиб олган. Тугмада аллақандай бир расм бор экан. Балиқчилардан бири уни марҳумдан эсдалик бўлсин, деб чўнтагига солиб қўйди.

Қўп ўтмай кўрфазга шаландалар кириб келдилар. Балиқчилар мўл-кўл балиқ овлаб қайтишганди, лекин уларнинг ҳурсандлиги янги инспектор билан Тимофийнинг ҳалок бўлгани тўғрисидаги мудҳиш хабардан бузилди.

Кечга яқин ғамга чўмган қишлоқнинг бутун аҳолиси тўпланди. Геологоразведка гуруҳидагиларнинг ҳам ҳаммаси келди. Ишчилар қора мотам ленталари боғланган қизил байроқ кўтариб келдилар. Дўстлар икки тобутни кўтариб кичкинагина мозорга қараб юрдилар. Тобутлар устига гулдасталар қўйилган.

Балиқчилар янги мозорлар устида индамай узоқ турдилар.

Қуёш бота бошлади. Денгизнинг узоқ жойида иккита нуқта пайдо бўлди. Оролга аллақандай кемалар яқинлашиб келмоқда эди. Улардан бири жуда тез, иккинчиси — секин сузиб келарди.

#### IV боб

### ШХУНАДАГИ СУҲБАТ

Уч кун денгизда сузиб юргандан кейин «Колумб» скумбрия балиғининг катта галасига дуч келди, шундан кейин балиқчилар катта тўри билан ов қилиб шхунани



балиққа тўлдирдилар. Тўртинчи кул шхуна Лебединий оролига қараб йўл олди. Шкипер ёнилғини тежаб моторни ўчириб қўйишни, йўловчи шамолдан фойдаланиб, елканларини очишни буюрди. Балиқчилар билан команда (рулевойдан ташқари) дам олишмоқда эди. Марко Люданинг ёрдами билан эрталаб ҳаммага бутун кунга етадиган қилиб овқаг тайёрлаб қўйди, энди бўш вақтдан фойдаланиб, Морзе алифбесини ўрганмоқда эди. Кейинги ҳафтада у анча нарсани ўрганиб олди. Люда ҳам Марко сингари радиога қизиқарди, бу эса ишга жуда катта ёрдам берди. Улар иккита телеграф-калити, батарейка топдилар; улар ҳар бир бўш минутдан фойдаланиб, бир-бирларига радиограммалар юборишарди. Олдин худди «бузуқ телефон» ўйини ўйнагандаги сингари кўп чалкашликлар бўлиб турди, лекин кейин иш юришиб кетди. Орол кўринганда Марко Людага шундай телеграмма юборди:<sup>1</sup>

Қиз ўгирилиб қаради-да, узоқда, оролга қарама-қарши тарафда деярли шхунанинг қуйруқ тарафида кўз илғар-илғамас тутун кўрди. Кўп ўтмай уфқда бир қора нуқта кўринди. Афтидан, уларни аллақандай пароход қувиб келмоқда эди. Уша нуқтага қараб туриб, Люда география дарслигидаги Ер шар сингари думалоқ бўлади, бунга денгизда ишониш мумкин деган қоидани эслади. Дастлаб кўзга уфқда мачтанинг учи, кейин юқори реялар, кейин кеманинг ўрта қисми ва ниҳоят кеманинг ҳаммаси кўринади. Шундан кейин кема то етиб келгунча узоқдан кичкингина бўлиб кўринган пароход борган сари катталашиб боради дейилганди. Люда кўринган қора нуқтага диққат билан қарар, лекин на мачталарнинг учини, на ўрта реяларни кўрмасди. Афтидан, дарсликни тузган одамларнинг ўша қоидасини текшириб кўриш учун махсус шарт-шароитлар ёки, Марко ҳазиллашиб айтгандек, олтмиш тўрт марта катта қилиб кўрсатадиган бинокль керак эди.

Номаълум пароход тобора тезроқ яқинлашиб келарди. Кўп ўтмай улар унинг ҳарбий кема эканини билдилар, шу заҳоти бу ўзларининг эски дўстлари «Буре-

<sup>1</sup> Денгизда кема кўринди.

вестник» эсминеци эканига ишондилар. У ҳам оролга қараб кетаётган эди. Эсминец «Колумб»дан ўтиб кетдида, кун ботар пайтида кўрфазга кириб борди. Балиқчилар эсминецнинг тез сузишига ҳавас билан қараб турардилар. Стах Очерет ўз пассажирларининг уйга тезроқ етиб олиш дардида эканликларини тушуниб, Левкога моторни ишга солишни буюрди. Бу буйруқ айни вақтида берилди, чунки шамол пасайиб шхунанинг тезлиги тобора камайиб бормоқда эди. Мотор ишга тушиши билан пассажирларнинг кайфи чоқ бўлиб кетди. Улар уйнинг яқин қолганини сезиб, ашула айтиб ҳам юбордилар. Балиқчилар ўз районидаги энг нодир балиқ бўлган скумбрия ови тўғрисидаги хабарни етказиш билан оролликларни хурсанд қилишга шошилдилар.

Марко энди ёнилғи солиб қўйилган бочкалар олдида ивирсиб, Андрийга ёрдамлашарди. Люда рулевой олдига келиб, ёрдам берайми деганди, у ташаккур билдириб, чой қайнатишни илтимос қилди. Очерет командани соҳилга тушириш ниятида эмасди: вақт анча бўлиб қолган, тонг отар пайтида эса шхуна Лузанига жўнаб кетиши керак. Люда ҳам «Колумб» да қолмоқчи бўлди — унинг шаҳарга бориши керак эди. Бундан ташқари, қиз отасининг барибир қишлоқда эмаслигини биларди.

Андрий Қамбаланинг илтимосини бажо келтириб, қиз чой ҳозирлай бошлади. Шуниси ҳам борки, рулевой чинакам чойни эмас, Марко атайлаб унга деб тайёрлаб берадиган омухта чойни кўпроқ ёқтирарди. Люда камбузда сабзидан, наъматакдан, атир гулдан ва ҳатто дафна дарахти баргидан қилинган чойни ҳам топди. Охиргисини Марко дафна дарахти баргини куйдириб ҳозирлаган эди. Одатда Андрий чойни ўзига махсус дамлашни илтимос қиларди. Бунда омухта чойга чинакам чойдан ҳам озгина-озгина аралаштирилар эди.

Люда шу мураккаб ичимлик билан овора экан, Марко унинг олдига келиб кўрфазда ҳали эсминецни учратамиз деди.

— Шкипер эсминецга бир қоп скумбрияни совға қилиб юборишга ваъда берди, — деб қўйди у. — Энг сарасини ажратиш керак. Менга қарашиб юборасан, Люда. Бугун энди олиб боролмаймиз — кема олдига кечасн ҳеч кимни яқинлаштирмайди, шунинг учун эртага тонг отар вақтда, жўнаб кетишдан олдин олиб борамиз.

Люда жон деб розилик билдирди. «Буревестник» балиқчилар билан унинг отасини қутқариб қолган ўша унутилмас кечадан кейин қиз, барча соколинийлик балиқчилар сингари, ҳарбий кеманинг командири ва экипажидан бениҳоят мамнун эди.

Қуёш ботди. Шкипер тили билан айтганда, у туман орасига кириб яширинди. Бу эса Стахни хавотирга солди.

Кўрфазга қоронғи тушганда кириб бордилар. Сузма бакендаги ва соҳилдаги чироқ ёруғидан фойдаланиб, балиқчилар команда билан хайрлашдилар-да, шхунадан тушиб кетдилар. Уларни ҳеч ким қарши олмади — ҳамма уйқуда эди: вақт ярим кеча бўлганди. Эсминец кўрфазнинг ичкарисиди, жануб-ғарбий соҳил яқинидаги одамлардан холи жойда турарди. У қоп-қоронғи зимистонда кўринмасди, лекин ҳар замон-ҳар замонда кучли прожекторларини ёқиб, шу ердалигидан дарак бериб қўярди. Прожектор нурлари остида кўрфаздаги сув қорайиб, соҳилдаги уйлар эса оқариб кўринарди.

Шхуна соҳилдан анча узоқда тўхтади. Шкипер кемани лангар ташлаб, тўхтатди, командага ётиб ухлашни буюрди. Соколинийда бўлган воқиялардан «Колумб» дагилар беҳабар эдилар.

Энг олдин вахтада Марко турди. Люда ҳам уйғоқ эди. Улар эргалаб «Буревестник»ка ўз совғаларини етказиш учун скумбриянинг энг сараларини ажрата бошладилар. Балиқнинг кумуш тангалари балиқчилар фонари ёруғида ялтирарди. Юнга билан қиз, рубкани Люда ихтиёрига бўшатиб бериб, ўзлари қуйруқ тарафда ухлаб ётган катта ўртоқларига халақит бермаслик учун секин-аста сўзлашар эдилар. Рубкани қизга бўшатиб берганларига пушаймон қилмасалар ҳам бўларди: пўстинга ўралиб ётилса, ҳатто сентябрнинг совуқ кунларида ҳам палубада мазза қилиб ухлаш мумкин.

Кўрфазда сув маевж уриб турарди. Тўлқинлар кемани у ёндан-бу ёнга сал-пал чайқаб, гоҳ юқори кўтарар, гоҳ пастга туширар эди, чунки Марконинг айтишинча, тўлқин ўнг тумшукдан урар, шабада эса қуйруқнинг сўл тарафидан эсарди. Люда кеманинг чайқалишидан кўрқмас, Марко эса денгиз ҳаётига кўникиб кетганидан тўлқинни фақат ўн бир балли пўртана кўтариётганидан сездарди. Шхуна борган сари секинроқ чайқала борди.

Танишганларидан бери кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, Марко билан Люда дўстлашиб кетдилар. Бунга уларнинг бошидан ўтган саргузаштлар билан хавф-хатарлар ҳам анча сабаб бўлди.

— Мен соҳилга тушиб чиқсам бўларди,— деди Люда.

— Нима қиласан?

— Зоряни кўриб келаман. Левко уни оёнинг охирида Лузанига ўсмир болалар мактабига олиб бормоқчи. У борарини ҳам, бормаслигини ҳам билмайди. Тимофийнинг хотини эса Зоряни шу ердаги ўқитувчининг ўзи ҳам алоҳида ўқитса бўлаверади дейди. Мен отам билан маслаҳатлашиб кўрмоқчи эдим. Зоря гарчи ҳеч қаёққа боришни хоҳламаса ҳам сенинг айтганингни қиламан деган.

— Нега энди?

— Потаниш одамлардан кўрқармиш.

— Мен бошқача маслаҳат берган бўлардим,— деди Марко.— Борди-ю... уни ўз шаҳарингга олиб кетсанг нима бўлади? Икки ҳафтадан кейин у ерга техникумга имтиҳон топширгани бораман. Оёнинг охирида сен ҳам жўнаб кетасан. Эҳтимол, бутун қиши билан бизлар ўша ерда қолармиз. Балки у биз билан бирга боришга рози бўлар.

— Эҳтимол. Яна ким билади дейсан. Мен бу тўғрида Левкога сал учини чиқарган эдим, лекин у эшитгиси ҳам келмайди. «Ҳаммангиз ўша ерга йиғилиб оласизлар, сизларга маза, мен эса Стах амаким ва Андрей билан бу ерда ёлғиз қоламан» дейди. У Находкани ўзим одам қиламан дейди... Унинг орзулари жуда катта. Менимча, уни бу ерда ёки Лузанида ташлаб кетганимиздан кўра, бирга олиб кетганимиз яхшироқ, албатта. Отам Лебединийда қишлайдиганга ўхшайди, биз учаламиз ҳам қишки каникулда бу ерга келолсак керак деб ўйлайман. Агар бу вақт ичида Зоряга яхшилаб ёрдам берсак, уни бу ерда ҳеч ким танимай ҳам қолади. Узининг бундай қобилияти билан у ўқишнинг ярмидаёқ бемалол уч синфни тамомлай олади.

Марко ишонқирамай бош чайқаб қўйди, лекин Люда Зоряни ўзи билан олиб кетишни жуда ҳам истаганидан, бунга эътибор бермади.

— Ярамас Ковальчукнинг олдинроқ ҳалок бўлмаганига ачинаман!— деб гапида давом этди қизишиб қиз.—

Уникада яшаб, Зоря қанча вақтини бекор ўтказиб юборди-я! Оббо аблаҳ инспектор-ей!

— Эй, қўйсанг-чи, мен Ковальчукни аллақачон унутиб юбордим, унинг номини энди ҳеч вақт тилга олмайман ҳам. Фотограф-чи, фотограф — бутунлай бошқа гап... Уни эсламаган куним бўлмаса керак дейман. Қизиғи шуки, у қаёққа ғойиб бўлди экан? Ахир эртасига бутун оролни қидирдик, ҳар бир бутани текширдик, ҳар битта қайиқнинг бор-йўқлигини санаб чиқдик-ку. У эса шундай бўлса ҳам қочиб кетибди, ёки ботқоққа ботиб кетдимикан.

— О, у жуда хавфли душман! Шуни деб отамни бу ерга якка ташлаб кетишга қўрқаман. Ахир у отамни ўлдирмоқчи бўлди-ку. Унинг ҳужжатлари билан портфелини ўғирлаб кетган ҳам шубҳасиз ўша. Тўғри, отам энг муҳим ҳужжатларини яширин бир жойда сақларди, портфелда эса ҳеч қандай муҳим нарса йўқ экан. Бундан ташқари отам, Анч энди бу ерда умуман қорасини ҳам кўрсатмайди, деб ишонтирмоқчи бўлади.

— Бошқасини юборишлари мумкин. Биласанми, биз ўшанда уни кузатишга келишиб, охириги пайтда бўлса ҳам жиноятнинг олдини олдик, унинг бутун планларини барбод қилдик. Менимча, бу ерда Анч ўрнига бошқа битта-яримта одам пайдо бўлмаслиги учун ҳозир ҳам кузатиб юриш керак. Бу иш билан шуғулланиши лозим бўлган одамлар ҳам, албатта, кузатиб туриптилар, лекин бизнинг йўриғимиз бошқа...

— Биз шаҳарга кетганимиздан кейин нима бўлади?

— Бу тўғрида ўйлаб кўриш керак.

Эҳтимол, улар ҳозироқ бунинг ҳам бир иложини топиб қўйган бўлардилар-у, лекин қуйруқ тарафдан скипер пайдо бўлди-да, ухлагани ётинглар деб буюрди. У тамаки ўради, Рибтрестда эртага қиладиган ишлари тўғрисида ўйлаб, уни чекиб тугатди-да, кейин Андрийни вахтада туриш учун уйғотиб, ўзи чала уйқусини қондиргани чўзилди.

Люда ечинмасдан рубкадаги калта ёғоч кроватга ётди, Марко эса палубада қолиб, моторист олдига чўзилди. Энди кеманинг бурнида Андрий ўтирарди. Қиладиган иши йўқ, у бирор нарса ўйлаб тополмади, шунинг учун Андрий тонг отишини кутиб мудраб ўтирарди. Тўлқин тинган, шамол йўқ, август кечаси анча салқин эди.

Кўринишдан, Левко аллақандай туш кўрарди, шунинг учун у бир неча марта у ёнбошидан-бу ёнбошига тўнтарилди-да, алланарсалар деб гўлдиради.

Тонг ёришмоқда эди.

## V боё

### ТУМАНДАГИ ҚИЧҚИРИҚ

Тонг отишдан олдин денгиз ва кўрфазга енгил туман чўкти. Соҳилда тутун орасидан кўринаётгандек қишлоқ кўзга ташланар, кўрфаз ичкарисида эса, кема ғира-шира кўринарди. Андрей Марко билан Людани уйғотиб, эсминецга совғаи олиб борсак бўлади деди. Иккаласининг ҳам уйқуси чала бўлганидан оғзини катта очиб эснар эдилар. Марко бир ойдан бери шхунада олиб юрган енгилгина «Альбатрос» қайиғи сувга туширилди, шундан кейин Левко скумбрия тўла қопни қайиққа ташлади. «Альбатрос»га мачта ўрнатса бўларди, лекин шамол йўқ эди, шунинг учун ёш балиқчиларга кўрфаздан эшкак тортиб сузиб ўтишга тўғри келди. Люда руль олдига ўтирди. Марко эса эшкак тортди. Худди шу пайт қиргоқ билан эсминец қуюқ туман орасида қолди.

— Шундай қуюқ туманда қаёққа борасизлар?— деб қичқирди уларга Андрей.— Адашиб юрманглар яна. Яхшиси кута туринглар.

— Таваккал, нима бўлса бўлар,— деб жавоб берди юнга.— Приборларга қараб юрамиз,— деб у компасни кўрсатди.

Аллақаерда, жуда яқин жойда эшкакнинг сувга урилгани эшитилди. Кимдир туман орасида қайиқда келмоқда эди.

— Ана яна битта таваккалчи келяпти!— деб кулди Марко.

Ҳақиқатан ҳам, шхунадан икки юз метрча жойда бир қайиқ қораси кўринди. У тезлик билан «Колумб»га яқинлашиб келарди. Марко билан Люда саҳарлаб келаятган меҳмонга қизиқиб қолдилар-да, унинг шхуна олдига етиб келишини кутдилар. Қайиқ ҳамон яқинлашиб келарди, кўп ўтмай улар Зоря Находкани танидилар.

— Яша, Зоря!— деб қичқирди хурсанд бўлиб Марко.— Жуда вақтида келдинг-да!

Қизча индамай яқин келди. Эрталабки туман қизнинг бстидаги қайғули ва жиддий ифодани яшириб турарди.

Унинг индамаслиги ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади,— қизнинг соатлаб индамай ўтира олишига ҳаммалари кўникиб қолишганди.

— Туманнинг тарқаб кетишини энди меҳмон билан бирга кута туринглар,— деб маслаҳат берди рулевой.

— Йўқ,— деб жавоб берди Марко,— меҳмонни биз бирга олиб кетамиз... Зоря, қайиғингни шу ерда қолдириб, олдимизга ўт,— деди у, қизчага қараб.

— Ўта қол, Зоря,— деб юнганинг таклифини қувватлаб тушди Люда,— биз «Буревестник»ка кетяпмиз.

— Учалангиз битта қайиққа қандай қилиб сифасизлар, яна бир қоп балиқ билан-а!— деб уларни йўлдан қайтармоқчи бўлди Андрий.

— Бизнинг нима оғирлигимиз бор!— кулиб жавоб берди унга Люда.

— Чўкиб кетасизлар.

— Биз ҳатто денгизни ҳам сузиб ўта оламиз!— деб жавоб берди қиз.

Зоря шхунадан сувга тушириб қўйилган арқонга қайиғини боғлаб, дўстлари олдига ўтиб олди. Марко эшкак торга бошлади, улар «Колумб» олдидан жўнаб кетдилар.

Андрий қайиқнинг узоқлашган сари, туман орасида кўздан йўқола борганига қараб турди. Унинг назарида қайиқ бирдан тўхтагандек ва гўё Марко нари боришга юраги бетламай орқага қайтгандек туюлди. Лекин кўп ўтмай улар туман ичига кириб ғойиб бўлди.

Андрий шкипер билан мотористни уйғотмоқчи бўлди-ю, лекин қўй ухлаб олишсин деди — барибир бундай қуюқ туманда кема кўрфаздан чиқиб кетолмасди. Туман денгиз устига жуда паст тушди, қуёш чиқиб сал кун исиши биланоқ тарқаб кетиши керак. Шуларнинг ҳаммасини ўйлаб, рулевой шхунада тартиб ўрната бошлади. У анчадан бери арқонларни ва бурун тарафдаги арқонлар яшигидаги ҳар хил икир-чикир нарсаларни тартибга солиб қўймоқчи бўлиб юрган эди, ҳозир бўш вақтдан фойдаланмоқчи бўлди.

Андрий Қамбалани мард денгизчи деб бўлмасди, аммо жуда ишчан йигит эди, ҳеч вақт ишсиз ўтирмасди.

Фақат яхши папирос ёки бирор қизиқ ҳижоягина уни ишдан тўхтата оларди. У шхунада қолишни афзал кўриб соҳилга жуда камдан-кам тушарди. Хавфли минутларда, кучли довулда денгизга шу охирги чиққаным бўлсин, кемани энди елкамининг чуқури кўрсин деб ҳаммани ишонтирмоқчи бўларди. У бундан кейин соҳилда ўтириб қармоқ билан балиқ тутаман деб ҳаммага қасам ичарди. Лекин хавф-хатар ўтди дегунча Андрий Камбала ҳамма нарсани унутиб юборарди. Стах Очерет билан у кўп йиллардан бери, иккови «Колумб»да сузиб юра бошлаганларидан олдиноқ, бирга балиқчилик қилишарди. Камбала қўрқиб кетган вақтларида, шкипер унга бақирар, уришар ва шу билан унга далда берарди. Шундай вақтларда Очерет ҳар сафар Андрийга қараб сендай қўрқоқни денгизга охирги марта олиб чиққаным бўлсин дерди. Лекин ҳаво очилиб кетгандан кейин ўтган ишни на шкипер, на Андрий эслар эдилар.

Андрий арқонлар сақланадиган яшикни очди-да, ундан ҳар хил қақир-қуқурларни: ингичка-йўғон арқон парчаларини, аллақандай латта-путталар, симлар, бўёқ ва ёғ солинган ту누ка идишлар, резинка бўлаклари, ту누ка трубкалар, балиқчилар тўрларининг шиша золдирларини олиб ташлай бошлади. Андрий уларнинг ҳаммасини жой-жойига қўйиб тахлади; улардан баъзиларини нимага ишлатилишини билиш учун узоқ кўздан кечирарди.

«Альбатрос» жўнаб кетганига ўн минутча бўлди. Бирдан Андрий ирғиб ўрнидан туриб, қулоқ солганича қотиб қолди. Туман қопланган кўрфаз тарафдан қичқирик эшитилди. Аллаким ёрдамга чақирарди. Қичқирик икки марта такрорланди-ю, узилиб қолди. Андрийнинг назарида овоз қайиқ жўнаб кетган тарафдан эшитилгандек бўлди. У бир неча секунд қулоқ солиб турди-да, борт устида энгашиб:

— Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо-о-о! Марко-о!— деб қичқирди.

Андрийнинг қаттиқ қичқирганидан Стах билан Левко уйғониб кетишди.

— Нима гап?— деб сўради шкипер.

Андрий Зоря Находканинг келганини, Марко билан Люда уни бирга олиб, қайиқда жўнаб кетганларини ва туман ичидан аллакимнинг қичқиригини эшитганини сўзлаб берди. Шкипер уларнинг туман тарқамасдан кетганларидан жаҳли чиқди, лекин ҳаммадан ҳам кўра



кўпроқ уни, тушуниб бўлмайдиган қичқириқ ҳаяжонга солди. На у, на Левко, ҳатто Андрий қайиққа бир гап бўлганига ишонгилари келмасди. «Альбатрос»даги учала йўловчи ҳаво бундай тинч бўлган вақтлардагина эмас, ҳаво бузуқ вақтларда ҳам қайиқни баҳазўр эплей олган бўлардилар, бундан ташқари улар Соколийдаги энг яхши сузувчилар эдилар.

Шкипер билан Левко ҳам туман тарафга қараб қичқира бошладилар, лекин ҳеч ким жавоб бермади, ўзаро маслаҳатлашиб, моторист Находканинг қайиғига тушад-ю, кўрфазни эсминец тарафга қараб кесиб ўтади,— деган фикрга келдилар.

Левко бир вақтлар Ковальчукники бўлган, кейин эса Зоряга мерос қолган қайиққа лип этиб сакраб тушиб уни ечди, эшкакни тираб шхунадан итарилди-да, компасга қараб, туман орасига шошилди. У тез-тез қичқириб қулоқ соларди, лекин жавоб эшитилмасди.

Эшкаклар сувга ботиб, кейин ҳавога енгил кўтариларди. Моторист эшкак тортишга уста эди. Шхуна кўп ўтмай туман орасига кириб яширинди, шундан кейин мотористнинг ёлғиз ўзи қолди. Лекин у буни сезмасди. У тез илгарилаб борар экан, диққат билан атрофни кўздан кечирарди.

— Жавоб беринглар!— деб қичқирарди моторист.— Мен тарафга қараб сузинглар!

Жавоб бўлмади. Левко қанча юрганини билмасди, лекин у:

— Мана ҳозир! Бир амаллаб сув юзида тур! Овоз бер!— деган аллакимнинг овозини эшитганда, афтидан, кўрфазнинг ўртасига бориб қолган эди.

Моторист аллакимнинг кимгадир ёрдамга шошилаётганини тушунди-ю, ўша тарафга бурилди. Бир неча минут ўтди. Шундан кейин қизил флотчилар ўтириб олган олти эшкакли қайиқни кўриб қолди. Бу «Буревестник»дан туширилган қайиқ эди. Қизил флотчилар унинг олдига сузиб келиб нима бўлди, нега бунча бақирдинг деб сўрадилар.

Левко хафа бўлиб узр сўради, бақирадиган одатим йўқ деб қўшиб қўйди, кейин ўзининг бу ерга нима учун келганини тушунтирди. Қизил флотчилар, биз ҳам қичқириқ эшитдик, битта-яримта чўкиб кетяпти шекилли деб ўйлаб, сувга қайиқ туширдик. деб жавоб бердилар. «Альбатрос»ни улар учратишмабди — эҳтимол, нарироқ-

дан ўтиб кетишгандир. Қайиқ кимнидир сувдан чиқариб олиб, соҳилга сузиб кетган деб тахмин қилишгина қолди.

«Буревестник»ка қайтмоқчи бўлдилар, агар у ерда Марко билан қизларни топишолмаса, соҳилнинг кемалар бориб тўхтайдиган жойга боришга келишиб олдилар. «Альбатрос» адлақачон ўша ерда бўлса керак. Левко қизил флотчилар қайиғига ўтиб олди, ўзининг қайиғини эса шатакка олдилар. «Эшкаклар сувга!» деб команда берди старшина, шундан кейин улар туман орасида кемани қидириб кетдилар. Уларга компас билан эсминецдан чалина бошлаган сирена товушлари ёрдам берди. Шулардан фойдаланиб, қайиқ кема олдига тез етиб борди. Вахтачилар бошлиғи қайиқда ортиқча бир одамни кўриб, қутқариб олинган балиқчи худди шу бўлса керак деб ўйлади, лекин гапнинг нимада эканидан хабардор бўлиб, «Альбатрос»ни эсминецда ҳеч ким кўргани йўқ деб хабар берди-да, қайиқдагиларга соҳилга боринглар деб буюрди.

Компасга қараб йўл юриб, қайиқ соҳилга етиб келди. «Альбатрос»ни у ерда ҳам тополмадилар. Левко безовта бўла бошлади: Марко туманда адашиб қолмадимикан? Лекин худди шу вақт туман тарқала бошлади. Соҳилдан энди шхуна кўриниб турарди. Левко қизил флотчиларни яна бир марта кўрфаздан кечиб ўтинглар, «Альбатрос»ни қидиринглар деб илтмос қилди, ўзи эса, «Колумб»га шошилди. У ерда мотористни хавотирга тушган шкипер билан рулевой кутиб туришарди.

Марко билан қизларни топишолмаганини эшитиб, Стах Очерет Левкога дарҳол моторни ишга солишни буюрди, шундан кейин «Колумб» соҳил бўйлаб секин-аста суза бошлади. Шкипер «Альбатрос» туманда адашиб қолиб, бирон-бир жойда, қирғоқ яқинида сузиб юргандир деб умид қиларди; агар қайиққа бир гап бўлган бўлса, унда учта сузувчи, гарчи ҳар жойдан бўлса ҳам қирғоққа чиқиб элган бўлишлари керак-ку, ахир.

Шхуна моторини тарақлатиб, чап бортини қирғоққа қилиб, ундан юз эллик метр берида сузган ҳолда кўрфазни айланаверди. Андрий руль олдида турар, шкипер соҳилни кўздан кечирав, Левко эса ҳар замонда моторни бир кўздан кечириб, ўнг борт тарафдан кўрфазни текшириб борарди.

Қишлоқдан нарида соҳилда ҳеч кимни кўрмадилар; Левко ҳам кўрфазда ҳеч нарса учратмади, ҳеч кимни кўрмади. Инспектор уйи олдидан ўтдилар-да, шартта орқуга қайтдилар. Туман сийраклашиб борди, шунинг учун Стах Очерет кўп ўтмай туман бутунлай кўтарилиб кетади деб умид қиларди. Шкипер сабрсизлик билан атрофга кўз югуртирар, туманнинг тарқаб кетишини кутарди. Мана, орзу қилинган минут ҳам етиб келди: туман тез тарқаб кетди, ярақлаб қуёш кўринди, шунда балиқчилар оролни ҳам, денгизни ҳам яққол кўрдилар. Фақат уфқ ҳамон қорайиб турарди. Шхуна кўрфазнинг шарқий соҳилига яқинлашиб келарди. Бакен олдидан сузиб ўтдилар-да, эсминец тарафга бурилдилар. Андрей кемадан уларга аллақандай сигнал беришаётганини сезиб, бу тўғрида шкиперга хабар берди.

— Яқин келинглар деб буюришяпти,— деди Стах ва тез сузиб боришга буюрди.

«Буревестник»ни ўнг тарафдан айланиб ўтиб, балиқчилар кеманинг қуйруқ тарафида қайиқ турганини кўрдилар. Бу «Альбатрос» эди. Қайиқда энгашиб бир қизил флотчи турарди. У қайиқдаги сувни тўкарди.

«Колумб» экипажи ҳаяжонга тушди. Балиқчилар индамай бир-бирларига қарашди; уларнинг ҳар бири бошқасининг кўзида умид ва хавотирлик белгиларини кўрди. Улар кема палубасини диққат билан кўздан кечирдилар, лекин унда на Маркони, на Людани, на Зоряни кўрдилар. Балиқчилар уларни эсминецда йўқлигини тушундилар.

Туман бутунлай тарқаб кетишидан сал олдин қизил флотчилар қайиғи кўрфазнинг ўртасида «Альбатрос» деб ёзилган қайиқни топган эдилар. На унда, на атрофида одамлар йўқ эди. Афтидан, қайиққа бир нарса бўлганди. Эҳтимол, унга сув тушиб чўка бошлаган, қайиқдаги одамлар эса ўзларини сувга ташлаганлар. Уларнинг қаёққа сузиб кетгани номаълум— туманда улар ҳатто кўрфаздан денгизга чиқиб кетган бўлишлари ҳам ажаб эмас.

Чоштгоҳгача ғойиб бўлганларни қидирдилар. «Колумб»га қўшилиб «Буревестник»нинг қизил флотчилари ва соколинқийлик барча балиқчилар ҳам қидирдилар. Фақат шундан кейингина Стах янги инспектор билан Тимофий Бойчукнинг ҳалок бўлганини билди. Орол аҳолиси кейинги кунларда юз берган ҳодисалардан хавотир-

га тушиб қолганди, кўплар бир-бирларига, якки-уч кун ичида денгиз Марко, Люда ва Находканинг мурдасини соҳилга чиқариб ташлайди деб шивир-шивир қиларди. Ҳамма ўзининг сирли, тушуниб бўлмайдиган ҳодисалар чулғовида қолганини сезарди. Торианитли тепада бўлган профессор Ананьевга қизининг ғойиб бўлгани тўғрисида хабар юбордилар. Рангги оқарган, ҳаяжонга тушган профессор Соколийнига етиб келди, нима бўлганини суриштириб билди-да, дарҳол эсминецга жўнади.

Чоштгоҳдан кейин қидириш ишлари тўхтатилди. «Қолумб» мотам байроғи кўтариб, Лузанига жўнади. Балиқ бузилиб қолиши мумкин, уни заводга топшириш керак.

## VI боб

### Г О В В О С Л А Р С У В О С Т И Д А

Эсминецнинг тулука қопланган зиналаридан кемага профессор Ананьев чиқиб келди. У бош яланг бўлиб, оқ сочлари қуёш нурида кумушдек товланарди. Профессор бошини кўтарганда, унинг юзидаги ўзгаришни кўриб қизил флотчилар ҳайратда қолдилар.

Профессорга капитан-лейтенант Трофимов пешвоз чиқди. Ананьевнинг қўлини маҳкам қисиб, кекса денгизчи уни ўз каютасига олиб кетди.

— Семён Иванович, бу нима деган гап?— деди дилхасталик билан Андрей Гордеевич.— Уч кунда — беш кишидан ажралдик-а!

— Мен фақат икки ўлимдан хабардорман. Қолган учтаси тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Мен ўз кўзим билан кўрмагунча уларнинг ўлганига ишонмайман. Доми-дараксиз йўқолган одам фақат беш йилдан кейингина ўлдига чиқарилади. Жуда камдан-кам, ўша одам ҳалок бўлган деб тахмин қилишга асос бўлсагина, бу муддат олти ойга қисқаради.

— Ҳазиллашманг!— деди ғамгинлик билан профессор.

— Ҳазиллашаётганим йўқ. Энг олдин шуни айтайки, урушдан кейин биз бедарак йўқолганларнинг ҳаммасини ҳам ўлдига чиқаравермайдиган бўлдик. Мен ёшларимиз-

дан учтасининг ўлганига сира ишонмайман! Ишонишни истамайман, уларни топиш учун қўлимиздан келган барча чораларни кўришимиз зарур. Соколинийдан Зелёний Каменга аллақачон хабар юборилди. Мен ҳам керакли одамларга радио орқали хабар бердим. Бундан ташқари, ғоввослар старшинасига бир гуруҳ ғоввослар билан кўрфаз тагини қидириб чиқишни буюрдим. Агар учаласи ҳам ҳалок бўлган бўлса, ғоввослар улардан жуда бўлмаганда биттасини топадилар. Ун минутдан кейин биринчи ғоввослар сув тагига тушадилар.

— Шу ерда бўлишимга рухсат этасизми?

— Марҳамат.

Командир вахтада турган матросни чақириб, унга профессорни ғоввослар баркасига олиб боришни буюрди. Бир неча минутдан кейин Андрей Гордеевич қирғоққа яқин жойда, кўрфаздан денгизга чиқаверишда турган баркасга чиқди. Ғоввослар қидиришни шу ердан бошладилар. Уларнинг старшинаси младший командир Варивода кўрфаз планини тиззасига қўйиб, уни қалам билан квадратларга ажратди. У кўрфаз тагини бир квадрат метр жойни ҳам қолдирмай қидириб чиқишга қарор қилди. Икки ғоввосни сув тагига туширишга ҳозирламоқда эди. Улар тор манжет енгларига қўлларини осонроқ тиқиш учун унга совун сурдилар, кейин тўртта ўртоқларининг ёрдами билан скафандр ичига тушдилар.

Уларни навбат билан сув тагига туширдилар: бирини сўл бортдан, иккинчисини ўнг бортдан туширдилар. Қизил флотчилар ғоввослар кетидан сув тагига чўзилиб туша бошлаган шлангаларга секин-аста ҳаво юбора бошладилар. Кичкинагина рубкадаги телефон олдида ўтирган алоқачи икки трубка орқали бирваракай иккала ғоввос билан гаплашиб турарди. У ғоввосларнинг сўзини старшина билан профессорга етказиб турарди.

— Биринчи квадратда ҳозирча ҳеч нарса топилгани йўқ,— деб қизил флотчи кўрфаз билан денгизни қўшадиган кенг бўғоздан ўтиб бораётган ғоввоснинг сўзларини етказди.

— Бу ерда ҳеч нарса ҳам узоқ ётмаса керак. Сув уни ё денгизга, ёки кўрфазга оқизиб кетади, кўпроқ кўрфазга... Хўш, Соловей-чи, у нима дейди?

— Иккинчи квадратда эски бир лангар топибди, бошқа ҳеч гап йўқ. Сув таги яхши: майда тош дейди.

— Унга айт. Мухин билан параллель борсин,— деб буюрди старшина алоқачига. Кейин профессорга ўгирилиб,— биз кўрфазнинг ҳамма ёғини текшириб чиқамиз,— деди.

— Есть, ўртоқ командир!— деди алоқачи ва трубкага қичқирди.

— Соловей, Мухин билан параллель бор!

Говвослар чўкиб ўлганлардан битта-яримтасини топиш ниятида ҳар бир тошни диққат билан кўздан кечирдилар, ҳар бир чуқурни қараб чиқдилар, сув ости ўсимликларидан ҳар бирининг орасини қидирдилар. Бир соат ўтди. Кўрфазнинг деярли учдан бир қисмини қидириб чиқдилар. Баркас говвослар кетидан секин-аста бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрди. Қидириш ишлари ҳеч қандай натижа бермади.

Бир соатдан кейин Баркас олдига «Буревестник» командирининг қайғи келди. Баркасга ўтиб, Трофимов докладни эшитди-да, бош чайқаб қўйди:

— Жуда секин қимирлаётисизлар, азизларим! Қани, ўртоқ Воривода, сиз ҳам сув остига тушинг, шунда ишларимиз тезлашади!

— Есть, ўртоқ командир! Рейд маскаси билан тушишга рухсат этасизми?

— Майли.

Говвослар старшинаси ечинди, юзига фақат бурни, кўзлари ва қулоғини беркитиб турадиган маска тортди. Бундай маскада илиқ сувда қирқ метр чуқурликкача осонлик билан тушиш мумкин. Воривода сувга тушди, капитан-лейтенант эса телефон олдига ўтирди. Битта трубкани у профессорга берди.

— Говвос сув тагида!— деган сўзни эшитди профессор.

Бу Вориводанинг овози эди, у ўзининг сув тагида кетаётганидан дарак берарди.

— Нима кўриняпти!— деб сўради Трофимов.

— Қум кўриняпти, қумда иккита қисқичбақа, қум орасида эса камбала сузиб юрибди. Сув таги топ-тоза, қани энди уни юқорига кўтара олсак, ажойиб пляж бўларди.

— Кўриниш қалай?

— Сув ойнадек тиниқ.

Профессор бу гап-сўзларга говвослар зора ҳеч нарса тополмаса деган умид билан қулоқ солиб турарди. У

«Буревестник» командирининг «бедарак йўқолди» — «ўлди» деган маънони билдирмайди ҳали деган сўзларига ишонишни истарди.

— Ўртоқ командир! — деб капитан-лейтенантга ўғирилди алоқачи. — Соловей сув тагида чўкиб кетган қайиқ топибди.

— Унг тарафда аллақандай бир нарсанинг қораси кўринди, — деган товуши эшитилди трубкадан Вориводанинг, — яқинлашиб боряпман.

— Бўпти, бўпти! Боравер! — деб жавоб берди Трофимов айни вақтда иккаласига. Кейин алоқачининг қўлидан трубкани олди-да: — Соловей! Қандай қайиқ?.. Эски? Балиқчилар қайиғи дейсанми? Яхши! Хўп! Шошма, ҳозир тортиб оламиз... Воривода, кўринган нарсани кўздан кечир. Хўп, хўп!.. Нима? Балиқчилар қайиғи? Яхши, яхши! Уни ҳам тортиб оламиз.

Командир профессорга ўғирилди:

— Менга инспектор билан Бойчукнинг қайиғи йўқолди дейишган эди. Эҳтимол, бу худди ўша қайиқларнинг ўзидир. Биз ҳозир уларни юқорига чиқариб оламиз-у, кўрамиз. Кейин яна қидирамиз.

Чўктирилган иккала қайиқни сув тагидан тез тортиб олдилар. Бунинг учун понтонлар ва кемаларни сув тагидан кўтаришда қўлланиладиган бошқа мураккаб техникани ишлатишнинг ҳожати бўлмади. Қайиқнинг бир учига ингичка металл арқон боғладилар, кейин куч билан арқоннинг учидан тортган эдилар қайиқ оп-осон сув юзига қалқиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам қайиқлардан бири янги инспекторники, иккинчиси эса — Тимофий Бойчукники эди. Қайиқлар гўё уларни аллаким жўрттага сувга ботириб юборгандек чўкиб ётарди. Улар деярли ёнма-ён ётар, бу эса балиқчи билан инспектор бир жойда бахтсизликка учраганини кўрсатарди. Қизил флотчилар «Альбатрос»ни ҳам худди шу жойдан топдик деб ишонтирардилар. Трофимов ғоввосларга қайиқлар топилган квадратлар остини айниқса диққат билан кўздан кечиришни буюрди.

Қидириш ишлари яна бир ярим соатча давом этди, лекин ғоввослар бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Капитан-лейтенант баркасга кема олдига қайтишни буюрди-да, ўзи ҳам профессор Ананьев билан қайиғида ўша тарафга жўнади.

## «АЛЬБАТРОС» ДАН ТОПИЛГАН НАРСА

Миноносецда Трофимовни штабдан олинган радиограммалар кутиб турарди. Радист унга рапорт берди-да, командир палубага қадам қўйиши биланоқ радиограммаларни унга топширди. Капитан-лейтенантнинг радиограммаларни ё ўз каютасида, ёки командир кўприкчасида ўқийдиган одати бор эди. Бу сафар у профессорни ҳам ўз каютасига таклиф қилиб, ўша ерга кирди. Бошидан фуражкасини олиб, стол устига қўйди-да, креслога ўтириб, радиограммаларни кўздан кечирди. Улардан бири айниқса унинг диққатини жалб қилди. Уни бир чегга қўйиб, командир профессорга мурожаат қилди:

— Бу оролда бўлаётган ишлар тўғрисида штабга юборган маълумотимга жавоб. Штаб менга терговчи келгунча текшириш ишлари олиб боришимни топширибди. «Буревестник» ҳозирча Лебединий оролида рейдда қола туради.

— Бу ерда нималар бўлаётганини изоҳлаб берадиган биронта ҳам из, биронта ҳам белги йўқ, бас, қандай қилиб текшириш ишлари олиб борилади!— деди ҳаяжон билан профессор.

Шу пайт эшик тақиллади-да, аллақим киришга рухсат сўради.

— Марҳамат, ўртоқ комиссар,— деб таклиф қилди Трофимов.

Каютага эсминец комиссари — ёш денгизчи Драган кириб келди.

Командир уни ўтиришга таклиф қилиб, штабдан олинган радиограммаларни узатди.

Комиссар уларни диққат билан ўқиб чиқди-да, қайтариб берар экан:

— Мен сизга бир нарсани кўрсатмоқчи эдим,— деди-да, ёнидан бир қора металл тугмача чиқариб, командир олдига, столга қўйди.

Семён Иванович тугмачани олиб, кўздан кечира бошлади. Тугмада аллақандай бир расм босилган эди, орқа томонида жиндек мовут илиниб қолганди, одамлар айтмоқчи, тугма эти билан юлиб олинган суякка ўхшарди.

— Хўп, хўп...— деди чўзиб командир.— Уни қаердан олдингиз?

— Расмини танидингизми ўзи, Семён Иванович?



— Танидим, танидим! Уни қаердан олдингиз ўзи?

— Қизил флотчиларимиздан биттаси «Альбатрос» даги сувни тўка туриб, қайиқ тагидан топибди. Уни чўнтагига солибди-ю, шу бўйи эсидан чиқариб юборибди. Кейин бирдан эсига тушиб, уни «Колумб»дагиларга бермоқчи бўлибди-ю, лекин шхуна аллақачон кетиб қолган экан. Тугмадаги расмга қизиқиб қолиб, қизил флотчи ўртоқларидан суриштира бошлабди, боцман Лапир тугмачани кўздан кечириб, уни дарров таниб қолибди. Шундан кейин улар тугмани дарҳол менга келтириб бердилар.

Профессор ҳеч нарсани англаёлмай уларнинг гапига қулоқ солиб ўтирарди. Командир унга тугмачани узатди.

— Айтинг-чи, профессор, ҳеч мана шундай тугмача кўрганмисиз?

Профессор қўлларини ёзди. Бундай тугмача кўрган-кўрмагани эсида йўғу, лекин бу расм — маълум агрессив давлатнинг герби эканлиги аниқ.

— Ҳа, баракалла. Лекин бу «Колумб»даги бирон-бир балиқчининг тугмачаси бўлиши мумкинми?

— Ҳозирча «Колумб» бу ерда эмас, эҳтимол, ороликлардан битта-яримтаси бунга жавоб бера олар,— деди профессор.

— Гапингиз тўғри,— деб қўйди капитан-лейтенант, олдида турган кулдонни нарироқ суриб.— Ҳозир қирғоққа бориб, соколийликлардан бир суриштириб кўришга тўғри келади. Текшириб кўрамиз, текшириб кўрамиз... Кетдик, ўртоқлар!

Кундуз соат бешда командир қайиғи причалга етиб келди. Трофимов Драган ва профессор билан қишлоққа чиқиб борди. Улар марҳум Бойчукнинг уйига кириб, ўша ерга бир неча қўшнилари чақиртирдилар.

Капитан-лейтенант уларнинг ҳар бирига «Альбатрос» дан топилган тугмани кўрсатиб, биронтангиз шундай тугмачани колумбчилардан битта-яримтасида кўрганмидингиз деб сўрарди. Бир неча киши кўрганимиз йўқ деб жавоб берди, лекин хотинлардан бири худди шундай тугмачани ҳалок бўлган Тимофий Бойчукнинг муштидан чиқариб олганларини эслаб қолди-да, ўша тугмани олиб кетган балиқчи йигитнинг исмини айтди. Балиқчи йигит ҳам уйда экан. Уни дарҳол чақиртирдилар.

— Айтингчи,— деб ундан сўради комиссар,— сиз Тимофий Бойчукнинг қўлидан олган тугмача қани?

— Мендан уни Зоря Находка олган эди.

— Нима учун?

— У тугмачани кўриб қолди-да, Тимофийдан хотира бўлсин деб, беришимни жуда илтимос қилди. Мен олдин ўзим олиб қўймоқчи эдим, кейин эса унга бердим.

— Бу ўша тугмачами?— деб сўради капитан-лейтенант, тугмачани унга кўрсатар экан.

— Ўша,— деб ишонч билан жавоб берди балиқчи.

— Демак «Альбатрос»да уни Зоря қолдириб кетган эканда,— деб қўйди ўйчанлик билан Ананьев.

Балиқчи тугмачани олди-да, унинг орқа томонига қизиқиб қолди шекилли диққат билан кўздан кечира бошлади. У нимадандир ҳайрон бўлиб, ҳадеб елкасини қисарди.

— Ўша тугмачанинг ўзими?— деб эсминец командири саволини такрорлади, балиқчининг юзига тикилиб қарар экан.

— Ушанинг ўзи-ю, лекин аллақаери чатилибди.

— Яъни?..

— У тугмачада мовут парчаси йўқ эди, бу яхши эсимда.

— Йўқмиди?

Ҳамма балиқчи йигитга тикилиб қолди.

— У тугмачанинг орқасида ҳеч нарса йўқ эди, бу жуда яхши эсимда.

Ҳамма жим турарди. Трофимов балиқчидан тугмачани олиб, унинг орқа томонини диққат билан кўздан кечира бошлади.

— Бу тугмачани жуда қаттиқ қилиб чатишган экан,— деди ниҳоят, у ўйчанлик билан.

Бундан кейинги суриштиришлар ҳеч қандай натижа бермади. Командирнинг қош-қовоғи солиниб қолди—у бу сирнинг тагига етолмади.

— Энди кемага қайтсак ҳам бўлади!— деб комиссарга ўғирилди Трофимов.

Уйда тўпланганларнинг ҳаммаси унинг кетидан ҳовлига чиқдилар. Осмондан металл пропеллерларнинг гувиллагани эшитилди — денгиз тарафдан гидросамолёт учиб келарди. У кўрфаз устида бир айланиб, қўниш учун пастлашиб келаверди. Самолёт кўрфазнинг ўртасига қўниб, сувда қишлоқ тарафга сузиб кела бошлади ва соҳилдан юз метр нарида тўхтади. Самолёт бортига қизил билан «Балиқ разведкачиси» деб ёзиб қўйилганди.

Самолётда икки киши қимирлашарди. Машинани лангар ташлаб тўхтатиб қўйиб, улар соҳилга ҳаво пуфлаб тўлдирилган резинка қайиқда сузиб кела бошладилар. Қайиқ бир қарасанг пучайиб дами чиққан коптокка, бир қарасанг калошга, яна бир қарасанг, қутқарувчи белбоққа ухшарди. Балиқчилар қайиққа ҳайрон бўлиб қараб туришарди, лекин қайиқ ётиб келганда, ҳарбий денгизчилар ҳам ҳайрон қолишди. Қайиқдан чарм шлём кийган одам чиқиб келди. Шубҳасиз бу одам учувчи эди, лекин унинг сўл оёғи ёғочдан эди.

### VIII боб

#### БАЛИҚ АХТАРУВЧИЛАР

Бу воқия биз тасвирлаётган ҳодисалардан бир неча йил илгари бўлган эди. Булутсиз тиниқ осмонда юлдузлар чарақлаб турган баҳор кечаларининг бирида самолётлар ангарлардан<sup>1</sup> шовқин-суронсиз кўтарилди. Шамолнинг ёқимли нафаси аэродромдан черемуханинг хушбўй ҳидини, сирень ва яна аллақандай гулларнинг ёқимли ҳидини олиб келарди. Мана, осмонда учиб кетаётган юлдузлар кўринди. Улар гоҳ қизил, гоҳ оқ, гоҳ кўк рангда чарақлар ва тўғри чизиқ бўйлаб шу қадар тез учардики, уни кўрган ҳар қандай астроном ҳам ҳайрон қоларди. Лекин аэродромдагилар ҳайрон бўлмасди. У ердагилар бу юлдузларнинг кечаси машқ қилиб юрган самолётлар бортидаги ва думидаги чироқлар эканини билишарди.

Жанговар ҳаво кемалари қоп-қоронғи зимистонда учиб юрарди. Улар бомба ташлашни машқ қиларди. Учувчилар приборлар ёрдами билан йўл юриб, полигонни топишлари, қўйиб қўйилган мўлжалларни нишонга олиб, запас бомбаларни ташлашлари керак эди.

Мана, ҳаво кемалари осмонга кўтарилди, кейин қоронғилик ичига кириб ғойиб бўлди. Аэродромдан уларнинг чироқлари кўриниб турибди, лекин бир минут ўтар ўтмас аэродром кузатувчиси уларнинг изини йўқотди. Учувчилар полигон тарафга йўл олдилар. Кузатувчи-

<sup>1</sup> А н г а р а — самолётнинг турадиган жойи.

учувчи ричагни босади, пўлат совгалар тўппа-тўғри мўлжалга тушиб ерни ўтли учқунлар билан ёритади.

Ҳамма бомбаларни ташлаб бўлдилар. Битта қолди. Шунда бирдан портлаш овози эшитилди. Машиналардан бирининг тагидаги бомба портлаган эди. Ҳаво кемаси даҳшатли зарбадан титраб кетди. Бошқа машиналардаги учувчилар фикран ўз жанговар ўртоқлари билан хайрлашдилар.

Уша куни кечаси шикастланган самолёт ўз аэродромига қўнди. Бомба парчалари самолётнинг фюзеляжини, қанотларини, иккала рулини пачоқлаб юборди, лекин руль асбоблари бутун қолди, бу эса учувчига самолётни осмонда ушлаб туришга имкон берди. Экипаж омон қолди. Фақат учувчи ярадор бўлди. Уни кабинадан қонга беланган, оёғи синган ва боши оғир ярадор бўлган ҳолда олиб чиқдилар.

Учувчининг исми-фамилияси Пётр Петрович Бариль эди. Жуда мардлик кўрсатгани учун уни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотладилар.

Ўз бригадасида Бариль энг яхши учувчи ҳисобланарди.

Бариль касалхонада узоқ ётди, соғайиб чиққандан кейин ўртоқлари ва командирлари уни кўриб юраклари эзилди: сўл оёғи ўрнида шими тагидан думалоқ ёғоч оёқ дўппайиб кўриниб турарди.

Пётр Петрович Бариль ҳарбий хизматдан бўшатилиб, инвалидлик пенсиясига чиқарилди. Бариль марказга боришга муяссар бўлди, у ерда учувчига ташаккур билдириб орден тақдим этдилар. Лекин Бариль ўз ҳаётини авиациясиз тасаввур қилолмас, таниш-билишларини мен ҳали албатта учаман деб ишонтирарди.

Бариль охири ўз айтганини қилди. Жуда кўп комиссиялардан ўтиб, пассажир олиб юрмайдиган енгил самолётларда учишга рухсат олди.

Йил охирида Рибтрестнинг Лузани базаси очиқ денгизда балиқ ахтаришга хизмат қиладиган самолёт олди. Балиқчилик авиациясининг тажрибаси балиқларнинг катта-катта галалари ва дельфин тўдаларини самолётлардан кўриш анча осон эканлигини исбот қилди. Самолётлар уларни денгизда бирпасда топишиб, ўша ерга балиқчи билан овчиларни дарҳол чақиришарди.

Лебединий ороли кўрфазида ғоввослар сув тагини қидиришаётган куни учувчи Бариль Лузани Рибтрести-

нинг «Балиқ разведкачиси» деган самолётини қабул қилиб олиб, биринчи разведкага учди. У билан бирга штурман-кузатувчи Петимко ҳам парвоз қилди.

Учувчиларни кузатишга Рибтрест конторасининг деярли барча ходимлари ва ўша вақтда Лузанида бўлган балиқчиларнинг ярмиси келди. Контора бошлиғи самолёт осмонга парвоз қилишдан олдин нутқ сўзлаб, ҳаво балиқ разведкачиларига муваффақият тилади. Кичкинагина гидроплан шовқин-сурон кўтариб, сув юзида деярли бир километрча сузиб борди-да, осмонга кўтарилди. Бариль ўзича механикни мақтаб қўйди: бензин баклари, гўё учувчи узоқ масофага учидан рекорд қўйишга кетаётгандек, лим-лим тўла эди.

Бариль денгиз устида учиб бораркан мамнун бўлди: машина жуда пишиқ, енгил, яхши ишлар эди.

Очиқ ҳаво кенг денгизни кузатиш имкониятини берарди. Учувчи билан штурман узоқда бир неча пароход, Лузанига яқинроқда — жуда кўп балиқчи шаландалари, порт билан Лебединий ороли ўртасида эса кичкинагина мотроли кема кўрдилар. Бу «Колумб» эди. Лекин учувчи билан штурман унга эътибор бермадилар.

Соҳилдан анча узоқлашиб, улар саёз жойлардан ўтиб кетдилар, шунда штурман бир жойда сув устида чайкаларнинг катта бир галаси айланиб юрганини кўриб қолди. Петимко Барилни бир туртди-да, сўзлашадиган трубкага чайкалар устидан учиб ўт деб қичқирди. Учувчи ўша тарафга бурилди. Штурман диққат билан пастга қаради. У янглишмаганди: денгизда ҳамса балиғининг жуда катта галаси сузиб борарди. Чайкалар худди ўшаларни ов қилмоқда эдилар.

Инструкция бўйича, учувчилар бу районда балиқ учратса, Лузанига эмас, балки Лебединийга учиб боришлари ва ўша ердаги балиқчиларга бу ҳақда хабар беришлари лозим эди. Бариль орол тарафга бурилди. Штурман блокноти устига энгашди, қаршидан уриб турган кучли шамол блокнот варақларини йиртиб ва учириб кетмасин деб шамолдан тўсиб, ҳамса балиғининг қаерда учратилганини ёзиб қўйди. Худди шу пайт Бариль қўли билан Петимкони туртиб, пастни, денгизни кўрсатди. Кузатувчи пастга қаради. У учувчи бирор кема ёки балиқ галасини кўриб қолди шекилли деб ўйлади, лекин ўзи ҳеч нарса кўрмади. Сувда аллақандай қора бир доғ кўринди, лекин у штурманнинг диққатини жалб қилма-

ди. Бариль яна бир неча марта штурманга ўгирилиб қараб, унга пастни имлаб кўрсатди, лекин у барибир гап нимада эканини тушунмасди.

Пилот ўзини қизиқтириб қолган нарсани кўздан йўқотди. Кўп ўтмай Лебединий оролининг кўрфази кўринди, шундан кейин «Балиқ разведкачиси» қўниш учун пастлашди.

Бариль самолётни кўрфазнинг нақ ўртасига қўндирди. Маневр қилиш учун унга ҳеч нарса ҳалақит бермасди. Эсминецни жуда қизиқиб томоша қилгандан кейин учувчи машинани соҳилга ҳайдади. У лангар ташлаш билан овора экан, Петимко автомобиль насосидан резинка қайиққа ҳаво тўлдирди, бир неча минутдан кейин эса улар қирғоққа қараб сузиб кетдилар. Кемалар тўхтайдиган жойда уларни иккита ҳарбий денгизчи ва бир қанча балиқчилар кутиб турарди. Учувчи сақраб соҳилга тушди-да, ёғоч оёғини дўқиллатиб чаққон балиқчилар олдига келди. У честь бериб ўзини танитди:

— Старший-лейтенант Бариль, вақтинча гражданлик хизматида балиқ ахтарувчи вазифасини адо этяпман. Ҳов анави машинанинг командириман,— деб у ўз самолётини кўрсатди.— Бу эса менинг экипажим — Михаил Степанович Петимко,— деб у штурманни таништирди.

Петимко қайиғини боғлаб бўлиб, одамлар олдига келди.

— Балиқ овига жўнашингиз мумкин,— деб балиқчиларга қаради Бариль ва Петимкони кўрсатиб, қўшиб қўйди.— Сизларга унинг қаерда ва қандай балиқ эканини бу киши айтиб беради.

Лебединий оролида штурманни танирдилар. У икки йил бурун Рибтрестнинг Лузани контораси қарамоғидаги кемалардан бирида ишлаган, кейин эса Қаспий денгизига ўқишга кетган эди.

Балиқчилар дарҳол денгизга чиқишга ҳозирлик кўра бошладилар. Бир неча кун об-ҳаво яхши бўладиганга ўхшайди, бундан фойдаланиб қолиш керак. Шаландалар денгизга эрталаб, қирғоқдан денгизга шамол эса бошлаши билан чиқишлари керак, шунинг учун Соколинийда иш қайнади, чоп-чоп бошланди. Озиқ-овқат ҳозирлашар, елканлар ва мойланган плашчларни ямашарди.

Бариль олдига денгизчилар билан профессор келди. Трофимов самолётнинг желганидан фойдаланиб, Лузани-

га соҳил мудофааси маҳаллий группасининг бошлиғига хат юбормоқчи эди, профессор эса ўзини бирга олиб кетишларини сўради. У оролга терговчининг келишини тезлатиш умидида эди.

— Хатни олиб кетишим мумкин,— деб жавоб берди Бариль,— хатдан қанча бўлса ҳам олиб кетамиз, лекин одам ололмайман, азизим, ҳеч иложи йўқ. Ахир машинамиз икки ўринли, сизни қаёққа ўтқизаман.

Трофимов ҳам ўша келадиган одам Лебединийга эртага етиб келади деб, профессорни учишдан қайтарди.

— Бунга ишонсангиз бўлади,— деди у.

Ананьев ноилож рози бўлди.

— Хўп, саломат бўлинглар,— деб, учувчи ва штурман билан хайрлашди Трофимов.— Ўн беш минутдан кейин қайиқда сизга пакет бериб юбораман.

— Денгизда ҳеч нарса сезмадингларми?— деб сўради комиссар хайрлашар экан, Барилнинг қўлини қисиб.

— Сув ости кемасидан бошқа ҳеч нарса кўрганимиз йўқ.

— Сув ости кемаси дейсизми?— деб сўради сув бўйига юра бошлаган Трофимов, ўгирилиб.

— Ҳа, сув ости кемаси кўрдик. Мен штурманга ҳам кўрсатдим.

— Мен ҳеч қандай сув ости кемасини кўрагим йўқ,— деди Петимко.

— Нега кўрмас экансан? Сенга кўрсатдим-ку! Кўрдим деб бош иргитиб ҳам қўйдинг.

— Пастни имлаб кўрсатганингдами? Шу ўртада, оролга яқин жойдами?

— Ҳа, худди ўшанда.

— Ахир мен ҳеч нарса кўрганим йўқ!

— Сенам кузатувчиман деб юрибсан-да!— деди жаҳли чиқиб Бариль.— Ҳамсани кўрибсану, лекин... каттакон филни кўрмабсан-да, қойлман-ей! Сув тагида кўринган қора доғ эсингдами?

Штурман ҳеч нарса деб жавоб бермади, фақат қўлларини ёзди.

— Сиз нима учун уни сув ости кемаси деб ўйлайсиз?— деб сўради Трофимов.

— Ишонаверинг, мен уни йигирма метр чуқурликда сузса ҳам билиб оламан! Мен ҳарбий авиацияда хизмат қилганман, гидропланларда ҳам биринчи учишим эмас.

Кемага қайтишар экан, командир комиссарга деди:

— Назаримда, маневрлардан кейин бутун сув ости флотимиз жануб-ғарбий қўлтиқда ўтказиладиган ўқишга йиғилиши керак эди.

— Дарҳол штабдан сўраш керак,— деб жавоб берди комиссар.

— Ҳа, ҳа!— деб розилик билдирди командир.

Уларнинг қайиғи эсминец борти олдига етиб келди.

## IX боб

### Ҳ У Ж У М

Тўсатдан ва сирли бир равишда ғойиб бўлиб қолган ёш қаҳрамонларимизга қайтайлик.

Андрей Камбала, «Альбатрос» шхунадан нарироққа бориб тўхтади ёки ҳатто орқасига ҳам қайтди деб ўйлаганда янглишмаган эди. Ҳақиқатан ҳам худди шундай бўлди. Зоря тилга кириб, Тимофий Бойчук билан янги инспекторнинг ҳалок бўлганини айтганда, Марко билан Люда дарҳол шхунага қайтмоқчи ва бу қайғули янгиликни ўртоқларига айтмоқчи бўлишди. Люда қайиқни орқага бурди ҳам, Марко бир оз ўйлаб, ҳар ҳолда, олдин балиқни элтиб берайлик деб таклиф қилди:

— Эсминецга дарров борамиз-у, қайтамиз, бирйўла бўлган воқиалар ҳақида денгизчиларни ҳам хабардор қилиб қўямиз.

Люда рози бўлди, кейин улар яна сузиб кетдилар.

Шхуна дарҳол туман орасида кўздан ғойиб бўлди. На соҳил, на эсминец кўринмасди. Марка эшакка зўр бермоқчи бўлди, лекин бунинг фойдаси бўлмади. Унинг диққатини Зорянинг ҳикояси чалғитган эди. Люда туманда адашиб қолмаслик учун гарчи компасдан кўзини узмаса ҳам, лекин қизнинг бирон оғиз сўзини ўтказиб юбормай қулоқ солар ва саволлар бериб, Зорянинг ҳикоясини тез-тез бўлиб турарди. У эса чўкиб ўлганларнинг қандай ғойиб бўлиб қолганларини, уларнинг мурдаси қандай топилганини қисқа ҳикоя қилиб берди-да, ўз курткасининг чўнтагидан қора металл тугма олиб, ўртоқларига кўрсатди:

— Бу тугмани Тимоша амакидан топишди. У буни муштира маҳкам қисиб ушлаб ётган экан. Зўрға олишибди.



Марко эшкак тортмай қизчанинг қўлидан тугмачани олди. Бундай тугмани у биринчи кўриши эди.

— Одамлар, Тимоша амаки сувга тушиб кетгандан кейин, афтидан, кийимини ечиб ташламоқчи бўлгану, лекин фақат тугмасини узиб юбора олган холос дейишди,— деб давог эгди Зоря.— Лекин унинг бундай тугмачаси борлигини мен билмайман. Кейин мен унинг ўша кунги энгил-бошларидаги барча тугмачаларни атайин кўздан кечириб чиқдим, лекин кийим-бошларида ҳамма тугмалари жойида эди, биронтаси ҳам узилмаганди.

— Ростданми?— деб савол назари билан унга қаради Марко.— Бу тугмача қаердан келиб қолган бўлмаса?

— Менимча,— деб жавоб берди Зоря,— Тимофий амаки бу тугмани уни чўктириб юборган одамдан узиб олган.

Қайиқ бир жойда турарди. Марко эшкак эшмас, Люда эса рулга қарамай қўйганди. Иккаласи ҳам Находкага қараб, унинг ҳар бир сўзини салмоқлаб кўрмоқда эдилар.

Шу тарзда бир минут ўтди. Лекин бирдан сувнинг шалоплаши эшитилиб, Зоря ўгирилиб қаради. У ўздан сал нарироқда икки киши тушган қайиқни кўриб қолди. Қайиқ туман орасидан чиқиб келди-ю, сездирмасдан «Альбатрос»га яқинлашиб келаверди. Қизча ким келатганини билиш учун диққат билан қараб турарди, лекин ҳеч нарса тушунолмади. Зоря қайиқнинг ғалати шаклда эканлигини кўриб ҳайрон қолди. Қизча ҳаво тўлдириб шишириладиган клиперботларни сира кўрмаганди, бу қайиқ эса худди ана шундай каттакон клипербот эди.

Марко билан Люда ҳам қайиқни кўриб қолдилар ва унинг яқин келишини кутиб турдилар. Қайиқда ўтирганларнинг кийим-бошлари худди ҳарбийларникига ўхшарди.

— «Буревестник»данмикан?— деб секингина сўради Люда.

— Шунақага ўхшайди,— деб жавоб берди юнга ва:— Салом, ўртоқлар!— деб қичқирди.

Ҳаво тўлдирилган қайиқ болаларнинг қайиғига ёндашди. Нотаниш кишилардан бири саломлашиб, қўлини кўтарди. Бошқаси, орқасини ўгириб ўтиргани, қайрилиб қаради. Унинг мўйлови ва узун соқоли бор эди. Бу одам Маркога танишдек туюлди, лекин у «Буревестник» эки-

пажда кимнинг бундай соқол ва мўйлови борлигини эс-  
лай олмади. Эсминецда фақат бир киши соқол қўйган  
эди: у интендант, муддатдан кейин ҳам кемада қолиб  
хизмат қилаётган младший командир бўлиб, кемада  
озиқ-овқат ишлари билан шуғулланарди. Лекин бу одам  
асло унга ўхшамасди.

— Биз бўлсак, сизнинг кемангизга кетяпмиз,— деди  
юнга.

— Ростдан-а!— деб кулди соқолли киши.

Унинг овози ҳам Маркога таниш эди.

Йигитча соқолли кишини таңирмикин-танимасмикин  
деб қизларга қаради. Люда Зоряга қараб турарди. Зоря  
эса гўё қотиб қолгандек нотаниш кишига қўрқув ара-  
лаш, қимир этмай қараб ўтирарди. Шунда бирдан Мар-  
ко унинг кимлигини таниб қолди: соқолли киши — ди-  
версант — фотограф, жосус, қотил Анч эди. Йигитча  
бошқа ўгирилиб қарамади, у бу киши Анч эканлигига  
имони комил эди. Люда ҳам Анчни таниди. Марко буни  
қизнинг қош-киприклари пирпираб кетганидан сизди.  
Юнга эшакни маҳкам қисди. Дарҳол кетиш, қочиш  
керак, агар ҳужум қилишса, шхуна ва эсминецдагилар  
эшитсин учун қичқириш керак... Бирдан унинг фикрлари  
узилиб қолди. Тўсатдан бошида қаттиқ гаранг қилади-  
ган оғриқ сизди, кўзлари тинди, қулоқлари шанғиллаб  
кетди. Шундай бўлса ҳам Марко ўгирилиб Анчнинг ки-  
телидаги тугмасини ушлаб олди-да, жон аччиғида уни  
юлқиб торта бошлади, лекин бошига яна бир зарб туш-  
ди-ю, ҳушидан кетди..

Люда соқолли кишининг гўё пружинадек ирғиб ўр-  
нидан турганини, қулочкашлаб туриб Марконинг бошига  
қаттиқ урганини кўрди, холос. У бошқа ҳеч нарса кўр-  
мади. Соқолли кишининг шериги чаққон Люданинг бо-  
шига қоп ёпиб олди-да, «Альбатрос»нинг тагига йиқитди.  
Юз бераётган ишларнинг бирдан-бир гувоҳи Находка  
бўлди, у ҳам ўша ондаёқ: «Қутқаринглар!» деб қичқир-  
ганча ўзини сувга ташлади.

Находканинг бир омади келди-ю, лекин барибир қути-  
либ кетолмади. У ўзини сувга ташлади, аммо Анч қиз-  
чанинг оёғидан ушлаб олиб, қайиққа тортди. Находка  
бошқа оёғи билан тепиниб, типирчилаб олдинга инти-  
ларди. Диверсант уни маҳкам ушлаб олганди, кейин  
эса иккинчи оёғидан ҳам тутиб олди-да, қайиққа тортиб  
чиқарди. Эпчиллик билан ўз асирасининг қўлини орқа-

сига қайирди. Қиз яна бир марта қичқиришга улгурдию, кейин унинг оғзига аллақандай бир латта тикдилар. Унинг кўзларини боғлашмади, шунинг учун у Марко билан Людага нима бўлганини кўриб турарди. Дастлаб қиз бизни сувга чўктириб юборишса керак деб ўйлади. Анч шериги билан аллақандай чет тилда сўзлаша бошлади. Афтидан, улар «Альбатрос»ни нима қилсак экан деб маслаҳатлашмоқда эдилар. Жосус ёрдамчиси қўлига пақир олиб, қайиққа сув тўлата бошлади.

Шу вақт туман орасидан одам овози эшитилди: шхунадан Андрий Камбала қичқирмоқда эди. Зоря баянги қичқиригини эшитиб, уларнинг безовта бўлаётганларини тушунди. Кўп ўтмай яна қичқиришди. Босқинчилар шошиб қолиб «Альбатрос»ни ташлаб кетдилар. Қизча улар ҳеч кимни чўктириб юбормоқчи эмасликларини, балки, аксинча, учаласини ҳам ўзлари билан олиб кетмоқчи эканликларини билди. Босқинчилар эпчиллик билан асирларнинг қўлтиғи остига қутқарувчи пўкак белбоғлар боғладилар-да, учаласини сувга ташлаб, уларни арқон билан ўз қайиқларига боғлаб қўйдилар. Ҳамма асирларнинг қўл ва оёқлари боғлаб ташланди. Люданинг бошидан қопни олишмадилар — афтидан, Анч қизни энг хавфли деб ҳисоблар эди.

Асирларни шатакка олган ҳаво тўлдирилган қайиқ шошиларди. Ярим чўккан «Альбатрос» туман орасида кўздан йўқолди. Зоря яна бир неча марта одамларнинг қичқирганини эшитди, кейин сирена товуши эшитилди, лекин ҳеч ким улар қаршисидан чиқмади. Зоря ўша томонда, туман орасида, уларни ахтаришаётганини биларди, у оғзидаги латтани олиб ташлашга ва қичқиришга уриниб кўрди. Лекин ҳаракатлари зое кетди. Оғзи жуда бемаза бўлиб кетган, бўғилиб қолганди, қизчани дилхасталик чулғаб олди. Бошини сал буриб, у боғлаб қўйилган арқонларда поплавклар сингари сув юзида қалқиб бораётган Марко билан Людани кўрди. Юнганинг боши осилиб қолганди. Унда ҳаётдан асар ҳам кўринмасди.

Люданинг аҳволи оғирроқ эди. У ҳеч нарса кўрмас, лекин унинг оёқ ва қўлларини боғлашганини, сувга ташлашганини ва энди аллақандай бир юкдек судраб кетишаётганини сезарди. Қопдан деярли ёруғ ўтмас, қиз бечора мутлақо ожиз бўлиб қолганди. «Улар бизни мушук боладек чўктириб юборишади» деб ўйларди у, қоп

ичида димиқиб ётар экан. Бу қўрқинчли саёҳат яна қанча вақт давом этаркин?

Саёҳат эса ярим соат давом этди. Саёҳат тамом бўлгунча яна бир саргузашт юз берди. Совуқ сувда Марко ниҳоят ўзига келди; у кўзларини сал очиб, нима гап бўлганига тушунолмай, яна бирпас сузиб борди. Эс-ҳушига келгандан кейин, у кучининг борича олға ташланмоқчи бўлди-ю, лекин оёқ-қўлларининг маҳкам боғланганини сезиб қолди.

Қайиқдагилар Марконинг калласини кўтарганини дарров сездилар, шундан кейин уни дарҳол олдиларига тортиб олиб кўзларини боғлаб, оғзига латта тикдилар. Йигитча бошини олиб қочарди, шунда у Анчнинг қўлларини тишлаб олди. Диверсант жон аччиғида йигитчанинг бошига мушт билан солди, лекин бу сафар юнга ўзидан кетмади.

Анч Находкани яқин тортиб, унинг ҳам кўзини боғлаб қўйди.

Беш минутдан кейин асирлар қайиқнинг тўхтаганини сездилар, у бирор соҳилга ёки қандайдир бир кеманинг олдига етиб келган бўлса керак. Секин-аста гаплашаётган одамларнинг товуши эшитилиб турарди. Улар уч асирдан фақат Люда тушунадиган ажнабий тилда сўзлашардилар.

— Нечтасини судраб келдинглар?— деб сўради аллаким, афтидан, асирларни назарда тутиб.

— Овимиз жуда ўнғидан келди, лекин биз уларни дарров...—деб жавоб берди бошқаси. Кўринишдан, бу Анч эди.

— Ичкаригами?

— Ҳа, олинглар. Бу ердан тез жўнаб кетиш керак!

— Хавф борми?

— Битта эси паст қиз шовқин кўтарди. Кўрфазда ҳарбий кема турибди, улар аллақачон қидиришаётган бўлса ҳам ажаб эмас.

Кучли қўллар асирларни сувдан тортиб олди. Одамларнинг ҳаракати ва қадам товушларидан Марко ўзларининг аллақандай бир кемада эканликларини сизди. Кейин уларнинг оёқ-қўлларини бўшатмасдан аллақаёққа пастга олиб тушдилар. Афтидан, йўл тор, бундай юкни олиб ўтиш учун ноқулай эди. Маркони бир неча марта эшикка, деворга, эҳтимолки, трап тутқичига уриб олдилар. Юнга трап зинасининг нечталигини санашга ҳаракат қилиб кўрди, лекин силкитаверганларидан янглишиб кетди.

Ниҳоят, уларни алланарса тўшалган жойга келтириб

ташладилар. Люданинг бошидан қопни олдилар, лекин хона ичи қоп-коронғи бўлганидан қиз барибир ҳеч нарса кўролмади.

Бошидан қопни олиб ташлаган киши хонадан чиқиб кетаётганда қиз эшик орқасида электр чироғи ёниб турганини кўрди. Лекин эшик дарров ёпилиб қолди, бундан хужра яна ҳам қоронғилашгандай бўлди. Аини вақтда учаласи ҳам ниманингдир титраётганини сездилар... афтидан, ўзлари тушган кема суза бошлаган эди. Марко буғ машиналарининг тақирлаши ёки дизелнинг гувиллашини эшитишга уриниб палуба устига ётиб қулоқ солди, лекин пароход ёки теплоходларга хос бўлган бу овозларни эшитмади.

Арқон уларнинг оёқ-қўлларини оғритарди, чўзилиб ётиш ҳам жуда ноқулай эди, лекин Марко бу аҳвол узоқ чўзилмас деб ўйларди. Уларни кемада сайр қилдириш учун ушлаб келганлари йўқ, албатта. Бордию Анч уни таниб қолганларидан ва ушлаб беришларидан қўрқса, уларни ҳадемай йўқ қилиб юборса керак. Лекин буни нима учун шу пайтгача қилмаганларига тушуниб бўлмас эди. Ахир улар худди шу тарзда қўлга туширган инспектор билан Тимофий Бойчукни чўктириб юборган эдилар-ку. Ҳар ҳолда, кўрфазда аллақандай жиддий ишлар юз бермоқда эди. Лекин улар тушган мана бу кема қаердан пайдо бўлди? Анч бу ерда яна қандай даҳшатли ишлар қилмоқчи? У қандай қўрқинчли жиноятларни ўйлаб юрибди? Йигитча балким оролда аллақандай хазина ёки муҳим ҳужжатлар яшириб қўйилгандир, балким, оролда яширин база қурмоқчилардир, ёки бу ерда улар битта-яримта одамнинг бошига етмоқчидир деб ҳар хаёлга борарди... Лекин ўйлай-ўйлай Марко маълум хулосага келди: кейинги вақтларда юз бераётган ҳодисалар торианит ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси профессор Ананьевнинг торианитли қум топишидан бошланди. Лекин душманлар бу ердан бутун торианитли қумни ўғирлаб кетишолмайди-ку! Уни бир кечада кемаларга ортиш учун деярли бутун дунё флоти керак бўлади-ку... Бунинг устига қум тепани ҳали ковлаб олиш керак... Кейин Марко жосуслар бизни, афтидан, айрибошлаш учун кафил сифатида фойдаланишга уриниб кўрмоқчилар, кейинчалик бизни бирор одамга алиштириб оладилар шекилли деб ўйлади. Борди-ю, уларни жиноятчиларга ёрдам беришга мажбур қилсалар-чи? Марко босқинчиларнинг буйруқла-

рини бажаришдан кўра, ўлганимиз яхши деб қатъий аҳд қилиб қўйди. Уларга совет балиқچиси билан совет денгизчисининг мардлиги ва мустақамлигини кўрсатиб қўйиш керак.

Энди у ўзини ўйдамас, уни фақат қизларнинг тақдирини кўрқитарди. Наҳотки уларни мана шу номаълум кема ичида ҳалок қилиб юборсалар ёки денгизга чўкитриб юборсалар!

Калит товуши эшитилди. Аллаким эшикни очди. Ичкарига кимдир кирди. Включатель чиқ этди, шундан кейин кучли ёруғдан Люданинг кўзлари қамашди. Марко билан Зоря кўзлари боғлаб қўйилган латта тагидан ҳам ёруғ сездилар.

## Х боб

### ДУШМАН КУРИНМАС ҚАЛПОҚ ТАГИДА

Биринчи жаҳон империалистик урушининг иккинчи оёи. Европа қитъасининг ғарби ва шарқида замбаракларнинг гумбур-гумбури тинмас, полклар ва дивизиялар атакага борарди, немис қўшинларининг галалари Бельгияни босиб кетди, Шарқий Пруссияда, Польша ва Галицияда жанглар қизиб кетди. Денгизда уруш унчалик сезилмайди. Немис кемалари ўз порт уяларига яшириниб олиб, ундан чиқишга деярли таваккал қилишмас, кучли инглиз флоти билан тўқнашувдан қўрқарди. Инглиз флотининг кемалари Германия соҳилларини блокада қилиб тушдилар, ҳеч кимни портларга қўймас, ундан ҳам ҳеч кимни чиқармасдилар, Англиянинг денгиз бўйидаги шаҳарларини душман крейсерларининг ҳужумларидан қўриқлардилар.

1914 йил 22 сентябрда шимолий денгизда, Дувр қўлтиғига кираверишга яқин бир жойда, бир-биридан тахминан икки миль масофада изма-из уч инглиз крейсери: «Абукир», «Хог» ва «Кресси» сузиб борарди. Улар Англия каналида дозорлик вазифасини ўтамоқда эдилар.

Вахтада турган матрослар денгизнинг узоқ-узоқ жойларини диққат билан кўздан кечиришарди, лекин атроф тинч эди. Уфқда биронта ҳам шубҳали тутун кўринмайди. Сизгир антенналар душман радиошифридан биронта узуқ-юлуқ бўлақларини ҳам тутмасди. Узоқда сузиб юра-

диган Маас маяги қорайиб турарди, кучли шамолдан эса денгиз кумушдек товланиб мавж урарди. Бирдан гумбурлаган овоз эшитилди-ю, «Хог» крейсераининг вахтада турган матрослари «Абукир» тепасига қора тутун кўтарилганини ва кемага сув фонтандек шовиллаб тушганини кўриб қолдилар. Крейсер қуйруғи билан сувга чуқур чўкиб қолди, айни вақтда форштвенини юқорига кўтарди.

«Хог» билан «Кресси» да тревога сигналлари эшитилди. Иккала крейсер тез сузиб кетди, лекин вақт ўтган эди. Бир неча минут ичида «Абукир» чўкиб кетди. Крейсерлар машиналарини тўхтатдилар ва денгиз юзида қолганларни қутқариб олиш учун сувга қайиқ туширдилар. Шу пайт янгитдан гумбурлаган товуш эшитилди. Бу сафар «Хог» крейсери тепасида аланга лов этди, тутун ва сув устуни кўтарилди, шундан кейин бу крейсер ҳам олдингисидек жуда тез сувга чўкиб кетди. Денгиз устида фақат «Кресси» крейсери ва тўлқинлар орасида бир неча юз киши қолди. Крейсер командири ва командаси жон аччиғида шўшиб-пишиб, душманни қидиришар, лекин душман, афтидан, кўзга кўринмас қалпоқ тагига яшириниб олганди, у ҳеч қаерда кўринмасди. Яна гумбурлаган портлаш овози эшитилди, шундан кейин охирги инглиз крейсери ҳам ҳалокатга учради.

Бир соат ичида инглиз флоти уч кема ва мингдан ортиқ денгизчидан ажради. Уларни немисларнинг «У-9»<sup>1</sup> деган сув ости кемаси чўктириб юборганди.

Бу сув ости кемаси инглиз кемаларини тасодифан учратиб қолди. У инглиз каналининг ғарбий қисмига кириш учун Дувр қўлтиғига кетаётган эди, у ерда кема Буюк Британия билан Франция ўртасидаги алоқа йўлини кесиши керак эди. Қулай шароитдан фойдаланиб, сув ости кемаси учала крейсераини торпеда билан ботириб юборди. Дастлабки икки торпедани отиб бўлгандан кейин, сув ости кемаси сув тагига чуқур тушиб яширинди, торпеда аппаратларини қайтадан ўқлади-да, яна юқорига чиқиб, учинчи, охирги марта торпеда юборди.

Бу немис сув ости денгизчиларининг жуда катта муваффақияти бўлди. Ушандан кейин бундай қулай вазиятлар учрамади — сув юзида юрадиган ҳарбий кемалар жуда эҳтиёткор бўлиб қолдилар ва сув ости кемаларидан

---

<sup>1</sup> «у» — Unterseeboot деган немисча сўзнинг биринчи ҳарфи — сув ости кемаси деган маънони билдиради.

ўзларини ҳимоя қилишни ўрганиб олдилар. Лекин денгиз уруши тарихи сув ости флотининг яна жуда кўп муваффақиятларини ҳам билади. 1914 — 1918 йиллардаги империалистик уруш вақтида сув ости кемалари икки юздан ортиқ жанговар кемаларни чўктириб юбордилар. Уларга қарши беш юз эсминец, беш юз самолёт ва беш мингга яқин майда кемалар (сув ости кемаларига қарши жанг қилади) қўйилди, улар денгизга бир неча юз минг махсус миналар ташладилар.

Сув ости кемалари савдо кемаларини чўктириб ва мутлақо кутилмаган жойларга миналар ташлаб, айниқса кўп кулфатлар келтирдилар. Бундай миналарга дуч келиб инглизларнинг «Хемпшир» крейсери ва «Рэссель» лийнкори ботиб кетди.

Биринчи империалистик урушидан кейин Антанта давлатлари герман флотини босиб олдилар ва уни ўзаро бўлиб олишни мўлжалладилар. Лекин немислар Шотландиянинг шимолида, Скапа-Флоу деган инглиз денгиз кучларининг асосий базаси яқинида бўлган ўзларининг бутун кемаларини бир кечада чўктириб юбордилар; Антанта давлатлари бир юз йигирматача сув ости кемасини ўзларига қолдирдилар. Версаль битимига мувофиқ Германия жуда кўп бошқа мажбуриятлар қаторида ҳарбий кемалар ва сув ости кемалари қурмаслик мажбуриятини ҳам олган эди. Маълумки, йигирма йилдан кейин бу битимнинг биронта моддаси ҳам ўз кучини сақлаб қололмади.

Ҳозир бутун давлатлар флоти сув ости кемалари билан қуролланган. Чинакам денгиз гигантлари пайдо бўлди. Бу бутун бошли сув ости крейсерларининг экипажи юздан то бир юз эллик кишигача етиб боради. Уларнинг қуроли — ўн-ўн икки торпеда аппарати, уч-тўрт замбаракдан иборат. Катта сув ости кемаси бутун ер шарини айланиб чиқишга етадиган ёнилғи ғамлаб ола олади.

Сув ости кемаларининг сув юзида сузадиган кемаларидан заиф жиҳати — уларнинг сув юзида секинроқ сузиши, сув остида эса, ундан ҳам секин сузишидир. Сув ости кемаси соатига тўрт-беш километр йўл босиб, уч-тўрт кун сув юзига чиқмай сузиб юра олади. Лекин соатига йигирма километр тезлик билан бундай кема кўпи билан икки соат сув остида суза олади. Бундан ташқари сув ости кемаси жуда нозикдир. Унинг ҳалок бўлиши учун битта снаряднинг ёки бомбанинг келиб тегиши ёки ҳатто



кема килининг бирор нарсага урилиши кифоя қилади. Лекин бу барча заиф жиҳатларини унинг сузганда кўринмаслиги ювиб кетади.

Бизнинг қаҳрамонларимиз қандай кемага тушиб қолганликларини ўқувчи аллақачон тушуниб олган бўлса керак. Қўпурувчилик мақсади билан совет сувларида чет эл сув ости кемаси пайдо бўлди. Марко ўзининг қандай жойга тушиб қолганини асирларнинг оёқ-қўлларини ечиб, бир-бирлари билан гаплашмасликлари учун уларни бошқа-бошқа каюталарга ажратиб юборганларида тушуниб қолди.

Сув ости кемасида жой жуда ҳам кенг эмасди. Уни қурган одамнинг бир куб сантиметр жойни ҳам бўш қолдирмасликка ҳаракат қилгани кўриниб турарди. Ҳамма нарса кема командасига аниқ ўлчаб қурилганди. Маркони тор коридордан олиб ўтдилар-да, яна бир эшикни очдилар, шунда у бунга туташ хонадаги ёруғ электр чироғи нуридан эмаслигини сизди: юқоридан аллақердан иллюминатор орқали сарғиш-кўкиш нур тушиб турарди. Бу қалин сув орасидан ўтиб тушаётган қуёш нури эди. Марко сув ости кемасининг тузилишини сал бўлса ҳам билганда, у бу ёруғнинг перископ орқали ўтиб тушаётганини тушунган бўларди. Сув ости кемаси беш-олти метр сув тагидан сузиб борарди.

Маркони командир рубкаси олдидаги хонага олиб келишганди. Маркониинг ёнида унинг оёқ-қўлларини ечганларидан бери юнгани кузатиб юрган денгизчи турарди. Денгизчи унга бир неча оғиз сўз айтди, лекин юнга ҳеч нарса тушунмади. Ажнабий тиллардан у фақат инглизчани бир оз биларди. Инглиз тили бутун дунёдаги денгизчилар орасида энг кўп тарқалган тил, шунинг учун йигитча ўз қоровулига ўша тилда мурожаат қилмоқчи бўлди. Бир неча сўзларни йиғиб у:

— Бу кема қаёққа кетяпти? — деб сўради.

Кузатувчиси унга қараб қўйди-ю, лекин жавоб бермади.

— Бу кимнинг сув ости кемаси?

Қоровул жим. Унинг назаридан Маркониинг саволига тушунган-тушунмаганини аниқлаб бўлмасди.

— Соат неча?— деб сўради яна асир.

Денгизчи қўлини кўтариб, соатини кўрсатди. Соат стрелкалари олтио ўттиз минутни кўрсатиб турарди. Денгизчининг инглиз тилини тушуниши аниқ, лекин сўзла-

шишни истамасди. Юнга ўз қоровулининг кийим-бошини кўздан кечирди: унинг кийими ҳарбий форма, лекин қайси давлатники? Сув ости кемасининг командаси фақат ҳарбий денгизчилардан иборат бўлади. Улар ўз формаларини яширмасди, бу эса кейинчалик аҳволнинг ёмонлашишини кўрсатарди: Шубҳасизки, улар болани қўйиб юбормайдилар: ахир бу форма қайси давлатники эканини билмай туриб ҳам бола барибир уни эсида сақлаб қолади ва қутулиб кетолса, барини сўзлаб беради. У кемада ҳар бир нарсани назардан қочирмаслиги, гарчи тилига туншунмаса ҳам, ҳар бир сўзга қулоқ солиши керак. У ҳатто уч-тўрт сўзни эслаб қолиши ҳам керак — бу кейинчалик қароқчиларнинг қайси миллатдан эканини аниқлашга ёрдам беради. Ахир бу дўзахдан бир амаллаб қутулиб чиқиши мумкин-ку.

Юнга бирор ёзув, ҳарф ёки шунга ўхшаш бошқа нарсани топиш ниятида атрофни кўздан кечириб бошлади. У карра жадвали, мунислар ва юлдузчалардан бошқа ҳеч нарса тополмади, бу белгиларнинг қандай жойлашганини ва миқдорини эслаб қолишга уринди. Лекин уларнинг нима учун кераклигини шу-шу билолмади.

Бироқ Марко ҳатто бутун дунёдаги барча ҳарбий формаларни танийдиган бўлганда ҳам ўз қоровулининг формасини кўриб, барибир ҳайрон қолган бўларди. Бу жуда кўп флотларнинг формасига ўхшар, лекин биронтасиники ҳам эмасди. Тинч вақтда бегона сувларда ёвуз ниятлар билан пайдо бўлган сув ости кемасининг қўмондонлиги ҳар эҳтимолга қарши ҳар хил маскировка кийиб ўзини яширарди. Деворлар, эшиклар ва машиналарга ёзув ва белгилар ўрнига қўйилган ҳар хил икслар, терилар ва юлдузчалар шу хил маскировкаларнинг бири эди. Ҳамма нарса ҳам тасодифан иш барбод бўлиб қолса, ўзларининг қайси давлатга тегишли эканини билдирмасликка мўлжалланган эди. Фақат Анч формали тугмачалар қадалган китель кийиб олганди. Ҳар қандай маскировкада ҳам бирон бир арзимас нарса яширин ишловчилар назар-этиборидан четда қоладикки, бу зийрак разведкачига анча иш беради.

Марко деворга суялиб турарди. Қимирламай ётишдан ва оғир калтакдан кейин у жуда чарчаб, қолдан тойиб қолди. Қўллари калтакдан шилиниб, кўкариб, мўматалоқ бўлиб кетганди. Оёқлари ундан ҳам бадтар эди. У билан ёнма-ён турган қоровул деворга ўрнатилган план-

кани тортди, шунда юмшоқ вагонлар коридорида бўлаган очма стулларга ўхшаган бир стул очилди, лекин у ёғочдан эмас, алюминдан қилинган эди.

Қоровул йигитчага стулни кўрсатди. Марко ўтирди. Унга денгизчи ачинаётгандек туюлди.

Коридордан Анч ўтиб кетди. Унинг соқоли йўқ эди, шунинг учун юнга дарҳол таниди. Анч юнганинг исзига бир назар ташлади-ю, уни кўрмаган киши бўлиб командир рубкасига қараб кетди.

Сув ости кемаси тўхтамай аллақаяққа сузиб борарди. «Афтидан, кундуз кун яшириниб ётиш учун очиқ денгизга кетаётган кўринади», деб ўйлади Марко. Марко энди ҳаяжонланмасди. Уни уйқу боса бошлади. Юнга кечаси кам ухлади, оғриқ ва ҳаяжонлардан жуда чарчаб қолди. Қоровулдан соат неча бўлганини яна сўради. У индамай соатини кўрсатди. Улар коридорда қирқ беш минутдан бери ўтиришган экан. Бу вақт ичида ичкарига Анчдан бошқа ҳеч ким кирмади.

Сув ости кемасида, агар электромоторлар шевқини билан девор орқасидан эшитилаётган аллақандай тақиртуқурни ҳисобга олмаганда, жимжитлик ҳукм сурарди. Люда билан Зорянинг қаердалигини Марко билмасди.

Қоровул ҳам, кўринишдан, туравериб чарчади шекилли ўзига худди Маркога очиб берган стулчадан бирини очди-да, бамайлихотир ўтириб олди. Фақат ҳар замонда бир, Марконинг назарича, қоровул унга кўз ташлаб қўярди. Матрос алланарсага диққат қилаётгандек туюларди, шунинг учун кўзларида қизиқиш белгилари акс этарди.

Командир рубкасининг эшиги очилди. Ундан Анчнинг калласи кўринди.

— Марко Завирюха, киринг! — деб буюрди жосус.

Қоровул ирғиб туриб, девор тагида қотди. Юнга ўрнidan туриб ичкари кирди. Анч уни олдинга ўтказиб юборди.

Марко сув ости кемаси командири қаршисида турарди.

## XI боб

### СУРОҚ

Командир хонаси икки қисмга: ётоқхона ва кабинетга бўлинган. Ётоқхонада пружинали койка, умивальник, тумбочка ва чоғроқ гардероб бор эди. Уларнинг ҳаммаси

кабинетдан пишиқ тўқ зангори бахмал тўсиқ билан ажратилган. Кабинет кичкинагина бўлиб, унга кўпи билан олти киши сифиши мумкин эди, ўшанда ҳам ҳамма учун ўтиришга жой топилмайди. Кичкинагина ёзув столи айна вақтда пўлат сандиқ ва жавон ўрнини ҳам босарди. Столнинг тепаси баландлиги бир сантиметр келадиган тўсиқ билан ўралган. Бу тўлқин бўлган вақтларда нарсалар сочилиб кетмаслиги учун қилинган эҳтиёт чораси эди. Стол устида турган нарсалар ҳам махсус чуқурчалар ва ушлаб турадиган асбоблар билан маҳкамланган.

Командир креслосидан бошқа, каютада иккита стул ва калтагина диван турарди.

Каюта кундузги ёруғлик билан эшикдаги иллюминатор орқали ёритилган, бу эшик қўшни хонага — командир рубкасига очилади.

Марко креслода юзи кўкимтир ва қоши қизғиш, тепакал одамнинг ўтирганини кўрди. Йигитча сув ости кемасининг командири шу эканини фаҳмлади. Командир анча қариб қолган, лекин бақувват, пишиқ одам эди. Сўник кўзларининг боқиши майда ҳайвонлар ва қушларни авраб ўрнидан қимирлатмай қўядиган бўғма илённинг боқишига ўхшарди.

Командир бирпас Маркога қараб турди, лекин, афтидан, истаган натижага эришолмади шекилли Анча ўгирилди-да, алланарса деди. Жосус унинг сўзларини берилиб тингламади — кўринишдан, у командирга бўйсунмасди — кейин Маркога унинг сўзини таржима қилди:

— Кема командири сизни ўтиринг деб таклиф қияпти ва саволларига жавоб беришингизни сўраяпти.

Йигитча фикран «Қизил бош илон» деб атаган стол орқасида ўтирган киши қўлини сал қимирлатиб, қаршисидаги стулни кўрсатди. Марко кўрсатилган ерга ўтирди, жосус эса йигитчанинг орқасига, ёндаги диванчага жойлашиб олди.

Қароқчилар асирдан кўз узмай ўзаро алланарсалар деб сўзлашиб олдилар. Асир эса ўзини хотиржам ва бепарқ тутишга тиришиб, ўз тиззаларига қараб ўтирарди.

Анч Марконинг елкасига қўлини қўйиб, деди:

— Сиз ҳамроҳларингиз билан қандай шароитга тушиб қолганингизни кўриб турибсиз. Шунингдек сизнинг бу ерда эканингизни дўстларингиздан ҳеч ким билмаслиги ҳам маълум. Эҳтимол, сиз ўзингизни хавф остида туриб-

ман деб ўйлаётгандирсиз. Лекин бу одамлар сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмоқчи эмаслар.

— Люда Ананьева билан Зоря Находка қани?— деб сўради Марко.

— Жуда жонкуяр кавалер экансиз-ку!— деб кулиб қўйди Анч.— Уларнинг иккаласи ҳам шу ерда, кемада, мутлақо хавфсиз ерда.

— Нега уларни бу ерга олиб келишмади? Улар бизнинг суҳбатимиз вақтида шу ерда бўлишлари мумкин.

— Кўриб турибсизки, бу ер бир оз торроқ. Агар хона кенгроқ бўлганда, биз шубҳасиз шундай қилган бўлардик. Лекин суҳбатимизнинг асосий мавзуга кўчишдан олдин, сизга бир неча оғиз сўз айтмоқчиман, шунга рухсат этсангиз. Даставвал ҳеч қандай изоҳ талаб қилманг — сизга ҳеч ким изоҳ бермайди. Ҳамма саволларга эътироз билдирмай тўғри жавоб беринг. Бунинг эвазига бир қанча вақтдан кейин ўз оролингизга қайтиш имкониятига эга бўласиз, тўғри, бунинг учун бу ерда кўрган-эшитган ва ўзингиз айтган сўзлар тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмасликка сўз беришлигингиз керак бўлади.

— Борди-ю, жавоб бермасам-чи.

— Бунинг сиз учун ҳеч фойдаси йўқ. Жавоб бермаслик сизга жуда қимматга тушади.

Юнга командирга қараб қўйди. У буларнинг гапига тушунмаса ҳам, лекин Анч нима тўғрида сўзлаётганини шубҳасиз биларди. Қароқчининг илонники сингарч совуқ кўзларида зўр қизиқиш ва сабрсизлик акс этарди.

— Хўш, энди асосий масалага ўтамиз,— деди Анч.— Едингизда бўлсин: мен фақат сиз билан командир ўртасида таржимонман, холос.

Анч яна командирга алланарса деди. У калласини қимирлатиб қўйди-да, Маркога ўгирилиб, алланарса деб сўради.

— Командир бугун эрталаб нима учун кўрфазда юрганингизни ва қаёққа кетаётганингизни билмоқчи.

Марко бирпас индамай турди, кейин сўроқ қилаётганларнинг иккаласига ҳам нафрат билан қараб қўйди-да, секин, лекин қатъий қилиб деди:

— Мен жавоб беришни хоҳламайман. Бизларни дарҳол соҳилга тушириб қўйишингизни талаб қиламан.

— Ўзим ҳам билган эдим-а!— деб истехзо билан лабини бурди Анч.— Эҳтиёт бўлинг, ўртоқ қаҳрамон! Сиз-

ни соҳилга тушириб қўёлмаймиз,— ҳозир очиқ денгизда-  
миз, лекин бу ердан денгизга қўйиб юборишимиз бизга  
ҳеч гап эмас. Дўстларингизга келсак, улар бизнинг ке-  
мамизни ташлаб кетишга розими ёки йўқми, буни сиз  
билмайсиз-ку ахир.

Марко стулда индамай ўтирарди.

Анч яна командирига алланарса деди. У қовоғини сол-  
ди, кафти билан столни бир урди-да, йигитчага алланар-  
салар деб ўшқирди. Марко ўзи тушунмаган бу қичқир-  
лар — унинг бошига ёғдирилаётган дўқ ва сўкишлар  
эканини фаҳмлади. Командир бир минутча роса бақир-  
ди. Ниҳоят у жим бўлди.

Анч командир билан юнгани ёлғиз қолдириб, каюта-  
дан чиқиб кетди.

Марко бепарқ назар билан деворларни томоша қилиб,  
ўтирди. Командир индамай уни кузатиб турди.

Кўп ўтмай Анч бир матрос билан қайтиб келди. У  
юнга олдига келиб, унинг қўлидан ушлади, лекин Марко  
ундан қўлини силтаб тортиб олди-да, ўзини ҳимоя қилиш-  
га тайёрланди. У ўзини нима қилмоқчи эканликларини  
билмасди, лекин кучининг борича ўзини ҳимоя қилишга  
қарор қилди. «Отиб ўлдиришса керак», деб ўйлади у. У  
ўзини фақат муштлари билан ҳимоя қила оларди — яқин  
орада ҳеч қандай оғир нарса йўқ эди. Ўрнидан тураёт-  
ганда Марко қурол сифатида фойдаланиш мақсадида оё-  
ғи билан стулни туртиб юборди. Лекин стул полга маҳ-  
камлаб қўйилган экан.

Матрос Марко устига ташланди ва унинг юзига ура  
бошлади. Юнга қўллари билан ўзини тўсди, кейин энга-  
шиб туриб, кучининг борича матроснинг қорнига солди.  
Матрос орқага тисланиб кетди ва оғриқдан юзлари бу-  
ришиб керслога йиқилди. Малла командир сапчиб ўрни-  
дан турди, ёнидан револьверини чиқариб, асирни мўлжал-  
га олди. Лекин отмади: Анч чўнтагидан қўлини чиқарди-  
да, қулочкашлаб туриб Марконинг бошига кастет билан  
урди.

Йигитчанинг кўз олди қоронғилашди; боши ғувилла-  
ди-ю, шилқ этиб полга ўтириб қолди. Юзларидан қон  
сизиб оқа бошлади.

Марко креслода ҳушига келди. Аъзойи бадани оғрир,  
суяклари зирқирарди.

Жосуs билан командир асир қачон кўзини очаркин  
деб кутиб туришарди.

— Айтган эдим-ку, сизга,— деди илгаригидек совуқ-кина қилиб Анч,— қулоқ солмадингиз, бу биринчи огоҳлантириш. Энди ўзингизни босиб олдингиз шекилли? Хўп, суҳбатимизни давом эттирайлик. Ёдингизда бўлсин: еган бу калтагингиз — ҳолва ҳали. Қани энди айтинг: қайиқда қаердан ва қаерга кетаётган эдингиз?

Марко индамади. У мени ҳар қанча урсалар ҳам, душманлар барибир мендан ҳеч нарса билиб ололмайдилар деб ўйлаб ўтирарди. У Люда билан Зоря тўғрисида ўйлар экан, юраги зирқираб кетди. Ахир уларни ҳам мана шундай қийноқлар кутарди. Юнга командирнинг даҳшатли кўзларига қараб қўйди-ю, аъзойи бадани музлаб кетди. Йўқ, жим туриб бўлмайди.

— Хўш? — деб қўйди Анч ва секин-аста сўл қўлини чўнтагига тикка бошлади.

— Мен «Қолумб» шхунасида «Буревестник» эсминецига кетаётган эдим. Кеча биз кўрфазга скумбрия ортиб келдик. Шкипер кемага бир қоп янги балиқ олиб боришни буюрди, биз...

— Тўхтанг! Тўхтанг!... «Қолумб» шхунаси қаердан келиб қолди? Ахир у портлаш вақтида чўкиб кетган-ку!

— Йўқ,— деб қичқирди Марко,— у чўкиб кетгани йўқ, у ҳар вақтдагидек сузиб юрибди!

— Ҳа-ҳа...— деб қўйди Анч.— Жуда соз! Айтинг-чи, бу ерда «Буревестник» нима қилиб юрибди?

— Мен бун билмайман. У келганда биз денгизда эдик.

— Хў-ўп! Тўғри гапираётганга ўхшайсиз. Бу ерда яна ҳарбий кемалар борми?

— Бўлмаса керак. Билмайман.

— Шундай деб фараз қилайлик. Профессор Ананьев оролда нималар қиляпти, шуни сўзлаб беринг.

— У торианит қидирган эди, лекин энди бундан воз кечган кўринади. Айтишларига қараганда, торианит жуда кам экан.

— Сизнингча шундайми? Аниқроқ билсангиз, яхшироқ бўлар эди... Энди айтинг: оролда бегона одамлардан яна кимлар бор? У ерда қандай соқчилар бор? Соқчилик постлари қандай жойлаштирилган?

— Бу ерга икки юзтача қизил аскар келиши керак.

— Ана кўрдингизми, сиз бўлсангиз: торианит қидириш ишларидан воз кечишган бўлса керак дейсиз... Хўш, улар қаерда жойлаштирилади?





— Маякда, қишлоқда; озроғи — торанитли тепа олдида. Улар олтитами-еттита кузатув пунктлари ўрнатадилар. Мен анигини билмайман-у, лекин балиқчилар менга шундай дейишган эди.

— Соколинийлик балиқчиларнинг ғойиб бўлиб қолгани тўғрисида сиз нималарни биласиз?

— Улар кўрфазда ўз эҳтиётсизликлари натижасида чўкиб ўлдилар. Бошқа ҳеч нарса билмайман.

Анч жавобларни сув ости кемаси командирига таржима қилиб берди, у эса ўз блокнотига алланарсаларни ёзиб қўйди. Кейин командир Анчга яна бир нарсалар деди. У, афтидан, яна қандайдир маълумотлар билан қизиқмоқда эди.

— Айтинг-чи, ҳозир «Буревестник»нинг командири ким? Илгариги одамнинг ўзими? Семён Иванович Трофимовми?

— Ҳа, фақат унга янги ёрдамчи тайинланган.

— Экипаж составида кейинги вақтда яна қандай ўзгаришлар юз берди?

— Команданинг деярли учдан бири янгиланди. Шунингдек янги штурман ва янги артиллерия командири келган. Ҳозир улар ихтиёрига тўртта зенит замбарак берилган. Кейин яна торпеда аппаратларида аллақандай янгиликлар киритилган. Қандай янгиликлар эканини мен билмайман. Лекин шу муносабат билан янги ёрдамчи белгиланди. Менга шундай дейишган эди. Агар бугун эсминецга боролганимда, буларни аниқ билолган бўлардим.

— Эссиз, эссиз, кемага олдинроқ жўнамаган экансизда: қайтишингизда ушлаб олган бўлардик.

Анч яна командирига алланарсалар деди. У тагин бир нарса деб сўради.

— Сиз Лузанига тез-тез бориб турасиз,— деб давом этди таржимон,— шунинг учун у ерда мина тўсиқлари қаерга қўйилганини, ҳарбий складлар ва ёнилғи солинган ер ости бақлари қаерда эканини билсангиз керак. Мана бу Лузани портининг тахминий плани. Ушаларни кўрсатиб беринг, агар лозим бўлса, планга тузатишлар киритинг.

Командир Марко олдига, стол устига планни очиб қўйди. Йигитча план устига энгашди, бир неча минут диққат билан уни кўздан кечирди-да, хаританинг яқин орада, лекин эски план бўйича, эҳтимолки, ўлчовсиз тахминач

тузилганига ишонди. Баъзи энг муҳим объектлар планда кўрсатилмаган эди.

Йигитча қалам сўраб олди-да, унга тузатишлар кири-тиб ҳар хил белгилар қўя бошлади. У тахминий мина тў-сиқлари қўйилган жойни белгилаб берди, унинг сўзига кўра бу ерларга ҳатто ҳарбий кемалар ҳам кирмас эди. Тахминий ўтиш жойларини ҳам кўрсатди. Лузани атро-фидаги ер ости ёнилғи базаларининг тузулишини ҳам чизиб берди. Қизил қалам билан нуқталар қўйиб, у ҳар бир нуқтани бирор ҳарф билан белгилаб қўярди.

— Мен бу ҳарфларнинг нимани англатишини билмай-ман, лекин уларни эслаб қолганман. Бундан ташқари, Лузани кўрфазининг ғарбий иккинчи ярмисида ер ости ангари қурилаётганини биламан, лекин у ерга ҳеч кимни қўймайдилар, мен ҳам ҳеч вақт у ерга бормаганман. У ерда уруш вақтида Лузани сув ости кемалари базаси бў-лар эмиш деган гапни эшитган эдим.

Сўроқ узоқ давом этди. Марко барча саволларга жу-да муфассал жавоб берди, кўринишидан, уларни қониқ-тирди шекилли, уни ортиқ ёлғончиликда айбламадилар, дўқ ҳам урмадилар. Ниҳоят сўроқ тамом бўлди. Коман-дир билан таржимон ўзаро анча гаплашдилар. Кейин Анч чиқиб кетди. Бу сафар у узоқ йўқ бўлиб кетди-да, олдин-гидек матрос билан эмас, балки Люда билан қайтиб келди.

Маркони кўриб Люда суйиниб кетди, лекин дарров қовоғини солиб олди ва рангги ўчди. Дўстининг изтироб-ли кўриниши, қонга бўялган боши қизни ҳайратга солди. Кастет билан бошига ургандан кейин ярасини боғлаб қўй-иш у ёқда турсин, ҳатто қонини ювиб олишга ҳам рўхсат этмадилар. Қон ҳали ҳам оқиб ётарди. Марко боши зир-қиллаб оғриётганини сезса ҳам, буни кўрмас эди.

— Утиринг,— деб Людага жой кўрсатди Анч, қиз ўтиргандан кейин. Маркога айтганларини қизга ҳам так-рорлади-да:— бизни қатъий чоралар кўришга мажбур қилманг,— деб қўшиб қўйди.— Бунинг оқибатини мана кўриб турибсиз. Ёдингизда бўлсин, у охири ҳамма са-волларимизга жавоб берди. Шундайми, Завирюха?

Марко қовоғини солди ва Люданинг назаридан яши-риниш учун бошини эгди. Сўроқ қилаётганларнинг икка-ласи уни кузатиб турарди. Қиз кўзларини қисди. У, афги-дан, юнганинг нима деб жавоб беришини кутиб турарди. Анч яна қайтариб сўради:

— Қани, жавоб беринг, Завирюха: шундайми? Ҳаммасини айтиб бердингиз-а?

— Ҳа, ҳаммасини айтиб бердим,— деб жавоб берди Марко, қовоғини солиб.

— Энди эса,— деди Анч, Людага қараб,— марҳамат қилиб айтсангиз: Лебединий ороли атрофида «Буревестник»дан бошқа ҳарбий кемалар ҳам борми?

Қиз бошини эгди-да, уни қўллари орасига олди. У Анчнинг сўзларини гўё эшитмаётгандек жим ўтирарди.

— Ҳа,— айтмоқчи деб давом этди у,— айтинг-чи, «Буревестник»нинг командири ким?

— Энди унинг командири янги,— деб секин жавоб берди қиз.

Буни эшитиб, Марко бир чўчиб тушди.

— Унинг фамилияси нима? — деб давом этди овозини ўзгартирмай Анч.

— Нима ҳам эди... Побивайломи, Перевертайломи, ишқилиб шунга ўхшаш. Мен уни кўрганым йўқ, билмайман ҳам.

— Хў-ўп! Хўш, Лебединий ороли районида яна қандай ҳарбий кемалар борлигини биласиз? — деб сўради жосус.

— Кўрфазда яна бир эсминец билан торпеда катерлари бор. Айтишларича, унда...

— Люда!— деб қичқириб юборди Марко, ўрнидан сакраб туриб ва қизга мушт кўтариб.— Хоин!..— Йигитчанинг юзида нафрат ва дилхасталик акс этарди.— Оғзингни юм!

Қиз дарҳол жим бўлиб қолди.

— Бу нима қилиқ?— деб дўқ билан сўради Анч ва Маркони бир туширди.

Марко инграб стол устига энгашди.

— Урманглар уни!— Ялинмоқдан бери бўлиб илтимос қилди қиз.

— Бўлмаса гапиринг!— деди Анч.

Унинг сўзини командир бўлди. У Анчдан бир минут тўхташни илтимос қилди.

— Қизни олиб чиқинг!— деб буюрди командир.— Биз яна бир марта унинг ўзини сўроқ қиламиз. Биз улардан қайси бири тўғри гапираётганини билишимиз керак. Бундан ташқари бошқасини ҳам олиб келинг. Кўрамиз, унинг олдида бу йигитча ўзини қандай тутаркин.

Люда уларнинг бу гапни тушунганини ҳечам сез-  
дирмади, лекин ич-ичидан хурсанд бўлди! Марко калтак  
зарбига чидаёлмай барча саволларга жавоб берибди.  
Лекин қандай жавоб берибди денг! Қароқчиларни роса  
лақиллатибди. Жуда соз, қанчалик қийин бўлмасин, у  
ўртоғининг мақсадини тушуниб олди, энди ўзи ҳам ўша  
ўйинни давом эттиради.

— Бир минут чиқиб туришингизга тўғри келади,—  
деди унга Анч.

Қиз индамай ўрнидан туриб, у билан бирга чиқди.

Хонада командир билан Марко қолди. Қароқчи ўр-  
нидан турди, энгашиб, юнгани аллақандай тушуниб бўл-  
майдиган сўзлар билан сўка-сўка револьвер дастаси би-  
лан бир неча марта урди.

Командир рубкасига чиқадиган эшик тақиллади.  
Бир офицер кирди-ю, (малла командирнинг ёрдамчиси  
бўлса керак) алланарса тўғрисида хабар берди. Коман-  
дир унинг гапига қулоқ солиб, алланарса деб буюрди,  
кейин офицер чиқиб кетди, ярим минутдан сўнг эса, сув  
ости кемаси тўхтаб қолгандек бўлди ва чўка бошлаган-  
дек туюлди. Каюта ичига қоронғилик туша бошлади.  
Командир электр чироғини ёқди. Кўп ўтмай Марконинг  
назарида кема алланарсага бориб урилгандек, сакраб  
кетгандек, яна алланарсага қоқилиб тўхтагандек  
туюлди.

Сув ости кемаси денгиз тагида ётарди.

Анч Зоря билан каютага қайтиб келди. Зоряни ҳо-  
зиргина Люда ўтирган стулга ўтқаздилар. Марко унга  
қарамасди, лекин бир қараса кишини ҳайратда қолдира-  
диган ўзгариш юз берганини кўрган бўларди. Стол ол-  
дида ўтирган Зоря эмасди. Бу яна инспектор Коваль-  
чукнинг ўғай қизи ва хизматкори бўлган Находка, қош-  
қовоғи солиқ, одамови, камгап Находка эди. Анч бундан  
ҳайрон бўлмади: у қизни шу аҳволда кўриб ўргангани,  
уни қоронғи кечада нима бўлса бўлар деб зах ертўлага  
ташлаб кетганида, у ана шундай эди.

— Хўш, Находка, анчадан бери кўришганимиз йўқ,—  
деб гап бошлади жосус.— Биз ҳали сен билан кўп гап-  
лашамиз, лекин ҳозир бизга шуни айтсанг: орол билан  
қитъа ўртасидаги бўғозда бирон-бир пароход борми?

Қизча индамади. Анчнинг жони чиқиб кетди:

— Сенга нима бўлди, тилинг кесилганми? Жавоб  
бер! Биласан-ку, мен сенга ёмон муносабатда бўлганим

йўқ эди.— Ҳа-я, айтганча, менда сенинг расминг ҳам бор.

Анч стол устида ётган папкалардан бирини очди. Унда бир пачка конвертлар бор эди. У конвертлардан бирини олди-да, ундан бир расмни чиқарди. Бу Находканинг фоторасми эди. Қизча ҳовлининг ўртасида унга Левко, Люда ва Марко совға қилишган кийим-бошларни кийиб турарди. Анч расм Находкани ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтирса керак деб ўйлаган эди, лекин қиз бунга мутлақо эътибор бермай, қимирламай ўтираверди.

Анчнинг бадтар жаҳли чиқди.

— Ярамас! Разил! Менга жавоб берасан ҳали!— деб кичқирди, у.

Марко бошини кўтарди. Находка ҳатто пинагини ҳам бузмади. Унинг бефарқ кўзлари сал очилиб тик боқарди.

Жосус унинг боши устига кастетни секин кўтарди. Уни кузатиб турган Марко ирғиб ўрнидан турди-ю, кастет кўтарган қўл билан қизчанинг боши ўртасига ўз қўлини чўзди. Кастет куч билан унинг қўлига урилиб, қонатиб юборди.

Қиз калтакдан қутулиб қолди-ю, бироқ Марко қўлининг зирқираб оғришига чидаёлмай яна ўзини стулга ташлади. Анчнинг жони чиқиб кетди. У Маркодан ўз ҳикоясини такрорлашни ва Людани сўроқ қилаётган вақтда нега ўзини бундай тутганини изоҳлаб беришни талаб қилди. Юнга гапларим тўғри деб туриб олди ва бошқа жавоб беришни истамади. Ниҳоят аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб кетган ва қонга беланган Маркони олиб кетдилар-да, асирлар сув ости кемасига олиб келинганларида дастлабки соатларини ўтказган кичкинагина хонага қамаб қўйдилар. Энди у ерда электр чирогги ёниб турарди. Бир оғиз ҳам сўз айтмаган Зоряни ҳам ўша ерга олиб келдилар. Бу ҳужрачада ҳам қизча жим ўтирди, у ҳатто Маркога ҳам жавоб бермади.

Каютада Людани сўроқ қилмоқда эдилар. Марко бунини аниқ билмас, лекин шундай деб мўлжал қиларди, «у ўзини қандай тутяпти экан?» деб ўйларди юнга.

Кўп ўтмай у ўзини билмай қолди, ҳушига келганда эса, тепасида энгашиб турган Зоряни кўрди. Қизча унинг бошига ҳўл латта қўймоқда эди. Унинг олдида сув солинган банка турарди. Марко Зорянинг жон-жаҳти билан эшикни дукиллайтиб, сув талаб қилганини бълмасди.

Қизчага сув келтириб бердилар, у блузасидан бир парча йиртиб олиб; Марконинг юзини ювди, бошини ҳўллади. Афсуски, Зоря яраларни боғлашни билмасди. Лекин Марконинг яралари унча чуқур эмасди, шунинг учун қон тез тўхтаб, қотиб қолди.

Кўп ўтмай уларнинг ҳужрасига Людани ҳам итариб киргиздилар.

## XII боб

### « БУРЕВЕСТИК » РАЗВЕДКАГА БОРДИ

«Буревестник» кают-компаниясида чой ичишмоқда эди. Семён Иванович қўлида каттагина кумуш подстанник ушлаганча чойдан қулт-қулт ютиб, старший механикнинг эсминец тезлигини энг максимал тезлигидан ҳам яна уч милга ошириш тўғрисидаги ҳикоясини тинглаб ўтирарди. Бу старший механикнинг яхши кўрган мавзуи эди.

Маневрлардан икки-уч ой олдин, у ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб, командирларга, машинистларга ва качегарларга шу тўғрида сўзлар ва Семён Ивановичга машина бўлимида ҳар хил янгиликлар киритиш зарурлиги тўғрисида рапортлар ёғдириб, унинг жонига тегарди. Лекин гарчи «Буревестник» маневрларда шу типдаги кемалар орасида тез юришда биринчи ўринга чиқса ҳам, ҳар ҳолда механик ваъда қилган энг максимум тезликдан яна уч миль кўпроқ тезликка сира эриша олмасди. Маневрлардан кейин старший механикнинг дами ичига тушиб, лойиҳа тўғрисидаги саволларга жавоб бермасди. Лекин орадан икки ой ўтар-ўтмас, унинг лойиҳаси яна бирон янги кўринишда пайдо бўларди. Дастлаб унинг лойиҳасига ишончсизлик билан қарашарди, лекин тез орада механик ҳаммани ўз идеясига қизиқтириб қўярди, шундан кейин, ниҳоят, Трофимов, кемадаги баъзи механизмларга айрим конструктив ўзгартишлар киритиш зарурлиги тўғрисидаги дивизион инженери номига ёзилган қоғозга қўл қўярди.

Старший механик «Буревестник»да тўрт йилдан бери хизмат қиларди, бу вақт ичида у бутун флотга «тиниб-тинчимас» деган ном билан донг чиқарган эди.

Мана ҳозир ҳам у одамларга, шу жумладан командирга, ўзининг энг янги идеяларини сўзлаб бермоқда эди:

— Бунга дивизион инженерининг рухсати ҳам керак эмас — кема командирининг рухсати бўлса бас. Максимум тезликда сузиб бора туриб, биз бош паропроводни тамом беркитиб, буғ босимини оширамиз. Бир ярим минутда босим энг зарур вақтлардагина йўл қўйиш мумкин бўлган охириги даражасига етади. Шунда биз вентиляция установакаларини ишга соламиз, кейин оборот миқдори олти юз йигирмагача етади. Мана бу эса одатдагидан уч ярим миль ортиқ тезлик беради!

— Уҳў, бу сафар уч ярим милга чиқдимиз? — деб кулди комиссар.

— Кам бўлмайди!

— Машина бўлимида ва қачегаркада эса, температура етмишгача кўтарилади, шундайми? — деди Семён Иванович. — Одамлар ҳолдан кетиб йиқилади, натижада дейди вуд вали дарз кетади ёки энг хавфлиси, паровиклар портлаб кетади. Кўп раҳмат лойиҳангиз учун!

— Исишга ҳақиқатан ҳам анча исийди, лекин ҳечам қўрқадиган жойи йўқ, ишонаверинг. Бизнинг механизмларимиз жуда тишиқ материалдан қилинган. Мен ҳаммасини текшириб ва ҳисоблаб кўрдим.

— Бу гапларни биринчи марта эшитаётганим йўқ, ваҳоланки амалда...

— Лекин биз доим ҳаммадан олдинда бўламиз-ку!

— Бўлмаса мен сўзингизга мутлақо қулоқ солмаган бўлардим... Сизнинг ўша уч милингизни деб яқинда ҳаммамиз бутун флотга кулги бўламиз.

Шу вақт кают-компанияга бир қизил флотчи кирдида, командирга радиогарма берди:

«Буревестник» эсминеци командирига. Лебединий ороли районида бизнинг сув ости кемамиз йўқ. Дарҳол разведка ўтказишингизни буюраман. Лебединий ороли кўрфазини сақлаш учун патруль қайғи қолдирилсин. Буйруқни амалга оширгангиз тўғрисида радио орқали хабар беринг. Флотилия шгаби бошлиғи».

— Денгизга чиқамиз, — деди Трофимов, ўрнидан туриб. — Сув ости душманни разведка қиламиз.

Каят-компания бирдан бўшаб қолди. Йигирма минутдан кейин пулемёт билан қуроолланган моторли патруль қайиқ младший лейтенант командирлигида, секин-аста доира ясаб, эсминецдан нари сузиб кетди.

— Уртача тезлик! — деб буюрди кема командири.

Орқасида кўпикли из қолдириб, эсминец кўрфаздан

чиқди. Командир рубкасида Семён Иванович денгиз харитасига квадратлар чиза бошлади, «Буревестник» навбат билан бу квадратларни айланиб чиқиши керак эди.

Қуёш энди уфқ тепасига ўтирай деб қолганди. Кеч яқинлашиб келмоқда. Қуёш нурлари кучсиз тўлқинларда жилоланиб ўйнарди. Осмонда бир неча чайка оқариб кўринарди.

— Ўт ёқмаслик тўғрисида буйруқ беринг,— деб буюрди командир, ёрдамчисига.

Бариль шубҳали доғни оролдан тахминан йигирма беш километр жанубда кўрган эди. Сув ости кемаси қаёққа кетаётган эди, умуман сузиб кетаётган эдими, буларни у билиб олмаганди. Сув ости кемаси тўғрисида Трофимов қўлида бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Шундай бўлса ҳам командир старший штурман билан бирга сув ости кемасининг қаерда бўлишини тахминан белгилаб чиқдилар. Учувчи уни кўрган вақтдан бери тўрт соатча вақт ўтди. Бу вақт ичида сув ости кемаси сув тагида секин, тез сузиши, ниҳоят, сув юзига кўтарилиб дизелларини ишга солиб кетиши ҳам мумкин. Агар сув тагида секин сузиб борган бўлса, тезлиги соатига етти километрга етиб борарди, агар тез сузиб борган бўлса йигирма километрга, ниҳоят, сув юзида сузиб кетса, у кўрфаздан юз километрдан ҳам узоққа кетиб қолган бўлиши мумкин. Харитада шу тахмин қилинган учала мўлжалдан келиб чиқиб, тахминий доиралар чизилди. Яна бир қатор вазиятларни ҳисобга олиб, ҳозир сув ости кемасининг қаерда бўлиши мумкинлигини тахминан белгилаб қўйдилар.

— Менимча, шу орада бўлса керак,— деди командир.— Бу ерда, афтидан, уни ўзига тортаётган аллақандай бир магнит бўлса керак.

— Агар у бу ердан бутун тезлиги билан сузиб кетган бўлса, унда орқасидан қувиб юришимизнинг ҳам ҳожати йўқ,— деди штурман.

— Тўғри! — деди командир.— Тинчлик сақлашларини ва ҳеч қандай сигналлар бермасликларини буюринг. Слухачларга<sup>1</sup> гидрофонлар олдидан қимирламасликни буюринг.

---

<sup>1</sup> С л у х а ч — радиосигналларга қулоқ солиб эшитиб, қабул қилиб олувчи алоқа ходими.



Қош қорая бошлади. «Буревестник» чироқларини ўчириб квадратма-квадрат сув ости кемаси бўлиши тахмин қилинган районни текшириб чиқаверди. Вахтадаги матрослар палубада туриб, пароходлар ва балиқчи кемаларнинг чироқларини кузатиб, қоронғиликни диққат билан кўздан кечирардилар. Эсминец икки пороходни орқада қолдириб кетди, пароходдагилар унинг келиб қолганини ҳатто сезмай ҳам қолдилар.

Разведка вақтида асосий ишни гидрофонлар олдида ўтирган слухачлар бажардилар. Гидрофонлар — махсус приборлардир. Улар анча узоқ жойлардаги ҳар хил шовқин ва денгиздаги товушларни ушлайдилар. Улардан кемалар ҳам фойдаланадилар — кемалар сув ости кемаларини топиш учун, сув ости кемалари эса — сув юзида сузадиган кемаларнинг овозини эшитиш учун фойдаланадилар. Эсминец бортларидан кенг раструбалар — овоз йиғувчилар осилиб ётарди, кеманинг ўзида эса қулоқларига наушниклар тақиб, беморнинг кўкрагига қулоқ солаётган врачлар сингари, слухачлар денгизга қулоқ солардилар.

«Буревестник» кечаси билан йўл юрди, слухачлар ҳам ўз аппаратлари олдидан жилмадилар. Улар фақат бир марта сув ости кемасининг винтлари ишлаётганга ўхшаган товуш эшитиб қолдилар. Бундан хабардор бўлган командир, машиналарни тўхтатишни буюрди. Машина бўлими жим бўлиб қолди. Кема инерция билан сузиб борарди. Худди ўша пайтда слухачлар сув ости кемаси учун хос бўлган товушларни эшитмай қолдилар. Фақат улардан биттаси ўн секунд ҳам бўлгани йўқ, винт оборотининг овозини эшитдим деб бошқаларни ишонтироқчи бўларди. Лекин унга, афтидан, «Буревестник» винтининг овозини эшитгандирсан деб жавоб бердилар.

Эсминец деярли бир соат қимирламай турди. Лекин слухачлардан биттаси ҳам бошқа ҳеч қандай шубҳали товуш эшитмади. Ниҳоят командир секин сузиб кетишни буюрди.

Кечаси алламаҳалда гидрофонлар яна бир марта узоқдан эшитилган портлаш товушини ушлаб қолдилар, шундан бошқа ҳеч қандай шубҳали овоз эшитмадилар.

Туни билан сузиб юргандан кейин, эрталаб орқага кайтишга қарор қилдилар. «Буревестник» Лебединий оролидан юз километрдан ҳам ортиқ жойга бориб қолган эди. Соколиний кўрфазига йўл олдилар.

Эрталаб оролга етиб келиб, кўрфазга кирдилар. Эс-минецни патруль қайиғи қарши олди. Кема билан ёндошгач, командир оғзига карнай қўйиб қизил флотчиларни табриклади ва нима янгилик бор деб сўради. Бунга жавобан улар бараварига «салом» деб қичқирдилар, кейин лейтенант:

— Кўрфазда ҳеч гап йўқ!— деб жавоб берди.

«Буревестник» қишлоққа яқин жойда лангар ташлади.

### XIII боб

#### Х А И Р Л А Ш У В Х А Т И

Люданинг орқасидан автомат қулф шиқ этиб ёпилди. Унинг олдида полда, деворга суяниб, Марко ўтирарди, унга ёнма-ён эса чўкка тушиб олган Зоря қўлида ҳўл латта ушлаб турарди. Хона жуда тор... Агар икки киши ётса, учинчиси ўтиришга мажбур бўларди. Ҳужра бўм-бўш эди. Унинг шифтидан, полидан, деворларидан, эшик тепасидаги лампочкасидан бўлак ҳеч нарсаи йўқ. Шифт шундай паст эдики, Люданинг боши тегай-тегай дерди. Дўстларини кўриб, қиз шодлигидан қичқириб юборди. У ўзини яна дўстлари орасида кўрди ва бир зумда минг хил жавоблар ўйлаб топишга тўғри келган оғир сўроқдан кейин анча енгил нафас олди. Қиз босқинчиларнинг унинг гапларига унчалик ишонмаётганликларини сезарди, лекин жосуслар ҳамма саволларига жавоб олгани учунми, ишқилиб, қизни жазоламадилар. Роса калтакланган Марко-ни кўриб, Люданинг эси чиқиб кетди. Қиз аҳволинг қалай деб сўрамоқчи бўлиб энгашган эди, уни росаям сўкиб берди:

— Ярамас қиз, кўрқоқ! Йўқол кўзимдан!

Люда кўрққанидан орқасига тисарилди, лекин дўстининг кўзларига тикилиб гап нимада эканлигини тушунди. Марко сўзимизга қулоқ солиб туришган бўлмасин деб кўрқарди, шунинг учун сув ости кемасининг командири каютасида бошлаган ўйинни давом эттирмоқда эди.

Люда индамай унинг ёнига ўтирди. Қиз унга қараб жилмайиб қўйди, лекин Марко тескари қараб олди. Ўзи нима гап? Улар бу ерда ёлғиз ўзлари-ку ахир!

Зоря ҳайрон бўлиб гоҳ Людага, гоҳ Маркога қарар, бир нарса дейишдан кўрқарди.

Юнга Людага орқасини ўгириб ётди. Қиз буларнинг ҳаммаси нима билан тугашини кутиб, индамай ўтира-верди. Бир оздан кейин у Марко унинг қўлини бир неча марта қисганини, кейин эса фақат бошмалдоғини теккизганини сезиб қолди. Қиз гап нимада эканини тушунмасди. Марко қизнинг қўлларини ҳамон қисарди. Марконинг бу қилиғи алланарсани эслатарди, лекин нимани? Мана, у яна қизнинг қўлини қўли билан қисди, ора-сира бош бармоғини теккизиб қўярди. Марко қизнинг қўлини қисар экан, ўртада оир оз пауза ҳам қиларди. Ҳа, шундай... бир марта бутун қўли билан, бир марта фақат битта бармоғи билан, бир марта қўли билан, икки марта фақат бир бармоғи билан, интервал; бош бармоғи билан бир марта, қўли билан бир, икки марта, интервал; бир марта қўли билан, бир марта бармоғи билан... Бу нима ахир? Ҳа-а, нуқта, нуқта, нуқта, интервал. Нуқта, тире, нуқта, нуқта, нуқта, интервал. Нуқта, нуқта, тире, интервал. Энди у тушунди: Марко Морзе алифбесиде сўзламоқда эди. Шундай қилганда уларнинг гапини ҳеч ким эшитмайди ҳам, кўрмайди ҳам. Қиз хаёлини бир жойга тўплаб, Морзе алифбесининг белгиларини эслай бошлади.

Марко унга ўзи билан Зорянинг қандай сўроқ қилишганини, уларнинг сўзларига қулоқ солиб туришлари мумкингина эмас, шунингдек билдирмасдан бирор жойдан қараб турган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмаслигини хабар қилмоқда эди, шунинг учун жуда эҳтиёт бўлиш керак. У Людадан сени қандай сўроқ қилишди деб сўради. Люда ҳаммасини гапириб берди. У ҳарбий кемалар, оролда ва шу атрофда бўлган ҳар хил ўзгаришлар тўғрисида бўлар-бўлмас жуда кўп нарсаларни тўқиб юборганини айтди. Отаси тўғрисида, ториянит тўғрисида сўрадилар, лекин у ҳамма нарсани жуда чалкаштириб юборди. Лекин, кўринишдан, унга жуда ҳам ишонмаётганга ўхшайдилар. У Марконинг фикрига қўшилди — уларни бошини айлантириб юбориш керак. Лекин қизга уларни сўроқ қилаётганини кўриш жуда оғир. Марко бошқа иложимиз йўқ деб жавоб берди. Барибир ҳалок бўламиз. Шундай экан курашиш керак — балким, диверсантлардан ўч олишга вақти келар.

Агар Марко энг олдин ҳалок бўлса, Люда унинг ишини давом эттириши керак. Ҳозирги вазиятда бирдан-бир чора ана шу. Ватан олдидаги бурчимизни унутмаслигимиз керак. Ҳозир овоз чиқариб гапирамиз. Сен менга

нима учун буларнинг ҳаммасини сўзлаб берганини тушунтирмақчи бўласан, мен эса сени роса сўкаман. Агар ҳужрага қулоқ солиб турган бўлсалар тагин яхши. Бунга Люда ҳам рози бўлиб, ҳатто Маркодан мени ур деб илтимос қилди. Бунга жавобан йигитча қизнинг қўлини ихлос билан қисиб қўйганини Люда сизди. Лекин бу Морзе белгиси эмас эди. Бу дўстона самимий қўл қисишиш, эҳтимол, сўнгги мартадир. Қизнинг кўзларида ёш кўринди; гапира бошлаганда ҳам йиғидан ўзини тиёлмади.

Агар уларнинг суҳбатига қулоқ солиб туришган бўлса, унда қиз айтаётган сўзлар шубҳасиз Марко умид қилган таассуротни қолдирарди.

— Марко, тушунсанг-чи! Ахир биздан ҳеч қандай ёмон нарса талаб қилишаётгани йўқ. Биздан шунчаки сўрашяпти холос, шунинг учун биз жавоб беришимиз керак, бўлмаса бизни ит азобида ўлдиришади. Наҳотки биз айтиб берадиган нарсалар шундай катта аҳамиятга эга бўлса? Ахир улар арзимас нарсалар-ку! Муҳим нарсани барибир биз билмаймиз!

— Қўрқоқ! — деб қичқирди бунга жавобан Марко.— Сени ўлдириш керак!

— Марко жуда ёмон уришибди-ку сени! Марко, мен кўрқяпман...

— Юм оғзингни! Нималарни гапириб бердинг?

Люда пиқ-пиқ йиғлаб сўроқ вақтида айтганларини гапириб бера бошлади. Марко эса росаям сўкиб, мен ҳали кунингни кўрсатиб қўяман деб дўқ уриб унинг сўзини бўлиб турди. Шу тарзда бир неча минут ўтди. Люда жим қолди ва йигитчанинг қўлини қисиб, мени бир ур деб талаб қилди. Лекин Марко бунга журъат этмади. Ниҳоят, у бир неча марта унга мушт кўтарди-ю, лекин урмади, унинг бақувват муштлири қизнинг юзи олдидан ўтиб деворга бориб урилди. Бу ишларни кузатиб турган Зоря уларнинг ҳаммасини жиддий деб ўйларди. У сакраб ўрнидан турди-да, Людани урмасин деб Маркони қучоқлаб олди. Люда деворга ўгирилиб жон ҳолатда қичқириб юборди. Шу пайт эшик очилди-да, остонада Анч пайдо бўлди. Унинг орқасида коридорда Маркони қўриқлаб турган ўша матрос турарди. Бутун юзи қонга бўялган Люда уларга қаради. (Бундан сал олдин у бурнини деворга уриб қонатган эди). Бу Маркoning айбдорлигини кўрсатувчи далил эди. Анч йигитчани сўкиб-сўкиб, қизни ўзи билан олиб кетди.

Эшик яна ёпилди-да, юнга билан Зоря ёлғиз қолдилар. Марко қизнинг бошидан силади, лекин Зоря ундан шарт юзини ўгириб олди. Йигитча аччиқ кулиб қўйди. Находка бизнинг қилаётган ишни сира ҳам тушунмаса керак деб қўрқар эди. У қизча билан сўзлашмоқчи бўлди-ю, лекин у юнгага ўпка билан қарар эди, холос.

Вақт жуда секин ўтарди. Ниҳоят эшик очилди-да, бизга таниш бўлган матрос асирлар олдига тарелкада овқат билан нон қўйиб кетди. Шунда у гўё тасодифан қилгандек Маркони бир туртиб қўйди. Йигитча қараши билан у нон турган идишни имлаб кўрсатди. Шундан кейин матрос ўрнидан турди-да, эшикни қаттиқ бекитиб коридорга чиқди.

Марко ўша куни қанчалик калтак емасин, бақувват бўлганидан ҳаммасига чидади, ҳозир эса иштаҳаси ҳам очилиб кетди.

У Зоряни ҳам овқатга чақирди, лекин қизча фақат бир қошиқ ичиб, бошқа ҳеч нарса емай қўйди.

— Нима бўлса бўлар, ҳозир эса овқат еб олиш керак, — деди унга Марко.

Лекин Зоря авқат емайман деб бош чайқаб қўярди.

Нонни ушатар экан, Марко матроснинг гўё бирор мақсадда уни кўзлари билан имлаб кўрсатганини эслади. Марко нон қўйилган идишни кўздан кечирди. Унинг устига оқ салфетка солинган, салфетканинг тагида алланарса бор эди. Юнга салфеткани кўтариб, бир неча кичкина-кичкина қоғоз парчалари билан калтагина қалам турганини кўрди.

Иккига буклаб қўйилган қоғозлардан бирида инглизча қилиб бир нарсалар ёзилган эди. У коридорда ўша матрос билан гаплашишга уринганини эслади. Унда қоровул болага жавоб бермаган, лекин «соат неча» деган саволига жавоб бериб, инглиз тилидан хабари борлигини билдириб қўйган эди. Юнга хатга нималар ёзилганини ўқий бошлади. Инглиз тилини у сал-пал биларди, шунинг учун фақат баъзи жойларинигина таржима қила олди, қолганларини хатнинг мазмунидан билиб олди, ўшанга ҳам анча бош қотирди.

«Сиз қаҳрамонсиз! Сизни ўлим кутади. Ёрдам беролмайман. Лекин сизга раҳмим келади. Агар ота-оналарингизга ёки ўртоқларингизга хат ёзиб бермоқчи бўлсангиз, мен уни кўрсатган адресингизга юбора оламан. Эҳтиёт

бўлинг, ҳар бир ҳаракатингизни назорат қилиб туришибди. Сизнинг дўстингиз».

Демак, бу ерда, қароқчилар кемасида ҳам раҳмдил одам бор экан. Номаялум, дўст... Турган гапки, бу ҳозир уларга овқат олиб келган матроснинг ўзи. Эҳтимол, бу ифводир? Лекин бундай деб ўйлашга унинг қандай асослари бор? Унда болага инглиз тилида эмас, рус тилида ёзилган хат юборган бўлар эдилар... Бундан ташқари, албатта, озодлик ваъда қилган бўлар эдилар. Бу хатда эса унақа гап йўқ! Номаялум дўст унга ачинапти, лекин ёрдам бериш қўлидан келмайди. Унинг бу ерда ёлғиз эканлиги аниқ. Бундан ташқари унга фақат ота-онаси ёки дўстларига хат етказишни ваъда қиляпти, холос. Улим олди мактуби!.. Демак унинг ўлиши керак...

Бу фикрдан Марконинг иштаҳаси бирдан бўғилиб қолди.

Нима қилиш керак, ахир? Шошилиш керак — ҳар минутда бу ерга Анч ёки бошқа бирон киши кириб қолиши мумкин, унда ўзининг сўнгги хатини ёзолмай қолади. Марко овқат солинган идишни суриб қўйди-да, хат ёза бошлади. У барча воқиалар тўғрисида, бошидан кечирганлари тўғрисида, қизларнинг қаҳрамонликлари тўғрисида, ўзининг фикр ва ҳислари тўғрисида ёзишни истар эди. О, ўлим олдидан энг сўнгги хатни ёзиш, айниқса ўлишни истамасанг қанчалик оғир!

Лекин Марко хат ёзиш учун ихтиёрида қанча вақт борлигини билмасди, шунинг учун шошилиши керак эди. Мана унинг ёзган хати:

«Азиз жигарпораларим! Менинг ўлишим керак. Тўғрироғи,— ичимиздан ҳеч ким тирик қолмайди. Бизни Лебединий оролига сув ости кемасида келган душманлар тутиб кетдилар. Биз сизларга, Лебединий оролига, «Колумб»га, ватанимизга чексиз муҳаббат туйғуси билан ўляпмиз. Бу хатга мендан ташқари Зоря Находка ҳам қўл қўйди. Сизнинг Марконгиз»

У қаламни дарров Зорянинг қўлига тутқазди. Кейин Марко адресни ёзди-да, хатни ингичка найча қилиб ўраб, қалам билан бирга салфетка тагига қўйиб қўйди. Матроснинг хатини яна бир марта кўздан кечириб чиқди-да, гижимлаб ютиб юборди.

У бу ишларини қилиб бўлиши билан, эшик очилди. Анч кириб келди, унинг орқасидан эса бояги матроснинг қош-қовоғи солинган жиддий юзи кўринди. Матрос асир-

ларнинг ўзини тутишида на ўзи, на Анч ҳеч нарса сезмаганидан жуда хурсанд бўлди. Матрос тарелка билан нон солиб қўйилган идишни олди, салфетка тагига яшириб қўйилган хатни олиб чиқиб кетди.

Анч асирларига қараб қўйди-да, деди:

— Сув ости кемасининг командири сизларга ўйлаб олиш учун яна икки соат муҳлат берди. Агар сиздан талаб қилинаётган аниқ маълумотларни беришга розилик бермасангиз, ҳаётингиз билан хайрлаша беринг.— У бирпас жим турди, кейин:— Марко Завирюха, эҳтимол, энди сўзлашга розидирсиз? — деб сўради.

— Менинг айтадиган гапим йўқ.

— Сен-чи, Находка?

Қизча индамай девор тарафга юзини бурди.

— Нима ҳам дердим? Умрингизнинг қолган секундларини ҳисоблайверинглар бўлмаса,— деб Анч эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Марко Зоряни қучоқлади, қизча ҳам бошини боланинг елкасига қўйди. Юнга Людани ўйларди. У қаерда экан? Тирик қолармикан? Ишониш қийин. Ахир у бирор-та ҳам тўғри жавоб бергани йўқ-ку!

— Марко!— деб шивирлади Зоря, боланинг қулоғига.— Нима қиламиз?

— Энг муҳими, Зоренька, қўрқма,— деб худди ўшандай секин жавоб берди қизчага Марко.— Биз ҳечам ўлимдан қўрқмаслигимизни кўрсатамиз уларга. Нима қилсалар ҳам ҳеч нарса дема!

— Люда-чи?

Марконинг лаблари сал қимирлади, шунда Зоря унинг жавобини эшитмасданоқ шундай англаб олди.

— У қаҳрамон қиз... Унинг бошида ҳам шу кун бор..

#### XIV боб

### ЛЮДА КУРИШИШНИ СЎРАДИ

Куннинг охирини Люда битта койка қўйилган кичкинагина каютада ўтказди. Бу ерга уни Анч бошлаб келди. У Марконинг адабини бериб қўйишни ваъда қилиб, қизга далда берган бўлди, кема командири иккови қизнинг яхшилаб дам олиши ва умуман ўзини иложи борича яхши

ҳис қилиши учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишларига ишонтирди. У ҳатто қизга ўзларининг балиқчилар байрамида қандай яхши танца қилганларини ҳам эслатиб ўтди.

Қиз Анчдан Маркога ёмонлик қилмасликни, Находкани у билан бирга қўйишни илтимос қилди. Анч бу ҳақда мен кема командири билан гаплашиб кўраман деб ваъда берди-да, Люда уларнинг айтганига кирса, командир йўқ демас деб умид билдирди. У каютадаги чироқни ёқиб чиқиб кетди.

Каютани кўздан кечирар экан, Люда бу ерда сув ости кемасининг командирларидан бири, эҳтимол, Анчнинг ўзи турган бўлса деб ўйларди. Каютада очилиб-ёпиладиган пружинали койка турарди, унинг олдида ич кийимлар солинган кичкина сандиқ, бахмал кўрпа, битта пар ёстиқ ва бир неча ҳаво пуфлаб шишириладиган ёстиқлар турарди. Люда булар билан айни вақтда одамларни қутқариш ҳам мумкин деб ўйлади. Улардан ташқари каютада ойна, очилиб-ёпиладиган умивальник, электр вентилятор, столча, китоб ва бошқа нарсалар тахлаб қўйиладиган токча бор эди. Бурчакдаги кичкинагина шкаф ёпиқ турарди. Столчанинг тортмаси ҳам ёпиқ эди. Люда ҳамма нарсани дарҳол кўздан кечириб чиқди, ҳеч қандай қизиқ нарса тополмади, койкани очиб, резинка ёстиқни пуфлаб шиширди-да, ётди.

Унинг уйқуси келмади. Аъзойи бадани зирқирар, оёғи, боши оғрир, ўзини бир ҳафта оғир иш қилгандек чарчаган ҳис қилар эди. Люда келажак тўғрисида ўйлар, лекин уни кўз олдига келтиролмасди. У ўлади, уни бу ердан тириклайин қўйиб юбормайдилар, барибир ўладиган бўлгандан кейин қароқчиларнинг мана бу кемасини чўктириб юборишнинг иложи йўқмикан? О, қани энди бу ерда Марко билан бирга бир оз бўлсаю, бирга вақт ўтказа олса! Улар икковлашиб бирор нарса ўйлаб топган бўлар эдилар! Эҳтимол, улар ҳали қутулиб ҳам кетишар?

Люданинг эсига Зорянинг янги балиқ инспектори билан Тимофий Бойчукнинг ҳалок бўлгани тўғрисидаги ҳикояси тушди. Уларни, эҳтимол, мана шу қароқчилар ушлаб олишгандир. Эҳтимол, сўроқ қилишган, кейин эса ўлдирилган. Зоря уларни қийнаб ўлдирилганлигини кўрсатадиган ҳеч қандай белгилар топишолмаганини сўзлаб берган эди. Улар чўкиб кетишган, яъни уларни чўктириб



юборишган. Эҳтимол, қароқчилар умуман ҳамма асирларини чўктириб ўлдиришар. Лекин улар бошқа бирор чора кўрмай сув ости кемасидан уларни денгизга шундай ташлаб юбормасалар керак,— ахир шундай қилган бўлсалар, унда Тимофий Бойчук соҳилга етиб олиши турган гап эди. Агар уни шунчалик тез денгизга ташлаб юборишган экан, демак уни оролга яқин жойга чўктиришган. Афтидан, у ерда, кўрфазда, уни ушлаб олишган жойдаёқ чўктиришган.

Ниҳоят қиз уйқуга кетди. Бу қисқа, оғир ва ташвишли уйқу эди. Унинг тушига аллақандай қўрқинчли бир одам кирди, у қизга ҳамла қилар, у бўлса, ўзини ҳимоя қилиш учун ҳатто қимирлай ҳам олмасди... У бунинг туш эканини биларди, уйғонмоқчи бўларди, лекин уйғонолмасди.

Ниҳоят Люда уйғонди. Каютада ҳеч ким йўқ эди. Қиз бир ёнбошига ўгирилиб ётиб олди-да, унга овқат олиб келганларича жойидан қимирламади. Овқат егиси келмасди, лекин у кучини сақлаши кераклиги эсига тушиб, овқатни зўр-базўр ерди.

Овқат еб ўтирар экан, у сув ости кемасининг бирдан чайқалиб кетганини сезиб қолди. Палуба тагидан келаётган сезилар-сезилмас титраш электромоторларнинг ишлаётганини билдирарди. Кема денгиз тагида ётган жойидан қўзғолди-да, юқорига кўтарилиш учун бўлса керак, аллақайёққа сузиб кетди.

Люданинг олдидан тарелкаларни олиб кетгани келишганда, у очиқ эшикдан аллакимнинг:

— Чуқурлик ўттиз метр!— деб қичқирганини эшитди.

Бирдан сув ости кемаси тўхтади, кейин яна йўлга тушди. Баъзан, Люданинг назарида, у юқорига кўтарилаётгандек, ҳатто сув юзига чиққандек, кейин яна сув тагига тушаётгандек туюларди. Қиз яна ухлаб қолди, бу сафар анча ухлаган бўлса керак, уйғотганларида қиз ўзини жуда бардам ҳис қилди.

Уни бир матрос уйғотди-да, имо-ишоралар билан орақамдан юр деб буюрди. Қиз ойна олдига келиб, тўзиб кетган сочлари билан ёғим бўлган кўйлагини тўғрилади. Ҳавонинг қуруқлиги ва сув ости кемасининг иссиқлигидан кўйлаклари қуриб қолганди. Матрос ташқари чиқди. Ойна олдида туриб, қиз койка тепасида турган токчанинг аксини кўрди. Токчада бир неча резинка ёстиқ

турарди. Люда ўшандай ёстиқлардан бирида ухлаган эди. Матроснинг йўқлигидан фойдаланиб, қиз тез орқасига ўгирилиб, ёстиқлардан бирини олди-да, уни икки буклаб, кўйлаги тагига яширди. Кейин ойна олдида турган тароқ билан сочини таради. Икки минутдан кейин матрос яна ичкари кирди ва боши билан менинг кетимдан юр деб буюрди. Қиз коридорга чиқди, матрос эшикни ёпти-да, қизни командирнинг энди унга таниш бўлиб қолган каютасига олиб кетди. Уни ичкари киргизишларидан олдин коридорда бирпас кутиб туришга тўғри келди. Қиз каютада командир билан Анчининг бўлишини олдинданоқ билган эди.

— Марҳамат, ўтиринг, ҳурматли Людмила Андреевна,— деб жуда мулойимлик билан унга жой кўрсатди таржимон.

Люда ўтирди.

— Кемамизнинг командири сизга ўзингизни яхши тутганингиз учун ташаккур билдиришни сўраяпти. Сиз бизнинг мақсадимизга дарҳол тушундингиз, индамаслик ва эътироз билдириш йўлини тутмадингиз. Кўриб турибсизки, биз ҳам сизга иложи борича яхшилик қилишга ҳаракат қиляпмиз, лекин сизни ҳозирча озод қилиб бўлмайди, эҳтимол, сиз отангиз тўғрисида хавотир олаётгандирсиз. Бизнингча, у ҳам сиздан хавотир олаётган бўлса керак. Командир отангизга хат ёзишга рухсат берди.

Люда ҳайрон бўлиб ва ҳушёр тортиб Анчининг сўзларига қулоқ солиб турди. Бу ширин сўзлар тагида нималар яшириниб ётган экан?

— Хатда истаган нарсамни ёзишим мумкинми?

— Ҳа, бундан фақат бир нарса истисно: бу кема билан ундаги одамлар тўғрисида бир оғиз сўз ҳам айтмаслигингиз керак.

— Қизиқ, нима тўғрисида ёзишим мумкин ахир?

— Бутун ҳис-туйғуларингиз тўғрисида ёзишингиз, уйишларини суриштиришингиз, ниҳоят, хавф остида қолганингиз, жуда кўнгилсиз вазиятга тушиб қолганингиз тўғрисида ёзишингиз мумкин. Фақат ўзингизнинг қаерда эканингиз тўғрисида ҳеч нарса деманг. Менимча, шунинг ўзи кифоя қилса керак?

— Ҳа, раҳмат, ўйлаб кўраман.

— Нимасини ҳам ўйлар эдингиз?

— Мен тушиб қолган вазиятда бундай хат ёзиш осон эмас... мен хатни сизлар ўтқазиб юборадиган қилиб ёзи-

шим керак, лекин ўзим тўғримда ҳам бирор нарса айтишни истайман-да...

— О, мен сизни тушуниб турибман! Истасангиз хатни ёзишга ёрдам беришим мумкин, ҳа-я, менга қаранг... Хатингизда отангиздан сиз билан кўришиш учун дарҳол Лузанига жўнашни илтимос қилсангиз, унда... бу билан сиз шу кунларда оролда бўлган отангизни ўлим хавфидан қутқарган бўласиз... ва... уни алдамаган ҳам бўласиз: бу орада ҳамма иш тамом бўлади ва сиз у билан ростдан ҳам кўриша оласиз.

Анч ўзи билан Люда ўртасида бўлган гапларни таржима қилиб бериш учун командирга ўгирилди.

Қиз уларга ҳеч нарса тушунмаётгандек қараб турарди. Қиз уларнинг сўзини тушуниб турганини бирон ҳаракати ёки қарashi билан сездириб қўйишдан жуда қўрқарди. Бир унисига, бир бунисига қараб қўйиб, қиз улардан кўзини олди-да, оёқлари тагига қараб ўтирди, уларнинг гапларини фикран таржима қиларди.

— Афтидан, ановилардан кўра бу билан иш осонроқ кўчадиган кўринади,— деди командир.

— Эҳтимол,— деб жавоб берди Анч.— Лекин мен уни бунчалик бўйсунар ва биздан бундай қўрқади деб ўйламаган эдим.

— Ановиларни эса йўқ қилиш керак.

— Уша усул биланми?

— У энг осон усул, лекин бу сафар тўлқин болани соҳилга чиқариб ташласа, унинг ярасига эътибор бериб қолишлари мумкин. Ўйлайманки, уларни эрталабгачаёқ очиқ денгизга ташлаб юборамиз. Улар шундай бир аҳволдаки, ўн минутдаёқ чўкиб кетадилар.

— Лекин мурдаларни сув барибир соҳилга чиқариб ташлайди-ку?

— Қалтак изларини у вақтда ҳеч ким ажратиб оломайди, энди уларни бошқа калтакламаймиз,— деб Анчга изоҳ берди командир, кулиб.

Люда бошининг оғирлашиб бораётганини сезиб турарди; у: «Гапингизга тушунипман! Мени ҳам ўртоқларим билан ўлдиришлар! Барибир ҳеч нарса билолмай-сизлар!» деб қичқиргиси келди. Лекин бутун иродасини йиғиб, ўзини қўлга олди. Уларнинг гапини тушунаётганини сездирмаслик керак. Ўзининг ҳисларини билдириб қўядиган вақт эмас. Агар буларни Марко билганда эди, унинг бу ишини тамоман маъқуллаган бўларди.

Командир қўнғироқ кнопокасини босди, дарҳол матрос кирди. Унга асирни олиб келишни буюрдилар. Анч Людага қараб деди:

— Хўп, энди сиз хат ёзгани бораверсангиз ҳам бўлади. Мен сизни кузатиб қўяман.

— Менинг олдимга Находкани олиб келишни ваъда қилган эдингиз,— деди Люда.

— Находкани? Ҳа-ҳа, рост-а. Командир учрашувингизга эътироз билдирмади. Қизча билан бирпас гап-лашинг, уни йўлга солинг, фикридан қайтсин. Агар у шундай қилса, сизга қўшиб қўядилар.

— Уни қачон кўрсам бўлади?

— Ҳозир кўришингиз ҳам мумкин.

Кейин командирга ўгирилди, Люда унинг сўзини тушунмаяпти деб ўйлаб, қўшиб қўйди:

— Уларни охирги марта кўриштираман.

Коридорда Марко турарди. Қизнинг орқасидан Анч келаётганини кўриб, йигитча Людадан юзини ўгириб олди.

Анч қизни Зоря ўтирган каютага бошлаб борди, шундан кейин дўстлар ёлғиз қолишди.

## XV боб

### КУК ПАКЕТ

Қайтиб келиб, жосус Маркога мен билан командир каютасига кир деб буюрди. Каютада командир йўқ эди. У. афтидан, рубкага чиқиб кетганди — эшик шу томонга очиқ турарди. Марко эшикка қараб туриб ҳозир тун бўлса керак, балким сув ости кемаси жуда ҳам чуқурда турган бўлса керак деб ўйлади. Иллюминатор орқаси қоп-қоронғи эди. Кема сузишини тезлатгани сезилиб турарди.

Анч командир креслосига ўтириб, Маркони очикдан-очик масхара қилиб деди:

— Хўш, қахрамоним, икки соат ҳам ўтди. Мен сиз билан охирги марта суҳбатлашяпман. Ўйлайманки, ақлингиз кириб қолгандир, фикрингиздан қайтгандирсиз, а?

— Ҳа, ўйладим,— деди Марко,— мендан барибир ҳеч нарса билолмайсиз. Эҳтимол, ҳозир умримнинг охирги

соатидир, лекин сизларнинг ҳам ўлим соатингиз яқин. Мен учун ўч ола оладилар.

— Ваъзхонликни қўйсангиз-чи, йигитча. Яхшиси қулоқ солинг. Сиз, албатта, яқинда ҳалок бўлган Лебединийлик икки кишини танийсиз. Улардан бирининг исми Тимофий Бойчук эди. Энди уларнинг иккаласи ҳам йўқ. Лекин сиз уларнинг қандай ўлганлиги тўғрисида ҳеч нарса билмайсиз. Булардан биринчисини сичқондек чўктириб юбордик: калласини сувга тикдик, икки матрос эса оёқларидан ушлаб турди. Мен унинг калласини сувга тикиш билан овора бўлдим. У дельфиндек сакрарди. У денгиз сувидан мириқиб ичиб олган бўлса керак, ўзингиз биласизки, бу у қадар ёқимли ичимлик эмас. О, биз унинг қорнига сув аралаш турли бало-баттар тўлгунча, ўпкасидан эса, бутун ҳаво чиқиб кетгунча беш минутдан ортиқроқ овора бўлдик. Кейин у бирпасда чўкиб кетди. Бойчукни эса қопга солдик. У бир оз қаршилиқ қилиб кўрди, шунинг учун мен кителимдаги бир тугмачадан ажралдим. Бошқасини кейинроқ, сиз узиб олган кўринасиз, йигитча. Лекин биз уни қопга жойлаб олганимиздан кейин ишимиз анча енгиллашди. Биз уни бир неча минут сувга ташлаб қўйдик, кейин эса қопдан бўшатиш учун унинг жонсиз танасини кўтариб олдик. Уша қопни хотира тариқасида сақлаб қўйибман. Кўрсатайми сизга?

— Аблаҳ!

— Сўкманг, фойдаси йўқ. Шу охирги сўзингизми? ..

Шу пайт сув ости кемаси тўсатдан тўхтаб қолди. Анч билан Марко инерция билан бир томонга чайқалиб кетдилар. Командир рубкаси тарафдан хавотирли гаплар эшитилди. Анч ўрнидан турди, ярим очиқ турган эшик олдига келди, Маркога орқасини ўгириб, алланарса деб сўради.

Юнга сув ости кемасининг командири ўз гидрофонистлари хабаридан ҳаяжонга тушиб, кутилмаганда кемани тўхтатганидан беҳабар эди. Гидрофонистлар машинаси кучли ва тез сузадиган бир пароходнинг шовқинини эшитган эдилар. Гидрофонистлар белгилаган кеманинг тезлиги ва йўналиши биронта ҳам юк ташувчи ёки пассажир пароходларникига сира тўғри келмас эди. Эҳтимол, бу ҳарбий кемадир. Ҳар эҳтимолга қарши қароқчилар тўхташга қарор қилдилар. Улар билан деярли бир вақтда юқоридаги кеманинг ҳам шовқини жим бўлиб қолгани уларни айниқса ҳайрон қолдирди. Бундай тасодиф

уларга шубҳали туюлди. Шунинг учун командир гидрофонлар ёрдами билан юқоридаги кема шовқинини кузатиб, сув остида жим ётишга қарор қилди. Сув ости кемаси бир юз қирқ беш метр чуқурликда, денгиз тагида ётарди.

Анч кеманинг марказий бошқариш постидаги одамлар билан гаплашар экан, Марко қутулиб қолишнинг бирор имкониятини қидириб аτροφга назар ташлади. У бирон-бир қурол топиш ва уни қўлга олиб, жосус билан «малла бошни ўлдиришни истарди. Лекин узоқдан қуролга салпал ўхшаб кетадиган бирдан-бир нарса қоғоз қирқадиган суяк пичоқ эди. Бундан ташқари стол устида учтами, тўртта китоб, бир тўп қоғоз, қаламлар ва кичкинагина қутича турарди, бу қутичани Марко илгари кўрмаганди. Унинг оғзи очиқ бўлиб ичидан аллақандай қоғозлар кўриниб турарди; афтидан, уни марказий бошқарув постига чақиришларидан олдин командир уларни кўздан кечираётган эди. У қутичанинг қоғоғини ёпмай, рубакага югурган ва ўша ерда ушланиб қолганди.

«Эҳтимол, унда бирор муҳим ҳужжат бордир» деб ўйлади юнга ва ўзига ҳеч ким қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, қўлини қутичага узатди. Вақт жуда жиддий эди: қўллари қоғозга текканда йигитчанинг нафаси бўғилиб қолай деди. У аллақандай қалин пакетга қўли текканини сезди. Жимжитликда Анч билан сув ости кемаси командир қаттиқ-қаттиқ сўзлашаётгани эшитилиб турарди. Командир қисқа-қисқа иборалар билан, узиб-юлиб анланарса тўғрисида сўзларди. Жосус савол бериб унинг сўзини бўлди ва гўё орқасига ўгирилмоқчи бўлгандек ҳаракат қилди. Бу вақтда Марконинг пакет ушлаб туран қўли стол тагида эди. Юнга қўлини тортди ва конвертни стол тагига яширди, ўзи эса яна деворга тикилиб олди. Анч ҳақиқатан ҳам ўгирилиб қаради, асирга кўз ташлаб қўйди, лекин унинг ўз жойида ўтирганини кўриб, яна сўзида давом этди. Марко деворда осиглиқ турган номаълум рассомнинг расмини яна бир неча секунд томоша қилди, кейин Анчга ўгирилиб қаради. У ҳамон унга орқасини ўгириб турарди. Шундан кейин кўк пакет бир лаҳзада Марконинг кўйлаги ичига кириб ғойиб бўлди. «Эҳтимол, ўлигимни тўлқинлар соҳилга чиқариб ташлар,— деб ўйлади у,— қоғозлар эса бир қанча вақтгача сақланиб қолади. Бу пакет ва матросга ёзиб берган хатим ҳамма нарсани изоҳлаб беради.»

Кўп ўтмай Анч асир олдига қайтиб келди. Унинг кетидан командир ҳам ичкари кирди, улар жойларига ўтирдилар. Анч Маркога ҳамма саволларимизга тўғри жавоб бер деб охирги марта таклиф қилди.

— Люда Ананьева айтган гапларни тасдиқлайсизми?

— Йўқ, улар тўғри эмас!

— Хўп, ҳаммаси тушунарли. Демак, сиз қаҳрамон бўлиб ўламан, мен тўғримда қўшиқлар, афсоналар тўқишади, мангу шуҳрат орттираман деб хаёл қилсангиз керак?— деб жосус кулиб қўйди.

У ўзининг сўзларини командирига таржима қилиб берди, шундан кейин командир ҳам ҳиринглаб кула бошлади.

— Лекин қандай ҳалок бўлганингизни ҳеч ким билолмайди. Ҳатто мурдангизни топишганда ҳам, йигитча, эҳтиётсизлигидан денгизга чўкиб кетибди деб қўя қоладилар. Кўмиб юборадилар, вассалом.

Анч юнгани мазах қилиб куларди. Сув ости кемасининг командири жосуснинг сўзларини тушунмас, лекин Анчнинг юз ҳаракатларидан унинг нималар деяётганини англай ва истехзо билан тиржайарди.

Юнга лабларини маҳкам қисиб, душманлар сўзини тинглади, кейин қоматини ростлаб, деди:

— Янглишасизлар, жаноблар, менинг ўлганимни тез орада биладилар ва ҳаммангизни битталаб янчиб ташлайдилар.

— Ҳа-ҳа-ҳа!— деб кулди Анч.— Қаердан билишарди?— деди-да, командирга алланарса деб гулдиради.

У эса стол тортмасини очди, ундан аллақандай қоз олиб Анчга узатди. Анч уни очиб, сўзларини чўзиб-чўзиб ўқий бошлади:

— «Азиз жигарпораларим! Менинг ўлишим керак..»

Марконинг миясига қон қуйилди-ю, ўзини тутолмай Анчга ташланди. Лекин жосус олдинданок кастет билан қуролланиб турганди. У асирнинг қаншарига солди, каютага югуриб кирган матрос эса юнганинг қўлига ёпишиб чаққон орқасига қайирди.

— Қизиққан экансиз,— деб кулиб қўйди Анч,— лекин шундай бўлса ҳам хатингизни охиригача ўқиймиз.

Матрос юнганинг қўлларини арқон билан боғлади-да, уни стулга ўтқазиб, ўзи ёнма-ён турди. Жосус хатнинг ҳар бир сўзини масҳара қилиб, охиригача ўқиди. Лекин Марко ғазабини тез босиб олди. У ўзини хотиржам ва

бепарво тутишга, саволларнинг биттасига ҳам жавоб бермасликка, совуққон, тилсиз бўлиб олишга, бу золимларга мутлақо эътибор қилмасликка аҳд қилди. У хатнинг Анч билан кема командири қўлига қандай қилиб тушиб қолгани тўғрисида ўйлар эди. Наҳотки ўша мулойим юзли матрос эҳтиётсизлик қилиб, унинг хатини йўқотиб қўйган бўлса? Ёки хатни ундан топиб олишганмикан? Бечоранинг аҳволи энди нима кечаркин?

Юнгани қўли боғланган ҳолда коридорга олиб чиқдилар ва Находка билан бирга қамалиб ётган бояги хонага олиб бордилар. Коридордан ўтиб борар экан, у аллакимнинг ўзига қараб турганини сезиб қолди. Унга қараётган «мулойим» юзли матрос эди. У... жилмаярди, энди унинг юзи Маркога ниҳоятда жирканч кўринди.

— Ифвогар! — деб қичқирди бола ва унинг башарасига тупурди.

## XVI боб

### ТОРПЕДА ЮБОРИЛДИ

Гидрофон олдида ўтирган ўнг бортдаги слухач яна пароходнинг винти шовқинини эшитаётганини кеманинг марказий бошқарув постига хабар қилди. Кеманинг йўналиши илгаригича қолган эди. Сув ости кемасининг командири дарҳол ўз каютасидан рубкага чиқиб кетди. Рубкада унинг ёрдамчиси ҳам навбатчилик қилар эди. Командир ўз ўрнини олиб, олдига денгиз харитасини ёзди, қулоғига телефон наушникларини тутиб, телефон аппарати ёрдами билан сув ости кемасининг барча қисмлари билан гаплашди, энг олдин гидрофонлар билан гаплашиб олди. Савдо кемалари учун жуда тезлик қиладиган, лекин ҳарбий кемалар учун камлик қиладиган тезлик билан аллақандай бир пароход уларга яқинлашиб келмоқда эди. Шумопеленгатор ёрдами билан бу пароходнинг тўғри чизиқ бўйлаб сузмаётганини белгилаш мумкин бўлди. Пароход илон изи қилиб сузарди, яъни тез-тез йўналишини ўзгартириб борарди, торпедадан қочаётган пароход, ёки мина йиғиб юрган ҳарбий кема, ёки, ниҳоят, денгизга разведкага юбориш вазифаси билан чиққан миноносец шундай илон изи қилиб юради.



Командирнинг орқасида Анч турарди. У, гарчи кема экипажи ҳисобига кирмаса ҳам, махсус разведка хизмати вақили сифатида имтиёзли ҳуқуқларга эга эди.

— Нима гап?— деб сўради у.— Бирон янгилик борми

Командир яқинлашиб келаётган пароходнинг йўналишини харитага белгилаб қўярди.

— Тепамиздаги пароходнинг ҳарбий кема эканига ишончим комил,— деди у.— Мен жон деб юқорига чиққан ва унга озгина портловчи модда совға қилган бўлардим-у, лекин унинг илгариги тезлиги ва мана бу маневрлари мени бир оз шубҳага солиб қўйди...

— Нега энди?

— Хойнаҳой тепамиздаги кема — бизнинг энг хавфли душманамиз миноносец бўлса керак. Агар у яқин ўртада сув ости кемаси борлигидан шубҳа қилса, ёки, ҳеч бўлмаганда, ўрганиш машқи қилиб сузиб юрган бўлса ҳам, бошимизга кўп кулфатлар солиши мумкин.

— Бу ерда кўп турамизми?

— Бу пароход анча узоққа кетмагунча турамиз. Акс ҳолда у бизни ўзининг гидрофонлари ёрдами билан эшитиб қолиши мумкин.

Шумопеленгаторлар ва оддий гидрофонлар номаълум кеманинг тезлиги ортиб бораётганини ва ўзи яқинлашиб келаётганини кўрсатиб турардилар. Лекин қароқчилар кемасининг командири хотиржам эди. Бир юз қирқ беш метр чуқурликда — сув ости кемасини, агар у қимирламай ётган бўлса, бемалол яшириб қолса бўларди. Бундай ҳолда кемани фақат инфракрас нурлар ёрдами билан разведка қилиб топиш мумкин. Лекин бу усулда разведка қилишнинг қийинлиги ва янгилигини эътиборга олиб командир миноносецнинг бундай разведка қила олмаслигига ишонар эди.

Мана, номаълум кема жуда яқинлашиб келди... Шумопеленгатор установкасининг кўрсаткичлари бундай яқин масофадаги кеманинг турган жойини белгилай олмайдилар. Стрелкалар магнит бўрони вақтидаги компас стрелкалари сингари тўхтовсиз ликиллай бошлайди. Кема командири қовоғини соларди. Бундан бир минут илгари у жуда хотиржам эди, лекин энди хавотирга тушиб қолди: борди-ю, бу кема инфракрас нурлари билан разведка қиладиган ускуналарга эга бўлса-чи? Мана ҳозир у сув ости кемасининг устидан ўтади-да, унинг турган жойини белгилаб, чуқур сув остида ёриладиган бомбалар

ташлайди. Унда бир юз қирқ беш метр чуқурлик ҳам фойда бермайди! Аксинча, бундай чуқурликда бомба гарчан сув ости кемасининг нақ ўзига тегмай, яқин ўртада портлаганда ҳам, кемани юқорига кўтариб бўлмайди-ган даражада шикаслаши мумкин.

Кеманинг сув ости кемаси тепасидан сузиб ўтаётгани ҳеч қандай асбобсиз ҳам эшитила бошлади. Юқоридаги кеманинг винт парраклари сувни сураётгани эшитилиб турарди. Лекин кўп ўтмай пароходнинг шовқини сусая бошлади. Пароход ўтиб кетди ва илгаригидек йўналишини тез-тез ўзгартириб, аллақаяёққа қараб сузди. Қароқчилар сув ости кемаси эса, унинг шовқини бутунлай тинишини кутиб, денгиз тагида жим ётарди.

Ниҳоят кутилган вақт келди. Гидрофонлар ҳеч қандай шовқинни эшитмай қолдилар.

— Секин ҳайда!— деб буюрди командир, ўзининг ёрдамчисига:— Чуқурлик рулини пастга торт!

Электромоторлар ишга тушди, шундан кейин сув ости кемаси денгиз тагида суза бошлади. Рулевой рулнинг дастасини бурди, сув ости кемаси юқорига кўтарила бошлади. Мана у перископ чуқурлигига чиқди. Бундан юқорига кўтарилиш учун ҳаво тўлдирилган баллонларни очиш ёки балласт цистернасидан сув чиқариш лозим эди. Денгиз юзига перископ чиқардилар, лекин перископдан милтиллаган юлдузларгина кўринди, холос. Командир радистга эфирга қулоқ солишни буюрди. Сув усти базасидан бериладиган шифрли хабарни қабул қилиш вақти бўлган эди. Бу база — узоқда денгизда маневр қилиб юрган бир пароход эди. У тез-тез рангини ва исмини ўзгартириб турарди. Бир хил ҳужжатларга биноан у Совет Иттифоқи портларига кетаётган бўлар, бошқа ҳужжатларга биноан эса, аксинча, ундан қайтиб келаятган бўларди. Лекин ҳамма ҳужжатлар ҳам сохта, аввалдан ҳозирлаб қўйилган ҳужжатлар эди. Аслида эса пароход қароқчилар сув ости кемаси билан унинг хўжайинлари ўртасидаги алоқа пости вазифасини бажарарди, сув ости кемасига зарур бўлган ёқилғи, сув, озиқ-овқат запасини етказиб турар, бошқа давлатларга қарши олиб борилган босқинчилик ва қўпоровчилик ишлари туфайли қўлга киритилган ўлжаларни олиб кетарди.

Эҳтиёткорлик қилиб радист антеннани сув тепасига кўтармади, балки уни сувга ташлаб қўя қолди. У керакли тўлқинни жуда тез қидириб топди, ўз радио станция-

сини ушлади-да, қалам билан метеорологик хабар сарлавҳаси остида эфирга чиқарилаётган шифрли радиограмmani ёзиб ола бошлади. Радиограмма жуда узун эди. Ёзиб олишни тугатиб, радист унинг такрор қилинганига қулоқ солди ва радиограмманинг маъносини шифрлаб ўқиш учун ёрдамчисига берди.

Кўп ўтмай командир сув усти базасидан берилган шифрли хабарнинг асл маъносини олди.

««Антопулос» пароходи Америкадан Совет Иттифоқи-га келяпти,— дейилар эди хабарда,— «Антопулос» да Лебединий ороли учун олиб келинаётган асбоб-ускуналар бор. Пароход базадан бир юз милча ғарб тарафдан ўтиб бормоқда. Салонники билан радио алоқа қилиб турибди. Чақириш белгилари — ВС. Дарҳол дадил чора кўриш лозим.»

Қароқчилар кемасининг командири радиограмmani Анчга узатди. Уни кўздан кечириб. Анч фақат битта сўз айтди:

— Торпеда!

Радист ўша ондаёқ кеманинг чақириш белгиларига қулоқ солиш, уни топгандан кейин эса дарҳол пеленгни аниқлаш тўғрисида буйруқ олди. Пароход эрталаб қуруқлик билан радио орқали сўзлашади, ўшанда унинг қаердалигини аниқлаш мумкин бўлади деб тахмин қилишди. Ҳозирча эса сув ости кемаси Лебединий ороли билан Лузани ўртасида соҳилга параллель сузиб бориши ва «Антопулос» билан мана шу маршрутнинг бирор жойида учрашиши керак эди.

Командир ва Анч сув усти базаси «Антопулос» ҳақидаги хабарни қаердан олган бўлиши мумкин деган мавзуда сўзлашиб қолдилар.

— Бу бизнинг америка агентурамизнинг иши,— деди ишонч билан Анч,— бошқача бўлиши мумкин эмас: ахир Совет Иттифоқидаги агентура билан алоқа деярли узилиб қолган. Тирик қолганлар қийинчиликларнинг ўтиб кетишини кутиб, жуда жим бўлиб кетганлар.

Қароқчиларнинг омади келганди. Кўп ўтмай старший ёрдамчи, радист «Антопулос»нинг Афина билан гаплашганини эшитган деб хабар қилди.

Икки мартадан аниқланган пеленг «Антопулос»нинг тахминан бу ердан йигирма миль нарида эканини кўрсатиб турарди. Секин юрилса кемани қувиб етиб бўлмасди. Сув юзига чиқиб эса, сув ости кемаси пароходни

бир ярим соатда қувиб ета оларди. Цистерналарга ҳаво юбориш тўғрисида команда берилди. Сиқилиб ётган ҳавонинг қудратли оқими цистерналардан бир неча юз тонна сувни сиқиб чиқарди. Етти минутдан кейин, «нормаълум миллат» сув ости кемаси жадал сузиб грек пароходини қувиб кетмоқда эди. «Антопулос»нинг радисти ўз ишини давом эттирар ва ҳавода кўзга кўринмас, лекин қароқчилар радистига сезиларли из қолдириб борарди.

Сув ости кемасида торпеда аппаратларини ўқлаш ва отишга тайёргарлик кўриш тўғрисида буйруқ берилди.

Торпеда! Қуруқликда яшовчилар бу даҳшатли қурол билан таниш эмаслар. Узунлиги беш-етти метр келади-ган, жуда мураккаб махсус механизмли снарядни кўз олдингизга келтиринг. У сув остида соатига тўқсон-юз километр тезлик билан, дастлабки йўналишини ўзгартирмай, маълум чуқурликда сузади, унда тўғри бориб тегса, энг катта ҳарбий кемани ҳам чўктириб юборишга етадиган портловчи модда запаси бўлади. Бу снаряд айниқса юк ёки пассажир пароходлари учун қўрқинчли. Бундай кемаларнинг денгизчилари сув юзида улар тарафга яқинлашиб келаётган кўпикли изини кўриб қолсалар, юраклари орқага тортиб кетади ва дарҳол қайиқларни сувга туширишга тайёр турадилар. Мўлжалга яхши тегмаган торпедаларгина пароходни сув юзида қолдириши мумкин.

Сув ости кемаси «Антопулос»ни тез қувиб борарди. Командир ва сув ости кемасининг командасидан бир неча киши кема палубасида туришар ва уфқдан кўз узишмасди. Рулевой пеленг кўрсатган чизиқдан бошқариб борар, радист эса пеленгнинг тўғрилигини кузатиб турарди. «Антопулос»дан берилаётган хабар сув ости кемасидагилар унинг чироқларини кўриб қолганларидан, кейингина тўхтаб қолди. Эҳтимол, радист қабулга ўтган ва ўзига юборилаётган точка ҳамда тиреларга қулоқ солаётгандир. Пароходдагилардан ҳеч ким ўлим хавфининг яқинлашиб келаётганини сезмасди. Капитан кўприкчасида вахтада турган штурман эснар, рулевой эса шиша тўсиқ тагидаги йўл кўрсатувчи компаснинг тили кўрсатаётган тараф билан ўзига белгилаб берилган маршрутни солиштириб, рулни беихтиёр у ёқ-бу ёққа бураб турарди. Денгизда фақат шу ёлғиз пароходнинг чироқлари милтилларди: деярли клотик тагидаги олдинги чироқ ва иккита борт чироқлари — капитан кўприкчасининг икки четидаги чи-

роқлар ёниб турарди. Ичкарида, пароход хоналарининг ичкарисиди фақат машина бўлими билан кочегаркада чироқ ёниб турарди, бу ерда одамлар ўзларининг ҳар кунги қиладиган ишлари ёки «Антопулос» олиб бораётган ҳалати юк тўғрисида суҳбатлашиб борардилар.

Ҳеч ким сезмай қолган сув ости кемаси пароходни айланиб, ярим доира ясади.

Командир командага палубани бўшатинглар ва чўкишга ҳозирлик кўринглар деб команда берди-да, радистга «Антопулос» портлашдан кейин эфирга «SOS» сигнал чиқарадими ёки йўқми, шунга қулоқ сол деб буюрди.

Сув ости кемаси сувга ярим чўккан ҳолда келарди. У ярим минут ичида сув тагида гойиб бўлиши мумкин эди. Жанговар рубкада фақат командир билан унинг ёрдамчиси қолдилар. «От!» деган команда эшитилди. Сув тагида торпеда аппаратининг трубкасидан сиқилган ҳаво кучи билан денгизга улоқтирилган торпеда учиб чиқди. Дастлаб уни ҳеч ким кўрмади ҳам, лекин мана, юлдузлар ёруғида пароходнинг йўлини кесиб, кўпикли из чошиб бораётгани кўриниб қолди. Командир билан унинг ёрдамчиси диққат билан из кетидан қараб туришди. Мана у ҳозир пароход ўтиб кетаётган жойга етиб боради-да, унга урилади. Лекин, худди жўрттага бўлгандек, торпеда сувга отилиши биланоқ, аллақандай сабабларга биноан пароход ҳам тезлигини камайтирди: эҳтимол, кочегарлар эзмалик қилиб қолишган ва қозонлардаги босим камайиб кетгандир, ёки машина бўлимида бирор гап бўлгандир.

Торпеда «Антопулос» нинг шундай тумшуғи олдидан, унга тегмай ўтиб кетди.

Торпеда — концентрик-айланма ҳаракат қиладиган механизмли снаряд, бу механизм, агар снаряд мўлжалга тегмаса, уни орқага буради ва ўз қурбони атрофида борган сари тор доирада, то унга бориб урилмагунча, айланаверишга мажбур қилиб, уни қайтариб келаверади.

Бир минут, бир ярим минут ўтди, торпеда аллақачон орқага бурилиб, айланма ҳаракат билан қайтиб кела бошлади. Унинг ялтироқ қора танаси ичида двигатель бехато ишлар, газ горелкаси унда камайиб қолаётган сиқилган ҳаво запасини иситар ва бу билан унинг тезлигини оширарди. Пароход атрофидаги айланма доира торайиб борди. Ниҳоят вахтада турган штурман тушуниб бўлмайдиган, дельфиндан ҳам тезроқ сузиб келаётган бир

нарсани кўриб қолди, лекин у бунинг нималигини англаб олгунча бўлмай, қаттиқ портлаш овози эшитилди. Ҳавога кўтарилган сув фонтани қайтиб пароходга урилди, одамларни йиқитиб, пала-партиш маҳкамланган юкларни денгизга суриб кетиб, пароходнинг ички хоналарини тўлдирди. Пароход шундай қаттиқ силкиндикки, асосий машина жойидан қўзғалиб кетди, кема аста чўка бошлади.

Ташқари ва ичкарида чироқлар ўчиб қолди, одамларнинг қичқирдиқ ва инграшлари эшитилди.

Пароходнинг радисти «SOS» сигнал юбормади.

Чўкиб кетаётган пароходни қоронғида ўз ҳолига ташлаб сув ости кемаси денгиз тагига чўкди ва йўналишини ўзгартирди.

## XVII боб

### А С И Р Л А Р Д А Н У Ч О Л И Ш

Марко ўз карцерига қайтиб келганда, унда Люда йўқ эди. Зоря юнгани кўриб, унинг қўлидан ушлаб олди-да, шивирлаб деди:

— Нима, яна уришдимиз?

Юнга кулиб, йўқ дегандек бош чайқади.

Ўйга чўмиб, улар бир-бирларига қарама-қарши ўтириб олганча узоқ жим қолдилар. Ерқин электр чироғи кўзни қамаштирар ва жимирлатиб юборар эди. Улар сув-ости кемасининг қандай юқорига кўтарилганини, унинг сув остида қандай сузиб юрганини, денгиз юзига чиққанини ва, афтидан, сув юзидан сузиб бораётганини сезиб турдилар. Марко буларнинг ҳаммасини енгил силкинишлар ва машинанинг титрашидан сезиб турди. Дўстлар ҳар замонда бир-икки оғиз сўзлашиб қўйишарди, улар ўзларининг сўзларига қулоқ солиб туришмаганига ишонишмас эди. Юнга бугун кечаси уларнинг ҳоли нима кечиши тўғрисида ўйларди. «Анч дўқ-пўписаларини қачон ва қандай қилиб амалга ошираркан?» деб сўрарди у, ўзидан ўзи.

Ўзини хотиржам тутишга тиришиб, Марко ширин халёлга берилди. Унинг кўзи олдида Лебединий оролида ўсган бўлиқ барра ўтлар, ёмғир ёғишдан олдинги булутли осмон келди. Оролдаги ўтларни ерга эгиб шамол ғувил-

лаб ўтди. Узоқда, сал-пал кўриниб турган сўқмоқдан кетаётган қизнинг қораси кўринди. Осмонда ялт-юлт қилиб яшин чақнади, момақалди роқ гумбурлади... Мана, ёмғирнинг биринчи йирик томчилари ёға бошлади. Нотаниш қиз тепасида зонтик пайдо бўлди. Ёмғир таранг тортилган шоҳига урилиб тиқирлайди. Нотаниш қиз ўгирилиб қаради, шунда Марко унинг кўкиш қўй кўзларини кўрди... Кейин хаёлига охириги учрашув келди, ўшанда Люда ўзини гўё Марко роса калтаклагандек қилиб кўрсатганди. Юнга Люда омон қолар ва бор гапни одамларга сўзлаб берар, Лебединий оролидагилар эса уларнинг тақдиридан хабардор бўлишар деган умидда эди... Маркони ўзининг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги қийнарди: у мана бу қароқчилар кемасига ҳеч қандай зарар келтира олмайди, ўз одамларига бу тўғрида хабар ҳам беролмайди... Маркони эсига кўк пакет тушиб қолди. У қўлини кўйлагига тагига тиқиб, пакетни пайпаслаб кўрди-да, конверт оддий қоғозлардай дарров ивиб қолмайдиган пишиқ пергаментли қоғоздан қилинганига ишонди. Демак, ҳужжатлар бир қанча вақтгача сақланиб қолади, эҳтимолки, унинг мурдасини топиб олганларида совет кишилари бундан бирон-бир муҳим хабарни билиб олишар... Бирдан юнганинг қулоғига узоқдан портлаш овози эшитилди. Марко сув ости кемасининг яна денгиз тагига туша бошлаганини сезиб қолди.

Марко Зоряга қаради. Қиз бошини унинг тиззасига қўйиб ухлаб ётарди. Қизчанинг озғин, офтобда қорайган юзи уйқуда жуда ҳам ёш болаларникига ўхшаб қолган, ўзининг одатдаги жиддий тусини йўқотганди. Учигача ўрилмаган сочи унинг ингичка қадоқ кафтига тушиб турарди. Юнга эсини танигандан бери на оналик, на оталик меҳрини кўрмаган Находканинг мудҳиш ҳаёти тўғрисида ўйлаб кетди. Охириги вақтгача унинг дўст, ўртоқлари йўқ эди. Фақат Ковальчукнинг ўлиmidан кейингина унинг бахти кулиб боқди. Мана, яна оғир кулфатларга дучор бўлди... Эҳтимол, қароқчилар уни ўлдиришмас? Эҳтимол, улар учун болани ўлдиришнинг ўзи ҳам кифоя қилар? Йўқ, бу ваҳшийлар жонли гувоҳ қолдиришдан кўрқадилар! Уларнинг учаласини ҳам бир хил тақдир кутмоқда, у ҳам бўлса — ўлим. Эҳтимол, Люда яна бир ёки икки кун яшар? Бу эса унинг қутулиб кетишига бир оз умид уйғотарди. Марко бирон бир қутулиш йўлини топишга уриниб кўрди, лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Зоря хотиржам ухлаб ётарди, йигитча қиз уйқусида бир неча марта жилмайганини кўрди. Қизчанинг тушига аллақандай яхши нарсалар кираётган бўлса керак. Марко унга ҳаваси келар, ўзининг уйқуси келмаётганига ачинарди. Ҳар сафар уни мудроқ босганда, пешонасига муздек тер чиқарди.— Зоря билан Люданинг зўр азоб-уқубатда жон бераётгани кўз олдига келарди.

У ўзини ўйламай қўйди, бошидан кечирганларини бир-бир хаёлидан ўтказди, лекин дўстларининг тақдири уни ҳаяжонга соларди. Анчнинг янги инспектор билан балиқчи Тимофий Бойчукни қандай чўктириб юборилгани тўғрисидаги ҳикоясини эслар экан, ҳар сафар қўлларини мушт қилар ва у билан полни гумбурлатиб урар эди. Лекин ярадор қўли зирқираб оғриши билан яна жим бўларди, кейин Зоря уйғониб қолмадимикан деб хавотир олиб, қизчага қарарди.

Қизча ўйғонмади. Фақат бир марта у бошқа ёнбошига ағдарилиб олди-да, қўлидаги сочини қўйиб юбориб: «Ойи» деб шивирлаб қўйди. Унинг юзида шодлик акс ётарди. Марко қотиб қолди, асирга тушганларидан бери биринчи марта кўзларига ёш келди. У Левкони — «Қолумб» мотористини, бу қизчани ҳаммадан олдин самимий яхши кўриб қолган кишини эслади.

Бирдан эшик очилди. «Наҳотки вақти-саотим битди?» Эшик олдида Анч — турарди, унинг орқасида эса бир неча матрос кўринарди. Маркога ташқари чиқишни таклиф қилдилар. У Зорянинг пешонасидан ўпди, унинг бошини авайлаб полга қўйди, кейин ўрнидан турди-да, ташқари чиқди. У коридорга чиқиши билан, Анч ҳужрачага кирди, қизчани туртиб уйғотиб, унинг ҳам ташқари чиқишини буюрди. Уларни командир каютаси олдидан тўғри олиб ўтиб кетдилар. Демак, ортиқ сўроқ қилишмас экан. Олдинда бир матрос, кетиндан Марко, Маркодан кейин Зоря, ундан кейин эса Анч ва яна уч-тўртта матрос келишар эди. Улар трапдан юқори кўтарилиб, очиқ турган люкдан палубага чиқдилар. Уларни тунги ҳавонинг енгил оқими чулғаб олди.

Сув ости кемаси денгиз юзига чиқиб, қамирламай турарди. Тонг ёришиб қолганди. Осмондаги юлдузлар сўна бошлаган, шарқ тараф эса оқариб қолганди. Қоронғилик тарқалиб бормоқда эди. Қора майда тўлқинлар сув ости кемасининг металл баданига секин-секин келиб урилди.



Олдинда бораётган матрос Марко билан Зоряни олдинга ўтказиб юборди-да, ўзи яна люк ичига тушиб ғойиб бўлди. Унинг ўрнига Анч пайдо бўлди. У оқариб келаётган осмонни ва тинч денгизни узоқ томоша қилди. Кейин нега қалтирайсизлар — ахир мутлақо совуқ эмас-ку деб болаларни мазах қилиб сўради.

— Сизнинг денгизда август ойи — энг яхши ой, — деди жосус. — Яқин орада ойдин кечалар ҳам бошланади... Афсуски бутун биз сизларга фақат юлдузларни кўрсатишимиз мумкин. Бунинг ҳисобига соф денгиз ҳавосидан нафас олишингиз мумкин. Бу жуда ҳаётбахш ҳаво! Врачларнинг гапига қараганда соҳилдан юз километр берида биронта ҳам бактерия бўлмас эмиш.

Марко билан Зоря жим туришарди. Улар палубада туриб, денгизга қарашар ва сув остида узоқ бўлганлари учун ҳам ҳозир денгиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олардилар. Улар кўзлари билан қандай бўлмасин бирон-бир милтиллаган чироқ ёки бирон нарсанинг қорасини қидирардилар. Лекин барча ҳаракатлари зое кетди: сув ости кемасининг командири атайдан денгиз йўлларида четдаги, ҳатто, балиқчилар ҳам жуда камдан-кам келади-ган жойни танлаган эди.

Анч люк тарафга юрди, лекин зинапояда тўхтаб, сўради:

— Ё Тимофий Бойчук бир неча минут маза қилиб ётган қопни кўрсатайми?.. Гапиргингиз келмаяптими? Хўп, ундай бўлса сизларга соғ-саломатлик тилайман!

У тезлик билан люк ичига кириб кетди-да, орқасидан уни беркитиб қўйди. Йигитча билан қиз ёлғиз ўзлари қолишди. Зоря Маркодан ёрдам бер дегандек унинг пинжигига тиқилди. Шу вақт жанговар рубка тепасидаги кичкинагина илюминатор очилди-да, ундан яна Анчнинг овози эшитилди:

— Ҳей, менга қаранглар! Ҳозир кема сув тагига тушиб кетади. Агар охириги минутда айтганларимизнинг ҳаммасини қилишга рози бўлсанглар, мана шу ерни тақиллатинглар.

Илюминатор ойнаси пастга тушди.

Қўйруқ тарафдан сувнинг шовқини эшитилди. Кема винтининг паррақлари секин-аста айлана бошлади-да, кема сузиб кетди. Унинг тезлиги орта борди. Кема орқасидан текис из қолдириб борарди: у сув остига тушиб борарди. Юнга билан қизча, бир-бирларининг пинжигига

маҳкам сиқилиб палубада туришарди. Бирдан Зоря қўлини тортиб олди, жанговар рубка тарафга чопди, бориб муштчаси билан иллюминаторни тиқиллата бошлади. Юнга дўстининг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди, кейин лип этиб унинг олдига борди. Унинг миясида бири-бирига қарама-қарши икки фикр курашмоқда эди. У Зорянинг ҳалок бўлишидан қўрқарди, лекин хиёнат қилгандан кўра ҳалок бўлгани афзал деб ҳам ўйларди. У қизни иллюминатор олдидан олиб кетиш учун қўлини чўзди, лекин улгуролмади. Кема сув остига чўкишдан тўхтади, иллюминатор очилди-да, яна Анчнинг тантанали масха-раомуз овози эшитилди:

— Ҳай, ўйлаб кўрдингларми? Розимисизлар?

— Мен сизга бир нарсани айтиб бермоқчи эдим...— деди шошиб-пишиб қиз.

— Зоря!— деб қичқирди Марко, дилхасталик ва дўқ билан.

Лекин қиз унга мутлақо эътибор бермади.

— Сиз буни бошқа ҳеч кимдан ҳеч вақт эшитмайсиз... Буни фақат мен айтиб беришим мумкин. Папиросингиз билан ҳеч кимни заҳарлаб ўлдира олмаганингиз сабабини айтиб беришимни хоҳлайсизми? Мен уни қандай тайёрлаганингизни кўриб қолган эдим, кейин уни алмаштириб қўйдим, заҳарли папиросни эса ёндириб ташладим... Шу холос.— Қизча хохолаб кулиб юборди.

Иллюминатор тақ этиб ёпилди. Кема яна сув тагига чўкиб кета бошлади. Марко Зоряни кучоқлаб олди. У ўзининг кичкина дўсти билан фахрланар эди. Улар яна қўл ушлашиб олдилар. Кема илгарилаб борар, уларнинг юзига шамол уриларди.

— Яхши қол, Люда!— деб қичқирди Марко ва Зорянинг қўлидан ушлаб туриб, у билан бирга ўзини денгизга ташлади.

Тўлқин уларни бортдан нари суриб юборди ва кеманинг орқасидаги гирдоб ичига тортиб кетди.

Кема ўзи билан бирга Людани олиб, сув тагига тушиб кетди. Қиз ўртоқларининг тақдиридан мутлақо беҳабар ва уларнинг охирги марта хайр деб қичқирганларини эшитмай ухлаб ётарди.

Анч билан кема командири перископдан асирларнинг сувга қандай сакрашганини кўрдилар, лекин кўп ўтмай улар кўздан йўқолди.

Вақт ярим кечадан оғиб кетганди.



...«Буревестник» натижа бермаган разведкадан кейин Лебединий оролига яқинлашиб келарди; портлашдан кейин ўзини қутқариб қолишга муваффақ бўлган «Антопулос» командаси тушиб олган қайиқ денгизда адашиб-улоқиб сузиб юарди. Аллақаерда сув ости кемасининг базаси бўлган пароход айланиб юар, унинг радисти эса қароқчиларнинг муваффақиятлари тўғрисидаги шифрли рапорт-радиограммани ёзиб олмоқда эди. Тонг ёришиб кела бошлади, юлдузлар бирин-кетин сўна борди, чексиз денгиз юзида кичкина тўлқинлар бир-бирларини қувиб ўйнашар эди.

Лузани портдан мачтасига қора байроқ кўтарган «Қолумб» шхунаси денгизга чиқиб кетди.

### XVIII боб

#### ЯНА РАЗВЕДКАГА

Андрей Гордеевич Ананьев «Буревестник»нинг қайтишини сабрсизлик билан кутарди. Қизининг ғойиб бўлгани ва кўрфазда юз берган сўнгги ҳодисалардан ўзини йўқотиб қўйган профессор кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Лекин у ўзининг вазифаларини унутмади: геологик разведка группасига торианитли тепада ишларни давом эттиравериш тўғрисида кўрсатма берди ва соколинйликлар билан «Антопулос» да Америкадан келадиган юкларни кемадан тушириб олишга ёрдамлашиб юборишлари тўғрисида келишиб қўйди. Эртасига эрталаб балиқчиларнинг кўпчилиги ҳамса овига жўнаб кетадиган эди, лекин қолган балиқчилар билан барча аёллар эрталабдан кечгача кемадаги юкларни тушириб юборамиз деб ваъда қилдилар ва зарур сузма асбоб-ускуналарни қуриб берамиз деб ишонтирдилар. Соколинйликлар ва геологик разведка группасидаги одамлардан ташқари яна Зелёний Камендан ёрдам чақириш мумкин. Андрей Гордеевич эсминецни кутарди. У тунги разведканинг натижаларини билмоқчи, радио орқали Лузанига «Антопулос» тўғри Лебединий оролидаги кўрфазга келаверсин деган хабарни етказмоқчи эди. Эсминец кўрфазда пайдо бўлганда, Андрей Гордеевич соҳилга чиқди-да, балиқчилардан бирининг қайиғига ўтирди. «Буревестник» лангар ташлаши биланоқ қайиқ соҳилдан жўнаб кетди.

Тунги сафардан кейин, кемадаги денгизчиларнинг кўпчилиги ухлаб ётарди. Қизил флотчиларнинг дам олишига ғамхўрлик қилган командир шундай буйруқ берганди. Трофимовнинг ўзи ҳам ётиб ухламоқчи бўлиб турган эди, лекин профессор келиб қолди, энди меҳмонни қабул қилмай, унга тасалли бермай бўлмасди, бунинг устига Лузанига ҳам телеграмма юбориш керак эди. Семён Иванович шунингдек дивизия штабига тунги сафар натижалари тўғрисида рапорт ҳам юборди. Меҳмондўст хўжайин сифатида у профессордан овқатланиб олишни сўради, биз нонушта қилиб бўлгунимизча радиограммаларимизга жавоб ҳам келиб қолади деб уни ишонтирди. Ананьев рози бўлди. Кают-компанияда фақат командир, старший механик ва меҳмон ўтиришарди.

Овқат вақтида механик яна ўзининг «Буревестник» тезлигини ошириш тўғрисидаги лойиҳасидан гап очди, Семён Иванович эса, профессорни қайғули фикрлардан чалғитиш учун бу сафар ўша мавзудаги суҳбатни давом эттирди, механикнинг лойиҳасидаги барча икир-чикирларни диққат билан суриштирди. Андрей Гордеевич аввал ҳурмат юзасидан уларнинг гапига қулоқ солиб ўтирди-ю, кейин ўзи ҳам қизиқиб қолди. Унинг назарида, эсминец қанчалик тез сузса, Людани топишга бўлган умид шунча ортар эди, шунинг учун профессор, гарчи ўзи кема машинаси тузилишини унча тушунмаса ҳам, механикнинг лойиҳасини қизғин ёқлай бошлади. Механик командирни кўндиришга қулай пайт келганини тушунди. Баъзан бундай қулай пайтнинг келишини у ойлаб кутарди, ўзи эса, Семён Иванович кеманинг тезлигини орттириш тўғрисидаги фикрга қизиқиб қолгудек бўлса, то ишни охирига етказмагунча ва... кишини яна бир марта хижолат қилмагунча, унинг лойиҳасини ёқлашини биларди. Ҳар ҳолда, ҳозиргача иш доим шундай хижолатбозлик билан тугаб келмоқда эди. Энди капитан-лейтенант қаттиқроқ бўлиб қолган, лекин нонуштадан кейин механикка ўз лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни тайёр қилиб қўйишни буюрди.

— Бунинг учун бир кун етади,— деди бундай ишларни ҳеч вақт орқага сурмайдиган механик.

— Лекин,— деб огоҳлантирди командир,— мен дивизион бош инженерини консултацияга чақираман.

Механик шундан чўчинқираб юарди: бош инженер

олдинги сафар, бундан кейин бу хилдаги таклифларга сира розилик бермайман, деб огоҳлантирган эди.

Дастурхондан туришлари билан радист командир билан профессорга радиограммалар келтирди. Биринчи радиограммада эсминецлар дивизони командири Лебединий ороли районида дозорликни давом эттиришни ва йнгирма милга чўзилган денгиз бўйи зонасини қўриқлаётган соҳил мудофааси билан алоқа қилиб туришни буюрган эди. «Агар соҳилдан ўн икки ярим миль берида сув ости кемасини кўриб қолсанглар,— дейилган эди радиограммада,— дарҳол чўктириб юборинглар. Агар уни очиқ денгизда учратсанглар, унинг қайси миллатга тегишли эканини, қаёққа кетаётганини, нима мақсадда юрганини аниқлаш учун барча чораларни кўринглар. Рибтрестнинг, «Балиқ разведкачиси» самолёти билан алоқа боғланглар. Зарур бўлиб қолганда ёрдам чақиринглар. Авиобазадан дарҳол самолётлар осмонга кўтарилади ва эсминецлар қўшилмаси денгизга чиқади.»

Профессор Ананьевга келган радиограммада Лузани портининг комендант порт радисти «Антопулос» пароходи билан радио алоқа ўрнатгани ҳамон, пароход капитанига Лебединий оролига бориш тўғрисида кўрсатма берилади деб хабар юборилган эди.

Шу билан бирга «Буревестник» радисти шундай деб хабар қилди:

— Эфирни роса кузатиб, мен «Антопулос»нинг радиостанцияси ишламаётганини аниқладим. Уни Лузани порти рацияси билан грек портларидан бирининг рацияси тўхтовсиз чақирешяпти.

— Бу савдогар тушмагурлар, афтидан, ухлаб ётишган бўлса керак ёки ҳар вақтдагидек, бирор нарса бузилиб қолган чиқар,— деди истехзо билан механик.

Капитан-лейтенант механикнинг сўзларига эътибор бермай, радистга:

— «Антопулос»ни чақириб кўринг, агар чақира олсангиз, унинг порт билан алоқа ўрнатишига ёрдамлашиб юборинг,— деб буюрди.

— Есть, ўртоқ командир!— деб радист кают-компаниядан чиқиб кетди.

Радиограммалар олингандан кейин кўп ўтмай вахтадаги матрос кемадан туриб соҳил мудофаасига қарашли тезюрар моторли кеманинг кўрфазга кириб келаётганини, уфқда эса — Соколинний қишлоғига тез яқинлашиб кела-

ётган самолётни кўриб қолди. Моторли кемада тергов маъмурларининг вакили келди, самолёт эса «Балиқ разведкачиси» экан. Бариль машинани усталик билан сувга қўндирдида, иложи борича камроқ сузиб бориб, балиқчилар причалидан эллик метрча беридан лангар ташлади. Петимко дарҳол клипербортни шиширди, шундан кейин учувчилар соҳилга чиқишди. Улар ўзлари билан почта, жумладан, профессор билан капитан-лейтенант Трофимовга хат олиб келишган эди.

Хатларда ҳеч қандай муҳим хабарлар йўқ, лекин хат аэторлари, гарчи аллақандай шубҳали сув ости кемасининг борлигига деярли ҳеч ким ишонмаса ҳам, Лебединий оролида юз берган ҳодисаларга жуда катта аҳамият берилаётганидан хабар беришарди. Бунга бирдан-бир гувоҳ истеъфодаги лейтенант Бариль бўлиб, у гўё самолётдан сув ости кемасини кўрган эмиш. Кузатувчи Петимко унинг бу сўзларини тасдиқламади.

Бугун кечаси иккала учувчи ҳам кам ухладилар. Кеча кечқурун расмий гувоҳлик берганларидан кейин, учувчилар ўртасида жиддий тортишув қизиб кетди. Бариль Петимконинг сув ости кемасини кўрмаганидан жаҳли чиқарди. Петимко эса, мен гарчи ҳарбий учувчи бўлмасам ҳам кўзларим туппа-тузук кўради — осмондан туриб балиқни кўраман-у, наҳотки бутун бошли бир кемани кўролмасам деб жавоб берарди. Ниҳоят улар, Бариль сув ости кемасини кўрганда бу тўғрида қаттиқроқ қичқириб хабар бермай хато қилган, Петимко эса, Барилнинг имо-ишораларига яхши эътибор бермай хатога йўл қўйган деган хулосага келдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, эрталаб Бариль ниҳоят ўртоғини ўз сўзига ишонтира олди, энди эса денгизда сув ости кемаси сузиб юрганлигига ишонган киши, пилотдан ташқари, фақат шу Петимко бўлди. Бундан ташқари, сув ости кемасининг борлигига деярли ишониб қолган яна бир киши бор эди — бу Семён Иванович Трофимов. Лекин бу тўғрида Барилнинг сўзларидан ва гидрофонистларнинг жуда ҳам ишонарли бўлмаган хабарларидан бошқа ҳеч қандай далиллари йўқлигидан, бу тўғрида индамасди. Умуман эса Барилнинг сув ости кемасини кўриб қолганидан фақат ҳарбий қўмондонлик, соҳил мудофааси ва профессор Ананьев хабардор эди. Соколинийлик балиқчиларга бу тўғрида ҳеч нарса демадилар.

Бариль ёғоч оёғини дўқиллатиб, тергов маъмурлари-

га пешвоз чиқди. Улар энди таниш эдилар. Кеча кечқурун учувчи улар билан учрашган, эрталаб эса Лузани портидан кечасиёқ йўлга чиққан моторли кемани ўзининг машинасида орқада қолдириб кетган эди.

Капитан-лейтенант Трофимов чўкиб ўлганлар тўғрисида энг олдин гувоҳлик берди, чунки эсминец очик денгизга чиқишга тайёр ҳолда турарди.

Кема командирининг терговчилар билан суҳбати узоққа чўзилмади, шундан кейин у, гувоҳлик бериб бўлиб, Бариль билан Петимкони ёнига чақирди.

Разведка плани тўғрисида келишиб олдилар.

— Хўжайинингиз Рибтрестга қойилман-ей, денгиз самолётига радио ўрнатмапти-я!— деб «Буревестник» командирининг жаҳли чиқарди.

— Радиоли бўламиз,— деб жавоб берди Петимко.— Биз бу машинада вақтинча учиб юрибмиз, икки ҳафтачадан кейин бизга жуда яхши ускуналанган янги самолёт юборишни ваъда қилганлар. Экипажи тўрт кишидан иборат бўлади, зарур бўлиб қолганда эса, ўн кишини олиб кетса ҳам бўлаверади.

— Хўп, яхши! Ҳозирча эса бугунги ишларни келишиб олайлик. Демак, ҳар соатда «Буревестник» олдига келиб турасизлар,— деди командир.— Ёнилгингиз беш соатга етадимми? Ҳечқиси йўқ, биз қўшиб берамиз. Денгизга қўнасизлар, биз бензин қўйиб берамиз. Демак, уч юз метр билан олти юз метр ўртасидаги баландликда учасизлар. Хўп, саломат бўлинглар! Денгизда кўришгунча хайр!

Эсминец Лебединий ороли кўрфазидан жўнаб кетди. Командир рубкасида штурман капитан-лейтенантга сув ости кемасининг бўлиши тахмин қилинган район тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтди. Соҳил бўйлаб чўзилган, эни ўн икки милли зонани махсус разведка қилишга соҳил мудрофаасининг кемалари чиқишган, лекин улар ҳатто сув ости кемасини топганларида ҳам, кемага бас кела олишлари амримаҳол эди. «Буревестник» радиостанцияси улар билан узлуксиз алоқа қилиб турди.

Эсминец кўрфаздан чиқиши биланоқ, самолёт осмонга парвоз қилди, кемани қувиб етиб, унинг устида бир айланди-да, жануб-шарқ тарафга учиб кетди. У унча баланд учмас, баъзан гоҳ у тарафга, гоҳ бу тарафга буриларди, кўп ўтмай вахтада турган матрос уни назардан қочирди.



Қирқ минутча эсминец жадал сузиб борди. Кейин ўрта тезликка ўтди. Шундан ўн минут кейин вахтада турган матрос уфқда бир қора нуқта пайдо бўлганини кўрди, «Буревестник» сафарга чиққанига роса бир соат бўлганда, балиқчилар самолёти «Буревестник» тепасида яна айланди. Кема машиналарини тўхтатди, «Балиқ разведкачиси» эса сувга қўнди. Барилль самолётни «Буревестник» олдига қараб бурди ва кўп ўтмай трап зиналаридан чаққон палубага чиқди. У илгари ҳам менга парад трапи лозим эмас деб огоҳлантириб қўйганди, ҳозир эса бунга денгизчиларни ишонтирди. У тўғридан-тўғри қўли билан осилиб бир зумдаёқ палубага чиқиб олди.

Учувчи капитан-лейтенантга биринчи учиш вақтида ҳеч нарса кўрганимиз йўқ деб хабар берди-да, мотор учун ёнилғини кўпайтириб беришни илтимос қилди. Қизил флотчилар бортдан дарҳол шланга ташладилар, Бариль бакларни бензин билан тўлдириб олди. Учувчилар билан шоферларнинг битта ўхшаш жиҳатлари бор: уларнинг кайфи бакдаги ёнилғининг тўла бўлишига қараб жуда кўтарилиб кетади. Ун беш минутдан кейин «Балиқ разведкачиси» яна осмонга кўтарилди. «Буревестник» йўналишни тез-тез ўзгартириб сафарини давом эттирди, самолёт эса бу сафар уфқда жануб-ғарб тарафга қараб учиб, кўздан ғойиб бўлди.

Слухачлар куни гидрофонлар олдидан жиламадилар, палубада вахтада турган матрослар денгизни диққат билан кўздан кечиришар, денгизда кўрган нарсаларнинг ҳаммасини кема журналига ёзиб қўйишар, эшитган ҳар бир товуш, ҳар бир нуқтанинг маъносини очишарди, лекин сув ости кемасидан дарак берадиган биронта ҳам белги топмадилар.

Эсминец командири сув ости кемасининг бу ерларга қандай вазифа билан келиши мумкинлигини ҳечам тушунолмас эди. Наҳотки бундан мақсад — на мудофаага, на давлат сирларига алоқаси бўлмаган бир неча тинч граждани ўлдириш бўлса?

Агар бунга сабаб профессор Ананьев деб фараз қилинса, унда, эҳтимол, сув ости кемаси қўпоровчилик характеридаги муҳим бир вазифа билан келган бўлиши мумкин. Лекин, гап шундай бўлса, сув ости кемаси бу вазифани бажара олдимикин? Бажармаган бўлса керак. Демак, у яна келиш мақсадида шу атрофда бирон-бир

жойда яшириниб ётган бўлиши керак. Трофимов зўр бериб қидириш ишларини давом эттирди.

Айни вақтда янги ташвиш ортди. «Балиқ разведкачиси» учинчи марта учиб кетгандан кейин эсминец олди-га қайтиб келмади. Яна бир соат ўтди. «Буревестник» самолётни кутиб бир жойда айланаверди. Учувчиларни адашиб қолган деб ўйлаш ҳеч ақлга тўғри келмасди.

Улар адашиб қолган тақдирда ҳам Бариль, илгаридан келишиб қўйганларидек, дуч келган дастлабки пароход олдига бориши ёки энг яқин соҳилдаги радиостанцияга тушиб, ундан «Буревестник» билан алоқа боғлаши керак эди. Командир радистга яқин орадаги барча радиостанциялардан уларни суриштириб кўришни буюрди.

Яна бир соат ўтди. Сўралган барча станциялар «Балиқ разведкачиси» тўғрисида бизда ҳеч қандай маълумот йўқ деб жавоб бердилар. Маршрутни ўзгартириш, сув ости кемасини разведка қилиш билан бирга Бариль ва Петимкони ҳам қидиришга тўғри келди. Учувчилар, афтидан, мажбуран қўнган бўлсалар керак, эҳтимол, бирон авария юз бергандир. «Буревестник»даги денгизчилар хавотирга тушиб қолдилар.

Вақт ўтиб борди, эсминецдан самолётга ўхшаган биронта ҳам нарса кўринмади. Кечга яқин радист командирга радио орқали ушлаб олинган хабарни келтириб берди:

«Магнитогорск» пароходи денгизда «Антопулос» деган грек пароходининг қайиғини ўз бортига олган. «Антопулос» командири хабар беришича, команда бугун кечаси соҳилдан бир юз йигирма километр жойда чўкиб кетаётган кемани ташлаб кетган. Ўйлашимча, пароход бирор милага урилиб портлаши натижасида аварияга учраган. Вахтада турган штурман портлаш юз беришидан бир неча секунд олдин пароход яқинида торпеда изига ўхшаш аллақандай бир из кўрганини айтди, лекин яқин ўртада торпеда юбориши мумкин бўлган биронта ҳам кема йўқ эди.

Командир хабарни яна бир марта синчиклаб ўқиб чиқди, кейин перони сиёҳга ботирди-да, бир неча оғиз сўз ёзиб, радистга берди.

— Дарҳол дивизион командирига етказинг!— деб буюрди.

Капитан-лейтенант Трофимов эртасига эрталаб денгизни синчиклаб разведка қилиш учун гидропланлар отряди юборишни илтимос қилган эди.

Уша куни кечқурун эсминец Лебединий оролига қайтиб келмади, у денгизда қолди. Унга ёрдам бериш учун яна икки эсминец денгизга чиқди. Денгиздаги барча кемаларга «Балиқ разведкачиси»ни ахтариш ва эҳтиёт бўлишни буюрилган эди, чунки денгизда сузиб юрувчи миналар бўлиши мумкин эди.

## ХІХ боб

### ОЧИҚ ДЕНГИЗДА

Сув ости кемаси кўтарган тўлқин чўкиб кетаётганларни ўз қучоғига олди. Кучли оқим уларни винт параклари остига тортиб кетди, лекин бошқа оқим уларни хавфли ердан суриб юбориб, кеманинг қуйруғи орқасида ҳосил бўлган гирдобга улоқтирди. Унг қўли деярли ишга ярамай қолган Марко ниҳоятда ҳолдан тойиб энди сув юзида ўн беш-йигирма минутдан ортиқ туролмаслигига кўзи етди.

Зоря унинг ярадор қўлига маҳкам ёпишиб олганди. Улар иккаласи гирдоб ичидан бирга сув юзига сузиб чиқдилар, оғиз ва бурунларига кириб қолган сувларни туфлаб чиқардилар, бир-бирларига ёрдамлашиб, секин-аста сузиб кетдилар. Сув ости кемаси ғойиб бўлди.

Денгизни тонг қоронғиси қоплаб ётарди. Баланд осмондаги юлдузлар осмоннинг шарқ тарафидан ёришиб келаётган тонг таъсирида бирин-кетин сўна бошладилар. Соҳилдан бир юз эллик километр узоқда, денгизда, ярадор йигитча билан қиз сузиб юрардилар. Марко қўлини Зорянинг қўлидан ажратиб, чалқанча ётиб олди-да, шу таҳлитда иложи борица сув юзида ётмоқчи, бўлди. У билан ёнма-ён сузиб келаётган қиз овозининг борица қичқирди:

— Марко! Маҳкам бўл, биз ҳали қутилиб кетамиз.

Бу сўзларни қиз шундай ишонч билан айтдики, юнга ёнбошига ағдарилиб қўлларини қимирлатар экан, кичкина дўстига қаради. Марко қоронғида унинг кўзларини ҳам, юзини ҳам кўролмасди, лекин қизнинг овозида зўр

гайрат ва ишонч янграрди. Қизча уни қўли билан туртиб, бирпас сув юзида чалқанча ётишимга ёрдамлашиб юбор деб илтимос қилди. Бу Марко учун осон иш эмасди: ярадор қўли билан сузишга ҳаракат қилиб кўрган эди, қўли зирқираб оғриб кетди. У яна сув юзига чалқанча ётиб олди-да, оёқларини ишлатиб, соғ қўлини Зорянинг боши тагига қўйди. Шу тахлитда у қизни сув юзида ушлаб турди ва қизга қўлини сув ичидан чиқариб олишга ёрдам берди. Қиз эса оёқларини зўрға қимирлатиб, аллақандай ҳаракат қила бошлади. Унинг нима қилаётганини Марко кўрмасди. Баъзан қиз бутун гавдаси билан сувга чўкиб кетарди, шундай пайтларда бола уни сув юзида зўрға ушлаб қоларди. Кейин қиз яна сузишда давом этиб, бирпас жим бўларди.

Шу тахлитда ўн минут ўтди. Марко жуда чарчаб қолди, Зоря чалқанча ётган ҳолидан қорнига ағдарилганда, енгил нафас олди. Қиз сен ҳам сув юзига қорнинг билан ётиб ол деб илтимос қилди. Марко ёнида чала пуфланган тўпга ёки ёстиққа ўхшаш бир нарсанинг қалқиб кетганини кўрди. Қизча ўша нарсага уланган боғичга ёпишиб олган эди. Марко худди ўшандай бошқа бир боғични кўриб қолди-да, у ҳам ўшанга ёпишди. У бирдан ўзини енгил ҳис қилди. Бу тахлитда сув юзида яна узоқ сузиб юрса бўларди.

— Бу нима ўзи?— деб сўради у, бирдан қувониб кетиб.

— Сени сўроқ қилгани олиб кетганларида, менинг олдимга Людани олиб келишди. У мана шу нарсани қўйнидан олиб, уни қандай қилиб шиширишни кўрсатди, кейин ҳавосини чиқариб юборди-да, яшириб қўйишни буюрди.

— Буни сенга гапириб бердимми?

— Йўқ, кўзлари билан имлаб кўрсатди, лекин мен бунинг нимага кераклигини дарҳол тушундим. Гапимизга қулоқ солиб турган бўлишларидан қўрқиб, сенга ҳеч нарса демаган эдим.

Бу резинка ёстиқ бўлиб, айти вақтда ундан қутқариш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин эди. Тасмалар билан уни ялпоқ қилса бўларди, шунда у ҳатто ўзидан кетиб қолган ёки ўлиб қолган одамни ҳам денгизда истаганча кўтариб юраверарди. Энди Марко кўк пакетнинг бирон-бир пароход денгизчилари қўлига тушишига, ё соҳилга чиқариб ташланишига ишонар эди.

У, бу ёстиқ уларнинг соғ қолишларига ёрдам беришидан ҳам умидвор эди.

Зоря ёстиқни яхшилаб ҳавога тўлдиролмаганди. Бирпас дам олиб олгандан кейин Марко ўзи яхшилаб пуфлаб берди. У ёстиқни ҳавога тўлдириш учун кучининг борича уринди, шунда у ичидаги ҳавони ёстиққа пуфлаганда, бир неча марта ўзи денгиз тагига шўнғиб кетди. Лекин тишлари билан ёстиқнинг ниппелини<sup>1</sup> маҳкам тишлаб олганча қўлларини қимирлатиб яна денгиз юзига чиқиб оларди. Ёстиқ ҳавога яхшилаб тўлатилди, энди у иккаласини ҳам сув юзида баҳазур кўтариб тура оларди. Ундан бир кишининг фойдаланиши қулайроқ эди, албатта, сувдаги одам уни орқасига боғлаб олса ҳам, сув юзида қимирламай ётаверса ҳам бўлаверарди. Марко бир қўллаб сузишга қанча уста бўлмасин, барибир бора-бора қўлининг толиб қолишини, ёки сувда совқотиб, томир тортишиб қолишини биларди — у ҳолда оғриққа чидолмай қутқариш ёстиғининг боғичини қўйиб юбориши ҳеч гап эмас.

Сувда сузиш енгилроқ бўлсин учун Марко билан Зоря уст-бошларини ечиб ташладилар. Тўғри, Марко қўйлагини ечмади, аксинча, биронта ҳам тугмачаси ечилиб кетмаслигига эътибор берди, кўк пакет сувга тушиб кетмасин деб қўрқиб, камарини маҳкамроқ боғлаб қўйди. Агар ўзига бирор гап бўлгудек бўлса, бу қоғозлардан Зорянинг ҳам хабардор бўлиб қўйиши учун у пакет тўғрисида қизга сўзлаб берди. Кейин улар маслаҳат билан Зорянинг қўйлагини лента-лента қилиб йиртдиларда, ленталар билан ўзларини ёстиқнинг боғичларига маҳкам боғлаб қўйдилар, энди ёстиқ улар ўртасида деярли сувга чўккан бир ҳолатда ётарди. Уларнинг иккаласи энди сув юзида ҳаракатсиз ётаверсалар ҳам бўларди.

Улар шу ишлар билан тонг отгунча овора бўлдилар. Тонг ёришиб осмондаги юлдузлар бирин-кетин сўнди. Қуёш чиқишидан олдин бўладиган эрталабки тантанали жимлик вақти бошланди. Марко очиқ денгизда «Колумб»да тунаб қолган вақтларида бу минутларни ҳеч вақт ухлаб ўтказмасди. Денгизда то уфққача кенг ялтироқ йўл чўзилиб кетган вақтни, қуёш чиқиш билан

<sup>1</sup> Ниппель — ичи винтсимон, ўймакор бўлган металл труба.

кун ботар вақтни у жуда яхши кўрарди. Лекин қуёш бугун худди денгиз орқасидан чиқиб, дарров осмонга кўтарила бошлади. Муздек шабада эсиб, денгиз юзи жи-мирлаб кетди. Уфқни ажратиб олиш қийин бўлиб қолди; тўлқинлар болаларнинг юзига шўр сувни келтириб урарди.

Сувда жуда кўп юрганларидан улар совқотиб кет-дилар. Тўғри, август ойида денгизнинг бу ерида кундуз-лари сувнинг температураси йигирма беш градус бўла-ди, лекин ўша куни эрталаб йигирмага ҳам етмас эди. Марко билан Зоря совқотмаслик учун қимирлаб туриш-га мажбур бўлдилар. Улар оёқ-қўлларини қимирлатиб атрофга сув сочардилар. Бу эса ҳатто уларнинг бир оз кўнглини кўтарди. Умуман резинка ёстиқ уларни сув юзида кўтариб юришга қаттиқ ишонганларидан кейин, юнга билан қизча ўзларининг қутулиб кетишларига кўз-лари етиб қолдилар. Марко ҳатто ҳазиллашиб, биз сув-да кўп юриш ва узоққа сузишдан рекорд қўямиз деб қиз-ни ишонтирарди.

Бирдан яқин орадан алланарсанинг шалоплагани эшитилиб қолди. Бошини кўтариб, иккаласи ҳам ўзла-ридан нарироқда, гўё сув тагидан паровоз филдираклари қалқиб чиққандек, бир неча думалоқ қора доиралар қал-қиб чиққанини кўрдилар. Улар сув юзига филдираб чи-қиб, яна ғойиб бўлди. Айни вақтда алланарсанинг пи-шиллагани эшитилди. Марко денгиз қора чўчқасининг сузгичларини кўриб қолди. Бизнинг жанубий денгизла-римизда бўладиган, ўткир найзасимон тумшуқ ўрни-га туленники сингари тўмтоқ тумшуқли ва қорнида фа-қат битта оқ доғи бўладиган бу энг катта дельфинни Марко яхши биларди.

Бултур «Колумб» икки ойча дельфин овига борган эди, шунда юнга бу ерларда бўладиган дельфинларнинг учала хилини ҳам билиб олганди. У дельфинларнинг катта-кичиклиги ва сузиш усулига қарабоқ уларнинг «ўткир тумшуқли», «пихтун» ёки «денгиз қора чўчқаси» эканини узоқданоқ ажрата оларди.

Дельфинлар бир гала бўлиб, бир-бирларини қувиб юришарди. Бу уларнинг шунчаки ўйини эмасди. Улар ов қилиб юришарди. Узоқда, қуёш нурлари остида ку-муш тангаларини ярқиратиб, сувдан балиқ сакрарди. Зоря дельфинларга кўрқа-писа қарарди. Бир неча жо-нивор буларга яқинлашиб келди. Улар сув остига шўн-

гишар ва шундай яқин жойда пайдо бўлишардики, бечора қизча қўрқувдан юраги орқасига тортиб кетарди. Марко дельфинлар бизга тегмайди деб қизга тасалли берар ва жойингдан қимирлама деб насихат қиларди. Баъзи дельфинлар жуда бесўнақай даражада йўғон эди. Лекин қарашса, улар билан ёнма-ён, оналарининг қанотларига ёпишиб олган дельфинчалар ҳам сузиб юришган экан. Баъзи она дельфинларнинг икки ёнига иккитадан дельфинчалар ёпишиб олган эди. Дельфинлар одамлар олдидан нари кетмай қўйдилар. Ниҳоят Марко бу сурбет қўшнилардан қутилишга аҳд қилди. У Зоряга милтиқ товушига ўхшатиб қарсиллатиб чапак чалишни буюрди. Чапак товуши милтиқ овозига жуда ўхшамаса ҳам, ҳар ҳолда жониворлар бир оз нарига сузиб кетди, бирпасдан кейин эса балиқ овига киришди. Болалар яна ёлғиз қолишди.

Қуёш тобора кўтарилиб борарди. Марко билан Зоря қуёшнинг иссиқ нурига чидаёлмай, бошларини тез-тез сувга тиқар эдилар. Қуёшга қараб дунёнинг тўрт тарафини белгилаб олгандан кейин, Марко шимолга қараб сузишни таклиф қилди. Иккаласи ҳам ўзларининг соҳилдан жуда узоқда эканликларини, сузиб чиқишга кучлари етмаслигини, уларни фақат бирор пароход қутқариб қола олишлигини жуда яхши билишар эди. Бир марта уларга узоқдан тутун кўрингандек бўлди-ю, лекин у кўп ўтмай яна йўқолди. Улар бунинг ростдан ҳам пароход эдими, ёки туманмиди, ёки, ниҳоят, денгиз устидан ўтган бирор булут парчасимиди — буни билолмай қолавердилар.

Дастлаб улар ўзаро гунгур-гунгур гаплашиб ётдилар, лекин кўп ўтмай, суҳбат узилиб қолди. Иккаласи ҳам чарчаб қолдилар, энг ёмони жуда чанқаб кетдилар. Атрофингда шунча сув бўлса-ю, бир қултум ичолмасанг, бундан ҳам оғир азоб борми. Улар ҳеч бўлмаса қурқшаб кетган лабларини теккизиб олгилари келарди. Зоря чидай олмасдан, денгиз сувидан ичиб кўрди, лекин бундан аҳволи бадтар оғирлашди. Марко қизчанинг хўрсиниб қўйганини эшитди. Босиб келаётган мудроқни, дам олиш истагини, жим ётиш орзусини енгиб бола, ўзининг кичкина ҳамроҳига далда бериш учун унга ўгирилди. Кулиб туриб, у Зорянинг Анч билан охирги суҳбатини эслатди-да, заҳарланган папирос воқиясини сўзлаб беришни илтимос қилди. Зоря кўзларини очмас, секин

товуш билан, баъзан шивирлаб Анч Ковальчукникида тўхтаган вақтда уйга сув олиб келганини, қизиқиб деразадан ичкари мўралаганини ва фотографнинг аллақандай порошокни тамакига аралаштириб, ундан папирос ясаётганини кўриб қолганини ҳикоя қилиб берди. Бу папиросни у портсигарга алоҳида жойлаб қўйди. Кейинроқ қиз чўчка болаларидан бири ўша порошок солинган қоғозни ҳидлаб дарҳол ўлиб қолганини кўрди. Шундан кейин у қоғоздаги нарса заҳар эканини сезиб қолди. Кундузи ичкарида Люда билан бирга янги кийим-бошларни кияётганда, у ҳужрачага бирпасга лип-этиб кирган, ўшандан ичкарида қолган портсигарни кўрган ва заҳарланган папиросни бошқаси билан алмаштириб қўйган эди. Кейинчалик Анч билан Ковальчук ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан, қизча жосуснинг профессорни ўлдирмоқчи эканини эшитиб, заҳарли папироснинг кимга аталганлигини англаганди.

Зоря жим қолди, орага яна жимлик чўкди. Болаларнинг ҳар бири ўз хаёлларига берилиб, сув юзида қимирламай ётишарди. Мана, улар бошларини кўтаришди. Аллақаердан моторнинг гувиллашига ўхшаш товуш эшитилди. Нима экан бу? Иккаласи гир атрофга аланг-жалаң назар ташлашди, лекин ҳеч нарса кўринмасди.

— Самолётмикин ёки моторли қайиқмикин?— деб сўради Марко ва дарҳол ўзига ўзи жавоб бериб:— Самолёт,— деди.

Юнга буни металлнинг гувиллашидан англади. Бу хилда фақат осмондаги самолёт гувиллайди. У жуда яқин ўртадан учиб ўтмоқда эди. Наҳотки учувчи уларни кўрмай ўтиб кетса? Марко билан Зоря бошларини сувдан жуда баланд кўтариб турдилар. Гувиллаган овоз тобора қаттиқроқ эшитила бошлади. Улар кучларининг борица қичқирмоқчи ҳам бўлдилар, лекин барибир фойдасиз эди. Бир минутдан кейин улар узоқдан самолётни кўриб қолдилар... У паст учаётган эди. Уларнинг назарида самолёт ҳозир улар тепасида айланиб уча бошлайдигандек ва сувга қўнадигандек ёки уларни кўрганидан бир белги билан дарак берадигандек, бу ерга бирон пароходни бошлаб келиш учун учиб кетадигандек туюларди. Лекин самолёт энди бу тарафга яқин келмай қўйди, аксинча, у тобора узоқлашиб, тезда кўздан ғойиб бўлди.

Қутулишга бўлган умид уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшган эди, ҳозир эса ўша умиддан асар



ҳам қолмади. Улар шу қадар хафа бўлдики бечоралар бир-бирларига бирон оғиз ҳам сўз айтмай, яна кўзларини юмиб, сув устига ётиб олдилар. Самолёт шовқини пасайиб борди, Марко бутун диққатини бир жойга йиғиб унинг овозини сал-пал эшитарди. Бирдан унинг назарида, пулемёт тариллагандек бўлди. Кейин жимлик чўкди...

Куннинг иккинчи ярми бошланди. Қуёш чидаб бўлмас даражада қиздирарди, сувда эса совуқдан оёқларининг томири тортишарди. Чанқоқдан тиллари шишиб кетди, чарчоқдан миялари ғовлаб қолди.

Денгиз бўм-бўш, улар устидан ҳатто биронта қуш ҳам учиб ўтмайди. Фақат бир парча оқ булут денгиздаги сузувчиларга раҳм қилиб, бир неча минут уларни қуёш нуридан тўсди.

## XX боб

### ЗЕНИТ ПУЛЕМЕТЛАР УТИ ОСТИДА

— Байроғи борми?

— Кўрмаяпман.

— Бизнинг кемами ёки чет эл кемасими?

— Билмайман.

— Палубада биронта ҳам одам кўрмадим.

— Мен ҳам.

— Пастроқ тушаман-да, устидан айланиб учаман, сен эса яхшилаб назар сол.

— Эҳтиёт бўлгин.

Бу суҳбат сўзлашиш трубкаси орқали денгиз устидан олти юз метр баландликда учиб юрган «Балиқ разведкачиси»да бўлиб ўтди.

Петимко билан Бариль пастда ҳарбий кема кўриб қолдилар-у, унинг сув ости кемаси эканини аниқладилар. У сув юзида қимирламай бир жойда турар, унда бирон одамнинг борлигини билиб бўлмасди. Қуёш нури ёри-тиб турган кеманинг металл палубасида ҳеч ким йўқ эди. Бариль кема устида гир айланиб, деярли икки юз метр пастликка тушди. Шу пайт Петимконинг назарида, унинг кўзи олдидан алланарса ғиз этиб ўтиб кетгандек туюлди, шу заҳоти машина бортида, гўё аллақим кўзга

кўринмас парма билан тешиб қўйгандек, иккита чизиқ кўринди. Кейин қанотга бир неча кучли зарба берилди, шунда Петимко унда бир неча майда тешиклар пайдо бўлиб қолганини кўрди. Штурман, гарчи ҳарбий денгизчи эмас, балки граждандан учувчи бўлса ҳам, гап нимада эканини дарҳол пайқади.

— Отишяпти!— деб қичқирди у, сўзлашиш трубка-сига.

Бариль буни штурман билан баб-баравар сезиб қолган эди: унинг елкаси куйгандек бўлди, аини вақтда у моторнинг овозига қулоқ солиб, унинг ишида ҳам кутилмаган ўзгариш юз берганини сезди.

Сув ости кемасининг палубасида ҳали ҳам ҳеч ким кўринмасди, лекин зенит пулемётлар самолётга ҳамон ўқ ёғдирадди. Отилган ўқ овозлари моторнинг гувиллаши остида эшитилмасди.

Учувчи машинасини шартта юқорига буриб, сув ости кемасидан нари учиб кетди. Энди отилган ўқлар самолётнинг фақат думига тегарди. Штурваль тросларининг ишдан чиқиш хавфи туғилди. Учувчиларнинг бахтига трослар бутун қолди. Бироқ моторнинг ҳамма жойи бутун эмасди: тўғрига у анча дуруст учса ҳам, баландликка жуда секин кўтариларди, олти юз метрдан баландга эса мутлақо кўтарилмай қўйди.

— Ишлар қалай?— деб қичқирди Петимко.

— Баъзи жойлари шикастланди,— деб жавоб берди Бариль.— Қўниш керак. Бир жуфт гайкани маҳкамлаб, кейин яна учиб кетамиз.

Учувчи майда-чуйда чатоқликларни иложи борича тез тузатиш кераклигини яхши биларди, чунки ўн минутдан кейин улар катта фалокатларга олиб келиши мумкин. У дарров қўниш учун пастлаша борди ва бу билан сув ости кемасининг улар орқасидан жадал қувиб келаётганини кўрган штурманни хавотирга солиб қўйди. Сув ости кемасидагилар самолёт мажбурий равишда қўнаётганини сезиб қолишган эди, шунинг учун уни қувиб етиб, қўлга туширишга қарор қилишганди.

Пилот ҳам, штурман ҳам, бу сув ости кемасининг қайси давлатники эканини билмасди. Фақат бир нарса аниқ эди: сув ости кемаси Совет Иттифоқиники эмас. Биринчидан, «Буревестник» командири уларга бу атрофда совет сув ости кемалари йўқ деб хабар берганди. Иккинчидан, сув ости кемасидан самолётни бинокль билан

кўришган ва унинг исмини ўқишган, лекин шундай бўлса ҳам унга ўт очишган эди.

Шубҳали сув ости кемасига асир тушишни учувчилар хаёлига ҳам келтирмасди, шунинг учун Петимко сув ости кемаси орқамиздан қувиб келяпти деб қичқирганда, Бариль тез пастлашди-да, денгиз устидан, номаълум сув ости кемасидан қочиш учун гоҳ у тарафга, гоҳ бу тарафга бурилиб жуда паст учиб кетди. Изларини йўқотиб кетиш учун учувчи машинасини очиқ денгизга бурди, сал ўнгроққа, шарқ тарафга қараб кетди. Агар самолётни қидиришса, турган гапки, уни соҳилга параллель бўлган тўғри чизиқдан қидиришади. Бу вақт ичида эса у моторни тузатади, осмонга парвоз қилади ва топган нарсаси ҳақида хабар бериш учун «Буревестник»ни қидириб кетади.

Бир неча минутдан кейин Бариль моторни ўчирди, самолёт лижалари сувга тегди. Сувга қўниш жуда ҳам муваффақиятли чиқмади. Сўл тарафдаги лижа, афтидан, ўқ тегиб шикастланган эди, лекин, буларнинг бахтига синиб кетмаганди.

Бариль мотор устига чиқиб, шикастланган ерини кўздан кечира бошлади. Уни учувчи ўйлаганидек тез ва осон тузатиш мумкин эди. Самолёт сузгичлари хавотирга солди. Пилот Петимкога энди эҳтиёт бўлиш керак, иложи борича камроқ қўниш керак, чунки сузгичлар синиб кетса, ишимиз жуда ҳам чатоқ бўлади деб тушунтирди. Моторни ремонт қилиб бўлгандан кейин осмонга кўтарилмай, самолётни моторли қайиққа айлантириб сув юзидан сузиб кетавериш, жуда зарур бўлиб қолгандагина осмонга кўтарилишдан бошқа иложлари қолмаган эди.

Ремонт қилишга кўп вақт кетмади, лекин Бариль моторни энди тузатиб бўлиши биланоқ бошқа бир кўнгилисиз нарса юз бергани билинди. Петимко пилотнинг диққатини шу атрофдаги сув юзида сузиб юрган нарсаларга жалб қилди. Сув юзида аллақандай ёғлар йилтираб сузиб юрарди. Бариль дарҳол бензиномоторлар олдига югурди-ю, ёнилғи запаси жуда тез камайиб кетаётганини сезиб қолди. Бакларни кўздан кечириб, учувчи улардан бирини пулемёт ўқлари тешиб қўйганини кўрди, бошқа бакдаги бензин эса аллақачон сарфлаб бўлинган эди. Тешик бакни ямашнинг иложи бўлмади. Учувчи ҳозирча бакда қолган бензиндан иложи борича фойдаланиб қо-

лишга аҳд қилди-да, моторни ишга солиб, денгизда сузиб кетди. Шундай бўлса ҳам тўғри чизиқ бўйлаб юришмади, балки сув ости кемаси билан тўқнаш келиш эҳтимоли бўлган райондан четлаб ўтиш учун айланма ҳаракат билан сузиб бордилар. Дастлаб самолёт орқасида кўпикли из қолдириб, тўлқинларни худди торпеда катери сингари ёриб, яхши сузиб борди. Лекин йўлнинг ярмига етганда, соҳилдан анча узоқлашганда мотор ёнилгининг тамом бўлганидан дарак бериб тарақ-туруқ қила бошлади. Бариль сув ости қароқчисини бўралаб сўкар эди. Ниҳоят бир оз ўзини босиб, ёғоч оёғини дўқиллатиб қўйди-да, ҳазил қилишга уринди:

— Хайр, майли, мен чўкиб кетмайман: ёғоч оёғим ушлаб қолади. Сен-чи, сен нима қиласан?

Петимко кулиб қўйди.

— Менинг эса клиперботим бор. Менинг аҳволим сеникидан анча тузукка ўхшайди.

Иккаласи ҳам кулиб қўйишди. Лекин бирор чора ўйлаб топиш керак эди. Учувчи, денгизчилар одатига кўра авария байроғи кўтаришга қарор қилди.

— Қани, штурман, байроғингни кўтар, эҳтимол, бизни битта-яримта кўриб қолар.

— Байроқнинг қайси бирини кўтарай: «ОВ»ни, ёки «ОУ»ни?

— Нима фарқи бор?

— Биринчиси: «Бахтсизлик рўй берди, дарҳол ёрдам зарур» деган маънони, иккинчиси: «Бахтсизлик рўй берди, ёрдам сўрайман» деган маънони билдиради. «ШД» деган сигнал, яъни «Ёрдам керак» деган маънодаги сигнал ёки «ШЕ»: «Ёрдам сўраймиз, кемада бахтсизлик рўй берди» деган сигналларни кўтарсак ҳам бўлади.

— Эй, нима фарқи бор-а? Ишқилиб битта-яримта кўриб дарров ёрдамга келса бўлгани.

— Булардан ташқари яна «БО»: «Жуда қаттиқ шикастландик» ёки, «ГБ»: «Дарҳол ёрдам юборинглар» деган сигналлар кўтарса ҳам бўлади.

— Шундай сигнал кўтарки, бизни кўришлари биланоқ, дарҳол етиб келиб бизни бу ердан олиб кетсинлар.

— Яна...

— Сенга нима бўлди ўзи, нуқул «яна, яна» деб қолдинг! Менга деса ҳамма байроқларингни бараварига кўтар!

Барилнинг жаҳли чиқиб кетди, лекин штурманга ўғи-

рилиб қараб, у ҳам ўзига ундан бадтар жаҳл билан қараб турганини кўрди.

— Ҳа, нима гап?— деб сўради учувчи.

— Гап шундаки,— деб жавоб берди штурман,— бизда биронта ҳам байроқ йўқ. Лузанидан учиб кетаётганимизда самолёт командири шундай шошилдики, байроқларсиз учиб кетаверишга аҳд қилди.

Бариль ҳақиқатан ҳам худди шундай бўлганини эслади.

Петимко қўл силтаб қўйди, фюзеляжга чиқди-да, қўлига бинокль олиб бирон-бир пароходни кўриб қолиш умидида бўм-бўш уфқни кўздан кечира бошлади. Лекин пароход ўрнига у бир неча юз метр нарида, сув юзида қимирламай ётган иккита одам қорасини кўриб қолди.

— Петр Петрович! Ажойиб қўшнилар топганга ўхшаймиз.

— Нима?

— Чўкиб ўлган одамлар сузиб юрибди.

Ёғоч оёғини дўқиллатиб Бариль штурман олдига чиқди-да, бинокль билан ўша тарафни кўздан кечира бошлади. У ҳам қимир этмай ётган одамларни кўриб қолди.

— Клиперботингни ҳавога тўлдир. Степанич, дарров разведкага жўна,— деди у.— Кўрайлик-чи, қандай мурдалар экан.

Штурман қайиқ билан овора бўлиб қолди, кўп ўтмай унга ўтириб олди-да, эшкагини самолётга тираб туриб, қайиқни нари суриб юборди. Бариль самолёт қанотига жойлашиб олиб, қайиқнинг сувдаги одамлар олдига яқинлашиб бораётганини томоша қилиб ўтирди. Петимко кучининг борича эшкак тортарди. У самолётга орқасини ўгириб ўтирар ва ҳар замонда бир орқасига қайрилиб қарарди. Мана, қайиқ чўкиб ўлган одамларга жуда яқинлашиб борди. Худди шу вақт учувчи қўлидаги биноклнинг ойнасини артиб кўришни истаб қолди. Унга мурда қимирлагандек, бошини кўтаргандек бўлди. Яхшироқ кўриш учун Бариль линзаларни бураб кўра бошлади, лекин атрофни туман босгандек ҳеч нарса кўринмай қолди. У бинокль линзаларини илгариги ҳолига қайтарди. Лекин клипербот орқасида энди ҳеч нарса кўринмай қолган эди. Ҳадеб тикилиб қарайверганидан Барилнинг кўзлари толиб қолди, у кўзларини юмди, кўзини яна очиб қараганда, у Петимко сувдан аллакимни тортиб олаётганини аниқ кўрди.

Учувчи ҳатто ҳуштак чалиб қўйди: демак, улардан бири ҳали тирик экан! «Ишқилиб, бу қўпол Степанич клиперботни тўнтариб юбормаса бўлгани, бўлмаса мен уларга ёрдамга боришга мажбур бўламан!» Шундай деб у шубҳа билан ёғоч оёғига қараб қўйди.

Штурман қайтишда жуда секин юрди. У фарқ бўлганларни шатакка олган эди.

«Нега уларни судраб келяпти экан?» деб ўзидан ўзи сўрар эди Бариль.

Клипербот жуда яқинлашиб келганда, Бариль унинг орқасида фақат битта чўкиб ўлган одам келаётганини, у ҳам... бир қўллаб сузиб келаётганини кўрди.

— Ҳей, қайиқдагилар!— деб қичқирди Бариль.

Бошдан шлёмини ечиб, уни боши тепасида айлангириб, ўзининг энг яхши ҳисларини билдирди.

Петимко жавоб бермади. У тезроқ «Балиқ разведкачиси» олдига етиб келиш учун кучининг борича эшкак тортарди. Ниҳоят қайиқнинг резинка борти самолётга келиб урилди, учувчи эса қайиқда ётган қизни самолётга олишда штурманга ёрдамлашиб юборди. Қиз ҳушсиз ётарди. Қизни кузатувчининг ўрнига ўтқазиб қўйдилар — кичкинагина самолётда уни ётқизишга жой йўқ эди, унинг қанотларига ётқизилса, сиғиши ҳам ажаб эмасди. Бариль дарҳол шундай қилмоқчи бўлди. Лекин аввал ҳамон сувда ётган, бутунлай дармони қуриб ёстиққа ёпишиб олган одамни сувдан чиқариб олиш керак эди. У ёш ийгитча бўлиб, штурман уни самолёт думида пайдо бўлиши биланоқ дарҳол таниб қолди.

— Марко Завирюхамисан?— деб ҳайрон бўлиб сўради Петимко.

У «Колумб» шхунасининг юнгасини бир неча марта учратган ва унинг ҳалок бўлганини эшитиб жуда хафа бўлган эди.

Марко Завирюханинг исмини эшитиш биланоқ, Бариль бу болаларнинг кимлигини дарҳол фаҳмлаб қолди.

— Люда Ананьевами?— деб сўради у, қизни кўрсатиб; у Маркони кўрмаганидек, бу қизни ҳам аввал кўрмаган эди.

— Йўқ...— деб хириллаб жавоб берди Марко.— Сув беринглар.

Штурман болага сув тўла флягани узатди, лекин у аввал қизга ичиринглар дегандек уни имлаб кўрсатдида, исмини айтди.

— У Зоря Находка.

Штурман Зорянинг оғзига сув қуйиш билан овора экан, Бариль Маркодан:

— Люда Ананьева чўкиб кетдимиз?— деб сўради.

— Йўқ, у сув ости кемасида қолди.

Учувчи Марко билан Зоряга устма-уст савол бериб кўп нарсани билгиси келди-ю, лекин уларнинг бир оз дам олишлари зарурлигини тушуниб, индамади.

Сув ичиб олиб, қизча кўзини очди; афтидан, аҳволи дарров енгиллашган эди. Петимко уларни самолёт қанотларига жойлашга мажбур бўлди. Кутилмаган меҳмонлар самолётнинг силлиқ қанотларидан сирғаниб йиқилиб кетмасликлари учун, уларнинг тагига бирор нарса солиб бериш керак. Ниҳоят, уларнинг кийимларини ечиш, яхшилаб артиш, кейин эса қуруқ кийим-бош кийгазиш ҳам зарур. «Балиқ разведкачиси»нинг цейхгаузи йўқ эди, шунинг учун иккала учувчи ўзларининг эгнидаги кийимларидан бир қисмини ечиб, қутқариб олинганларга беришга мажбур бўлдилар. Зоряга Барилнинг уст-бошини кийгазиб қўйдилар, шимининг биттаси қизга калта келди, иккинчисини эса почасини қайириб қўйиб, кийгизишга мажбур бўлдилар. Петимконинг кийимлари Маркога узунлик қилиб осилиб турса ҳам, ҳар ҳолда тузук келди, шунинг учун йигитча уст-бош кийгандан кейин ўзини жуда яхши ҳис қилди. У дарров ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, лекин штурман иккаласига ҳам жим ётинлар деб букурди.

Соат беш минути кам тўрт бўлди, қуёш ҳамон илгаригидек қиздириб турган бўлса ҳам, лекин жануб-ғарб тарафдан салқин шабада эса бошлади. Уфқ бўм-бўшлигича қолаверди. Петимко қуёшнинг баландлигини секстант билан ўлчаб ва ҳисоблаб, Барилга ўзларининг турган жойини харитадан кўрсатди. Иккаласи ҳам «Балиқ разведкачиси». Лузани билан қўшни портлар орасида қатнайдиغان кемалар ўтадиган йўлдан узоқда экан деган хулосага келдилар. Тўғри, ҳар уч кунда бир марта чет элларга жўнайдиغان экспресс ўтадиган йўл бу ерга яқин эди. Эртага ўшандай пароходлардан бирига дуч келишга умид қилса бўларди.

— Бизни «Буревестник» қидиради,— деди учувчи,— лекин бугун тополмаса керак: биз жуда узоқлашиб кетдик, ундан ташқари, сув ости кемасидан қочганимизда йўлимизни ўзгартириб юбордик, эсминец энг олдин биз

кема командири билан битишиб олганимизга биноан учиб боришимиз керак бўлган тарафга боради. Ишқилиб, бўронда қолмасак бўлгани, об-ҳаво яхши бўлиб турса, бир неча кун ҳам ўтираверармиз. Запасдаги сув ва бошқа нарсалар эса уч кунга етади.

— Кучли тўлқинлар бўлмайди,— деб жавоб берди штурман.— Шамол бўлиши мумкин, лекин беш балдан ошмайди.

— Бир ёмоннинг бир яхшилиги бўлади, ишимиз ўнгидан келди, ҳар ҳолда,— деб у Марко билан Зоряни кўрсатди.

— Буни қараки, тўқналашиб бориб қарасам, улардан бири қимирляпти... Кейин овозини ҳам эшитдим-да, улар олдига шошилдим. Бечоралар жуда ҳам ҳолдан тойиб қолишган экан... Агар мана бу ёстиқлари бўлмаса, аллақачон чўкиб кетган бўлишаркан.

— Қани, бу ёққа ол-чи, кўрайлик, нима экан у.

Петимко қайиқ билан самолёт ўртасида сув юзида қалқиб турган резинка ёстиқни тортиб олди. Ҳувчилар бу қутқарувчи буюмни жуда қизиқиб кўздан кечира бошладилар.

— Пуфлаб шишириладиган ёстиқ,— деди Бариль.— Лекин мен бунақа хилини кўрмаган эдим. Буни улар қаердан олишди экан?

Марконинг:

— Сув ости кемасидан,— деган овози эшитилди.

Йигитча самолёт қанотида ётган жойидан сал кўтарилди. Бошқа қанотдан Зоря бошини кўтарди.

— Э, болаларим, дам олиб бўлдингларми?— деб сўради Бариль, хурсанд бўлиб.— Хайр, майли келинлар, гаплашиб оламиз. Қандай қилиб денгизнинг ўртасига тушиб қолдинглар?

— Бизни сув ости кемасидан денгизга ташлаб кетишди,— деб жавоб берди Марко.

— Қимнинг кемаси у?

— Билмайман.

— Анавини қаранг-а!

Марко ўзининг саргузаштларини сўзлаб берди-да, кўк пакет эсига тушиб қолди. Энди уни очса бўларди. Конверт нам ўтмайдиган қоғоздан қилинган экан. Тўғри, ичига сал-пал нам ўтган, лекин ҳужжатлар бутун қолган эди. Уларни ҳеч ким ўқиёлмади. Чет тилларни биллади-



ган Петимко қоғоздаги ёзувларнинг шифр билан ёзилганини белгилади.

— Ҳечқиси йўқ, майли,— деди Бариль.— Бу пакетни қўлга тушириб яхши қилибсизлар! Бир-икки кун ичида энг чалкаш шифрни ҳам ўқий оладиган мутахассисларимиз топилади.

## XXI боб

### САМОЛЕТДА ЕЛКАНЛАР

Жануби-ғарбдан эсган шамол тобора зўрайиб уч-тўрт балга чиқди ва «Балиқ разведкачиси»ни аста-секин шимол-шарққа суриб кета бошлади. Учувчилар бунга фақат хурсанд бўлдилар, чунки улар тобора соҳилга яқинлашиб борардилар. Петимко бу тезлик билан уч-тўрт кун ичида Лебединий оролига етиб оламиз деб ишонтирарди. Лекин, афсуски, шамол жуда бўлмаганда қоронғи тушгунча эсиб туради, деб ҳеч ким кафиллик беролмасди. Шамолнинг йўналиши ўзгармайди дейишга ҳам ҳеч қандай ишонч йўқ эди.

— Қисқаси, ўртоқ метеролог,— деди Бариль,— сизга қойил эмасман, чунки бизга керакли шамолни беролма-япсиз.

— Бунинг ўрнига мен учиш тезлигини икки ёки уч ҳисса ошириб берадиган елкан ўрнатиб бера оламан.

— Нимадан?

— Парашютларимиз-чи?

— У-у-у! Тўғри! Иш мана бундоқ бўпти!

— Ишга тушайлик бўлмаса!

Соат беш яримда самолётга елкан ўрнатиш ишини тугатмоқда эдилар. Парашютларни очиб юбордилар-да, уларни қанотлар ўртасидаги сим арқонларга уладилар, бундан ташқари клипербот эшакларини бир-бирига улаб мачта ясадилар. Елкан кўтаришга жуда уста бўлиб қолган Марко, ўзининг бутун ҳунарини кўрсатди, бунинг учун машина командири уни мақтаб ташаккур билдирди. Соат олтида самолёт соатига уч милдан ҳам ортиқроқ тезлик билан сузиб борарди.

Бариль штурман олдида ўтириб, рулни шундай уста-лик билан бошқарар эдики, унга қараб бутун умрини

шундай елканли самолёт бошқариб ўтган деб ўйлаш мумкин эди.

Зоряни кузатувчининг кабинасига ўтқазиб қўйдилар. Петимко билан Марко фюзеляж устига ўрнашиб олдилар. У ерда ўтириш анча ноқулай бўлса ҳам, самолёт сузиб бораётган ҳозирги тезликда бир амаллаб ўтирса бўларди. Самолёт учганда уларни ҳаво оқими суриб кетган бўларди, ҳозир эса улар ўзларини оёқларини қайиқ четидан осилтириб ўтиргандек ҳис қилардилар.

Ярим соатдан кейин Марко, уфқни бинокль билан кўздан кечириб туриб, ўзларидан чап тарафда аллақандай қора нуқтани кўриб қолди. Уша тарафга қараб Петимко ҳам Марконинг гапи тўғрилигини тасдиқлади.

— Пароход эмасми?— деб сўради учувчи.

Штурман билан юнга ўша нуқтанинг пароход эканига деярли ишонч ҳосил қилдилар, шу сабабдан кема олдига етиб бориш мақсадида елканларни ўша тарафга суриб борадиган, қилиб, маневр қилдилар. Лекин яқинлашиб борганлари сари иккаласида ҳам шубҳа туғилди. Бу жуда ғалати кема эди, у, кўринишдан, жойидан сира қимирламасди.

— Эҳтмол, у сув ости кемасидир?— деб сўради Бариль ва хавотирланиб, биноклни ўзи қўлга олди.

Лекин, яхшилаб қарагандан кейин, у бунинг сув ости кемаси эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Елканли самолёт кемага яна ҳам яқинроқ келганда, унинг пароход экани аниқ бўлди, унинг икки мачтаси ўртасидан трубаси қаққайиб кўриниб турарди. Лекин бу пароход нима учундир сувга жуда ҳам чуқур ўтириб қолган эди.

— Эҳтмол, унга бир шикаст етгандир?— деди штурман, ҳамон пароходни биноклдан кузатар экан.

— Унда кўтарилган «ОВ» ёки «ОУ» лар кўринмай-дими?— деб сўради учувчи.

— Яқинроқ борайлик-чи, ўшанда кўрамиз.

Кеч кирди. Шамол сусая бошлади, худди ўчакишгандек пароходга ярим миль қолганда самолёт елканлари шалпайиб очилиб қолди. Энди кеманинг ярим чўккан ҳолда ётганлиги аниқ кўриниб турарди. Унда ҳеч қандай ҳаёт асари кўринмасди: трубасидан тутун чиқмасди; деярли сув билан бараварлашиб қолган палубасида ҳеч ким кўринмасди; мачталарда ҳеч қандай сигналлар кўтарилмаган эди.

— Эҳтимол, уни ташлаб кетишгандир,— деди штурман,— у эса ҳали ҳам чўкиб кетмапти.

— Сен уни ҳадемай чўкиб кетади деб ўйлайсанми?

— Ким билади дейсан! Менимча, биз уни кўрганимиздан бери ҳеч қанча чўккани йўқ.

— Унинг олдига клиперботда бориш жуда ҳам хавфлими?

— Эҳтиётлик билан борилса бўларди. Кел, мен бориб келай.

— Эҳтиёт бўл, у билан бирга сен ҳам чўкиб кетма яна.

— Агар мен унинг олдига яқинлашиб боргунимча, пастроқ чўкмаса, қўрқмаса ҳам бўлади. Агар сезиларли даражада чўка бошласа, яқинлашмайман қўяман.

— Мени ҳам бирга олиб кетинг,— деди штурманга Марко,

— Юра қол. Икки кишилашиб ишни тезроқ битирамиз.

— Анави денгизчиларни қара-я, бизни ташлаб кетишмоқчи!— деб кулди Бариль, Зоряга қараб.

— Боришаверсин. Биз ҳам машинангизда чўкиб кетмаймиз.

— Баракалла!— деб қизни мақтади Бариль, кетидан яна:— Биз бу машинада ҳаммани қутқарамиз!— деб қўйди.

Клипербот сафарга жўнади. Петимко билан Марко қоронғига қолмасдан орқага қайтиб келиш учун шошилишарди; қуёш аллақачон уфққа бош урай деб қолди, шунинг учун уларнинг вақти жуда кам эди. Гарчи Марко қўлининг жуда оғриётганини сезиб турса ҳам, навбатма-навбат эшак тортдилар. Қўли эса бирпас дам олганидан кейин деярли оғримай қолди.

Зоря фюзеляж устига чиқиб, улар орқасидан рўмолчасини силкитиб қолди.

— Яхши қиз,— деди Марко штурманга ва Зоря Навходканинг ўтмишини қисқа қилиб гапириб берди.

— Оббо қизи тушмагур-ей!— деб қўйди Петимко.— Нега энди уни эси паст деб ҳисоблашади-я? У оддий болалар билан қизлардан юз марта ақллироқ эканку!

Ярим чўккан кемага бир юз эллик метрча қолди. Эҳтиёткорлик, диққат қилишни талаб қиларди. Қеманинг қуйруқ тарафи деярлик бир метрча чўкиб кетганди. Қемани айланиб ўтаркан, Петимко унда битта-яримта-

нинг бор-йўқлигини текшириб кўриш учун бир неча марта қичқирди, лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади.

— Сўл бортдаги қайиқ кўринмайди,— деди штурман.— Демак команда пароходни ташлаб кетибди. Унинг исмини қандай билсак экан?

Лекин буни билолмадилар: пароходнинг бурун тарафи сувдан сал-пал чиқиб турарди, унинг энг четидан ботиб бораётган қуёш нурлари остида фақат битта лотинча «S» ҳарфи кўриниб турарди. Бу пароход исмининг охирги ҳарфи эди. «S» пароходнинг атрофини айланиб чиққандан кейин, Петимко уни «S» пароходи деб атади, денгизчилар бир-бирларига қараб олишди-да, иккаласи битта фикр айтишди:

— Бортга чиқамиз.

— У ҳаливери чўкмайди,— деб далда берган бўлди штурман,— мен бундай воқиаларни кўрганман. Баъзан пароход то трубасигача чўкиб кетади, мачталари эса бир неча кунгача сув устида кўриниб туради. Бир вақтлар мен Шимолда, Карск денгизида сузиб юрардим. Денгиз ўртасида қўққайиб чиқиб турган ана ўшандай мачталарга дуч келдик. Бу «Белуха» шхунаси бўлиб, у биз унга дуч келган ердан юз миль жануброқда икки ҳафта бурун чўкиб кетган эди. Бизнинг пароходимиз мачталар олдидан ўтиб кетди, ким билади дейсан, мачталар яна неча кунгача сув юзида кўриниб турган экан. Демак, бирон-бир ерда, цистерналарида ҳаво қамалиб қолган ёки трюм бирон-бир сузиб юрувчи енгил нарса билан тўлдирилган.

Ниҳоят пароход бсрти олдига сузиб келдилар. Тўғрироғи, клипербот пароход олдига сузиб келди-да, пароходнинг ярим чўкиб кетган қуйруқ томонидан шлупдекига олиб чиқадиған трап олдида тўхтади. Петимко оёқларини ҳўл қилиб қўймаслик учун эҳтиёт билан трапга қадам босди-да, қайиқни унинг панжарасига боғлаб қўйди. Унинг кетидан Марко ҳам чиқди.

Сувдан фақат палуба устидаги ҳужралар, капитан кўприкчаси, радиорубка, труба ва мачталар чиқиб турарди. Қуйи палубадан ўтиш мумкин эди, лекин бунда оёқлар тиззагача ҳўл бўларди. Пароходнинг ташқи аломатларига қараб, Петимко унинг чет мамлакат пароходи эканини белгилай олди, холос. Вақт зиклигидан денгизчилар ҳужраларни кўздан кечира олмадилар, лекин штурман бошқа пароходлар билан тўсатдан тўқнашиб кетиш-

нинг олдини олиш ва «Балиқ разведкачиси»дан бу «сузма риф»ни кузатиб туриш мумкин бўлсин учун, агар у эрталабгача чўкиб кетмаса, ундан фойдаланиш мақсадида капитан кўприкчасига чироқ ёқиб қўймоқчи бўлди. Петимко Марко билан бирга шлупдекдан ўтди, капитан кўприкчасига кўтарилиб, штурман рубкасига кирди. Столда инглизча харита ётарди, унда пароход курси Лузани портини кўрсатиб турарди. Кўк қаламда пароход курси белгиланган чизиқ устида: 2,20. 7. VIII. деган ёзув бор экан.

— Еттинчи август, соат икки-ю йигирма минут,— деди штурман,— демак, фалокат бугун кечаси юз берган экан.

На кема дафтари, на вахта журнали кўринмасди, афтидан, уларни кемани ташлаб кетаётганда, вахтада турган матрос ёки капитан ўзи билан олиб кетганди, умуман, штурман рубкасининг кўриниши кеманинг шошилинич равишда ташлаб кетилганидан дарак бериб турарди. Бу ерда вақт ўтказиб ўтирмай, Петимко рубкадан чиқди-да, борт фонарларини ёқишга кўтарилди. Иккала бортдаги керосин лампалар ҳам буст-бутун эди, лекин нима учундир шишалари синиб кетибди. Фонарларни ёқар экан, Петимко штурман рубкасидаги деразалар ҳам синиб кетганини эслади.

Фонарларни ёқиб бўлиб, иккаласи ҳам қайиқ олдига қайтдилар. Куёш уфқ орқасига яшириниб, ғарб тарафда осмон оч қизил рангга бўялганди. Узоқда «Балиқ разведкачиси» кўриниб турарди.

Самолётга кўз ташлаб олиб, штурман клиперботга оёқ қўйиб чўкиб кетаётган кема билан охирги марта видолашди. Кўринишдан, юқори кубрик вазифасини ўтовчи кичкинагина хужрачага қарар экан, унинг диққатини тикка қўйилган бир неча темир бочкалар ўзига тортди. Уларнинг кўриниши нима учундир штурманни қизиқтириб қолди, шунинг учун у Маркодан ўша тарафга сузиб боришни таклиф қилди. Бочкаларни кўздан кечириб, у улардан бирига ёпиштириб қўйилган ёзувни ўқиди, ҳаяжон билан бочкани пайпаслаб кўрди-да, унинг кранини осонгина топди. Крандан қўлига суюқлик оқиб тушди. Петимко кафтини бурнига олиб келди, ҳидлаб кўриб, мамнуният билан томоқ қириб қўйди.

— Ниманинг ҳиди келяпти?— деб сўради Марко.

Штурман қўлини унинг бурни тагига олиб келди. Йигитча ҳам ҳидлаб кўриб, кўзини қисди-да:

— Бензин. Тоза бензин!— деди.

«Колумб»да кўп марта мотористлик қилган Марко ёнилғиларни яхши биларди. У энг ёмон ёнилғи — лигориндан тортиб то авиация бензинигача бўлган барча ёнилғиларни яхши ажрата оларди. Самолётнинг қандай оғир аҳволда қолганини билган йигитча бу бензиннинг ҳозир қанчалик иш беришлигини дарҳол англади.

— Энди бунга қандай қилиб олиб кетдик-а?

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Лекин бу бочкани иккаламиз жойидан қўзғата олмаймиз, бир амаллаганимизда ҳам барибир клипербот кўтаролмайди. Қайиқни сувга тушириш керак, лекин иккаламиз бунинг ҳам уддасидан чиқолмаймиз, бунинг устига сенинг қўлинг ҳам оғриб турибди. Шамол эсиб турганда эди, бу ерга ўзимизнинг «Разведкачи»мизни олиб келган бўлардик... Лекин шамол йўқ. Эҳтимол, кечаси эсиб қолар...

— Биласизми нима?— деб таклиф қилди юнга.— Сиз клиперботда самолёт олдига боринг-да, командирни олиб келинг, мен эса сизларни шу ерда кутиб тураман. Уч кишилашиб қайиқни сувга туширамиз, бир амаллаб бензинни ҳам унга олиб ўтиб, самолётга етказамиз.

— Сени қолдириб кетайми? Борди-ю мана бу «S» чўкиб кетсачи?

— У яқин орада чўкмайди. Биз шамолни кутиб ўтирадиган бўлсак, унинг чўкиб кетиши ҳам ажаб эмас.

— Ундай бўлса, бу ерда мен қолай, сен эса Барилни олиб кел.

— Менинг қўлим оғрияпти-ку ахир, мен узоқ эшкак тортолмайман,— деб жавоб берди юнга.

Петимко боланинг ёлғиз ўзини бу жуда ҳам ишониб бўлмайдиган кемага ташлаб кетишни истамасди, лекин вазиятни ўйлаб кўриб рози бўлди. Марко қайтиб шлуп-декка чиқди, штурман эса клиперботда пароход олдидан жўнаб кетди.

Юнга кичкина қайиқнинг узоқлашиб борганини, ниҳоят кўздан ғойиб бўлганини кузатиб турди. Самолётда борт чироқлари ёқилди. Афтидан, Бариль кичкинагина аккумуляторни ишга солган эди. Йигитча қайиқ олдига ўтирди. У дастлабки юлдузлар милтиллаб акс эта бошлаган денгизнинг қора сувига қараб ўтирар ва клиперботнинг қайтиб келишини сабр билан кутарди. Бирдан у

қушёр тортди. Жуда ҳам яқин жойда ириллаганми, шапиллаганми, аллақандай бир товуш эшитилди. У тобора зўрайиб борарди. Шунда бирдан, унга жавоб бўлгандек, чўкиб бораётган пароход ичидан, қоронғиликдан аллақандай бир ҳайвон ўкириб юборди. Кўп ўтмай унга бошқаси жўр бўлди.

## XXII боб

### СИРЛИ ПАРОХОД

Бариль штурман билан юнганинг келишини сабрсизлик билан кутарди. У биноклда уларнинг кемани айланиб ўтаётганларини кўрди.

— Булар бир ўт-ку, ўт!— деди у, Зоряга.— Бизнинг бригадада бундайлар тўғрисида: «Оламни қойил қолдирадиган ҳеч ери йўғу, лекин абжағи чиқиб кетиши турган гап» дейишарди.

— Улар битта-яримтани топишган бўлса-чи?— деб қўйди қизча.

— Мен қаршиман. Уларни қаерга жойлаштирамиз?

Жойлаштиришга ҳақиқатан ҳам ўрин йўқ эди.

Қуёш ботиб кетгандан кейин, пароходда кўк чироқ ёнди. Кема уларга ўнг борти билан турарди. Дастлабки ғира-ширада одамларни баҳазур кўриб турдилар, лекин клипербот пароход олдидан нари кетгандан кейин, Бариль қайиқдан кўзини узмай қараб турди, қайиқда битта йўловчининг камайиб қолганини у анчадан кейин пайқаб қолди.

— Сен билан мен қўшимча одам олиб келишади деб кўрқиб ўтирибмиз, ваҳоланки, ўзимизнинг одамлардан биттаси у ерда қолибди. Буларни қара-я!— деб ҳайрон бўлди учувчи.

Бариль билан Зоря қайиқчанинг етиб келишини сабрсизлик билан кутиб турдилар.

Ниҳоят Петимко етиб келди-да, разведканинг натижалари тўғрисида сўзлаб берди.

Бензин борлигидан хабардор бўлган Барилга дарҳол жон кирди.

— Ахир бизнинг чап томондаги бакимиз бўш, ярим запас билан эса биз уч соатча уча оламиз!

Учувчи юнга билан штурман ўйлаб топган планни қабул қилди, лекин, тўғриси, самолётни ташлаб кетишга зўрға рози бўлди. Аммо бошқа илож йўқ эди. Зоряга нима қилиши тўғрисида панд-насиҳат қилиб, Бариль клиперботга ўтди.

— Агар бирор гап бўлса,— деди учувчи, қизчага,— борт чироқларини ўчириб ёндиравер. Ҳаво тўлдирилган ёстиғингни ҳам доим ёнингда сақла.

Зоря айтганларининг ҳаммасини бажаришга ваъда қилди, шундан кейин учувчилар жўнаб кетишди. Денгиз устини энди бутунлай қоп-қора тун қоплаб олганди. Резинка қайиқ пароходнинг кўк чироғидан мўлжал олиб, юлдузлар ёруғи остида сузиб борарди. Самолёт фонарлари орқада қолди. Бариль эшкак тортар, Петимко эса дам олиб кемани кўздан кечирганларининг натижалари тўғрисида муфассал сўзлаб бермоқда эди.

— Штурман рубкасидан ташқари ҳеч қаерга кирмадингларми?— деб сўради учувчи.

— Йўқ.

— Эҳтимол, у ерда бирон-бир тирик жон бордир?

— Топган гапингни қара-я! Мурдалар бор бўлса бордир-у, лекин каламушлардан бўлак тирик жон бўлмаса керак. Марко ҳозир уларнинг чийиллашаётганини эшитиб ўтирган бўлса керак.

Бирдан уларнинг қулоғига инграган товуш эшитилди. Иккаласи жим бўлиб, қулоқ солишди. Паст, лекин кучли инграш эшитилди, кетидан яна эшитилди, ундан кейин яна... Кейин нимадир қаттиқ ўкирди.

— Нима бу?— деб сўради учувчи.

Бу ғалати овознинг такрорланишини кутиб, штурман жим турарди. Кўп ўтмай ўша товуш яна эшитилди. Бу сиренанинг ўкиригига ўхшаган: о-о-у-у... деган товуш билан тугайдиган аллақандай инграш эди. Лекин у чўзиб-чўзиб эмас, балки қаттиқ-қаттиқ, тўхтаб-тўхтаб эшитиларди. Овозлар худди пароход томондан келганга ўхшарди-ю, лекин штурман билан учувчининг бунга ишонгилари келмасди...

— Агар бу қичқираётганлар сичқонлар бўлса,— деди Бариль,— йигитчамизнинг аҳволига вой.— Шундай дедида, кучининг борича эшкак торта бошлади.

Даҳшатли товушлардан хавотирга тушган учувчилар шошилишарди. Бу товуш яна бир неча марта эшитилди-ю, кейин ҳамма ёқ яна жимжит бўлиб қолди. Клипербот



иложи борича тез сузиб борарди. Мана, улар қаршисида пароходнинг қораси кўринди. У тун қоронғисида устига хужрачалар қурилган минорага ўхшаб кетарди. Ундаги биргина кўк чироқ милтиллаб турарди. Штурман қўлини оғзига карнай қилиб:

— Марко-о-о! Марко-о!— деб қичқирди.

Ҳатто акс садо ҳам эшитилмади — унинг овози бўшликка сингиб кетди. Улар жавоб кутишар, лекин тиқ этган овоз эшитишмасди. Шундан кейин улар иккаласи барабар қичқиришди. Бу сафар пароходдан жавоб эшитилди:

— Алло-о-о! Алло-о!

— Бу Маркоми, ё бошқами?— деб сўради штурман, овознинг кимники эканини таниёлмай.

— Ҳа, ўша!— деди ишонч билан учувчи, кейин яна қичқирди:— Марко! Қаердасан? Қаердан борайлик?

— Фонарь тагига келинглар!— деган жавоб эшитилди.

Шундан кейин, қичқирган Марко эканига ишонгач, штурман қайиқни фонарь тагига ҳайдади.

Улар пастки капитан кўприкчасига олиб чиқадиган трап тагига етиб келганда, яна ниманингдир қаттиқ ўқирганини эшитдилар. Пароходнинг ичкарасида, аллақерда қандайдир баҳайбат бир ҳайвон бўқирар эди. Трапнинг зинасида Марко кўринди.

— Ҳей бола, бу ерда қандай концерт бўляпти ўзи?— деб сўради Бариль.— Степанич бўлса, сени каламушлар овутаётганга ўхшайди дейди.

— Овози ўчсин бу каламушларнинг! Аввалига шундай қўрқиб кетдимки, ўзимни сувга ташлаб, сиз тарафга сузиб кетайми дедим. Кейин ўрганиб қолдим. Кўринишдан, ҳайвонот боғини кўчириб кетишаётган экан-у, ҳамма ҳайвонлар чўкиб кетмабди.

— Улар йиртқич ҳайвонлар бўлиб, адабимизни бериб юрмасин тагин,— деб қўйди учувчи.

— Келинглар, улар палубага чиқишмасидан олдин, қайиқни сувга тушириб олайлик,— деб таклиф қилди Петимко.

Қайиқни осонроқ тушириш учун, улар қўл фонари қидира бошладилар. Уни ўша ондаёқ штурман рубкасидан топдилар. Фонарь ёруғида қайиқларни кўздан кечирдилар. Пароходда қайиқлардан учтаси қолган экан: бири сўл бортда, иккитаси ўнг бортда. Тўртинчисига, афтидан,

кемани ташлаб кетаётганда, унинг командаси тушиб кетган эди. Қарасалар, қайиқларни таль билан тортиб сувга туширишга уч кишилашиб ҳам кучлари етмас экан. Қайиқни қия палубадан сувга итариб тушириш осонроқ бўларди, лекин бунинг учун қайиқ ўрнатиб қўйилган тиргакларни кўчириб ташлаш лозим эди.

— Болтасиз ҳеч иш чиқмайди,— деди Бариль, тиргакларни кўздан кечириб.— Қаяоталардан бирор нарса қидириб топишимиз керак.

— Ҳайвонларни нима қиламиз?— деб сўради штурман.

— Э, улар катакларда бўлса керак. Уларни капитан каютасида ёки радиорубкада ушлаб туришган бўлмаса керак-ку, ахир.

Ҳайвонлар ўзларини тинч тутишарди, шунинг учун кеманинг қўрқинчли хўжайинлари меҳмонларнинг пайдо бўлганидан сира ҳам хавотирга тушмаган бўлсалар керак деб ўйлаш мумкин эди.

Қайиқларни таллардан бўшатиб, учаласи бараварига болта ёки тиргакларни синдириб ташлаш учун бирон-бир нарса қидира бошладилар.

Лекин кўп ўтмай қайиқдан фойдаланиш плани рад қилинди.

Палубани кўздан кечириб, улар бир неча бўш ёғоч бочка топдилар. Бариль уларни ҳидлаб кўриб дарҳол пиводан бўшаганлигини аниқлади.

— Қайиқ билан овора бўлиб ўтирагимиз!— деди у, хурсанд бўлиб.— Мана бу бочкани бензинга тўлатиб, уни қайиққа боғлаб самолётга олиб кетсак ҳам бўлаверади.

Шубҳасиз, учувчи бу қийин аҳволдан чиқишнинг осон йўлини топди. Бўш бочкани кеманинг қуйруқ томонига думалатиб ўтиш, яъни, тўғрироғи, уни сувга тушириш ва металл бочкадаги бензинни ёғоч бочкага қуйиш қолганди. Кўп ўйлаб ўтирмай, Бариль бунинг ҳам иложини топди.

— Клиперботга ҳаво тўлатадиган насосни оламиз,— деди у.— Бу бир оз вақтимизни олади-ю, лекин бир соатда бочканинг ярмигача бензин қуйиб оламиз. Шунинг ўзи кифоя. Ҳар ҳолда ўшандан кейин биз ўз «Разведкачимиз» билан бу ерга келамиз. Лекин бочкани қандай қилиб буксирга олиб кетишга эса, тўғриси айтсам, ақлим етмай қолди, Сиз денгизчилар бунга бир илож қиласизлар энди.

— Йўли осон!— деб жавоб берди штурман.— Биз Марко иккаламиз ҳозир уни таль-трос билан тортиб кетадиган қилиб берамиз.

Бочкани сувга тушириб, кеманинг қўйруқ тарафига тортиб келдилар. Лекин энди бензинни қуя бошлаган эдиларки, уларни бирдан хавотирликка солган ва ҳаяжонлантириб юборган бир ҳодиса юз берди. Бариль «Балиқ разведкачиси» нинг чироқлари кўриниб турган тарафга қараб, ҳеч нарса кўрмади. Атрофни қоп-қоронғи зулмат қоплади... Самолёт ғойиб бўлиб қолганди.

Лекин кўп ўтмай тинчиб қолишди.

— Оббо, хом калла-ей!— деб юборди Бариль.— Ахир менинг аккумуляторим қувватини сарф қилиб бўлаёзганди-ку, қизчага эса, агар у ток бермай қўйса, динамканинг бандини қандай бураш кераклигини кўрсатиб қўйишни нутибман.

Улардан бири қоронғиликда самолётни қидириб топгани боради, динамка ёрдами билан чироқ ёқади, кейин эса, бензинни олиб кетгани қайтиб келади деб келишиб олдилар. Бензинли бочкани биратўла олиб кетишга юрак қилолмадилар — бундай оғир юк қидириш ишларини жуда чўзиб юбориши мумкин эди.

— Мен бораман,— деди Бариль,— менинг овозим баланд, нарироқ бораман-да, қичқира бошлайман. Овозимни Зоря эшитади, товуш беради, мен унинг овозига қараб мўлжаллаб сузиб бораман. Сизлар эса ҳозирча бензин қуя туринглар.

Штурман билан Марко рози бўлдилар, лекин Барилга унинг қаердалигини билиб туришлари учун ўзи билан фонарь олиб кетишини қаттиқ туриб илтимос қилдилар.

— Ўзингиз қандай ишлайсиз?

— Бизга юлдузларнинг ёруғи ҳам етиб ортади,— деб жавоб берди штурман.

Бариль ўзи билан фонарь олиб кетди.

Петимко билан юнга иложи борича тез ишлаб, насос билан бензин тортишар ва уни сувда ётган ёғоч бочкага қуйишарди.

Клиперботдаги чироқ тез узоқлаша борди. Кўп ўтмай Петимко билан Марко қичқирдиқ эшитдилар. Бариль Зорьяни чақирмоқда эди.

Пароходдаги ҳужралар ичидан илгаригидек аҳён-аҳёнда ўкирик ва шапиллаган овозлар эшитилиб турарди.

Штурман Маркога ўкираётган арслон бўлса керак, эҳтимол, у битта эмасдир деди. Қандай ҳайвон эканини у аниқ айтолмади. Эҳтимол, йўлбарс ёки барсдир, ҳар ҳолда, қандайдир йиртқич экани аниқ. Кейин пароходнинг ҳалокатга учрагани тўғрисида сўзлашдилар.

— Менимча, бу пароход тирик ҳайвонларни ортиб келаётган бўлса керак,— деди штурман,— лекин қаердан? Бизнинг тарафларга ҳайвонларни кўпроқ Гагенбекдан, Гамбургдан Ленинград орқали олиб келишади. Буларни қаердан олиб келишаётган экан? Африкаданмикан?

— Бу пароход қайси миллатга қарашли бўлдийкин?

— У Англияда қурилган, бу штурман рубкасининг эшиги тепасидаги ёзувдан кўриниб турибди, лекин Англияда қурилган пароходлар барча мамлакатларнинг портларида сузиб юради.

— У нима учун ҳалокатга учради экан?

— Ватерливиядан пастроқдан шикастлангани аниқ. Агар шунчаки бирор жойи тешилган бўлса, команда энг яқин бирор портга етиб олгунларича ёки ёрдам чақиргунларича, сувни чиқариб ташлаб турса бўларди. Тошга эса пароходнинг урилиши мумкин эмас: бизнинг денгизда сув ости тошлари йўқ. Агар у соҳилда тошга урилган бўлса, соҳилдан узоқлашмай ўша ерда қолган бўларди. Кўринишдан, жуда тез сув тўлган бўлса керак... Ҳа...— Штурман жим қолди.— Ўйлашимча, портлаш натижасида бўлган бўлса керак. Кўргандирсан — фонарлар билан штурман рубкасидаги деразанинг ойналари синиб кетибди. Артиллерия отишмаси вақтида ёки кучли портлаш вақтидагина ҳавонинг кучли тўлқинидан шундай бўлади. Лекин бу ерда ниманинг портлаши мумкин? Агар қозонлар ёрилган бўлса, ҳалиги айтган «Дельфин» сингари пароходни парча-парча қилиб юборган бўларди. Ҳм!.. Эҳтимол, трюмда бирон-бир портловчи модда бўлгандир?

— Биз сув ости кемасида бўлганимизда, кечаси денгизда портлаш овозини эшитган эдим,— деди Марко.

— Эҳтимол, портлаш мана шу пароходда бўлгандир: ахир биз сизларни шу орадан топдик-ку.

— Биласизми, бу сув ости кемасининг иши бўлмасин яна?

— Тўғри!.. Лекин бу пароходни чўктириш унга нега зарур бўлиб қолди экан?.. Э-э, гап бундай дегин... энди тушундим. Лебединий оролида профессор Ананьев учун машиналар олиб келадиган «Антопулос» деган аллақан-

дай грек пароходини кутиб туришган эди. Энг охирги «S» ҳарфининг маъносини энди тушунгандирсан? Бу худди ўша «Antopulos» дан бўлак нарса эмас. Қароқчилар уни чўктириб юборишган, бунинг ҳеч ҳайрон бўладиган ери йўқ. Оролда юз берган воқиаларнинг ҳаммаси нима учундир профессорга боғлиқ ҳолда, унинг Лебединийда топган нарсаси атрофида бўлиб ўтди деб ўзинг айтган эдинг-ку!

Улар пароходнинг сирини ана шу тарзда билиб олдилар. Фақат унда ҳайвонлар қандай пайдо бўлиб қолгани, уларни «Антопулос» қаёққа ва ким учун олиб кетаётгани номаълум эди. Профессор Ананьев Лебединий ороли учун арслонлар келтиришни сўрамагандир, албатта!

Денгизда «Балиқ разведкачиси»нинг борт чироқлари яна милтиллаб кўринди. Демак, Бариль унга эсон-омон етиб олган ва Зоряга динамкани қандай айлантириш кераклигини кўрсатган эди. Вақти-вақти билан чироқлар ўчарди, бу эса динамкани айлантирмай қўйганларидан дарак берарди,— лекин кўп ўтмай у яна ёнарди.

Кўп ўтмай сал милтиллаб турган чироқ самолётдан пароход томонга сузиб кела бошлади. Резинка қайиқча қайтиб келмоқда эди. Штурман ва юнга яна ҳам ғайрат билан бензин қуя бошладилар. Битта темир бочкани бўшатдилар-да, дарҳол бошқасидан қуя бошладилар. Марко билмасдан ярадор қўлини уриб олиб қаттиқ оғриганидан қичқириб юборди. Буни кўрган Петимко юнгага ишни ташла деб буюрди. Марко эътироз билдирмади, чунки қўли анчадан бери азоб берарди. У яқинлашиб келаётган қайиқни кузатиб, дам олиб ўтирди. Клипербот «Антопулос» олдига етиб келганда, йигитча ундаги одамни ажрата олди. Бу Зоря эди.

— Ҳорманглар! Мени кутмаган эдингларми? Командир машинани учишга тайёрлаяпти, мени тезроқ бензин олиб келгин деб юборди.

— Яша, қизим, жуда тез етиб келибсан!— деб Зоряни мақтади штурман.— Командир у ерда қолиб, сенинг келганинг жуда яхши бўлибди.

— Мен ўзим шуни хоҳладим. У олдин мени юборсаммикан, юбормасаммикан деб иккиланиб турди, лекин кейин рози бўлди,— деди Зоря.— Бензинни сиз олиб борар экансиз, мен Марко билан пароходда қолиб, самолёт келгунча кутиб турамиз.

— Бу ҳам айни муддао. Бу орада Марконинг қўли

дам ола туради, сен билан бирга зеркиб ҳам қолмайди. Мен эса бир ўзим бочкани клипербот орқасидан осонроқ тортиб кетаман. Фақат шарт шуки, капитан кўприкчасига кириб олинглар. Менимча, арслонлар у ерга киришмас.

### XXIII ҶОБ И И Р Т Қ И Ч Л А Р

Штурман буксир арқонини ўзининг белига танғиб олди — клиперботда уни боғлайдиган жой йўқ эди. Ундаги бирдан-бир темир ҳалқа клиперботни бирор жойга боғлаб қўядиган ингичкагина арқонча учунгина ярарди. Петимко орқасидан бензин солинган бочкани тортиб дарҳол йўлга тушди. Клипербот энди секин сузиб борарди, самолёт олдига у бир соат ёки бир ярим соатда етиб бориши керак эди. У ерда тахминан ярим соатча вақт машинани ишга солишга кетарди, яна бир неча минутдан кейин эса самолёт пароход ёнига келиб тўхтайди. Энди фақат «Балиқ разведкачисига» қандай қилиб жойлашиб олиш масаласини ҳал қилишгина қолди. Лекин жуда зарур бўлиб қолган вақтларда доим бирон чора топилади, шунинг учун Марко билан Зоря бу тўғрида бош қотириб ўтирмадилар.

Юнга билан қизча мотор овозини эшитгунча бир ярим-икки соат сабр қилиб, кутиб туришлари керак эди. Капитан кўприкчаси шундай сувга тегай-тегай деб турарди. Лекин ҳар ҳолда пароходдаги энг баланд ҳужра ўша эди. Марко Зоряга фальшбортнинг кенг планширида ўтирайлик деб таклиф қилди. Кейинги ўттиз олти соат ичида бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисида сўзлашиб, ўн минутча ўтирдилар. Саргузаштларининг охирлаб қолганидан хурсанд бўлишар, лекин Людани ўйлаб, юраклари эзилиб кетарди.

— Энди уни тез топишади,— деди ишонч билан Марко.

Планширда бирпас ўтириб, штурман рубкаси билан капитан каютасини кўздан кечирмоқчи бўлдилар. Марконинг ёнида улар пароходга биринчи келганларидаёқ Петимко штурман рубкасидан топган гугурт бор эди. Гугурт билан улар чўнтак фонари, керосин лампа ёки шам топмоқчи бўлдилар. Юнга қизни, агар пароходни ташлаб қочишаётган вақтда капитан фонарини ўзи билан олиб кетмаган бўлса, унинг электр фонари албатта бўлиши керак деб ишонтирди. Шундан кейин улар қидиришга

тушдилар. Пароходда ўтказган бир неча соат ичида Марко унинг сал бўлса ҳам чўкканини сезмади. Юнга ҳатто Зоряга бу пароходни, эҳтимол, Лебединий оролидаги кўрфазга буксирда олиб бориш ва у ерда профессор Ананьев учун зарур бўлган машиналарни қирғоққа чиқариб олиш ҳам мумкин бўлар деди.

Штурман рубкасида юнга ҳеч нарса тополмади; унда на фонарь, на шам бор эди. Кичкинагина яшиқда Хронометр чиқиллар, бармоқлари остида харита, лоций қоғозлари ва астрономик жадваллар шитирларди.

Рубкадан чиқиб, пастки капитан кўприкчаси деб аталган жойга тушдилар, капитан каютаси ҳам одатда шу ерда бўлади. Каюта эшиги штурман рубкасининг эшиги сингари ланг очиқ эмас, ёпиқ эди, бу эса «Антопулос» капитанининг пароходни ваҳма солмай, секин-аста ташлаб кетганидан дарак берарди. Марко билан Зоря каютага кириб, қоп-қоронғи зулмат ичида қолдилар. Марко охириги гугурт чўпларини эҳтиёт қиларди, шунинг учун дарров гугурт ёқа қолмади, балки Зорядан эшикни ёпиб турушни илтмос қилди. У ташқаридан уриб турган шабаданинг гугуртни ўчириб қўйишидан қўрқарди.

Эшик ёпилгандан кейин Марко гугуртни чақиб ўзлари кирган эшикдан ташқари яна икки эшиги бор кичкинагина шинам каютани ёритди. Каюта икки, эҳтимолки, уч бўлимдан иборат эди. Биринчи бўлимда стол устида бир неча журнал ётарди. Йигитча улардан бирини йиртди-да, қоғозни бураб-бураб бир неча машъал қилди, улар тез ёниб тугар, лекин ҳар ҳолда гугуртни тежарди. Марко билан Зоря ўрин солиб қўйилган қўшни хонадан электр фонарча топдилар.

Самолётдаги аккумуляторнинг ишламай қўйгани ҳали эсида турган Марко фонарь батарейкасини тежашга аҳд қилди-да, фонарнинг яроқли эканлигига қаноат ҳосил қилгач, уни ўчирди ва бундан кейин ҳам қоғоз ёқаверди. Капитан гардероби уларни қизиқтирмасди, асбоб-ускуналардан эса пичоқ, қайчи ва секстантдан бошқа ҳеч нарса топмадилар.

Зоря бошқа эшикка қизиқиб қолиб, уни итариб очди, Марко эса ёниб турган қоғозни очиқ эшикдан ичкарига тутди. Эшик орқасида кичкинагина супача бўлиб, унда бу каютани пароходнинг ички ҳужралари билан туташтириб турган трап бор эди. Қўлини олдинга чўзиб ва машъални юқори кўтариб, Марко пастга қараб турган Зорянинг ел-

каси устидан қаради. Иккаласи ҳам бир вақтда кўзлари чақнаб турган, тумшуғи машъалнинг хира ёруғида сал кўринаётган ажойиб бир ҳайвонни кўриб қолдилар. Улар бу хил маҳлуқни биринчи кўриши эди. Ваҳший ҳайвоннинг тумшуғи устида аллақандай олачипор чизиклар бор эди. Ҳайвон кўзларини юммай уларга бақрайиб қараб турарди. Кўринишдан, ёруғ унинг кўзини қамаштириб, ҳатто қўрқитиб юборганди. Бир неча секунд ҳайвон қимирламади. Унга қараб турган одамлар ҳам худди шу аҳволда қотиб қолган эдилар, кейин у оғзини очди-да, тишларини кўрсатиб: «хуфф-ва...» деб хириллаб қўйди. Уша ондаёқ пастдан бошқасининг ириллагани эшитилди. Ҳайвон ёлғиз эмасди. Марко билан Зоря эшикни тарс этиб ёлиб, орқага ташландилар, худди шу вақт эшик орқасидан оғир нарсанинг гурс этиб эшикка келиб урилгани эшитилди. Ҳайвон трапга сакраганди.

— Арслон!— деб қичқирди Марко, Зорянинг кетидан каютадан чопиб чиқиб ва орқасидан эшикнинг бандини бурар экан.

У ҳеч вақт ҳайвонот боғига, ажойиботхонага бормаган эди, лекин арслонларни расмларда жуда кўп кўрганди. Китоблардан у арслон йўлбарсдан кейин энг кучли йиртқич эканини ҳам биларди. Ким билади дейсиз, эҳтимол, унинг олдида ириллаган ўзининг кучлилиги билангина эмас, балки қонхўрлиги билан ҳам машҳур бўлган йўлбарсдир.

Иккаласи шлюпдек орқали қуйруқ тарафга чопдилар. Арслон каютадан чиққандан кейин кўприкчага сакраши мумкин деб қўрқиб, у тарафга боришга юраклари бетламади. Кеманинг қуйруқ тарафига яқин жойда бир неча эшик бор эди, улар, афтидан, камбуз билан кают-компанияга олиб борарди, энг четда эса радиорубка қўққайиб турарди. Кают-компания олдидан югуриб ўта туриб, юнга унинг иллюминаторини электр фонарча билан ёритдию, диванда аллақандай ҳайвоннинг ётганини кўрди. Фонар ёруғидан чўчиб кетган йиртқич бошини кўтариб, ёруққа диққат билан қаради. Бу ҳайвон арслон сингари катта эмасди, бўйнида жунлари ҳам йўқ эди. Кўринишдан, талвасада аллаким ҳайвонларнинг эшигини очиб юборгану, улар бутун кемага тўзиб кетишган.

Зорянинг қўлидан ушлаб олиб, Марко радиорубкага отилди. Фақат ўша ерга яшириниб олишдан бошқа чора қолмаганди. Буларнинг бахтидан бўлиб, у ерда ҳайвон-



лар йўқ экан. Рубка капитан каютаси билан бир хил баландликда бўлиб, эшиги маҳкам эди, у ерга кириб олгандан кейин, юнга билан қизча ўзларини анча хавфсизликда сеъдилар.

Ҳайвонлар на капитан каютасидан, на кают-компаниядан ҳали чиққанларича йўқ эди-ю, лекин қоронғиликда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди, шунинг учун Марко самолётнинг келишини кутиб, қимирламай ўтиришни афзал кўрди. Самолёт келгандан кейин эса тўппа-тўғри сувга сакраса ҳам бўлаверарди, радиорубка эшиги бортдан бор-йўғи бир ярим метр берида эди. Тўғри, эшик билан борт ўртасида улар яқиндагина туширишмоқчи бўлган қайиқнинг қуйруқ тарафи очилиб турарди. Лекин қайиқ ҳалақит бермас, аксинча, уларни ҳайвонлардан тўсиб туриши мумкин эди.

Радиорубка иллюминаторидан «Балиқ разведкачиси»нинг чироқлари кўриниб турарди.

Марко билан Зоря жим ўтиришга аҳд қилдилар. Бирон-бир ҳайвоннинг оёқ товуши эшитилмасмикан деб қулоқ солиб кўришди. Лекин энди ҳатто ириллаган товушлар ҳам эшитилмасди. Марко радиорубкани кўздан кечирмоқчи бўлди, чироқ ёқиб ҳайвонларнинг диққатини тортмаслик учун Зорядан иллюминаторни тўсиб туришни илтимос қилди. Қизча ёруғ тушиши мумкин бўлган кичкинагина деразани зиғирча ҳам очиқ жойини қолдирмай тўсди. Марко фонарини ёқди-да, «Антопулос» радиорубкасининг хўжалигини кўздан кечира бошлади. У бошқа пароходларнинг радиорубкаларида бир неча марта бўлган эди, бир вақтлар у ҳатто Лузанида икки ҳафтали радиокурсда ҳам ўқиганди. Юнга аппаратурани кўздан кечирди, у жуда ҳам мураккаб эмасди, бола ундан бемалол фойдаланса бўларди,— ёқишга тайёр турган, лекин нима учундир ёқилмаган, энг зарур вақтларда ишга солинадиган аккумулятор батареясини нўздан кечирди. Афтидан, радисть «SOS» сигналини бермоқчи бўлгану, лекин саросимага тушиб чўкиб кетаётган пароходда уни ёлғиз ташлаб кетишларидан қўрқиб, аппаратни ташлаб, сувга туширилаётган қайиқ тарафга юрган. Марко аппаратурани текшириб кўрди. У буст-бутун эди. Марко кундузи мачталар ўртасида тортилган антеннани кўрганини, у ҳам сира зарарланмаганини эслади. У ҳаяжонда энг зарур вақтларда ишга солинадиган аккумулятор билан передатчикни ёқди, рубильникни буради ва калит билан

чақириқ сигналини тиқиллата бошлади .—.—.—.—.—.—.—.—.—.—. Бундан кейин у машҳур сигнал ... — — — ... ни уч марта такрорлади. Бу барча соҳил ва кема радиостанцияларни ўз ишини тўхтатиб, фақат мана шу сигнални бераётган кеманинг радиостанциясига қулоқ солишга мажбур этадиган сигнал эди.

Эфирда бу даҳшатли сигнал эшитила бошлаганда, радистлар ташвишга тушиб қоладилар ва юз берган бахтсизликдан дарҳол ўз капитанларини хабардор қиладилар, бошқа станцияларга радиограммалар орқали хабар етказадилар. «SOS» кема билан унинг экипажи ўлим хавфи остида қолганидан дарак беради. Марко «SOS» ни тақирлатмоқда эди. У бир минутда ўнта белги юборди — бу яхши радистнинг эфирга юбориши мумкин бўлган белгилардан ўн ҳисса кам. У эфирга, «Антопулос» пароходи чўкиб кетмоқда; учувчи Бариль, штурман Петимко, Зорч Находка ва Марко Завирюха бизни ахтаринглар деб илтимос қиладилар деган хабар чиқарарди. У сув ости кемасидан қутулиб чиққанлари, эрталаб «Балиқ разведкачиси» осмонга парвоз қилишидан хабар бермоқчи бўлдию, лекин бундай узун радиограммани эфирга чиқариш учун унинг билим ва тажрибаси етишмасди. У шунингдек ўзларининг турган жойлари тўғрисида ҳам хабар беролмасди, чунки координантни ўзи ҳам билмасди, шунинг учун уларнинг ҳозир қаерда турганларини шубҳасиз билувчи штурмандан буни сўраб қолмагани учун ўзини сўкарди.

Зоря Марконинг ишига ҳавас билан қараб турарди. У шу пайтгача радистлар радиограмма жўнатаётганларида уни қоғозга ёзадилар ва аллақандай ажойиб бир усул билан уни осмонга учуриб юборадилар деб ўйлаб юрарди.

Радиограммани жўнатиб бўлгач, Марко қабул қилишга кўчди. У аллақандай радиостанцияларнинг тиқир-тиқирини эшитди, лекин ҳеч нарса англаб ололмади. Аҳён-аҳёнда баъзи ҳарфларнигина ажратиб ола оларди, холос. Ўзининг радиотехникадан жуда кам билганига ўкинар, олдин бу билан яхшироқ шуғулланмаганидан афсусланарди. Ўн беш минутча қулоқ солиб ўтирди-да, ниҳоят наушникларни қулоғидан олиб қўйди. Энди «Балиқ разведкачиси» га бир назар ташлаш керак. Юнга фонарни ўчирди, шундан кейин Зоря иллюминатор олдидан кетди. Денгиз қоп-қоронғи. На самолёт чироқлари, на клипербот фонари кўринади.

— Штурман самолёт олдига етиб боргандан кейин улар самолёт билан овора бўлиб, кичкинагина фонарларнинг ёруғини тўсиб қўйишган кўринади,— деб тахмин қилди юнга.

— Ҳайвонларнинг овози эшитилмаяптими?— деб ширлаб сўради Зоря.

Осмонда юлдузлар чарақлаб ётарди.

Бирдан, гўё пароходни сўл борти тарафдан прожектор ёритиб юборгандек, иллюминатор олдида аллақандай ёрқин шуъла лип этиб ўтди. Бу нима бўлди экан? Наҳотки бу вақт ичида улар олдига бошқа бир пароход етиб келган бўлса? Эҳтимол, у пароход Марко ҳозир эфирга мана шу ердан юборган «SOS» ни эшитиб келгандир? Юнга билан Зоря радиорубкадан югуриб чиқмоқчи бўлдилару, йиртқич ҳайвонларнинг шу яқин орада экани уларни эҳтиёт бўлишга мажбур этди. Энг олдин Марко қўзғолди. У эшикни очди-да, бошини рубканинг бурчагидан ташқари чиқарди. Пароходнинг яқинида прожекторини «Антопулос»га тўғрилаб аллақандай бир кема турарди. Кўринишдан, у бу ерда бир неча минутдан бери турарди, юнга унинг борти олдидан сузиб келаётган қайиқни кўриб қолди. Прожектор нури унинг шаклини кўришга қоронғиликдан кўра кўпроқ ҳалақит берарди. Лекин унинг нури радиорубкага эмас, балки «Антопулос»нинг капитан кўприкчасига йўнатилган эди, шундай бўлса ҳам Марко у пароходнинг борти жуда паст эканини кўриб қолди. Прожектор иккала кема ўртасидаги масофанинг ярмига етиб келган қайиққа йўл кўрсатиб турарди. Марко қайиқда келаётган командага пароходла йиртқич ҳайвонлар борлигидан хабар беришга тайёрланди-ю, лекин ҳозиргина келган кеманинг тузилишига яна бир марта тикилиб қараб, ҳеч нарса демасдан яна бекиниб олди. У қароқчиларнинг сув ости кемасини таниб қолганди. Пароходга ундаги йиртқич ҳайвонлардан ҳам йиртқичроқ одамлар яқинлашиб келмоқда эди.

#### XXIV боб

### СУВ ОСТИ КЕМАСИДА

Сув ости кемаси денгиз юзидан бир юз йигирма метр чуқурликдаги яхшигина, қумлоқ жойни топиб, деярли, куни билан қимирламай ётди. Қароқчилар бу ерда ўзла-

рини хавфсиз ҳис қилардилар. Кеча кечаси гидрофонлар бир ҳарбий кема борлигидан хабар берганлиги, сув ости кемасининг командирини бир оз хавотирга солар эди. Шуниси ҳам борки, бу учрашувни тасодиф деб ўйласа ҳам бўларди, бундан ташқари у кема бу агрофда сув ости кемасининг борлигига мутлақо шубҳа қилмаётган бўлиши ҳам мумкин. Ниҳоят, ҳарна бўлганда ҳам, сув ости кемаси нейтраль сувларида сузиб юрарди. Анч ҳазиллашиб, денгиз тагидан атрофни бир кезиб чиқайлик ва грек пароходини ёки бугун кечаси кемани тарк этган меҳмонларни қидириб кўрайлик деб таклиф қилди.

— Агар улар қисқичбақаларга ем бўлмаган бўлса, тез орада шишиб кетадилар-да, сув бетига чиқадилар,— деб жавоб берди командир.

Кундузи ҳар қалай сув юзига кўтарилишга тўғри келди. Кема сув остига тушганига анча бўлган, старший офицер эса ҳавонинг сифатини текшириб кўриб, унда кислород оз қолганини белгилаган эди. Кемада яна бир неча баллон кислород бор эди-ю, лекин сув усти базасидан янги запас олгунларича уни тежаб ишлатмай туришди. Кема ўн беш минутда юқорига кўтарилди. Сув бетига чиқишдан олдин перескопда денгизни кўздан кечирдилар ва ҳеч нарса кўринмагандан кейингина юқорига кўтарилдилар. Энди, юқорига чиққанларидан кейин, бир самолётни кўриб қолдилар. У анча паст учиб келмоқда эди. Биноклда қараб унинг эски конструкцияли машина эканини, демак, ҳарбий машина эмаслигини дарров аниқладилар. Анч самолёт балиқ қидириб юрган бўлса керак деб тахмин қилди. Самолёт яқин келиб пастлашгандан ва сув ости кемаси устида айлана бошлагандан кейин унинг бортидаги «Балиқ разведкачиси» деган ёзувни ўқидилар. Самолётнинг номи Анчининг тахмини тўғри эканини тасдиқлади. Самолётнинг ҳадеб гир айланавергани ва кемага қизиқиб қолгани командирнинг жаҳлини чиқарди. У учувчилар ўқ товушини эшитмайдилар ва фақат ўқлар самолётга теккандан кейингина буни сезиб қолишлари мумкин деган умидда, машинани зенит пулемётлардан ўққа тутишни буюрди.

Бундай пастлаб учаётган самолётга ўқ теккизиш қийин эмас, шунинг учун бир неча марта кетма-кет ўқ узилгандан кейин ўз рубкасида самолётни кузатиб турган командир унга ўқ текканини сездди. Қароқчилар «Балиқ разведкачиси»нинг пастлаша бошлаганини кўрдилар.

Кўриши билан унинг узоққа учиб кетишидан ва сув ости кемаси тўғрисида битта-яримтага хабар беришидан қўрқиб дарров самолёт орқасидан қувдилар. Кўп ўтмай самолёт кўздан ғойиб бўлди. Лекин қароқчилар унинг энди сувустига қўнганига ишонар эдилар, шунинг учун ўша тарафга қараб қувиб кетавердилар. Самолётни тополмагач, чўкиб кетган бўлса керак деб ўйлаб командир люкларни ёпишни ва сув ости кемаси денгиз тагига чўка олиши учун цистерналарга сув қўйиб юборишни буюрди.

Люда эрта уйғониб, унга қароқчилар таклиф қилгандек отасига хат ёзишга киришди. Қизни анчагача ҳеч ким безовта қилмади, бундан фойдаланиб, у хатни қандай ёзиш тўғрисида яхшилаб ўйлаб олди. Анчининг нима тўғрида ёзиш мумкин, нима тўғрида ёзиш мумкин эмаслиги ҳақидаги гаплари эсида турган қиз ҳар бир жумлани яхшилаб ўйлаб оларди. Лекин буни у жосуснинг буйруғини бажариш учун эмас, балки ёзган хати Анчга бошқача гапирсин-у, отасининг қўлига бориб тушгудек бўлса, унга бутунлай бошқача гапирсин учун қиларди. Қиз бултур ёзда лагерга отасининг келганини эслади. Ҳаво жуда бузуқ, ёмғир ёғиб турарди, шунинг учун лагерда дам олувчилар деярли бутун кунни клуб жойлашган палаткада ўтказдилар. Уйин-кулги билан кўнгил очдилар, айниқса кроссвордлар ва ҳар хил масала ва топишмоқлар ечиш билан вақт ўтказдилар. Бу ўйинларнинг ҳаммасида отаси актив иштирок қилди. Ҳозир эса қиз отасига бу хатнинг ҳам ўша вақтдаги топишмоқлар, кроссворд ёки ребус сингари ўқилиши кераклигини эслатиб қўймоқчи бўлди. Қиз ўшанда отасига хат ёзганини эслади, ўша хатда жумлалар шундай тузилар эдики, ҳар бир жумладан маълум бир сўз ажратиб олиб ўқиларди. У ўзининг бутун диққатини бир жойга тўплади ва ҳар бир сўз устида ўйлаб, ниҳоят шу сўзларни ёзди:

«Дадажон!

Эсингдами бултур лагерга борганимиз? Эсингдами ҳаммамиз ҳам қизиқиб ўйнаган ўйинлар? Сув ости дунёсини аквариумда кўрамиз деб, қанчадан-қанча майда балиқлар, қисқичбақалар тутганимиз, ботқоқдан эса — қурбақалар ва тритонлар овлаганимиз? Кемада ҳаво очиқ кунлари сайр-томошалар қилиб, ёмғирли кунларда оби ҳаво тутқинлигида домино, шахмат ўйнаб, ребуслар ечганимиз? Тутқунликдамизу, эс-хаёлимиз доим денгиз сайрида бў-

ларди — ўша кунлар эсингдадир? Мени кучли ҳаяжон босади ўша кунларни эсласам. Алоҳида эсингга солиб ўтдим буларни, чунки бу йил ҳам ўша ерларга бир борсак дедим, лекин бу йил сени битмас-туганмас ишларинг Лебединий оролида тутмоқдалар. Тутмоқдалару, аммо бултургидек мендан кейин алоҳида бўлса ҳам олдимга, лагерга келарсан деб умид қиламан.

Маълумот тариқасида билдириб қўяй: агар шундай қилсанг, ўша сафар врачлар неча йиллардан бери талаб қилаётганлари, қистаб келаётганлари дам олиш ўрнини босса зора! Қистамоқдалару, сен эса пинагингни бузмайсан, доим иш билан бандсан! Торианит олинадиган қуминг ҳам, геологик ишларинг ҳам жуда жонимга тегди, доим ўшалар билан банд бўлиб, ўзингни ҳеч ўйламай қўйдинг, сендан хавотир оляпман. Кемалар узоқ денгиз сафарига жўнаб кетаётганини томоша қилиб, сен билан бирор жойда, денгиз бўйида ўтирсам, ҳамма ишларингни бирпас бўлса ҳам ёдингдан чиқарсам дейман, менинг соқчилигим ва врачларнинг назорати остида бўлишга рози бўлсанг, фақат ўз фойданг бўлар эди-я! Соқчиларинг биз бўладиган бўлсак, сени ишларингдан сира ажратиб ололмайдиганга ўхшаймиз... Балиқчилар совға қилишган қорабузовга қараб тур, сал бўлмаса буни айтиб қўйишни унута ёзибман. Ўлдирилган мартинимизнинг кунига тушиб юрмасин у ҳам.

Ўз ёлғиз қизингни кўргани Лузанига келганингда (мен сени шу ерда кутиб турибман), менинг калошимни ҳам олиб келишни унутма. Бурчим сени яна тезроқ ўз назоратим остига олиш эканини унутганим йўқ, уни тезроқ бажаришга қиришувим учун бу ерга иложи бори-ча тезроқ етиб кел.

Едимда — менинг ҳамма оқилона талабларимни бажаришга рози бўлган эдинг, буни сен ҳам унутма.

Сени ўпиб қоламан. Қизинг Люда.»

Ҳатни қайта ўқиб чиқиб, қиз ундан қаноат ҳосил қилди. Шубҳасиз Анч бундан ҳеч нарса тушунмайди, отаси эса лагерда ўзи кўрсатган ўйинни дарҳол эслайди. Люда ўша вақтда ўз хатини худди ана шундай қилиб ёзган эди, отаси эса унинг асл маъносини энг олдин топганди. У барибир дарров Лузанига жўнаб қўя қолмайди — ҳозир Марко ва Зорянинг бирдан ғойиб бўлганидан жуда ҳаяжонда бўлса керак. У ҳар нарсага лаққа тушаверадиган одамлардан эмас. Шундай бўлса ҳам

қизнинг юраги қўрқувдан сиқиларди: бирдан Лузанига жўнаб кетса-я! Лекин юз берган вазиятни ва хатни яхшилаб яна бир карра ўйлаб чиққандан кейин, қиз отам хатимнинг асл маъносини топиб ўқийди ва бундай вазиятда нима иш қилиш зарур бўлса, дарҳол шундай иш тутиш қўлидан келади деган қатъий қарорга келди.

Анч келганда, Люда койкада ётар ва ўзининг ўртоқлари тўғрисида ўйларди. Қиз уларнинг тақдири тўғрисида мутлақо хабарсизлигидан ташвишда эди. Тирикмикан улар?

Жосус каютага кириши биланоқ, қиз ундан Марко билан Зоряни сўради.

— Улар ўзларини яхши ҳис қилишяпти ва, кўринишдан, энди ортиқ тихирлик қилишмайди,— деб кулиб жавоб берди. Анч ва қизнинг отасига хат ёзган-ёзмаганини сўради.

Анч индамай хатни ўқир экан, қиз унинг юзига диққат билан тикилиб турди, лекин жосуснинг юзида зиғирдек ҳам ўзгариш кўринмади. Анч гўё қизнинг хатини мутлақо бепарволик билан ўқиб чиқаётгандек туюларди, Люда эса бунга мутлақо ишонгиси келмас эди.

— Табиат манзараларига шунчалик қизиқишингизни билмас эканман,— деди жосус, хатни охиригача ўқиб чиққач.— Бориб турган ёш табиатшунос экансиз-ку! Балиқчилар дейсизми... қурбақалар дейсизми... қорабузов дейсизми... мартинлар дейсизми... Аквариумингизни денгиз ости жониворлари билан бойитиб беришга ҳаракат қилиб кўраман.

— Миннатдор бўлардим,— деди қиз.

— Жуда соз. Бу хатни отангизга дарҳол жўнатишга ваъда бераман. Кемамизнинг командири бу хатнинг маъносига қаршилиқ кўрсатмас деб ўйлайман. Яна бошқа хат ёзишингиз ҳам мумкин. Ишонаманки, кўп ўтмай отангиз билан кўришиб ҳам қоларсиз.

Анч мулойимлик билан бош силкиб қўйди ва хатни кўтарганича командир каютасига келди, қиз ҳозир унинг каютасида тургани учун у вақтинча шу ерга кўчиб ўтган эди. Командир ухлаб ётарди. Анч стол олдига ўтирди, Люданинг хатини олдига қўйди-да, ундан гўё аллақандай алоҳида маъно ахтаргандек, йигирма минутча тикилиб қолди. Ҳарфларни тепадан пастга қараб ўқиб кўрди, ҳар бир сўзнинг биринчи ҳарфларидан ва биринчи

бўғинларидан сўз чиқаришга уриниб кўрди, сўзларнинг ўртасидан ҳарфлар ва бўғинлар ажратиб ўқишга уринди, хат ёзилган қоғозни айлантириб, чироқ ёруғига тутиб, гоҳ тик, гоҳ кўзи билан барабар баландликда ушлаб текшириб кўрди. Кейин уни яна стол устига қўйди ва гўё олдида ётган оддийгина бир хат эмас, балки бутунлай иероглифлар билан тўлиб кетган мисрлик папирус тургандек яна ўйчанлик билан уни кўздан кечира бошлади. Агар Люда жосуснинг хатни бунчалик диққат билан кўздан кечираётганини кўрганда, эҳтимол, жуда кўрқиб кетган бўларди.

Хат устида ярим соатча бош қотириб ўтиргач, Анч уни чўнтагига солиб қўйди.

Кичкинагина ётоқxonани каютадан ажратиб турган штора қимирлаб кетди-да, ундан командир чиқиб келди. У уйқули кўзларини қисиб қаради, қўли билан кал бошини силаб қўйди ва стулга ўтирди.

— Хўш?— деб сўради у, Анчдан.

— Ёзиб берди. Менинг ёрдамчимни шу бугун кечасиёқ оролга тушириш мумкин.

— Сиз унинг ишни қойил қилишига ишонасизми?

— Ишонмасам уни ўзим билан бирга олиб келмаган бўлардим. У рус тилини худди мен сингари жуда яхши билади. Бундан ташқари, у ростакан артист. У анави болани бошлаб ал аганини ўзингиз ҳам яхши биласиз.

— У нима деб ёзибди?

— Марҳамат!— деди-да, Анч командирга хатни узатди.

— Мен ҳеч нарса тушунмаяпман-ку.

Анч унга хатнинг маъносини сўзма-сўз таржима қилиб берди.

— Менга унча ёқмаяпти... яна ким билади дейсиз... Унда ҳеч қандай яширин маъно йўқми?

— Сиз менинг тажрибакорлигимни унутяпсиз! — деб кулди Анч.

У яна бир оз диққат қилишни илтимос қилди, бир неча сўзнинг тагига қалам билан чизди ва командирга кўрсатди. Энди хат мана бундай тусга кирди:

«Дадажон!

Эсингдами бултур лагерга борганимиз? Эсингдами ҳаммамиз ҳам қизиқиб ўйнаган ўйинлар? Сув ости



дунёсини аквариумда кўрамиз деб, қанчадан-қанча майда балиқлар, қисқичбақалар тутганимиз, ботқоқдан эса — қурбақалар ва тритонлар овлаганимиз? К е м а д а ҳаво очиқ кунлари сайр-томошалар қилиб, ёмғирли кунларда об-ҳаво тутқунлигида домино, шахматлар ўйнаганимиз, ребуслар ечганимиз? Т у т қ у н л и к д а м и з у, эс-хаёлимиз доим денгиз сайрида бўларди, ўша кунлар эсингдадир? М е н и кучли ҳаяжон босади ўша кунларни эсласам. А л о ҳ и д а эсинга солиб ўтдим буларни, чунки бу йил ҳам ўша ерларга бир борсак девдим, лекин бу йил сени битмас-туганмас ишларинг Лебединий оролида тутмоқдалар. Т у т м о қ д а л а р у, аммо бултургидек менадан кейин алоҳида бўлса ҳам олдимга, лагерга келарсан деб умид қиламан.

М а ъ л у м о т тариқасида билдириб қўяй: агар шундай қилсанг, ўша сафар врачлар неча йиллардан бери талаб қилаётганлари, қистаб келаётганлари — дам олиш ўрнини босса зора! Қ и с т а м о қ д а л а р у, сен эса пинагингни бузмайсан, доим иш билан бандсан! Т о р и а н и т олинадиган қуминг ҳам, геологик ишларинг ҳам жуда жонимга тегди, доим ўшалар билан банд бўлиб, ўзингни ҳеч ўйламай қўйдинг, сендан хавотир оляпман. К е м а л а р узоқ денгиз сафарига жўнаб кетаётганини томоша қилиб, сен билан бирор жойда, денгиз бўйида ўтирсам, ҳамма ишларингни бирпас бўлса ҳам ёдингдан чиқарсам дейман, менинг соқчилигим ва врачларнинг назорати остида бўлишга рози бўлсанг, фақат ўз фойданг бўлар эди-я! С о қ ч и л а р и н г биз бўладиган бўлсак, сени ишларингдан сира ажратиб ололмайдиганга ўхшаймиз... Б а л и қ ч и л а р совға қилишган қорабузовга қараб тур, сал бўлмаса буни айтиб қўйишни унутаёзибман. У л д и р и л г а н мартинимизнинг кунига тушиб юрмасин у ҳам.

Ў з ёлғиз қизингни кўргани Лузанига келганигда (мен сени шу ерда кутиб турибман), менинг калошимни ҳам олиб келишни унутма. Б у р ч и м сени яна тезроқ ўз назоратим остига олиш эканини унутганим йўқ, уни тезроқ бажаришга киришувим учун бу ерга иложи бори-ча тезроқ етиб кел.

Ё д и м д а — менинг ҳамма оқилона талабларимни бажаришга рози бўлган эдинг, буни сен ҳам унутма,

Сени ўпиб қоламан. Қ и з и н г Л ю д а.»

— Энди мен ҳар бир гапнинг охирги сўзини ўқийман: «Сув ости кемада тутқунликдамиз. Мени алоҳида тутмоқдалар. Маълумот қистамоқдалар: торианит, кемалар, соқчилар. Балиқчилар ўлдирилган. Уз бурчим ёдимда.»

Кема капитанининг пешонаси тиришди. Кўзлари қисилиб, унда ғазаб акс этди.

— Демак, буниси ҳам алдаган экан! — деб қичқирди у.— Энди сувга чўкиб кетишдан олдин, кунини бир кўрсатиб қўяман унинг.

— Буни кутиш мумкин эди,— деб жавоб берди Анч.— Яхшики, мана шу болаларча ўйиндан кўра мураккаброқ бирор нарса ўйлаб чиқармапти.

— Энди нима қиламиз?

— Уни денгизга ташлаб юборишга ҳар қачон ҳам улгураамиз. Ҳозирча эса хат ёзиб ўтираверсин, хатларининг фойдаси тегиб қолади.

— Ўзингиз айтиб туриб хат ёздиринг.

— Кераги йўқ. Мен унга тинчгина ўтириб отасига хат ёзишга имконият бердим, унинг қўлда ёзган хатини биллиб олмоқчи эдим. Мен кастетдан қандай усталик билан фойдалансам, ёрдамчим ҳам одамларнинг хатини ўшандай усталик билан ўхшатиб ёза олади. Унинг хатига қараб туриб, ўшанга ўхшатиб бошқа бир хат ёзади, хатни олиб эрталаб Ананье. олдига боради, кечкурун эса профессор бизнинг меҳмонимиз бўлади. Биз профессорнинг формуласини талаб қилганимизда қизи коримизга ярайди хали.

Сув ости кемаси кечгача денгиз тагида ётди, қоронғи тушгандан кейин сув юзига чиқди ва Анчнинг ёрдамчисини оролга тушириш учун Лебединий оролидаги кўрфазга йўл олди. Люда номидан профессор Ананьевга ёзилган янги, сохта хат жосуснинг чўнтагида эди.

Одатдагидек, сув ости кемаси чироқларини ёқмай, жуда эҳтиётлик билан йўл босарди. Мана вахтада турган офицер денгизда қизил чироқ кўрди. Битта қизил чироқ уни кўриб қолган кемадан ўнг тарафда елканли кема сузиб келаётганини билдириши лозим эди. Бундай бўлса, елканли кема қизил чироқдан ташқари яна мачталарда бир ёки иккита оқ чироқ ҳам ёқиб келаётган бўлиши керак эди. Қароқчилар елканли кема олдига боришга ва ўзларини сездирмай, уни кўздан кечиришга

қарор қилдилар. Лекин яқинлашиб келиб, улар жуда ғалати бир кемани кўрдилар, шунинг учун командир прожектор ёқиб, уни ёритишни буюрди. Прожектор ёруғида кеманинг деярли чўкиб ётгани кўринди. Старший офицер уни кўздан кечириб, бу биз кеча кечаси торпедага тутган «Антопулос» кемасининг худди ўзи деди. Сув юзида қўққайиб турган кема палубасидаги ҳужраларда қароқчилар ҳеч кимни кўрмадилар. Кема экипажи уни ташлаб кетгани шубҳасиз эди. Сув ости кемасининг командири денгизга қайиқ туширишни, бир неча матросга эса «Антопулос»га чиқишни ва уни сув остига бутунлай чўктириб юборишдан олдин штурман рубкаси билан каюталарни кўздан кечиришни буюрди.

Бешта матрос тушиб олган қайиқ дарҳол йўлга чиқди. Қайиқда «раҳмдил матрос» ролини боплаб бажарган Анчининг ёрдамчиси ҳам бор эди.

## XXV боб

### НОМАЪЛУМ МУХБИР

Уша куни кечаси «Буревестник»да ёнилғини аямдилар. Эсминец иложи борича жадал сузиб борарди. Ҳар замонда у бир гудок берар ва осмонга ракеталар отарди. Кейин тўхтаб жим бўлиб қоларди. Ушанда палубада ва кўприкчаларда вахтада турган матрослар денгиздан эшитилаётган овозларга қулоқ солишар ва ёрдамга чақирувчи милт этган чироқ кўринмасмикан дегандек қоронғиликка тикилишарди. Радист ҳар ярим соатда шу яқин орадаги станциялардан «Балиқ разведкачиси» тўғрисида маълумот сўрарди. Лекин ҳеч ким пароходнинг гудогига, отилган ракеталарга жавоб қилмасди, барча радиостанциялар эса фақат битта: «Балиқ разведкачиси» тўғрисида ҳеч қандай хабар йўқ деган маълумот берардилар.

Капитан-лейтенант Трофимов ўзининг кўприкчасидан тушмай узоқ туриб қолди. У билан ёнма-ён комиссар турарди. Иккаласи ҳам индамай денгизга тикилишарди. Худди ўша ерга, кўприкчада турган Трофимовга дивизион командиридан шифрланган телеграмма келтириб бердилар. Командир эрталаб 138-кватратни эгаллашни буюрди.

рар ва агар денгизда ҳақиқатан ҳам қароқчилар сув ости кемаси бўлиб, бу вақт ичида у узоқроқ жойга кетиб қолмаса, эрта билан эсминецлар ва гидропланлар куршовидан қочиб қутулолмайди деб хабар қиларди.

Командир комиссар билан бирга радиограммани кўздан кечирди, кейин старший радистни чақиртириб ундан «Антопулос»нинг ҳалокати тўғрисида яна қандай янги маълумотлар бор деб сўради.

— «Антопулос» греклар пароходи бўлиб, Нью-Орлеандан Геологик комитет учун Лузанига юборилган юкни олиб келаётган экан. Пароход яна Марселдан бўш бочкалар ҳам ортган экан, бу бочкаларни Лузанида тўхтаб ўтгандан кейин, аллақандай чет эл портига етказиши лозим экан. Лузанида у фақат бир кеча-кундуз тўхташни мўлжаллаган экан. Кема командаси йигирма саккиз кишидан иборат бўлган. Ҳаммаси қутқариб олинган. Капитан билан вахтада турган штурманнинг берган маълумотига қараганда, агар уларнинг гапи рост бўлса, «Антопулос»нинг чўкиб кетишига номаълум кема томонидан юборилган торпеда сабаб бўлган деган хулосага келиш мумкин.

— Пароход жуда тез чўкиб кетибдими?

— Радист «SOS» деб хабар қилишга улгуролмапти. Команда тушган қайиқ пароходдан узоқлашиб кетаётганда, капитан кўприкчаси ҳали сув юзида кўриниб турган экан. Қайиқ жуд тезлик билан қоронғилик ичига кириб ғойиб бўлган, команда ҳам ўша номаълум кема ўққа тутади деб чўчиган.

— Демак улар ўша кемани кўришган экан-да?

— Кўришмаганга ўхшайди, лекин улар ўша кеманинг яқин орада эканига гумонсирашган бўлса керак.

— Буни сизга ким хабар қилди?

— «Магнитогорск» радисти.

— Бўлгани шуми?

— Унда яна ҳайвонлар ҳам ҳалок бўлибди.

— Қандай ҳайвонлар?

— Улар аллақандай бир ҳайвон ўргатувчига иккита африка шери, иккита жанубий америка ягуари ва битта бенгал йўлбарси олиб келишаётган экан. Радистнинг берган хабарига кўра, ҳайвонлар твиндек остида эканлар ва охирги минутда жуда қаттиқ бўкирибдилар.

— Агар шерлар сузишни билса, биз уларни учратамиз ҳали,— деб қулиб қўйди комиссар.

— Яхши. Кетишингиз мумкин!— деди командир, радистга.— Агар бирор янгилик бўлса, дарҳол менга телефон қилинг.

— Есть, ўртоқ командир!

Радист кетди. Капитан-лейтенант билан комиссар ёлғиз қолишди. Улар яқинида фақат вахта хизматини ўтаётган командир турарди.

«Буревестник» «Балиқ разведкачиси»ни топишни мўлжал қилган районни айланиб, йўлини тез-тез ўзгартириб ҳамон сузиб юрарди.

— Агар мажбуран қўнмаган бўлса, унда уларга бирор гап бўлган,— деб қўйди комиссар.

— Жиддий авария бўлган деб ўйлайсизми?— деб сўради командир.

— Эҳтимол, улар парашютдан ташлашга мажбур бўлгандирлар.

— Унда ўз қайиқларини ҳам ташлашга ҳаракат қилган бўлар эдилар.

— Улгуролмай қолган бўлишлари ҳам мумкин.

— Топмагунимизча қидираверамиз.

Ярим кечада Трофимов мизғиб олиш учун ўз каюта-сига кетди.

Шу вақт радиорубкада радистлар жуда кўп станцияларнинг ўзаро сўзлашаётган гапларига диққат билан қулоқ солиб ўтиришарди. Битта радист узун тўлқинда, иккинчиси қисқа тўлқинда навбатчилик қиларди. Иккаласи ҳам аллакимнинг соғлиги тўғрисида, аллакимнинг қачон йўлга чиқиши ва қачон етиб келиши тўғрисидаги, аллакимга биринчи рейс биланоқ гул бериб юбориши тўғрисидаги хабарларни эътиборсизлик билан эшитиб ўтиришарди. Уларни самолёт тўғрисидаги хабар қизиқтирарди. Бирдан узун тўлқинда навбатчилик қилаётган радист ҳушёр тортди. Унинг қулоғига аллақандай ғалати, ташвишли товушлар эшитилди. Аллаким жуда секин, гўё малакасиз бир қўл билан тиқирлатаётгандек, «SOS» деб хабар қилмоқда эди. Аллаким ёрдамга чақирмоқда! Радист энди тўхтовсиз уч нуқта, уч тире, уч нуқта эшиттираётган станциядан бошқа ҳеч кимга қулоқ солмай қўйди. У номаълум радистнинг чақириш белгиларини аниқлаб олмоқчи бўлди, лекин номаълум радист у белгиларни эфирга чиқармасди. Мана, у ўз пароходининг номини атади. Радист беихтиёр қўлидаги қалами билан қоғозга номаълум радистнинг хабарини ёзиб ола бош-

лади: «SOS, SOS, SOS, SOS... «Антопулос» пароходи чўкиб кетмоқда. Қутулишга ҳаракат қиляпмиз. Пилот Барилни, штурман Петимкони, Зоря Находкани, Марко Завирухани қидиринглар. SOS, SOS, SOS...»

Номаълум радист чўкиб кетаётган пароходнинг қаерда эканини хабар қилмади.

— Пеленг, пеленгни белгила!— деб қичқирди радист, қисқа тўлқинларни кузатаётган ёрдамчисига.

Ёрдамчиси аллақандай муҳим хабар берилаётганини тушунди, ўз приёмнигини ташлаб, узун тўлқинли аппаратининг наушникларини қулоғига тутди. У «SOS» сигналларини эшитди, пеленгаторнинг филдиракчасини тез айлантириб, уни яна тутди. Энди пеленгатор «SOS» сигналин юбораётган рация томонга йўналган эди. Бу чизиқ эсминец сузиб кетаётган курсдан 110 градус жануб-шарқ тарафда эди. Мана шу чизиқ йўналишида, кўринишдан, жуда ҳам узоқ бўлмаган бир жойда «SOS» сигнали бераётган рация мавжуд эди. Пеленгни энди белгилаб олишлари биланоқ, рация жим бўлиб қолди.

Старший радист дарҳол командир кўприкчасига телефон қилди. Командирнинг каютада эканидан хабар топгач, ўша ерга телефон қилди.

Трофимовнинг бир оз у у аралаш:

— Эшитаман,— деган товуши эшитилди.

Радист қўлга туширилган хабарни унга етказди ва пеленгни белгилаб олганларини ҳам билдирди.

— Баракалла!— деб уларни мақтади командир.— Бу бир оз ифвога ҳам ўхшайди. Уша чизиқ йўналишида қандай радиостанциялар бор?

— Қуруқликда, Боғдоддан берида ҳеч қандай станция йўқ. Бу фақат бирор кеманинг станцияси бўлиши керак.

— Яхши! Яна қулоқ солинглар. Эҳтимол, ўша номаълум мухбирни яна ушлаб қоларсизлар. Ушанда албатта пеленгни белгилаб олинглар,— деди-да, командир трубкани осиб қўйди.

Икки минутдан кейин Трофимов юқорида турар эди. У радистлар пеленгни белгилаб олган радиостанция тарафга қараб йўл олишни ва жанговар тревогага тайёр туришни буюрди. Гидрофонистлар яна ҳам диққат эътибор билан қулоқ сола бошладилар. Артиллеристларни, пулемётчилар ва торпедачиларни жанговар ўринларига чиқардилар.

«Буревестник» командири бояги сигналларни берган радиостанция хабарини иғво деб ҳисобларди. Лекин иғво қилиш кимга лозим бўлиб қолдйкин ва бундан мақсад нимакин? Буни у билмасди ва кутилмаган тасодифларга қарши ҳозирлик кўрарди. Эҳтимол, буларни шу орада мавжудлигига Семён Иванович деярли ишониб қолган худди ўша сирли сув ости кемаси юборган бўлиб чиқар.

Телефон жиринглади. Радист «SOS» сигналинини бир қанча радиостанциялар эшитганини, лекин «Антопулос» нинг на чақириқ сигналларини, на ўзининг қаердалиги тўғрисидаги хабарни ҳеч ким эшитмаганини билдирди. Соҳилдаги станциялардан бири фалокат ҳақида сигнал бераётган кеманинг пеленгини белгилаб олганди. Радист пеленг натижаларини юборди. Иккита пеленг асосида фалокат сигналинини берган рациянинг қаерда эканини тахминан белгилаш мумкин. Вахтада турган штурман буни дарҳол амалга оширди. Рация эсминецдан, бир ярим-икки миль хатога йўл қўйилди деб фараз қилинганда, тахминан ўн беш-йигирма миль жойда эди.

— Радиорубкага жимжитликни сақлаш тўғрисида буйруқ беринг,— деб буюрди командир.

Юз берган вазият ўзларини сездириб қўймаслик учун радиодан биронта ҳам сигнал бермасликка мажбур қиларди. Акс ҳолда душман пеленгатор ёрдами билан кеманинг қаердалигини тез билиб олиши мумкин эди.

Миноносец жадал сузиб кетаётган бўлса-да, унда биронта ҳам чироқ ёқилмаган эди.

Беш минутдан кейин вахтада турган матрос шумопеленгаторда енгил тўпдан узилган ўқ овозини эслатувчи товуш эшитилганини хабар қилди. Ўқ овози кема кетаётган тарафдан эшитилди.

— Жанговар тревога беринглар,— деб буюрди командир.

Кнопка босилди, шундан кейин эсминецнинг барча ҳужраларида қўнғироқ овози кескин жаранглади. Қизил флотчилар ўзларининг осма койкаларидан пружинадек сакраб туриб кета бошладилар. Бир зумда кубрик ва каюталар бўшаб қолди. Ҳар ким ўз постида туриб командирнинг буйруғини бажаришга тайёр эди. Люклар ёпилди, тўплар, пулемётлар ва торпеда аппаратларининг оғзига тутиб қўйилган филофлар олиб ташланди. Торпедачилар, артиллеристлар ва пулемётчилар душманга ўлим ёғдирувчи совғалар юборишга тайёр эдилар.

Юлдузларнинг хира ёруғида палубадаги торпеда учун ўрнатилган рельслар ялтирарди, грюмларда юқорига механик равишда чиқариладиган снарядлар тайёр турарди, машиналардаги манометр стрелкалари қозонларнинг бури билан жуда тўлиб кетганини кўрсатиб турарди.

Ҳарбий ҳужумга тайёр кема қоронғилик ва денгиз қаърини ёриб борарди, унинг йўлини эса фақат юлдузларгина ёритиб турарди.

Лекин уфқда яна бир ёруғлик пайдо бўлди. Уша ерда ўт пайдо бўлди ва сира ўчмади, балки, аксинча, тобора зўрайди. Ўт ёнғинга айланиб борарди,—денгиз устидаги ёруғлик кучая борди.

— Уртоқ командир, хабар қилишга рухсат этинг! Денгизда бизнинг курс устида бир кема ёняпти,— деб рапорт берди вахтада турган матрос; у командирнинг ўша арафга қараб турганини гарчи кўриб турган бўлса ҳам, бу ҳақда хабар беришни лозим кўрган эди.

— Буюринг, помпалар, ўт ўчиргичлар ва одамларни қутқариш учун қайиқни тайёрлаб қўйишсин.

Комиссар командир ёнида қимир этмай турарди. Эсминец бортлари ташқарисида денгизнинг қора суви кўпикланар, қаршисида эса, су/ юрган ёнғин кучайиб борарди.

Вахтёрнинг:

— Гидрофонлар сув ости кемасининг шовқинини эшитяптилар,— деган товуши эшитилди.

## XXVI боб

### Ё Н Ё И Н

Бешта қароқчи тушиб олган кичкинагина қайиқ ярим чўккан пароходни айланиб ўтиб, шлюпдек олдига келиб тўхтади, бу ердан трап орқали капитан кўприкчасига чиқиларди. Уч матрос, шу жумладан Анчининг ёрдамчиси пароходга чиқдилар, қолган иккитаси ўртоқларининг ишини кузатиб туриш учун қайиқни кемадан бир неча метр нарига олиб кетдилар.

Радиорубканинг томи тепасида кичкинагина бир туйнук бор эди. Уша ердан Марко билан Зоря қароқчиларни пароходга яқинлашиб келганларидан бери кузатиб тура олардилар. Қароқчилар капитан кўприкчасига чиқишиб,



штурман рублиси олдида бирмас тўхтаб қолдилар. Улардан иккитаси ичкари кирди, биттаси эса эшик олдида қолди. Рубка деразасида ёруғлик пайдо бўлди. Қароқчилар, афтидан, уларни қизиқтирадиган бирон-бир ҳужжат ахтармоқда эдилар. Кўп ўтмай улардан бири ичкаридан чиқди, алланарса деди-да, рубка орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Кейин рубка деразасидан кўриниб турган чироқ ўчди, иккинчиси ҳам ичкаридан чиқди. Унинг қўлида аллақандай бир нарса бор эди. Кейин қароқчилар борт фонари олдига чиқа бошладилар — афтидан, уни ўчирмоқчи эдилар.

Қароқчилар штурман рубкасини кўздан кечириб бўлишгач, энди алланарса тўғрисида маслаҳатлаша бошладилар. Марко, ҳаяжондан бўлса керак, боши билан қўлининг оғриётганини сизди. Қароқчиларнинг радиорубкани ҳам келиб кўздан кечиришлари ва уларни топиб олишлари турган гап. Биттаси радист ётиб юрган диванча тагига кириб олиши мумкин, лекин иккаласи унинг тагига сиғмайдилар.

Ўзлари яшириниб олган, лекин энди улар учун хавфли бўлиб қолган бу жойдан дарҳол чиқиб кетишлари керак эди. Радиорубкадан ҳеч кимга билдирмай чиқишлари мумкин, лекин қаерга яшириниб оладилар? Марко эшикни очди. Улардан салкам бир метр нарида каттакон қайиқнинг борти кўриниб турарди. Қайиқни сувга туширишга тайёрлаб, ўзлари унинг устидаги одатда ёмғирдан беркитиб қўйиладиган брезентни сал очган эдилар. Бирдан-бир жон асраса бўладиган жой мана шу қайиқ эди.

Зорянинг қўлидан ушлаб, юнга қизчага қайиқни кўрсатди. Қиз унинг нима демоқчи бўлаётганини дарҳол тушунди-да, сакраб қайиққа чиқиб, лип этиб ўзини брезент тагига урди. Марко ҳам худди ўшандай эпчиллик билан қизнинг кетидан қайиқ ичига тушиб олди. Радиорубка уларни прожектор ёруғидан тўсиб турарди, брезент билан қайиқ борти орасидаги сал очиқ турган ердан эса улар пароходнинг ўнг бортида нималар бўлаётганини баҳазур кузатиб турсалар бўларди. Ўзларининг илгариги кузатув пунктларига қараганда, бу ерда камроқ нарса кўринарди, лекин уларга ҳозирча шунинг ўзи ҳам кифоя қиларди. Дарҳол қайиқ тагига ётиб яшириниб олишга мажбур бўлдилар, чунки душманлар ўзаро маслаҳатлашиб олиб, капитан кўприкчасидан радиорубкага қараб юрдилар.

Сув ости кемасида, кўринишдан, бирон-бир қимматлироқ нарса қолиши мумкин бўлган асосий жой деб штурман рубкаси билан радирубкани ҳисоблар эдилар. Радиорубкага кела туриб, қароқчилардан бири қайиқдаги брезентни худди Зорянинг бошига яқин жойдан тапиллатиб бир уриб қўйди, лекин брезентнинг тагига қарашни хаёлига ҳам келтирмади. Марко қароқчилар радиорубкада у ҳозиргина фойдаланган аппаратга эътибор бериб қолмасалар гўрга эди деб қурқиб турарди: аккумуляторлар ҳали совимаган бўлса керак. Лекин қароқчилар, афтидан, бунга қизиқмадилар; улар фақат қозғаларнигина олиб рубкадан жуда тез қайтиб чиқдилар.

Сув ўртасида кичкинагина оролчага ўхшаб қўққайиб чиқиб турган қуйруқ тарафдаги ҳужрачага улардан ҳеч бири бормади. Қароқчилар Маркога шундай яқин жойда гаплашмоқда эдиларки, Марко брезент тагидан қўлини узатиб, улардан бирининг ёқасидан ушлаб тортиши мумкин эди. Лекин, афсуски, бола уларнинг бирон оғиз ҳам сўзини тушунмади.

Душманлар нари кетганларидан кейин юнга яна бошини кўтариб, тирқишдан ташқари қаради. Душманлардан иккитаси шлюпдекада қолишган ва кают-компаниядан камбуз ажратиб турадиган алоҳида бир хонани кўздан кечирмоқчи эдилар, учинчиси эса, капитан каютасига кирмоқчи бўлиб яна капитан кўприкчасига қараб юрди. Марко турган жойда қотиб қолди. Қароқчилар кают-компанияга киришлари турган гап. У ерда, капитан каютасида, ҳам ҳайвонлар бор эди. Мана, палубада қароқчилардан биттаси ҳам қолмади: улардан охиригиси капитан каютасига кириб кетди. Афтидан, у дастлаб ичкарида ҳеч нарсани кўрмади шекилли, пароходда бир ярим минутча жимжитлик ҳукм сурди.

Улардан иккитаси каютани кўздан кечириб қайтиб чиқдилар ва кают-компания эшиги олдига келдилар. Лекин улар остонага қадам қўйишлари биланоқ, капитан каютасидан қичқириқ эшитилиб қолди. Гўё унга жавоб бўлгандек кают-компаниядан ўқ овози варанглади. Пароходга прожектор нури тушди. Сув ости кемаси пароходнинг сўл борти тарафида турарди, шунинг учун, афтидан, ўнг бортда нималар бўлаётгани уларга кўринмасди. Лекин капитан каютасининг эшиги пароходнинг ўртасига очиларди, прожектор нури эса ўша ерни жуда яхши ёритиб турарди. Ўнг борт ва пастки капитан кўприкчаси Мар-

кога жуда яхши кўриниб турарди. Юнга капитан каюта-сининг эшиги очилганини ва ундан орқасидан каттакон шер қувиб келаётган бир қароқчи қочиб чиққанини кўрди. Шер панжаси билан бир уриб, одамни ағдарди-да, оғзини катта очиб, ўткир йирик тишларини гижирлатганча ўз ўлжаси устида тўхтади. Проектор нури йиртқични чўчитмади. Афтидан, бундай ёруғлиққа у ўрганиб қолган кўринади. Сув ости кемасидагилар йиқилган одамни ва унинг тепасида турган ҳайвонни кўриб қолдилар. Худди шу вақт кают-компаниядан яна ўқ овози эшитилди-да, ичкаридан ўтақаси ёрилиб кетган икки қароқчи югуриб чиқди, улар орқасидан эса даҳшатли ўкириб, кўринишдан, ярадор бўлган ҳайвон чиқиб келди. Бу Жанубий Американинг қора ягуари, куч жиҳатидан арслон билан йўлбарсга тенг келадиган Янги Дунёнинг қўрқинчли йиртқичи эди. Одатда эҳтиёткор ва одамга дуч келганда қўрқоқ бўладиган ягуар ярадор бўлган пайтларида қутурганидан ўзини унутиб қўяди.

Ҳодисалар ниҳоятда тез ўзгариб борди. Сув ости кемасидаги пулемётчилар ўз ўртоқларини қутқариб қолиш учун арслонга қараб бир неча марта ўқ уздилар. Арслон қаттиқ ўкириб барьерга кўкраги билан йиқилди. Худди шу вақт капитан каютасидан йўлбарс чиқиб келди. У яшин тезлигида қароқчининг оёғидан ушлаб олди-да, каютага тортиб киргизди. Шу вақт Марко кают-компаниядан қочиб чиққан қароқчилардан бири ўзини денгизга ташлаганини кўриб қолди. Иккинчиси ундан орқароқда қолиб ягуардан қаттиқ бир зарба еди. Йиртқич қароқчининг қўлини тирсагидан то бармоқларигача ва биқинигача шилиб ташлади. Бу зарбанинг зўридан қароқчи сувга йиқилиб тушди.

Сув ости кемасидан узилган ўқ овозлари варанглар, сувда эса чўкиб кетаётган ярадор қичқирар эди. Пароходнинг сўл борти тарафда турган қайиқ шошиб кемани айланиб ўтиб келарди. Қайиқ кил чизигини айланиб ўтганда, Марко эшкакчиларнинг қўрқиб ва ўтақаси ёрилиб кетган башараларини кўрди. Шуни ҳам айтиш керакки, Марко билан Зоряга ҳам осон бўлмади, улар яшириниб олган ердан бир неча қадам нарида қора йиртқич турар ва зааб билан ирилларди.

Лекин қайиқ иккала қароқчини чиқариб олди-да, пароходга ўн беш метр яқин келди. Шу пайт ягуар хурпайиб туриб, тўсатдан қайиққа сакради. У қайиққа уч метр-

гина етолмай қолди. Лекин сув устига тушиб, денгиз юзини шундай тўлқинлатиб юбордики, қайиқ қаттиқ чайқалиб сув киришига сал қолди. Қароқчилар эшакка зўр бердилар, лекин ягуар сув тагидан қайтиб чиқиб, уларни қувиб кетди.

Марко йиртқич билан қайиқни кузатиб, брезент тагидан бошини чиқариб олган эди. Йиртқич қайиққа етай-етай деб қолганди, лекин қўрқувдан эси чиқиб кетган қароқчилар жуда тез эшак торта бошладилар, шундан кейин ягуар орқада қолиб кетди.

Ҳамманинг диққати ягуарга қаратилганидан фойдаланган юнга ирғиб палубага тушди-да, радиорубкага югурди. Бу ерда у кузатиш учун жуда қулай бўлган туйнукдан қарай бошлади.

Сув ости кемаси палубасида бир неча киши тўпланиб турарди. Улар, афтидан, қайиқнинг қайтиб келишини кутмоқда эдилар, қайиқ пароход орқасидан чиқиб келганда унга прожектор ёруғини йўналтирдилар. Ягуар энди қайиқдан анча орқада қолиб кетган, лекин ҳали ҳам унинг кетидан сузиб борарди. Қароқчиларнинг омади юришмай қолди. Матрослардан бири эшакни жуда қаттиқ эшаман деб синдириб қўйди. Қайиқ бир жойда айлана бошлади. Матрос битта эшак билан эша бошлади, лекин сувга анча чўкиб қолган қайиқ жуда секин сузарди. Ягуар унга яқинлашиб келди. Сув ости кемасининг палубасида турганлар гап нимада эканини тушуниб қолдилар-да, алланарса деб қичқира бошладилар. Шунда қайиқ бурилиб сув ости кемасига параллель сузиб кета бошлади. Қайиқда ўтирганларнинг ҳаммаси энгашдилар. Пулемёт тириллади, ягуар атрофида сув фонтандай сачрарди. Йиртқич ўкириб юборди-да, бошини орқасига ташлаганча чўкиб кетди.

Қайиқ ўз кемаси олдига секин-секин яқинлашиб келаверди. Прожектор нури Маркога палубада турган одамларнинг кимлигини яхшилаб кўриб олишга ҳалақит берарди, лекин у Анчнинг новча, қотма қорасини танигандек бўлди. Кўринишдан, қароқчилар кемага янги экспедиция юбормоқчи, эҳтимолки, капитан каютасида йиртқичлар қўлига тушиб қолган матросни қидирмоқчи бўлаётган эдилар. Қайиқ яна сузиб кела бошлаганда, Марко ўз қайиғига қайтиб келиб, брезент тагига ётиб олди-да, ўзининг кўрганларини Зоряга гапириб берди. Кўп ўтмай қароқчилар пароходни ташлаб кетишар деган



умидда иложи борича товуш чиқармай ўтиришга аҳд қилдилар. «Балиқ разведкачиси»нинг чироқлари ҳамон кўринмасди. Балким қароқчиларни кўриб қолган Бариль қоронғиликка яшириниб олгандир. Марко билан Зоря ўз қайиқларидан бошқа қарамай қўйдилар, фақат палубада қадам товушлари эшитилиб қолмасмикан деб қулоқ солиб ётдилар. Брезент таги қоп-қоронғи эди. Улар бир-бирларини ҳам кўришмас ва иложи борича секин нафас олишга ҳаракат қилишарди. Ниҳоят яқин жойдан эшакнинг сувга шалоплаб урилгани эшитилди, лекин палубада ҳеч қандай оёқ товушлари эшитилмади. Шу тарзда бир неча узундан узоқ минутлар ўтди.

Мана пароход олдидаги сув шалоплаб қолди. Яқин орадан бир кема ўтмоқда эди. «Эҳтимол, сув ости кемаси пароходни айланиб ўтаётгандир?» деб ўйлади Марко ва янглишмади ҳам: ўша ондаёқ қоронғилик қаърини прожекторнинг ёруғи кесди. Сув ости кемаси «Антопулос»ни прожектор билан ёритиб, унинг ўнг тарафига ўтди. Энди Марко билан Зоря қайиқдан ҳеч ҳам чиқолмас эдилар — уларни дарҳол кўриб қолган бўлишарди. Винт шовқини эшитилмай қолди, кема тўхтади. Афтидан, қароқчилар кемада яна ҳайвонлар бор-йўқлигини билиш учун кема ни ўнг тарафдан кўздан кечирмоқда эдилар. Балким улар ўз матросларининг тақдирини ҳам билиб олмоқчи эдилар. Шу тарзда бир минут ўтди. Кейин алланарсанинг гумбурлагани эшитилди, икки марта кетма-кет ўқ узилгандек туюлди. Пароход зириллаб кетди. Шу атрофда алланарса қирсиллади, осмонга учиб, сувга тушиб кетди. Сув ости кемаси торпедани аяб, енгил тўпдан тўппа-тўғри капитан-кўприкчаси устидаги ҳужрачага ўқ узган эди. Отилган ўқнинг овози билан портлаш овози қўшилиб кетди. Снаряд барча енгил ҳужраларнинг ёғоч деворларини учуриб, штурман рубкаси билан капитан каютасининг тепасини кунфая-кун қилиб юборди. Алланарсанинг бир парчаси қайиқ устига ёпиб қўйилган брезент устига тушди-да, уни йиртиб юбориб, Зоряга тегиб кетишига сал қолди. Айни вақтда қўрқиб кетган ёки ярадор бўлган ҳайвоннинг ўкиргани эшитилди. Капитан кўприкчасининг қолган-қутганларига лов этиб ўт кетди.

Марко билан Зоря қайиқ тагида қимир этмай ётишганларидан ёнғинни кўришмасди. Марко ўзини сувга ташлаш ва портлатиб юборилган кема атрофида сузиб юр-

ган бирон бир парчага ёпишиб олиб, жон сақлашга ури-  
ниб кўриш учун сув ости кемасининг нари кетишини  
кутиб ётди. Лекин сув ости кемаси жойида турар ва паро-  
ходдан прожектор нурини олмасди. Янги узилган снаряд-  
нинг гумбурлаши янги портлаш овози билан аралашиб  
кетди. Энди Марко билан Зоря ўт ёруғини кўрдилар,  
портлаш эса худди уларнинг боши устида юз бергандек  
туюлди. Снаряд улар ётган жойдан бир неча қадам нари-  
даги камбузни ўпириб ташлади, кают-компанияни эса ён-  
дириб юборди. Тутуннинг аччиқ ҳиди димоққа урилди.  
Яна замбарак овози эшитилди. Бу сафар портлаш овози  
айниқса қаттиқ гумбурлади: снаряд кеманинг қўйруқ та-  
рафига келиб тушган ва бир-икки бочка бензинни портла-  
тиб юборган эди. Аланга бирпасда кеманинг бутун қўй-  
руқ тарафига ёйилди, у денгизда юз метрлаб атрофни  
ёритиб, каттакон машъал сингари ёнарди. Сув ости кема-  
си прожекторини ўчирди — шундай ҳам ёруғлик етиб ор-  
тарди. Қароқчилар замбаракдан ўқ отмай қўйдилар. Ке-  
манинг юқори палубасидан трюмига сув кириши учун  
тўпдан уч марта отишнинг ўзи етиб ортарди. «Антопулос»-  
нинг мачталари қисқариб борди. Пароход чўка бошла-  
ди. Енгил шабада радиорубкани ва деярли бутун шлюп-  
декни бирпасда тутунга тўлатиб юборди. Пароход атро-  
фида сувда ёниб юрган доғлар кўринарди. Бу — ёнаётган  
бензин эди. Ўққа тутилгандан кейин пароход яна ҳам тез-  
роқ чўка бошлади. Фокмачта энгашиб қолди, капитан  
каютаси аллақачон чўкиб кетганди, унинг ичида эса ал-  
лақандай ҳайвон аянчли бўкирарди.

Юнга билан қизча қимир этмай ётган қайиқ ичида ис-  
сиққа чидаб бўлмай қолди. Аллақардан, кают-компания-  
дан бўлса керак, қайиққа ўт сурилиб келарди. Шу пайт-  
да сув билан ўт орасида: радиорубкани ким олдин эгал-  
лашга кураш бошланди. Ҳадемай қайиқ ҳам худди шу  
аҳволга тушиши керак эди.

Ундан қочиб чиқишга на Марко, на Зоря журъат қи-  
лолмадилар. Улар яна Анч ва «қизил соч аблаҳ»нинг қў-  
лига тушишдан кўра «Антопулос» билан бирга чўкиб  
кетган афзал деб ўйлардилар. Уларни иссиқ қийнар, ту-  
тундан нафаслари бўғиларди. Ўзларининг тагида сув шо-  
виллай бошлаганини эшитдилар. Бу эса пароход то шлюп-  
деккача чўкиб бўлганини ва кўп ўтмай бутунлай чўкиб  
кегишини билдирарди. Марко Зорянинг қўлидан қисиб  
қўйди.

Сув ости кемаси ўтган кеча портлашдан кейин сув юзида қолиб ва деярли бир кеча-кундуз чўкмай, қароқчиларни алдаган пароходнинг ҳалокатини кузатиб турарди. Қароқчилар, афтидан, пароход уларни яна алдашидан чўчишар, шунинг учун юз миллиметрли замбарак оғзини унга томон ўгирганча, таҳдид солиб турарди. Артиллерист радиорубкани мўлжалга олди. Қароқчилар яна бир марта ўқ узишга ва пароходнинг бутунлай чўкиб кетганини ўз кўзлари билан кўришга аҳд қилган эдилар. Яна узилган ўқ овози, портлашнинг гумбурлагани эшитилди ва худди ўша онда радиорубка устида ўт чақнади. Радиорубканинг деворлари қулаб тушди, аппаратура парчалари осмонга учди, портлаш юз берган жойда аланга кўтарилди. Энди, кўринишдан, пароходнинг сув остига чўкиб кетмаган ёки ўт ичида қолмаган биронта ҳам қисми қолмаган эди. Фақат металл мачталаргина ёнғин тепасида хотиржам қўққайиб турарди. Шу вақт ўз кемаларининг палубасида турган қароқчилар қулоғига металлнинг гувиллаган овози эшитилди. Бир самолёт яқинлашиб келмоқда эди. Палуба бирдан бўшаб қолди, люклар қарсиллаб ёпилди-да, сув ости кемаси цистерналарига сув ютиб, денгиз тагида ғойиб бўлди.

## XXVII боб

### СУВ ОСТИ КЕМАСИ БИЛАН ЖАНГ

Эсминец душман яқинлигини сезиб қолди. Душман ҳам эсминецнинг яқинлашиб келаётганидан хабардор эди-йўқми, бу номаълум, лекин «Буревестник» тезлигини секинлатмади. У ҳар эҳтимолга қарши торпедага чап бериш ниятида илон изи қилиб йўл босарди. Энди штурман кеманинг курсини радиопеленгаторга, ёнғин ёруғига қараб эмас, балки душман кемасининг сув остида қаерда кетаётганини аниқлаб бераётган шумопеленгаторга асосланиб белгиларди.

Сув ости кемаси, афтидан, эсминец кетаётган йўлни кесиб ўтишга қарор қилганди. Эҳтимол, қароқчилар сув юзида сузадиган кемани кўриб қолган ва яширинишга ҳаракат қилаётган эдилар, лекин капитан-лейтенант Трофимов уларни қўлдан чиқармасликка қатъий қарор қилди. Бу охириги тўқнашув бўлиши керак. Жон олиб, жон



берувчи даҳшатли жанг, мана шу ерда бўлади. Командир перископни кўриб қолиш ниятида денгиз юзини прожекторлар билан ёритишга буйруқ берди. Лекин сув ости кемаси ё жуда чуқурга тушиб кетган, ёки перископни яхшилаб яшириб олган эди. Эсминец командири сув ости душмани узоққа кетиб қололмаганига ишонарди. Сув юзида эсминец уни албатта қувиб етган ва чўктириб юборган бўларди, сув остида эса душман кемаси сира ҳам жадал юришга журъат қилолмаса керак. Сув ости кемаси то эсминец бу ердан ўтиб кетмагунча ё денгиз тагида қимирламай ётиши, ёки перископ чиқариш мумкин бўлар даражада юқори кўтарилиши ва сув устидаги кемани торпедага тутиб, чўктириб юборишга ҳаракат қилиб кўриши лозим. Қароқчиларнинг бундан бошқа ҳеч қандай иложини йўқ.

Бу орада «Буревестник» ёнғин бўлаётган жойга етиб келди. Энди ловиллаб ёнаётган кема ундан бир милдан ҳам яқинроқ жойда эди. Миноноседан палуба устидаги ҳужралари ҳали ҳам ёниб ётган пароходнинг деярли чўкиб кетганини кўрдилар. Кўринишдан, ёнғин кеманинг, ўртасида авж олмоқда эди. Капитан кўприкчаси турган жойдан ёнғин тили худди алланарсанинг оғзидан отилиб чиқаётгандек жуда юқорига гуриллаб кўтариларди. Афтидан, кеманинг ичкари қисмида сув билан ўт ўртасида кураш борарди — ундан тутун аралаш оппоқ буғ кўтариларди.

Шу пайт Трофимов осмонда моторнинг гувиллаб қолганини аниқ эшитди. Қоронғиликда денгиз устидан самолёт учиб ўтди. У машина қаердан келяпти, қаёққа кетяпти, ўзи қандай самолёт? Командир билан вахтада турган ёрдамчи самолётнинг ёқиб қўйилиши лозим бўлган чироқларини қидириб осмонга қарадилар, лекин ҳеч қандай чироқ кўринмади. Эҳтимол, самолёт чироқлари авж олиб ётган ёнғин ёруғида сўниб қолгандир? Ундай ҳолда ёнғин ёритиб турган фазода самолётнинг ўзи кўриниши керак эди-ку. Зенит тўпларнинг ингичка оғзи қоронғи осмонга қаратилиб отишга тийёр ҳолда ҳушёрлик билан қолиб қолди.

Гидрофончилар сув ости кемасининг товушини эшитмай қолди. Лекин эсминец командири душманнинг айёрлигини жуда яхши биларди: демак, қароқчилар кемаси тўхтаган, товуш чиқармай қўйган ва шу йўл билан қутулиб кетмоқчи. Бўлмағур ҳийла! Овчи тулкини инидан

қандай бошлаб ҳайдаб чиқарса, «Буревестник»нинг кекса командири ҳам сув ости кемасини жойидан худди ўшандай бошлаб қўзғата олади. Лекин, агар унинг душмани иккита — ҳам осмонда, ҳам сувда бўлса, жанг қизғин бўлади. Проектор нурлари гоҳ параллель равишда, гоҳ бир-бирини кесиб, гоҳ яна ажралиб кетиб, осмон ва денгизни ахтарарди. Ниҳоят проектор нури кичкинагина тўқ қумуш ранг осмон қушини ёруғига тутиб олди. Уни яхшилаб ёритдилар, учувчининг кўзини қамаштириш ва самолётга зенит тўпларни йўналтириш учун бутун проекторларнинг ёруғини ўшанга тўпладилар. Артиллеристлар буйруқ бўлиши биланоқ уни осмонда портлайдиган снарядлар ўровига олишга тайёр турардилар, лекин ўт очишга команда бўлмади. Проекторларнинг ёрқин нурида унинг оғир бомбалар ташлашга қодир бўлмаган кичкинагина самолёт экани кўриниб турарди. Кўприкчада турган кўзи ўткир командирлар унинг «Балиқ разведкачиси» эканига деярли иқрор бўлдилар.

Проекторлар самолётни ярим минутча ёритиб тургандан кейин командир буйруғига биноан уни ўз ҳолига қўйдилар ва яна денгизни ахтара бошладилар. Проекторлар ёруғида денгиз суви тундан ҳам қорароқ бўлиб кўринарди. Проектор нури денгиз юзида жимирлаб ўйнарди, лекин ҳеч ким сув бетига кичкинагина трубкани кўрмади. Самолётнинг овози энди эшитилмай қолди. Шунинг учун атрофда яна серташвиш жимлик чўкди.

Ёнғин ўча бошлади. Энди сув юзида фақат капитан кўприкчаси билан радиорубка томи ёнмоқда эди. Атрофда сув юзида парча-пурча нарсалар ва палубадан сув ювиб тушган ҳар хил буюмлар сузиб юарди. Мана ўт пароход тепасида яна бир марта устундек кўтарилди. Радиорубка орқасида, бензинли бочкалар турган жойда, портлаш овози эшитилди. Гўё хайрлашув сигналидек аланга устини сув юзида баланд кўтарилди-да, пароход чўкиб кетди. Сув юзида чўкиб бораётган мачтани сал-пал ёритиб, бир неча ҳужраларнинг боши ёниб турарди. Мана улар ҳам ўчди. Шундан кейин яна қоронғилик, илгаригидан ҳам бадтарроқ қоп-қоронғи зимистон денгизни ўз қучоғига олди. Гидрофонлар пароход чўкиб кетган жойдан сув ости кемаси винтининг шовқинини эшитдилар. Трофимов душманнинг эсминец билан пароход ўртасидаги бирон-бир жойда яшириниб юрганини англади. Энди пароход сув остига чўка туриб, гирдоб ҳосил қилган

ва орқасидан сув ости кемасини ҳам тортиб кетаётган эди. Уша сув гирдобидан қутулиш учун қароқчи ўзининг электромоторларини ишга солганди. Эсминец командири империалистик уруш вақтида бир сув ости кемаси миносеносецдан қочиб қутулиш учун чўкиб кетаётган каттаконге тагига шўнғиганини, унинг тагидан ўтганини, сув гирдобидан қутулиб чиқиб, душман қувғинидан қочиб улгурганини эслади.

Трофимов душман кетидан юришга буйруқ бермоқчи ва уни пароходнинг нариги тарафидан қидирмоқчи бўлиб турган эдики, сўл тарафдаги палуба кузатувчиси:

— Чап тарафда торпеда! — деб қичқириб қолди.

Командир ўша тарафга ўгирилиб қаради ва прожектор ёруғида сув юзидаги кўпикли изни — моторли катер тезлигида яқинлашиб келаётган торпеда изини кўриб қолди. Яна бир минутдан кейин кучли портлаш кемани силкитиб ташлайди, портлаш кучи эсминецнинг борти ёки тагини ўпириб юборади, аҳтимол, кеманинг бурни ёки қуйруқ томонини узиб ташлайди, портлашдан кейин уч минут ўтар-ўтмас денгизга қайиқни туширишга улгуролмасалар, команда пўкак белбоғлар ва қутқарувчи доираларни ташлаб, жон асрашга киришади. Кемани энг кейин, агар муяссар бўлсалар, радист, ундан кейин эса командир ташлаб кетадилар.

— Унга бур! — деган жарангдор овози эшитилди командирнинг, қўли эса машина бўлимига борадиган телефон дастасини «энг жадал жанговар тезлик» деган бўлимга буриб қўйди.

Орадан уч-тўрт секунд ўтди. Эсминец торпедага чап бериб илгари отилди, лекин кўпикли из кеманинг қуйруқ тарафига ўттиз метрча яқин келиб қолган эди. Кўприкчада қимирламай турган командир олдида вахта хизматини ўтовчи матрос билан комиссар қотган эдилар. Уччаласи ҳам кўзлари билан гўё торпеданинг тезлигини ўлчаётгандек турардилар. Бир лаҳзага торпеда ёруғликдан чиқиб кетди, лекин прожектор қуйруқ орқасидаги сувни яна ёритди. Торпеданинг кўпикли изи кеманинг орқасидан ўн метр жойдан ўтиб кетди. Командир қуйруқ тарафдан кўзини узди. Кема қутқариб қолинган эди. Торпеда маълум жойгача сузиб боради ва чўкиб кетади. Сув ости душманини қидириш керак. Яна барча диққат гидрофонларга қаратилди. Вахтада турган матрослар прожектор нурлари ёритиб турган денгиздан яна кўз узмадилар.. Кема тез-

лигини энг охирги даражагача секинлатди ва секин-аста айлана бошлади. Шу тарзда яна бир неча минут ўтди, кейин яна:

— Торпеда!— деган огоҳлантирувчи товуш эшитилди.

Энди унинг ўнг тарафдан келаётганини кўрдилар, агар уни тажрибасиз бирор одам кузатиб турган бўлса, у кемага ҳеч қандай хавф солаётгани йўқ деб ўйлаган бўларди. Лекин уни яхшироқ кузатган киши, торпеда эсминец атрофида жуда тезлик билан орқага қайтиб келаётганини, ораликдаги масофа торайиб бораётганини сезарди. Бу, яқиндагина кеманинг орқасидан ўтиб кетган снаряднинг ўзгинаси эди. Торпеда айланма ҳаракат қилар экан. Уни эсминец торпеданинг ўлим келтирувчи айланма ҳаракати зонасидан чиқиб кетолмайдиган ҳолга тушиб қолган бир пайтда кўриб қолдилар. Торпеданинг қаерга келиб урилишини ҳеч ким билмасди, лекин унинг бир минутга ҳам қолмай, кемага келиб урилиши ҳаммага равшан эди. Вахта вазифасини ўтаётган ёрдамчи авария тревогаси берилишини кутиб, командирга қаради. Капитан-лейтенант ҳамма унинг буйруғини зориқиб кутаётганини тушунарди. Шунда яна унинг жарангдор овози эшитилди:

— Сув ости снарядлари билан торпедага ўт оч!

Бу буйруқни вахтада турган ёрдамчиси кутмаганди. Яна бир секунд жимлик ҳукм сурди: артиллеристлар буйруқни англаб олишларига ярим секунд вақт кетди, яна ярим секунд тўпни мўлжалга тўғрилашларига кетди, шундан кейин дарҳол ўқ овози эшитилди. Тўплар торпедага қараб ниҳоятда тез ўқ уза бошладилар, снарядлар эса сувга чўқар ва ўша ерда портларди. Гумбур-гумбур ўн секундча давом этиб жуда қаттиқ портлаш денгиз устида ёнғин ва сув устунининг кўтарилиши билан тугади. Уста артиллерист отган снарядлардан бири торпедага бориб тегди ва уни кемага келиб урилишига бир неча секунд қолганда портлатиб юборди.

Сув ости кемасининг командаси портлаш овозини эшитиб торпеда мўлжалга бориб текканига амин бўлган эди. Портлашдан кейинги дастлабки минутларда эсминец прожекторларини ўчириб турди, шунинг учун қароқчилар перископ чиқариб денгизни кузата бошлаганларида аввалига ҳеч нарсани кўрмадилар. Эҳтимол, улар кема дарҳол чўкиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган ҳамдирлар. Ана шунга ишонч ҳосил қилиш учун бўлса керак, сув ости ке-

масининг командири перископ орқали кузатиш билангина чекланмади, балки кемасини денгиз юзига олиб чиқди. «Буревестник»нинг вахтада турган матроси қўлини олға чўзиб:

— Сув ости кемаси! — деб қичқирди.

Машина бўлимида: «Тўла жанговар тезликда — олга!» деган буйруқ жаранглади. Старший механик худди охирги флот мусобақаларида бўлгандек кемани тез юргиза бошлади. Машина бўлимититраб кетди. Механик шу кеча командир унга ўзининг проектига биноан эсминецни жуда тез ҳайдашга рухсат берар деб умид қиларди. Лекин бундай буйруқ бўлмади. Шундай ҳам миноносец денгиз қаърини ёриб, сув ости кемасига куръер поезди тезлигида жадал яқинлашиб келмоқда эди. Сув ости кемасидагилар «Буревестник»нинг маневрини тушуниб қолдилар, шундан кейин қароқчи тезлик билан сув тагига чўка бошлади. Эсминец ўзининг форштевни билан уни тاران қилишининг ўзи ўша ондаёқ жангнинг тугашига кифоя қиларди. Сув ости кемаси денгиз тагига чўкиб бўлди, энди унинг рубкаси ҳам кўздан йўқола бошлади. Лекин эсминец душманга жуда тез яқинлашиб келмоқда эди. Шунинг учун сув ости кемасида электр-моторларни ҳам ишга солиб юбордилар ва жадал сузиб кетдилар. Бу билан улар яна бир неча секунд вақтдан ютдилар. Эсминецнинг яқинлашиб келиш тезлиги бир оз камайди. Сув ости кемаси эсминецдан икки баравар секин сузаётган бўлса ҳам, ундан қочиб кетмоқда эди. Энди сув юзида унинг прожектор ёритиб турган фақат перископи қолди. «Буревестник» ўша перископ кетидан тулкини қувиб бораётган овчининг итидек жуда тез сузиб борарди. Кўринишдан, овчининг ити қочиб бораётган жониворнинг думидан мана ҳозир тишлаб оладигандек туюларди, лекин у яна қўлдан чиқди. Перископ сув остида кўздан ғойиб бўлди. Лекин ҳали ҳамма нарса қўлдан бой берилганча йўқ: сув ости кемасининг рубкасини киль билан илиб кетишининг ўзи ҳам кифоя қилади!. «Буревестник» перископнинг қора трубаси ҳозиргина кўздан ғойиб бўлган жойдан физиллаб ўтди. Қизил флотчилардан баъзи бирларига кема корпусига нимадир урилгандай бўлди дедилар. Лекин кема командири йўқ дегандек бош чайқади. Эҳтимол, фақат перископни уриб синдиргандирлар; сув ости кемаси жуда чуқурга тушиб улгурган эди. Машина бўлимининг телеграфи машиналарни тўхтатишни талаб қилиб

жиринглади. Эсминец орқага қайтди, айлана бошлади. Гидрофонлар сув ости кемасининг секин-аста сузиб бораётганидан хабар бердилар. У қаердадир шу орада, жуда яқин жойда, деярли эсминецнинг тагида эди.

Капитан-лейтенант оғзига рупор тутиб:

— Сув ости бомбалари ташлансин!— деб қичқирди.

Кемадан денгизга фақат сув ости кемаларига қарши ишлатиладиган махсус снарядлар ташлай бошладилар. Чуқурликда ёриладиган бомбалар шалоплаб сув тагига чўкиб кетар эдилар. Кўп ўтмай сув тагидан гувиллаган овозлар эшитилди-да, денгиз усти қайнаб кетди. Бу маълум чуқурликда портлаши олдиндан белгилаб қўйилгач бомбаларнинг сув босимини ниҳоятда ошириб юбориб, жуда катта куч билан портлаганидан дарак берарди. Сув ости кемасини ҳалок қилиш учун бомбанинг унга бориб тегиши шарт эмас. Бомба унинг яқинида портласа ҳам кема ишдан чиқади. Ҳатто, узоқроқ жойда бомба портлаганда ҳам сув ости кемаси қаттиқ силкинганидан электр чироқлари ўчиб қолади, ойналар синиб кетади, тараг тортилган металл арқонлар узилади, одамлар ҳам оёқ устида туролмай қолади. Эсминец кўзга кўринмас душманини маҳв этиш учун сув ости бомбаларини тўхтовсиз денгизга ташлаб турди.

Эсминецда сув ости кемасининг шовқинини эшитиб олиш учун бирпас танаффус қилингандан кейин, денгизчилар яна унинг орқасидан қувиб кетдилар. Сув ости шумопеленгаторлари сув ости кемасининг ғирчиллаб денгиз тагидаги қумдан судралиб кетаётганини эшитдилар. Бу юз метрдан ҳам пастроқда эди, лекин ўша ердан ҳам овозлар аниқ эшитилиб турарди. Энди эсминец ўша жой тепасида ўртача тезликда ўтиб кетди ва ҳатто тезлигини энг секин даражага туширди-да, яна сув ости бомбалари ташлай бошлади. Сув ости бомбалари сув босими ўн атмосферагача етадиган чуқурликда портламоқда эди, шу сабабдан сув ости кемасининг денгиз тагида бутунлай қолиб кетиши учун унга салгина зарар етказишнинг ўзи ҳам кифоя қиларди.

Маълум миқдорда бомба ташлаб ва тепадан туриб уларнинг портлашини кузатиб бўлгандан кейин, Трофимов кемани яна тўхтатди.

Командир муваффақият қозонишганига амин эди. Сув ости қароқчиси ёмғирдек ёғдирилган бомбалардан қочиб қутулолмасди. Лекин шундай бўлса ҳам шу ерда эрталаб-

гача туриб ва сув ости кемасининг шовқинига тўхтовсиз қулоқ солиб, ўзининг тахминига ишонч ҳосил қилиш зарар қилмасди. У энди бошини кўтариб юлдузлар чарақлаб турган осмонга қаради. Тонг отар вақт яқинлашиб қолганди.

Командир қулоқ солди: назарида, осмонда яна алланарса гувиллаётгандек ва жаранглаётгандек туюлди.

— Самолёт, ўртоқ командир! — деб хабар қилди вахтадаги матрос.

Улар тепасида яна самолёт пайдо бўлди. Трофимов яна прожекторлар нурида уни қидириб топмоқчи бўлди-ю, кейин бу фикрдан қайтди ва эсминецнинг турган жойини сездириб қўймасликка аҳд қилди. Лекин, афтидан, учувчи юлдузлар ёруғида сувга қўнишга журъат қилди: эсминецдагилар бир лаҳзагина унинг қорасини кўриб қолдилар, кейин моторнинг овози ўчди-да, самолёт пасайиб бориб кўздан ғойиб бўлди. Кўп ўтмай узоқдан фонарнинг милтилагани кўринди. У гоҳ ўчар, гоҳ яна ёнарди, гоҳ қизил, гоҳ кўк шуъла берарди. Вахтадаги сигналчи:

— Сигнал беряпти, гаплашмоқчи, — деб хабар қилди.

— Сўрангчи, ким экан, нима истайди.

Сигналчи ёруғни фақат бир тарафга йўналтирадиган махсус тўсиқлар билан ўралган жанговар фонарь ёруғида командирнинг саволини жўнатди. Бунга жавобан тез-тез чироқ ёниб ўча бошлади.

— Жавобига кўра, «Балиқ разведкачиси» экан. Яқин келишга рухсат сўраяпти.

— Хабар қилинг: дарҳол келсин... Прожектор! Кемага йўл кўрсатинг.

Яна мотор гувиллади, шундан кейин прожектор ёруғида миносецдагилар сув юзида улар олдига самолётнинг яқинлашиб келаётганини кўрдилар. Кўп ўтмай самолёт кема борти олдига келиб тўхтади.

Учувчилар трос ташладилар, ўз машиналарини маҳкам боғлаб қўйдилар-да, кейин узун трап билан сузма кўприкдан эсминец палубасига чиқдилар. Ёғоч оёғини дўқиллатиб, Бариль командир кўприкчасига чиқди ва «Балиқ разведкачиси»нинг бошидан ўтган саргузаштлар тўғрисида рапорт берди. Рапортнинг охири мана бундай эди.

— Бакка ёнилғи қуяётганимизда аллақандай бир кема «Антопулос»ни прожектори билан ёритаётганини кўриб қолдик. Кема пароходнинг нариги тарафида турарди. Биз юнга билан қизча ўзидан дарак беришар ва айни

вақтда бизнинг қаердалигимизни ҳам айтишар деб ўйладик. Машинани учишга ёки денгизда мустақил сафарга ҳозирлай туриб прожекторли кема бизнинг олдимизга ҳам келар деб умид қилдик. Самолётни учишга деярли тайёрлаб бўлганимизда, биз пароход тарафдан ўқ овозларига ўхшаган товуш ва одам қичқириқлари, кейинроқ эса ҳайвонларнинг ўкирганини эшитдик. Пароходда ёввойи ҳайвонлар борлигини билганимиздан, биз унда бирор бахтсизлик рўй берди, эҳтимол, ҳайвонлар палубага чиққандир деб ўйладик. Кўп ўтмай прожекторли кема пароходни ёритганча уни айланиб ўтди. Унинг қорасига қараб, биз бу қароқчиларнинг сув ости кемасини танидик. Ўша онда икки марта тўп овози эшитилди, шундан кейин «Антопулос» да ёнғин кўтарилди. Бир оздан кейин қароқчи учинчи марта ўқ узди. Менинг аппаратим парвоз қилишга тайёр эди. Биз дарҳол осмонга кўтарилдик, сув ости кемаси эса бизнинг овозимизни эшитди шекилли денгиз тагига тушиб кетди. Ёнғин устида бир айландим-да, сувда одамларни кўрмагач, шимолга, соҳил тарафга йўл олдим. Кўп ўтмай бизни прожекторлар ёритиб қолди. Қим ёритаётганини билолмадик; сув ости кемаси ёритаётган бўлса керак деб ўйладик. Кейин биз денгиздан гумбур-гумбурларни эшитиб қолдик ва нима гап эканидан хабар топиш учун ўша тарафга бурилдик. Прожекторингиз ёруғига қараб аллақандай бир кема сув ости қароқчиси билан жанг қилаётганини тушундик. Биз унинг орқасидан қандай қувганингизни кузатиб турдик. Кейин сув устига қўнишга ва жанговар кемани қидиришга қарор қилдик.

— Юнга билан қизча қани?

— Агар омон қолишган бўлса, яна қароқчилар қўлига асир тушганлар.

— Юнгада сув ости кемасидан олинган ҳужжатлар бор эди, дедингизми?

— Ҳа.

— Люда Ананьевани қароқчилар сув ости кемасида олиб қолишиптими?

— Ҳар ҳолда, бундан йигирма тўрт соат бурун ана шундай эди.

— Шу ерда қолинглар. Икки соатдан кейин тонг отади, тонг ёришиши билан осмонга кўтариласизлар. Биз бутун районни қидириб чиқамиз, эҳтимол, қароқчиларнинг бирон бир изини ва «Антопулос»нинг қолдиқларини то-



пармиз. Бирпас ётиб, дам олинглар, сал тамадди қилиб олинглар.

— Хўп бўлади!

Командир штабга жўнатиладиган радиограмма тузиш учун ўз каютасига кетди.


Бир соат ўтди. Тонг уфқ қўйини кенгайтириб, юлдузларни сўндира бошлади. Эрталаб шабада турди. У тез кучая борди, кўп ўтмай оғир тўлқинлар денгиз устида бирин-кетин қувлашиб кела бошлади. Барилни уйғотдилар — кема командири тўлқинлар самолётни парчалаб юборишидан қўрқиб, уни палубага кўтариб олишни буюрди. Петимко денгизга кўз ташлади ва шамолга қўлини тутиб:


— Узим ҳам айтган эдим-а, беш балгача етиши мумкин деб! — деди.

— Олти балга етади, — деб унинг сўзини тўғрилади «Буревестник» старший штурмани. — Шу кунларда унча кучли бўлмаган қисқа бўронлар ҳам кўтарилиб қолиши ажаб эмас.

Эрталаб эсминец денгизни айланди, лекин ҳеч қаерда на пароходни, на сув ости кемасини тополмади. Уларнинг иккаласи ҳам, «Буревестник» штурман рубкасидаги эхолот кўрсатганига қараганда бир юз йигирма метр чуқурликда ётарди.

Эсминец Лебединий оролига қайтди. Командир кўприкчасида капитан-лейтенант Трофимов турар ва ўйчанлик билан денгизга қарарди. Унинг кўзларига қараган киши капитаннинг жуда қайғуда эканини сезган бўларди.





## УЧИНЧИ ҚИСМ

### 1 боб

#### ШАФҚАТ ҲАМШИРАСИ

Сув ости тюрмасида Люда вақтни ажратолмай қолди. Қўл соатидан у асирга тушган вақтида, Лебединий кўрфазидаёқ ажралиб қолган эди, бу ерда эса доим электр чироғи ёниб ётарди, шунинг учун кунни тундан ажратиб бўлмасди. Ёзган хатини Анчга бергач, хаёлга чўмиб ёлғиз ўзи узоқ ўтирди.

Бир оздан кейин унга овқат олиб келишди. Бу унинг тушки овқати ҳам, кечки овқати ҳам бўлиши мумкин эди, чунки ўшандан сўнг узоқ вақт каютага бошқа ҳеч ким кирмади. Ниҳоят Люда ухлаб қолди.

У девор орқасидаги шовқин-сурон ва дўпир-дўпирдан уйғониб кетди. Аллақадан пулемётнинг тариллаган овози эшитиларди. Бир неча минутдан кейин сув ости кемаси ҳаракатга келди. Худди шу вақтда каютага Анч кириб, қани бу ёққа юринг деб буюрди.

— Бир ярадорнинг яраларини боғлашга ёрдамлашиб юборасиз,— деди у,— ва унинг ёнида ўтирасиз.

Жосус қизни икки койкали, ўртасида кичкинагина столча турган чоғроқ бир каютага олиб кирди. Худди командир каютасидаги сингари бу каютада ҳам марказий пост орқали жанговар рубкага чиқадиган йўл бор эди. Кейинроқ Люда бу каюта командир ёрдамчиси билан Анч ёрдамчисининг каютаси эканини билиб олди. Анчнинг ёрдамчисини у кирган заҳоти кўрди, лекин аввал уни танимади. Унинг олдида койкада қонга беланган бир киши беҳуш ётарди. Бошқа бир киши энгашиб пичоқ билан унинг кийимларини тилиб ташлади. Кичкина столча устида поход аптекаси турарди.

Денгизчи Людага ярадорнинг бошидан ушлаб туришни буюрди, ўзи эса яраларга иод суркай бошлади. Яралари жуда қўрқинчли йиртилган яралар эди.

Ярадор билан овора эканлар, палубадан тўп овозлари эшитилди. Қиз ҳаяжонга тушди. Назарида, қароқчиларга ҳужум бўлиб, ҳозир улар ўзларини мудофаа қилишаётгандек туюларди. Эҳтимолки, шу минутларда унинг ҳам тақдири ҳал бўлаётгандир. Кўп ўтмай Люда сув ости кемасининг чўкаётганини сезиб қолди.

Яраларни боғлаб бўлишгандан кейин, денгизчи имошора қилиб қизга ярадор ўзига келгунча сен шу ерда ўтиришинг керак деб тушунтирди. Кейин ўзи чиқиб кетди. Люда ёлғиз қолди ва ниҳоят ярадорни таниди: бу матросни қиз бир неча марта кўрган эди. У кўзларини юмиб, ҳушсиз ётар, баъзан инграб кўярди. Люда стол олдидаги кичкинагина стулда ўтирар ва каютани кўздан кечиарди. Марказий бошқарув постига очиладиган эшикдан ўқтин-ўқтин унинг қулоғига бир-икки оғиз сўз эшитилиб қоларди. Қулоғига чалинган узиқ-юлиқ иборалардан қиз қароқчилар ташвишда эканларини тушуниб олди. Улар самолёт тўғрисида сўзлашмоқчи эдилар. Кейин командирнинг аллакимга телефонда жавоб бера туриб, алланарсалар деб сўкингани эшитилди. Афтидан, қароқчиларнинг ташвиши тобора ортар эди: сув ости кемаси тўхтади, тинчликни сақлаш тўғрисида буйруқ берилди. Люда овозининг борича қичқиргиси келди-ю, лекин бундан бирор фойда чиқишига аниқ ишонмаганидан ўзини тийди. Кейин сув ости кемаси шовқин-суронсиз секин юқори кўтарилди, лекин сув юзига чиқмади. Афтидан, қароқчилар денгизни перископдан кузатаётган бўлса керак. Бир неча минутдан кейин торпеда отиш тўғрисида команда берилди. Торпеда овозини Люда

эшитмади. Шодлик билан қийқириб юборган кема командири кўп ўтмай аллакимга лаънатлар ёғдира бошлади. Аллаким унга далда берди:

— Эсминец тўхтади. Ҳечқиси йўқ, торпеда қайтиб келиб урилади.

Кейин яна ўша овоз:

— Прожектор билан перископни кўриб қолишлари мумкин,— деб қўшиб қўйди.

Кема яна сув тагига туша бошлади. Людани хавотир босди: қиз денгиз юзидаги аллақандай бир кема торпеда зарбига учраш хавфи остида қолганини тушунди. Дарҳақиқат кўп ўтмай бўғиқ гумбурлаш эшитилди, марказий бошқариш постидан қувонч билан ҳайқирган овозлар эшитилди. Қиз жон-жаҳди билан муштини қисди. Кема яна юқори кўтарилса бошлади. Бу сафар у денгиз юзига чиқди. Люда қўлларини мушт қилганича, кўзларини чирт юмиб, қотиб турарди. Пароходнинг ва одамларнинг ҳалок бўлаётганини кўз олдига келтирди.

Мана Люда бирдан чўчиб туриб кўзларини очди. Марказий бошқарув постидан командирнинг яна аллакимни сўкаётгани эшитилди. Афтидан, сув юзида ҳамма иш қароқчилар кутгандан бутунлай бошқача бўлган. Ҳаво тўлатилган баллонларни очиш ва электромоторларни энг юқори тезликка қўйиш тўғрисидаги буйруқ эшитилди. Командирнинг овозида қўрқув борлиги сезилиб турарди. Демак, энди сув ости кемаси хавф остида қолган. Люда ўша хавф унинг ўзига ҳам таҳдид солаётганини унутиб, жуда хурсанд бўлиб кетди.

Командир фақат юқори тезликда сузишни талаб қиларди. Аллақерда узоқдан, гўё баҳайбат китлар бақувват думлари билан сувни шалоплатиб ураётгандек ёки тепаларидаги кўприкдан поезд ўтиб кетаётгандек, аллақандай шовқин ва гумбурлаш эшитилди. Кема тепасида алланарса гурсиллаб кетди. Сув ости кемаси бир силкиниб чайқалди-да, пастга шўнғиди. Марказий бошқарув постидан:

— Перископ синиб тушди... Рулни ўнгга бур! Сув юзига кўтарилма!— деган товуш эшитилди.

Кема денгизнинг энг чуқур жойига чўкди.

Қиз ярадорга назар ташлади. У ўзига келган ва кўзларини очиб ётар эди. Тепасига энгашган Людага диққат билан тикилиб қаради-да, шивирлаб:

— Сув!— деб сўради.

У бу сўзни рус тилида айтди. Ҳайрон бўлиб қолган Люда тилингизни тушунаман демоқчи бўлди-ю, лекин дарҳол хаёли жойига келиб жим қолди. Қиз стаканга сув қуйиб уни ярадорнинг оғзига тутди. Ярадор сувни ичиб бўлиб раҳмат айтишга улгургани ҳам йўқ эдики, сув ости кемаси қаттиқ чайқалиб кетди, ташқарида портлаш овозлари эшитилди. Бу дастлабки портлаш эди; кейин бундай портлашлар бирин-кетин, гоҳ яқинроқдан, гоҳ узоқроқдан гумбурлайверди. Сув ости кемаси чайқалиб-чайқалиб кетар, гоҳ тумшук томони, гоҳ қуйруқ томони билан юқорига сапчирди. Шундай портлашдан бирида чироқ ўчиб қолди, лекин кўп ўтмай яна ёнди. Кема бомба тушаётган жойдан чиқиб кетиш ниятида денгиз тагида судралиб борарди, лекин бир оз жимликдан кейин яна портлаш овозлари гумбурлай бошлади. Ниҳоят шундай портлашлардан бири сув ости кемасини юқорига кўтариб, кейин денгиз тагига келтириб урди. Люда полга йиқилиб тушди. Чироқ ўчиб қолди-ю бошқа ёнмади.

Марказий бошқарув постидан ташвиш билан ҳайқирган овозлар эшитила бошлади. Командир билан унинг ёрдамчиси телефон орқали машина бўлимидаги, қуйруқ тарафдаги ва торпеда бўлимидаги — кеманинг бурун тарафидаги вазият қандайлигини суриштирар эдилар. Люда уларга берилган жавобларни эшитмади, лекин саволларнинг ўзиданоқ кеманинг шикастланганини, аллақандай тўсиқ деворлар ичига сув тўлиб қолганини ва марказий пост билан унга ёнма-ён ёпишган икки каютадан бошқа барча хоналар ўртасидаги алоқа узилганини тушуниб олди. Шу тарзда қоронғилик ва жимжитлик ичида улар, то гидрофонислар сув юзидаги кема жўнаб кетди демагунларича, бир неча соат ўтирдилар. Шундан кейин телефон орқали қаттиқ-қаттиқ гаплашувлар бошланди, машина бўлимида тўқмоқларнинг тақир-туқури эшитилиб қолди. Каютада яна электр чироғи ёнди.

Люда эшитиб олган гап-сўзлардан билдики, марказий пост билан бошқа хоналар орасидаги коридорга сув тўлган, кеманинг вертикаль руллари синган, цистерналардаги сувни сиқиб чиқаришда фойдаланиладиган баллонларнинг сиқиқ ҳаво тўлдирилган клапанлари очилмай қолган, демак, сув ости кемаси энди фақат денгиз тагида судралиб юради. Радиостанция шундай шикастланган эдики, радист уни уч-тўрт кунсиз тузатишни бўйнига олмади, тузатганда ҳам барибир бундай чуқурликдан

ҳеч ким билан алоқа боғлаб бўлмасди. Аппаратлар сув ости кемасининг бир юз йигирма метр чуқурликда ётганини кўрсатиб турарди. Аккумуляторларда жуда оз энергия запаси қолган эди.

Командир каютасида маслаҳатга тўпландилар, у ерда нима гап бўлгани Людага номаълум қолди. Кейин кема яна денгиз тагида судралиб кета бошлади. Командир баъзан телефонда қаттиқ-қаттиқ гаплашар, командага далда берар ва тинчлантирарди. Ярадор жим ётар, ҳар замонда бир сув ичарди. Кундуз соат иккида ўрнимдан турай, ёрдамлашиб юборинг деб илтимос қилди, қийналиб ўрнимдан туриб ўтирди, кейин соғ қўли билан столга таяниб туриб, бир оёғини босди, лекин иккинчисини жойидан қўзғатолмади. У ўз жойига қайтиб ётишга мажбур бўлди. Анч уларнинг олдига фақат бир марта кирди-ю, ҳеч нарса демай, дарҳол чиқиб кетди. Ундан ташқари яна командир ёрдамчиси ҳам кирди — стол тортмасидан алланарса олди, ярадорнинг ҳолини сўраган бўлди ва кема денгизнинг саёзроқ жойига кетаётганини айтди.

Марказий постда энди кам гаплашар эдилар. Телефон онда-сонда бир жиринглаб қўярди: команда, афтидан, хотиржам бўлган ва командирини ортиқ безовта қилмасди. Илгаригидек, ҳозир ҳам сув ости кемасининг денгиз тагидан судралиб бораётгани сезилиб турарди.

Командир билан старший офицер аввал ҳар хил маневрлар ёрдами билан кемани денгиз юзига чиқариш учун жуда кўп буйруқлар бериб турдилар. Лекин, афтидан, чуқурлик рули шундай бир ҳолатда ишдан чиққан эдики, кема фақат пастга қараб юрар, шунинг учун қароқчиларнинг барча уринишлари бекор кетарди. Баъзан сув ости кемаси ўз йўлида пасти-баландликларга дуч келиб, тўхтаб қоларди. Қароқчиларнинг бахтидан бўлиб, денгиз тагида тик кўтарилган ерлар ёки баланд тепалар учрамасди, шу сабабдан кема ўз йўлида учраган паст тўсиқлардан ҳар сафар, бир амаллаб ўтиб кетар ва йўлида давом этарди.

Гидрофонлар бир марта кема тепасидан пароход ўтиб бораётганини билдирдилар. Старший офицер бу тўғрида командирга хабар қилди. Кема тўхтади ва кузатувчи тепадаги пароход парраklarининг шовқини тинди деб хабар қилмагунча қимирламай ётди. Кундуз соат иккида марказий бошқарув постидан қароқчиларнинг

ташвиш билан сўзлашганлари эшитилиб қолди. Командир телефон орқали аллакимга: умидсизликка тушма, ваҳима қилма деб буюрар, аллақандай кранларни оч деб уқдирар ва тезда қутулиб кетамиз деб ишонтирарди.

Люда фақат командирнинг сўзларини эшитганидан гап нимада эканини тушунмаса ҳам, лекин сув ости кемасининг аллақайси бир қисмида одамлар хавф остида қолганларини англади. Ярадор унинг бу тахмин қилиб айтган сўзларини тасдиқлади, у ҳам марказий постда бўлган гапни эшитди. Бошини қизга буриб, у рус тилида кеманинг бурун тарафидаги торпеда бўлимида ҳаво етишмай қолганини айтди. Командир торпеда аппарати учун ишлатиладиган баллонлардаги сиқик ҳавони чиқаришни буюрганди. Бу ҳаводаги кислородни кўпайтиради, лекин атмосфера босимини анча ошириб юборади, бундан ташқари ҳаводаги карбонат кислотасининг миқдори ўзгармай қолаверади. Командирнинг сўзларида торпеда бўлимидаги ҳавони тозаловчи регенератор ишламай қўйганини фаҳмлаб олиш мумкин эди.

— Икки соатдан нарига ўтишмайди,— деди ярадор.

Ўттиз-қирқ минутлардан кейин марказий постда яна телефон жиринглади, командир эса яна буйруқ берди, далда берди, ваъда қилди. Ниҳоят, машина бўлимига, торпеда бўлимига ўтадиган электр симларни узиб ташлаш тўғрисида телефонда буйруқ берилди. Ярадорнинг соғ қўли тирсагига таянди, кўзлари чақнаб кетди:

— Улар торпеда аппарати ёрдами билан юқорига отилиб чиқиб кетамиз деб дўқ қилишган эди,— деди у, шивирлаб.— Энди улар торпеда трубаларига сиқик ҳавони очиб юборолмайдилар.

Вақт чидаб бўлмас даражада секин ўтарди, қиз эса ўзидан ниҳоят йиғирма беш метр жойда бўлган одамларнинг қандай мушкул аҳволга тушиб қолганларини кўз олдига келтирарди: ҳамма ёқ зимистон, ҳаво дим, муқаррар ўлим тўғрисидаги даҳшатли фикрлар...

Кема ҳамон судралиб борарди. Орадан бир соат, бир ярим соат вақт ўтди. Эҳтимол, торпеда бўлимидагиларнинг ҳаммаси аллақачон ҳалок бўлишгандир... Ярадор ухлаб қолди, Люда қўлларини стол устига чўзди, унга бош қўйиб ётди. Шу аҳволда у узоқ ўтириб қолди, назарида, уларнинг каютасида ҳам ҳаво етишмай қолаётгандек туюларди. Боши ғувиллар, қулоқлари шанғилларди.

Кема тўхтади. Электр лампочкаларининг ёруғи сўнди, каюта қоронғи бўлиб қолди. Марказий постдан телефонда сўзлашаётганлари эшитилди.

— Аккумуляторлар ишдан чиқди,— деди старший офицер, аллакима,

Бир қанча вақт жимлик чўкди. Кейин командир ва старший офицер маслаҳатлаша бошладилар. Уларнинг маслаҳатига баъзан Анч аралашиб қўярди, бир марта рулевой ҳам алланарса деб гап қистирди.

Ярадор қимирлаб қолди, уйғонди ва бошини кўтариб, уларнинг гапига қулоқ солди. Старший офицер қутулиш учун икки йўл бор деди: биринчиси — энг зарур вақтларда қўлланиладиган буюкни махсус люк орқали денгиз юзига чиқариш — бундай қилинганда совет пароходлари буюкни кўриб қолиб, бу ерга говвосларни юборишлари мумкин; иккинчиси — жанговар рубкани сув бостириб, ўша ердан сув ости парашютлари, яъни ҳаво тўлдирилган кичкинагина баллонлари бўлган маскалар ёрдами билан бир ёки икки кишини денгиз юзига чиқариш. Қароқчиларда шу хил маскалардан иккита бор эди. Шу маска ёрдами билан сув бетига чиққан кишилар сув ости кемасининг экипажини қутқаришга ҳаракат қилиши лозим.

— Яхши,— деди командир.— Маскаларни текшириб, жанговар рубкани сув бостиришга тайёрланг. Юқорига жаноб агент билан сиз чиқасиз.

Сув ости кемасининг командири жаноб агент деб, Анчни айтаётган эди.

— Бу вақт ичида,— деб давом этди у,— мен жаноб агентга йўл-йўриқ кўрсатаман.

Командир билан Анчнинг марказий бошқарув постидан командир каютасига чиқиб кетганлари эшитилди. Бир неча минутдан кейин ундан командирнинг жони чиқиб сўкингани эшитилди. У марказий бошқарув постига қайтиб кирди ва старший офицерга, каютадан муҳим ҳужжатлар — қўмондонликнинг шифрли инструкциялари солиб қўйилган пакет йўқолибди деди. \*

Лекин ҳужжатнинг қаёққа ғойиб бўлганини суриштириб ўтиришга қароқчиларнинг вақти йўқ эди. Командир ҳужжатларнинг шифрли эканини, бундан ташқари, уларнинг сув ости кемасидан ташқарига чиқиши мумкин эмаслигини ўйлаб, хотиржам бўлди.

— Маскалар тайёр, рубкага сув очиб юборса ҳам



бўлади,— деб рапорт берди старший офицер.— Маскаларни кийишга рухсатми?

— Олдин каютангизни бир қараб чиқинг!

Старший офицердан алланарсани сўрамоқчи бўлди шекилли, ярадор унинг каютага киришини кутиб бошини кўтарди. Лекин савол беролмай қолди. Марказий бошқарув постида тўппонча овози эшитилди, айти вақтда аллаким гурсиллаб полга йиқилди. У одам йиқилаётиб боши билан эшикка келиб ўрилди, уни очиб юборди-да, Люда билан ярадор ётган каютага зинадан судралиб тушди. Бу старший офицернинг мурдаси эди.

Ярим очиқ турган эшик орқасидан яна ўқ овози эшитилди, у ерда ҳам аллаким йиқилди. Ярадор ўрнидан ирғиб турди, ўтириб олди ва кўзларини ола-кула қилиб қоронғиликка тикилди.

— Иш битди!— деган командирнинг овози эшитилди.— Кўрсатмага мувофиқ, биз сафаримизни бутунлай сир сақлашимиз лозим. Сув ости кемасига биз энди қайтиб келолмаймиз: қўмондонлик бегона сувларга яқин бу ерда кемани сув остидан чиқариб олмайди.

— Энди нима қилишимиз керак? — деб қуруққина қилиб сўради Анч.

— Йккаламиз ўзимиз билан килиперботни ҳам юқорига олиб чиқишимиз лозим. Бу ердан олтмиш беш миля нарида бизнинг сув усти базамиз сузиб юрибди. Улар билан учрашадиган жойга етиб олишимиз зарур. Маскани кийинг, у бошингизни беркитади, ҳаво тўлдирилган кичкинагина баллон эса нафас олишга имкон беради ва сув тагидан отилиб чиқишингизни тезлатади. Эсингизда бўлсин, биз саксон беш метр чуқурликдамиз. Бундай чуқурликда ўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Юмшоқ скафандр кийган ғоввосларни, кўпинча ўлимга олиб борадиган кессон касалидан сақлаб қолиш учун бундай чуқурликдан тўрт соатда кўтариб оладилар. Биз шиша оғзидаги пробка сингари бир неча секунд ичида отилиб чиқамиз. Бу чуқурликда сув босими саккиз ярим атмосфера, бизнинг кемамиздаги босим эса оддий босим. Демак, бизнинг организмимиздаги босим ҳам оддий босим. Бизни худди мана шу нарса қутқариб қолиши керак. Энг муҳими — рубкага сув бостириб кирганда унда кўп туриб қолмаслик керак. Биз бир зумнинг ўзидаёқ юқорига чиқиб олишимиз зарур, бунинг учун мен рубкада ҳаво босимини ошириб юбораман.

— Клипербот-чи? — деб сўради Анч.

— Биз унга эшкакларни боғлаб қўямиз, у кетимиздан сув юзига чиқади.

— Ҳар эҳтимолга қарши биз кийимларимизни ўзгартириб олишимиз керак,— деди Анч.— Мен соқол ёпиштириб олай.

Улар яна бирпас ул-булга овора бўлиб ғивирлашди-да, ниҳоят жанговар рубкага чиқишди. Анч у ердан қиз билан ярадор ўтирган каютага кирди.

Анч ярадор билан сўзлашди — унга яхши ишлагани, юнгани жуда усталик билан илинтиргани учун ташаккур билдириб, сўзининг охирида бундай деди:

— Сиз яхши ёрдамчи эдингиз, сиздан ажраб кетаётганимга ачинаман. Лекин ёлғиз қолмаслигингиз учун мана бу қизни сизга ҳамроҳ қилиб қолдираман, бошлигимизга сизни миллат қаҳрамони сифатида ҳалок бўлди деб айтишга ваъда бераман. Ярадор ундан ўзини ҳам бирга олиб кетишини илтимос қилди, умр бўйи Анчнинг содиқ хизматкори бўлиб қолишга ваъда берди.

— Афсуски, қўлимизда фақат иккита маска бор, бундан ташқари, биз ярадор одамни эплай олармидик.

Ярадор дилхасталикка тушиб қолди, у ҳеч нарсани эшитгиси келмай, фақат уни қутқаришни ялиниб сўрарди.

Командирнинг овози эшитилди — у жосусни чақирарди. Анч ўгирилиб қизга қаради.

— Хайр энди, яхши қиз, энди сиз билан ортиқ кўришмаймиз,— деди у, рус тилида.— Сиз дўстларингиз тақдири билан қизиқувдингиз шекилли? уларнинг гўштини мен сизга совға қилмоқчи бўлган қисқичбақалар аллақачон еб кетишган.

— Рус тилида сўзлаб ўзингизни ортиқ қийнамай қўя қолинг,— деб жавоб берди Люда, Анчнинг она тилида.

Кутилмаган бу янгиликдан Анч бир чўчиб тушди: «Демак бу қиз унинг олдида бўлган бутун гап сўзларга тушуниб юрган эканда!».

У қизга еб юборгудек бўлиб олайиб қаради-да, мушт кўтарди. Лекин тоқати тоқ бўлган командир уни яна чақириб қолди.

Жосус каютадан отилиб чиқиб кетди. Марказий постда телефон жиринглар, лекин ҳеч ким трубкани олмасди. Машина бўлимидан командирни чақаришаёт-

ган эди, лекин командир Анч билан бирга марказий пост билан жанговар рубка ўртасидаги сув ўтказмай-диган тўсиқни беркитаётган эди.

Улар буни рубкада ҳаво босимини ошириш учун қилмоқда эдилар.

Ярадор бир қанча вақт аллақандай беҳуш чўзилиб ётди, лекин кўп ўтмай эсини йиғиб олди.

— Энди бир-биримизни алдаб ўтиришнинг ҳожати йўқ,— деди у, қизга.— Энди иккаламизнинг ҳам тақдиримиз бир. Имоним комил, у иккаласи, биздан олдин сув юзига чиқмасданоқ ҳаром қотишади. Улар шу ернинг ўзидаёқ бир-бирини отиб ташларди-ю, лекин ҳа-зирча бир-бирларига керак.

Жанговар рубкада шовқин эшитилди. Кейин яна жим бўлиб қолди. Сув ости кемаси чайқалиб кетди — демак, жанговар рубкага сув бостириб кириб, ундаги сиқилган ҳаво очиқ люкдан икки одамни юқорига отиб юборди. Девор орқасида аллақандай пишиллаган, қул-қуллаган овозлар эшитилди. Люда, қаердадир, тепада ўз қўл остидаги одамларни ўз ҳолига ташлаб, жонини асраб қолишга ҳаракат қилаётган икки одамнинг гавдаси қалин сув қатлами орасидан юқорига отилиб чиқиб кетаётганини тасаввур қилди.

— Ярадор ҳам қулоқ солиб турди, кўринишдан, у аллақандай даҳшатли хабардан кўрқиб кетгандек эди. Кейин ҳушидан кетиб ёстиқдан пастга сурилиб тушди. Лампочкалар тобора сўниб борарди, кўп ўтмай Люда қоп-қоронғида лампочкада сал қизариб қолган чизиқни кўрди. Ёруғлик берадиган аккумулятордаги охириги энергия запаси тугаган эди. Люда қизил чизиқдан бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолди. У соатни лампочкага яқин тутди-да, бир амаллаб, соат бешдан ўттиз икки минут ўтганини билиб олди.

Марказий бошқарув постида телефон тўхтовсиз жирингларди.

## II 606

### АНЧОУС

Рулевой Андрей Камбала бир қўлида рулни ушлаб турар, иккинчи қўли билан эса, йўғон қилиб ўралган сигарани эзғилар ва табиатдаги ҳар хил ўзгаришлар

тўғрисида фалсафа сотарди. Мана, масалан, хамса, одатда бу балиқни куздан то баҳоргача овлайдилар, ёзда эса у кетиб қолади, афтидан, Урта денгизга кетса керак. Лекин бу йил хамса галалари жуда барвақт пайдо бўлди. «Колумб» кумуш бошли ва устининг қизил-кўкишлиги билан селдга ўхшаб кетадиган минглаб майда балиқларга тўлиб кетган эди. Соколинйлик балиқчиларнинг шаландалари кечадан бери саёз ерларга тўр ташлаб, тушган балиқларни шхунага ортидилар.

Андрий бугун жуда сергап бўлиб кетган — уни билмаган одам, у ростдан ҳам эзма йигит экан деб ўйларди. Лекин унинг гапдон бўлиб қолганига сабаб бутунлай бошқа нарса эди. Рулевой ўз ўртоқларини — скипер билан мотористни — қайғули фикрлардан холи қилмоқчи эди. Андрийнинг хафалиги дўстлариникидан кам эмасди, лекин у ўзига янги иш топди — Стах билан Левкони овунтира бошлади; ана шу вазифани бажара туриб, у ўз ғамини ҳам енгиллаштиришга уринарди.

— Бир марта, — деяр эди у, — каттакон, чорак метр келадиган хамса пайдо бўлиб қолди.

Бошқа вақт бўлганда-ю, Стах Камбаланинг ёлгон сўзлаётганини дарҳол очиб ташлаган бўларди-я — бундай катта хамсани ҳали ҳеч ким ҳеч вақт кўрмаган, — лекин ҳозир у индамай қўя қолди. Андрий эса давом этди:

— Ушанда бу ердан француз пароходи ўтиб борарди. Нима учундир бизнинг оролимиз тўғрисида келиб тўхтади... Сувга қайиқ тушириб, соҳилга чиқдилар...

Стах ҳамон жим турарди. Одатда рулевой ўша пароход тўғрисида гап бошлаганда ҳар сафар скипер пароход французларники эмас, балки испанларники эди, соҳилга уларнинг қайиғи келган эмас, балки балиқчиларнинг ўзлари пароход олдига боргандилар, деб унинг гапини тўғриларди. Лекин бугун, кўринишдан, ҳеч ким Андрийнинг гапига қулоқ солмасди. Рулевой штурвални айлантириб юборди, папиросини тортди, йўталиб қўйди-да, яна гапида давом этди:

— Ушанда улар қовуриш учун хамса олдилар, хамсани эса чоус деб атадилар.

— Анчоус десанг-чи! — деб жаҳл билан унинг сўзини тўғрилади Левко, мотор устидан узоқларга тикилиб.

— Анчоус деб, тўғри, анчоус деб! — унинг гапини

илиб кетди Андрей, ўртоқларидан лоақал биттасини гапиртирганидан хурсанд бўлиб.

Стах эса ҳамон индамасди.

— Ана ўша анчоуслар, мен сизга айтсам, ўзи арзон балиқ бўлса ҳам, шундай...

— Марко балиқ қовуришга жуда уста эди-да,— деб кўйди секингина Левко, ҳеч кимга ўгирилиб ҳам қарамай, кейин бошини қўйи солди.

Андрей довдираганча бир мотористга, бир шкиперга қаради ва ожизлик билан киприкларини пирпирата бошлади. Очерет туришини ўзгартирмади, шунинг учун у Левконинг сўзини эшитдими-эшитмадими ажратиб бўлмасди. Моторист қўлига латта олди, мотор устига энгшиб, алланарсани арта бошлади. Бирдан шамолда елкан ҳалоплаб қолди. Эрталабки шамолдан кейин шхуна ҳам, мотор ҳам елканлар ёрдами билан сузиб келаётган эди. Шкипер осмонга қаради ва ниҳоят овоз берди:

— Шамол ўзгаряпти. Рулевой — диққат!

Кейин у кеманинг тумшуқ тарафига ўтди-да, бинокль билан денгизни кўздан кечира бошлади.

Эрталабки кучли шамолдан кейин денгизда ҳамон кўпик сачратиб тўлқинлар ўйнаб юрар, лекин улар энди унчалик баланд отилмасди. Осмонда сийрак булутлар сузиб юрар, қуёш қаттиқ қиздирмоқда эди.

— Ҳой йигитлар! — деб қичқирди шкипер. — Сўл тарафдан қайиқ келяпти — кўрдингларми?

Рулевой билан моторист шкипер қўлини чўзиб кўрсатаётган тарафга ўгирилиб қарашдилар. Улардан нарироқда тўлқинлар орасида каттакон қайиқ чайқалиб юрарди. Унда икки одамнинг қораси кўзга ташланарди, одамлардан бири байроққа ўхшаган алланарсани боши тепасида силкитмоқда эди.

— Кўйлагини эшкакка илиб силкитяпти,— деб тушунтирди шкипер ўртоқларига ва рулевойга буюрди:— ўнгга бур! Қайиқ олдига бор!

Елкан яна ҳалоплади, лекин шхуна маневр қилишга вақтни бекор ўтказиб ўтирмай мотор кучи билан сузиб бораверди. Стах елканни туширди. Қайиқдагилар шхуна улар ёнига келаётганини тушуниб ясама байроқни силкитмай қўйдилар.

Шхуна қайиққа яқинлашиб борган сари Стах Очерет, тобора диққат билан ўша тарафга қарарди. Мото-

рист билан рулевой бўлса унга ҳайрон бўлиб қарар ва ҳаваслари келарди. Уртоқлари экипаж ихтиёрида фақат битта бинокль борлигига ачиниб қолдилар.

— Ҳой, «Колумб»дагилар!— деган овоз эшитилди қайиқ тарафдан.

Андрей билан Левко бир-бирларига қараб олишди. Қичқирган одамнинг овози уларга танишдек туюлди. Қайиқдаги одамларнинг қорасига тикилиб қолиб, Андрей рулни эсидан чиқариб қўйди, шхуна эса тўғри йўлдан оғиб, иланг-биланг қилиб суза бошлади.

— Руль! — деб қичқирди Стах Очерет.

Рулевой кемани тўғри йўлга солди, лекин худди шкипер билан моторист сингари у ҳам кўзини қайиқдан узолмасди.

Қайиқда бир йигитча билан бир қиз турарди. Ниҳоят Андрей уларни таниб қолди. Бу Марко Завирюха билан Зоря Находка эди.

— Моторни ўчир! — деган қичқириқ эшитилди қайиқдан.

«Бутун экипаж»нинг ўз вазифасини бунчалик тамом унутиб қўйиши «Колумб» тарихида ҳеч кўрилмаган эди. Шкипер команда бермади, командасиз ҳам кемалар олдига қандай яқинлашиш кераклигини яхши билган моторист эса, ҳатто мотор олдида ҳам турмади, рулевой эса, гўё қайиқни таран қилмоқчи бўлаётгандек тўппа-тўғри унинг устига бостириб борарди. Бу сафар юнга команда берди. Левко мотор олдига ташланди-да, уни ўчирди. Андрей рулни буриб юборган эди, шхуна қайиқ ёнидан сузиб ўтиб кетди. Шкипер қўлига крюкни олиб у билан қайиқ бортини илиб олишга зўрға улгурди ва уни шхуна орқасидан тортиб кела бошлади.

Худди шу пайт Марко «Колумб»га сакраб чиқди ва тўппа-тўғри Левко билан Андрейнинг қучоғига тушди. Шкипер крюкни қўлидан қўймай, қайиқни шхуна билан ёнма-ён қилиб тортди-да, Зоряга қўлини узатди. Юнга билан қизча жуда ҳолдан тойиб қолишган, кийим-бошлари ниҳоятда титилиб кетган эди. Марконинг боши билан қўлида қон қотиб қолганди. Лекин иккаласи ҳам бардам ва хурсанд кўринарди.

— Энди анчоусларнинг бир метрли бўлишига ҳам ишонаман!— деди Стах, Андрейга.

Марко оғзининг танобини қочириб илжайганча, даставвал овқат беришларини сўради.

— Ҳозир анчоус қовурамиз,— деб жавоб берди унга Андрей.

— Кутиб туrolмаймиз,— деди юнга.

— Левко нон, редиска, чўчқа ёғи олиб қўйди, лекин шундай бўлса ҳам Андрей балиқ қовуришга киришиб кетди.

Шхунани тўхтатиб қўйдилар. Ҳаммалари Марко билан Зоря колумбчиларнинг озиқ-овқат запасларини покидан тушираётган комбуз олдига жойлашиб олдилар, рулевой эса, кекса пазанда Махтей бобо ўргатгандай қилиб анчоус қовурадди.

Марко ўз саргузаштларини сўзлаб берди. У ҳамма бўлган гапларни бирма-бир қисқа қилиб айтиб берди ва сўзининг охирида ёниб чўкиб бораётган пароходдан қандай чиқиб олганларини ҳикоя қилди. Юнга қайиқда ётганча уларнинг қайиғи боғлаб қўйилган арқонлар кесиб ташланганини, демак, палуба сувга чўккандан кейин, қайиқ сув юзига қалқиб чиқишини эслабди. Чўкаётган пароход ҳосил қилган гирдоб қайиқни сув остига тортиб кетиш хавфи туғилибди. Лекин пароход шу вақтгача жуда секинлик билан чўкибди. Шунинг учун у тез чўкиб кетмаса керак, оқим унгача қайиқни ўша хавфли ердан нари суриб кетар деб умид қилишибди. Нима бўлганда ҳам қутулиб қолишнинг бирдан бир йўли шу экан. Агар ўзларини сувга ташлагудек бўлсалар, сув ости кемасидагилар уларни шубҳасиз кўриб қолиб, отиб ташлашлари турган гап экан, бундан ташқари чўкиб кетаётган кема қайиқдан кўра сувдаги одамларни тезроқ гирдобга тортиб кетган бўларди. Худди ана шундай бўлибди ҳам. Қайиқ ичида қимирламай ётибдилар, энди тутай бошлаган арқондан кўз узмабдилар, шунда бирдан самолётнинг гувиллагани эшитилибди.

«Балиқ разведкачиси» осмонга парвоз қилибди, учувчи билан штурман қутулиб кетибдилар. Энди улар ҳарбий кемаларга қароқчилар сув ости кемаси тўғрисида дарҳол хабар етказадилар. Бир минутдан кейин тутун ва иссиқдан бўғилаётган Марко билан Зоря алланарсанинг енгил қирсиллаб кетганини эшитибдилар. Афтидан, пароход чўкаётган бўлса керак деб ўйлашибди. Айни вақтда қайиқ бир ёнбошидан, иккинчи ёнбошига чайқала бошлабди. Қайиқнинг сув юзига чиққанини билибдилар. Марко бошини кўтарибди — унинг тепасида арқон тутаб ётганмиш. Қайиқ четидан

бошини чиқариб қарабди — қароқчи кўздан ғойиб бўлибди... Бир неча ўн метр нарида капитан кўприкчаси билан штурман рубкаси ёниб бўлай деб қолибди. Тутаб ётган арқонни дарров узиб сувга улоқтирибдилар. Қайиқда битта эшкак билан битта руль ётган экан. Зоря эшкакни, Марко эса бошқа эшкак ўрнига рулни қўлга олибдилар-да, қайиқни пароходдан нарига ҳайдай бошлабдилар.

«Антопулос» чўкиб кетганда, уларнинг қайиғи салгина чайқалиб қўйибди холос. Улар қоронғиликда қолибдилар. Узоқда прожектор ёруғини кўрибдилар, уни сув ости кемасининг прожекторлари деб ўйлабдилар. Кейин замбарак овозлари, портлаган товуш, сув остидан қандайдир гумбурлаган овоз ва ниҳоят яна бир марта самолёт моторининг гувиллаганини эшитибдилар. Уларнинг кўрган-билган нарсалари шу билан тамом бўлибди. Тонг отар пайт улар қасирғада қолибдилар. Рулни ўз ўрнига ўрнатиб, улар қайиқни доим шамолга қарши юргизибдилар.

Қуёш чиқиши билан, қасирға тинибди. Улар ухлаб олмоқчи бўлибдилару, лекин қайиқ тўлқинда қаттиқ-қаттиқ чайқалибди, бундан ташқари доим бирон-бир кема кўриниб қолмасмикан деб уфқдан кўз узмай қараб турибдилар.

Қайиқдан сув топибдилар, лекин ейдиган ҳеч нарса йўқ экан. Битта эшкак билан сузишолмабди. Марко уни байроқ дастаси ўрнида фойдаланиб, унга ўзининг кўйлагини илибди. Уша байроқ билан аллақандай бир кемага сигнал берибдилар, лекин у анча узоқдан ўтиб кетибди, уларга эътибор бермабди. Кўп ўтмай улар олдига «Қолумб» етиб келибди.

— Люда сув ости кемасида қолавердимиз?— деб сўради шкипер.

— Ҳа. Биз у билан қароқчиларнинг ҳамма саволларига тескари жавоблар бериб, уларнинг бошини қотираммиз деб келишиб олгандик. Умид қиламанки, бизнинг кемаларимиз аллақачон сув ости қароқчиси орқасидан тушган бўлсалар керак. «Балиқ разведкачиси» бугун кечаси юз берган воқиалардан уларни хабардор қилиши керак эди.



Уйкусиз ўтказилган тунлар ўз кучини кўрсатди. Кўп ўтмай Марко билан Зорянинг кўзлари юмилиб-юмилиб кета бошлади. Қизча қовурилган балиқдан емасданоқ ухлаб қолди. Марко балиқдан бир оз еб олдида, энди дунёдаги энг ширин нарса уйқу деганларига қўшиламан деди. Зоряни кўтариб рубкага олиб кирдилар ва унга иложи борича юмшоқ жой солиб бердилар. Марко гўё ўз ҳамроҳига қоровуллик қилмоқчи бўлгандек, остона тагига чўзилди. Ухлашдан олдин у қўйнидаги кўк пакетни олиб, рубка деворига михлаб қўйилган токчага, қўйди. Балиқчилар иккаласига ҳам яхши туш кўриб, маза қилиб ухланглар деди, лекин на Марко, на Зоря уларнинг бу тилаklarини эшитмадилар — қиз аллақачон ухлаб қолган, юнга эса бошини ёстиққа қўйишни биланоқ эшитиш ва кўриш қобилиятини бутунлай йўқотган эди.

Улар моторнинг яна гувиллаб ишлай бошлаганини, Левконинг хурсанд бўлиб шовқин сола бошлаганини, Лузани циркида от миниб ўйин кўрсатган акробат дельфин тўғрисида ҳикоя бошлаган Андрийнинг гапини тўғрилаб турган Стахнинг овозини эшитмадилар. Стахнинг тузатишлари шундан иборат эдики, циркдаги акробат дельфин эмас, тюлень эди, у отда эмас, балки ит қўшилган аравада ўйин кўрсатган эди. От устида эса ит ўйин кўрсатганди.

Гарчи «Колумб» Лузанига кетаётган бўлса ҳам, лекин энди шкипер йўлни бошқа тарафга буриб, Марко билан Зоряни Лебединий оролига олиб боришга ва сув ости кемаси билан Люданинг тақдири тўғрисида хабар беришга қарор қилди. Оролдагилар Марко билан Зоряни аллақачон ўлдига чиқариб юборишган эди, албатта. Шкипер билан унинг ўртоқлари Марконинг ота-онаси ўз ўғлини кўриб қанчалик хурсанд бўлишини жуда яхши билардилар. Қишлоқдагилар Зорянинг қутқариб олинганига ҳам роса хурсанд бўладилар, соколинийдагилар сўнгги вақтларда Зоряни жуда яхши кўриб қолишган ва уни меҳр билан «бизнинг Зоря Находка» деб аташарди. Тўғри, бу фамилия баъзи бировларга ёқмасди. Буни айниқса унинг фамилиясини ўзгартиришни неча марта таклиф этган Левко ёқтирмас эди.

Шуниси ҳам борки, бу фамилия расмий равишда қонунлаштирилмагани — Зелёный Камень сельсоветида Зорянинг исми-фамилияси ҳозир ҳам Ирина Яковлевна Ковальчук деб ёзилган. Лекин энди уни инспекторнинг қизи деб аташга ҳеч кимнинг оғзи бормасди. Унинг исми бор, энди қандай бўлмасин бирон-бир фамилияни шу яқин орада танлаб олиши керак эди.

Соколиний кўрфазига бориш тўғрисида гап очиб, шкипер, унга киришдан олдин тўппа-тўғри маякка бориб, Маркони уйига туширишни таклиф қилди. У юнгага навбатдан ташқари энг камида уч кун отпускаи беришга қарор қилди. Левко билан Андрей шкипернинг бу фикрига тамомила қўшилдилар.

Улар учаласи ҳам бир нарса — профессор билан учрашиш, унга қизи Люда тўғрисида ёқимсиз хабарни қандай қилиб айтишни ўйлаб қаттиқ ташвишда эдилар. Қизнинг бундан кейинги тақдири номаълум эди. Қиз тўғрисида гап очилганда Андрей кексалар сингари томоқ қирар, Стах йўталиб-йўталиб қўярди-да, жим бўларди; фақат Левко ҳали умидсиз бўлиш керак эмас деб ҳаммани ишонтиришга уринарди, эҳтимол, кемалар сув ости қароқчисига етиб олар ва ундан кейин...

— Ундан кейин уни чўктириб юборадилар, — деб ниҳоят унинг сўзини шартта кесди Стах Очерет.

Шундан кейин моторист ҳам қароқчиларни маҳв қилиш ва қизни қандай қилиб қутқариб қолса бўлади деб ўйланиб қолди. Лекин бирор йўл тополмади.

Кечқурун соат еттига яқин Стах шхунанинг бурун тарафига борди ва уфқда Лебединий ороли кўриниб қолмасмикан деб денгизни биноколь билан кўздан кечири бошлади.

Рубкадан Зоря чиқиб келди.

— Уйқунг келмаяптими? — деб сўради Левко.

— Ёмон туш кўрдим, — кулиб жавоб берди қиз. — Стах амаки қаёққа қараяпти?

— Оролимизни қидиряпти. У ҳадемай кўриниб қолиши керак.

— Оролга яқинлашиб келганимизда мени уйғотиб қўйинглар.

— Албатта, Зоренька!

— Бўлмаса мен яна ётиб ухлайман, — деди-да, қиз яна рубкага кириб кетди.

Бир неча минут ўтди. Шкипер нима учундир сўл бўртдан денгизга қараб қолди.

— У ёқда нима бор экан? Оролимиз шу тарафга кўчяптими?— деб ҳазиллашди Левко.

— Бундан беш минут олдин қараганимда ҳеч нарса йўқ эди,— деб жавоб берди Очерет,— энди эса иккита одам тушган қайиқ сузиб келяпти. Эшкак тортмоқдалар. Ким бўлди экан булар?

— Эҳтимол, яна битта-яримтасини қутқарармиз?

— Ўша лаънати сув ости кемаси шунча фалокат келтирган деб ўйлайсанми? Андрей қайиқ тарафга бур! Кўрдингми?

Кеч кирмоқда эди. Шамол бутунлай тиниб, денгиз тинчланди. Фақат ҳар замонда бир узоқдан гўё чайка қанот қоққандек, оқ кўпик кўриниб қўярди. «Колумб» бораётган йўлидан кескин бурилиб, қайиққа қараб сузди. Шкипер ҳайрон эди: соҳилдан шундай узоқ жойда кичкинагина эшкакли қайиқда сузиб юрган бу одамлар ким бўлиши мумкин! Бундан ташқари қайиқнинг ўзи ҳам ҳажм ва шакл жиҳатдан узоқ сафарга мутлақо ярамайдиган кўринади.

Шхуна яқин борганда унинг қайиқ эмас, балки клипербот экани равшан бўлди. Клиперботдаги одамлар шхуна улар томон келаётганини сезиб қолдилар-да, унинг қаршисига эшкак торта бошладилар. Улардан бирининг узун қора соқоли бор эди. Бошқасининг соқоли қирилган, фақат бурни тагида жиндаккина малла мўйлови кўринарди. Биринчисининг бошида денгизчилар формасини эслатовчи қора фуражка, бошқасининг бошида эса, тўқ жигар ранг юмшоқ чармдан қилинган шлём. Эҳтимолки, шунинг учун бўлса керак, улардан биринчиси денгизчига, иккинчиси эса — учувчига ўхшарди. Учувчи калта дастали кенг эшкакни тортарди. Соқоллиги эса шхуна билан дуч келганига на қувонмай, на ҳайрон қолмай ва на мамнун бўлмай «Колумб»га қараб турарди, колумбчилар эса кемани кўриб улар жуда хурсанд бўлишса керак деб ишонган эдилар. Стах Очерет моторни ўчиришни буюрди, мотор шовқини тиниб шхуна сузишини секинлатди. Соқолли киши эшкак тортаётган шеригига алланарсалар деб шивирлагач, униси қайиқни шхунанинг бортига олиб келди, соқолли киши қўл силкади-да:

— Салом, ўртоқлар!— деб қичқирди.

Унинг овози Левкога танишдек туюлди, лекин у соқолли кишини қаерда ва қачон кўрганини эслай олмади.

— Бундай кемада қандай сафарга кетяпсизлар?— деб сўради Стах.

— Ишимиз сал чатоқ бўлиб турибди,— деб жавоб берди соқолли киши, кетидан сизлар қаёққа кетяпсизлар деб сўради.

— Лебединий оролига.

— Биз Лузанига боришимиз керак.

— Лебединийдан Лузанига жўнаймиз.

— Бизнинг самолётимизда авария бўлди.

— Балки уни сув ости кемаси ҳалигидай қўлган-дир?..— деб қизиқиб сўради Андрей.

— Сув ости кемаси тўғрисида нималарни биласиз? — деб чўчиб сўради соқолли киши.

— Сизлар «балиқ разведкачиси»дан бўласизми? — деб қичқирди Стах.

Соқолли киши бош чайқаб қўйди, лекин саволига жавоб бермади. Қўли билан шхуна бортига ёпишди-да:

— Бизни ҳам олиб кетасизлар-да, энди,— деди.

— Марҳамат,— деб жавоб берди Стах, соқолли кишининг кемага чиқиб олишига ёрдамлашар экан.— Шу бу-гун денгиздан иккита танишимизни топгандик.

Соқолли киши қовоғини солди ва Стахнинг сўзларига кулоқ солар экан, уни зимдан кузатиб турди. Кейин юзида хурсандликдан ҳайрон бўлганини билдирувчи ифода пайдо бўлди-да:

— Қани улар?— деб сўради.

— Ухлаб ётишибди,— деб шкипер рубка томонни им-лаб кўрсатди.

Соқолли киши учувчига боши билан имо қилди, шундан кейин у ҳам шхунага чиқди.

— Соҳилдан узоқдамизми? — деб сўради соқолли киши.

— Ҳадемай Лебединийга етамиз.

Буни эшитиб соқолли киши ҳайрон бўлгандай, учувчига қараб қўйди, лекин ҳеч нарса демади. Бу орада Левко уларнинг иккаласига ҳам қараб Марконинг ёғоч оёқли учувчи тўғрисидаги ҳикоясини эслади, лекин бу иккаласидан биттасининг ҳам оёғи ёғочдан эмасди. Бундан ташқари соқолли кишининг овози унга жудаям та-ниш эди.

Бу ўртада шкипер резина қайиқни тортиб олишни таклиф этди.

Соқолли киши ўртоғига қараб, кескин бош силкади, бу билан у шеригига аллақандай сигнал берди. Унинг бу ҳаракати Левкони хавотирга солди, шундан кейин у аллақандай бир балони олдини олишга тайёрлангандек бутун эс-ҳушини бир жойга тўплади, лекин вақт ўтган эди. Иккала нотаниш киши деярли баравар чўнтақларига қўл солиб тўппончаларини чиқардилар. Икки марта ўқ узилди.

Шкипер гандираклаб кетди-да, чалқанча йиқилди, рулевой эса тиззаларини букиб, юзи билан палубага йиқилди ва йиқила туриб, ўнг борт олдида ётган пақирни денгизга тушириб юборди.

Левко қароқчилар устига отилди. Лекин уни:

— Қимирлама жойингдан, отаман!— деган қичқириқ тўхтатди.

Ниҳоятда қайнаб келган ўринсиз мардликни ақл-идрок енгди-да, Левко тўхтади. Қуролсиз якка кишининг иккита тўппончалик кишига қарши курашиши бемаънилик бўлар эди. Бундан ташқари улар орасидаги масофа ҳам шундай узоқ эдики, душманлари олдига етиб боргунча бир эмас, тўрт марта ўқ ейиши турган гап эди. Левко ҳар хил фикрга борди. У ҳозир кураш учун пайтининг ноқулайлигини тушунди-да, қулай пайт келишини кутиб туришга аҳд қилди.

— Қайт орқага!— деб қичқирди унга қора соқолли киши.

У чекинди.

— Орқангни ўгир!

Левко босқинчиларга орқа ўгириб рубка тарафга қараб турди. Худди шу пайт рубкадан Марко, унинг кетидан эса Зоря чиқиб келдилар.

— Қўлингни кўтар!— деб қичқирди Анч.

Ўқувчилар қора соқолли кишининг Анч эканини аллақачон тушуниб олгандилар.

Марко шошилмай қўлини кўтарди. Левка ҳам худди шундай қилди.

— Чиқларинг рубкадан!— деган буйруқ бўлди.

Марко бир қадам олға юрди; унинг кетидан қўлини кўтариб Зоря чиқди.

— Огоҳлантириб қўяй: қимирлаганингни отамиз,— деди Анч ва кўзини асирлардан узмай, қароқчилар

сув ости кемасининг командири билан сўзлаша бошлади.

Левко жосусни унинг кўз қараши ва хатти-ҳаракатларидан эндигина таниди. Демак, сув ости кемаси шу ўртада экан. Наҳотки уларни ўша кемага олиб кетишса? У уфққа кўз югуртира бошлади, лекин унинг қаршисидда бўм-бўш денгиз ястаниб ётарди. На сув ости кемаси, на бирон пароход, на биронта елкан кўринмасди.

Босқинчилар ўзаро бир неча оғиз сўзлашиб олгач, шхуна марказидан ўзларига жуда қулай жойни эгаллаб олдилар, асирларга эса борт олдида ёнма-ён туришни буюрдилар. Панжаларини бир-бирига чирмаштириб бошларини орқасига қилиб туришни буюрдилар. Асирларнинг бундай туриши босқинчилар учун хавфсиз эди, чунки асирлар қўллари билан бирон-бир ҳаракатни тез қилолмасдилар. Бундан ташқари, кўзлари тўғрисига келиб қолган тирсаклари бир-бирларини кўришга ҳалақит берарди.

Босқинчилар Марко билан Зоряга нафрат ичида ҳайрон бўлиб қараб туришарди — улар болаларни чўкиб кетган деб ўйлашганди-да, ахир. Эҳтимол, ҳозир Анч қизининг профессор Ананьевни заҳарлаб ўлдиришга йўл қўймаганлиги тўғрисидаги охириги сўзларини эслагандир. Агар балиқчилар жосус билан қароқчи нима тўғрида сўзлашаётганларини тушунсалар эди, ўзларига ҳозирча жуда зарур бўлган бошқа икки асирни қўрқитиб қўйиш учун Зоря буйруқни сал бузиши биланоқ уни дарҳол отиб ташлашга келишиб олганларини тушунган бўлар эдилар.

Жосус асирларга ва ўзининг револьверига маънодор қилиб қараб-қараб, гапини калта қилди.

— Бизга сизларнинг шхунангиз, керак,— деди у.— Сизлар бизни очиқ денгизга, биз буюрган жойга олиб борасизлар-да, эртага шу вақтда озод бўлиб, ўз Лебединий оролингизга ёки хоҳлаган жойингизга қайтиб кетаверасизлар. Бизга моторист билан рулевой керак. Лекин билиб қўйинглар: сал бўлса ҳам гапимизга кирмасангиз, дангасалик қилсангиз, бирон-бир шубҳали ҳаракат қилгудек бўлсангиз — ўша заҳотиёқ шартта отиб ташлаймиз. Ўзаро гаплашмайсизлар, бир-бирингизга қарамайсизлар, ишдан бўш вақтингизда бизга орқа ўгириб ва қўлингизни бошингиз орқасига қилиб турасизлар. гап шу.

Асирлар унинг сўзини индамай туриб эшитдилар ва ўзлари билан тўппончалар орасидаги масофанинг қанчалигини мўлжаллаб қимир этмай туравердилар. Афсуски, оралиқдаги масофа тўсатдан ҳамла қилиб, босқинчиларнинг устига ташланишга ва уларнинг қўлидан қуролларини тортиб олишга имконият бермасди.

— Шхунада қурол борми?

— Йўқ,— деб жавоб берди Левко.

Қароқчи билан асирларни шу аҳволда қолдириб, Анч рубкага кирди-да, уни кўздан кечира бошлади. Кўп ўтмай унинг шодликдан қийқириб юборгани эшитилди. У палубага кўк пакет кўтарган ҳолда чиқиб келди, бу пакетнинг сув ости кемасининг командири ўз каютасидан сира тополмаган эди.

Пакетни ундан ҳам хурсанд бўлиб кетган қароқчига бериб, Анч Марко билан Зоряга ўгирилди:

— Қайси бирингиз бундай эпчил эканингизни бир билсам бўларди?

На юнга, на қиз унга жавоб бермадилар.

— Ужарлигингизни яхши биламан,— деди Анч, бирпас жим тургандан кейин — шунинг учун аниқ билмоқчиман: ишлайсизларми ёки икковингизни ҳозирнинг ўзидаёқ отиб ташлайликми? Саволимга навбат билан жавоб беринглар. Энг олдин моторист жавоб беради. Мотор олдида ишлайсизми ё йўқми?

— Бир шарт билан,— деб жавоб берди Левко,— ярадор ўртоқларимни кўздан кечиришга ва, агар улар тирик бўлса, уларга ёрдам кўрсатишга рухсат беришингиз керак. Бўлмаса — отаверинглар.

Моторист ҳозирча босқинчиларга қаршилик кўрсатишнинг ҳеч ўрни эмас, деб ўйларди. Унинг ўлими ҳеч қандай фойда келтирмаган бўларди. У ярадорларнинг тақдирини билишни, кейин эса, қулай пайт келиши биланоқ, босқинчиларга қарши кураш бошлашни истарди.

— Хўп,— деб жавоб берди Анч,— бундан кейин ҳам ўзингизни шундай оқилона тутарсиз деб умид қиламан... Юнга-чи?

— Мен ҳам худди ўша шарт билан розиман,— деб қовоғини солиб жавоб берди Марко.

— Нима ҳам дердик, жуда хурсандман,— деди захарханда билан жосус, йигитчага очиқдан-очиқ ишончсизлик билан қараб.— Хўш, Находка?

Находканинг исмини у ғазаб билан ва энсаси қотиб айтди.

Қиз бортнинг энг четида турар ва бу сафар шхуна билан денгизни диққат билан кўздан кечиарди. У ҳеч нарса демади, Анчга бир қараб қўйди-ю, шарт орқасига ташланиб, ўзини сувга отди. Деярли бир вақтда икки марта тўппонча отилди ва: «Қимирлама!» деган қичқириқ эшитилди. Босқинчилар устига ташланиш учун ўзини олға отган Левкониинг ҳаракатини кўриб қолган Анч шундай деб қичқирган эди. Қароқчи борт олдига югуриб келди-да, пастга қаради. У қизни кўрмади, қизча сув тагига ғойиб бўлган эди, лекин у на ўлмаган ва на ярадор бўлмаган бўлиши керак — чунки у ўзини шхунадан денгизга шундай тез ташладики, узилган ўқлар унга етолмагани аниқ. Малла соч қароқчи қизни ўлдириш учун унинг сув тагидан чиқишини кутиб турарди. Тўлқинлар орасидан қизнинг боши кўрингунча деярли бир минут вақт ўтди. У қароқчи асло кутмаган жойдан чиқиб қолди, шунинг учун қароқчи ўқ узишга икки-уч секунд кечикди. Қизча ўзини дарров сув тагига урди, лекин ўқ худди унинг боши кўринган жойга бориб урилди, қизга теккан бўлиши ҳам ажаб эмасди.

Ярим минут ўтгандан кейин Зоря яна худди ўша жойда кўринди. Бу сафар у бошини чиқармай, фақат оғзи билан ҳаво олди-да, дарҳол яна шўнғиб кетди. Шундай бўлса ҳам босқинчилар унга тўрт мартадан ўқ узишга улгурдилар. Кетма-кет отилган ўқлар сувни сачратиб юборди, агар қизча ҳали ҳам ўша ерда турган бўлса, бу ўқлар шубҳасиз унинг бутун баданини илма-тешик қилиб юборган эди.

Моторист билан юнга нималар бўлаётганини кўрмасдилар, шунинг учун ҳар бир ўқ ўзилганда Зоря энди ўлди деб сакраб тушардилар. Иккаласи ҳам қизнинг нега бундай қилганини сира тушунишолмасди, чунки унинг қочиб қутулиши мумкин эмас, қароқчилар ҳатто унга ўқ узмасданоқ моторни ишга солиб юбориб ҳам қувиб етишлари ёки тўғридан-тўғри устига бостириб бориб чўктириб юборишлари мумкин эди. Қароқчиларнинг шунчалик кўп ўқ ўзганлари ҳам уларни ҳайрон қолдирди: бу қароқчиларнинг мўлжалга уролмасликларини кўрсатарди.

Шундан кейин Зорянинг боши ортиқ денгиз юзиде кўринмай қолди. Орадан беш минут ўтди. Денгизни диққат билан кўздан кечириб, қизчани на шхуна яқинидан,



на узоқдан тополмадилар. Энг уста сузувчилар ҳам сув остида шунча вақт турулмаган бўларди. Унинг шундай ёруғ кунда денгиз юзида кўзга кўринмай қолиши ҳам мумкин эмасди. Босқинчилар қизча ўлди ёки оғир ярадор бўлиб чўкиб кетди деган хулосага келдилар.

Зоря энди уларни қизиқтирмай қўйди. Анч мотористга мотор олдига, Маркога эса руль олдига туришни буюрди. На Левко, на Марко, жойларидан қимирламадилар.

— Ваъдангизни унутиб қўйдингизми?— деб қутуриб ўшқирди жосус.

— Сиз ҳам унутиб қўйдингиз,— деди Левко.

— Ҳа-а-а!— деб ваъдасини эслади жосус.— Моторист бориб мурдаларни кўздан кечириши мумкин.

Левко дарҳол шкипер олдига бориб, унинг устига энгашди. Стах қонга беланиб ётарди. Ўқ уни тиккасига тешиб ўтган экан. Левко умрида ярадорларнинг ярасини боғламаган эди, лекин кўкракнинг ўнг тарафи яраланганини кўриб, эҳтимол, шкипер ҳали умр кўрар деб ўйлади, у бир амаллаб шкипернинг ярасини боғлади-да, уни рубкага олиб кириб қўйди. Анч сўкина ва мотористни шоширарди. Шошилишга мажбур эдилар. Левко шкипернинг ярасини боғлаш билан банд экан, жосус Марко-ни Андрийни кўздан кечиришга юборди...

Рулевой ҳам қимир этмай ётар, лекин унинг атрофида қон кўринмасди. Марко уни узоқ кўздан кечиргач, ниҳоят қулоғи орқасида қотиб қолган жиндай қонни кўрди. Афтидан, ўқ Камбаланинг калласига теккан ва уни тил тортдирмай ўлдирган эди. Лекин қўлини унинг кўкрагига қўйиб, Марко Андрийнинг юраги ураётгандек туюлганини сизди. Шундан кейин у унинг бошини кўтарди-да, ярани диққат билан кўздан кечирди. Ўқ қулоғини тешиб ўтиб бошига теккан экан, лекин яра чуқурмиди ёки йўқми — кўриб бўлмасди. Анч шоширарди. Марко рулевойнинг ўлик ёки тирик эканини аниқ билолмади, бироқ унинг тирик эканига деярли ишонч ҳосил қилиб, Андрийни чаққон рубкага судраб олиб кирди.

— Ўлибдими?— деб сўради Анч.

Юнга бош силкиб қўйди.

— Денгизга ташлаб юбор бўлмаса!

— Биз уни кўмамыз.

Анч бунга ҳеч нарса демаса ҳам истеҳзоли тиржайиб қўйди.

Беш минутдан кейин моторист моторни ишга солди, Марко эса руль олдида туриб, шхунани жануб тарафга бурди.

Қуёш ботиб борарди. Узоқда, деярли уфқда бир тутун кўринди. Шхунадагилардан биттаси ҳам бунинг Соколинский кўрфазига қайтиб кетаётган «Буревестник» эканини билмасди.

«Колумб», Зоря ҳеч қутилмаганда ҳалок бўлган жойни ташлаб кетди. Фақат Андрий Қамбала йиқилаётиб денгизга тушириб юборган ва ҳозир сув юзида сузиб юрган пақиргина ўша фожианинг жонли гувоҳи бўлиб қолди.

#### IV боб

### Ж А Н У Б Г А

Анч билан қароқчилар сув ости кемасининг командирини сиқиқ ҳаво денгиз юзига бир минутга ҳам етмай чиқариб ташлади. Босими саккиз атмосфера бўлган жойга бирдан чиқиб қолгач, уларнинг қулоқлари шанғиллаб, бошлари ғувиллаб кетди; нафас олиш қийинлашиб қолди, лекин сув ости парашюти уларни юқорига жадал кўтарди, шундан кейин ташқи босим борган сари озайиб борди. Парашют маскалари босимни янада камайтирди ва бу билан қулоқ пардасини ҳимоя қилди. Сув остида оз вақт бўлганларидан Анч билан командир говвослар учун катта офат бўлган кессон касалидан сақланиб қолдилар.

Гап шундаки, жуда кучли босим натижасида қон говвос нафас олган ҳаводаги азотни эрита бошлайди. Агар говвосни тез тортиб олинса, ташқи босим тўсатдан ўзгаради, азот бирпасда қондан ажралади-да, қон қайнаб, қуюқлашиб қолади. Азот қанча кўп ажралса, касалнинг оқибати шунча ёмон бўлади. Агар говвос қирқ метрдан чуқурроқ сув тагида бир қанча вақт бўлса, ва уни дарров сув юзига чиқариб олсалар, унинг оғзидан, бурнидан, қулоқларидан қон кетиб, қулоқ пардаси йиртилиб, кейин ўлади. Говвосни бундай пайтда фақат дарҳол чуқур сув тагига тушуриб, кейин бир неча соат мобайнида секин-аста чиқариб олиш билан, ёки ҳавони сиқиқ, босимни сунъий равишда оширадиган махсус декомпрессацион

камерага киритиш йўли билан сақлаб қолиш мумкин. Бундай қилинганда говвос кучли огриқдан кейин соғайиб кетиши мумкин.

Жосус билан қароқчининг сув ости кемасидан сувга чиққан пайтлари, яъни атмосфера босими оддий бўлган жойдан саксон беш метр қалинликдаги сув тагига тушган пайтлари айниқса қўрқинчли эди, лекин уларнинг парашютлари юз метрли чуқурликка мўлжалланган эди, худди ана шу уларнинг соғ қолишларига гаров бўлди.

Улардан кейин енгил эшаклар боғлаб қўйилган клипербот юқори отилиб чиқди. Унга ҳали дам берилмаганди. Агар унга дам бериб, ичига ҳаво тўлдирилган бўлса, сув босими уни ёриб юборган бўларди. Резина қобиқ фақат сиқиқ ҳаво билан дам берилган бўлсагина сув босимига дош бера олган бўларди, лекин у ҳолда клипербот юқорига чиқиши биланоқ, бомбадек ёки, тажрибасиз гидробиолог ўз драгаси билан юқорига олиб чиққан, чуқур сув тагида яшайдиган балиқ сингари пақ этиб ёрилиб кетган бўларди.

Денгиз юзига чиқишлари анча енгиллик билан ўтган бўлса ҳам, дастлабки вақтда Анч ҳушидан кетиб қолди. Бир вақтлар, гарчи, унчалик чуқурликдан бўлмаса ҳам, сув тагидан шу усулда юқорига отилиб чиқишини машқ қилиб ўрганган малла соч командир дарҳол жосус олдига сузиб келди-да, уни ҳушига келтирди.

Дастлабки минутда улар атрофда биронта ҳам кемани кўрмадилар. Лекин клиперботга дам бериб, унга чиқиб олганларидан кейин Анч, тахминан бир миль жойда сузиб бораётган балиқчилар шхунасини кўриб қолди ва қулоғининг шанғиллашига қарамай моторнинг овозини эшитди. Кўпроқ одам бўлган бирон бир кемага учраш уларнинг планида йўқ эди. Улар ўзларини сездириб қўймаслик учун шхунадан нарига сузиб кета бошладилар.

Қароқчи командир ўзларининг қаерда эканликларини Анчга айтиб беролмасди — чуқур сув тагида портлайдиган бомбага тутилганларидан кейин сув ости кемасида лаг билан курсограф бузилиб қолганди. У йўлни фақат компасга ва чуқурликни кўрсатувчи асбабга қараб мўлжаллаган эди. Қароқчи қўёшга қараб ўзларининг қаерда эканликларини аниқ белгилаб олиш учун шхунанинг парироққа кетишини кутиб турди. Бунинг учун у ўзи билан зарур асбоблар солинган кичкинагина қутичани олиб чиққан эди.

Шхуна йўлини ўзгартириб улар тарафга келаётганини кўргач, қароқчилар ҳаяжонга тушдилар. Лекин уларнинг сув ости кемаси билан алоқадор эканликларини кўрсатадиган биронта ҳам далил йўқ эди. Шунинг учун ўзларини ҳалокатга учраган кемадаги одамлар деб танитиш тўғрисида келишиб олдилар, қароқчи командир эса кўрққанидан эси оғиб, тилдан қолган денгизчи ролини ўйнаши керак эди. Умуман Анч оғзига келган бирор баҳонани топиб айтишга ва ўзини ўшанга қараб тутишга тайёр ҳолда шхунани кутиб турди. Жосус, «Колумб»ни таниб қолгандан кейин дарҳол командирга бу шхунанинг экипажи уч-тўрт кишидан иборат, уни қўлга киритишга ҳаракат қилиб кўриш ҳам мумкин деб шипшитиб қўйди. Улар кемага чиқишга ва пайт пойлаб ундаги одамлардан иккитасини отиб ташлашга, қолганларини эса шхунани очиқ денгизга буришга, ўзларининг база пароходлари келадиган жойга қараб ҳайдатишга мажбур қилишни келишиб қўйдилар.

Марко билан Зорянинг пайдо бўлиши уларни жуда ташвишга солиб қўйган, ҳатто кўрқитиб юборган бўлса ҳам, қароқчиларнинг умидлари деярли тўла амалга ошди. Лекин қароқчилар шошилишарди, шу сабабдан юнгадан қандай қутулиб қолганини сўраб ўтирмадилар ҳам. Қизча эса энди аниқ ҳалок бўлган эди. Бошқаларни ҳам худди ўшандай тақдир кутарди — на жосус, на қароқчи ўз жинойатларининг гувоҳларидан биронтасини ҳам тирик қолдириш ниятида эмасдилар.

Шхуна катта тезлик билан жанубга қараб сузиб борарди. Анч агар моторист ёмон ишлагудек бўлса, турган ўрнида қотишини ва умуман ориқ ёруғ дунёда юрмаслигини билдириб қўйди. Қароқчи командир юнганинг олдидан жилмасди. Икки кишининг ишини назорат қилиб туриш босқинчилар учун қулай эди, лекин улар асирларга ишониб бўлмаслигини билишарди. Ўзларини кутилмаган ҳамладан ҳоли қилиш учун улар моторист билан рулевонинг оёғини боғлаб қўйишга қарор қилдилар. Бунинг мотористдан бошладилар ва унинг оёғини икки қават арқон билан маҳкам боғлаб ташладилар.

Асирларни малла қароқчининг ўзи боғлади; унинг бундай ишларга суяги йўқ эди. «Тажрибали боцмандан қолишмайди-я», деб ўйлади Левко. Энди моторист мутлақо ожиз бўлиб қолганди: у тугунларни ечиб ташлаёлмасди. Бу тугунларни фақат кесиб ташласа бўларди, лекин

у доим ёнида олиб юрадиган катта қайирма пичоқни қароқчилар олиб қўйишганди.

Маркони ҳозирча боғламадилар. Қороқчи руль олдида турди, юнгани эса шхунадаги балиқларни денгизга ташлаб юборишга мажбур қилдилар. Қароқчилар юкнинг кўплиги «Колумб»нинг тезлигини пасайтиради, бундан ташқари палубага уйиб ташланган балиқ унда бемалол юришга ҳалақит беради деб ўйлардилар. Ярим соатлик ишдан кейин палуба анча бўшаб қолди. Маркони яна руль олдига қўйдилар. Рулевой моторист сингари ўтирмай, руль олдида туриши керак эди; шунинг учун унинг оёқларини от оёғини тушовлаган сингари тушовлаб қўйдилар. Марко ҳатто секин-аста юриши ҳам мумкин эди.

Қуёш ботгандан кейин босқинчилар енгил нафас олдилар. Қоронғиликда шхунадаги чироқларни ёқмай, ўзларини тамомила ҳавфсиз ҳис қилдилар. Шу аҳволда йўл юрилса, ўзларини билдирмай, тўқнаш келган ҳар қандай кема олдидан ҳам ўтиб кетса бўларди. Осмонда дастлабки юлдузлар кўриниши билан қароқчи командир шхунанинг қаердалигини аниқ белгиламоқчи бўлди. Буни кўриб Марко ҳаяжонга тушди. У зарур бўлган ҳисобларни қилиш учун малла соч рубкага кирса керак деб ўйларди. У ерда, рубкада эса ярадор шкипер олдида деярли соппа-соғ Андрий Камбала ётарди. Унинг рубкада нима қилаётганини ким билади дейсиз. Марко Андрийни жуда кўрқоқ йигит деб ҳисоблар, лекин балиқчи энди қароқчилар билан ҳисоб-китоб қилишдан чўчимас деб умид боғларди. Шубҳасизки, Андрийнинг ўрнида Левко, Стах ёки ҳатто Марконинг ўзи бўлганидами — қароқчининг рубкага киришидан фойдаланиб унинг миясини пачоқлаган бўлар эдилар. Бунинг учун жуда бўлмаса ёнғинга қарши ишлатиладиган асбоб-ускунлардан фойдаланиш мумкин эди. Ана ундан кейин эса, тўппончани тортиб олиб ва рубка ичида худди қалъага яшириниб олгандек беркиниб, улар Анчни ҳам бир ёғлиқ қила олган бўлар эдилар. Марко руль ва шхунанинг юриши билан унчалик иши бўлмай қароқчининг қачон рубкага киришини кутиб, уни зимдан кузатиб турди. Анчнинг жаҳл билан ўшқирганини эшитиб юнга ўз вазифасини бажаришга киришди. Бу орада қароқчи астрономик кузатув ишларини тугатди ва ҳисобга киришди. Лекин, афтидан, ўлган ва ярадор бўлган балиқчилар олдида ишлашга кўнгли бўлмади шекилли, у кичкинагина рубкага кирмади. Ўзининг қилган

ҳисобидан малла қароқчи жуда мамнун бўлди. Юнга буни унинг жосус билан сўзлашиш оҳангидан сизди. Босқинчилар ҳар қанча хурсанд бўлишса арзирди, чунки кутаётганлари база-пароход билан учрашишга олтиетти соат қолган эди.

Марко қароқчилар шхунани қўлга туширгандан кейин нима учун жануб тарафга қараб кетаётганларни билишга уринар эди. Дастлаб у қароқчилар яна ов қилиш мақсадида денгиз юзига чиқишган бўлса керак, энди шхунани чўктириб юбориб, одамларни эса яна тергов қилиш учун асир олишган деб ўйлади. Йигитча доим сув ости кемасининг пайдо бўлишини кутиб турди. Лекин бир неча соат ўтди-ю, сув ости кемаси кўринмади, қароқчилар эса ҳамон жануб тарафга ошиқишарди.

Юнга Анч билан малла қароқчи қандайдир бир сабаб билан сув ости кемаси командасидан ажралиб чиққан деган қарорга келди. Эҳтимол, сув ости кемаси шу тарафда, жанубда бирон-бир жойда тургандир, шунинг учун улар худди ўша томонга ошиқишаётгандирлар. Лекин Марко бунга шубҳа қиларди: сув ости кемасининг командири ўз кемасини нечук ташлаб кетди экан? Бунинг учун фавқулодда бирор сабаб юз берган бўлиши керак. Йигитча сув ости кемаси аварияга учрагандир деган фикрга келди-ю, Люда тўғрисида ўйлаб кетди. Бундай тахминдан боланинг юраги орқасига тортиб кетди. Қиз уларнинг мақсадини сув ости кемасини маҳв этишнинг бирон-бир йўлини топиб амалга оширгандир, лекин шундай қилган бўлса, унинг ўзи ҳам ҳалок бўлгандир. Ҳар ҳолда унинг қаердалигини билиш керак. Марко Анч унинг олдига келганда:

— Менга қаранг, Люда Ананьева қаерда?— деб сўради.

Жосус ҳар сафаргидай йигитчага сурбетлик билан бошдан-оёқ бир қараб чиқди-да, истеҳзо билан тиржайиб жавоб берди:

— Сизни ёқимтой қизча Люданинг тақдири қизиқтирадими? Айтиб беришим мумкин: агар доим ўз вазифангизни бажонидил бажарсангиз, саволингизга рейснинг охирида жавоб бераман.

Анч юнгага, орқа ўгириб, икки қадам нари юрди, кейин яна қайтиб келди ва истеҳзо билан кулиб ҳамда қўлидаги револьверини маҳкам ушлаганча унинг олдида турди.

У Маркони яхши билганидан, юнга ҳатто боғланган бўлса ҳам ундан чўчиб турарди, лекин сафарнинг охирида унинг пешонасига тўппончасини тираб: «Ҳозир сиз, мулла йигит, азиз Людангиз олдига меҳмонга борасиз» дейишини ўйлаб ўзига далда берарди.

Денгиз қоронғилик қучоғига ғарқ бўлганди. Лекин бугун кечагидек жуда ҳам қоп-қоронғи эмасди. Янги туққан ўроқсимон ой ғарб тарафда ялтиллаб турар ва милтиллаётган юлдузларнинг ёруғига бир оз ёруғ қўшарди. Қароқчилар командири деярли ҳар ўн минутда Левко билан Марко олдига келар, моторнинг иши билан йўлнинг тўғри-нотўғрилигини текшириб турарди. У ҳар замонда бир рулевойнинг ишини қўл ҳаракати билан имо қилиб тўғрилар, йўлдан четга чиқиб кетгудай бўлса, ўз тилида унга алланарсалар деб тўнғилларди. Марко ўз олдида Левконинг орқасини, рубкани ва кўринишдан, унга кирмоқчи бўлаётган Анчни кўриб турарди. Лекин Анч рубкани очмади — уни шу пайт қароқчи командир чақириб қолди. Малла қароқчи жосусга денгиздаги алланарсани кўрсатди. Марко ҳам ўша тарафга қаради. Узоқда, улар кетаётган тарафда қизил, ундан бир оз сўлроқ ва баландроқда — иккита устма-уст оқ чироғ кўринарди. Аллақандай пароход шатаги билан уларнинг йўлини сўл тарафдан ўнгга кесиб ўтиб борарди. Босқинчилар бир неча оғиз сўзлашиб олдилар. Бу учрашув уларни ташвишга солмас эди, албатта.

Кейин Анч Левко олдига келди. Марко улар ўртасида бўлиб ўтган гапни яхши эшитиб олди.

— Мен ярадорларни бир кўрмоқчиман, — деди моторист. — Эҳтимол, унга ёрдам бериш, ярасини қайтадан боғлаш ёки сув ичириш керакдир.

— Бу мумкин, — деб жавоб берди Анч. — Мен ҳозир у ерга кирай, кейин сизга ҳам рухсат этаман.

Бу сафар Анч эшик дастасини ушлаб, уни ўзига тортди, лекин эшик очилмади. Жосус у қаттиқроқ ёпилиб қолгандир деб ўйлаб, қаттиқроқ тортди. Эшик очилмади. Кейин у эшик дастасини икки қўллаб ушлаб тортди, лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Жосус шошиб қолди. Марко жосуснинг юзини кўрмасди, лекин унинг ҳаракатлари ишончсиз бўлиб қолганини ҳатто қоронғида ҳам кўрса бўларди. Демак Андрий рубкани ичидан ёпиб олиб, ўша ерда ўтирар эди. Нима қилмоқчи экан у? Марко рубканинг тузилишини биларди. У икки қават йўғон,

ўн сантиметрлик ходаларда қилинган эди. Рубкани унинг илгариги хўжайинлари шундай қилиб қўришганди. Дуб қурир, хўл бўлар ва тобора мустақкамлашиб борарди. Тўғри эшик ундан кўра икки ҳисса юпқароқ эди, лекин ичкарисиди жуда пишиқ темир бандлари бор эди. Агар унга, айтайлик, рубкадаги ёнғинга қарши асбоб-ускуналар орасиди турган ломни тикиб қўйилса, уни ҳатто болта билан ҳам бузиш осон иш эмасди. Энди фақат иллюминатор қоларди, лекин у шундай тор эдики, гарчи унинг ойнасини уриб сиңдирилганда ҳам бош суқиб бўлмасди. Лекин Андрийнинг қилган ишини чиндан ҳам мардона иш деб ҳисобласа бўларди — қароқчилар уни худди ўша иллюминатордан шартта отиб ташласалар бўларди, ваҳоланки унинг ўзи бу аҳволда босқинчиларга ҳеч қандай зарар етказолмасди.

• Анч эшик олдидан нари кетди ва қароқчи командир олдига келиб, у билан алланарса тўғрисида гаплаша бошлади. Гарчи бу ерда уларнинг тилини ҳеч ким тушунмаса ҳам, ўзаро жуда секин гаплашардилар. Афтидан, ёпиқ эшик босқинчиларни ташвишга солиб қўйганди.

Марко қароқчилар дарҳол рубкага қараб ўқ бошласалар керак деб кутган эди. Шундай қилсалар шкипер ўлим хавфи остиди қоларди. Лекин ҳеч ким ўқ узмади. Қароқчи командир эшикни ичкаридан ёпиқ эканига шахсан ўзи қаноат ҳосил қилиш учун эшик олдига келди, уни тортиб кўрди, кейин эса ингичка металл арқон билан ташқари тарафдан эшикни маҳкам боғлай бошлади. Бу вақт Левко ўгирилиб қаради ва уларнинг рубка олдиди нима қилишаётганини тушунмай:

— Ярадор олдига қачон киргизасизлар мени?— деб сўради.

— Сизнинг ярадорингиз айтарли оғир аҳволда эмасга ўхшайди,— деб жавоб берди Анч.— У рубканинг ичкарисидан эшикни ёпиб олиб бизни ҳам ичкари киргизмаяпти.

Юнга қароқчиларнинг нима учун ўт очмаётганларига тушунолмади.

Қароқчилар шунинг учун ўт очмадиларки, Зоря Находкани аёвсиз ўққа тутганларидан кейин уларнинг револьверларида фақат биттадан ўқ қолган эди. Улар ўқларни эҳтиёт қилишарди.



## ТҮЛҚИНЛАР ОРАСИДАГИ ПАҚИР

Шхуна жануб тарафга тез сузиб борарди. Қароқчилар шхунани босиб олган жойда салгина занглаган каттакон қора пақиргина қолди. У тўнтарилган ҳолда, тўлқинлар орасида енгил чайқалиб сузиб юарди. Уни балиқчилар палуба ювиш, каустик сода эритиш, балиқ ташиш ва бошқа заруратлар учун кўп йиллардан бери ишлатиб келарди. Қисқаси, у балиқчиларнинг бошқа хил пақирларидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмас эди.

Икки юз метрча наридан уни деярли кўз илғамай қолди, босқинчилар унга ҳеч қандай аҳамият бермадилар ҳам. Лекин пақирга диққат билан қараган киши, албатта, қизиқиб қолган бўларди. У одатда сув ичида тўнтарилиб ётадиган пақирларга қарганда сув тагига анча кўпроқ чўкиб турарди. Унинг тагидан аллақандай бир куч гўё уни тик ҳолда туришга мажбур қилаётгандек, одатдагидан кўра камроқ чайқалар эди.

Ҳаво тинч вақтларда сув юзида сузиб юрган нарса-ларга қараб, оқимнинг йўналиш ва тезлигини доим белгилаш мумкин. Диққат билан пақирга қараган киши, унинг «Колумб» жойида турган вақтда пақирнинг ҳам қимирламай, турганини, лекин шхуна жойидан жилиши билан пақирнинг ҳам суза бошлаганини сезган бўларди. Пақир, гўё уни бирдан оқим оқизиб, шимол тарафга сузиб кета бошлагандек, қарама-қарши тарафга сузиб кетди. Кейин пақир қимирлаб қолиб, сув тагидан бировнинг боши кўринди. Шхунанинг анча узоқлашиб кетганидан тинчланган сузувчи сув юзига чиққанди. Бу Зоря Находка эди.

Палубада Марко ёнида, қўлини боши орқасига тутиб турар экан, қизча дастлаб шхунадан қочиб кетмоқчи эмасди. Лекин Анч унга бир қараб қўйганида, у ўзининг ўлим хавфи остида қолганини сезди, шундан кейин унинг мияси яшин тезлигида ишлай бошлади: босқинчилар қўлидан қандай қилиб қутулса бўлади, қочиб кетишнинг қандай иложи бор экан? Рубкадан чиқиб келаётгандаёқ Зоря шхунадан тушиб кетган пақирни кўриб қолган эди. Левконинг Лебединий ороли яқин деганини эслаб, у қароқчиларга билдирмай лип этиб ўзини сувга ташламоқчи ва оролга сузиб кетмоқчи

бўлди. Лекин бунга қулай вақт бўлмади — қароқчилар ўз асирларидан кўзини узмай кузатиб турардилар. Эҳтимол, у қочиш кетиш учун қулай пайтни узоқ кутган бўларди, лекин Анч унга мурожаат қилганда, қиз унинг кўзларида ўзининг маҳкум этилганини кўрди. Қиз бундан кейин нима қилишини ўзи ҳам билмагани ҳолда ўзини сўл бортдан денгизга ташлади.

Сувга тушиб олгандан кейин Зоря шхунадан сал нарига сузиб боришга, сув юзида бир кўриниб, кейин эса сув тагидан яна орқасига қайтиб келишга қарор қилди. Нафас олиш учун сув юзига бир чиқиб, у яна дарров шўнғиди: уни ўққа тутмоқда эдилар. У ўша турган жойига чуқурроқ шўнғиди, босқинчилар уни энди нарироқдан чиқишини кутишади деб ўйлади. Шунинг учун қароқчилар уни то мўлжалга олиб бўлгунларича, у яна нафас олишга улгурарди. Мўлжали тўғри чиқиб, у сал кейинроқ узилган ўқлардан ўзини сақлаб қола билди.

Учинчи марта шўнғигандан кейин у сув остидан сузиб келган йўлидан орқага қайтиш, «Колумб»нинг кили тагидан шўнғиб ўтиш ва шундан кейингина бошини сув тагидан чиқариш мақсадида орқага қайтди. Зорядек уста сузувчига ҳам бу иш, анча хавфли эди. Унинг олдида шхуна килининг билинар-билинемас қораси кўринганда қиз нафаси қайта бошлаганини сизди. Унинг жуда ҳам оғзини очгиси келди, лекин бир қултум сув ютса бас, ўзининг сув юзига бутунлай чиқмай қолишини яхши биларди. Зоря охирги кучларини йиғиб боши шхунанинг тагига тегай-тегай деган ҳолда яна сузиб кетди. Қизча худди бортнинг тагигинасида сувдан бошини чиқарди. Нафасини ростлаб олгунча бир минутча вақт ўтди. У сув устида бундан ортиқ қолишдан қўрқди. Ҳар он қароқчилардан бири бортдан энгашиб қараши ва уни кўриб қолиши мумкин эди. Ундан икки метр нарида пақир чайқалиб турарди. Сув тагига шўнғиб, кейин пақир тагига кириб олиш кераклигини, шундай қилса, пақирни тик ҳолда ушлаб туриб, уч-беш минутгача кўринмай, яшириниб туриш мумкинлигини Зоря биларди. У худди шундай қилди ҳам. Бир неча йил у пақир билан ва пақирсиз, сув устида ва сув тагида сузишни машқ қилганди. Бунга уни ҳеч ким мажбур этмаган, шунингдек ҳеч ким ҳалақит ҳам бермаган. Бу ишнинг у жуда машқини олиб олганди. Агар у яхши тренер қўли-

га тушса, вақти билан ундан сув спортининг жуда яхши мастери етишиб чиққан бўларди.

Пақир унга ғоввослик қўнғироғи ўрнини босди. Лекин у нафасини пақир ичига эмас, балки сув тагига чиқарарди, ана шунинг учун пақир ичидаги ҳаво миқдори камайса ҳам, ундаги карбонат ангидриднинг миқдори ортмади. Бундай вақтларда гавдани сув тагида ушлаб туриш энг қийин иш бўлади. Қизча машқ қилган вақтларида, пақир билан жуда чуқурга шўнғиса, оёқларидаги ботинкалари тагига қўрғошин қўйиб оладиган ғоввослар сингари бирор оғир нарса кўтариб оларди. Сув устидаги пақир тагига кириб сузадиган вақтларида эса, Зоря оёқларини тик тутишга ҳаракат қиларди.

Зоря пақир ичидаги ҳавонинг унга узоқ вақтга етмаслигини тушунарди. Шунинг учун у пақир тагида қимирламай туришга ҳаракат қилди. Уч минутчадан кейин у, ўз «ғоввослик қўнғироғи»ни ташлаб, сув тагидан шхунанинг қўйруқ тарафига сузиб келди, бошини чиқариб, тоза ҳаводан нафас олди ва шхунадагиларнинг гап-сўзларидан уни чўкиб кетди деб ўйлаётганларини билиб олди. Кейин ўзининг пақири тагига қайтиб борди. Қиз уни чаққон тоза ҳавога тўлатиб олди-да, яна унинг тагига яшириниб, шхунанинг жўнаб кетишини кута бошлади. У шхунанинг жўнаб кетишини ҳам кутар, ҳам бундан қўрқарди. Уни винт уриб юбориши, шхуна борти пақирни туртиб, ағдариб кетиши, ниҳоят қароқчилардан бирининг пақирни тортиб олгиси келиб қолиши мумкин эди. Лекин Зорянинг бахтидан бўлиб, булардан биронтаси ҳам юз бермади. Шхуна унга тегмасдан жўнаб кетди. Қиз эса пақирнинг бандига маҳкам ёпишиб олди-да, уни тўлқинлар орасида қимирлатмай ушлаб турганча, сув тагидан чиқмади. Ниҳоят, нафаси тикилгандан кейин, қиз сув юзига чиқди ва пақир орқасига яшириниб, шхунадан нарига қараб сузиб кетди.

Денгизда ноқулай ва жуда ҳам ишониб бўлмайдиган пақирдан бошқа биронта ҳам қутқарувчи нарсасиз ёлғиз ўзи қолгандан кейин, Зоря ўзини йўқотиб қўйди. Унинг на резинка ёстиғи, на пўкак белбоғи йўқ эди, энг муҳими эса, соҳилга чиқиш учун қайси тарафга қараб сузишини билмасди. Левконинг гапига қараганда соҳил яқин эди, аммо, ҳатто шхунада турган вақтида ҳам, у уфқда оролни кўролмади. Қуёшга ва шхунанинг қаерга қараб кетаётганига қараб мўлжал олишга тўғри

келди. Шхуна ҳеч шубҳасиз оролдан узоқлашиб сузиб кетаётган эди, қуёш эса, ғарбнинг қайси тарафдалигини кўрсатарди. Қиз шимолга қараб сузиш лозим эди, лекин шимолнинг қай тарафда эканини у аниқлай олмасди.

Ваҳоланки ғарб тарафга сал бўлмасин оғиб кетгудек бўлса, унинг йўли етмиш-саксон километр, шарқ тарафга зиғирдек оғиб кетгудек бўлса, қирқ-эллик километр ортиб кетиши мумкин эди. Қиз шундай суза бошладики, қуёш унинг чап тарафидан нур сочиб турди. У шу тарафга қараб сузиб бораверса, соҳилга етгунча бир юз йигирма километр сузиши лозимлигини билмасди. Бундай узоқ жойга сузиб боришга эса дунёдаги энг уста сузувчининг ҳам кучи етмаган бўларди. Лебединий ороли унинг йўлидан сал четда қоларди ва у оролни кўрмасдан, албатта унинг ёнидан ўтиб кетган бўларди.

Зоря бирпас дам олиш учун сув устига чалқанча ётиб олганда, қуёш уфққа бош урган эди. Бошидан кечирган саргузаштларидан чарчагани ўз таъсирини кўрсатмоқда эди. Қиз ўзининг куч-қуввати бундан уч кун илгаригига қараганда анча камайиб қолганини, шунинг учун уни асраши кераклигини ҳис қиларди. Орқаси билан сув устида ётиб, у юқорига кўм-кўк осмонга қарарди, шунда у бирдан иккита оқ чайқани кўриб қолди. Қушлар кундузи ов қилиб энди, денгиздан соҳилга қайтиб кетмоқда эди. Улар пастланмай, юқориланмай, ҳеч қаёққа оғишмай тўғри учиб борардилар; кўринишдан, улар ўз инларига ошиқмоқда эди. Булар Лебединий оролидаги чайкалар бўлса ҳам ажаб эмас. Баландликдан улар оролни кўриб, тўғри унга қараб учиб боришарди. Зоря қушларнинг кетидан қараб қолди. Қизнинг уларга ҳаваси келди — қушлар уни тез орқада қолдириб боришарди. Қушлар кетидан қараб турар экан, қиз уларнинг у сузиб кетаётган тарафга учиб кетмаётганликларига эътибор қилиб қолди.

Зоря чайкалар кетган тарафга суза бошлади. Кўп ўтмай қушлар кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейин у қуёшга қараб йўл мўлжаллаб суза бошлади. Лекин ўз йўли билан қуёш ўртасидаги зарур бўлган бурчакни аниқ белгилаш унга қийин эди. Бундан ташқари қуёш кўп ўтмай ботиб кетди. Шунинг учун энди у ойга қараб мўлжал олишга мажбур бўлди. Лекин ой осмон гумбазида сузиб борарди. Фақат элдузлар чарақлаб чиққач,

Зоря улар орасида Қутб юлдузини қидириб топгандан кейин аниқ мўлжалга эга бўлди-ю, энди тўғри йўлдан оғишмайман деб ишонч ҳосил қилди.

У ҳар замонда бир бошини кўтарар ва осмондаги барча нарсалар атрофидан айланиб ўтадиган, қимирламай турган кичкина ёруғ нуқтага қараб қўярди.

Осмон тиниқ ва кўринишдан булут билан қопланмоқчи ҳам эмас. Лекин, афсуски, бу фақат шундай туюлар эди холос. Агар Зоря об-ҳаво масалаларини Стах Очерётчалик тушунганда эди, қуёш ботгандан кейин осмонга қараб, қисқа, лекин кучли шамол қўзғалишини олдиндан билган бўларди.

Қиз брасс усулида, яъни, «қурбақа сузиш» қилиб, чарчаб қолмаслик учун секин-аста сузиб борарди.

Тун кира бошлади. Юлдузлар чарақлаб кетди.

Зоря, гўё Қутб юлдузигача сузиб бормоқчи бўлаётгандек, кўзини ундан узмай, ўша юлдуз томон суза берди. Бирпас дам олиш учун сув устига чалқанча ётиб олган вақтларида у юлдузлар билан тўла осмонга қарамас, кўзини чирт юмиб ётганча бирор пароходнинг ёки балиқчиларнинг овози эшитилиб қолмасмикан деб жим қулоқ соларди. Лекин унинг қулоғига тўлқинларнинг шувиллашидан бошқа ҳеч қандай овоз эшитилмасди, қизчанинг назарида эса, дунёда унинг ўзи билан денгиздан бошқа ҳеч нарса йўқдек, вақт жуда секин ўтаётгандек ва тўлқинлар унинг қулоғига ўзларининг англаб бўлмайдиган ҳикояларини тўхтовсиз шивирлашаверадигандек туюларди. Кейин у ўгирилиб олар ва яна сузиб кетарди. Ниҳоят тўлқинлар кўтарилла бошлади, кўп ўтмай шамол қизни қувиб етди, осмонда эса юлдузларни ва ойни сўндириб аллақандай тутун оқиб кела бошлади. Шундан кейин денгиз устини қора парда тўсиб келаверди. У юлдузларнинг юзини тўсиб, қоронғиликни қуюқлаштирди.

## VI боб

### Қ А С И Р Ғ А

Ез ойлари момақалди роқ кўп бўлади. Қуруқликда момақалди роқ кўпинча кечқурун соат уч билан олти ўртасида бўлади. Лекин денгизда улар кўпинча кечаси бўлиб ўтади. Метеорологлар буни кечаси сув тепаси қу-

руқликдагига қараганда иссиқроқ бўлиши билан изоҳлайдилар. Денгиз устидаги ҳаво, сувга нисбатан тезроқ совийди, бу эса атмосферада вертикаль ҳаракатни кучайтириб юборади, натижада сув буғлари юқорида тўпланиб ерга жала бўлиб ёғади. Момақалдиروқнинг қандай пайдо бўлиши ҳали муфассал ўрганилган эмас, лекин денгизчилар момақалдироқ доим ўзи билан бирга қасирға — ҳаво тўзони бошлаб келишини билладилар. Қасирға тўсатдан ҳамла қилиб, сувни тўлқинлантириб юборади, елканларни йиртиб ташлайди, жуда кўп талофат етказадиде, тез ўтиб кетади. Момақалдироқ билан келадиган қасирға кичкина елканли кемалар учун хавфли, лекин ҳар ҳолда, бўронга нисбатан кучсизроқ бўлади. Қасирға вақтида шамол етти баллга, яъни шамолнинг энг тезлиги секундига ўн беш метрга етади, бўрон эса секундига йигирма метр тезликдан — тўққиз баллдан бошланади.

Қасирға «Колумб» тепасига тўсатдан бостириб келди. Ҳавонинг ўзгаришини олдиндан биладиган бирдан-бир одам — Стах Очерет, — рубкада оғир ярадор ҳолда ётарди. Лекин команда аъзоларидан биронтаси ҳам, бундан, аҳтимол, Андрий Камбала мустасно эди, унинг ўлик ёки тириклигини билмасди. Лекин «Колумб» қасирғада қолишидан олдин шхунанинг тезлигини сусайтириб қўйган бир ҳодиса юз берди. Қоронғиликдан фойдаланиб, Левко босқинчиларга сездирмай алланарсани бузиб қўя олди, шундан кейин мотор тарақ-туруқ қилиб баъзан ишламай қолди. Қароқчилар командири биринчи бўлиб моторнинг нормал ишламаётганига эътибор берди, шундан кейин Анч нима гап ўзи деб сўраб қолди. Левко мотор ифлосланиб кетган, агар тозаланмаса кўп ўтмай «Колумб» бутунлай тўхтаб қолади деб жавоб қилди. Анч унга ҳозир отиб ташлайман деб дўқ қилди, лекин Левко моторни тозалаш учун бир соатдан ортиқ вақт кетмайди дегандан кейингина тинчланди. Моторист дарҳол моторни тозалаш тўғрисида буйруқ олди. Моторнинг ифлосланиб қолгани тўғрисидаги баҳона босқинчиларга шубҳали туюлди, шунинг учун улар Левкони жон деб денгизга ташлаб юборишга ҳам тайёр эдилару, қароқчилар командирининг ўзи моторларни анча яхши тушунса ҳам, малакаси бўлмаганидан, мотор тозалаш билан эрталабгача овора бўлиши турган гап эди.

Бир қанча вақтга қароқчилар командири ўрнини Анч эгаллади, командир эса шхунанинг сузишини тезлатиш учун йўловчи шабададан фойдаланиш мақсадида «Колумб»нинг елканларини кўтариш билан банд бўлди. У фок елканини кўтарди, кливерни тортди ва Маркога қандай бошқариш кераклигини кўрсатиб, Левконинг ишини кузатиб туриш учун унинг олдига кетди.

Шхуна зўрға-зўрға олға сузиб борарди, кўринишдан, мана ҳозир тўхтаб қсладигандек туюларди. Марко Левконинг қилган ишини фикран маъқуллади, моторист шхунанинг сузишини тўхтатиб қўйиш учун жўрттага мотор билан ўралашиб ётганини у яхши тушунарди. Уларнинг иккаласи ҳам ишларининг яхши натижа беришига умид қилмасалар-да, шхунани қандай қилиб бўлмасин ушлаб қолишга ва қароқчиларнинг буларга номаълум, лекин шубҳасиз жиноий планларини барбод қилиш тўғрисида ўйлардилар. Кейин эса, эҳтимол, бирон-бир пароход билан ёки бошқа бирор кема билан учрашиб қолишар, товуш бериб унинг диққатини ўзларига тортишар. Марко агар шундай пайт келиб қолса, гарчи оёқлари боғланган бўлсада, ўзини албатта денгизга ташлашга аҳд қилиб қўйди.

Анч рубка олдига келди-да, қулогини эшикка тутиб тинглай бошлади. Жосусни ярадорнинг эшикни шундай маҳкам ёпиб олгани ҳаяжонга соларди. «Эҳтимол, унинг бирон-бир қуроли бордир,» деб ўйларди жосус. Револьверида охириги ўқ қолганини ҳисобга олиб, Анч Стахнинг яраси жуда ҳам енгил эмас деб ўйлашига қарамай, унга қарши актив кураш бошлашга журъат қилолмасди. Очеретни ўзи отганди, йиқилиб ётганида қонга беланганини ўз кўзи билан кўрган. Шунинг учун ҳам унинг ўлишига қаттиқ ишонарди. Шхунани қўлга киритганларидан кейин Анч диққат билан рубкани кўздан кечирган эди. Рубкадан ҳеч қандай қурол топмади, лекин ёнғинга қарши асбоб-ускуналар: ўт ўчиргич, лом ва икки болта кўргани эсида эди. Соғ киши бундай қурол билан қароқчиларга маълум даражада хавфли эди. Оғир ярадордан эса қўрқмаса ҳам бўларди. Ичкарига қулоқ солар экан, Анч Очеретнинг қай аҳволда ётганини аниқламоқчи бўларди.

Икки минутгача жосус ҳеч нарса эшитмади. Ниҳоят рубкадан шитирлаш эшитилди — ичкарида аллаким сурилиб юрар ва алланарса деб шивирларди, лекин эшик-

нинг қалинлигидан сўзларини англаб бўлмасди. Наҳот-ки шкипер алаҳлаётган ёки ўзи билан ўзи сўзлашаётган бўлса? Рубкадаги одам алланарсаларни ҳикоя қилиб бераётгандек туюларди. Кейин инграш овози эшитилди. Бу Анчни ҳаяжонга солди. Борди-ю, бошқа балиқчи ҳам ўлдирилмай фақат ярадор қилинган бўлса-чи? Бу ишни қийинлаштириб юборарди. Лекин рубкадан бошқа тиқ этган говуш эшитилмади. Жосус яна ўн беш минутча қулоқ солиб турди аммо, бирдан кучли шамол туриб, кемани ларзага келтирди; у жойидан шитоб билан сузиб кетди, елканлар тескари тарафга очилди-да, шхунани қуйруқ тарафига қараб суриб кетди.

Уша ондаёқ тўсатдан кўтарилган шамолдан тўлқинлар гувиллай бошлади. Зюйд-вест шундай шиддат билан уриб бердики, «Колумб»ни ағдариб юборишга сал қолди. Қароқчи мотористни ўз ҳолига қолдириб, елканларни туширишга ташланди, лекин буни эпчиллик билан бажаролмади, шунинг учун Марко сал бўлмаса денгизга тушиб кетай деди. Фок елкани туширилгач, юнга маневр қилиб, фақат битта кливер елкани билан шамолга қарши сузиш учун шхунани шунга мослаб буриб юборди.

Шхуна йўлини ўзгартириб-ўзгартириб суза бошлади, лекин илгариги, қароқчилар кўрсатган тарафга қараб бораверди. Қароқчи юнгани ўз ҳолига қўйиб, моторист олдига келди. Моторни тозалаш иши қийинлашиб кетди, тўлқинда кема чайқала бошлади, шунинг учун моторист яхши ишлаёлмай қолди. Левко берилиб ишларди ва, кўринишдан, қароқчиларнинг тўла ишончини қозонмоқчи эди. Турган гапки, на малла соч, на Анч унга сариқ чақачалик ҳам ишонмасдилар, лекин мотористга ўзларининг бақириб ўшқирганлари таъсир қилди деб ўйлаб, унга тобора қаттиқ муомала қила бошладилар. Левко ҳар замонда бир ўз ёнида турган конвойга қараб-қараб кўяр, тўсатдан уни бир уриб йиқитиб, револьверни тортиб олишни ва қандай қилиб босқинчиларни биринкетин отиб ўлдириш мумкинлигини мўлжалларди. Лекин қароқчилар жуда эҳтиёткор эдилар ва асирнинг ё орқасига келиб туришар, ёки унга бир ярим-икки метрдан яқин келмас эдилар.

Моторни ишдан чиқариш осон эмасди. Буни малла соч қароқчига сездирмай қилиш учун жудаям эпчил бўлиш керак эди. Ўз планини амалга оширишдан умид уз-



маган Левко моторни даставвал шундай боплаб буздики, натижада ёнилги моторга камроқ кела бошлади ва камроқ ёна бошлади. Бу билан шхунанинг сузиши деярли икки баравар секинлашиб кетди. Шхунадаги лаг бузилиб қолганди. Уни эрталаб қисмларга ажратиб қўйишган ва ҳали йиғишга улгуришмаган эдилар, шунинг учун қароқчилар кеманинг тезлигини белгилай олмасдилар.

Шхуна тобора қаттиқроқ чайқалаверди, тўлқинлар юқори кўтарилар ва палубани сувга тўлдирарди. Кейин жала қўйиб берди. Момақалдироқ гумбурлади. Денгиз билан тўлқинлар орасида ўйинчоқдек чайқалиб юрган енгил шхуна қоп-қоронғи зимистон ичида қолди. Марко фақат ҳар замонда бир, қоронғилик қаърини ёриб яшин чақнаган вақтлардагина қароқчиларнинг ҳушёр тортган қораларини ва Левконинг тирсагини кўриб қоларди.

Шхуна бўронда қолган ёки қасирғага учраган вақтларида ғижирлай бошларди, кема қаттиқ чайқалганда эса, палубанинг тагидан, аллақадердан қўнғироқнинг данғиллаганига ўхшаш овозлар эшитиларди. Кеманинг нима учун ғижирлашини шу пайтгача ҳеч ким билолмаганди, бу кемани қурган устанинг сири бўлганича қолаверди. Қўнғироқнинг овозига ўхшаш товуш эса кемани бир марта ремонт қилгандан кейин бошланди. Аллақандай бир паришонхотир ишчи палуба тагидаги металл ҳаво яшигида кўринишдан илмоққа илинган биронта темир нарсани унутиб қолдирган эди. Кучли тўлқинда, ўша нарса у ёқдан-бу ёққа чайқала бошлар ва яшининг четларига тарақлаб тегарди. Ҳозир худди ана ўша овозлар бўғиқ эшитила бошлади. Моторист билан юнга бунга парво қилмадилар, лекин қароқчилар ҳаяжонга тушиб қолдилар. Уларнинг назарида, бу овоз денгиздан эшитилар ва уларнинг мамлакатиди оддий ҳол бўлган, лекин на Левкога, на Маркога маълум бўлмаган черковнинг мунгли даранг-дурунгини эслатарди. Аммо қароқчилар бир-бирларига ҳеч нарса демадилар.

Момақалдироқнинг гумбурлаши, ёмғирнинг шатиллаши ва шамолнинг гувиллаши остида юнга шхунани тўхтатиб қолиш тўғрисидаги ўз планини амалга ошира бошлади. Малла соч қароқчининг компюсга деярли қарамай қўйганидан фойдаланиб, Марко секин-аста шхунани роса тўқсон даража орқага буриб юборди ва уни ўзига кўрсатилган томондан бошқа тарафга олиб

кетди. Шамол зўрайган сари «Колумб» боскинчилар мўлжаллаган жойдан тобора узоқлашиб бораверди. Шамол бир оз сусайиб, бир текисда эса бошлади, лекин тўлқинлар тобора кучайиб кемани бадтар чайқатаверди. Момақалдироқ зўрайди, яшин яна ҳам тезроқ чақнай бошлади.

Ёш совет балиқчилари ақли расо ва юрагида ўти бор йигитлар эди. Агар босқинчилар чақмоқ ёруғида асирларнинг кўзига қараганларида, уларнинг кўзидан қўрқув эмас, балки хотиржамлик, ҳатто хурсандлик ифодаларини кўрган бўлар эдилар. Асирларнинг назарида, шхунани тўхтатиб қолиш ва қароқчиларнинг ярамас планларини амалга оширишга ҳалақит беришда қасирға уларга ёрдамга келгандек туюларди. Бирдан чақмоқ осмондан узилиб тушиб, шхунага келиб урилгандек бўлди. Момақалдироқ одамларнинг шундай қулоғи тагида гумбурлади, матчанинг учи синиб тушди ва ёниб кетгани ҳолда, кемага ҳеч қандай зарар етказмай, денгизга ағдарилиб тушди. Афтидан, момақалдироқ энг авжига чиққан ва чақмоқнинг шхунага келиб урилганидан ҳам ортиқроқ қўрқинчли нарса бўлиши мумкин эмасдек туюларди.

Қасирға ўзи билан булут ва жала олиб келиб, тор бир тасмадек ўтиб борарди. Шамол ҳали уриб турарди, лекин ёмғир тиниб, чақмоқ эса, энди сўл борт тарафда чақнай бошлади, момақалдироқ сусая бошлади. «Колумб» қасиргадан чиқа бошлади. Малла соч қароқчи компас олдига келди. Қаттиқ жазога учраш муқаррар бўлиб қолганди. Кеманинг қайси томонга сузаётганини компас ва шамолнинг йўналишига солиштириб қараб, ҳар қандай денгизчи ҳам рулевоининг кемани қайси тарафга олиб кетаётганини тушуниб олган бўларди. Лекин шу пайт шамол ғарбий румблар тарафидан ура бошлади, уч бурчак елкан шамолдан тўла очилди, шундан кейин юнга кемани тез бура бошлади. Шамолнинг ўзгариши нима учун кеманинг бурилганини изоҳлаб берар ва бу қароқчига шхуна олдин қайси тарафга қараб кетаётганини белгилаб олишга имкон бермасди. Шамол ўзгара бориб тина бошлади. Тезроқ сузиш учун битта кливер елканининг ўзи энди кифоя қилмасди, фок елканини эса, қароқчилар кўтариша олмасди — чақмоқ матчанинг ярмисини синдириб ташлаганди. Анч яна Левконинг олдига келди, моторист энди моторни ишга солиш-

га мажбур бўлди. Компаснинг кўрсатишига қараб, шхуна илгариги курс билан сузиб кетди, лекин унинг қаёққа қараб бораётганини фақат юлдузларга қараб билиш мумкин эди. Ярим кечадан кейин осмонда яна юлдузлар чарақлаб кетди, шундан кейин қароқчилар командири «Колумб»нинг қаерда эканини ҳисоблашга астойдил киришди. Бу иш билан у узоқ овора бўлди. Ҳисобининг натижалари, унинг назарида, доим хато бўлиб чиқаётгандек туюларди. Натижа, жануб тарафга жуда тез сузиб бориш учун қилинган барча ҳаракатларга қарамай, қасирга шхунани орқага, деярли Лебединий оролигача суриб ташлаган бўлиб чиқарди. Малла соч қароқчи бунга ишонгиси келмас ва ҳисобини янгитдан, жуда аниқ ҳисоблашга тиришиб қайта-қайта текшириб чиқарди.

Анч унинг елкасидан туртиб, денгизни кўрсатганда, у ҳали ўз ишини тугатмаган эди. Қароқчи ўғирилди-да, ёниб ўчаётган ёруғни кўриб қолди. Қоронғиликда маяк ўти гоҳ ёниб, гоҳ ўчар: маяк ёруғи вақти-вақти билан бир текисда икки марта узун ва уч марта қисқа-қисқа ёниб ўчарди.

— Бу Лебединий оролидаги маяк,— деди Анч.

У буни айтмаса ҳам бўларди: командир бу маякни ўтган куни кечаси кўрганди, ҳозир ҳам уни дарров таниди. Улардан ташқари, қадрдон маякни асирлар ҳам дарҳол танидилар. Марко ҳаяжондан рулни қўлда зўрға ушлаб турарди. Уша ерда, маякда, ҳозир унинг энг қадрдон одамлари бор. Маякнинг ҳозир ўғлига қанча ғам ва қанча шодлик келтирганини отаси кўз олдига бир келтира олса эди! Шунинг учун ғам келтирдик, агар маяк ёниб турмаганда, «Колумб»нинг соҳил яқинидаги сув ости тошларига бориб урилиши муқаррар эди. Ушанда қароқчилар у ерда ўзларининг охириги қароргоҳини топган бўлар эдилар; шунинг учун хурсандлик бағишладики, юнга ўзига қадрдон бўлган маяк ёруғини яна кўрди.

## VII 606

### Е Л Г И З У В И

Маяк, гўё ўз ёруғи билан мазақ қилаётгандек, гоҳ ёниб, гоҳ ўчарди. Ҳар ҳолда, унинг ёруғидан кўзини узмаган Зоряга шундай туюларди. Катта тўлқинлар

қизни ўз чўққисига кўтариб чиқарар, шундай он маякнинг ёнган вақтига тўғри келса, уни кўргач қизнинг кучига куч қўшилгандек туюлар ва ўзини бардам сезарди. Баъзан маякнинг ёнгани қизнинг тўлқинлар орасида қолган вақтига ёки сув унинг бошини кўмиб кетган вақтларга тўғри келарди-да, маяк қизнинг назаридан бир неча минутча ғойиб бўларди. Шунда қизнинг қулоч отиши сусаяр, бадани увишарди. Оролнинг орқасидаги аллақерда, қитъа тепасида осмоннинг қаърини чақмоқлар йиртар, лекин момақалдиروқнинг овози бу ерга эшитилмас эди. Зоря тепасида ёрқин, гўё момақалдироқ ювиб кетгандек туюлаган юлдузлар чарақлаб ётар, энди кўринган, ингичка ўроққа ўхшаган ой уфқ устига ботиб бормоқда. Лекин сузиб юрган қизнинг диққатини на юлдузлар, на ой ўзига тортмасди. Унинг бутун фикри-хаёли фақат маяк ёруғида эди.

Момақалдироқдан кейин ҳаво ва сув анча совиб қолди. Қиз баданининг совиб бораётганини ва кучдан қолаётганини сезиб турарди; қўллари ниҳоятда чарчаганидан оғрир, оёғининг бармоқлари чангак бўлиб қолган эди. Тўлқин унинг юзига тез-тез келиб урилар, шунда бошини кўтаришга мадори қолмаган Зоря аччиқ-шўр сув ютишга мажбур бўларди. Ҳар қултум сувдан кейин гавдаси тобора оғирлашарди, қўлимни кўтармасам, кўзларимни юмиб олсам дерди. Нима бўлса бўлар, ишқилиб дам олса бўлгани!..

Лекин бирдан маяк ёруғи ялт этиб қолар, шундан кейин унинг қўллари яна кучга кирар, яна умид туғилар ва соҳилга етиб олиш истаги яна қайтиб келар эди.

Қиз тўлқинлар билан узоқ олишди. Маяк эса ҳамон бир текис милтиллаб чақнаб турар ва унга сузиб етиш асло мумкин эмасдек туюларди.

Умид ва куч-қувват тугай бошлади. Зоря энди сувда ўзи ҳам сезмагани ҳолда қулоч отарди, лекин унинг кўзлари аллақачон юмилиб қолган ва шунинг учун у на маяк ёруғини, на тепасидаги осмонни кўрмасди. Тўлқинлар қизни гоҳ юқори кўтарар, гоҳ пастга туширар, яна юқори кўтарарди. У энди деярли ҳушидан кетганди, фақат қўллари бураб қўйилган ўйинчоқнинг қўлларидек тинмай ҳаракат қиларди.

Ноаниқ хотиралар туман орасидан кўрингандек кўз олдида гавдаланди. Бўлиб ўтган воқиалар узук-юлуқ ҳолда қаршисидан ўтар, таниш одамларнинг башарала-

ри кўз олдида бирин-кетин гавдаланарди. Лекин бирдан аллақандай қўрқинчли, афсонавий бир маҳлуқ пайдо бўлди, қулоқларида даҳшатли чийиллаш эшитилди, назарида ўт чақнар, ёнғин авж олар, кўкрагини куйдирарди-да, кейин яна ғойиб бўларди.

Қизни ўз ҳаёти учун курашаётган ҳолда қолдириб, орол соҳилига, маяк қўққайиб турган жойга назар ташлайлик. Саёз жойларда қатор тизилиб ётган сув ости тошлари бир неча километрга чўзилган масофадаги йўлни кемалардан тўсиб ётади. Оролга яқинроқ жойда айрим тошлар сув тагидан чиқиб ҳам туради. Бу тўсиқнинг охири шамол ва сув ўпириб ташлаган, унча баланд бўлмаган охак тошлар қатламига бориб туташади, маяк ҳам шу ерга, улар устига қурилган. Қоялар орасида қумлоқ саёзликлар чўзилиб ётар, улар соҳилга келиб уриладиган тўлқинларнинг тили етиб келадиган чегарани белгилаб туради.

Ғарбдан эсган шамол билан алмашинган, жанубдан уриб берган қасирға катта-катта тўлқинларни соҳилга суриб келар ва уларни шиддат билан қиррали қояларга уриб, парча-парча қилиб ташлар эди. Кейин тўлқинлар пишиллаб қум устига ёйилар, уларнинг оқ тили тўлқин етиб келадиган энг охириги чизиққача бориб етарди. Бундай вақтда фақат эпчил ва соҳилнинг тузилишини жуда яхши билган одамгина соҳилга қайиқни зўр-базўр олиб чиқиши мумкин эди. Ушанда ҳам фақат биргина жойга,— маякдан ўнг тарафдаги, маяк назоратчиси ўз оиласи билан яшайдиган кичкинагина уйдан тахминан юз қадам наридаги бир жойга олиб чиқа олиши мумкин эди. У ерда қоялар бир оз пастроқда бўлиб, воронкасимон кичкина очиқ ер ҳосил қилган эдилар. У ерга кучли тўлқинлар келиб урилар, лекин улар ҳосил қилган гирдобдан бир амаллаб чиқса бўларди. Марко ҳам сувнинг ўшқириб қутуришига қарамай, «Альбатрос» да ўша ердан жуда кўп марта соҳилга чиқа олган эди.

Марконинг бедарак йўқолганига бугун уч кун бўлди, маякда турадиганлар уч кечадан бери ухлаганлари йўқ. Аппарат бўлимида, дераза тоқчасига таяниб маяк назоратчиси Димитро Завирюха турарди. У шу тарзда кеч-қурундан бери, маяк чироғини ёққандан бери қоронғиликда денгизга тикилиб турар, лекин ҳеч нарса кўрмасди. У ҳатто ёруғ бўлганда ҳам барибир ҳеч нарса кўр-

маган бўларди. У ўзининг ғойиб бўлиб қолган ўғли тўғрисида ўйларди.

Йўқолиб қолган болаларни ҳамма балиқчилар, қизил флотчилар, ғоввослар, эсминец, самолёт қидираётган бўлишига қарамай, уч кундан бери улардан дарак йўқ эди. Терговчилар келишди, лекин улар ҳам ҳеч қандай из топишолмади. У кундузи хотини билан Соколийн қишлоғига борганида, унга худди ана шундай деб айтишди. Улардан бир кун олдин ҳалок бўлган икки кишининг ўлими тўғрисидаги даҳшатли хотиралар унинг қалбини қаттиқ эзарди.

«Қаердасан, Марко, жоним ўғлим? Қандай ажойиб бола эди, у!»

Назоратчи нима деб ўйлашини билмай боши қотар эди. У қачон бўлмасин энди ўғлини кўришдан умидини узганди. У уйдаги кичкинагина хона тўғрисида ўйларкан, алами янада ортарди. У ерда Марконинг онаси ҳам худди мана шундай, бир нуқтадан кўз узмай донг қотиб ўтирарди. Онанинг назарида, мана ҳозир тўсатдан эшик очилиб, уйга ўғли кириб келаётгандек, хушчақчақлик билан кулиб «Колумб»нинг охирги сафари, қўрқоқ Андрий билан мард Стах тўғрисида сўзлаб бераётгандек, бир неча оғиз ҳазиломуз сўз ташлаётгандек ва онаси уни ўпадигандек туюларди. Онанинг юзларидан кўз ёшлари тинмай оқар, лекин у буни сезмасди. У стол олдидаги курсида ўтириб кўзларини эшикдан узмасди.

Ўринда чала кийинган Грицко ухлаб ётарди. Энди уни уйга олиб келишган эди. Отаси билан онаси кечқурун Соколийндан қайтиб келаётиб унинг Марко тўғрисидаги саволларига жавоб беришмаганда, бола ҳар сафар юм-юм кўз ёшлари тўкиб йиғларди. Шундай пайтларда Махтей бобо уни қўлига кўтариб олар ва ухлаб қолгунча ардоқларди.

Ҳозир бобо уйда эмасди. У қизининг қандай ғам чекаётганини кўрмаслик, ўз фикрлари билан ёлғиз қолиш учун уйдан чиқиб кетганди. Далда бериш билан қизига ёрдам беролмаслигини тушунарди.

Бобо бутун момақалдироқ пайтида эски балиқчилар плащини елкасига ташлаганча, бошини ҳам ёпмай ёмғир тагида турарди. У ўзининг деярли сувда ўтган оғир ҳаётини бир-бир эслади. Жуда кўп елканли кемалар ва пароходларнинг палубасини хотирига олди. Уларнинг ҳам-

маси бобонинг қадам ташлашларини кўрган, швабра билан қуролланган қўлларининг кучини синаган эдилар.

У сонсиз-ҳисобсиз кемаларни ўрганган; уларда матрос, рулевой, кочегар бўлиб ишлаган. У ўзининг кексалик даврини қадрдон Лебединий оролида ўтказаман деб ҳеч вақт орзу қилмаган эди. Унинг жуда кўп ўртоқларининг деярли барчаси ҳаёт билан денгизда видолашдилар, уларнинг қабри қаерда бўлишини энди ҳеч кимса айтиб беролмасди. Лекин тақдир уни пенсионер сифатида бу ерга, маякка келтириб қўйганда, у ўзининг набираларига жуда ўрганиб қолди, улар чолга овунчоқ бўлиб қолди.

Чол соҳил бўйлаб оҳиста айланиб юрар, қоп-қоронғи зимистон ичида соҳилга келиб урилаётган тўлқинларнинг гувиллашига қулоқ соларди, шунда қариянинг лабларидан номаълум қотиллар бошига лаънатлар ёғиларди. Кекса матрос йиғлашни билмасди. Ҳозир ҳам мана шу уч кун ичида унинг кўзларидан бирон марта ҳам милт этган ёш кўринмади. Денгиз ҳаёти Махтейни кўз ёшларини тийишга ўргатган эди. Лекин унинг қалби ғамдан, жудоликдан эзиларди.

Чол ҳамон тинмай юрар, ҳар замонда бир ҳўл сочларини силкиб қўярди, кейин тўхтар ва ҳассасига таяниб, кўзлари билан қоронғиликка тешиб юборгудек бўлиб тикиларди. Момақалди роқ ўтиб кетиб, чақмоқ тингандан кейин, бобо Марко «Альбатрос»да бир неча мартаба тўлқинлар орасидан соҳилга чиққан жой яқинида тўхтади. У набирасини ғам билан эсга олди...

Шунда бирдан яқин орадан аллакимнинг инграгани эшитилди. Кекса денгизчи бир чўчиб тушди ва соҳилга келиб урилаётган тўлқинлар гувур: орасидан ўша товушга қулоқ сола бошлади. Ингроқ яна такрорланди. Бобо соҳилга эгилди ва юлдузлар ёруғида қоронғиликдан аллакимнинг қораси судралиб чиқиб келаётганини жўриб қолди. Ингроқ яна такрорланди, шунда чол бу инграётган одам эканини ажратиб олди.

Денгиздан бир одам зўрға судралиб чиқмоқда эди. Орқадан тўлқин қувиб келиб, соҳилни босиб кетди ва сувдаги одамни кўмиб юборди, тўлқин қайтиб кетганда эса, номаълум одамни ҳалиги жойидан ҳам нарироққа, соҳилдан узоққа суриб кетди. Махтей бобо ҳассасини ташлаб янгитдан бостириб келаётган тўлқин қаршисига отилди, бу тўлқин номаълум кишини қумга кўмиб юбо-

риши, майда тошлар билан уриб жароҳатлаши ва қайтадан денгизга тортиб кетиши мумкин эди...

Чолнинг жасорати номаълум кишини қутқариб қолди. Денгизчи тўлқиндан олдин унинг олдига етиб борди-да, қум устида чўзилиб ётган одамни ушлаб қолди. Бу сафар сув иккаласини ҳам кўмиб кетди, лекин чол тўлқин ҳамласига дош бера олди: тўлқин қайтиб кетганда, у ўша жойдан сурилмади. Одам гавдасини тезлик билан соҳилга тортиб чиқариб, уйга олиб кетди. Қўлидаги юки жуда енгил эди. Уни юз қадамча жойга кўтариб борган бўлса ҳам чол сира чарчамади, кўринишдан, уни Соколинний қишлоғигача ҳам баҳазур кўтариб бора оларди.

Бобо уйга кирганда, қизи ўтирган жойдан сакраб туриб, бобонинг қўлида ўз ўғлини кўришга умид қилган-дек, унинг қаршисига отилди. Лекин бобонинг қўлидаги Марко эмас, балки қонга беланган номаълум бир ўсмир эди. Аёл қандайдир бир бахтсизлик юз берганини тушунди-да, қутқариб қолинган боланинг устига оналарча меҳр билан энгашди.

— Қиз бола экан,— деди у.

Номаълум қиз кўзларини очиб, атрофга маъносиз назар ташлади-да, яна кўзларини юмди. Уни ечинтириб, ўринга ётқиздилар, баданини уқаладилар ва бир неча йил бурун Марко кийиб юрган, энди эса Грицконинг катта бўлишини кутиб ётган кўйлакни кийгиздилар.

На аёл, на чол қизчани танимадилар. Эҳтимол, у Соколинний қишлоғидандир? У ердаги барча болалар ва ўсмирларни улар танишмас эди. Эҳтимол, бу қиз бутунлай бегона, денгизда ҳалокатга учраган бирон-бир шаландадан бўлган қиздир.

Шу пайт Грицко уйғониб қолди. Дастлаб унинг кўзи ўғил болалар кийимида ётган кроватдаги бир боланинг устига энгашиб турган онаси билан бобосига тушди.

— Марко!— деб қичқириб юборди бола ва сакраб ўрнидан туриб, кровать олдига югурди.

Лекин бу Марко эмас, балки қиз бола эди. Грицко унинг юзига диққат билан тикилиб қаради.

— Зоря Находка!— деди у, кўзларини катта очиб.— Марко қани?

Ҳайрон қолган аёл билан чол болага қарашди. Демак, бу қиз Марко ва Люда билан бирга ҳалок бўлган Зоря Находка экан-да!





Махтей бобо Зоряни ҳеч кўрмаган эди, унинг қизи Валентина эса уни фақат бундан бир неча йил бурун кўрганди. Лекин иккаласи ҳам Грицконинг гапига дарров ишондилар. Бола Соколинийга тез-тез бориб турар, у ердагиларнинг ҳаммасини танир эди.

Қизчанинг оёғини исита бошладилар, нашатир искатдилар, бошига иссиқ компресс қўйдилар. Шундан кейин қиз кўзини очди ва ортиқ юммади. У устига энгашиб турган одамларга кўрқув ва савол назари билан қарарди.

— Зоря, Марко қани?— деб сўради чол.

Қиз зўрға бир ёнбошига ўгирилиб, Грицкони таниб қолди.

Демак у хавфсиз жойда экан.

— Тезроқ «Колумб»ни қувиб етинглар, уларни тезроқ кутқаринглар!— деб шивирлар эди Зоря.

Унинг бу сўзлари дастлаб қулоқ солиб турганларга алаҳлашдек туюлди, лекин қиз охириги кучини тўплаб ёстиқдан бошини кўтарди-да, тилга кирди:

— Кеча кечқурун қароқчилар «Колумб»ни босиб олдилар, Стах амаки билан Андрийни ўлдирдилар... Кемада Левко билан Марко қолишди. Мен қутулиб қолиб, зўрға соҳилга етиб олдим... Уларни қувиб етиш керак!..

Демак, Марко тирик, лекин хавф остида қолган экан! Уч киши қизнинг яна нима дейишини кутиб, унга ёлвормоқдан бери бўлиб қараб туришарди...

## VIII боб

### «КАИМАН»

Уша кунлари бирон-бир назоратчи жанубий денгиздаги пароходларнинг ҳаракатларини диққат билан кўздан кечирган ва уларнинг йўналишларини харитага белгилаб, кемаларнинг қаерда эканини ҳар соатда ёзиб борганда эди, унинг диққатини шубҳасиз бир пароходнинг хатти-ҳаракати ўзига тортган бўларди. Бу пароход доим ўз курсига биноан йўл босиб, маълум бир порт тарафга тўхтовсиз сузиб бориш ўрнига бир кунда уч марталаб йўлини ўзгартирар, кечаси эса, гарчи, бир жойда турмас-да, ҳар соат ўз курсини ўзгаритрарди. Бир кеча-кундузда бир марта, маълум бир соатда, у доим денгизнинг бир жойида пайдо бўларди.

Кўринишдан, бу пароходда аллақандай бир экспедиция янги бир жойда айланадиган оқимни текшириб юрарди. Лекин бизнинг кузатувчимиз ўша пароход олдига яқин келса, пароходда на кечаси ва на кундузи гидрологик, гидрохимик, гидробиологик, ниҳоят метереологик кузатишлар олиб борилаётганидан дарак берувчи бирнота ҳам белги кўрмаган бўларди. Аммо бунинг ўрнига радист бўлганда, у ҳеч шубҳасиз, ўша пароходнинг кеча-ю кундуз тинмай об-ҳаво тўғрисида жуда кўп маълумотлар бераётганига диққат қилган бўларди. Бу маълумотлар, афтидан, метереологик хизматининг махсус белгилари — коди бўйича эфирга чиқариларди. Ҳар ҳолда улар ҳақиқатга мутлақо тўғри келмасди. Эҳтимол, пароход фақат хабар етказувчи пункт бўлиб, бошқа денгиз ва океанларда сузиб юрган кемаларнинг об-ҳаво маълумотларини бирин-кетин такрорлаётган бўлиши мумкин.

Пароходнинг қора бортига катта-катта ҳарфлар билан: «Кайман» деб ёзиб қўйилганди. Капитан каютасидаги кичкинагина сейфда кема ҳужжатлари ётарди. Улар жуда кўп папкаларга солиб қўйилганди. Ҳар бир папкадаги ҳужжатлар бир нарса тўғрисида ҳар хил изоҳ берарди. Бир папкадаги ҳужжатларга биноан «Кайман» жанубдан шимолга бошқа папкадаги ҳужжатларга биноан, шарқдан ғарбга, учинчи ва тўртинчи ҳужжатларга биноан эса тамом бир-бирига қарама-қарши тарафга сузиб кетаётган бўлиб чиқарди. Гарчи ўша папкалардаги ҳужжатлар мутлақо бир-бирига қарама-қарши бўлса ҳам бу зиддиятлар на капитанни, на унинг ёрдамчиларини ташвишга соларди. Булардан капитаннинг старший ёрдамчиси ҳаммадан кўра камроқ хавотирда эди. Унинг ўзини тутиши ҳам пароходда старший ёрдамчининг бажарадиган вазифаларини билган ҳар қандай одамни ҳайрон қолдириши мумкин эди. «Кейман» да у штурманлик вахтасини мутлақо адо этмас ва умуман капитан кўприкчасига жуда камдан-кам чиқарди. У деярли бутун вақтини радиорубкада ўтказарди. Капитан у билан жуда хушмуомалада бўлиб, баъзан ҳатто хушомадгўйлик ҳам қилиб қўярди, старший ёрдамчиси эса капитанга мутлақо бундай муомала қилмасди.

Агар «Колумб» командасидан Стах Очеретдан бошқа бирон-бир киши бир минутгина ўша пароходда пайдо бўлганда, старший ёрдамчини «Қавказ» ошхонасидаги

ўзлари кўрган бир кўзи боғлиқ денгизчи эканини даррўв таниган бўлар эдилар. Тўғри, энди денгизчи кўзини боғлаб олмаган эди.

Ҳа, бу ўша денгизчи, Анч хизмат қиладиган идоранинг денгиз агенти эди, «Кайман» пароходи эса сув ости кемасининг сузиб юрувчи базаси вазифасини адо этарди. Радиостанция сув ости кемаси билан қитъа ўртасидаги воситачилик вазифасини бажарарди. Худди ана шунинг учун «капитан ёрдамчиси»нинг асосий фаолияти ўша ерда ўтарди.

Кейинги тунда у рубкадан бутунлай чиқмади. Йигирма тўрт соат мобайнида сув ости кемасидан ҳеч қандай дарак бўлмади. Охириги радиограммада сув ости кемасининг командири «Антопулос»нинг чўктирилгани тўғрисида хабар қилди. «Кайман» радиостанцияси сув ости кемасига қитъадан олинган барча зарур хабар ва буйруқларни тўхтовсиз етказиб турди, лекин радиограмманинг олингани тўғрисида сув ости кемасидан ҳеч қандай жавоб келмади.

Кеча кечқурун қитъадан сув ости кемасининг ишини суриштириб қолдилар. Афтидан, у ердагилар кеманинг совет соҳилларига яқин ерларда жуда узоқ ушланиб қолганидан хавотирга тушган эдилар. Охириги инструкциялар: профессор Ананьевни қўлга тушириб, бутунлай қайтиб келиш тўғрисидаги кўрсатма келди. Бу кўрсатмаларни агент об-ҳаво маълумотига солиб шифрлади, радист эса келишиб олинган вақтда уларни уч марта эфирга чиқарди. Лекин шу дамгача сув ости кемасидан ҳеч қандай жавоб келмади.

Бу орада «Кайман» рацияси «Антопулос» командасининг қутқазиб қолингани тўғрисидаги хабарни ушлади. Бир оздан кейин радист бошқа икки радистнинг ўзаро гаплашганини эшитиб қолди. Улардан бири грек пароходининг ҳалокати тўғрисида хабар қиларди. Чўктириб юборилган пароходнинг денгизчилари кеманинг портлашига ким томонидан юборилганлиги номаълум бўлган торпеда сабаб бўлгани тўғрисида ишонч билан хабар қилган эдилар. Бу ҳол вазиятни жиддийлаштириб юборар ва фақат сув ости кемасинигина эмас, балки унинг базасини ҳам хавф остига қўярди.

Сув ости кемасининг қаерда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги сигналларга нима учун жавоб бермаётгани тўғрисидаги фикрлар «капитан ёрдамчиси»ни хавотирга солар-

ди. Ҳар хил жойлардан олинган хабарларга кўра, у Лебединий ороли районида битта ҳарбий кема ва битта граждан самолёти борлигини биларди, лекин булар сув ости кемасининг командиридек тажрибали бошлиқ ва Анч сингари ғайратли ҳамда дов юрак агент бошчилигидаги биринчи даражали сув ости кемаси учун ҳеч қандай хавф туғдирмасди. Ҳар қанақасига ўйлаб кўрилганда сув ости кемасига ҳеч нарса бўлмаслиги лозим эди. Лекин сув ости кемасининг рацияси нима учундир жим эди. Радио орқали алоқа қилинадиган вақт уч марта келиб ўтган бўлса ҳам, радист ҳеч қандай сигналлар қабул қилмади, бу ҳол «Кайман» командасини айниқса ҳаяжонга солиб қўйди.

Кечаси «Кайман» ҳамиша бир жойга келиб турар эди. База — кеманинг капитани билан сув ости кемасининг командири ўзларининг учрашадиган жойлари деб мана шу ерни олдиндан келишиб қўйган эдилар. Бу ер пассажир кемалари ва савдо пароходлари ўтадиган йўлдан анча узоқда бўлиб, балиқчилар келмайдиган районда эди. Уша ерда бир марта учрашув бўлиб ўтган ҳам эди: сув ости кемасига сиқиккислород жойланган баллонлар топширилган эди. Ушанда радио аппаратларнинг бузилиб қолиши ёки сув ости кемасининг бирон-бир ҳалокатга учраши каби эҳтимолларга кўра, «Кайман»нинг ҳар кеча тонг отар пайтга яқин мана шу белгиланган ерга келиб кетиши тўғрисида келишиб олган эдилар, сув ости кемаси ҳам зарурат туғилганда худди шу ерга келиши лозим эди.

Қасирға кўтарилган бутун тун давомида «Кайман» бир-икки милдан узоққа кетмай, шу атрофда айланиб юрди. У ниҳоятда секин сузар ва агар лозим бўлиб қолгудек бўлса, ўз машиналарини «бузиб» дарҳол «ремонт қилишга» киришар эди. Вахтада турган матрос қоронғиликда кўринган барча чироқларга иложи борича диққат билан қараш тўғрисида буйруқ олди. Лекин бу вақт ичида бирон ерда ҳам на милтиллаган ўт, на бирон кеманинг ёки жуда бўлмаганда бирон кичкинагина қайиқнинг қораси ҳам кўринмади. Навбатчи радист ҳам бирон янгилик билан суюнтиролмади.

Тонг отиб кела бошлади. Жуда кўп одамларнинг қўлидаги биннокллар уфқни тухтовсиз кўздан ўтказиб турди. «Бош ёрдамчи» энди капитан кўприкчасидан нари кетмади. Капитан унинг ёнида турар ва ҳар ўн минутда назоратнинг натижаларидан уни хабардор қиларди.

Уфқдан қуёш кўринди ва тез юқори кўтарила бошлади. Келишиб олинган вақтгача санокли минутлар қолди. Худди олдинги кунлардаги сингари «Қайман» ўзининг «бузилиб қолган» машиналари ремонтини тез тугатиши ва ҳар кунги маршрут бўйича кундузги айланма рейсига жўнаши керак эди.

Бир соат ўтди. Капитан ўзининг «старший ёрдамчиси»га савол назари билан қаради.

— Тонг пайгидаги айланма сафаримизни давом этдирамиз,— деди агент.— Сафаримиз масофасини узайтиринг ва денгизни яхшилаб кузатишга буйруқ беринг.

Бу сув ости кемасини очиқ денгизда топишга қаратилган сўнгги уриниш эди. Лебединий ороли тарафга, яъни сув ости кемаси ўзи тўғрисида охирги марта хабар берган жойга сузиб бориш ҳам мумкин эди-ю, лекин агентнинг бунга юраги дов бермади.

«Қайман» келишиб олинган жой атрофида айланиб юраверди. Кўп ўтмай пароход бортида турганлар осмонда бир нуқтанинг пайдо бўлганини кўрдилар. Денгиз устида самолёт учиб келмоқда эди.

## IX боб

### Қ У В И Ш

Тонг отар вақтда «Буревестник»нинг вахтада турган матроси эсминец олдиға яқинлашиб келаётган бир қайиққа кўзи тушиб қолди. Қизил флотчи бу тўғрида ўзининг вахта бошлиғига хабар берди. Худди ўша онда қайиқдан:

— Ҳей, эсминецдагилар!— деган қичқириқ эшитилди.

Қичқирган одамнинг овози бўғиқ, хириллаб эшитиларди; у одамнинг ёши анчага бориб қолгани билиниб турарди.

— Ҳей, эсминецдагилар!— деган қичқириқ қайиқдан яна такрорланди.

— Кимсизлар!— деб сўради вахтада турган матрос.

— Балиқчилармиз. Яқин боришга рухсат этинглар.

— Келаверинглар.

Қайиқ дадилроқ сузиб кела бошлади, у «Буревестник» олдиға яқинлашиб келганда, вахтада турган қизил флотчи трап тепасидаги чироқ ёруғида қайиқда икки киши

ўтирганини кўрди, улардан бири қари чол, иккинчиси ўрта яшар киши эди.

— Нима иш билан келдинглар?— деб сўради вахта бошлиғи.

— Бизга командир, ўртоқ Трофимов керак,— деб жавоб берди чол.

— Командир ухлаб ётибди. Икки соатдан кейин, қуёш чиққанда келинглар.

— Кутиб бўлмайди — муҳим хабар олиб келдик: қароқчилар очиқ денгизда «Колумб»ни босиб олибдилар.

— Чолни палубага чиқаринглар!— деб буюрди вахта бошлиғи.

Бобо палубага чиққанида, қизил флотчилар балиқчилар байрамида ўзи пиширган турли лаззатли таомлар билан уларни зиёфат қилган машҳур денгизчи ва кок Махтей бобони танидилар.

— Сиз, бобо, ётиғи билан гапириб беринг,— деб илтимос қилди вахта бошлиғи,— биз ҳозир командирни ўйғотамиз.

У бобо олиб келган хабарнинг жуда муҳимлигини гушунди-да, дарҳол капитан-лейтенантни ўйғотиш учун одам юборди, лекин бобонинг «Колумб» тўғрисидаги хабарни қаердан эшитганини тезроқ билишни ўзи ҳам истарди.

Махтей унга жавоб бериб улгурмаган ҳам эдики, капитан каютаси эшиги олдидан:

— Бобони командир олдига олиб келинглар!— деган буйруқ эшитилди.

Шундан кейин Махтейни Трофимов каютасига олиб кетдилар.

Хабар олиб келган бобони унинг каютасига олиб кирганларида, Семён Иванович тўсиқ орқасида кийинмоқда эди. Кўп ўтмай командир бобо олдига чиқди, саломлашиб, креслодан жой кўрсатди ва нима гап эканини айтиб беришни илтимос қилди. Бобо ўтиришни истамай, қаддини тик тутганича, рапорт берди:

— Маякда биз денгиздан сузиб чиққан бир қизни топиб олдик. Бу худди ўша Зоря Находканинг ўзгинаси. Қизча ҳушсиз ҳолда ётарди. Бир оз ўзига келди-да, «Колумб»ни қувиб етинглар деб қолди. Шхунани қароқчилар босиб олишибди, балиқчиларимизни ўлдиришибди, итваччалар, лекин набирам Марко билан моторист Левкони омон қолдиришибди, шунинг учун биз ишонамизки,

сизлар «Буревестник»да уларни кўз очиб юмгунча қувиб етасизлар ва итваччаларни мачта ёғочларига бошлаб осасизлар...

Бобонинг келтирган хабари эсминец командирга унинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ тушунрала эди. Командир «Колумб» босиб олиншидан олдинги баъзи воқиялардан хабардор эди. Лекин у Марко билан Зорянинг «Колумб»га қаердан келиб қолганларини ва чўктириб юборилган сув ости кемасидаги қароқчиларнинг шхунани қандай қилиб қўлга туширганларига ҳеч ақли етмасди. У Зорянинг қаердалигини сўради унинг ҳозир Соколний қишлоғида эканидан хабар топиб, уни дарҳол кемага олиб келишни буюрди.

— Уртоқ, командир,— деб бобо яна командир олдида қаддини ростлади,— менинг сизга яна бир илтимосим бор: мен билан қизимга, набирам Марконинг онасига, ўша муттаҳамларни қувишда сизлар билан бирга боришга рухсат этсангиз. Гарчи бу илтимосим қондаларга хилоф бўлса ҳам, яъни ҳарбий кемада бегона одамларнинг бўлишига, айниқса хотин кишининг бўлишига зид келса-да, лекин, маълумки, мустасно ҳоллар доим ва ҳар ерда ҳам учраб туради. Бошқа бир илтимосим шуки: лангарни кўтаринг-у, жадал сузиб қароқчиларни қувишга тушинг.

— Хўп, бобо. Қизингиз қаерда?

— Соҳилда қизчанинг олдида.

— Хўп, қайиқда уни ҳам олиб келишлари тўғрисида сигнал берамиз.

«Буревестник»нинг «Колумб»ни дарҳол топишига Трофимов унчалик ишонмаса ҳам, ҳар ҳолда бобонинг илтимосини қондирди. Қароқчилар шхунани аллақачон чўктириб юборган бўлишлари мумкин эди. Агар «Колумб»ни сув ости кемаси кеча кечқурун босиб олган бўлса, унда улар соҳилдан юз градусли ёй атрофида тахминан отмиш миль нарига кетиб қолганлар. Бу эса қидириш ишларини жуда ҳам қийинлаштириб юборарди. Зоряни олиб келадиган қайиқни кутиб турар экан, «Буревестник» командири ана шундай деб ўйлади.

Кўп ўтмай қайиқ кема борти ёнига келиб тўхтади ва трапдан секин-аста Зоря билан Валентина Матвеевна юқори чиқдилар.

Қиз ўзининг саргузаштлари, ёниб ётган пароходдан қандай қилиб қутилиб қолганлари, «Колумб»га қандай



дуч келганлари ва шхунага ҳеч қутилмаганда қароқчилар келиб қолгани тўғрисида сўзлаб берди. Қиз Стах Очерет билан Андрей Камбалани улар ё ўлдиришди, ёки қаттиқ ярадор қилишди деб хабар берди. Афсуски, у қароқчилар «Колумб»ни қаёққа олиб кетишганини айтолмасди.

Гира-шира тонг отиб келаётган вақтда эсминец Соколинний кўрфазидан чиқиб, жануб тарафга йўл олди. Қуёш чиққан пайтда у оролдан жуда ўзоқлашиб кетган эди. Қуёш кўтарилганда кема тўхтади. Унинг палубасидан «Балиқ разведкачиси»ни сувга туширдилар. Кучли тўлқинлар орасидан осмонга парвоз қилиш қийин эди, лекин Бариль самолётни усталик билан осмонга учирди ва шхунани қидиришга учиб кетди.

Эсминец тезлигини бир оз пасайтирди.

Зорянинг ҳикоясидан капитан-лейтенант қароқчилардан иккитаси сув ости кемаси ҳалокатга учрагандан кейин қутулиб қолганини тушунди. Қиз шхуна босиб олинган вақтда ва ўзининг қочиб кетган пайтида яқин орада сув соти кемасини кўрмади, бунинг ўрнига у босқинчилардан бири сув ости кемасининг командири эканини таниди. Хавфли вақтда биронта ҳам командир энг охирги мунутгача ўз кемасини ташлаб кетмайди. Демак, сув ости кемаси ҳалок бўлган, лекин унинг экипажидан бир-иккита одам ўзини қутқариб қолган. Трофимов ўзининг сув ости кемаси ҳалокатга учради деган хабари бошқа эсминецларнинг денгизга чиқиши ва гидропланларнинг парвоз қилиши тўғрисидаги буйруқни бекор қилишга сабаб бўлганига ачинди. Агар ҳозир улар шу районда бўлганларида «Колумб» дарров топилган бўларди. Энди эса фақат «Балки разведкачиси» билан кифояланишга мажбур эдилар.

Шундай бўлса ҳам командир радистга ким бўлмасин «Колумб» шхунасини кўрмадими деб эфирга хабар чиқаришни буюрди. Ахир бирон-бир пароход уни тасодифан учратиб қолган бўлиши ва ҳеч нарса сезмасдан, тўғри ўтиб кетган бўлиши мумкин эди-да. Радист буйруқни бажарди, лекин «Колумб» тўғрисидаги саволга ҳеч қаердан жавоб келмади.

Қўлида бинокль ушлаган ҳолда командир кўприкчасида турган Трофимов қароқчилардан жуда бўлмаса биттасини қўлга тушириш имконияти тўғрисида ўйларди. Командирнинг фикрини комиссар билан старший механик бўлиб юбордилар.

— Осип Григорьевич ишонтириб айтяптики,— деди комиссар, старший механикни кўрсатиб,— сув ости кема-сини биз таран қилиб чўктиришимиз ҳам мумкин экан.

Старший механик осмонга аланглаб турарди.

— Нима демоқчи бўлаётганини тушуниб турибман,— деб жавоб берди Трофимов, кўзини биноклдан узмасдан:— бу билан у, агар ўшанда мен унинг лойиҳасига мувофиқ тезликни уч милга ошириш тўғрисида розилик берсам, шундай қилиш мумкин бўларди демоқчи.

— Ҳа, Семён Иванович, мен бунга аминман,— деди секингина страшый механик.

— Мен эса сизга: дивизион старший инженери билан маслаҳатлашиб олгандан кейингина рухсат бераман деганман. Тушунарлими?

— Эшитаман, ўртоқ командир.

Механик норозилик билан пешонасини тириштирди, кейин эса комиссарга қараб кўзини қисди.

Комиссар индамай кулиб турарди. У механикнинг сўзларига аллақачон қўшилган эди. Командирнинг жавоби эса, гарчи у страшый инженер билан гаплашса-да, старший инженер бундай тажриба қилиб кўришга эътироз билдирса ҳам, Трофимов бунга унинг розилигини олиш учун қаттиқ туриб олишдан дарак берарди. Командир доим ўз сўзини ўтказа оларди. Механик бундан сира хавотир олмаса ҳам бўлаверарди.

У командир кўприкчасидан тушиб, «Буревестник» пассажирлари олдига борди. Уларнинг учаласи — Махтей бобо, Валентина Махтеевна ва Зоря — палубада зенит тўплар олдида туришарди. Командирнинг буйруғи билан уларга бинокллар беришди, ҳозир эса улар денгизни кўздан кечиришарди. Механик Махтей бобони байрамдаги зиёфатдан бери биларди. Бобо оёқларини кенг ёзиб турар ва денгизчилар сингари қаддини ростлаб, оёғида маҳкам туришга ҳаракат қиларди.

— Салом, бобо,— деб у билан саломлашди старший механик.

— Салом,— деб бобо унинг қўлини сиқди.— Ўзингиз ким бўласиз, ўртоқ командир? Машина бўлиmidан эмас-мисиз?

— Топдингиз, бобо: старший механикман.

— Ҳа-а-а! Жуда соз... Менимча, машиналарингизнинг бирон чатоқ жойи борга ўхшайди.

— Нега энди?

— Шундай ажойиб кемага нисбатан жуда секин сузиб боряпмиз. Кўрфаздан бундан кўра тезроқ чиққан эдик.

Афтидан, бу масала фақат бобони ҳаяжонга солмаётган кўринади — қиз билан аёл ҳам ундан гўё худди шуни сўраётгандек ялт этиб механикка ўгирилиб қарадилар.

— Шхуна узоққа кетиб қолмаган бўлиши керак, — деб изоҳ берди механик — Мана шу тарафда бир жойда уни қувиб етамиз. Самолётнинг қайтишини кутиб турибмиз. Ҳамма нарса ўшанга боғлиқ. Топса хабар беради, шундан кейин биз жадал йўлга тушамиз. Биз эса ҳаммадан ҳам тезроқ суза оламиз. Ишқилиб капитан рухсат этса бўлгани, — деб тушунтирди ўз лойиҳаси тўғрисида бош қотираётган механик.

— Шундай қилинглар. Утиниб сўрайман, булар ҳам худди шуни сўрашади! — деди бобо, ўз ҳамроҳларини кўрсатиб.

— Ҳаракат қиламиз, — деб жавоб берди механик. — «Балиқ разведкачиси» кечикиб қолмаса бўлгани.

Бинокллар яна уфққа қаратилди. Лекин осмонда ҳам худди денгиздагидек ҳеч ким на бирон нуқта, на бирон қора кўрмади.

Бариль билан Петимконинг учиб кетганига ярим соатдан ортиқроқ вақт ўтди. Келишиб олганларига биноан, учувчилар гарчи ҳеч нарса тополмасалар ҳам, шу дамгача қайтиб келишлари лозим эди. Денгизчилардан баъзилари ўтган кунги воқияни эслаб хавотирга ҳам туша бошладилар. Эҳтимол, самолёт яна бирор фалокатга йўлиққандир? Лекин командир мутлақо хотиржам эди. Комиссар унинг бу хотиржамлигига тушунарди. Самолёт охириги минутда бир қизиқ нарсани кўриб қолиб чорак соат, йигирма минутга кечикиб қолган бўлиши мумкин. «Қолумб» дан ўт очишларидан улар кўрқишмасди: револьверлар билан «Балиқ разведкачиси»ни уриб туришролмайсан.

Самолёт эса мана бундай сабабга биноан кечикиб қолди. Осмонга кўтарилгандан кейин, Бариль машинани шарққа қараб ҳайдаб кетди ва беш юз метр юқориликдан учиб бориб, «Буревестник» дан шундай бир масофага узоқлашдики, биноклдан қараганда кема қора бир нуқта бўлиб кўриниб турарди. Кемадан эса самолёт мутлақо кўринмасди.

Пилот мана шу радиусда, марказида қора нуқта — «Буревестник» кўриниб турган ҳолда айланиб уча бошлади. Учувчилар кўзи олдида бўм-бўш денгиз ястаниб ётарди. Улар ҳеч нарса кўрмай деярли бир айланиб чиқдилар. Шунда Бариль самолётни етти юз метр баландликка олиб чиқди. У минг метрга ҳам кўтарилиши, бу билан эса йигирма километр радиусдаги атрофни бир оз кўра олиши мумкин эди-ю, лекин бунинг амалий жиҳатдан ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди,— бундай баландликдан «Қолумб»ни кўриб бўлмасди.

Бирдан штурманнинг диққатини «Буревестник»нинг қарши тарафидан кўриниб қолган бир кема ўзига жалб қилди. Штурманни ўша кеманинг нима учун худди шу ердан ўтиб бораётгани ҳайрон қолдирди: ахир бу ердан ҳеч қандай денгиз йўли ўтмайди-ку. Петимко пароходнинг қайси тарафга кетаётганига қизиқиб қолди. У сўзлашиш турбкасига:

— Ҳов анави пароход тарафга бур!— деб қичқирди.

«Балиқ разведкачиси»нинг командири гарчи Бариль бўлса ҳам, лекин самолётга йўл кўрсатиш фақат штурманнинг вазифасига кирарди.

«Балиқ разведкачиси» Петимко кўрсатган тарафга қараб учиб кетди. Пароходни яхшилаб кўздан кечириш учун уч юз метр пастликка тушишга тўғри келди. Пароходнинг қуйруқ тарафида биронта ҳам байроқ кўринмади, шунинг учун самолётдагилар унинг қайси миллатга тегишли эканини аниқлай олмадилар. Лекин Петимко бинокль ёрдами билан пароходнинг номини ўқий олди: «Қайман». Айни вақтда у кеманинг қай томонга сузишига қараб, унинг биронта ҳам портга кетмаётганини, балки, денгизни шунчаки кесиб ўтаётганига ишонди. Самолёт пароход тепасидан ғизиллаб учиб ўтди, бир милча нари учиб борди ва энди эсминецни қидириб орқасига қайтди.

Дастлабки учишнинг биринчи соати тугаб келмоқда эди.

— Пароходнинг номи нима экан?— деб қичқирди сўзлашиш турбкасига Бариль.

— «Қайман»,— деб жавоб берди штурман.

Пилот унинг жавобини яхши эшитмади ва пароходнинг номини икки марта қайтариб сўради. Ниҳоят у моторни ўчирди ва штурманнинг жавобини эшитиб қичқирди:


— Марконинг сўзлаб бергани эсингдами? Ахир бу жосус тушган пароход-ку!

«Балиқ разведкачиси» эсминец тарафга учиб борарди: Петимко бир неча минут ўйлаб борди, юнганинг бир кўзи боғлиқ жосус тўғрисидаги ва «Қайман» тўғрисидаги ҳикоясини эслади... Демак, бу пароход бизнинг денгизда яна пайдо бўлиб қолибди. Унинг хатти-ҳаракатлари очикдан-очик шубҳали. Ҳозир қароқчилар ўша ерда эмасмикан? Кўринишдан, пароход жуда секин сузиб бораётгандек эди; у аллакимни кутмоқда деб ўйлаш мумкин эди. Агар «Колумб» ҳали дунёда бор бўлса, у шу тарафда бўлиши керак. Штурман сўзлашиш трубкаси орқали ўз тахминларини учувчига билдирди. Бариль фақат бош қимирлатиб қўйди ва:

— Қидириб кўрамиз. Йўл кўрсат,— деди.

Энди улар «Буревестник» атрофида қандай доира ясаб учган бўлсалар, «Қайман» атрофида ҳам худди ана шундай доира ясаб айланиб уча бошладилар. Пароходдагилар уларни энди шубҳасиз курмас эди, лекин Петимко пароходдан кўз узмади. Учувчиларнинг умидлари тўғри чиқди: самолёт мачтаси синиб тушган, мотор кучи билан сузиб бораётган шхунанинг худди тепасидан чиқиб қолди. Бу «Колумб» эди. Улар бунга фақат шхунанинг номини кўрибгина эмас, балки Маркони таниб қолганлари учун ҳам ишонч ҳосил қилдилар. Йигитча «руль олдида турар ва гарчи биронта ҳам ҳаракат қилмаган бўлса-да, уларга қарар эди. Унинг олдида бир одам турар ва, афтидан, алланарсалар деб буйруқ берарди, чунки юнга дарҳол бошини қуйи солди. Учувчилар мотор олдидаги икки кишини яхши кўра олмадилар. Улардан фақат биттаси самолётни кузатиб турарди. Револьвердан ўқ узишларидан эҳтиёт бўлиб, Бариль бир юз эллик метрдан пастроққа тушмади ва шхуна атрофида фақат бир айланиб қўя қолди. Учувчилар «Колумб» тўғрисидаги хабарни кемага иложи борича тезроқ етказишга ошиқар эдилар. Шхунанинг бораётган йўлига қараб, штурман мутлақо ишонч билан: «Қайман» олдига кетяпти деб айтса бўларди. Шхуна билан пароход, орасидаги масофа, шхуна билан «Буревестник» орасидаги масофага қараганда беш марта камроқ эди, самолёт эсминецни топгунча ва ўзининг кўрганларини унга хабар қилгунча бу масофа яна ҳам қисқариши турган гап.

Шу вақт ичида кемадагилар самолётнинг тақдири



тўғрисида тобора кўпроқ ташвиш тортмоқда эдилар. Бир ярим соат вақт ўтди. Фақат кўприкчада турган командир, комиссар ва вахта бошлиғигина хотиржам туришар эди. Лекин улар ҳам охириги минутларда индашмай қолишган эди.

Бир соату ўттиз беш минут ўтди. Уфқда ҳеч ким самолётни кўрмасди. Командир бинокль билан уфқни кўздан кечиран экан, вахтада турган штурманни секин чақирди.

— Самолётни энг олдин ким кўрганини журналга ёзиб қўйинг — деди у, — мен эртага буйруқ билан унга ташаккур билдираман.

Худди шу пайт палубдан Махтей бобонинг бўғиқ, хирилган овози эшитилиб қолди:

— Ҳов ана, учиб келяпти!

— Қани? Қани? — деган бир неча кишининг овози эшитилди.

Ҳамма кўзига бинокль тутди.

— Зюйд-ост-тен-ост, — деб дўриллади бобо.

— Баракалла, бобо! — деб шодлик билан товуш берди кўприкчадан капитан-лейтенант.

Энди осмонда тез яқинлашиб, тобора катталашиб келаётган нуқтани ҳамма кўрди. Кўп ўтмай моторнинг гувиллагани ҳам эшитилди.

«Балиқ разведкачиси» кема тепасидан ўзининг лижаларини мачталарга уриб олар даражада пастлаб учиб ўтиб кетди. Кабинадан Петимко бошини чиқарди ва қўлларини қимирлатиб алланарсани кўрсатди. Дастлаб ҳеч ким унинг нима демоқчи бўлаётганига тушунмади. Эсминец командири машинани энди тўхтатмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, самолёт нари учиб бориб кеманинг йўли устига, юз метр нарига вимпель ташлади. Пўкак қалпоқли, байроқча ўрнатилган ингичка труба сувга чўкди ва дарҳол яна қайтиб чиқди.

— Боцман, вимпелни тутинглар! — деб буюрди вахта бошлиғи.

Боцман денгизга тутқич-тўрни ташлади, вимпелни усталик билан тутиб олди-да, палубага тортиб чиқарди, Вимпелни командирга келтириб бердилар. Вахта бошлиғи рубканинг қопқоғини бураб очди ва ундан кичкинагина хат ёзилган қоғозни олди:

«Бир юз ўттиз сажкизинчи квадратда «Колумб» ни топдик. Курс Зюйд-ост 35. Унинг курси тарафида бир юз

Ўттиз еттинчи квадратдаги «Қайман» пароходининг хатти-ҳаракати жуда шубҳали... ўйлаймизки, ушхунани кутмоқда «Колумб»да тўрт кишини кўрдик. Улардан бири — Марко Завируха. Кемани ушлаб қолмаслик учун вимпел ташладик. «Колумб» кетидан кетдик. Петимко».

— Штурман, «Колумб» тарафга йўл олинглар, шхунанинг тезлиги соатига беш миль деб ҳисоб қилинг! — деб буюрди командир. Кейин комиссарга ўгирилди: Тушуняпсизми? Агар биз «Колумб»ни қувиб етолмасак, асирлар «Қайман»га ўтиб кетишади... кейин биз уларни қайтариб ололмаймиз. Улар ҳозир нейтраль сувларда. Эҳ!.. Пассажирлар олдига бориб, уларни бу хабарга ҳозирланг. Учувчиларнинг Маркони кўришганини айтинг. Лекин ётиғи билан айтинг, бўлмаса онаси жуда ҳам ҳаяжонланиб кетади.

*Х боб*

## Э Р Т А Л А Б

Маркони оёқлари толиқди, қўллари увушиб қолди. У бир зум ҳам дам олмай кечаси билан руль олдида туриб чиқди. Чарчаганининг устига совуқ ҳам ея бошладди. Ёмғир балиқчи асирларни ҳам, босқинчиларни ҳам роса ивитди, лекин қароқчилар кийим-бошларини сиқиб олдилар, бундан ташқари кийим-бошларидан баъзилари эса нам ўтмайдиган эди, асирлар эса, ҳўллигича қолавердилар ва август ойи бўлишига қарамай, совуқдан кўкариб кетдилар. Моторист билан юнга кийимларини алмаштириб олишга рухсат сўрадилар, босқинчилар розилик бермадилар — улар бир неча соатдан кейин асирларнинг керак бўлмай қолишини билардилар. На Левко, на Марко қароқчиларнинг бунчалик қаерга ошиқаётганларини билмасдилар ва бирон-бир кема кўриниб қолмасмикин деб, тўрт атрофга аланглардилар. Лекин денгиз ҳамон бўм-бўш, ҳеч қандай кема ёки пароход кўринмасди. Босқинчилардан бирига ҳамла қилиш тўғрисидаги планларидан ҳам ҳеч иш чиқмади. Қароқчи билан жосус жуда ҳам усталик билан иш кўрарди. Эрталабга бориб ҳужум қилишнинг мутлақо иложи қолмади — юнганин қароқчилар билан курашига мадори қолмади, бундан ташқари қароқчилар куппа-кундузи бўлганидан асирлар қимир этса сезарди.



Лекин Марко билан Левко шхунанинг жанубга қараб боришини анча секинлатганлари билан ҳар қанча мамнун бўлсалар арзирди. Улар қасирғадан кейин шхунанинг яна Лебединий ороли яқинига бориб қолганини билишар эди. Маякнинг ёруғи уларни бунга ишонтирган эди. Агар уларга малла қароқчининг эрталаб қилган ҳисобларининг натижаси ҳам маълум бўлганда, улар янада мамнун қолган бўлардилар. Ҳар нима бўлганда ҳам улар босқинчиларнинг қош-қовоқлари осилиб қолганини сездилар.

Ҳақиқатан ҳам қароқчилар асабийлашмоқда эдилар. Уларнинг ўйлашича, кечаги қасирға «Колумб»ни орқага суриб кетган эди, энди эса шхунанинг жуда секин сузаётгани ва улар тайин қилинган жойга ўз вақтида етиб боролмасликлари аниқ бўлди. Улар бир ярим икки соатга кечикмоқда эдилар. Пароход шунча вақт сира ҳам кутиб турмаса керак. Мана бу шхунада яна бир сутка очик денгизда қолиш унча кўнгилли иш эмас эди уларга, шундай бўлса ҳам улар, поезддан кечикаётган йўловчи поезднинг ушланиб қолишига умид қилиб вокзалга ўз вақтида етиб боришга шошилгандек, тайин қилинган жойга шошилардилар.

Шхунадаги бир нарса, гарчи ҳар хил сабабларга биноан бўлса ҳам, қароқчилар билан асирларни баравар ҳаяжонга солар, ғашларини келтирар ва жаҳлларини чиқарарди: бунга сабаб рубка билан унга яшириниб олган одамлар эди. Левко ярадор Очеретнинг тақдирини ўйлаб ҳаяжонланарди, унинг аҳволи ўзи ўйлагандан кўра оғирроқ эканини билмасди. Моторист, ярадор ичкаридан эшикни бекитиб олган деб ишонарди. Шкиперни рубкага у олиб кириб қўйган бўлиб, унинг яраси жиддийлигини билар ва шунинг учун Стах охирги кучларини сарф қилиб эшикни беркитиб олганидан кейин ўлиб қолмади-микан деб хавотир оларди.

Марко Андрий Камбаланинг кечаси қоронғиликдан фойдаланиб рубкадан чиқмаганига ва қароқчиларга ҳужум қилмаганига аччиғланарди. Босқинчилар ҳам рубкага қараб-қараб қўйишар, лекин ичкаридагиларга қарши қатъий чоралар кўришга юраклари бетламасди. Эрталаб улар иллюминаторнинг ҳам ичкаридан ёпиб қўйилганини сезиб қолдилар. Ярадор ёки ярадорлар ичкарида яшириниб олишиб, палубага чиқишни истамасдилар. Қароқчилар бунга ҳатто хурсанд ҳам бўлдилар —

ташвиши камроқ бўлар эди-да, лекин шундай бўлса ҳам айни вақтда улар хавотирда эдилар: оёқ-қўли боғланиб ташланмаган ва пешонасига тўппонча тиралмаган одамларнинг нималар қилмаслигини ким билади дейсиз.

Анч эшик тагига келиб бир неча марта ичкарига қулоқ солиб кўришга ҳаракат қилди. Баъзан унинг назарида ичкаридан аллақандай шитирлаш ва ҳатто одам овозлари эшитилаётгандек бўлар, лекин моторнинг гувиллашидан уларни аниқ эшитиб бўлмасди. Бир-икки марта Анч эшикни тақиллатиб кўрди, лекин ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади.

У охириги марта рубка эшигидан ярадорларнинг нима қилаётганига қулоқ солиб кўрмоқчи бўлганда, унинг диққатини ўзига жуда таниш туюлган бир шовқин тортди. Лекин шовқин рубка ичкарисидан эшитилаётгани йўқ эди. Анч малла қароқчига қаради. У осмонга қараб турарди. Денгиздан тўппа-тўғри улар томонга бир самолёт яқинлашиб келмоқда эди. У жуда пастлаб учиб келарди, шунинг учун бир неча минутдан кейин учувчи шхунанинг номини кўриб қолиши ва, энг муҳими, палубада нималар бўлаётганини билиб қолиши мумкин эди.

Жосус чаққон шхунада гўё ҳамма нарса жойида экандек қилиб кўрсатиш зарурлигини тушунди. У асирларни хурсандлик билан осмонга қарашга ва учувчиларни қутлаб қўл силкитишга мажбур қилмоқчи ҳам бўлди, лекин юнга билан мотористнинг авзойини кўриб, бундан ҳеч қандай фойда чиқмаслигини тушунди, учувчилар кўзи олдида уларга тўппонча ўқталишнинг эса иложи йўқ эди. Шундан кейин у ўзини мутлақо бефарқ одамдек кўрсатишга қарор қилди. Қороқчига моторист олдига бориб туришни буюриб, ўзи эса юнгага елкама-елка турди.

Жосус ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини жуда яхши тута оларди, лекин самолётнинг номини ўқиб, башараси ўзгариб кетди. Утган куни сув ости кемаси палубасида туриб худди шу номдаги самолётни уриб туширганларини жуда яхши хотирларди, шунинг учун уни ҳалокатга учраган деб ҳисобларди. Юнганинг осмонга қараб турганини сезиб қолиб, у болага ўшқариб берди, шундан кейин Марко бошини қуйи солди. Йигитча ўзида йўқ хурсанд эди — у фақат машинанингина эмас, балки ундаги одамларни ҳам таниди.

Марко учувчилар ҳам мени танишди деб ишонар эди, шунинг учун «Балиқ разведкачиси» шхуна яқи-

нига сувга қўнади деб тахмин қиларди. Бу юнгани хавотирга солиб қўйди. Қароқчилар учувчиларни револьвердан ўққа тутишлари мумкин эди. Шунинг учун Марко Бариль билан Петимкони хавфдан огоҳлантириб қўйишга қарор қилди. У мотор овозига қулоқ солиб самолётнинг денгизга келиб қўнишини сабрсизлик билан кутарди. Лекин кўп ўтмай унинг ҳафсаласи пир бўлди. Жосус Марко олдидан нари кетди, йигитча эса бошини кўтариб осмонга қаради: самолёт узоқда кўздан ғойиб бўлиб борарди. Битта умид қолди: учувчилар «Колумб»ни охириги марта қаерда кўрганларини ва унда кимларни таниганларини оролдагиларга сўзлаб берадилар.

Самолёт босқинчиларни хавотирга солиб қўйди. Анч ўртоғига самолётнинг номини билдирганда, у қош-қовоғини солиб олди. Уларни зимдан кузатиб турган Марко «Балиқ разведкачиси» қароқчиларни қўрқитиб юборганига ишонди. Афсуски, йигитча уларнинг сўзини тушунмасди.

Кўп ўтмай қароқчилар тинчлана бошладилар. Биринчидан, бу худди шу номдаги бошқа бир самолёт бўлиши мумкин эди. Борди-ю, ўша самолётнинг ўзи бўлганда ҳам, барибир учувчилар уларни таниёлмасдилар, «Колумб»нинг бу ерда сузиб юриши эса уларни ҳайрон қолдирмаслиги керак. Агар самолёт бу ерда балиқ қидириб юрган бўлса, балиқчилар шхунаси ҳам бу жойга келса нима бўпти? Бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Бу тахмин қароқчиларни бу ерларда балиқчилар кемасини учратиб қолиш мумкин деган фикрга олиб келди. Балиқчи кемаларни учратиш эса айниқса, шхуна пароходни бир кеча-кундуз кутиб қолишга мажбур бўлгудек бўлса, ҳеч қандай енгиллик туғдирмас эди. Чунки «Колумб» ни таниб қолишлари ва жуда бўлмаганда ўз танишлари билан бир неча оғиз сўзлашиб, олиш мақсадида яқин келишлари ҳам мумкин эди.

Худди мана шу фикрни тасдиқлаб тушгандек, кўп ўтмай малла қароқчи уфқда бир нуқта пайдо бўлганини кўриб қолди. Биноклда қараб унинг қандай кема эканини ҳозирча ажратиб бўлмасди, лекин «Балиқ разведкачиси» худди ўша тарафдан учиб келганди, шунинг учун қароқчилар балиқчилар билан учрашиб қолишдан қўрқиниб шарди. Босқинчиларнинг диққати оша бошлади. Балиқчилар билан учрашиб қолиш имконияти уларни яна шунинг учун ҳам хавотирга солардики, қора нуқта худ-

ди улар кетаётган тарафдан пайдо бўлганди. Уни айланаб ўтиш эса, вақтни қўлдан бериш бўларди; ахир унинг яқинидан бутунлай бошқа нуқта пайдо бўлиши,—унинг эса ўзлари орзиқиб кутаётган «Кайман» бўлиб чиқиши ҳам ажаб эмасди. Хуллас, кетаётган йўларини ўзгартириб бўлмасди. У кема нарироқ боргандан кейин, эҳтимол, буларнинг йўлидан чиқиб кетар деб умид қилишгина қолди, ўшанда шхуна унинг ёнидан хотиржамлик билан ўтиб кетаверади.

Бир оздан кейин шу нарса маълум бўлдики, ўша кема ё бир жойда турибди, ё бўлмаса жуда имиллаб сузаяпти. Қароқчилар кеманинг номини ўқиб бўлмайдиган узоқликдан айланиб ўтиб кетишга қарор қилдилар. Мачтанинг синиб қолганидан «Колумб»ни ташқи кўринишига қараб танишолмас деб умид қилардилар.

Уйқусизликдан чарчаган ва қўлида бинокль бўлмаган Марко уфқдаги қора нуқтани дарров кўролмади. Лекин қароқчиларнинг ҳадеб бир тарафга тикилиб қарайверганлари уни қизиқтириб қолди, кўп ўтмай у уларнинг диққатини нима тортаётганини кўрди. Юнга ҳам тахминан худди қароқчилар сингари фикрга келди, лекин унинг миясида бошқа фикр ҳам туғилди: «Борди-ю, у бирон-бир ажнабий пароход бўлса-чи? Унда босқинчилар пароходга яқин боришдан олдин уларни отиб ўлдирадилар, мурдаларни денгизга ташлаб юборадилар, кейин эса, оғизларига келган ёлғонни қайтармай бирон нарса тўқийдилар.» Лекин қароқчилар рубкадан Андрийни ва ўлик ҳолдами ё тирик ҳолдами Стахни олиб чиқмагунларича, улар барча гувоҳлардан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайдилар.

Ҳозирги минутда юз берган вазият «Колумб»даги ҳамма одамларда бир хил фикр туғдирди. Юнга ўйлаган нарса ҳақиқатан ҳам қароқчиларни хавотирга солмоқда эди, шунинг учун улар худди шу пайтда нима қилиш тўғрисида ўзаро маслаҳатлашмоқда эдилар. Энди улар асирларсиз ҳам ишини тўғрилаб оларди. Иккаласини ўлдириш учун иккита ўқ кифоя қиларди. Лекин рубкада яна бир гувоҳ қоларди. Ҳатто уни эшик тирқишидан тасодифан отиб ўлдирганларида ҳам мурдасини олиб чиқишолмаган бўларди. Агар шундай қилсалар, улар озми-кўпми қаноат ҳосил қилган бўлардилар, албатта: ҳеч қандай гувоҳ бўлмагандан кейин, улар «Колумб»ни тасодифан учратиб қолганимизда унда биронта ҳам тирик жон йўқ эди деб айтишлари мумкин.

Анч яна рубка атрофини бир айланиб чиқди.

Бу ўртада уфқда нуқта тез пароходга айлана борди. Малла соч қароқчи унинг тепасидан чиқиб турган тутунни кўриб қолди. Анч Маркога пароходни нарироқдан айланиб ўтиш учун шхунани бир четга буришни буюрди. Юнга эшитмаган киши бўлиб кемани илгариги йўналишида ҳайдаб кетаверди. Жосус буйруғини такрорламоқчи эди-ю, лекин қароқчи унинг сўзини бўлди.

— Менга қаранг, агент,— деди у, пароходни биноклда кўздан кечирар экан,— мен пароходнинг учта мачтасини кўряпман... Трубаси грод мачтаси билан бизань мачтаси ўртасида, бизань эса фокдан баланд... Бу «Кайман»!

Анч биноклни кўзига яқин келтирди. Бир минутдан кейин у биноклни кўзидан олди. Жосуснинг кўзлари чақнар эди.

— Янглишмабсиз,— деди у ва пароход тарафга қараб ҳайдашни буюриш учун Маркога ўгирилди-ю, лекин ҳеч нарса демади — юнганинг ўзи ҳам шхунани илгариги курс бўйича ўша тарафга ҳайдаб бормоқда ва у тўппатўғри пароходга яқинлашмоқда эди.

Кемалар бир-бирига яқинлашиб кела бошлади, лекин қароқчилар «Кайман»нинг узоқлашиб кетишидан қўрқиб, тревога сигнали кўтаришга ва ўзларининг ким эканлигини билдириб қўйишга қарор қилдилар. Малла соч қароқчи дарҳол шунга киришди.

Лекин шу пайт яна самолётнинг шовқини эшитилиб қолди. Энди у бошқа тарафдан, шхуна билан пароход ўртасидаги жой тепасида учиб келарди. Иккинчи самолётнинг пайдо бўлиши шхунада ҳаммани ҳаяжонга солди. Лекин кўп ўтмай бунинг ўша «Балиқ разведкачиси» экани маълум бўлди. Энди у яқин атрофда айланиб уча бошлади. Бу кузатувга ўхшаб кетар эди. Босқинчилар ҳаяжонланиб қолдилар. «Самолёт қаёққа кетган эди, нега қайтиб келди? Агар шхунани кузатиб юрган бўлса, унда бунинг сабаби нима ва бунинг қандай хавфи бор? Қароқчиларнинг миясидан мана шундай саволлар ўтди, лекин улар ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ, самолёт «Кайман» ни қўрқитиб юборишидан ва унинг нари кетиб қолишидан қўрқар эдилар. Лекин, кўринишдан, пароход осмонда самолёт учиб юрган бўлишига ва шхуна сузиб юришига ҳам қарамай бу ерлардан кетмоқчи эмасдек туюларди.

Малла соч қароқчи тайёргарликни тугатди ва синиқ

мачтага фақат «Кайман» капитанигина тушунадиган белгили байроқ кўтарди, бунни у билан сув ости кемасининг командири илгаридан келишиб қўйгандилар. Самолётдагилар бу белгиларга қизиқиб қолдилар шекилли, анча пастлаб, лекин револьвер ўқлари етмайдиган баландликда шхуна устида айланиб учиб юра бошладилар. Қарақчилар пилотларнинг ўққа тутилиш хавфидан қўрқаётганликларини сездилар, пилотлар қуролсиз эдилар. Энди яшириниб ўтиришнинг ҳеч фойдасиз эканини тушуниб, қароқчилар чўнтакларидан револьверларини чиқариб уни ўқталиб учувчиларга пўписа қила бошладилар.

Иккала асир ҳам, гарчи бир-бирларини кўрмасаларда, бир фикрга: шхунани пароход яқинига йўлатмаслик керак, деган фикрга келдилар. «Балиқ разведкачиси» нинг яна қайтиб келиши уларга далда берди: улар Бариль билан Петимконинг ғайрат ва эпчиллигига ишонар эдилар. Марко ўз хатосини тушунди ва рулни буриб юборди. Худди шу заҳоти мотор ўчиб қолди. Левко уни ўчириб қўйди ва қўлларини юқорига самолётга кўтарди. Анч унга ташланиб, тўппончасининг дастаси билан бошига бир неча марта урди. Левко мотор устига йиқилиб, уни гавдаси билан тўсиб қўйди. Бошидан қон оқа бошлади. Шу пайт самолёт гўё шхунани таран қилиб юбормоқчи бўлаётгандек, худди лочиндек «Колумб» устига отилди. Учувчилар мачтадан ниҳоятда бир метр юқоридан учиб ўтдилар. Анчнинг назарида самолёт унинг бошига қулаб тушаётгандек туюлди. У Левкони ўз ҳолига қўйиб, орқага ташланди. Малла соч қароқчи самолётнинг бу ҳамласидан қўрқиб кетган бўлса-да, лекин худди ўша пайтда биноклдан «Кайман»дагиларнинг аллақандай сигнал бераётганларини кўриб қолди. Сув ости кемасининг командири шхунанинг бурун тарафига чопиб келди ва пароходни ёрдамга чақариб, сигнал бера бошлади. Бунга жавобан «Кайман» энди бир жойда тўхтаб қолган шхуна тарафга ёрдамга кела бошлади.

Худди шу вақт жуда узоқдан уфқда кўзга зўрға чалинаётган яна бир нуқта кўринди.

### **XI боб**

### **С И Н О В**

Бу ҳаяжонли дақиқани воқиа иштирокчилари денгизнинг тўрт жойидан кузатиб турдилар. Булардан бири — «Буревестник» эсминеци палубаси, иккинчиси — «Кайман»

палубаси, учинчиси — «Балиқ разведкачиси» самолёти ва, тўртинчиси, юқоридагиларнинг диққат марказида турган — «Колумб» шхунаси эди.

«Буревестник»дагилар самолёт билан шхунани, ярим минутдан кейин эса пароходни ҳам кўриб қолганларида, кўз илгамас денгиз кенглигига эрталабки қуёш сахийлик билан нур сочар эди. Иккала кема ҳам биноклда гарчи фақат қора нуқта бўлиб кўринса-да, «Буревестник» командири ҳаво разведкасининг маълумотларини ҳисобга олиб, уларнинг турган жойларини тез мўлжалга олди ва ҳар бир нуқтанинг нима эканини дарҳол аниқлади. Штурман ўша икки нуқта билан «Буревестник» орасидаги масофа қанчалигини аниқлаш тўғрисида, вахта бошлиғи эса, ҳар эҳтимолга қарши, пулемётларни тайёрлаб қўйиш ва «Қайман» ниқобланган торпедачи кема эмасмикан деган мақсадда уни кузатиб туриш тўғрисида буйруқ олдилар. Дивизион қўмондонлигига дарҳол радиограмма жўнатилди:

«Қароқчилар босиб олган «Колумб» ни топдим. У «Қайман» номли аллақандай шубҳали бир чет эл пароходига яқинлашиб бормоқда. Рибтрестнинг «Балиқ разведкачиси» самолёти ўшалар тепасида учиб кузатиб юрибди. Кемаларга яқинлашиш учун ўша тарафга жадал кетяпман.»

Штурман «Қайман» билан «Колумб» орасидаги масофа шхуна билан эсминец орасидаги масофага қараганда етти марта қисқа деб хабар қилди.

— «Қайман» нинг тезлигини аниқлашга бир ҳаракат қилиб кўринг, — деб буюрди командир.

Эсминец, шхуна ва пароход тўғри бурчакли уч бурчак ҳосил қилган эдилар. Унинг юқори нуқтаси «Буревестник», гипотенузаси эса — ундан то пароходгача бўлган чизик эди. Катетларнинг бирлашган жойидаги тўғри бурчакда шхуна турарди. Эсминец ё пароходдан олдинроқ шхуна олдига етиб бориши лозим эди, ёки пароходнинг шхунага борадиган йўлини кесиб қўйиши керак эди. Шхунанинг қимирламай турганини аниқлаб, Трофимов шулардан иккинчисини амалга оширишга қарор қилди. Зорянинг сўзларидан «Колумб»да қайиқ борлигини билган командир қароқчилар ўша қайиққа тушиб пароход қаршисига сузиб қолмасалар эди деб хавотирланарди.

Шхуна энди биноклсиз ҳам кўриниб турарди. Комис-

сар ўша кўриниб турган кеманинг «Колумб» эканини айтганда, эсминец йўловчилари ҳаяжонлана бошладилар. Аини вақтда у биринчи марта шхуна тепасидан учиб ўтганда, Петимко «Колумб» да Маркони кўрганини ҳам айтди. Бу хабарни эшитиб уларнинг учаласи ҳам хурсанд бўлди ва кўнгиллари бир оз ўрнига тушди. Зоря Петимко Левкони ҳам кўрибдими-йўқми деб сўради.

— Учувчи тўрт кишини кўрибди. Демак, улардан бири Левко,— деб жавоб берди комиссар.

Маркониинг онаси ҳаяжон билан охирги минутларда қароқчилар асирларни ўлдириб қўймасмикинлар деб сўради. Комиссар шхуна тепасида «Балиқ разведкачиси» айланиб учиб юрибди, учувчилар кўзи олдида босқинчилар асирларни ҳеч нарса қилишга журъат этолмайдилар деб унга тасалли берди.

Шхунадан сўл тарафга яна бир нуқтани кўриб қолган Махтей бобо бир қанча вақт индамай турди, кейин эса, унинг пароход эканига ишонч ҳосил қилиб:

— Эҳе! Демак, у итваччалар уч томонлама ўт орасида: эсминец, пароход ва самолёт ўртасида қолган эканлар-да!— деди.

Чол пароходнинг босқинчиларга ёрдамга келаётганидан хабарсиз эди.

Лекин кўп ўтмай эсминецдагиларнинг ҳаммаси бундан хабардор бўлдилар. Командир «Энг жанговор тезлик» деб буюрди. Кекса Махтей кеманинг нақ тумшуғида туриб олиб, кеманинг жуда тез сузиб боришидан ҳосил бўлган шамолга маза қилиб кўкрагини тутарди. У пароходнинг шхуна олдига деярли етиб қолганини кўриб турарди, лекин шундай бўлса ҳам ҳамон эсминецнинг ғалаба қилишига ишонарди. Лекин кемадагиларнинг ҳаммаси ҳам буни ишонч билан айтолмас эдилар. Шхуна билан кема ўртасидаги масофа «Колумб» билан пароход ўртасидаги масофадан анча узоқ эди. Командир штурманнинг ҳисоб қилиб бўлишини кутиб турарди, штурман эса пеленгатор устига энгашган ҳолда бурчакларни ҳисобга олар ва картада белгилаб қўйилган, «Кайман» ўтиши лозим бўлган турли нуқталарнинг ҳисобини қилмоқда эди.

Комиссар кўприкчага чиқди ва бинокль билан олдиндаги учта қора нуқтанинг ҳаракатини кўздан кечириб, командир олдида турди. Капитан-лейтенант ўттиз икки марта катта қилиб кўрсатадиган бинокль устига энгашиб қараб турарди, бу бинокль кўприкчага махсус уч оёқли



асбобга ўрнатилган эди. Агар палуба сал силкиниб турмаганда, бу бинокль билан пароходда ва шхунада турган одамларни ҳам баҳазур кўрса бўлар эди.

Старший механик ўз постида машина бўлимида эди, «Энг жанговор тезлик» деган команда унинг шу ерда бўлишини талаб этарди. Ҳар замонда бир старший механик вахта бошлиғининг ёрдамчисига телефон қилар ва ишлар қалай деб сўраб қўярди. У эса ҳар сафар ишлар яхши деб жавоб берар ва бўлаётган ишларни қисқача қилиб тушунтирарди. Лекин тўртинчи марта телефон қилиб сўрганида, вахта бошлиғининг ўринбосари тушуниб бўлмайдиган қилиб алланарсалар деб тўнғиллаб қўя қолди.

Худди шу вақт штурман командирга «Қайман» нинг тезлигини у билан шхуна ўртасидаги масофани назарга олиб, ўлчаб чиққанидан хабар бераётган эди; унинг ҳисобига қараганда «Буревестник»нинг «Қайман» билан «Колумб» ўртасидаги масофани кесиб ўтиши учун биру чорак минут вақт етмасди. Капитан-лейтенант штурманга жаҳл билан қараб қўйди. «Буревестник» жуда тез сузиб борарди, шунинг учун ўша вақтдан тўрт-беш секундгина ютиши мумкинлигини биларди. Комиссар энгашиб, командирнинг қулоғига алланарса деб шивирларди. Трофимов телефон трубкасини шартта қўлига олди.

— Машина!— деган капитан-лейтенантнинг овозини эшитди старший механик, ўша ондаёқ.

— Эшитаман.

— Ўз лойиҳангизга биноан тезликни оширинг!

«Қайман» палубасидаги одамлар ҳам ҳаяжонда эдилар. Дастлаб самолёт пароходда ҳеч қандай шубҳа тугдирмади, лекин шхунани кўриб қолганларидан кейин эса капитан дарҳол машинани «бузиб қўйиш» ва «ремонтга» киришиш тўғрисида буйруқ берди. Команда бу ишни жуда қойил қилиб бажара оларди. Лекин самолёт иккинчи марта учиб келгандан кейин, шхунада эса шартли белгилар кўтарилгандан кейин «Қайман» дагилар ғивирлашиб қолдилар. Сигналчини, нонушта қилиш учун кетган агентни юқори чақирдилар ва машинани «бузиб қўйиш» операциясини бекор қилдилар.

Шхуна тўсатдан тўхтаб қолди, шундан кейин аллақандай бир одам: «Дарҳол ёрдамга келинглар. Сабаби жуда муҳим» деб хабар қилди. Бундан олдинги шифрланган сигнал шхунада сув ости кемасининг командасидан бирон-бир кишининг борлигидан дарақ берарди, са-

молётнинг осмондан туриб кетма-кет қилаётган ҳамла-лари эса шхунага ҳақиқатан ҳам хавф таҳлид қилаётганини исбот қиларди. Лекин шхунада шу пайт ким борлигини энг кучли биноклдан ҳам аниқ кўриб бўлмас эди.

«Қайман» шхуна тарафга қараб юрди. У жуда ҳам тез сузаётгани йўқ эди. Юк параходида ҳарбий кемалардаги сингари тезликни дарров ошириб ёки камайтириб бўлмайди. Пароходнинг машина бўлимидагилар энг секин тезликдан энг жадал тезликка ўтиш учун қанча жон фидо қилмасинлар, барибир бунинг учун жуда кўп вақт кетди. Дастлабки минутларда самолётнинг қуролсиз эканига ишонч ҳосил қилиб, «Қайман» дагилар унча хавотир олмадилар. Лекин самолёт бориб келган тарафдан пайдо бўлган ва тез яқинлашиб келаётган қора нуқтани кўриб қолгандан кейин, капитан учувчилар аллақандай бир кемани ёрдамга чақириб келмадилармикан деб дарҳол шубҳа қилди.

Барибир бунинг ҳам ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқ эди. У кема уфқда зўрға кўзга кўринарди, «Қайман» эса то у кема етиб келгунча, шхуна олдига ўн марта бориб келишга ҳам улгура олган бўларди.

Шу тарзда икки минут ўтди. Кейин капитаннинг ёрдамчиларидан бири уфқда кўринган кеманинг ҳаддан ташқари тез яқинлашиб келаётганини сезиб қолди. У кема одамларнинг кўзи олдидаёқ жуда тез катталашиб борарди. Бундай тезликда фақат енгил ҳарбий кема суза олиши мумкин. Бу вазият эса юз бериши мумкин бўлган фалокатларнинг олдини олиш учун пароходнинг тезлигини оширишга мажбур этарди.

Ҳарбий кемага пароход ўзининг миллий байроғини кўрсатиши лозим эди. Кема командири пароходнинг ҳужжатларини текшириш ҳуқуқига эга. Унинг пароход капитани рухсатсиз қилолмайдиган бирдан-бир иши — чет эл кемасидан битта ҳам одамни, ҳатто ўта кетган жиноятчини ҳам олиб кетолмаслиги ҳуқуқидан фойдаланиш умидида «Қолумб» олдига шошиларди. Ҳарбий кема қуюндек учиб келмоқда эди, лекин пароход шхунага анча яқин эди. «Старший ёрдамчи» мусобақани кўздан кечирар экан, ичи қоралик билан жилмаярди. Пароходдаги матрослар шхунага ёндашиши биланоқ унинг бортига ташлаш учун трапларни тайёрлаб қўйган эдилар. Кичкинагина қуролсиз самолёт уларга ҳалақит беролмасди.

Бариль эса ҳамон шхуна устида гир айланиб юрарди.

Пилот ўзининг ҳарбий самолётда эмаслигини гўё унутиб қўйган эди. Петимконнинг эса бошни айлантириб юборадиган виражларга ўрганмаганидан нафаси тиқилиб қоларди. Аҳён-аҳёнда штурман ўзини креслога боғлаб қўйилган қайишларга осилиб қолар, шундай пайтларда у иккала қўли билан самолётнинг бортига ёпишар ва кўзларини катта очиб пилотга қарарди, «Балиқ разведкачиси» шхуна устидан физиллаганча учиб ўтар, ўқдек юқори отилар, «горка» қилар, яъни бурнини деярли тик кўтариб юқори чиқар ва петля қилиб айланиб, гўппа-тўғри яна «Колумб»га қараб шўнғирди. Кўринишдан, у ҳозир гўппа-тўғри бориб шхуна палубасига тушадигандек, парча-парча бўлиб кетадигандек ва айни вақтда мачтани, рубкани бузиб юбориб, одамларни пачоқлаб ташлайдигандек туюларди. Бариль ҳатто ҳарбий машинада ҳам бундай ишламаган бўлса керак.

Бу бошқа бир самолёт билан қиланаётган жанг машғулоты эди, лекин «бошқа самолёт», яъни шхуна ҳеч қаерга йиқилиб кетолмас эди. Ҳар ҳолда, дунёда биронта ҳам учувчи олий пилотажга мосланмаган машинада бу хилда учмаган бўлса керак.

Бариль шхунадаги ўз душманларининг планларини бузиб юборишга ҳаракат қиларди, бунга муяссар бўлди ҳам. У душманларнинг ҳар қанча уринишларига қарамай, моторни яна ишга солиб юборишларига йўл қўймади. У қиялаб шундай паст учиб ўтардики, самолёт қаноти ҳозир кемадагилардан биронтасининг бошини учуриб кетадигандек туюларди. У мушт дўлайтирар, дўқ қиларди. Анч чидаб туролмади ва ўзининг револьверида қолган охирги ўқни учувчига қараб отди, лекин ўқ самолётнинг қанотига тегди.

Бариль фақат шхунагагина атака қилиб қолмади. У ўзининг машинасини пароходга қарши олиб бориб, ундаги одамларни ҳам ташвиш ва саросимага солиб қўйди. Учувчи ён тарафдан келиб тўсатдан капитан кўприкчасига ташланганда, кўприкчада турганларнинг ҳаммаси самолёт ўзининг поплавоклари билан бизни мўлжалга оляпти деб ўйлаб, ўзларини палубага улоқтириб урдилар. Рулевой қўрқиб кетганидан рулни қўйиб юборган эди, тўлқинлар пароходни шу ондаёқ изидан чиқариб юборди. «Қайман» у ёқ-бу ёққа лапанглаб ўнгга оғиб қолди. Самолёт кўприкча тепасидан учиб ўтаётганда, капитан ва уердаги бошқа барча одамларнинг назарида, самолёт қаноти билан мачтага урилиб кетиб йиқилиб тушаётгандек туюлди.

Ҳақиқатан ҳам, фокмачта билан гротмачта орасидаги масофа самолёт қанотларининг узунлигидан торроқ эди. Лекин «Балиқ разведкачиси» парход тепасидан бир қанотини юқори кўтариб ва иккинчисини пастга қилиб фириллаганча қиялаб ўтиб кетди. Капитан сакраб ўрнидан турганда бошқарувсиз қолган парход жадаллик билан тўппа-тўғри ҳарбий кема қаршисига қараб сузиб бормоқда эди. Капитан қўрқиб кетган вахта хизматини ўтаётган матросга рулевой рубкасига ўтишни буюрди, машинага эса, «Энг охирги тезликда» сузишни буюрди, чунки самолёт яна атака қилиш учун парходга ўқдек учиб келаётган эди. Бариль иккинчи марта парход борти олдида горка қилди, лекин «Қайман» энди шхуна тарафга қараб жуда тез сузиб бораётган эди. Парход рулевой рубкада турарди.

«Буревестник» штурмани командирга яна ўн беш секунд етишмаслигини билдирди. Беш секунддан кейин старший механик командирдан ўзининг лойиҳасига биноан кема тезлигини нормадан ташқари яна уч милга ошириш тўғрисида буйруқ олди. Икки минут ичида старший механикнинг буйруқлари кочегаркада яшин тезлигида бажарилди. Машина бўлимидагиларнинг бутун командаси ўз командирининг планини аллақачондан бери биларди. Ўз лойиҳаларини у дастлаб қўл остидаги ўртоқларига кўрсатарди. Кейин ҳаммалари бир бўлиб лойиҳа устида бош қотиришарди. Машина бўлимидагиларнинг ҳаммаси унинг фикрига қўшилишгандан кейин, у ўзлари ўйлаб қўйган планни амалга ошириш учун кураш бошларди. Машина бўлимидагиларни олдинги лойиҳаларнинг амалга ошмаганлиги айгиқса қаттиқ хафа қиларди. Лекин старший механик кема тезлигини ошириш тўғрисида яна сўз бошлаши биланоқ, ҳамманинг диққати янги лойиҳага қаратиларди. Бир неча кундан бери машина бўлими билан кочегаркада тайёргарлик ишларини олиб боришар ва командир қачон синаб кўришга розилик бераркин деб кутиб туришарди. Тўғри, командирнинг розилигини базага қайтишдан олдин олишни кутишмаган эди, лекин ҳар эҳтимолга қарши ҳаммалари синовга тайёр ҳолда турардилар.

Командир кема тезлигини максимум даражадан ҳам ошириш тўғрисида буйруқ берганда, ҳаммалари гардонларига юкланган ишни бажариш учун ниҳоятда тез ишга киришдилар. Бу сафар лойиҳанинг барбод бўлишига ҳеч

кимнинг ишонгиси келмасди. Фақат жойидан қимирла-маслик тўғрисида буйруқ олган битта ҳазилкаш йигит бошини чайқар ва кулиб: «Барбод бўлади, барбод бў-лади, барбод бўлади» деб такрорларди. У бутун умри бўйи ўзи истаган бир нарсани амалга ошириш тўғрисида ҳаёл сурган ва тақдирни алдаш учун доим: «Қилолмай-ман, қилолмайман, қилолмайман» деб такрорлайдиган бир кекса денгизчи тўғрисидаги латифани эслаган эди. Ҳазилкашнинг бахтидан бўлиб, ҳозир унинг сўзларига ҳеч ким эътибор бермади.

Палубада команди билан комиссардан бошқа ҳеч ким машина бўлимида нималар бўлаётганини билмас эди. Команда эсминец билан пароходнинг мусобақасини ҳаяжон билан кузатиб турарди. «Буревестник» поезд тез-лигида елиб борарди, лекин мўлжалга пароходдан олдин етиш учун у шамол тезлигида сузиши керак эди.

Тўсатдан кема қаттиқ чайқалиб кетди. Командир би-лан комиссар бир-бирларига қараб олишди, шунда улар-нинг қовоқлари солиқ юзларида ҳушёрлик ифодалари акс этди. Аллаким эсминецни олдинга куч билан итариб юборгандек бўлди. Қемани алланарса бир-икки марта қаттиқ силкиб ташлади, палуба зириллаб кетди. Қизил флотчилар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди. Эсми-нецда аллақандай бир ғалати ҳодиса бўлмоқда эди. Ко-мандир қўлига телефон трубкасини олди.

— Старший механикни беринг,— деб қичқирди у.

Уша ондаёқ:

— Эштаман,— деган товуш эшитилди.

Капитан-лейтенант жим турарди. «Буревестник» сил-кинмай қўйди ва янада тез сузиб кетди. Командир ҳеч нарса демай трубкани илиб қўйди. Шхуна кема тарафга елиб келаётгандек туюларди; у, кемадагилар назарида, экрандагидек тез катталашиб борди, ундаги одамларни эса биноклсиз, шундай ҳам ажратиб олиш мумкин бўлди. Лекин ҳали ҳамма иш қилинган эмасди. Маневрнинг му-раккаблиги, шунингдек кемани ўз вақтида тўхтатиб олишдан ҳам иборат. Эсминец инерция билан шхуна ва пароход ўртасидан ўтиб кетиши, то орқасига қайтиб кел-гунча эса пароход «Колумб» даги одамларни ўз бортига ўтказиб олиши мумкин. Командир шхунага шатакка ола-диган чангак ташламоқчи ва уни ўзи орқасидан эргаш-тириб кетмоқчи бўлди-ю, лекин қароқчилар ўзларини сувга ташлашлари мумкин деб ўйлади. Эсминец физил-

лаганча ўтиб кетади, пароход эса уларни сувдан чиқариб олади.

— Жадал сузиб кетаётган вақтда сувга қайиқ туширишлар, деб команда берди командир, ўзининг ёрдамчиси старший-лейтенантга.

Бир лаҳзадан кейин ёрдамчи бир тўп қизил флотчилар билан қайиқ олдида турарди. У командирнинг мақсадига тушунди. Елиб кетаётган кемадан одамлари билан денгизга қайиқ тушириш лозим эди. Бу жуда қийин иш бўлиб, цирк артистлари сингари эпчил бўлишни талаб қиларди.

Мана бир группа қуролли денгизчилар қайиққа тушиб олдилар, моторли шлюпбалкалар эса қайиқни кеманинг ёнига, бордан ташқарига сурди ва уни сувга туширди. Қайиқнинг таги сув тўлқинларига сал тегди. Қайиқ сувга тўсатдан бориб урилса парча-парча бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун асосий вазифа бунга йўл қўймаслик эди. Қайиқни сувга кеманинг қўйруқ тарафидан туширдилар. Қайиқнинг сувга дастлабки урилишдан атрофга сув фонтандек сачради ва ундаги денгизчиларни йиқитиб юборди. Бунга дош берган қайиқ бошқаларига ҳам дош бериши лозим эди. Пўлат арқонларни бўшатаётган блоклар гижирларди. Қайиқ сувга тобора чуқурроқ бота бошлади. Кўп ўтмай у пароходнинг ўнг ёнида буксирда сузиб борарди. «Кайман» дагилар қайиқнинг сувга туширилганини кўрдилар ва унинг нима учун туширилганини тушундилар, лекин шхунадаги қароқчилар бу ҳаракатни кўрмадилар — бу ишларнинг ҳаммаси уларга қарама-қарши тарафдаги борт томонда бўлди.

Энди эса ҳамманинг — пароходдагилар, самолётдагилар ва эсминецдагиларнинг диққат марказида бўлган «Колумб» га кўчайлик.

Самолётнинг иккинчи марта пайдо бўлиши, унинг шхунага шиддат билан ҳамлалар қилиши ва кейинги барча маневрлари, моторнинг улар тепасида тўхтовсиз гувиллаши жосуснинг ўқ узиб мўлжалига текизолмагани, пилотнинг қилган дўқлари — буларнинг ҳаммаси босқинчиларни довдиратиб қўйди. «Кайман» нинг ёрдамга келаётганини кўриб, улар Левко билан моторни ўз ҳолига қўйдилар. Лекин уфқда янги кемани кўрганларидан кейин, улар «Колумб» ни пароходга қарши ҳайдаш учун яна моторга қайтдилар.

Лекин моторни ҳеч нарса қилиб бўлмади — ҳушидан кетиб қолган Левко бунга ҳалақит берарди. У мотор устида ётар ва уни у ердан олиш учун оёқ-қўлини ечиш керак эди. Бу жуда кўп вақтни оларди. Малла соч қароқчи пичоқ билан арқонларни кесиб юборди, бироқ у бу билан банд бўлган вақтда моторни ишга солиш пайти қўлдан кетди: қароқчилар бирор йўл-йўриқ излаб топгунча ё пароход, ё кема улар олдига етиб келиши аниқ кўриниб қолганди. Кузатиб туришдан бошқа иложлари қолмаган эди.

Анч асирларни отиб ташлаш ва шхунага ўт қўйиб юборишни ўйлади, лекин энди унинг битта ҳам ўқи қолмаганди.

Энди фақат оқибати нима бўларкин деб кутишдан бошқа иложи йўқ эди.

Маркога энди ҳеч ким эътибор бермай қўйди. У рулни ташлаб қўйиб, ҳаяжон билан кемалар мусобақасини ва қароқчиларнинг нима қилишаётганларини кузатиб турди. Афсуски, у арқонлардан қутулиб чиқолмади, шундай бўлса ҳам бир тарафга озгина сурилди, кузатиш учун қулайроқ жой танлаб қолди. Юнга ҳарбий кеманинг илгари отилганини ва тез учар қушдек жадал яқинлашиб кела бошлаганини сизди. Бир минутдан кейин шхуна олдига олдин эсминец етиб келиши аниқ бўлиб қолди. Юнга «Буревестник» ни таниди. У ҳеч қандай кеманинг бунчалик тез сузганини кўрмаган эди.

Жосус билан қароқчи бортнинг бир четига келиб турдилар. Анч ўз револьверини сувга ташлаб юборди, қароқчи кўк конвертдан қоғозларини чиқариб олди-да, уларни қўйнига яширди. Конвертн у сувга ташлади. Револьверини эса қўлидан қўймади. Энди Марко қароқчиларнинг ниятини тушунди. Жадал келаётган эсминец бирдан тўхтаётган олмай нарига ўтиб кетди. Пароход эса яқин келиши билан қароқчилар дарров унга сакраб ўтиб оладилар. Уларни ушлаб қолиш керак. Лекин юнга ҳеч нарса қилолмасди.

Старший механик синовдан муваффақиятли ўтди. Эсминец шиддат билан сувни кўпиклатиб келиб, «Колумб» нинг нақ борти ёнгинасидан физиллаганча ўтиб кетди. Шхуна чайқалиб кетди, одамлар тўсатдан келиб урилган шамолдан кўзларини қисдилар. Бу бир дақиқа давом этди. Тўхтаётган эсминец жуда олдинга ўтиб кетди. «Қайман» шхунага яқинлашиб келарди, ле-

кин у билан «Колумб» ўртасида қочмоқчи бўлган қароқчилар йўлини тўсиб, қайиққа тушиб олган қизил флотчилар туришарди.

### XII боб

#### МУРДАНИНГ КЎЗ ЕШЛАРИ

Пароход қайиқ устига бостириб келиши ва уни пачақлаб юбориши, шунда шхунага ҳам урилиши мумкин эди, лекин «Қайман» капитани эсминецдагилар кўзи олдида бундай қилишга ботинолмади. Пароход бундан кейинги бўладиган ишларни кузатиш учун тезлигини пасайтириб, чапга бурилди.

«Колумб» да револьвердан отилган ўқ овози эшитилганда, қайиқ шхуна олдига ҳали етиб келмаган эди. Қароқчилар сув ости кемасининг командири тўппончасида қолган охирги ўқни ўзининг миясига қараб отган эди. Қароқчи ўқни шундай ҳолда туриб отдики, ўқ егандан кейин у денгизга тушиб кетиши ва уларнинг сирини очиб қўядиган ҳужжатларни ўзи билан бирга чўктириб юбориши шубҳасиз эди.

У денгизга орқаси билан йиқилди ва сувни чайқатиб юборди. Худди шу пайт юнга денгизга калла ташлади. Қайиқ командири йигитча хурсандликдан терисига сизмай кетди ёки шхунада қолган қароқчининг уни отиб ўлдиришдан қўрқди деб ўйлади. Тирик қолган иккинчи қароқчини улар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам қўлга туширишлари лозим эди.

Қайиқ бир зумда «Колумб» олдига етиб келди, қизил флотчилардан иккитаси сакраб шхунага чиқди.

— Қўлингни кўтар!— деб қичқирдилар улар.

Анч қаршилиқ кўрсатмади. У курсида қимирламай ўтирар ва олдига келишиб, энди нима қилиши кераклигини айтишларини кутиб турарди. Уни тинтидилар, лекин на қурол-яроқ, на биронта ҳужжат тополмадилар — буларнинг ҳаммасини у аллақачон денгизга ташлаб юборган эди. Қизил флотчилардан бири Анч олдида қолди, иккинчиси эса Левко олдига келди. Қайиқдан шхунага бошқа денгизчилар ҳам сакраб чиқа бошладилар. Қайиқ командири денгизни кўздан кечирарди. Марконинг қилган иши дастлаб уни ҳайрон қолдириб, кейин эса ҳаяжонга сола бошлади. Йигитча нима учундир ҳадеганда сув тагидан юқори чиқмасди.



Бир минутдан ортиқ вақт ўтди. Ниҳоят сув тагидан юнганинг боши кўринди. У оғир нафас оларди. Кўри-нишдан, унинг сузишига алланарса ҳалақит берар ва уни сув тагига тортарди. Марко яна шўнғиб кетди, лекин бу сафар бир неча секунд ўтгач, қайтиб чиқди ва ёрдамга чақирди.

Марко денгизга ўзини ташлаганда, қайиқдагилар унинг оёқлари боғлиқ эканини сезмаган эдилар. Лекин фақат шунинг ўзи Маркодек уста сузувчини тўхтата олмасди. Гап шундаки, Марконинг қўллари ҳам алланарса билан банд эди. Старший лейтенант юнганинг ўзини ўлдирган қароқчи кетидан шўнғиганини, сув тагида уни тутиб олганини ва ҳозир ҳам уни ушлаб турганини тушуниб қолди. Худди шундай бўлган эди ҳам. Марко қароқчилар сув ости кемаси командирининг мурдасини ушлаб турарди, бундай оғир юк эса сузувчининг ҳаракатларини қийинлаштирар ва сув юзида туриш учун катта куч талаб қиларди. У қароқчини сув тагидан топиб, унинг кийимларидан тишлаб олди ва қўлларини ишга солиб, тез юқорига сузиб чиқди. Энди у қайиқнинг етиб келишини кутиб турарди.

Қизил флотчилар кутдириб қўймадилар. Улар қайиқни бирпасда Марко олдига олиб келдилар ва уни юки билан бирга қайиққа чиқариб олдилар. Ҳамма иш тугагандан кейин фақат эндигина Марко ўзининг жуда ҳам ҳолдан тойиб қолганини сезди. У арқонларни ечиб ёки қирқиб ташлашни илтимос қилди.

— Жуда боплашибди-ку сени!— деди старший лейтенант, йигитчанинг оёқларига ачиниб қараб.

Арқонлардан қутулиши билан юнга мурда устига энгашди ва унинг курткасини ечиб, қўйнидан бир даста қоғоз олди. Қароқчи йўқотиб юбормоқчи бўлган ҳужжатлар ҳали ҳатто хўл бўлиб ҳам улгурмаган экан. Старший лейтенант юнгага қойил бўлиб қараб турарди. Анч Марконинг қилаётган ишларини шхунадан кузатиб ўтирарди. Жосус шу вақтгача ҳали ҳеч бунчалик диққинафас бўлмаган ва иложсиз ғазабга тушмаган эди.

«Кайман» палубасидан ҳам шхуна ва қайиқда бўлаётган ишларни кузатиб туришарди. Пароход секин-аста узоқлашиб борди. Бирдан Марко қайиқдан «Қолумб» га сакраб чиқди ва уни яхшироқ кўра олишлари учун бўйини чўзиб, иккала қўлининг бармоқларини олдинма-кетин бир-бирига улаб, бурни устига олиб кел-

ди ва пароходдагиларга «узун бурун» кўрсатиб, уларни масхара қилди. Юнга «Кайман»нинг қуйруқ тарафида турган бир денгизчининг ўзининг эски таниши, «Кавказ» ошхонасида колубмчилар учратишган «бир кўзли» ажнабий эканини таниб қолди.

«Кайман» узоқлашиб борарди. «Старший ёрдамчи» Маркога қарамасликка уринарди. У оғир аҳволга тушиб қолган Анчга қарар ва эҳтимол, бир кун эмас бир кун ўзининг ҳам бошига шундай кун тушиши тўғрисида кўрқув билан ўйларди.

Шхунада қизил флотчилар Левкони ўзига келтиришга ёрдамлашдилар. У бошини боғлаб бўлишларини кутиб, скамейкада сабр билан жим ўтирарди.

— Қандай қилиб топдинглар бизни?— деб сўради у.— Қизиқ. «Колумб» нинг босқинчилар қўлига тушганини қаердан билдинглар?

— Буни бизга қизча айтиб берди, кейин эса самолёт қидириб топди.

— Қандай қизча?

— Қандай қизча бўларди, ўзингиз билан бирга шхунада бўлган қизча-да. Оти нима эди... Эҳтиёт бўлинг! Сизга нима бўлди? Ахир мен ярангизни боғлаяпман-а...

— Зорями? Зорями? А?— деб ўрнидан сапчиб турди Левко.

— Ҳа, Зоря эди шекилли... Лекин ярангизни боғлаётганда бундай силтанманг.

Эсминец аллақачон тўхтаб, орқага бурилган ва секин-аста шхуна олдига қайтиб келаётган эди. Бу ўртада «Колумб» даги қизил флотчилар ўлиб бўлган Андрей билан оғир ярадор шкипер ётган рубканинг яшигини очишга уриниб кўрдилар.

Айни вақтда «Колумб» тепасида гувиллаб, учиб юрган самолёт овози ҳам тинди, «Балиқ разведкачиси», тўлқинлар орасидан шхуна олдига ёзиллаганча кела туриб ва эсминецни орқада қолдириб кетишга ҳаракат қилиб, сувга қўнди. Бариль билан Петимко самолётдан туриб, «Колумб» чиларга саломлар йўллашар эди. Улар бундай тўлқинлар ичига клипербот туширолмасдилар.

Рубка эшигига тўлқинлар илгарига қараганда қаттиқроқ урила бошлади. Лекин у ҳали ҳам ёпиқ турарди. Иллюминаторни ҳам тақирлатдилар, қичқирдилар, лекин ҳеч ким жавоб бермади.

\*Шхуна олдига эсминец ҳам етиб келди ва у билан ёнма-ён тўхтади. Эсминецдан одамларнинг хурсанд бўлиб қичқирганлари эшитилди. Онаси Маркони чақирмоқда эди. У дарҳол кема палубасига чиқди-да ўзини онасининг қучоғига отди. Хурсандликдан кўзлари чақнаган Махтей бобо командир кўприкчасига чиқиб, Трофимовга ташаккур билдирди.

Семён Иванович бобони қучоқлаб:

— Арзимаиди, арзимаиди... Ҳар қанча ташаккурингиз бўлса старший механикка айтинг,— деди-да, кекса денгизчини старший механик олдига олиб боришни буюрди.

Старший механик эса ташаккурни, штурманга айтиш керак, чунки агар унинг ҳисоби бўлмаганда, эсминец бунчалик тез сузолмаган бўларди деб бобони ишонтира бошлади. Штурман ҳамма гап комиссарга боғлиқ эди, деб бобони комиссар олдига юборди. Комиссар эса ҳамма гап қизил флотчиларга ва шхуна тўғрисидаги хабарни топиб келган Махтей бобонинг ўзига боғлиқ эди деб тушунтирди. Бобо аввалига ҳайрон бўлиб қолди, кейин ниҳоят Зоряга ташаккур билдириш лозимлигини тушунди-да, қизчани қидириб кетди.

Лекин Зоря эсминецда эмасди. У шхуна палубасига сакраб ўтиб, Левконинг қучоғига отилди. Левко эса уни ушлаб осмонга ирғитди. У ўз кўзларига ишонмас, қизча қароқчилар ёғдирган ўқдан чўкиб кетган деб ўйларди. Қизча эса унинг олдида турар ва энг муҳими, «Колумб» ни босқинчилар қўлга туширгани тўғрисида хабарни етказган ҳам: ўша Зоря эди. Қизча ўзининг қандай қилиб қутулиб кетгани тўғрисида сўзлаб берди.

Шхунада ва кемада шод-хуррамлик ҳукм сурарди. Анчни соқчилар назорати остида кемага олиб ўтдилар, у эса ҳаммани ёвуз йиртқичдек кузатиб турарди.

Энди рубкани очиш ва шкипер билан рулевоининг тақдирини билишгина қолганди.

Шхунада рубкани чинакам қамалга олдилар. Лекин ичкарида ҳеч ким йўқдек ёки ундаги иккала одам ҳам ҳушсиз ётгандек тиқ этган овоз чиқмасди.

— Буниси жуда ғалати бўлди-ку,— деди лейтенант.

— Эҳтимол ҳаво етишмай бўғилиб қолишгандир?

Левко кичкина вентиляторни кўрсатиб, бунга эътироз билдирди. Уша вентилятордан сўзлашиш трубкаси ўрнида фойдаланишга қарор қилдилар.

Шу билан бирга ичкаридан эшикни қеч ким очмаса, уни бузиб кириш учун эсминецга болта ва лом олиб келишга одам юбордилар. Баъзи бировлар рубкадан аллақандай товушлар эшитилипти деб ишонтиришарди. Диққат билан қулоқ сола бошладилар. Ҳақиқатан ҳам ичкаридан зўрға-зўрға қулоққа чалинадиган инграш эшитиларди.

Лом ва болталарни олиб келишди. Кўп ўтмай пишиқ дуб тахталар қирсиллаб кетди. Шхунага ҳарбий врач тушиб эшикни бузиб очишларини кутиб турди. У ичкаридан инграётгани эшитилиб турган одамга ёрдам беришга тайёр турарди.

Эшикда кичкинагина туйнук очдилар, лекин оғир темир тамба жойида турарди. Туйнукни катталаштиришга тўғри келди, шундан кейин тамба ўрнига лом қўйилгани маълум бўлди. Туйнукдан икки одамнинг қораси кўринди: бири койкада, иккинчиси — палубада ётарди. Инграётган койкада эди. Бир қизил флотчи қўлини туйнукка тиқиб эшик бандидан ломни суғуриб олди ва рубкага энг олдин врачни киргизиб юборди. У эҳтиётлик билан ичкари кириб, койкада ётган одам устига энгашди.

У, белига пўкак белбоғ кийиб олган Стах Очерет эди. Унинг яралари яхшигина боғлаб қўйилганди. У кўзларини очди ва сув берганлари учун пичирлаб ташаккур билдирди. Врач ярадорнинг фақат бир неча қултум ичганига диққат қилиб қолди. Афтидан у яқин орада сув ичган эди. Қизил флотчилар унинг ёнидан бир нечта ситро ва пиво шишалари топдилар. Шундай оғир ярадор кишининг яраларини ўзи боғлаб, шишаларнинг пробкасини тортиб олишга кучи етганига врач ҳайрон қолди.

Кичкинагина тор рубкада ярадорларни кўздан кечириш қийин эди. Врач қизил флотчилардан одамларни палубага олиб чиқишни илтимос қилди.

Рулевойнинг боши эски парусина латта билан боғлаб қўйилганди. Уни мутлақо қимирламай ётган ҳолича олиб чиқдилар. Парусинани ечиб олдилар. Рулевой ҳам қутқазувчи пўкак белбоғ боғлаб олганди.

— У ўлибди,— деди бир қизил флотчи.  
Бу орада врач шкиперни кўрмоқда эди.

— Уни дарҳол кемага, лазаретга олиб ўтинлар, деб буюрди врач.— У ҳали яшайди, агар яраси боғлаб қўйилмаганда, у кўп қон кетганидан ўлиши турган гап эди.

Левко ўзи Стахнинг бошига боғлаган латтанин<sup>г</sup> бошқа бўлиб қолганига эътибор қилиб қолди. Афтидан, шкипернинг ўзи ярасини бошқатдан боғлаб олган эди.

Очеретни замбилга ётқиздилр. У кўзларини очди, юнга билан мотористни таниди шекилли, жилмайиб қўйди-да, яна кўзларини юмди.

Уни олиб кетганларидан кейин врачнинг Андрий Камбала нима сабабдан ўлганини аниқлашдан бошқа иш қолмади — буни кема журналига ёзиб қўйиш лозим эди. Врач балиқчини кўп кўрмади. Кўринишдан Андрий аллақачон қотиб қолган эди. Врач қўлини бир силтаб ўрнидан турди. Унинг ёнида Махтей бобо турарди. Врач бобонинг қўлини қисиб, тамаки бурнаки қиладиган одатингиз йўқми деб сўради.

— Бўлиб туради,— деб жавоб берди бобо.

— Озгина берсангиз,— деб илтимос этди врач.

Бобо ёнидан тамаки қутисини чиқариб, врачга тутди. У қутичадан жуда майда қилиб эзгиланган тамаки кукунидан озгина олди-да, яна мурда устига энгашиб, тамакини унинг бурнига тутди. Ҳамма ҳайрон бўлиб врачнинг ишини кузатиб турди. Бир минутдан кейн рулевойнинг мускуллари сезилар-сезилмас титраб тириша бошлади. Юмиқ киприклари орасидан кўз ёши сизиб чиқди. Мурда йиғламоқда эди, бир неча секунддан кейин эса у шундай қаттиқ акса уриб юбордики, атрофдагиларнинг ҳаммаси хохолаб кулиб юбордилар. Фақат Махтей бобо жиддий кулиб:

— Соғ бўлинг!— деб қўйди ва қувлик билан врачга назар ташлади.

Врач ҳам бошқалар билан бирга қотиб-қотиб кулмоқда эди. Марко Андрийнинг ҳийласини тушуниб:

— Андрий, Андрий, бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзи мизникилар, қароқчилар йўқ!— деб уни силкита бошлади.— Рост айтяпман, қароқчилар йўқ,— деб қичқирди.

Ниҳоят Камбала кўзларини очди.

### ХIII боб

#### СУВДАГИ ДОҒЛАР

Атрофида турган одамлар шундай хохолаб кулишар эдики, дастлаб Андрийга бу бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси — шунчаки кўрқинчли бир тушдек туюлди. У,

ҳатто ҳозир шкипер келиб кўрқоқлик қилганим учун мени роса уялтиради деб кутиб турди. Лекин Андрий рубканинг бузилган эшигини, синиқ мачтани, ҳарбий кемани кўриб қолди-да, Стах Очеретнинг кўринмаганидан қовоғини солди.

— Шкипер қани?— деб сўради у.

— Кемада, лазаретда,— деб жавоб берди юнга.

— Хўш, сенинг ўлим даражасидаги оғир яранг қани?— деб кулиб сўради Махтей бобо.

Андрий Камбала қулоғини ушлаб кўрди, қулоғи тешик бўлиб қолганди.

— Бир вақтлар денгизчилар зирак тақишарди, мана энди сен ҳам тақиб юраверасан,— деб кулди бобо.

Андрийнинг ишидан узоқ кулишди, лекин нималарни сўзлаб бераркин деб сабрсизлик билан кутиб туришарди. Рулевой ўқ товушларини эшитгандан ва қулоғи куйгандек бўлганини сезгандан кейин, энди барибир ўламан деб йиқилганини ростгўйлик билан бўйнига олди. Лекин Анчининг буйруқларини эшитиб, ўлишига ҳали анча борлигини тушунган ва ҳозирча ҳушидан кетган киши бўлиб ётаверишга аҳд қилган. У доим ҳозир мени денгизга ташлаб юборадилар деб кўрқиб ётган ва Марко уни рубкага судраб киргизиб қўйгандан кейин эса, жуда ҳам қувониб кетган. Бундай кўзини очиб қараса, у ерда ўзи билан ярадор шкипердан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Эшик сал очиқ турган экан. Шундан кейин у қароқчилар тез орада шхунани ташлаб кетсалар керак деган умидда, эшикни ичкарига ҳеч ким киролмайдиган қилиб маҳкам ёпиб олган. Эшик билан рубка деворларининг қанчалик мустаҳкамлигини яхши билганидан шу ерда яшириниб ўтиришга қарор қилган. У эшикнинг кичкинагина тамбасини секингина суғуриб олиб, ўрнига йўгон темир ломни тикиб қўйган. Кейин темир тамба билан иллюминаторни ҳам маҳкам ёпиб қўйган. Баъзан у яшиқдан топилган шам парчаларини ёққан. Рубка эшигини тақиллата бошлаганларида унинг роса ҳам ўтакаси ёрилган, лекин ҳеч ким тақиллатмай қўйган вақтларда, у Стахга қараган.

Шкиперга жон куярлик билан қараб тургани балиқчиларнинг назарида гўё унинг гуноҳини анча енгиллаштирди, шундан кейин улар Андрийнинг кўрқоқлигини кечирдилар, мў билан нечанчи марта кечеришлари экан!

У тамаки ўради ва врачнинг шкипер унинг, яъни Қамбаланинг қараб тургани натижасида ўлмайд қолди ва энди яшайди деган гапни эшитиб, оғзи қулоғига етди.

Бу орада «Буревестник» командири вазифа бажарилди деган қарорга келди. Энди қайтиш керак эди. Балиқчиларни тезроқ Лебединий оролига етказиш учун Трофимов шхунани шатакка олишни буюрди. Марко «Балиқ разведкачиси»ни маякка юбориш ва отасига ўғлининг қутқариб олингани тўғрисида хабар етказишни илтимос қилди. Онаси билан бобоси ҳам унинг илтимосига қўшилдилар.

«Балиқ разведкачиси» энг олдин маяк олдида қўниш вазифаси билан Лебединий оролига учиб кетди.

Командир олдига Анчни олиб келдилар. Унинг кимлиги, қаердан бўлиши ва шхунага нима учун тажовуз қилгани тўғрисидаги саволларига жосус жавоб беришдан қатъиян бош тортди. У одамлар гўё унга гапиришмаётгандек ғиқ этмасди.

— Қўрқиб кетганидан тилдан қолибди деб қўя қоламиз-да,— деди Трофимов.— Шундай ишлар ҳам бўлади, лекин тез ўтиб кетади.

Жосусни олиб чиқдилар.

Командир асир олинган жосусни қаерга олиб бориш кераклигини сўраб, радиограмма юборишни буюрди.

Қайғули фикрларга чўмган Марко билан Зоря кема палубасида секин-аста кезиб юришарди. «Буревестник» командасидагилар сув ости кемаси чўктириб юборилган деб ишонтиришарди. Буни жосус билан қароқчилар командирининг сув ости кемасидан қочиб қолганлари ҳам тасдиқларди. Эҳтимол, фақат уларнинг иккаласигина жон асраб қолган. Балки улардан бошқа яна бирон-бир киши қутулиб қолгандир ҳам, лекин у турган гапки, Люда эмас, албатта.

Эсминец палубасида иккита қизил флотчи ўтирган «Колумб»ни судраб, тез шимол тарафга қараб сузиб борарди. Шхунанинг бутун командаси «Буревестник»ка кўчиб ўтди. Борт устига энгашиб Марко ўйчанлик билан денгизга қараб борарди. У Люда тўғрисида ўйларди. Назари билан қалин сув қатламини тешиб юборгиси, сув ости кемасининг парчаларини денгиз тагидан қидириб топгиси ва улар орасида ўзига азиз бўлган қизни топгиси келарди. Жуда бўлмаса, унинг охириги истиқомат жойи қаерда эканини билса эди.


Марконинг елкасига кичкинагина бир қўл келиб тегди. У бошини кўтарди — Зоря унга денгизни, «Буревестник» борти тагини кўрсатарди. Кема юришини секинлата бошлади. Кеманинг атрофида сув юзида гўё аллаким денгизга нефть қуйиб юборгандек ёғлиқ ялтироқ доғлар сузиб юрарди. Командир кўприкчасидагилар бунга қизиқиб қолдилар, шундан кейин «Буревестник» шу ер атрофида айлана бошлади. Қандайдир бир танкер ўз трюмларидаги нефтларни шу ерга оқизиб кетгандек эди.

Марко гапнинг нимада эканини тушунолмади, лекин кўп ўтмай ҳамма нарса маълум бўлди. Трофимов сув ости кемаси худди шу ерда ҳалок бўлган деб ҳисобларди. Нефть унинг шикастланган цистерналаридан чиқиб, сув юзини ёғлиқ доғлар билан қопламоқда эди.


— Анавини қаранг-а, шу ергача судралиб кептида! — деди эсминец командири, ўтган кун кечаси «Буревестник» билан қароқчилар сув ости кемаси ўртасида жанг бўлган ер билан, ҳозирги туришган жой орасини харитадан ўлчаб кўрар экан.

Штурман сув ости кемасининг ҳалокатга учраган жойини аниқ белгилаб олди. Эхолот бу ерда денгизнинг чуқурлиги саксон беш метр эканлигини кўрсатди.

— Кузгача бизнинг эпоновчилар бу ерда нима қолганини разведка қилиб кўрадилар, агар имконияти бўлса, унинг қолган-қутган қисмларини чиқариб ҳам оладилар, — деб қўйди Трофимов ва илгариги тезлик билан, ўша курс бўйича Лебединий оролига қараб сузишни буюрди.







## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

*1 боб*

### ТИРИКЛАЙИН КҮМИЛГАНЛАР

Бу ерда сукунат ва жимлик ҳукм суради. Энг кучли бўрон вақтида, денгиз юзида тўлқинлар кўпикланиб ўшқираётганда, шамол эса чайкаларни соҳилдан юз километрлаб жойларга суриб кетганда, қутурган об-ҳаво темир кемаларни болалар ўйинчоғидек пачоқ-пачоқ қилиб ташлайдиган вақтларда ҳам бу ер ҳар вақтдагидек тинч ва жимжит бўлади. Сув жилмайди ҳам.

Чуқурлик саксон беш метр: юқорида ҳатто қуёш тик келган пайтларда ҳам бу ерда қуюқ ғира-шира ва ҳатто қоронғи бўлади. Денгиз тагидаги қояликларда кўк ва қизил сув ости ўтларининг пастак буталари ўсиб ётади. Бундай чуқурликка ҳар қандай балиқ ҳам тушавермайди. Бу ер чуқурлиги минг метр келадиган, сув босими юзлаб атмосферага тенг бўлиб, фақат батисфер ва гидростатлар билан ўлчанадиган океан бўлмаса ҳам ўлим хавфи туғдирадиган жойдан анча паст.

Бундай чуқурликда ғоввослар жуда камдан-кам чиқариб оладиган чўкиб кетган пароход ва кемаларга дуч келиш мумкин. Улардан баъзилари бу ерда ўн йиллаб ётадилар, уларни сув юзига кўтариб олиш иши осонлашгунча, сув тагида яна қанча вақт ётишини ким билди, дейсиз.

Лебединий оролидан тахминан юз километрча жойда, саксон беш метр чуқурликда мачтасиз, лекин капитан кўприкчасига ўхшаш қуббали, иккита кичкина-кичкина замбаракли ва палубаси атрофида пастак панжарали ғалати шаклдаги бир кема ётарди. Тажрибали денгизчи ёки ғоввос бўлганда унинг сув ости кемаси эканини таниб олган бўларди. Ҳозирги замон «Наутилус»<sup>1</sup> ини бундай чуқурликда учратиш ғайри-табиий туюлма-са ҳам, лекин бу кеманинг ётиши уни кузатиб турган одамни ҳайрон қолдирар эди. У анча вақтдан бери қимирламай ётарди. Қийшайиб қолган бортидан юқорига нефть жилдираб чиқиб ётарди, чуқурлик рули ғалати бўлиб қайрилиб қолганди. Энг муҳими эса, сув ости кемасидаги бутун экипаж гўё қирилиб битгандек ёки сув ости разведкачи кемаларнинг кучли гидрофонларидан чўчиб жим ётгандек, кемада ҳеч қандай ҳаёт асари сезилмасди.

Лекин, борди-ю, ғоввос бу ерга тушиб, қулоғини сув бостирилган жанговар рубкага тутиб кўрса, у шу ердан жанговар рубка билан марказий бошқарув пости орасида аллақандай бир овозни эшитган бўларди.

Афсуски, атрофда ғоввослар кўринмасди.

Девор орқасидан, сув ости кемасининг марказий қисмидаги кичкинагина каютадан эса, секин-аста сўзлашаётган одамларнинг товуши эшитиларди. Агар каютани кучли прожектор нури билан ёритилса, каютадаги койкада яралари бинт билан боғланган, денгиз формасида, кўзларида қўрқув ва дилхасталик акс этиб турган кишининг ётганини, унинг олдидаги стулда эса, ўн еттиларга кирган сариқ сочили, ёқимтой, мовий кўзларидан мардлик аломатлари ва миясини жиддий фикрлар банд қилгани кўриниб турган қизни кўриш мумкин бўларди.

Қиз Люда Ананьева бўлиб, койкада ётган ярадор эса, Анчнинг йиртқич ҳайвон яралаган ёрдамчиси, бошлиғи

<sup>1</sup> «Наутилус» — жюль Верннинг «Сув остида 80 000 километр» деган машҳур романидаги фантастик сув ости кемасининг номи.

тақдир ҳукмига ташлаб кетган қароқчи эди. Сув ости кемасининг бутунлай тўхтаб қолганидан бери анча вақт ўтди, унинг командири эса Анч билан бирга, маскалардан фойдаланиб, юқорига чиқиб кетган ва бунинг учун жанговар рубкага сув бостирган эдилар.

Мажбуран учрашган Люда билан қароқчи ноилож учрашувнинг дастлабки соатида индамай ўтирдилар. Марказий постдаги телефон анчагача жириглаб ниҳоят жим бўлди. Қиз у ерга чиқмади, ярадор эса, гарчи чиқмоқчи бўлганда ҳам, барибир чиқолмаган бўларди. У хафаликдан умуман ҳеч нарсани эшитмаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Улар иккаласи ҳам, кемадаги бошқа одамлар билан бирга денгиз тагида ўлиб кетишларини жуда яхши билишарди. Уларга ҳеч ким ёрдам бермайди, улар тўғрисида ҳатто ҳеч ким биронта хабар қилмайди. Марказий бошқарув постида чўзилиб ётган икки кишининг мурдаси сув ости кемасининг командири билан жосус фақат ўз жонларини сақлаб қолиш тўғрисида ўйлаганларини, энди эса сув ости кемасининг сафари ва ҳалокатга учраганини сир тутаётганларини кўрсатиб турарди.

Люда вазиятни ўйлаб кўрди. Қароқчи билан жосуснинг қочиб кетишдан олдинги суҳбатларидан сув ости кемасининг қанча чуқурликда ётганини билиб олгани, шунинг учун у бу ердан махсус асбобларсиз ёки бошқаларнинг ёрдамисиз юқорига чиқиб олишнинг иложи йўқлигини тушунди. Сув ости кемаси ҳалок бўлди, лекин экипажнинг бир қисми ҳали тирик ва ўлим соагини кутиб ётибди. Бу одамлар ўз сирларини сақлаб қолиш учун жон беришга рози бўлмасалар керак, албатта. Улар сув ости кемаларининг мана шундай ҳалокатга учрашидан ва уларнинг бундай чуқурликдан қутқариб олиш усулларидан яхши хабардор эдилар. Қиз шу тўғрида гаплашмоқчи, бундай вазиятда қолганда нима иш қилиш кераклигини сўрамоқчи бўлди.

— Менга қаранг, исмингиз нима?— деб сўради қиз, ярадор қўшнисидан.

— Антон,— деган жавоб эшитилди бирпас давом этган жимликдан сўнг.

— Айтингчи, бундай чуқурликдан қутулиб чиқишнинг қандай усуллари бор?

— Бизнинг ихтиёримизда — ҳеч қандай... Анови, кемадан юқорига отилиб чиқиб кетган иккаласи қутулиб қолсалар, биз тўғримизда хабар беришлари мумкин.

Лекин шундай бўлганда ҳам ғоввослар бундай чуқурликдан бизни қутқариб ололмасалар керак.

— Наҳотки бунинг иложи бўлмаса?

— Деярли ҳеч қандай иложи йўқ.

— «Деярли» деяпсиз...

— Ғоввослар бундай чуқурликка тушишади, лекин бунинг учун жуда кўп вақт кетади. Бизни топишади ва кемани кўтариб олишади деб фараз қилайлик. Лекин кемани кўтариб олишганларигача ҳаммамиз ҳаво етишмай ҳалок бўламиз.

— Демак, кутулишга умид қилса бўлар экан. Агар ўзимиз тўғримизда хабар етказа олсاق, эпрончилар бизни қутқариб олишларига ишонаман.

— Фақат ўша эпрончиларингиз қутқариб олишса эҳтимол... Лекин бу ердан қутулиб кетганлардан биттаси ҳам совет ғоввосларини ёрдамга чақиришни истамайди.

— Мен авария буйи тўғрисида гаплашганларини эшитдим. Агар янглишмасам, уни сув юзига чиқариб юбориб, ўз тўғримизда хабар беришимиз мумкин бўларкан.

Ярадор қимирлаб қолди. Қиз унда умид учқуни ўйготган эди.

— Ҳа, ҳа... Агар биз юқорига буй чиқарсак... Агар уни дарҳол топиб олиб, эпрончиларга етказсалар... Биз ҳали уч-тўрт кун яшаймиз...

Гира-шира ёритиб турган лампочка ҳам бутунлай сўнди. Каюта қоронғилик ичида қолди. Люда охирги ариентирини ҳам йўқотди ва энди фақат пайпаслабгина юра олиши мумкин эди.

— Бизга чироқ керак,— деди қиз.

— Менда гугурт бор,— деди Антон,— лекин ёқилган ҳар бир гугурт чўпи кислород запасини камайтиради.

— Наҳотки бу ерда электр фонарчаси бўлмаса?

— Старший офицерни топиб, унинг чўнтаklarини қидириб кўринг-а, унда ўшандай фонарча бўлиши керак.

Люда старший офицернинг мурдаси каюта билан марказий бошқарув пости ўртасидаги зинада ётганини эслади. Унинг чўнтаklarидан бирида Люда ростдан ҳам трубкага ўхшаган электр фонарчаси топди. Уни ёқди, ўлдирилган старший офицерни кўздан кечирди-да, стол олдига қайтиб келди. Энди фонарчадан фойдаланиш мумкин эди.

— Батарейни тежаб ишлатинг,— деди Антон.

— Биладан,— деди қиз ва фонарчани ўчирди.— Энди нима қиламиз?

— Буй ичига солиб чиқарадиган хатни ёзиш керак.

Қиз стол устидан қоғоз, автомат ручка топди ва олдига фонарчани ёқиб қўйиб, хат ёза бошлади.

— Бу сув ости кемасининг номи нима?

Антон жавоб бермади.

— Эпрончилар қутқариб олишларини хоҳлайсизу кемангизнинг номини айтишни истамайсизми?

— Қароқчилар сув ости кемаси деб ёзинг, деб ҳорфинлик билан жавоб берди ярадор,— у ёғини ўзлари тушуниб олишаверади.

— Яхши. Қаерда эканимизни қандай қилиб белгиласак бўлади?

Яна сукунат тушди.

— Буйни сузиб юрадиган қилиб қўйиб юбориш ҳам, бир жойда турадиган қилиб юбориш ҳам мумкин,— деб жавоб берди Антон.— Буйни сузиб юрадиган қилиб қўйиб юборилса, сув ости кемасининг ётган жойини аниқ белгилаш керак бўлади, агар уни бир жойда турадиган қилиб юборилса шамол ёки тўлқинлар узиб юбормаса (буй шамолда дарров узилиб кетиши мумкин), унинг ўзи турган жойимизни кўрсатиб беради. Агар биз денгиз йўлларидадан четда бўлсак, боғлаб қўйилган буй жуда узоқ вақт ҳеч кимнинг кўзига ташланмай ётавериши мумкин.

— Лекин биз ўзимизнинг қаерда эканимизни билмаймиз-ку!

— Бир жойда турадиган буй чиқарамиз.

Люда бошқа ҳеч нарса сўрамади. У кўп ўйлаб ўтирмай хатни тез ёза бошлади ва бир неча минутдан кейин ярадорга ёзганларини ўқиб берди:

— «Қароқчилар сув ости кемасининг борти. Кемасаксон беш метр чуқурликда чўкиб ётибди. Сув ости кемасининг командири билан жосус Анч денгиз юзига чиқиб кетдилар, чиқиб кетаётган старший офицер билан рулевоини отиб ўлдирдилар. Марказий бошқарув пости олдидаги каютада бир ярадор матрос билан қолдим. Сув ости кемасида одамлар бор, лекин улар билан алоқа узилган. Электр чироқлар ўчиб қолди, фонардан фойдаланяпман. Ҳаво запаси кам. Эпрончилар ёрдами-ни кутяпмиз».

Езган хатининг охирина ярадорга ўқиб бермади. Да-  
вомида мана бундай сўзлар ёзилган эди:

«Қароқчилар мени Лебединий оролидаги кўрфазда Марко Завириуха ва Зоря Находка билан бирга асирга олдилар. Торнит конлари, ҳарбий кемаларнинг турар жойлари, «Буревестник» ва ҳоказолар тўғрисида сўроқ қилдилар. Маркони қаттиқ қийнадилар. У билан Зоря қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Ярадор қароқчи рус тилини билар экан, ўзини Антон деб танитди.

Агар бизни қутқазиб олишмаса, менинг ўлимим тўғрисида Лебединий оролидаги отам профессор Ананьевга хабар етказинглар.

Люда Ананьева»

Ярадорнинг айтганини қилиб, Люда буй ва уни юқорига чиқариб юборишга хизмат қиладиган шахтани топиш учун марказий бошқарув постига чиқди. Узунлиги бир ярим метрча келадиган ингичка йўл-йўл цилиндр топди. Унинг юқори қисми думалоқ стерженга ўхшаб кетган бўлиб, унга: «Аварияга учрадик, ёрдам кўрсатилишига муҳтожмиз» деган маънони билдирадиган иккита байроқ ўраб қўйилган эди. Ўша цилиндрнинг юқори қисмидаги қопқоғи осонгина бураладиган бўлиб, ичида эса орасига хат солиб қўйса бўладиган алюмин най жойланган эди. Цилиндрнинг тагида маҳкам қилиб арқон боғланган ҳалқаси бор эди. Мана шу арқон билан уни сув ости кемасига боғлаб қўйиларди. Арқон лангар арқони вазифасини ўтайди деса ҳам бўларди.

Қиз цилиндрни юқорига чиқариб юборадиган шахтани ҳам қидириб топди. У шахтанинг қопқоғини қандай қилиб очиш кераклигини сўраш учун каютага қайтиб келишга мажбур бўлди. Уни очиш жуда осон иш экан. Дастлаб ундаги ички клапаннинг қисқичи бураб олиниши керак, клапан кўтарилади, кейин буй унинг ичига солинади-да, клапан яна беркитилади, сўнгра, ричагни бураш билан шахтага сиқиқ ҳаво заряди киритилади. Ҳаво сув босимининг ташқи клапанга бўлган таъсирини енгади-да, буй худди торпеда сингари юқорига отилиб чиқиб кетади.

Люда бу йўл-йўриқларни олгандан кейин ёзган хатини алюмин най ичига жойлади, қопқоғини бураб ёпди-да, цилиндрни шахта ичига солди. Кейин арқоннинг маҳкам

боғланганини текшириб кўриб, ички клапанни ёпди-да, буйни отиб юборди. Ташқаридан эшитилган енгилгина шовқин буйнинг сув ости кемасидан учиб чиқиб кетганидан дарак берди. Люда ола чипор қилиб бўялган цилиндрнинг сув қатламларини ёриб ўтганини, денгиз юзига чиққанини ва у ерда у ёқ-бу ёққа чайқалиб тўхтаганини кўз олдига келтирди. Айни вақтда байроқлар ҳам очилиб кетади. Энди фақат уни бирон-бир кишининг кўриб қолишигина қолган эди. Бундай байроқ олдидан ҳеч ҳам эътиборсиз ўтиб кетмайди, ишқилиб авария буйини қароқчилар йўқ қилиб юборишмаса бас. Лекин қароқчилар билан жосус, агар умуман эсон-омон денгиз юзига чиқиб олган бўлсалар, бу ердан аллақачон кетиб қолишган бўлса керак.

Қизнинг фикрини Антон бўлди.

— Бўлдингизми?— деб сўради у.

— Ҳа, чиқариб юбордим.

— Ишқилиб қасирға ёки бўрон кўтарилмаса бўлгани, акс ҳолда улар буйни узиб юборишлари мумкин. Унда ҳатто сизнинг эпрончиларингиз ҳам бизни тополмайдилар.

Улар яна сабрсизлик билан кута бошладилар. Бахтларидан бўлиб, сув ости кемасидагилар бир неча соатдан кейин денгиз юзида ростдан ҳам қасирға бўлганидан, улар юқорига чиқарган буйни узиб кетганидан ва унинг дастлаб шимолга, кейин эса шарққа қараб суриб кетганидан мутлақо беҳабар эдилар.

Бир қанча вақт жим қолдилар. Кейин Люда ўз ихтиёрларида қанча ҳаво ва озик-овқат қолганини чамалаб кўришни таклиф қилди. Марказий бошқарув пости билан унга туташган икки каюта тўғри бурчакли тўрт бурчак шаклида қурилган эди, шунинг учун Люда бу хоналарнинг ҳажми қанча эканини осонгина ҳисоблаб чиқди. Бу хоналарнинг ҳажми ҳаммаси бўлиб йигирма кубметрдан сал ошарди. Нормал атмосферали ҳавода шунча жойда тўрт минг литр кислород бўлади. Бир одам суткасига беш юз литр кислород истеъмол қилади. Нормал нафас олганда бу ҳаво уларга тўрт кеча-кундузга етган бўларди. Лекин сув ости кемасидаги ҳаво аллақачон бузилганди. Яқиндагина бу ерда олти киши бор эди. Бундан ташқари у карбонат ангидриддан тозаланмади, бунинг устига ҳаво тозаловчи аппаратларнинг умуман ишламай қолиш хавфи бор эди.

Люда билан ярадорнинг ҳисобича, уларнинг ихтиёрида икки суткага етадиган ҳаво запаси бор эди. Эҳтимол, баллонлардан сиқиб қўйилган ҳавони ҳам чиқариб юборишга тўғри келар. Шу билан кислород миқдорини ошириш мумкин, лекин аynи вақтда хонадаги атмосфера босими ошиб кетади. Бу эса уларга кессон касалидан ҳалок бўлиш хавфини туғдиради.

Озиқ-овқатдан Люда беш-олти кунга етадиганини топди. Сув масаласи чатоқ эди. Сувдан фақат етти-саккиз шишагина қолган эди, шунинг учун уни тежалмаса бўлмасди. Лекин уни тежаш қийин эмасди, чунки сув ости кемасидаги температура пасайиб кетди. Машина, ишдан тўхтади, шундан кейин сув ости кемаси атрофдаги сув температурасигача, яъни тахминан тўққиз даражагача совиб борди.

Ярадор қароқчи ухлаб қолди. Люда бошини стол устига қўйиб мудрай бошлади. Бирдан уни телефон овози уйғотиб юборди. Люда ўрнидан турди ва фонар билан йўлни ёритиб, старший офицер билан рулевоининг мурдаси устидан эҳтиёт билан ўтди-да, телефон олдига келди.

## II боб

### Я Н Г И Ш К И П Е Р

«Буревестник» Соколинй кўрфазидан тонг отар маҳалда чиқиб кетди. Эсминецни ҳеч ким кузатиб қолмади, лекин балиқчилар посёлкасидаги одамларнинг ҳаммаси командир билан қизил флотчилардан гоят миннатдор эдилар. Кеча қизил флотчилар кuni билан балиқчиларникида меҳмон бўлдилар. Воқиаларнинг қаҳрамонлари — Марко, Зоря, Левко, Андрий ва ҳарбий денгизчилар — ўз саргузаштларидан қайта-қайта сўзлаб берардилар. Эшитувчиларга эса буларнинг ҳаммаси ҳам камдек туюларди ва улар ҳикоячиларга устма-уст саволлар берарди. Лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ қулоқ солаётган, суриштираётган ва ҳикоя қилаётган кичкина Грицко эди. У ўзини асосий қаҳрамон деб ҳисобларди.

— Агар мен Зоряни таниб қолиб, буни бобом билан ойинга айтмаганимда, бутун иш хароб бўларди,— деб ҳаммани ишонтирарди у.



Ҳозир эса, кема қуёш қаршисига бурилиб очиқ денгизга чиққанда вахта командири Грицкони эслаб меҳр билан жилмайиб қўйди.

«Буревестник» тез сузиб борарди. Кемадаги охирги кўмирлар ёниб тугамоқда эди. Трофимов Стах Очеретни Лузани касалхонасига етказишга ва оролдаёқ тергов органларининг вакиллари назорати остига олинган Анчни топширишга шошилларди.

Эрталабки қуёш чиққанда эсминец енгил шабада эсиб турган ва кичик-кичик тўлқинлар югуриб юрган очиқ денгизда, оролдан узоққа сузиб кетаётган эди.

Қуёш чиқиши билан «Колумб» да Андрий Камбала уйғонди. Бу кечани у шхунада ёлғиз ўзи ўтказди. Марко уйда, маякда тунади, Левко эса — қишлоқда, ота-оналари олдида қолди. Ярадор шкипер эсминецда, кема лазаретида ётарди. Рулевой кечқурун шхунага қайтиб келди, шу ерда тунади ва энди, бекорга вақт ўтказиб ўтирмай, Лузанига жўнашга тайёргарлик кўриш, у ерга бориб, шундай ҳам анча туриб қолган балиқни топшириш ва мачтани ремонт қилиш керак эди.

Андрий соҳилга кўз ташлади ва эрталабки қуёш нурлари остида пристанга ҳар тарафдан тушиб келаётган уч кишининг қорасини кўрди. У қўлига бинокль олиб, одамларни кўздан кечири бошлади. Қораси кўринган одамлардан бири Марко эканини таниди. У маяк тарафдан келарди, афтидан кечаси дурустроқ ухлаб ҳам олмай, шхунага чопганди. Иккинчиси Левко эди. Моторист ҳам худди юнга сингари ўз вазифасини унутмаганди. Учинчи қоранинг ким эканини Андрей таний олмади, унинг қиз бола эканини ажратиб ололди, халос.

«Эрта саҳардан бу ерга келаётган ким бўлди экан?» деб сўрар эди ўз-ўзидан рулевой, кўринган одамларнинг учаласи ҳам пристанга тушганларидан кейингина у қизнинг Зоря Находка эканини таниди. Бир неча минутдан кейин балиқчилар билан қизча шхунада эдилар.

Одатда шкипер кемада йўқ вақтларида унинг ўрнини Левко босарди. Рулевой билан юнга унинг буйруғини кутиб турдилар. Моторист палубани бир оз айланди, қон доғлари ювиб ташланган рубкани, синиқ мачтани, моторни кўздан кечирди, бир неча балиқни қўлига олиб ҳидлаб кўрди, яна қайтиб ташлади-да, ўртоқларига мурожаат қилди:

— Доктор шкиперимизни шухунага қишдан олдин қайтолмаслигини менга айтиб кетди. Бир ёки икки ҳафтадан кейин Марко техникумга имтиҳон бериш учун шаҳарга кетади. У ўша ерда қолса ҳам ажаб эмас... «Қолумб»га янги команда тўплаш тўғрисида ўйлаш керак.

— Мен энди ҳеч қабёққа бормайман,— деди юнга тез.

— Нима учун?

Сизларни ташлаб кетишни истамайман,— деб жавоб берди йигитча ҳаяжон билан.— Ўзимизнинг эски «Қолумб»ни кўзим қиймайди. Мен Стах амаки касалхонадан чиқиб келгунча, шухунага янги матчта ўрнатгунимизча,— яна...— унинг овози пасайди, секинроқ сўзлай бошлади,— ғовослар денгиз тагини қидириб қароқчилар сув ости кемасини топишмагунча, Людани топишмагунча ва биз уни кўммагунимизча, шу ерда, бўламан. Фақат шундан кейингина ўқишга кетаман... Техникумга, денгизчилар ўқишига қишда ҳам, баҳорда ҳам яна олишаверади ҳали.

Ҳамма жим турарди, Левко билан Андрий ҳаяжонда эдилар. Кўринишдан моторист алланарса тўғрисида ўйламоқда эди.

— Нима деймиз унга?— деб сўради у, ниҳоят рулевойдан.

— Қолаверсин,— деб жавоб берди Андрий ва Маркони қучоқлаб олди.

— Хўп,— деб қисқа ва жиддий қилиб жавоб берди Левко.— Сен рози бўлсанг, мен ҳам розиман— демак бутун экипаж бир оғиздан бунни қўллаймиз. Энди менда бошқа бир таклиф бор: келинлар, Стах амаки касалхонадан чиққунча, шхунани учаламиз бошқарайлик. Розимисизлар?

— Розимиз!— деб жавоб беришди ўртоқлари.

— Лекин бизга вақтинча шкипер керак. Мен ичимиздан бир кишини шкипер қилиб сайлашни таклиф қиламан, кейин эса уни тасдиқлаш тўғрисида Рибтрестга рапорт берамиз.

— Левкони сайлаймиз,— деди юнга.

— Йўқ,— деб унинг сўзини бўлди моторист,— шкипер қилиб душманга қарши курашда орамиздаги энг кўп мардлик ва удабуронлик кўрсатган кишини сайлашни таклиф қиламан.

— Йўқ, йўқ, фақат мени эмас!— деб деярли жаҳл билан қичқирди Андрий.

Ҳаммалари жиддий қиёфада турган эдилар, лекин ҳеч ким ўзини жилмайиб қўйишдан тиёлмади, ҳатто рулевоининг ўзи ҳам оғзини кафти билан беркитиб, қувлик билан кулиб қўйди.

— Демак, овозга қўямиз,— деди Левко, рулевоининг ҳазилини тушуниб.— «Колумб»нинг шкипери қилиб — Марко Завирюхани сайлаймиз.

Марко кемада Левко шкипер бўлиши керак, мен эса мотористлик қиламан деб жуда қаттиқ туриб, гап уқдира бошлади. Бу таклифга рулевои билан моторист қарши чиққанларидан кейин юнга команда тўла эмас, шунинг учун икки киши учинчисини сайлай олмайдилар деб туриб олди.

— Бир нарсани сўрасам майлими?— деб балиқчилардан сўраб қолди шу пайтгача жим турган Зоря.

— Қулоғимиз сенда, Зоренька,— деб қизга ўгирилиб қаради Левко.

Энди шхунада уч киши қолдинглар. Бирингиз шкипер, бирингиз рулевои, яна бирингиз — моторист бўласизлар. Мени эса юнга қилиб олишингизни илтимос қиламан. Овқат пиширишни, у ёқ-бу ёқни йиғиштиришни, қайиқ бошқаришни, балиқ ажратишни биламан, бошқа ишларни ҳам ўрганиб оламан.

Ўзи учун жуда катта бўлган бу нутқни айтиб бўлгандан кейин қизча жим қолди.

Балиқчилар унга меҳр билан қараб туришарди.

Мен қарши эмасман,— деб энг олдин розилик билдирди Андрей.

— Яша, Зоря!— деб қичқирди Марко.

Левко ҳам хурсандлик билан ўзининг розилигини билдирди ва тантанали суратда шу бугундан бошлаб Зорянинг «Колумб» шхунасига юнга қилиб тайинланганлигини эълон қилди.

— Экипаж тўла бўлди,— деб қўшиб қўйди рулевои.— Энди эса келинлар, шкипер сайлаймиз. Зоря, сенингча ким шкипер бўлсин: Маркоми ёки Левкоми?

— Марко,— деб жавоб берди қизча.

— Ҳа, баракалла!— деди Левко ва Маркога ўгирилди:— команданинг кўпчилиги сендан шкиперлик вазифасини ўз зимманга олишингни сўрайди.

Марко ноилож рози бўлди.

— Уртоқлар менга ишонч билдирганларинг учун раҳмат, уни оқлашга ҳаракат қиламан. Ҳозир эса, келинг-

лар лангар кўтарайлик. Рулевой, лангар кўтар, шхуна-ни денгиз тарафга бур! Юнга — рулевойга ёрдам бер! Моторист — моторни секин сузадиган қилиб қўй!

Ун минутдан кейин «Колумб» Соколинний кўрфазини орқада қолдириб, денгизга чиқди. Шхуна мотор кучи ва синиқ мачтага ўрнатилган елкан ёрдами билан сузиб борарди. Ҳамма ўз ишига киришиб кетди.

Юнга рубка олдида нонушта тайёрлай бошлади. Ёш шкипер шхунанинг бурун тарафида туриб, денгизнинг олис жойларига қарар, эрталабки соф, муздек ҳаводан нафас олар ва бошидан кечирган кураш кунлари тўғрисида ўйларди.

### III боб

#### КИЧКИНА ХАБАРЧИ

Торианит тепасидаги иш бир минут ҳам тўхтамасдан давом этаверди. Бир неча кун ичида профессор Ананьев қартайиб, сочлари оппоқ бўлиб кетди. У букчайиб, ҳасса тутиб юрадиган бўлиб қолди, лекин илгаригидек ҳали ҳам геологоразведка ишларига раҳбарлик қиларди. У кичкинагина ёғоч баракка ўрнатилган химик лабораторияга айниқса кўпроқ эътибор берарди. У ерда аллақачон энг олдинги гелий ажратиб олиниб, ҳозир металл ва шиша баллонларда сақланмоқда.

Чет элдан сотиб олинган қиммат баҳо ускуналар «Антопулос» билан бирга денгиз тагига чўкиб кетди, лекин совет заводларидан бири керакли ускуналарни тайёрлаб беришга рози бўлгани ва уни ниҳоятда қисқа муддат ичида тайёрлаб беришга ваъда қилгани тўғрисида Лебединий оролидан хабар олинди. Шу билан бир вақтда Геологик комитет разведка ишларини тезлатишни қистар ва яқин орада профессор Китаев билан бирга оролга текширувчиларнинг янги бир гуруҳини юборишни ваъда қиларди. Торианит тепасида янги ходимларни қабул қилиб олишга тайёргарлик кўрилмоқда эди. Палаткалар ўрнатишар, қишлик бинолар қуришар ва профессор Ананьевнинг лойиҳасига биноан гелийни кустар усулда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишарди.

Бугун Ананьев эрта билан конларни айланиб чиқди. Йўл-йўриқлар кўрсатди, ишларнинг охирги натижалари билан танишди.

Кеча қизнинг қароқчилар сув ости кемаси билан бирга ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабар узил-кесил тасдиқланди. Профессор Марко билан Зоря Находкани бориб кўрди ва уларнинг Люда тўғрисидаги гапларини эшитди. Унинг илтимоси билан капитан-лейтенант Трофимов уни Анч билан учраштирди, лекин жосус саволларга жавоб беришдан бош тортди. Профессор қизининг охириги минутлари тўғрисида ҳеч нарса билолмай қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Эсминец қўмондонлиги, балиқчилар, торканит ишлаб чиқаришдаги ишчилар унинг фамига шерик бўлдилар, лекин профессор одамлардан четлашиб қолди ва кўринишдан, кечаю кундуз ишга шўнғиб кетгандай эди. Унинг ёш дўстлари профессорни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилардилар. Улар Ананьевга билдирмасдан унинг палаткаси олдида кечаси билан навбатчилик қилиб чиқдилар. Лекин ҳеч ким ичкаридан бирон марта бўлмасин унинг уҳ торганини эшитмади, у ерда эрталабгача чиरोқ ўчмади, Ананьев палаткасидан чиққанда эса, унинг юзида бир нечта янги ажин пайдо бўлган эди.

Чоштгоҳга яқин профессор баланд тепа устига чиқди ва атрофга — оролга, денгизга, қўлтиққа ва қўлтиқнинг нариёғидаги қитъада ясланиб ётган далаларга назар ташлади. Кейин тепа атрофидаги жойларни диққат билан кўздан кечириб чиқди-да, бу ерда қизи билан бирга дастлабки текшириш ишлари олиб борганини, кунлардан бир кун, худди мана шундай бир кунда, улар узоқдан фотоаппарат кўтарган бир кишини кўриб қолганларини эслади. Профессор оғир хўрсиниб қишлоқ тарафга кўз ташлади. Қишлоқча билан торканит конларини бирлаштирадиган сўқмоқдан аллаким чопиб келмоқда эди. Бир эмас, уч киши чопиб келарди. Аллақандай бир бола бошқаларни, афтидан катталарни бўлса керак, орқада қолдириб, тепалик тарафдан худди қушдек учиб келмоқда эди. Қолган икки катта киши боладан анча орқада қолиб кетишган, лекин улар ҳам чопиб келишарди.

«Яна нима бўлдийкин?» деб ўйлади профессор. У ишчилардан бирига болани кўрсатди.

— Қаёққа қараб қочаётган экан?— деб ҳайрон бўлди ишчи.— Тўппа-тўғри шу ерга қараб келяпти.

Ҳақиқатан ҳам бир жойда, сўқмоқ кичкинагина кўлмак атрофидан айланиб ўтадиган жойда, бола йўлни қйқартириш учун тўппа-тўғри кўлмак ичига ўзини урди,

иштонини ҳам аямай ҳамма ёғини ҳўл қилиб ва лой сачратиб шу тарафга чопди.

— Ҳа-а-а, таниш бола экан,— деди ишчи.— Мен бу болани танийман.

— Ким у?

— Маяк назоратчисининг ўғли.

— Грицкоми?

— Худди ўша.

Энди болани профессор ҳам таниб қолди, лекин на у, на ишчи Грицконинг кетидан қувиб келаётганларнинг ким эканини таний олмадилар. Грицко эса тепаликка чиқиб олди, аллақандай бир чуқур ва қичитқон бутаси устидан сакраб ўтди. Оёқлари қизариб кетган, иштонининг бир почаси йиртилган, шодликдан юзи ёнар, кўзлари чақнарди. У профессор олдига чопиб келди-ю йиқилди. Бола шундай ҳансираб қолгандики, ҳеч нарса гапиролмасди. Ананьев энгашиб болани кўтариб олди:

— Суви!— деб қичқирди.

— Ама-ки-амаки... дея олди дудуқланиб-дудуқланиб бола.— Люда ти-ти-рик экан... Анавилар ундан хат олиб келишяпти...

Профессор болани қўлидан қўймагани ҳолда, кўзларининг тиниб кетаётганини ва оёғи мадорсизланиб бораётганини сизди. Ёнида турган ишчи уни суяб қолди.

#### IV боб

### ВАҚТ СЕКИН УТМОҚДА

Люда телефон трубкасини олиб:

— Алло!— деди.

Аллакимнинг командирни чақириб беринг, деган бўғиқ хириллоқ овози эшитилди.

Қиз бир неча секунд жим турди-да, кейин:

— Командир — мен бўламан,— деб жавоб қилди.

— Ким бу? Эсингиз жойидами ўзи?

— Сизнинг қароқчи кемангиз қўлга тушди. Командирингиз қочиб кетди. Старший офицер ҳалок бўлди. Совет иттифоқи вакили сифатида менинг сўзларимга қўлоқ солишингизни таклиф қиламан.

Жавоб бўлмади.

— Алло! Алло!— деб гапида давом этди қиз.— Мен билан гапиришаётган ким?

Бирпас жим тургандан кейин: ўша овоз эшитилди:

— Машинист-электрик... Старший механик ўзидан кетиб қолди. Ҳаво етишмаяпти.

— Сув ости кемасининг аварияга учрагани тўғрисида юқорига хабар чиқардик. Эпрончилар ёрдамга чақирилган. Бизни қутқарадиган қандай асбобларингиз бор?

— Телефондан бошқа биронта ҳам механизм ишламай қўйди. Биз ҳам ҳеч нарса қилолмаймиз.

— Эпрон етиб келгунча қандай қилиб қутулиш мумкинлиги тўғрисида яна яхшилаб ўйлаб кўринглар.

— Эшитаман!— деган хириллаган жавоб эшитилди.

Сув ости кемасининг қўлга тушгани тўғрисида хабар бериб бўлиб, Люда ўч олгандек ўзидан мамнун бўлди: майли қароқчилар ўз кемаларининг совет денгизчилари қўлига тушгани тўғрисидаги фикр билан ўлиб кетишсин.

Телефон орқали бўлган бутун гапни эшитиб ётган каютадаги ярадор Людани кўриши билан сув ости кемасининг қўлга туширилгани тўғрисидаги гапни жиддий айтдингизми деб сўради. Унинг овозидан истехзо сезилиб турарди.

— Ҳа, жуда қатъий айтдим,— деб жавоб берди қиз.— Бу кемани совет флотининг ўлжаси деб эълон қилишга менга ҳеч ким ҳалақит беролмайди, мен ҳозир бу тўғрида хат ёзаман. Сизни қўмондонликнинг сўнгги вакили деб ҳисоблаш мумкин. Сиз сув ости кемасининг менга ўткирилгани тўғрисидаги актга қўл қўйишингиз керак.

Кеманинг қўлга туширилгани тўғрисидаги сўзларни дастлаб Люда ўзи ҳам сезмагани ҳолда беихтиёр айтиб юборди, лекин ҳозир эса у кеманинг босиб олингани тўғрисида ҳужжат ёзиб, жуда тўғри иш қилган бўламан деган хулосага келди. Қиз уларни қутқариб олмасликларини билмасди, лекин ахир бир кун бу сув ости кемасини денгиз тагидан чиқариб олишларига ва унда қолган барча ҳужжатларни кўздан кечиришларига ишонарди. У стол устига фонарни ёқиб, ҳужжатни ёза бошлади. Энг тепасига шу бугунги числони қўйиб, ёза бошлади:

«Жосуслик-қароқчилик қилган мана шу сув ости кемаси чўкиб кетди...»





Лекин у нима сабабдан чўкиб кетди? Қиз бу ҳақда ўйламаган эди.

— Менга қаранг, кема нега чўкиб кетди?

— Менимча сув устидан қандайдир бир кема ҳужум қилиб, устига сув тагида протлайдиган бомбалар ташлаган... Сув ости кемаси қаттиқ зарарланди. Кеманинг қаери зарарланганини ўзим билмайман, лекин, афтидан у юқорига чиқолмади, буниси аниқ.

— Яхши.

Люда ёзишда давом этди. У ўзларининг Лебединий ороли кўрфазида қандай асир тушганлари, сўроқ қилишганлари, ўртоқларининг ўзларини қандай тутганлари, сув ости кемасининг командири, Анч ва бошқалар ўрта-сида бўлиб ўтган барча гап-сўзлар ҳақида бирма-бир батафсил ёзди. Керакли нарсаларнинг ҳаммасини ёзиб бўлганидан кейин қиз ҳужжатнинг тагига бундай деб қўшимча қилиб қўйди:

«Қароқчилар сув ости кемаси қўмондонлигининг ўзини Антон деб танитган энг охирги вакили кемани менга— СССР вакили Людмила Ананьевага топширди. Ҳозирги вақтдан бошлаб қўлга туширилган бу кема қонуний равишда Совет Иттифоқиники ҳисобланади».

Люда ҳужжатнинг тагига имзо чекиб, уни ручка билан бирга ярадорга узатди.

Антон актга қўл қўйишдан бош тортди, лекин қиз эпрон ёрдами билан қутулиб кетишлари мумкинлигини ва унинг натижалари қандай бўлишини эслатгандан кейин, у истар-истамас қўл қўйиб берди.

Қиз ҳужжатни яшириб қўйиб, соатга қаради. Соат йигирма уч эллик уч минут бўлганди. Кейинги куннинг бошланишига етти минут вақт қолган эди. Марказий бошқарув постида яна телефон жиринглаб қолди. Люда энди ишонч билан, фонарсиз аппарат олдига келиб, трубкани олди-да, телефон қилаётган ким, деб сўради. Аллаким, сув ости кемасининг қўйруқ тарафидаги торпеда бўли-мидан телефон қияпмиз деб шивирлади.

— Фақат уч киши қолдик.— У одам ўзининг ҳам ўртоқларининг исмини айтди.— Бошқалар ҳушидан кетиб ётишибди. Бизни қутқозишга умид борми?

Люда ҳайрон бўлиб нима дейишини билолмай қолди. У ўша ердаги одамларнинг қутулиб кетишига кўзи етмасди, лекин уларга ҳеч қандай ёрдам беролмасди. Ҳаяжонини босиб, жавоб берди:

— Биз совет эпрончиларининг келишини кутиб туриб-миз.

— Ким гапиряпти?

— Кема командири, Совет Иттифоқининг вакили.

— Командиримиз қаерда?

— Командирингиз сизларни ташлаб қочиб кетди.

Кейин жим бўлиб қолди. Лекин сўзлаётган киши, кўринишдан, трубкани илиб қўймай, ўртоқларига бу янгиликни сўзлаб бераётган эди. Бир неча минут ўтди, шундан кейин қиз телефон трубкасида икки марта тўппонча овозини эшитди. Қароқчилардан иккитаси ўзини отиб ўлдирган бўлса керак.

Қиз каютага қайтиб кирди, лекин торпеда бўлимда юз берган фожиа тўғрисида ярадорга ҳеч нарса демади. У фонарни қўйди-да, оғир жимликни бузиш учун:

— Аҳволингиз оғирлашди шекилли?— деб сўради.

— Мен ўлиб қолмасам деб қўрқаман. Жуда бўшашиб кетяпман... Менга олиб берсангиз... Курткамининг чўнтагида бир конверт бор... хат бор. Мен яна бир марта ўқиб кўрмоқчи эдим.

Люда фонарь ёруғини қароқчининг юзига тутди. У ҳақиқатан ҳам қийналмоқда эди, лекин кўзларидан оғриқ билан бирга ғазаб ва қўрқув ифодалари ҳам акс этарди. У қароқчининг йиртиб ташланган курткасини полдан топди. Дабдала бўлиб кетган куртканинги чўнтақларини титкилаб, ундан бир конверт топди-да, унга кўз ташламай қароқчига узатди. Лекин ярадор хушдан кетиб қолган эди. Қиз конвертни кўздан кечира бошлади. Конверт устига: «Леб. ор. А. Г. Ан-вга» деб ёзиб қўйилганди. Қизнинг назарида бу ҳарфлар унга танишдек туюлди. Унга яна бир марта диққат билан қараб, қиз бу қисқа сўзларнинг маъносини ечди: «Лебединий ороли, Андрей Гордеевич Ананьевга». Демак, хат унинг отасига ёзилган экан. Ие бу ўзи ёзган хат-ку! Қиз хатни конверт ичидан олди. Ҳақиқатан ҳам бу унинг хати эди. У хатни ўқий бошлади-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Унда мана бундай деб ёзилган эди:

«Отажон». Дарҳол менинги олдимга кел. Мен Лузанида касалхонада ётибман. Хавотир бўлма, тузалиб кетаман. Мана шу хатни берган киши мени қутқариб олди. Мен унга бутунлай ишонаман. У сени бу ерга олиб келиши тўғрисида менга сўз берди. Бўлган гапларнинг ҳаммасини сенга ўзи сўзлаб беради.

Фақат иккаламиз кўришмагунча ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаслигини илтимос қиламан. Бечора ўртоқларим! Тақдир менга раҳм қилгандек уларга раҳмдиллик кўрсатмади.

Сени ўпиб қоламан. Люда»

Қиз хатни ўқиб ҳеч нарса тушунмади. Бу хат қаердан келди? У ҳеч қачон бундай хат ёзмаган эди. Лекин ундай деса, бу ўзининг қўли-ку! У хатга диққат билан тикилди. Шубҳасиз унинг қўли... Йўғ-а. Хатдаги жуда кўп ҳарфлар унинг ҳарфларига ўхшамасди, лекин умуман ўхшаши уни ҳайрон қолдирди. Агар бу бошқа мазмундаги хат бўлиб ва бу ерда эмас, балки уйда, стол тортмасида ётганда эди, шубҳасиз, қиз, ундаги сохталикни мутлақо сезмаган бўларди. Демак, унинг хатини отасига юборишмапти, ундан фақат Люданинг қандай ёзишини ва қандай жумла тузишини кўрибди, холос. Бу хатни ким ёзди экан? Нима мақсадда? Отасини алдаб, уни асирга олиш учун қилинган, буниси аниқ. Анч отангиз билан яқинда учрашасиз деб шунинг учун ишонч билан ваъда берган экан-да. Лекин хат бу ерда қолибди. Демак, улар ўз мақсадларини амалга оширишга улгуролмабдилар. У хушдан кетиб ётган қароқчига қаради ва унинг курткаси чўнтақларини дарҳол тинтиб кўришга қарор қилди. Куртка чўнтақларидан у Антон Антонов номига берилган совет паспорти ва яна бир қоғоз — Люданинг отасига ёзган хатини топди. Қиз хатдаги бир жумланинг охириги сўзи тагидан чизиб қўйилганини кўрди. Жосуслар унинг ҳийласини тушуниб қолишган экан.

«Нима учун ярадор бу хатни сўраб қолдйкин-а?.. деб сўради ўзидан қиз.

Кейин у конвертга ўзининг асл хатини солиб, сохта хатни эса яширди. Қиз рўмолчасини сувга ҳўллади-да, уни ярадорнинг пешонасига қўйди. Қароқчи яна бир неча минут қимирламай ётди, кейин ҳуши ўзига келди.

— Сиз аллақандай конвертни олиб беришимни сўраган эдингиз,— деди Люда.

У куртканинг чўнтагидан конвертни олиб, ярадорга узатди. У хатни соғ қўли билан шошиб-пишиб тортиб олди-да, гўё ичидаги ўша хатми ёки йўқми эканига ишонмоқчи бўлгандек бармоқлари билан эзиб кўрди, кейин конвертни тишлари билан парча-парча қилиб йиртиб, қоғоз парчаларини оғзидан туфлаб ташлай бошлади. Люда

унга индамай қараб турди. Хатни йиртиб бўлгандан кейин, қиз:

— Нимани йиртдингиз?— деб сўради.

— Бу қайлиғимнинг хати. Мабода қутулиб кетгудай бўлсак, уни бирон-бир кишининг ўқишини истамайман.

Қиз индамади. У ёнидаги одамнинг айёв душман экани тўғрисида ўйларди. Эҳтиёт бўлиш ва уни кузатиб туриш керак. Агар у соғ бўлганда, қизнинг тирик қолиши амри маҳол эди. Унинг қизсиз жон сақлаб қолиши шубҳасиз фойдалироқ. Лекин у қизнинг ўлимини нима билан изоҳлаган бўларди? Ахир авария буйнаси ичига солиб юқорига чиқарилган хатни у ёзган-ку, хатда эса бу қароқчилар сув ости кемаси деб айтилган. У қиз ҳаво етишмаганидан ўлиб қолди, деб қўя қолиши ҳам мумкин... Йўқ, қароқчилар тирик гувоҳлар қолдиришни ёмон кўрадилар.

Люда ҳар эҳтимолга қарши бирор ёроқ қидириб топишга ва сув ости кемасининг командири ҳужрасини кўздан кечиришга қарор қилди. Унинг назарида, командир ҳужраси, ёнида ярадор қароқчи ётган мана бу каютага қараганда хавфсизроқ эди. Қиз фонарь ёруғида старший офицернинг мурдасига қараб унинг белбоғида кичкинагина тўппонча қинига кўзи тушганини эслади. У мурдани яна бир марта кўздан кечирди ва ҳақиқатан ҳам кичик калибрли автомат тўппонча топди. Командир каютасида қиз юмшоқ кўрпа-ёстиқ, бир пачка яхши печенье ва бир неча шиша винодан бошқа ҳеч нарса топмади. Кўрпа-ёстиқдан эса фойдаланиб Люда ўша ерда қолишга аҳд қилди. Бу каютанинг марказий бошқарув постига очиладиган эшиги маҳкам ёпилар экан, бу қизга айниқса ёқиб тушди. У истаган вақтда ярадор ва қароқчилар мурдасидан шу хонага кириб яширинса бўларди. Хона ичини тез кўздан кечириб чиқиб, қиз фонарни ўчирди. Фонарь илгари ҳам жуда кўп ёқилганди, шунинг учун Люда батарея бутунлай тугаб қолса, қоронғида қоламан деб қўрқди.

Унинг уйқуси келарди. Лекин ётишдан олдин Люда машина бўлимига телефон қилиб, унда нималар бўлаётганини билиш учун марказий бошқарув постига чиқди. Трубкани қўлига олиб, керакли кнопкани топиш учун фонарчасини ёқди, уни узоқ босди, нариги тарафда телефоннинг жиринглаганини ҳам эшитди-ю, лекин ҳеч ким трубкани олмади. Торпеда бўлимига ҳам телефон қилди, лекин у ердан ҳам ҳеч қандай жавоб бўлмади. Қизни даҳшат босди.

## ҚУЕШ ГАЗИ

Лузани портининг комендант «Пенай» пароходига биринчи навбатда ортилиши лозим бўлган юкларнинг номи-ни блокнотига ёзиб қўймоқда эди. Порт навбатчиси уфқ тарафдан пароход кўринди деб хабар берди. Лузани порти «Пенай»нинг рейсидаги охирги пункт эди. У бу ерга рейдни тозалаш учун келаётган эпрончиларнинг ёрдамчи группасини олиб келди. Бу рейдда граждандар уруши вақтидаёқ сув тагига чўккан ва кўпинча портга келган пароходларга ҳалақит қилаётган бир неча кичик-кичик кемалар ётар эди. Улар чўкиб кетган жойларга махсус ҳимоя поплавоклари қўйишга ва махсус лоцманлар сақлашга тўғри келарди. Ниҳоят пароходчилик Лузани рейдини тозаламоқчи бўлиб, эпрон билан тегишли битим тузди. Рейдни тозалаш ишлари август ойида бошланиб, сентябрь ойида тугаши керак эди. Дастлаб Лузанида уч кишидан иборат группа иш олиб борди, лекин сув тагини текшириб кўрганларидан кейин, ишни ўз вақтида тугатиш учун ёрдам чақиришга тўғри келди. Бугун «Пенай» яна тўрт кишидан иборат ғоввослар группасини ва зарур ускуналарни олиб келиши лозим эди.

Эпрончилар группасининг инженер «Пенай»дан юкни тушириш ва эртагаёқ сув тагини тозалаш ишларини бошлаб юбориш тўғрисида сўзлашиб олиш учун порт капитани олдига кирди.

Комендант хонасининг деразасидан кўрфаз, балиқчиларнинг кемалари ва бир оз нарироқда турган «Буревестник» кўриниб турарди. Эсминец портга яқинда келди, чегара қўриқчилари катерига Анчни топшириб, энди кўмир юкламоқда эди.

Столдаги телефон жириглади. Порт комендант трубкани қўлига олиб:

— Алло! — деди.

— Сизни жуда зарур бир гап билан Зелёный Камень чақиряпти,— деган товуши эшитилди телефонист қизнинг.

— Жуда зарур дейсизми? Тезроқ беринг!

— Профессор Ананьев гапиряпти,— деган товуш эшитилди трубкадан.— Бугун Соколинский посёлкасининг балиқчилар шаландасидан бири денгизда сузиб юрган байроқли бир буй тутиб олибдилар. Унда менинг қизим ёз-

ган хат бор экан. У ўзининг сув ости кемасида эканидан хабар беради. Сув ости кемаси зарарланган ва ҳозир денгиз тагида ётган экан. Дарҳол ёрдам бериш зарур.

— Кеманинг қаерда ётгани кўрсатилганми?

— Йўқ, фақат чуқурлиги кўрсатилган.

— Қандай чуқурликда экан?

— Саксон беш метр.

— Саксон беш метр? — деб қайтариб сўради комендант.

Эпрончи инженер ҳушёр тортди.

— Ёзинг, — деди комендант инженерга, қўли билан қалам ва қоғозни кўрсатиб.

Профессор Ананьев телефонда Люданинг хатини ўқиди, комендант унинг ҳар бир сўзини такрорлаб турди, инженер эса тез-тез ёзиб борди.

— Ўртоқ профессор, ёрдам бериши мумкин бўлган одамларнинг ҳаммасига дарҳол хабар бераман, — деди комендант, инженер хатни ёзиб бўлгандан кейин. — Кўрилган чоралар тўғрисида хабар олишим биланоқ, дарҳол сизга телефон қиламан.

Энди инженер бутун гапни тушунди. У бошини қўллари орасига олиб телефонограмма устига энгашиб ўтирарди. Унинг юзидан қаттиқ ташвиш тортаётгани кўришиб турарди. У, денгиздан сув ости кемасини топиш жуда қийинлиги, одамларни қутқариб олиш эса деярли мумкин эмаслиги тўғрисида ўйлаб ўтирарди, чунки бундай чуқурликда ғоввослар тез ишлай олмайдилар. 1916 йилда америка ғоввослари саксон метр чуқурликдаги сув ости кемасини кўтарган эдилар. Бу рекорд бўлган эди. Лекин ўша кемадаги биронта одамни ҳам қутқариб қололмадилар.

Порт комендант телефанограммани қўлига олди-да, шу бинонинг ўзига жойлашган радиостанцияга югурди.

Инженер ўтирган жойидан турмади ҳам. У ёлғиз ўзи ўтирарди, пристанга чегарачиларнинг моторли катери келиб тўхтаганини ҳам эшитмади. Комендант кабинетига чегарачи командирлар, ғоввослар ва уйнинг эгаси ўзи кириб келганларидан кейингина, инженер ҳушини йиғиб олгандек бўлди.

Эсминец комиссари дарҳол кенгашни очди:

— Ўртоқлар, биз Люда Ананьеванинг топиб келинган хати тўғрисидаги хабарга жавоб билан қутқариш ишларини қандай уюштиришимиз кераклиги тўғрисидаги

буйруқни кутиб турибмиз. Жавоб ҳам ҳар дақиқада келиб қолиши мумкин. Эсминачимиз командири кемани дарҳол денгизга олиб чиқишга тайёрланмоқда. Эсминачи радисти қўмондонлик штаби билан алоқа боғлаб турибди. Лекин биз ҳам бу ерда вақтни бекор ўтказмаслигимиз керак. Сув ости кемасида тирик қолган одамларни қутқариш планини дарҳол ишлаб чиқишимиз зарур. Кенгашимиздан мақсад ана шу. Дарҳол таклифлар киритишингизни сўрайман.

Бир минутча ҳамма жим ўтирди, ниҳоят инженер гап бошлади:

— Бизда битта металлоискатель бор, лекин бу кам. Металлоискателлари бўлган барча эпрон кемаларини дарҳол бу ерга чақириб, сув ости кемасини қидириш ишларини бошлаб юбориш керак...

— Рухсат этинг, ўртоқ,— деб унинг сўзини бўлди комиссар.— Биз сув ости кемаси ҳалок бўлган жойни деярли аниқ биламиз. Кеча тасодифан ўша жойдан ўтиб қолдик. У ерда денгиз юзига сув тагидан нефть чиқиб ётибди. Биз сув ости кемасида бирон-бир тирик одам бордир деб ўйламаган эдик.

— Ундай бўлса, кемани кўтарамиз,— деб жавоб берди,— инженер,— гарчи ҳеч вақт бундай чуқурликдан кема кўтармаган бўлсак ҳам кўтарамиз. Лекин одамларни...— У жим қолди.

Ҳамма унинг айтмоқчи бўлган гапини тушунди. Фақат комиссар унга савол назари билан қаради-да:

— Нима учун?— деб сўради.

— Бунга жуда кўп вақт кетади. Бундан ташқари, бизнинг группада қачон бўлмасин бунчалик чуқурликда ишлаган биронта ҳам ғоввос йўқ. Чуқур сув остида ишлайдиган ғоввосларни чақириб керак.

— Ўртоқ комиссар, сўз сўрайман,— деди ғоввослар старшинаси Варивода.

— Марҳамат.

— Мен ҳам ҳеч вақт бундай чуқурликка тушган эмасман, лекин шонтириб айтаманки, саксон беш метр чуқурликка тушиб, ўша ерда ишлайман. Менинг ўртоқларим, ёш ғоввослар агар лозим бўлса, ўзимизнинг енгил скафандрларда ҳам юз метр чуқурликка тушишга тайёрмиз дейишди.

Комиссар Варивода ва эпрончиларга мағрурлик билан, инженерга эса ачиниб қараб қўйди.

— Кайфиятингизга тушунаман, ўртоқлар,— деди инженер.— Мен ҳам тушаман сизлар билан. Биз қўлимиздан келган барча ишни қиламиз, лекин бундай чуқурликда кўпи билан бир соатдан ортиқ ишлай олмаслигингизни, юқорига сизларни кўтариб олиш учун эса, беш соат кетишини унутманглар. Эҳ, қани энди бизда...— У жим қолди.

— Нима демоқчи эдингиз? — деб сўради комиссар.

— Инженерлар тажриба қилиб кўришди. Улар азотни гелий билан алмаштиришган эди. Ғоввослар ҳаво ўрнига кислород билан гелий аралашмасидан нафас олсалар, кессон касаллигидан холос бўладилар ва катта чуқурликларда кўп вақт ишлай оладилар. Лекин бизда қуёш гази йўқ. Бўлганда ҳам, бундай чуқурликка тушиш учун қуёш газидан анча керак бўлади.

Хонага радист кириб келди ва порт комендантига радиограмма узатди. Комендант уни бир кўздан кечириб чиқди-да, кейин овоз чиқариб ўқиб берди:

— «Лот штаби қутқариш ишларини ташкил қилишни Эпронга топширди. Бу ишга умуман раҳбарлик «Буревестник» эсминецнинг командири капитан-лейтенант Трофимовга юклатилади. Наркомводнинг барча органларига, қутқариш партиясига ҳар томонлама сўзсиз ёрдам бериш таклиф қилинади. Капитан-лейтенант Трофимовнинг ихтиёрига «Пенай» пароходи топширилади. Бутун ғоввослар группасини дарҳол қутқариш ишлари олиб бориладиган жойга жўнатиш. Операциянинг бориши тўғрисида ҳар соатда хабар бериб туриш.»

— Қенгашни ёпиқ деб ҳисоблайман,— деди комиссар, деразага қараб.

У эсминец мачтасидаги байроқларни кўриб қолди. Бу сигнал билан уни кемага чақирмоқда эдилар. Афтидан, «Буревестник»да жавоб радиограмма олинган эди.

Шу вақт порт комендантлари телефон трубкасини олди ва ҳеч қандай навбатсиз уни Зелёный Камень билан улашни илтимос қилди. Комиссар комендантнинг Люда Ананьеванинг отаси билан сўзлашиб, унга барча янгиликларни қисқа қилиб айтиб бермоқчи эканини тушунди. У суҳбатнинг охиригача кутиб турди-да, трубкани ўзига беришни сўради.

— Профессор Ананьевмисиз? Салом. Ҳа, менман. Сизга битта илтимосим бор: айтишчи, гелий ажратиб оляпсизларми?.. Оз миқдорда дейсизми? Ҳурматли Анд-



рей Гордеевич, сув ости кемасини кўтарадиган ғоввосларимизга жудаям чуқурликда бемалол ишлаши учун азот эмас, гелий аралаштирилган ҳаво зарур... Ҳа-ҳа. Худди шундай... Биз сизга кислород тўлдирилган баллонларни самолётда жўнатамиз, дарҳол жўнатамиз... Тезроқ Лебединий оролига қайтинг. Бугун кечаси «Буревестник» Соколинний кўрфазига кириб, гелий аралаштирилган ҳавони олиб кетади. Хайр.

Комиссар трубкани осиб қўйди-да, инженерга қараб деди:

— Гелий тайёр. Дарҳол кучли босимга махсусланган баллонларга кислород ғамлаш керак. Борини ҳозир «Балиқ разведкачиси» дан бериб юборамиз. Қолганларини «Буревестник» олиб кетади.

Инженер ҳали кўп қийинчиликлар учрашини биларди, лекин унинг кўзларида умид учқунлари чақнаб кетди.

— «Пенай» нинг юкини туширмасликни буюринг,— деди инженер порт комендантига,— дарҳол унинг палубасига бизнинг ускуналарни ортишсин, шу жумладан кесон камерамизни ҳам эсдан чиқаришмасин.

Ўттиз беш минутдан кейин кислородли баллонлар ортилган «Балиқ разведкачиси» осмонга кўтарилди. Барил кўпроқ баллон олиб кетиш учун штурмансиз, ёлғиз ўзи учди. Петимко уни, кенгашдан қирқ минут кейин портдан денгизга чиққан «Буревестник» да қувиб борарди. Эллик беш минутдан кейин «Пенай» пароходи Лузанини орқада қолдириб очиқ денгизга чиқди-да, тўппа-тўғри қароқчилар сув ости кемаси ётган жойга қараб йўл олди.

«Колумб» шхунаси Лузанига яқинлашиб келмоқда эди. Балиқчилар осмонда самолётнинг учиб ўтганини, «Буревестник» нинг жуда жадаллик билан ўқдай учиб бораётганини кўрдилар. Ниҳоят улар чор атрофга тутун буриқситиб портдан чиқиб келаётган, кўринишдан, ўзи учун сира ҳам оддий бўлмаган курс томонга кучининг борича елиб бораётган эски «Пенай»ни кўрдилар.

## VI боб

### УМИДНИ УЗА БОШЛАДИЛАР

Фонарчанинг батареяси тугаб, ундан фойдаланиши мумкин бўлмай қолди. Люда тим қоронғиликда ўрин устида ўтирарди. Қиз ҳозиргина уйқудан турди. Унинг назарида, аллаким эшикни тақиллатгандек бўлди, лекин, у

кўринишдан янглишганди — атроф жимжит, тиқ этган товуш эшитилмайди. Уни овқат егиси ва сув ичкиси келди. Пайпаслаб бориб бисквитларни ва сув солиб қўйилган графинни топди. Чўнтагида гугурт бор эди. Лекин Люда кислородни бекорга сарф қилишни истамай, гугурт ёқмади. У маълум бир вақтгача, сув ости кемасидаги кислород янгиланиб туришини, карбонат ангидриднинг эса ортмаслигини биларди. Бу баллонлардаги кислород ажралиб чиқиб бўлгунча, карбонат ангидридни йиғувчилар ишдан тўхтагунча давом этади. Кеманинг бошқа хоналарида бу процесс аллақачон тугаган эди. Машина ва торпеда бўлимидаги одамларнинг ўлими ана шундан дарак берарди. Бу процесс сув ости кемасининг марказий ҳужраларида ҳам тугаган — тугамаганини Люда аниқ билмасди, лекин унинг назарида тугаган эди, чунки унинг боши оғриб, уйқуси кела бошлади.

Эҳтимол, бу чарчаганликдандир. Қиз бир оз ётиб олмоқчи бўлди, агар жуда уйқу босса уни бир амаллаб қочирмоқчи бўлди. У кроватга бориб ётди ва кўп ўтмай ўзининг жуда заифлашиб, бўшашиб кетаётганини сезди; ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин кучи етмади; ҳушидан кетаётганини сезиб турарди. Бирдан эшик орқасидан эшитилиб қолган аллақандай шовқин ва ҳуштак товуши уни ҳайрон қолдирди. У бошини кўтарди. «Наҳотки марказий бошқарув постига сув бостириб кирган бўлса?» Лекин кўп ўтмай шовқин билан ҳуштак тинди.

У сув босиб қолган марказий бошқарув постини кўз олдига келтираётган эди ҳамки, худди шу вақт ўша тарафдан алланарсанинг шитирлаганини эшитиб қолди, гўё аллаким жойидан қимирлагандек бўлди. «Бу ким бўлди экан?» Ярадор Антон экани аниқ. Нима гап эканини билиш учун Люда эшикни очиб, қулоқ солди. Аллаким оғир нафас олиб, ундан бир неча қадам нарида судралиб келарди.

— Антон! Нима қиляпсиз?

— Бир оз сиқик ҳаводан чиқариб юбордим. Энди бу ердаги босим икки атмосферадан кам эмас, лекин бунинг ҳисобига биз, агар карбонат кислотасини йиғувчи аппаратлар ишлаб турса, яна бир суткага етадиган кислород қўшиб олдик.

Ярадор бошқа ҳеч нарса демади. У орқага ўз каюта-сига судралиб кетди.

Нафас олиш енгиллашди, лекин қулоғига алланарса

кириб қолгандек шанғиллаб кетди. Люда қулоқ пардаларига бўлган босим ортиб кетганини тушунди. Соатга қараб, буй юқорига чиқарилгандан кейин қанча вақт ўтганини билмоқчи бўлди-ю, лекин қиз гугурт ёқишга журъат қилолмади. У кескин ҳаракатлар қилмасликка тиришар, кислородни камроқ ишлатиш учун ҳатто иложи борича, секинроқ нафас олишга уринарди. Бир қанча вақт қимирламай ётди, лекин кейин ўрнидан турди ва соатни қидира бошлади. Соатни каюта деворидан, кичкина токча ёнидан топди, қўллари билан пайпаслаб кўрди, лекин гугурт ёқишга барибир юраги дов бермади. Соатнинг қопқоғини очиб, циферблат стрелкаларини пайпаслаб кўрмоқчи бўлди. Айни вақтда соатни бураб қўйиш кераклиги тўғрисида ҳам ўйлади: борди-ю соат тўхтаб қолса, вақтнинг қандай ўтаётганини ҳам мутлақо билиб бўлмай қолади.

Циферблат устига ўрнатилган ойнакли қопқоғини осонгина очди. Бармоқлари стрелкаларга тегди, уларнинг катта ва кичигини ажратиб олди. Циферблатдаги рақамларни билиб олиш қийинроқ бўлди. Буни билиб олиш учун бутун диққат-эътиборини бир жойга тўплаши зарур эди, чунки циферблатни кўз олдига келтириши, ва уни ўн икки секторга бўлиб кўриши лозим эди. Кейин бирдан бу соатнинг циферблати ўн икки қисмга эмас, балки йигирма тўрт бўлимга ажратилгани эсига тушиб қолди. Битта доирани кўрмай туриб йигирма тўрт қисмга бўлиш жуда қийин. Айниқса каттасидан кўра кичик стрелкани кўз олдига келтиришда сал бўлса ҳам ноаниқликка йўл қўйилса, бир неча соатга янглишиб кетиш мумкин бўларди. Ниҳоят Люда вақтни билиб олди: соат йигирма иккидан йигирма минут ўтган эди. Авариядан кейин сув остида ўтказилган иккинчи сутка тугамоқда эди.

Қиз соатни бураб қўйди, қопқоғини ёпди-да, яна кроватга келиб чўзилди. У сувнинг тепасини кўз олдига келтирди. Денгиз юзида авария буйи чиқиб турибди. Уни кўришармикан? Эҳтимол, аллақачон кўриб ҳам қолишгандир ва соҳилга хабар юборишгандир, эпрончилар бизга ёрдамга отланишаётгандир?

Люда бундай чуқурликдан уларни қутқариб олишнинг нақадар қийинлигини кўз олдига аниқ келтиролмади. Қароқчининг сўзларига у ҳам ишонар, ҳам ишонмасди, лекин бу ерга Эпрон етиб келгудек бўлса, уларни албатта, қутқариб олишларига ишонарди. Борди-ю, буй-

ни кўришмаган бўлса-чи? У тўлқинлар орасида чайқалиб туради, унинг олдидан балиқлар ва дельфинлар, тепа-сидан қушлар ўтади, лекин у ёлғиз ўзи бир ҳафта, бир ой чайқалиб тураверади. Эҳтимол, уни шамол узиб кетиб, бирон тарафга узоқ-узоқларга оқизиб кетгандир? Унда бизни қандай топишади?

Фикран у ўз шаҳрига, мактабига, Лебединий оролига, отасининг олдига чиқди, Маркони эслади — нима учун-дир унинг тўғрисида жуда узоқ ўйлаб қолди. У Зоря билан бирга ҳалок бўлдимикин ёки омон қолдимикин? Ахир уларни чўктириб юбориш учун тўғридан-тўғри очиқ денгизга ташлаб кетган бўлсалар, эҳтимол, Люда Зоряга охириги учрашганларида тутқазган резина ёстиқдан фойдалана олган бўлса ҳам ажаб эмас. Маркочи?

Люда у билан жуда вақтида биринчи марта учрашганини эслади, ўшанда улар бир-бирларига ҳатто ўз исmlарини ҳам айтмаган эдилар, у яна Марко рубкага кириб ундан яшириниб олган, «Колумб» даги кечқурунги учрашувни ҳам эслади. Қиз юнганинг яшириниб олганини сезганди, лекин ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам бу тўғрида ҳеч нарса демади. «Колумб» даги биринчи суҳбат ёдига тушди. Ўшанда қиз: «Бу ерда ошхонагиз ҳам бор экан» деган эди — у эса: «Ошхона эмас, камбуз» деб унинг сўзини тўғрилаган эди. Кейин эса Марко Люда балиқчилар қайиғи деб атагани шхунадан жуда хафа бўлганди.

Қизнинг бошидан оролдаги, шхунадаги, Лузанидаги, Маркони орқада қолдириб кетган кўрфазада бўлган мусобақа вақтидаги учрашувлар тўғрисидаги хотиралар яшин тезлигида лип-лип ўтиб кетди. Мусобақада ютқи-зиб қўйганида юнга жуда диққинафас бўлганди, Люда буни дарҳол сезган эди, лекин юнга қизни дарҳол ғалаба билан табриклаганди. Зоря чўкиб кетаётган болани қутқариб қолганидан кейин эса, ўзининг диққат бўлганини дарҳол унутиб юборганди. Кейин Люда Марко иккаласи Зоряни ертўладан чиқариб олганларини, ундан кейин эса, «Колумб» га дўзах машинаси яшириб қўйилганлиги тўғрисидаги хабар билан «Буревестник» ка ошиққанла-рини эслади.

Ҳаммадан ҳам, улар Находкани бориб кўриш керак-лиги тўғрисида Соколинний кўрфази бўйида ўтириб мас-лаҳат қилишган ойдин кечани айниқса яхши хотирлади.

Ой ёруғи балиқчиларнинг кичик-кичик уйларини, боғларни ва қумлоқ соҳилни, худди тўнкага ўхшаб қўққайиб турган бир неча бочкани, шхунани шаландаларни ёритиб турарди... Атроф жимжит эди. Уларнинг олдига Левко келди ва ҳазиллашиб уларнинг нима учун учрашувга шундай очиқ жойни танлаганларини сўради... Ушанда Люда қизариб кетди, лекин ойдинда буни ҳеч ким сезмай қолди. Люда ҳозир ҳам қоронғиликда ўзининг юзи қизиби кетганини ҳис қилди.

У бу йил қишни шаҳарда бирга ўтказмоқчи бўлиб қилган хаёлларини эслади. Уни ҳозир ҳам ўша орзулар қамраб олди ва қиз, шикастланган сув ости кемасидан иборат ўз қабрини, уни қимирлатмай денгиз тагига босиб ётган қалин сув қатламини бир қанча вақтга ёдидан чиқарди.

Унинг хаёли жойига тушгандан кейин, қиз деворнинг нариёғида аллаким сўзлашаётганини эшитаётгандек бўлди. Қулоқ солди. Тўғри янглишмаган экан. Овоз марказий бошқарув пости тарафдан эшитиларди, лекин бирон оғиз сўзни ҳам англаб бўлмасди. Ким гапиряпти экан? Люда ёнига ёнбошлади-да, бошини кўтариб, диққат билан қулоқ солди. Овозлар тинди. Кейин яна аллақандай сўзлар эшитила бошлади... Қиз ҳеч нарса англай олмади. У ўрнидан турди, эшик олдига келди, уни қия очиб, ярадор қароқчининг овозини эшитди. У ўзи билан ўзи сўзлашмоқда эди. Йўқ, у аллакимдан бир нарсаларни сўрар, кейин эса ўзи жавоб берарди. Қиз ҳамма сўзларига тушунолмади — қароқчи ўз она тилида сўзламоқда эди, — лекин қиз эшитган сўзлар уни ҳайрон қолдирди:

— Гелий гелий, бу ерда гелий тўлиб ётибди... мен... мен бўғилиб кетяпман!.. Жаноб бошлиқ, топшириғингизни бажараман... бажараман... у бизга керак, гапингизга тушунаман. Нима дедингиз? Ҳа, эшитяпман. Мен ҳар қачон ҳам бажара оламан... Мен... мен. Анч? Мен унда ҳам яхшироқ бажараман... у... профессор Ананьевнинг формуласи... Ҳа-ҳа...

Антон шивирлаб сўзлай бошлади, қиз унинг сўзларини зўрға эшитиб турарди. Кўринишдан, у аллакимнинг қулоғига жуда ҳам махфий бир сирни сўзлаётгандек туюларди.

— Қиз биледи... биледи... Мен айтиб беришга мажбур қиламан. О, мен бундай ишларни бошлаб ташлайман... Ҳа-ҳа-ҳа!

Унинг кулгиси даҳшатли эди. Унинг кулгусини эшитиб, Люда Антоннинг эси оғиб қолганини тушунди. Қизни даҳшат босди. Шундай қоп-қоронғи ҳужралар ичида жинни одам билан қўшнилик қилиш ҳазил гапми!

Антон ҳамон шивирларди. Унинг шивир-шивирлари орасидан қиз ўзининг исмини эшитиб қолди. Жиннининг шивирлаши ғазабли, асабий кулги билан алмашинди. У яна профессор Ананьевнинг формуласи тўғрисида сўзларди, аллакимни профессорнинг қизи отаси тузган формулани билиши керак деб ишонтирарди. У қизни бутун гапни сўзлаб беришга мажбур қиламан, деб онт ичарди. У ўзининг жуда қобилиятли экани билан, сўроқ қилишга, ҳар қандай сирларни ҳам билиб олишга жуда уста экани билан мақтанар ва яна куларди. Ниҳоят Антон жим қолди. Бир неча минутгача унинг каютасида тиқ этган товуш эшитилмади. Люда ўз каютасининг эшиги олдида турарди, шу он гўё аллақадан бир каламуш писиб келаётгандек, секин шитирлаган овоз эшитилди.

Қоронғиликда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, профессор Ананьевнинг қизини отасининг сирларини айтиб беришга мажбур қилиш истаги билан ёнган жинни ўз каютасидан чиқиб келмоқда эди.

Люда тезлик билан ўз каютасига чекинди ва эшикни қарсиллатиб ёпиб олди. У эшик тамбасини суриб қўйиши биланоқ Антон бутун кучи билан эшикни итарди. Олдин гурсиллаган, кейин эса инграган товуш эшитилди. Жинни марказий бошқарув постида командир каютасининг эшиги тагига йиқилиб тушган эди.

Люда стулга ўтирди, стул суянчиғига суянди ва кўрқув ичида ўзи тушиб қолган вазият ҳақида ўйлай бошлади. Бирпасдан кейин пайпаслаб кўрган соат стрелкалари туннинг ўтиб кетганини кўрсатиб турарди — эрта-лабки соат ўн эди.

Люда кровати олдига борди ва дилхасталик билан унга ўзини ташлади.

У бутунлай умидини уза бошлаган эди.

## VII боб

### ГОВВОС СУВ ТАГИГА ТУШМОҚДА

Сув ости кемаси аварияга учраган жойга «Буревестник» кечаси етиб келди. Лебединий оролидан гелий тўлдирилган баллонларни ва говвослар учун гелий аралаш

тирилган ҳаво аралашмаси тўлдирилган баллонларнинг бир қисмини ҳам олиб келдилар. Кемада профессор Ананьев билан мана шу ҳаво аралашмасини эсминец бортида тайёрлаётган икки химик ҳам келдилар.

Тўғрироғи, авария бўлган жойнинг худди ўзига эмас, балки қароқчилар сув ости кемаси чўкиб ётган районга келдилар. Эсминец штурманни кемани ўша ерга олиб кела олди, лекин жойнинг аниқлиги тахминан, ярим миль радиусда хато қилган бўлиши мумкин деб огоҳлантириб қўйди, яъни сув ости кемасини шу атрофдан, тахминан икки ярим миллион квадрат метр майдондан ахтариш керак. Сув юзидаги нефть доғларини топиш учун тоғ отишини кутиб туриш лозим эди. Кундузи сув ости кемасининг ётган жойини аниқроқ белгилаш мумкин.

Ғоввослар сув тагига тушишдан олдин ухлаб олиш учун ётар эканлар, уларга хизмат қилувчи кишилар ғоввосларнинг кийим-бошларини тайёрладилар, ғоввослик баркасини сувга тушириб кўрдилар, ҳар бир икир-чикирни назардан кечирдилар. Химиклар профессор раҳбарлигида эпрончи инженер берган рецептга биноан гелий қўшилган кислород аралашмасини тайёрладилар ва уни ўзлари синаб кўрдилар. Гап нафас олиш тўғрисида борса, гелий—ҳаводаги азот ўрнини босадиган энг яхши газ. Жуда ҳам инертли бўлганидан, у киши организми учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди; бундан ташқари унинг атом оғирлиги азотнинг атом оғирлигидан уч ярим марта енгил, бу хусусияти эса ғоввосларга жуда катта чуқурликларга тушган вақтларда ундан фойдаланиш имкониятини беради. Бундай вақтларда гелийга кислород аралаштирадилар, лекин бу кислород миқдори ҳавода одатда учрайдиган кислород миқдоридан кам бўлади. Гап шундаки, нафас олар экан одам ўзининг ўпкасига кирган ҳамма кислородни ишлатмайди, балки унинг бир қисмини азот ва карбонат ангидрид билан бирга қайтариб чиқариб юборади. Ғоввосларнинг нафас олишларини текшириш натижасида маълум бўлдики, жуда кучли т шқи босим остида гелий аралаштирилган ҳавога камроқ кислород аралаштириб нафас олинганда, ғоввослар ўзини оддий ҳаводан нафас олгандагига қараганда анча енгил ҳис қиладилар. Бундан ташқари ғоввос сувнинг жуда чуқур жойларида кўпроқ вақт тура олади ва кессон касалига бардош бера олади.

Бу орада эпрончи инженер «Буревестник» механиклари ва машинистлари билан бирликда ғоввосларнинг гелий

аралаштирилган ҳаводан нафас олиб ишлаши учун ҳаво ҳайдовчи помпаларни тайёрлаш билан банд бўлди. Бу ишлар билан тонг отдирди.

Тонг пайтида узоқдан пароходнинг чироқлари кўринди. Бу эпрончиларнинг қўшимча группасини, кессон камераси ва ҳар хил ғоввослик ускуналарини олиб келаётган «Пенай»нинг чироқлари эди.

«Пенай» эсминецнинг яқинига келиб тўхтади, қизил флотчилар тушган қайиқ кемадан пароходга дарҳол телефон сими тортди. Трофимов билан эпрончи инженер дарҳол пароход капитанини телефонга чақирдилар. Пароход капитани олиб келган ускуналар тўғрисида маълумот берар экан, чўкиб кетган кемаларни қидирадиган аппарат — металлоискатель ҳам борлигидан хабар берди. Бу асбобнинг иши металлнинг магнит хусусиятларига асосланган. Разведкачи кеманинг кетидан буксирда магнит олиб юрилади. Магнит сув тагида ётган темирни сезиб қолганда, қўнғироқ чалиниб кетади.

Тонг отишини кутмай денгиз тагини текширишни бошлаб юборишга қарор қилдилар. «Пенай»дан буксир учун ишлатиладиган арқонга уланган металлоискателни дарҳол денгизга туширдилар ва миноносец атрофидаги сувни чор айланиб кеза бошладилар.

Қидириш ишларини бошлаб юбориш билан бирга эпрончи инженер энг яқиндаги эпрон базасига сув ости танки юборишни илтимос қилиб радиограмма юборди, у ўша танк ёрдами билан сув ости кемасини кўтариш ишларини тезлаштириш умидида эди.

Тонг отар вақтида металлоискатель қўнғироғи жиринглаб кетди. Пароход аллақандай темир уюми устидан ўтмоқда эди. Бу сув ости кемасими, йўқми, ҳеч ким аниқ бир нарса айтолмасди. У оддий темир-терсак уюми, бирор пароходнинг йўқотиб қўйган лангари, ёки ниҳоят худди шу ерда ўн йилларча бурун чўкиб кетган бирон-бир эски пароход бўлиши ҳам мумкин эди.

Сув юзида нефтнинг изи мутлақо қолмаганини аниқлаганларида қуёш чиқиб келмоқда эди. Нефтнинг баъзи парча-пурчалари бир-биридан анча узоқда сузиб юарди. Агар металлоискатель бўлмаганда, сув ости кемасини қидиришга жуда кўп вақт кетган бўларди. Лекин, сезгир асбоб кўрсатган жойда ётган нарсанинг худди сув ости кемаси эканига қатъий ишонмаганидан, «Пенай» ўша ерда ғоввослик баркасини қолдириб, ўзи нари кетди. Кўп



ўтмай «Буревестник» штурмани кўрсатган майдоннинг ҳаммасини текшириб кўрилди. Металлоискатель қўнғироғи сув тагида аллақандай темир-терсақлар борлигидан дарак бериб яна икки жойда жириглаб кетди.

Разведка қилиш учун сув остига бир йўла уч ғоввос туширишга қарор қилдилар. Бунинг учун икки баркадан фойдаландилар, учинчисининг ўрнини эса «Пенай»нинг ўзи босди. Пароход палубасига ғоввослик станцияси қўрдилар, помпалар ўрнатдилар, телефон сими тортдилар, чиғирдан арқон тортиб унинг учини сувга ташладилар. Мана шу арқондан сув тагига ғоввосларни туширишлари лозим эди.

Дастлабки разведкага тушишга барча ғоввослар ихтиёр билдирдилар, лекин инженер фақат икки кишини: Варивода билан кенг яғринли эпрончи Қозлюкани танлаб, учинчиси қилиб бундай катта чуқурликка тушишнинг қанчалик хавfli эканини текшириб кўриш мақсадида ўзини тайинлади. Лекин экспедиция бошлиғи Трофимов инженернинг планини ўзгартирди.

— Сизнинг мард эканингизга ишонаман, йигит,— деди капитан-лейтенант, инженерга,— бошқа ғоввосларга шахсий намуна кўрсатиш истагингизни ҳам маъқуллайман, лекин... барча ғоввосларнинг ишига «Буревестник» палубасидан раҳбарлик қилиб турадиган одам керак, шунинг учун ҳам сизни ҳеч қаёққа юбормайман. Ҳозир бизнинг алоқачилар «Пенай» ва қолган икки баркас билан телефон алоқаси ўрнатадилар. Сизнинг жойингиз — телефон станциясида.

Эрталаб соат еттида 1-баркадаги помпаларни текшириб бўлдилар, гелий аралаштирилган ҳаво тўлдирилган баллонларни ўрнатдилар, баркас билан ғоввослар ва «Буревестник»даги марказий пункт билан алоқа боғлаб турадиган телефонларнинг ишини текшириб кўрдилар. Ғоввос Варивода ўртоқларининг қўлини қисди-да, сувга тушиб кетишга тайёр ҳолда торгина трап зинасига келиб турди.

— «Буревестник»дан ҳамма иш тахтми деб охири марта сўраётган ва бу тўғрида экспедиция бошлиғига рапорт бераётган инженернинг овози эшитилиб турарди.

— Ғоввосни сувга туширинг,— деб буюрди капитан-лейтенант Трофимов.

Варивода трап пиллапояларидан бир неча қадам пастга тушди, унинг катта мис боши сувга кўмилиб кўздан ғойиб бўлди. Сув юзида гелий аралаштирилган ҳаво ҳо-

сил қилган жуда кўп пуфакчалар вижирлашар ва ёрилиб кетарди.

Вахтада турган матрос капитан-лейтенантга эсминецдан икки милча жойда, тўппа-тўғри ғоввослик ишлари олиб борилаётган жойга келаётган балиқчилар кемаси кўринганини хабар қилди.

— Қандай кема экан?— деб сўради командир.

— «Колумб»,— деб жавоб берди вахтада турган матрос.

### VIII боб

#### «ГУРС-ГУРС»

Варивода қўли билан трапни ушлагани ҳолда секин-аста пастга тушиб борди. Шлём сувга ботди, шундан кейин сигналда навбатчилик қилаётган ғоввос ғоввослик кийимининг сув остида қандай ишлаётганини текшириб кўриш учун Вариводани борт яқинига тортди. Ҳаво ҳеч қаердан чиқиб кетмаётганини аниқлагандан кейин, сигналчи сувга арқонни тушира бошлади.

Тажрибали ғоввосни сув тагига тез, минутига тахминан ўн тўрт метрдан тушираверадилар. Ҳар метрдан кейин телефонист қайси чуқурликка етганини хабар бериб туради:

- Ўн икки.
- Йигирма олти.
- Ўттиз тўққиз.
- Эллик уч.

Бу вақтда эса ғоввосга юбориб турилган ҳавонинг миқдорини кўпайтириш учун помпа олдида турган ҳаво ҳайдовчилар ўз ишларини тезлатадилар. Ғоввосга, катта чуқурликка ҳаво юбориб туриш — энг оғир ва энг масъулиятли иш. Бу сафар уларнинг иши яна шу билан ҳам қийинлашдики, ғоввосга оддий ҳаво эмас, балки махсус баллонларга тўлдирилган кислород аралаш гелий қорини-масини юбориш лозим эди.

Ғоввос ўзини яхши ҳис қилар ва бемалол нафас оларди. Олтмиш метр чуқурликка етгандан кейин ғоввоснинг денгиз тагига урилиб кетишидан қўрқиб уни секинроқ тушира бошладилар. Бундай чуқурликда атроф жуда қоронғи эди. Варивода қўлини чўзиб, ўз бармоқларини зўр-

га кўрди. Қўли билан кўкрагидаги қўргошин юкларни пайпаслаб, электр фонарни, прожектор ва говвос пичоғини топди.

Яна бир неча секунддан кейин унинг оёқлари денгиз тагидаги қумлоққа тегди. Говвос шимолнинг ва жанубнинг қайси тарафда эканини белгилаб олди, ҳаво рожоги, шлёмга ҳаво шу рожок орқали ўтади, қандай ишлаётган экан деб қулоқ солиб кўрди-да, арқонни тортди. Бу «денгиз тагига етдим» дегани эди. Телефон орқали ҳам худди ана шундай хабарни етказди ва атрофга назар ташлай бошлади. Ҳеч нарса кўринмасди. Фонарни ёқиб, кичкинагина прожектор билан икки метрча атрофни ёритишга тўғри келди. Кейин ўнг биқини билан олдинга қараб юрди, олдинга эгилганча сурила бошлади. Шу усулда у сувнинг босимини камайтириб борди.

Аккумуляторли фонарь ёруғига аллақандай бир балиқ тушиб қолди ва дарҳол ғойиб бўлди. Оёқлари остидаги ернинг қумлоқ экани сезилиб турарди, баъзи жойларда қумлоқ орасида сув ости ўтларининг буталари ўсиб ётарди.

Говвос атрофни иложи борича диққат билан кўздан кечириб секин-секин илгарилаб борди.

Бир неча минутгача неча қадам босганини санаб, у бир тарафга қараб бораверди, кейин доира ёки тўрт бурчак яшашга тиришиб бошқа тарафга қараб юра бошлади. Юриш жуда қийин эди — қалин сув босими сезилиб турарди, лекин умуман олганда, у ўзини қирқ-қирқ беш метр чуқурликда тургандек ҳис қиларди, чунки гелий араштилган ҳаво унинг ишини анча енгиллаштирди.

Ҳар замонда бир Варивода телефон орқали юқорига ўзининг текшириш натижаларини хабар қилиб турди. Телефонист баъзан уни «Буревестник»да турган инженер билан улар, шунда инженер унга қайси тарафга юриш ва қаердан қидириш тўғрисида йўл-йўриқлар беради.

Шу хилда ўн минутча юргандан кейин Вариводанинг елкаси алланарсага тегиб кетди. Тўсатдан қояга урилиб кетгандек туюлди. Варивода фонари билан ўша тарафни ёритиб, олдида турган нарса кема борти эканини кўрди ва бу тўғрида телефон орқали юқорига хабар қилди. Дарҳол кемани айланиб чиқиши ва унинг ҳақиқатан ҳам сув ости кемасими-йўқми эканини аниқлаши лозим эди.

Кема бортини кўздан кечирар экан, говвос унинг устини лойқа босиб кетмаганини сезди. Кема ҳозиргина чў-

киб кетгандек эди. Варивода уни кўздан кечираркан: «Янги чўкибди» деб ўйлади. Ниҳоят, кеманинг бир тарафини айланиб чиқиб, рулни кўздан кечирди ва бунинг сув ости кемаси эканига ишонч ҳосил қилди.

— Топдим — деб хабар қилди у.

Инженер эса денгизнинг бошқа жойидан яна икки ғоввос тушириш ҳақидаги буйруқни дарров бекор қилди. Варивода сув ости кемасининг командасидан бирон-бир киши тирик қолган-қолмаганини билиш учун кеманинг деворларини дукиллашиб кўришни таклиф қилди.

Ғоввос ўзини бир оз юқори кўтаришларини илтимос қилди ва кемадаги ҳар хил ҳужраларнинг баланд-пастлигини назарга олиб тўқмоқ билан кема деворларини гурс-гурс ура бошлади. Дукурлатиб кўриб, қулоқ солди лекин унга ҳеч ким жавоб бермади. «Қабрнинг худди ўзи» деб ўйлади ғоввос, шлёмини кема деворларига тутиб қулоқ солар экан. Секин-аста палубага кўтарилди. Палубада сув ости бомбалари ёрилишдан ҳосил бўлган излар бор эди. Кўринишдан, улардан биронтаси ҳам сув ости кемасига тўппа-тўғри келиб тегмаган. Лекин яқин орада ёрилиб, бомбалар кемани пачоқ қилган ва бир неча ерини ёриворган. Қайиқнинг сварка эмас, балқиз заклёпка қилинган баъзи жойларида бир қанча заклёпка бомба портлаши натижасида учиб кетибди. Варивода жанговар рубкани кўздан кечирди, унинг сув босганига ишонч ҳосил қилди, лекин портлашдан зарар етган жойлари борлигини кўрмади. Палубадан юриб бориб, у яшириб қўйилган замбарак ва пулемётларни кўрди. Кейин кеманинг бурун тарафига борди-да, торпеда аппаратлари ўрнатилган жойга тушиб, яна тўқмоқ билан дукиллашти. Бортга қулоқ тутиб, узоқ тинглади. Лекин ҳеч қандай жавоб эшитмади.

— Ҳеч ким жавоб бермаяпти,— деб юқорига телефон қилди.

Лекин инженер тақирлатиб кўраверишни қаттиқ туриб талаб қилди.

Варивода буйруқни тиришқоқлик билан бажарди. У сув ости кемасининг ҳамма жойларига чиқди, бир жойида ҳатто ҳаво келадиган шланг ўралашиб қолди, лекин у шлангни хотиржамлик билан ажратиб олди ва тўқмоғи билан гурс-гурс уриб қулоқ сола-сола, кема палубаси ва борти орқали нари бораверди. Ҳеч ким жавоб бермасди.



Юқоридан берилган саволларга ғоввос истар-истамас жавоб берар ва ўзи ҳам деярли ҳеч нарса демасди. Сув остида кўп бўлганидан чарчаб ҳам қолганди. Тўғри, Варивода юқорига тортиб олишларини ҳали ҳозирча сўрамоқчи эмасди, лекин сув ости кемасида тирик жон қолмаган бўлса, чўкиб кетган кемани бундай чуқурликдан жадал усуллар билан кўтарамиз деб овора бўлишнинг, одамларнинг соғлигини, эҳтимол ҳаётини хавф остига қўйиб кўтариш ишларини бу қадар жадаллаштиришнинг сира ҳам ҳожати йўқ деб ўйларди. Ундай ҳолда сув ости кемаси денгиз тагида бир-икки йил ёта турсин, шундан кейин эпроң зарур тайёргарлик кўриб кемани кўтариб, олиш ишларини баҳорда ёки ёз бошидан бошлаб осонгина чиқариб олади.

Варивода кема деворларини ҳадеб тақиллатар ва қулоқ соларди. Йўқ, бу пўлат қути қабрдек тилсиз эди, унда биронта ҳам тирик одам қолмаганди. Ғоввос сув босган жанговар рубка олдида туриб, ўзини юқорига кўтариб олишлари тўғрисида энди сигнал бермоқчи бўлган ҳам эдики, шу пайт кеманинг пўлат деворларини аллаким зўрға-зўрға тақиллатгандек туюлди. У ўзига ишонмай, яна қулоқ солиб кўрди. Палуба устига ётиб, шлёмни унга тутди. Кема ичидан аллакимнинг тақиллатаётгани аниқ эшитиларди. Ичкарида ҳали тирик одамлар бор экан. Варивода тақиллатаётган одамнинг кучдан қолаётганини ва ўлим тўшагида ётган одамни ғоввоснинг тинимсиз тақиллатишларигина ўзига келишга мажбур қилганини тушунди.

— Кема ичидан аллакимнинг тақиллатаётганини эшит-япман,— деб дарҳол юқорига хабар қилди у.

— Қим эканини сўранг,— деган буйруқ эшитилди телефондан.

Ғоввос Морзе алифбеси бўйича тақиллатиб, шу саволни берди, бунга жавобан ичкаридан бир неча сўз эшитилди, лекин у фақат битта: «Тезроқ» деган сўзнигина англай олди. Афтидан тақиллатаётган одамнинг гап-ришга ҳам мадори қолмаган эди.

— Жавобини англай олмадим,— деди Варивода.— Фақат: «Тезроқ» деган сўзнигина тушундим.

— Юқорига чиқишга тайёрланинг, сизни ҳозир чиқариб олиб ўрнингизга бошқа икки кишини туширамиз,— деб алоқачи юқоридаги инженернинг сўзларини етказди.

— Ўртоқ командир,— деб жавоб берди Варивода,—

шу ерда қолиб ўртоқларимга ёрдам беришга рухсат эгинг.

Бир минутча жимлик чўкди. Юқорида маслаҳатлашиб олишмоқда эди.

— Старшина Варивода, юқорига чиқишга тайёрланинг,— деган овози эшитилди капитан-лейтенант Трофимовнинг.

## IX боб

### ДЕКОМПРЕССИОН КАМЕРА

«Буревестник» билан «Пенай»нинг қаерга қараб кетганларини эшитиб, «Колумб» командаси хотиржам қола олармиди! Рибтрест вакили Маркони шхуна шкипери, Зоряни эса юнга қилиб тайинлагандан кейин, янги шкипер навбатдаги рейсни қутқариш ишлари олиб борилаётган жойга бориш билан алмаштиришга рухсат сўради. Марко билан Зоря бу ҳодисаларда бевосита иштирок этганлари учун ҳам уларга рухсат этдилар, албатта.

Эрталаб «Колумб» «Буревестник» дан икки юз метрча жойда турар эди, Марко қайиқда эсминецга ўтди. Орқага у икки қизил флотчи билан қайтди, улар ўз орқаларидан изоляция қилинган сим тортиб боришар ва репродукторли телефон аппарати олиб келишарди. Эсминец комиссари бу совғани уларга балиқчилар ҳам қидириш ва қутқариш ишларидан хабардор бўлиб турсин, деб юборган эди. Энди эсминец ростакам телефон станциясига айланиб қолди. Айни вақтда «Колумб» ўртоқларини барча янгиликлардан хабардор қилиб туриши лозим бўлган бир вақтинчалик кемага юборишга рухсат олди.

Ҳеч ким хафа бўлмасин деб колумбчилар эсминец палубасида галма-галдан навбатчилик қилдилар. Навбат туриши ўзаро уч соатдан бўлишиб олдилар, шундан кейин «информация вахтасига» энг олдин Левко жўнаб кетди.

Варивода ўзи топган кемани то текшириб чиққунча, «Буревестник»дагилар ва «Пенай»дагилар озмуқча ҳаяжонланмадилар. Ниҳоят, у анчадан бери кутаётган жавобни эшитгани тўғрисида юқорига хабар берганида, одамларнинг ҳаяжони яна ҳам ортиб кетди. Фақат экспедиция бошлиғи, Эпрон инженери, сигналчи ва навбатчи

старшина, Вариводанинг кузатувларига бутунлай берилиб кетганларидан хотиржам эдилар.

Сув ости кемасида тирик одамлар борлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин инженер экспедиция бошлигидан ўзининг планига қулоқ солишни илтимос қилди.

— Қандай жадал ишласак ҳам,— деди инженер,— ҳатто ҳадемай, сув ости танки келиб қолганда ҳам, сув ости кемасини юқорига кўтариб олиш учун уч-тўрт кун вақт керак бўлади. Вариводанинг хабарини эшитиб, кемадаги тирик одамлар бунча узоқ вақтга чидай олмайдилар деган хулосага келдим. Тирик одамларни қутқариб қолиш учун бу ишларни бир соат ичида бажариш керак. Об-ҳавонинг қулайлиги, техник имкониятларимиз ва энг муҳими одамларимизнинг ғайратига асосланиб, менимча, мана бундай операцияни амалга ошириш мумкин бўлади. Бизнинг ихтиёримизда «Пенай» пароходида кессон касалига дучор бўлган ғоввосларни даволаш учун хизмат қиладиган декомпрессацион камера бор. Ўша камерага уч, ҳатто тўрт киши ҳам сиғади. Ғоввос сув тагидан юқорига чиққанда, кессон касалига дучор бўлганини сезса, уни ўша камерага врач билан бирга жойлаштирадилар. Унинг ичига ғоввос кўтарилиб чиққан чуқурликдаги атмосферабосимига баравар қилиб ҳаво босими юборадилар. Кейин ҳавони секин-аста чиқариб, ундаги ҳаво босимини нормал ҳолатгача туширадилар. Шундай қилиб, ғоввос қонида эриб кетган азотдан қутқариб олинади. Камера жуда зич ёпилади, жуда кучли босимга дош беради, ичига телефон ўрнатилган, ёритилган, ичкарасига ҳаво киргизиш ва чиқаришга мослаштирилган. Мен мана шу камерани сув бостирилган понтонлар ёрдами билан сув тагига туширишни, унга врач билан электросваршчик — ғоввосни киритиб қўйишни таклиф қиламан. Сув тагида ғоввослар камерани сув ости кемасига сварка қилиб ёпиштирадилар. Камерадаги ғоввос электр арра билан кемага туйнук очади ва ўша туйнукдан кема ичига тоза ҳаво киритади. Агар улар яна бир неча соат яшай олсалар, фақат шу йўл билан ундаги одамларни қутқариб қолиш мумкин.

Командир бирпас жим турди, кейин:

— Қўшиламан, тезроқ ҳаракат қилинг,— деди.

Трофимов инженер таклиф қилган бу планнинг қалтис эканини тушунарди. Камера сув ости кемасига яхшилаб сварка қилинмай қолса, трубопровод ёрилиб кетса, бирон-бир понтон узилиб кетса ва камера чуқурликдан



юқорига отилиб чиқса, буларнинг ҳаммаси қутқариб олинаётган одамларни ҳам, қутқариб олаётган одамларни ҳам ҳалок этиши мумкин. Лекин бу сув ости кемасидаги одамларни қутқаришнинг бирдан-бир йўли эди.

Икки соат мобайнида камерани денгиз тагига туширишга тайёрладилар. Эсминецдаги ҳарбий врач медикаментлар ва зарур асбобларни йиғиб олди. Қўмондонлик ҳали декомпрессацион камерада ғоввослардан қайси бирини сув остига туширишни ҳал қилганича йўқ. Вариводадан кўра яхши номзод йўқ эди, лекин ғоввос ҳозир ўн метр чуқурликда бўлиб, бир ярим соатдан олдин сув юзига чиқолмасди. Бундан ташқари чуқур сув остида бўлганидан кейин у анча вақт дам олиши зарур. Командир бошқа номзодларни бир-бир назардан кечирар экан ўзининг старший ғоввоси билан маслаҳатлашиб кўришга қарор қилди. Капитан-лейтенант телефон орқали Варивода билан гаплаша бошлади. Ғоввоснинг нима учун кераклигини эшитган Варивода камерада сув остига мени туширинглар деб қаттиқ туриб талаб қила бошлади.

— Мен сиз ўйлаганча жуда ҳам чарчаганим йўқ, ўртоқ командир,— деди Варивода.— Гелий аралаштирилган ҳаво — ажойиб нарса. Назаримда, қирқ метрдан пастга тушмагандай бўлдим.

— Лекин сизни кўтаришимиз учун яна бир ярим соат вақт керак.

— Тезроқ кўтариб олишни буюринг, кейин камерага киритиб қўйсанглар, камерадаги босимни эса икки атмосферага етказиш осон, шу тарзда мен яна ўн метр «чуқурликка»тушиб оламан.

Инженер ва врач билан қисқа маслаҳат қилиб олгандан кейин командир Вариводанинг таклифига рози бўлди.

Бу орада сув тагида икки ғоввос камерани сув ости кемасига сварка қилиш учун тайёргарлик кўрмоқда эди.

Сув юзида чўктиришга мўлжалланган понтонларнинг тепаси кўриниб турарди. «Пенай» палубасида эса денгиз тагига тушиладиган камера тайёр қилиб қўйилган эди.

— Ғоввосни пароход олдига олиб бориб, тортиб олинглар!— деб буюрди Трофимов, инженерга.

Бир минутдан кейин сув остидан мис шлём чиқиб келди, бир неча минут ичида ғоввоснинг шлёми билан скафандрини ечиб олдилар-да, деярли ҳушидан кетаёзган Вариводани декомпрессацион камерага киргизиб қўйдилар. Унинг кетидан люкни шартта ёпдилар, шундан ке-

йин говвос винтларнинг буралаётган овозини эшитди: камерани жуда зичлаб ёпмоқда эдилар. Варивода камера полига ўтириб олди, атрофига назар ташлади. Бир вақт говвослик техникумида ўқиб юрганида, у ўттиз метр чуқурликдан лип этиб сув юзига чиқиб кетган ва мана шундай камерада икки соат ўтириб чиққанди.

Врач говвос устига энгашиб, пульс уришини текшириб кўра бошлади. «Бошланди!» деб ўйлади Варивода, жилмайиб, сўнг юраги билан ўпкасига қулоқ солиб кўриши учун ҳамроҳига кўкрагини тутди. У хато қилмади. Доктор унинг кўкрагига диққат билан қулоқ солди ва манометр камерадаги ҳаво босими икки ярим атмосферага етганини кўрсатгач, тинчланди. Шундан кейин врач камерага ҳаво ҳайдашни камайтириш тўғрисида телефон қилди-да, камерадаги ҳавони секин-аста чиқариб юбора бошлади.

Сув тўлдирилган понтонлар декомпрессацион камерани денгиз тагига тортиб кета бошлади. Сув тагига тушиш йиғирма-йиғирма беш минут давом этди. Бу энг масъулиятли пайт эди. Камерани денгиз тагидаги говвосларнинг кўрсатмасига биноан жуда аниқ тушириш керак эди. Бу ишда на Варивода, на врач иштирок этмадилар. Улар ўзлари кетаётган жойга, говвос ҳазил билан «саксон беш метр станцияси» деб атаган манзилга этиб олишни кутиб, йўловчилардай жим ўтиришдан бошқа иложлари йўқ эди.

Ниҳоят камерадагилар енгил силкиниш сездилар ва тақиллаган овоз эшитдилар.

— Денгиз тагига етдик,— деди Варивода, бир оз қулоқ солгандан кейин; у янглишмаган эди: «Буревестник» дан телефон орқали худди шу тўғрида хабар қилдилар.

Старшина телефонистдан менга камерани сув ости кемасига сварка қиладиган говвосларни чақириб бер, деб илтимос қилди. Говвослардан камеранинг қаерда тўхтаганини, кеманинг қайси жойига сварка қилинишини аниқ сўраб олди-да, уларга бир неча маслаҳат берди. Бир неча минутдан кейин электросварка аппаратининг ишлаган овозини эшитасиз деб ваъда қилдилар.

— Сув ости кемасидан жавоб беришяптими?— деб сўради Варивода.

— Жавоб бермай қўйишганига бир соат бўлди.

— Ундай бўлса йигитлар, тезроқ иш бошланглар!— деб қичқирди старшина трубкага.

Камера «йўловчилари» ўша ондаёқ девор орқасида алланарсанинг вижиллай бошлаганини эшитдилар. Саксон метр чуқурликда электросварка ишлари бошланди.

Камера ичидагилар ўз ишларига тайёргарлик кўра бошладилар. Тахминан бир соат ичида ғоввос-электросваркачиларнинг уч навбати алмашилиши керак эди. Бу вақтнинг ўтиши жуда ҳам қийин бўлди. Шундай бўлса ҳам Варивода шу бир соат ичида анча дам олиб олди, врач эса камерадаги босимни одам организми учун нормал бўлган даражагача пасайтирди.

Ниҳоят юқоридан электр пармани ишга солиш тўғрисида буйруқ берилди. Дастлаб, кемага ҳаво киритиш учун камера билан сув ости кемасининг палубасини тешиш ва ичкарида сув бор-йўқлигини текшириб кўриш керак эди. Агар тешикдан сув киргудек бўлса Варивода уни дарров сварка қилиб беркитиб ташлаши мумкин эди. Зарур текшириш ишлари олиб бориб, одамлар марказий бошқарув постида бўлиши керак деган хулосага келдилар. У ерга кириш жуда қийин эди. Лекин Маркодан сўраб олинган маълумотлар ва ҳар хил ҳисобларга асосланиб инженер сув ости кемасининг тепасидан марказий бошқарув постига туташ каюталардан бирига кириш мумкин бўлган жойни топди. Агар жанговар рубкани сув босиб кетмаганда эди, ичкарига шу рубка орқали ўтиш анча осон бўларди, лекин энди бундай қилишнинг иложи йўқ.

Электр аррани иккинчи навбатда — ичкарига одам кира оладиган даражада туйнук очиш учун деворни кесишда ишлатиш керак эди.

Камера девори жуда осонлик билан тешилди. Лекин кема деворини тешиш бунчалик осон бўлмади. Қаттиқ пўлат жуда секинлик билан тешиларди. Парма тез-тез қизиб кетарди, шу сабабдан унинг совушини кутиб ишни тўхтатишга мажбур бўлардилар. Варивода қулайроқ бўлсин учун камера деворидан бир квадрат метрнинг ярмисича келадиган жойни арралаб ҳам қўйди. Энди камеранинг сув ости кемасидан ажралиб кетиши эҳтимолига қарши ғоввос билан врач рейд маскаларини кийиб олдилар, лекин ўшандай авария юз бергудек бўлса, улар турган гап, одамларни қутқариб қололмасдилар.

Ҳақат икки соат ишлагандан кейин, Варивода парманинг сув ости кемаси бронини тешиб ўтганини сезди. «Ичкарида ҳаво бўлса, ишлар жойида, лекин сув бўлсачи?» Ғоввос ҳамроҳидан, агар улар сувли жойга тешик

очишган бўлса, бирдан отилиб кирадиган сувни тўхта-тиш учун тайёр туришни сўради. Кейин у секин-аста пар-масини тортиб олди, тешикдан ҳақиқатан ҳам кучли оқим уриб берди, лекин бу сув оқими эмас, ҳаво оқими эди. Бу жуда оғир ҳаво эди. Доктор телефонга вентиля-цияни кучайтиринглар деб қичқирди. Манометр стрелкаси бирдан сакраб кетди: афтидан, сув ости кемасидан сиқик ҳаво отилиб чиқмоқда эди. Бундан ташқари юқоридан келаётган тоза ҳаво ҳам босимни ортдириб юборди. Камер-радаги ҳавони яхшилаб тозалаш учун ундаги ҳавони гоҳ трубопроводдан юқорига ҳайдаш, гоҳ яна худди ўша трубопровод орқали пастга тоза ҳаво юбориш керак эди. Бундай операция камерадаги одамлар учун жуда ҳам ёқадиган иш эмасди. Ун беш минутчадан кейин ка-мерадаги ҳаво бир оз тозаланиб, босим ҳам анча нор-мал ҳолга келди.

Ғоввос сув ости кемасига ярим квадрат метрдан сал ортиқроқ келадиган туйнук очгунича яна икки ярим соат вақт ўтди. Варивода сув ости кемасига ўтяпман деб ха-бар берганда, денгиз устида қош қорая бошлаган эди.

Йўлини электр фонарь билан ёритиб, у олдин гавда-сини пастга туширди, кейин қўллари билан осилиб туш-ди-да, сув ости кемаси палубасидаги қандайдир бир ҳуж-радан чиқиб қолди. Бу бошқа хоналардан маҳкам ёпил-ган люклар билан ажратиб қўйилган алоҳида бир ҳужра эди. Бу люклардан биронтасини бўлса ҳам очиб бўлар-микан, ким билади дейсиз! Агар люкнинг нариёғидаги ҳужрага сув тўлиб қолган бўлса, у дарҳол бу ҳужрани ҳам, декомпрессацион камерани ҳам босиб кетади. Ғов-вос қулоқ сола бошлади. Унинг назарида оёғи остидан алақандай шитирлаган товуш эшитилаётгандек бўлди. У чўзилиб ётди ва қулоғини палубага тутди. Шитирлаган овоз тинмади. У тақиллатиб кўрди, лекин жавоб бўлмади. Аксинча, шитирлаган товуш пасайиб қолди. «Каламуш-лар бўлса керак» деб ўйлади ғоввос. Ҳар ҳолда, эшитил-ган бу товуш ғоввос турган ҳужра билан пастдаги хона-ни бирлаштирадиган люкни баҳазур очса бўлади деган хулосага олиб келарди. Лекин уни очиши биланоқ, Вари-вода яна оғир ҳаво оқимига дуч келди. «Одамларга тоза ҳаво керак» деб ўйлади ғоввос ва докторга: юқорига ҳа-во тозалаш ишларини яна бошлаш тўғрисида хабар қи-линг деб қичқирди. Врач юқорадигилар билан алоқа боғ-лаб турди. Варивода энди дадил оёғини люкка туширди

ва фонарни боши тепасида ушлаб туриб, пастга туша бошлади. Хужра пастаккина эди — унинг оёқлари дарров хужра палубасига тегди — шундан кейин у фонарни юқорида қолдириб, ёритилиб турган люк тагига, қоп-қоронғи хужрага тушиб қолди. Худди шу пайт унинг ёнидан одамнинг кайфини учириб юборадиган ғалати қаҳ-қаҳа эшитилди. Хужрада аллаким ғазаб билан хиринглаб куларди. Бу ақлидан озган кишининг кулгиси эди.

Варивода фонарни қўлига олиб, қаршисидаги кичкинагина каютани ёритди. Ўзидан бир қадам нарида бир одамни кўриб қолди. У стол устида ёнбошлаб ётар, қаршисига даҳшатли кўзлари билан бақрайиб қарар, қўлида эса маҳкам ушлаб олган пичоғи бор эди.

— Профессор Ананьевнинг формуласи...— деб хириллади жинни, унинг кўзлари даҳшат билан чақнаб кетди.

## Х боб

### ЮҚОРИГА УЧИБ ЧИҚИШ

Денгиз устида иссиқ жануб тунн чўкди, юлдузлар милтиллаб кўринади. Осмондан кичкинагина кемаларни: эсминец, пароход, шхуна ва икки баркасан иборат флотилияни ёритиб ярим ой мўралаб турарди. Кемалар орасидан баъзан қайиқлар ва байдаркалар сузиб ўтарди. Кучсиз тўлқинлар секин-аста шалоπλαб қўярди. Денгизда жимжитлик ҳукм суради. Ғоввосларнинг учинчи сме-наси денгиз тагидан қайтиб чиқиб, энди ғоввослик баркасларида дам олмоқда. Ҳали ҳеч ким уйқуга ётгани йўқ ва ётмоқчи ҳам эмас. «Буревестник» нинг вахта хизматидан бўшаган қизил флотчилари ва «Пенай» нинг денгизчилари ўз кемалари палубасида туришарди. «Буревестник» да комиссар, «Пенай» да — помполит ҳар ўн беш-йигирма минутда, баъзан эса бундан ҳам тезроқ саксон беш метр чуқурликда бўлаётган янгиликлар тўғрисида одамларга хабар бериб туришарди.

Баркасларда скафандр ва шлёмлар кийиб олган, командирнинг буйруғи билан дарҳол денгиз тагига тушишга тайёр турган навбатчи ғоввослар траплар устига энгашиб турардилар.

Марко денгиз тагидан берилаётган хабарларни телефон орқали секин, деярли шивирлаб шхунадаги ўртоқла-

рига етказиб турди. «Колумб» да икки балиқчи билан Зоря репродуктор олдидан жилишмасди.

Докторнинг Варивода сув ости кемаси ичкарисидоги люкни очди, деб берган хабаридан кейин, помпалар камерага ҳаво ҳайдаб ва ундаги ҳавони юқорига чиқариб жадал ишлаб кетдилар. Врач жим қолди: телефон трубкасидан биронта ҳам товуш эшитилмасди.

— Ғоввос люкдан қўшни хонага ўтпти,— деб хабар берди врач.

Яна телефон жимиб қолди.

— Алло! Ҳаво ҳайдашни бас қилинглр.— Ғоввос тушиб кетган ҳужрадан шовқин эшитяпман.

Шундан кейин навбатчи телефонист аҳволингиз қалай деб уч марта сўрашига қарамай, деярли бир минут ҳеч қандай жавоб бўлмади. Фақат тўртинчи марта савол берилганида врач:

— Ғоввос бир телба одамни топди,— деб жавоб қилди.

Командир билан комиссар ўзларини ўраб олган одамларга ҳеч нарса демадилар.

— Қандай чоралар кўряпсиз?— деб сўради командир.

— У уни ҳушидан кетказиб қўйди.

— Ким кимни?

— Варивода телбани. Мен телефон олдидан кетяпман, ҳозир беморни кўргани пастга тушаман. Бу ерда телефон шури калта, шунинг учун бир оз вақтга сиз билан алоқани тўхтатамиз. Камеранинг ҳавосини янгилашни давом этдиришлар.

Шундан кейин орага жимлик чўкди. Врач, афтидан, телефон трубкасини ташлаб, сув ости кемасига тушиб кетган бўлса керак.

— Нима дедингиз?— деб сўради комиссар командирдан, кемаларнинг экипажларига охириги янгиликни билдириш учун.

— Иккаласи ҳам кема ичига тушиб кетдилар.

Комиссар кемаларга охириги янгиликни етказди. Юзлаб одамлар денгиз тагидан энди қандай хабар чиқаркин деб, нафасларини ичларига ютиб турдилар. Орадан бир, икки, уч минут ўтди... беш минут ўтди. Комиссар ҳеч нарса тўғрисида хабар бермади. Телефон орқали декомпрессацион камера билан боғланган уч кишининг биттаси ҳам ҳеч нарса эшитмади. Пастда аллақандай бахтсизлик юз бергандек туюларди. Лекин камерага сув бостириб

кирган бўлса, шовқин эшитилган бўларди. Эҳтимол, сув ости кемасидаги ҳаво жуда ҳам сиқикдир, шунинг учун врач билан ғоввос ҳушидан кетиб қолгандир? Инженер камерадаги ҳавони тезроқ чиқариб ташлашни буюрди.

— Алло!

— Қим бу?— деб учаласи барабар сўрашди.

— Вариводаман. Марказий бошқарув постидан одамларнинг мурдасини топдим. Командир каютасига очиладиган эшик ичкарасидан ёпиқ. Электр пармани сув ости кемасига олиб ўтгачман. Беш минутдан кейин ток беринглар. Туйнук очиб, ичкаридаги ҳавоми ёки сувми эканини аниқлашга ҳаракат қилиб кўраман.

— Айтиб қўйинг — эҳтиёт бўлсин, деб буюрди командир, телефонистга.

— Есть!

— Яна бир соат ўтди. Ой ботиб борарди. Трофимов қизил флотчиларга ҳали ҳам ухлаш тўғрисида буйруқ бермади. У қизил флотчиларнинг барибир ухламасликларини билар эди.

— Ғоввос командир каютасининг эшигини тешди.— деган врачнинг товуши эшитилди.— Ичкаридан ҳаво чиқяпти.

— Анави...— Командир гапни тугатмади. У «телбанинг аҳволи қалай» деб юборишига сал қолди, лекин вақтида буни сезиб қолиб, тилини тийди.

— Ўзига келди. Ҳар эҳтимолга қарши унинг қўлларини боғлаб қўйдик. У жуда ҳам оғир яраланган, қўли — елкасигача, оёғи — биқинидан тиззасигача тилиб ташланган.

— Варивода нима қияпти?

— Капитан каютасининг эшигини арралаяпти.

— Битта қароқчини тирик топишганини хабар қилинг,— деди командир, комиссарга.— У ўзига келибди.

— Қиз-чи?— деб шивирлаб сўради комиссар.

Командир индамади. Тирик топилган қароқчи тўғрисидаги хабар қизиқиб қарши олинди, лекин ҳамма авария буйи ичига солинган хатни ёзган қиз тўғрисида ўйларди.

Яна ҳамма ёқ жим бўлиб қолди. Бир соат ўтди. Декомпрессацион камерага қулоқ солиб турган уч кишининг биронтаси ҳам ҳеч нарса демасди. Лекин бир соатдан кейин командир электросварка асбоблари билан тўрт ғоввосни сув тагига тушуришни буюрди. Улар сув ости ке-

масининг бронини бундан олдин сварка қилинган жой атрофидан ўйиб кесиш тўғрисида буйруқ олдилар, бу ишни шундай қилишлари керак эдики, Баривода ўзи кесган деворни сварка қилиб улаб қўйгандан кейин, сув ости кемаси бронини кесаётганда кема билан камеранинг илгариги сварка қилиб уланган жойини бир-биридан ажратиб юбормаслик чораларини кўриш керак эди.

— Жангчиларга айтинг, ухлашсин,— деди командир, вахтада турган матросга.— Камерани икки соатдан кейин кўтарамиз.

Кейин капитан-лейтенант трубкани ёрдамчисига тутқазди, комиссарнинг қўлтиғидан олди-да, иккаласи замбарак ёнидаги кнехт устида ўтирган профессор Ананьев олдига келдилар.

— Андрей Гордеевич, юринг, менинг каютамга кирамиз, деб профессорни ичкарига таклиф қилди командир.

Комиссар Трофимов овозида шу вақтгача сира ҳам эшитмаган меҳрибонликни сизди.

Профессор ўрнидан турди. Бу таклифнинг орқасида аллақандай бир муҳим нарса борлигини сезиб, у бардам ва дадил қадам ташлашга тиришарди. Лекин унинг тиззалари букилиб-букилиб кетар, оёқлари эса нима учундир титрарди. Комиссар уни қўлтиқлаб олди-да, меҳрибонлик ва эҳтиёт билан олиб кетди.

Улар кичкинагина каютага кирдилар. Командир одатдагидек фуражкасини бошидан олиб, стол устига қўйди. Комиссар Ананьевни креслога ўтқазди. Каюта иллюминаторияда вентилятор ғувилларди. Командир уни, гўё ҳалақит қилаётгандек, ўчириб қўйди-да, профессорга ўғирилди:

— Андрей Гордеевич, бардам бўлинг, гапимга қулоқ солинг.— Томоғига бир нарса тиқилгандек у тупугини ютди.— Ҳозир сув юзига декомпрессацион камерани кўтаришади. Унда Люда... У оғир аҳволда.

Профессор Ананьев қимир этмади, фақат кўзлари катта очилди. У капитан-лейтенантга гўё бир нарсани англаб олмоқчи бўлаётгандек қараб турарди.

— У-я?...— деб секин сўради профессор.

— Жуда оғир аҳволда,— деб жавоб берди комиссар ва қовоғини солди.


Каюта эшиги очилди. Командир ёрдамчиси тақиллатмай тўппа-тўғри кириб келди.



— Кечирасизлар,— деди у, ҳамма унга қаради.— Кечирасизлар, кўнгилсиз воқиа юз берди: декомпрессацион камера билан боғланган телефон сими узилиб кетди. Ғоввослар, камера жуда катта куч билан юқорига чиқиб кетяпти деб хабар қилдилар. У понтонни деярли юқорига кўтариб кетяпканмиш.

Командир билан комиссар юқори палубага чопиб чиқиб Марко олдидан ўтиб кетдилар.

Ой уфқ орқасига ботмоқда эди. Ғоввослар камера фақат ўн метр чуқурликда турибди деб хабар беришганда, тонг отиб қолган эди. Шу пайт камерани понтонларга улаб турган арқон узилиб кетди. Денгиз юзида сув вақир-вуқур қила бошлади, камера лоп этиб денгиз тагидан сув юзига чиқди. Кейин бир секундгина сув тагига чўкиб кетди-да, энди «Пенай» олдидан чиқди. Марко телефон трубкасини ташлаб, ўзини денгизга отди-да, «Пенай» қайиқлари билан камера турган жойга қараб сузиб кетди. У ерда денгизчилар катта оғир калитлар билан эшикни очмоқда эдилар. Марко эшикни очиб бўлганларида етиб келди-да, фонарлар ёруғи остида лип этиб камерага кириб олди. Ҳамманинг олдидан бошини ушлаб врач энгашиб турарди, унинг ёнида телба ўтирар, телбанинг орқасида эса тиззалаб олган Варивода пешонасини ишқамоқда эди. Камера ўртасида қимир этмай Люда ётарди.



## Э П И Л О Г

Баҳор келди. Орол билан қитъа ўртасидаги қўлтиқда биронта ҳам муз парчаси қолмади. Утлоқлар кўм-кўк майса билан қопланди, дастлабки гуллар очила бошлади. Орол устидан жануб тарафдан қайтаётган қушлар кечасию кундузи тинмай учиб ўтарди. Денгизга балиқчиларнинг шалаңдалари чиқа бошлади.

Соколиний кўрфазига тобора кўпроқ пароходлар келар ва қурилиш материалларини туширарди. Балиқ инспекторининг уйи олдига вақтинча пристань қурдилар. Ториянтли тепага тор изли темир йўл қуриш ишлари бошланди, тепа атрофида иш қизиб кетганди.

Шундай кунларнинг бирида саёзликлар орасидан усталлик билан ўтиб, «Колумб» шхунаси маяк қаршисида лангар ташлади. Шхунадан кичкинагина қайиқ туширилди, у соҳилга тез етиб келди. Қумга қоқиб қўйилган қозиққа қайиқни боглаб қўйиб, Стах Очерет қирғоққа тушди. Уни кичкина Грицко биринчи бўлиб қаршилади. Кейин уйдан боланинг отаси, унинг кетидан эса онаси билан Махтей бобо чиқиб келдилар.

Стах саломлашди. Уни хурсандлик билан уйга таклиф қилдилар.

— Сизларга хат олиб келдим,— деди шкипер.— Лево бизнинг денгиздаги балиқчи шхуналарнинг энг яхши мотористлари слётига борди. Маркони кўрибди. Мана!— деб шкипер чўнтагидан хат олиб берди.

Отаси конвертни йиртиб, хатни овоз чиқариб ўқий бошлади:

— «Қадрдонларим! «Отвага» деган елкавли кема ўқувчиларни бутун дунёни айланиб қилинадиган таълим сафарига олиб, йўлга чиқади. Кема командаси юқори

курс студентларидан иборат. Мен имтиҳонларни вақтидан олдин «аъло»га топширдим. Мени иккинчи курсга ўтказдилар ва узоқ сафарга олиб кетяптилар. Биз Махтей бобо кўрган уч океан ва жуда кўп денгизлардан сузиб ўтамиз, Оловли Ерга, Австралияга, Ҳиндистонга, Жанубий Африкага ва бошқа мамлакатларга борамиз. Қизил байроғимизни шу вақтгача биронта ҳам совет пароходи кирмаган жойларда кўрсатамиз. Сафар вақтида ўқишимизни давом этдирамиз — ўқитувчиларимиз ҳам биз билан бирга кетяптилар. Қайтиб келганимиздан кейин техникумнинг охириги курсига имтиҳон берамиз. Ўзимиз кирган ҳар бир портдан хат ёзишга ваъда бераман. Грицкога эса марка ва конвертлар коллекцияси йиғишни маслаҳат бераман. Мен унга қўлимдан келганча ёрдам қиламан.

Яна охириги янгиликларни билдирмоқчиман сизларга: Люда билан Зоряни комсомолга қабул қилдилар. Людани Анч ва унинг ёрдамчиси билан юзма-юз учрашувга чақирдилар. Иккаласи ҳам бутун гуноҳларига иқроор бўлишди. Люда энди мутлақо тузалиб кетди, ўртоқларига етиб олишга ҳаракат қиляпти. Зоря бизнинг техникум қошидаги рабфакка кирди. У сув ости кемасининг командири бўлишни орзу қилиб юрибди.

Сиздан хат ва бобомдан қайси палмаларга, риф ва атоллларга салом айтишим тўғрисида кўрсатмалар кутаман. Сизнинг Марко.»

Кеч кирди. Баҳор ва денгиз ҳиди димоққа уриб турарди. Жуда баландда қушларнинг катта бир галаси учиб ўтиб борарди. Бу Африкадан ватанига қайтиб келаётган оққушлар эди.

Орол тепасида ой кўриниб, қамишзорларни, буталарни, торианитли тепани ёритди. Маяк учиб ўтаётган қушларга тунги йўлни ёритиб берарди, қушлар эса денгиздан кесиб ўта туриб, узоқ саёҳатдан кейин дам олиш учун оролга қўниб, дам олишга ошиқарди.

Дмитро Завирюха маякнинг аппарат бўлимига вахтага чиқди. Кичкина уйдагиларнинг ҳаммаси ухлагани ётган эдилар. Маяк атрофида ва ҳовлида жимжитлик ҳукм суради, уйдаги одамларни аллалаб, бир оҳангда қиргоққа келиб секин-аста урилаётган тўлқинларнинг текис шалоплашигина жимликни бузар эди.

Кечаси кекса Махтей уйғониб кетди. Деразадан ой мўралар ва хонанинг ичини ёритиб, уй полига стол ва стулларнинг соясини туширган эди. Кроватда Грицко ўти-

рарди. У ҳам уйғоқ бўлиб ойнинг ёруғи тушиб турган деразага ўйчанлик билан қараб ўтирарди.

— Нега ухламай ўтирибсан, Грицко?— деб сўради чол.

— Ўйлаяпман, бобо.

— Нимани ўйлаяпсан?

— Катта бўлганимда ким бўлсам экан?

— Ўзинг ким бўлмоқчисан?

— Шкипер ёки адмирал бўлмоқчиман, ёки Находка сингари мард бўлмоқчиман.

— Ухла, Грицко. Катта бўлгунингча ўйлаб топарсан.

— Мен, бобо, капитан-лейтенант сингари жанговар кеманинг командири бўламан.

Бобо набирасининг бошини ёстиққа қўйди, устига одеял ёпди-да:

— Ухла, командир!— деди.

Ой секин-аста дераза олдидан узоқлашиб, хона ичидаги қоронғилик қуюқлашаверди.

Соатлар ўтди. Ой орол орқасига ўтиб яширинди, денгиз қоронғилик ичига чўкди, юлдузлар чарақлар, маяк эса бир текисда иккита узун ва иккита қисқа ёниб, узоқ-узоқларга нур берар, гоҳ ўчиб, гоҳ ёниб турарди.

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ ҚИСМ

<i>I боб.</i> Зонт кўтарган нотаниш қиз . . . . .	5
<i>II боб.</i> „Колумб“ да . . . . .	9
<i>III боб.</i> Юнга . . . . .	12
<i>IV боб.</i> Торианитли қум . . . . .	15
<i>V боб.</i> Лузани сафари . . . . .	18
<i>VI боб.</i> Агент № 22 . . . . .	22
<i>VII боб.</i> Мусобақа . . . . .	25
<i>VIII боб.</i> Находка . . . . .	32
<i>IX боб.</i> Фотограф Апч . . . . .	37
<i>X боб.</i> Андрей Гордеевич Ананьевнинг формуласи . . . . .	41
<i>XI боб.</i> Шам кўтарган қиз . . . . .	47
<i>XII боб.</i> Қум тепада . . . . .	52
<i>XIII боб.</i> Совға . . . . .	57
<i>XIV боб.</i> Денгизда чўмилиш . . . . .	63
<i>XV боб.</i> Трифенилометринли папирос . . . . .	68
<i>XVI боб.</i> Кавальчукнинг қайтиши . . . . .	72
<i>XVII боб.</i> „Кавказ“ ошхонаси . . . . .	76
<i>XVIII боб.</i> Оролда байрам . . . . .	81
<i>XIX боб.</i> Анч планларини амалга оширади . . . . .	86
<i>XX боб.</i> Находкани қидириш . . . . .	91
<i>XXI боб.</i> Чангаллар орасидаги макон . . . . .	98
<i>XXII боб.</i> „Буревестник“ да . . . . .	101
<i>XXIII боб.</i> Нақд тўланган хизмат ҳақи . . . . .	107
<i>XXIV боб.</i> Доклад . . . . .	111

### ИККИНЧИ ҚИСМ

<i>I боб.</i> Кўрфаздаги мурда . . . . .	114
<i>II боб.</i> Ташвиш билан ўтган кеча . . . . .	117
<i>III боб.</i> Сўнгги ов . . . . .	123
<i>IV боб.</i> Шўнадаги суҳбат . . . . .	124
<i>V боб.</i> Тумандаги қичқириқ . . . . .	130
<i>VI боб.</i> Ғоввослар сув остида . . . . .	136
<i>VII боб.</i> „Альбатрос“дан топилган нарса . . . . .	140
<i>VIII боб.</i> Балиқ ахтарувчилар . . . . .	143
<i>IX боб.</i> Ҳужум . . . . .	148
<i>X боб.</i> Душман кўринмас қалпоқ тагида . . . . .	154
<i>XI боб.</i> Сўроқ . . . . .	159
<i>XII боб.</i> „Буревестник“ разведкага борди . . . . .	170

<i>XIII боб.</i> Хайрлашув хати . . . . .	174
<i>XIV боб.</i> Люда кўришишни сўради . . . . .	179
<i>XV боб.</i> Кўк пакет . . . . .	184
<i>XVI боб.</i> Торпеда юборилди . . . . .	188
<i>XVII боб.</i> Асирлардан ўч олиш . . . . .	194
<i>XVIII боб.</i> Яна разведкага . . . . .	200
<i>XIX боб.</i> Очиқ денгизда . . . . .	207
<i>XX боб.</i> Зенит пулемётлар ўти ости да . . . . .	213
<i>XXI боб.</i> Самолётда елканлар . . . . .	221
<i>XXII боб.</i> Сирли пароход . . . . .	227
<i>XXIII боб.</i> Ёиртқишлар . . . . .	234
<i>XXIV боб.</i> Сув ости кемасида . . . . .	239
<i>XXV боб.</i> Номаълум мухбир . . . . .	247
<i>XXVI боб.</i> Ёнғин . . . . .	252
<i>XXVII боб.</i> Сув ости кемаси билан жанг . . . . .	260

#### У ЧИНЧИ ҚИСМ

<i>I боб.</i> Шафқат ҳамшираси . . . . .	270
<i>II боб.</i> Анчоус . . . . .	279
<i>III боб.</i> Яна бир учрашув . . . . .	285
<i>IV боб.</i> Жанубга . . . . .	294
<i>V боб.</i> Тўлқинлар орасидаги пақир . . . . .	301
<i>VI боб.</i> Қасирга . . . . .	305
<i>VII боб.</i> Ёлғиз ўзи . . . . .	311
<i>VIII боб.</i> Кайман . . . . .	318
<i>IX боб.</i> Қувиш . . . . .	322
<i>X боб.</i> Эрталаб . . . . .	332
<i>XI боб.</i> Синов . . . . .	338
<i>XII боб.</i> Мурданинг кўз ёшлари . . . . .	348
<i>XIII боб.</i> Сувдаги доғлар . . . . .	353

#### ТўРТИНЧИ ҚИСМ

<i>I боб.</i> Тириклайн кўмилганлар . . . . .	357
<i>II боб.</i> Янги шкипер . . . . .	364
<i>III боб.</i> Кичкина хабарчи . . . . .	368
<i>IV боб.</i> Вақт секин ўтмоқда . . . . .	370
<i>V боб.</i> Қуёш гази . . . . .	377
<i>VI боб.</i> Умидни уза бошладилар . . . . .	381
<i>VII боб.</i> Фоввос сув тагига тушмоқда . . . . .	386
<i>VIII боб.</i> „Гурс-гурс“ . . . . .	390
<i>IX боб.</i> Декомпрессацион камера . . . . .	395
<i>X боб.</i> Юқорига учиб чиқиш . . . . .	401
Эпилог . . . . .	406

ЎРТА ВА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

*На узбекском языке*

Н. ТРУБЛАНИ

ШХУНА „КОЛУМБ“

Перевод с издания Детгиза 1951 г.

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1958

Редактор *Ҳ. Рузметов*

Рассом редактор *Г. Бедарев*

Техредактор *Т. Скиба*

Корректор *Н. Содиқов*

\* \* \*

Теришга берилди 18/VII—1958. Босишга рухсат этилди 15/XI—1958.  
Формат 8<sup>1</sup>/<sub>2</sub>Х108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 12,875 Шартли босма л. 21,11 Нашр л. 22,4  
Тиражи 3000. Индекс *н/а*. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти.  
Тошкент, Навоий 30. Шартнома № 321—56

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмаханаси.  
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. Заказ № 453. Баҳоси 7 с. 70 т.